


И. У. АКИМОВ

Саноат хом ашёси  
ва материаллари  
товаршунослиги




626.1

А 41

И. У. АКИМОВ

# САНОАТ ХОМ АШЁСИ ВА МАТЕРИАЛЛАРИ ТОВАРШУНОСЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта мак-  
сус таълим вазирлиги "Моддий ресурсларни  
бошқариш ва ишлаб чиқариш воситалари ул-  
туржи савдосини ташкил этиш" ихтиносолиги-  
дан таълим олувчи талабаларга дарслик сифа-  
тида рухсат этган



ТОШКЕНТ  
ЎЗБЕКИСТОН  
1993

Тақризчилар:

Иқтисод фанлари доктори, профессор Г. А. ВАСИЛЬЕВ  
техника фанлари номзоди, доцент Э. И. ИВАНЦОВА;  
техника фанлари доктори профессор П. Н. ТЮТИН.

Муҳаррир: З. Аҳмаджонова

Акимов И. У.

Саноат хом ашёси ва материаллари товаршунослиги: Олий ва урта маҳсус таълим вазирлиги "Моддий ресурсларни бошқариш ва ишлаб чиқариш воситалари улгуржи сафосини ташкил этиш" ихтинослигидан таълим олувчи талабаларга дарслик.— Т.: Ўзбекистон, 1993.—364 б.

ISBN 5-640-01472-5

Дарслик мавжуд "Ишлаб чиқариш воситаларининг товаршунослиги" курсининг дастурига мувофиқ ёзилди. Дарсликда ишлаб чиқариш — техника аҳамиятидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш асослари, таснифи, хоссалари, сифати, товар турлари, уларни марказлаш принциплари, етказиб бериш, сақлаш ва ташиш шароитлари тўғрисидаги зарур маълумотлар бор.

Дарсликни ёзишда металл ва металл маҳсулотларга, кимё саноати маҳсулотларига, саноат ёқилигиси ва қурилиш материалларига оид стандартлардан фойдаланилди.

Китоб "Моддий ресурсларни бошқариш ва ишлаб чиқариш воситалари улгуржи сафосини ташкил этиш" ихтинослигидан таълим олувчи талабаларга мўлжалланган. У моддий-техника тъминоти амалий ходимларига ҳамда саноат корхоналарининг кенг доирадаги мутахассисларига ҳам наф келтиради.

Акимов И. У. Товароведение промышленного сырья и материалов.

ББК 30.3-9-73

А 210100000-117 93  
M351(04)93

## СҮЗ БОШИ

Мамлакатимиз иқтисодиёти тез ривожланастыган ва фан-техника тараққиети ютуқлари жорий этилаётган ҳозирги босқичда халқ хұжалигини моддий ресурслар билан үз вақтида таъминлаб туриш ва улардан өңилонға фойдаланиш, номенклатура сифатини яхшилаш ва тако-миллаштириш ҳал қылувчи ақамият касб этиб бормоқда. Моддий-техника таъминоти системаси ҳам жиддий тако-миллаштиришга муҳтождир. У халқ хұжалигининг бир маромда барқарор ишлашига ёрдам берувчи тезкор иқтисодий механизмға айланмоги лозим. Ишлаб чиқарувчи билан истсемолчи уртасида шартномалар асесидаги узоқ муддатли бевосита алоқалар үрнатишига, маҳсулот стказидер бериш интизомини мустаҳкамлашыға фаол күмак бериш тегишли идораларнинг бевосита вазифасидир. Ишлаб чиқарыш воситалари улгуржи савдосини ривожлантирмоқ лозим. Шу муносабат билан умуман Моддий-техника таъминоти хұжалик механизмини — тағминот органлари системасини, ташкилий түзилишини, ресжалаштириш услуглари ва таъминот режаларини амалга оширишни, таъминот шаклларини, хұжалик қысметини жорий этиш ва қоказоларни такомиллаштиришга алоқида ақамият берилади. Шунингдек ресурсларни ҳамма өралар билан тежаб-тергаш ва бу ишда ҳанузгача өзіндік камчилікларга барқам беришга ҳам ақамият берилади.

Халқ хұжалигыда бошланған катта күләмдаги қайта қуриш шароитларида моддий-техника мутахассислари зыммасига катта масъулият юқланади. Улар чуқур иқтисодий билимдан ташқари зарур техника билимнің ҳам эга бўлишлари керак, улар турли техника адабиётлари, маҳсулот маълумотномалари, стандартлари,

таснifikаторларидан, саноат каталоглари ва ахборот берувчи бошқа хил материаллардан фойдалана билишлари, математика, статистика, ҳисоб техникасини билишлари керак. Техник билим таъминот ҳодимларининг саноат ҳом ашёси ва материалларининг истеъмол хоссаларини ҳамда уларни ишлаб чиқариш асосларини билиб олишларига, маҳсулот сифатини синааб кўриш ва уни назорат этиб боришларига, ўзлаштиришларига, техник ўлчов усуллари ва воситаларини ўрганишларига, тобора ўсиб бораётган маҳсулот сарфи меъсрларини аниқлай билишларига, маҳсулотни етказиб беришни ташкил этишга, уни тўғри сақлаш ва ундан оқилона фойдаланишга, таъминотни ва сотишни бошқаришнинг автоматлаштирилган тартибини жорий этишга ёрдам беради.

## КИРИШ

### ҮҚУВ ФАНИ, МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Товаршунослик илмий фан сифатида товарларнинг истеъмол қийматини, яъни уларнинг инсон конкрет эҳтиёжларини қондира олиш хоссаларини тадқиқ этади. Товарлар инсон эҳтиёжларини қондира олиш қобилиятлари туфайли фойдали булади. Аммо, инсон меҳнати билан яратилиб, сотиш (айрибошлаш) учун ёки шахсий истеъмол учун мўлжалланган маҳсулотларгина товар бўла олади. Шунинг учун ҳам товарнинг истеъмол қиймати муайян меҳнат билан белгиланади. Товар меҳнат маҳсули сифатида истеъмол қиймати реализация этилганида, яъни истеъмол этилаётганидагина ўзини намоён этади.

Илмий фан бўлган товаршунослик диалектик билиш услубига асосланади. У физика ва кимё маълумотларидан фойдаланади, технологик фанлар ва материалшунослик билан чамбарчас алоқада булади. Товаршусларга метрологикага оид маълумотлар ўлчов ишлари бир хилда бўлишини таъминлаш ва замонавий ўлчов техникасидан фойдаланишни яхшилашда, квадратметрияга (аниқлик класлари) оид билимлар эса товарларнинг сифатини ўрганишда асқотади.

Товаршуносликнинг асосий вазифаси — товарларнинг таснифини, уларни синаб кўриш услубларини ишлаб чиқишидан ҳамда сифатига баҳо беришдан, товарнинг истеъмол хоссалари ва сифатини сақлаш энг мақбул шароитларини аниқлаш ва ҳоказолардан иборатdir. Бу фан ҳалқ истеъмол молларини эмас, балки ишлаб чиқариш воситалари ҳисобланган ишлаб чиқариш-техника аҳамиятига эга бўлган маҳсулотларнинг меҳнат ашёлари ва воситаларини ўрганади. Кейинги йилларда товаршунослик соҳасида каттагина муваффақиятларга эришилди:

саноат хом ашёси ва материалларининг ички тузилиши ва хоссаларини тадқиқ этиш, шунингдек уларнинг сифатига баҳо беришининг замонавий услублари ишлаб чиқилди, маҳсулотни таснифлаш, стандартлаш ва маркалаши юзасидан катта ишлар бажарилди, уни самарали сақлаш усувлари ишлаб чиқилди, товаршуносликка доир хилма-хил илмий адабиёт ва маълумот берувчи адабиётлар нашр этилди. Товаршунослик асосларини чуқур билмай туриб ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлаб бўлмайди. Халқ хўжалигининг моддий-техника таъминоти деб аталган мустақил соҳаси, халқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаб туради.

Дарсликда ишлаб чиқариш — техника аҳамиятидаги асосий маҳсулот турлари (металлар, металл маҳсулотлар, кимё саноати маҳсулоти, саноат ёқилғиси ва бинокорлик материаллари), уларнинг истеъмол хоссалари кўриб чиқилади ҳамда моддий ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланиш вазифалари ва истеъмолчиларни тегишли турдаги, сифатли маҳсулот билан чақон таъминлаб туриш вазифаларидан келиб чиқиб энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш технологиясининг асослари баён қилиб берилади, саноат маҳсулотини стандартлаш, уни таснифлаш ва маркалаш, ундан оқилона фойдаланиш, етказиб бериш, сақлаш ва ташиш масалалари ёритилади.

Саноат хом ашёси ва материалларининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш технологияси асосларини билиш турли хил ишлаб чиқариш усувларининг маҳсулот сифатига таъсирини белгилаш учун зарурдир. Саноат хом ашёси ва материалларининг асосий истеъмол хоссаларини ўрганиш, уларнинг сифатига баҳо бера билиш моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжни, материаллар сарфи миқдорини ҳамда уларни бир-бирига нечоғли алмаштириш мумкинлигини етарлича аниқ белгилашга, илмий асосланган сақлаш шароитларини ишлаб чиқаришга имкон беради. Металл товарларнинг истеъмол хусусиятлари металлар ва қотишмаларнинг ички тузилишига кўп жиҳатлардан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам металл модданинг ички тузилишини ҳамда металл ва қотишмалар тузилишининг товарлар хоссаларига таъсирини ўрганиш металл товарлар товаршунослигининг назарий асоси ҳисобланади. Металл товарлар сақланётганида, ташлаётганида ва ишлатилаётганида коррозия улар учун кўп тарқалган смириш ва бузиш тури ҳисобланади. Баён этилаётган курснинг энг муҳим масалаларидан бири

маҳсулотни стандартлашдан иборатдир. Саноат хом ашёси ва материалларнинг ҳар хил турларига давлат стандартлари уларнинг истеъмол хусусиятларини регламентга солади. Тўғри таснифлаш (товарларни турли аломатларига кўра бўлиш) ҳамда товарни гузилиши, материалининг тури, хоссалари, ишлаб чиқариш ва қўлланиш усулига кўра гуруҳлашнинг товаршуносликда аҳамияти каттадир. Кўпдан-кўп номенклатурадаги турли товарларни бирмунча камроқ сондаги гуруҳларга келтириш натижасида уларни ўрганиш, омборларда жойлаштириш ва бошқа ишлар енгиллашади. Ўрганилаётган курсда хом ашё ва материалларни маркалаш принциплари ҳамда буюмларнинг шартли белгиларига муҳим ўрин берилади. Маҳсулот сифатига стандартлардан, техник шартлар ва юқ жўнатиш ҳужжатларидан фойдаланиш чогида, йиллик талабномаларни тузишда, маҳсулотни ҳисобга олиш ва ундан фойдаланишда шуларни билиш зарур. Маҳсулотни сақлаш ва ташиш шарт-шароитлари билан, унда рўй берадиган ўзгаришлар билан танишиш натижасида таъминот ходимлари маҳсулотнинг нобуд бўлишини камайтирадилар ва уни ишлаб чиқариш жараёнида бунёд этилган истеъмол хоссаларини сақлаб қоладилар.

### **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА АҲАМИЯТИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ТАСНИФИ ВА ТАВСИФИ**

#### **Саноат материаллари ва ускуналари маҳсулотларини таснифлаш ва кодлаш қонун-қоидалари**


Республикамизда ишлаб чиқариш усули шароитларида таъминот жараёни халқ хўжалигини ишлаб чиқариш — техника аҳамиятидаги маҳсулот билан моддий-техника таъминоти шаклини олади. Мамлакатимизда моддий-техника таъминоти тартиби маданият, соғлиқни сақлаш, маориф, хизмат кўрсатиш каби ноишлаб чиқариш соҳасининг корхоналари ва ташкилотларини истеъмол буюмлари билан таъминлаш вазифасини ҳам адо этади. Айрибошлаш ва айлантириш доирасидан ўтувчи ишлаб чиқариш воситалари (саноат хом ашёси, материаллар, буюмлар, машиналар, ускуналар ва бошқалар), шунингдек ноишлаб чиқариш соҳасида ижтимоий қиймат бўлмиш ашёлар ишлаб чиқариш-техника аҳамиятидаги маҳсулот номини олди. Қурилиш обьектларини материаллар ва ускуна билан таъминлаш жараёни моддий-техника таъминотининг бир тури бўлади. Моддий ресурсларнинг

электр энергияси ва табиий газ каби турлари билан таъминлаб туриш ва сотиш вазифасини халқ хўжалигига тегишли тармоқларининг бошқариш органлари бажаради. Бу маҳсулотларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш қарийб бир вақтга тўғри келади. Ишлаб чиқариш-техника аҳамиятидаги маҳсулот номенклатурасида минглаб ҳар хил турлар бор. Шунинг учун ҳам саноат маҳсулотини айрим бўлинмалар бўйича тартибга солиб, гуруҳлаб чиқилғанидагина, яъни бу маҳсулот тасниф этилганидана оз вақт ичida уни мумкин қадар чуқур ва бирма-бир ўрганиб чиқса бўлади.

Кўпдан-кўп ашёларни бирон умумий алломатига кўра гуруҳлар, синфлар ва бошқа бўлинмаларга тақсимлаш таснифлаш дейилади. Маҳсулотни биргина алломатига кўра тартибга солиш гуруҳлаш дейилади. Одатда таснифлаш оддий гуруҳлашдан фарқ қиласи ва ўзаро боғланган бир неча тақсимот босқичлари бўлади. Бир-бирига муайян тарзда бўйсенишган бўлинмали маҳсулотни таснифлаш йўли иерархик тартибга солиш дейилади.

Саноат маҳсулотларининг асосий таснифлаш алломатлари қўйидагилардир: келиб чиқиши (қора металлургия, машинасозлик, кимё саноати, нефтни қайта ишлаш саноати ва ҳоказолар); ишлаб чиқариш жараённида қатнашуви (хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи ҳамда электр энергияси ва бошқалар); вазифаси (флюслар, дизель ёнилғиси, совитувчи суюқликлар, пайванд электродлари ва ҳоказо). Ишлаб чиқариш-техника аҳамиятидаги маҳсулот шакли, катталиги ва бошқа алломатлардан иборат табиий ҳолатига кўра ҳам тасниф қилинади. Мамлакатимизда саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг умумий таснификатори (МУТ) — саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг тартибга солинган ва тасниф этилган рўйхати ишлаб чиқилган бўлиб, улар муайян алломатларига кўра гуруҳлаштирилган ҳамда муайян тур ўлчамига қараб кодлаштирилган. Маҳсулот сарфини ҳамда маҳсулот запасларини нормаллаштиришда, моддий техника таъминоти режаларини ишлаб чиқишида, халқ хўжалигини моддий ресурслар билан таъминлаш ҳолатини назорат этиб туришда ва бошқа ишларда ана шу таснификатордан фойдаланилади. Кодлаштириш на-тижасида маҳсулот номларига шартли белгилар (кодлар, шиферлар, номенклатура номери) қўйилади, бу нарса мураккаб номлардан қочишга, иқтисодий ахборот ишлаб чиқиши автоматлаштиришга имкон беради.

Маҳсулот Умумиттифоқ таснификатори техника иқтисодий ахборотини таснифлаш ва ўзлаштириш ягона тартибининг таркибий қисми бўлиб, исархик таснифий гуруҳларга асосланади ва мамлакатдаги мавжуд режалаштириш ҳамда халқ хўжалигини бошқариш принципларига мувофиқ маҳсулотни тартибга солиш ҳамда қайси тармоққа мансуб эканлигини белгилаш имконини яратади. Таснификаторда саноат ва қишлоқ хўжалиги ҳар бир тармоғининг маҳсулоти шу тасниф учун хос тегишли иқтисодий аломатлар асосида синфлар, кичик синфлар, гуруҳлар, кичик гуруҳлар ва турларга тақсимланади. Шу билан бирга тасниф ҳар бир босқичининг маҳсулоти тегишли аломат билан аниқлаштирилади; тўла (ассортимент) номенклатурадаги таснифий тур гуруҳлари кейин аниқлаштирилади. Бу эса ишлаб чиқариладиган ашё ҳамда маҳсулот етказиб бериш тўғрисида яхлит бир тасаввур ҳосил қилдиради. Таснификаторда маҳсулотни кодлаш учун хоналари яхлит рақам тартибидан фойдаланилади. Бу нарса моддий ресурсларни режалаштириш, уларни тақсимлаш ва улардан фойдаланишини тегишли ҳисоб-китобларини бажариш учун ҳисоб техникаси воситаларини қўллашга имкон яратади. Узунлиги бўйича ягона б ҳонали код белгиси олинган Олий таснифий гуруҳлар (ОТГ) маҳсулот умумиттифоқ таснифлашнинг дастлабки босқичларини ташкил қиласди. Аниқ маҳсулот МУТ тармоқ бўлимларида узунылиги бўйича 10 ҳонали ягона код белгиси билан тўла (ассортимент) номенклатурада етказиб берилувчи ашё ҳолида кўрсатилган. Маҳсулот қад белгисининг умумий тузилишини жадвал тарзида кўрсатиш мумкин.



Қайси тармоққа тегишли эканлигининг аломатларига күра бутун маңсулот 98 бўлимга: 01, 02, 03, ...., 96,97 ва 98 га бўлиб чиқилган.

МУТдан фойдаланилаётганида қуйидаги хусусиятлар ва қисқартириш қондаларини назарда тутиш зарур:

— бундан аввалги ном такрорланганда тўлиқ номнинг бошлангич қисми тушириб қолдирилади ва тирс қўйилади;

— бундан аввалги (ёки унинг қисми) қисқартирилган номнинг тушириб қолдириувчи қисмiga мувофиқ келганида қия чизиқ билан ажратилади.

Гуруҳ номларини қисқартириб ёзилишига мисол:

12 7500 — пўлат тур (пайвандланадиган тур бу ҳисобга кирмайди);

12 7501 — руҳланган;

12 7502 — тўқилган;

12 7503 — ўрилган.

МУТ ОТГ таснифий гуруҳ номларини ҳамда уларнинг код ортиб бориш тартибида жойлашган код белгиларини ўз ичига олади.

МУТ ОТГ гуруҳини белгилаш мисолидаги 22 7113 коди қуйидагиларни билдиради:

22 — полимсрлар, пластмассалар, кимёвий тола ва каучуклар;

22 7-кимёвий тола ва ип;

22 71 сунъий тола ва ип;

22 711 сунъий тола;

22 7113 — сунъий мис-аммиакли тола.

Саноат корхоналари ва бирлашмаларининг режа ишлари ва оператив ишларида маңсулотнинг номенклатура нархи — истеъмол этувчи материалларнинг таснифий рўйхатидан (уларнинг қисқача техникавий тарихи, шартли белгилари ва режадаги нархи кўрсатилган бўлади) кенг кўламда фойдаланилади. Бу муҳим норматив ҳужжатни корхона ёки бирлашманинг таъминот бўлими ишлаб чиқади ва моддий техника таъминоти режаларини тузишда, хўжалик шартномаларини тузишда, моддий бойликларни рўйхатга олишда, фойдаланилмаётган моддий ресурсларни қидириб топишда, омбор хўжалигини ташкил этишда (моддий бойликларни қабул қилиб олиш, уларни тўғри жойлаштириш, бериш ва ҳисобга олишда) таъминот жараёнини бошқаришдаги механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган режа ҳисоб ишларида фойдаланилади. Номенклатура — нарх энг мақбул ва тежамли хом ашё ҳамда материалларни танлаб олиш, ишлаб чиқаришда

улардан мүмкін қадар оқылона фойдаланишда күп жиҳатдан ёрдам беради ва құйидаги дастлабки маълумотлар асосида ишлаб чиқылади:

— саноат ва қышлоқ хұжалик маҳсулотининг умумиттифоқ тасніфатори;

— ушбу корхоналарда ишлатилаётган материал сарфининг ихтисослашған месъёрлари;

— омборларда қандай ва қанча материал борлигига қараб корхона бұлинмаларининг машина-ускуна, асосий ва ёрдамчи материалларга берган талабномалари;

— материал ва ускуналарга құйилған нарх прейскурантлари;

— юк ташиш тарифлари, юк ортиш-тушириш ишлари қиймати ва құшымча баҳо;

— маълумотномалар, ГОСТлар, техник шартлар ва бошқалар.

Корхона ишида ва бошқа бұлимларда материалларнинг номенклатура нарындан фойдаланилади: Режа бұлимида корхонанинг ишлаб чиқариш, техника-хұжалик молия фаолиятининг бир қанча бұлимларини ишлаб чиқысада;

ұсаб бұлимида зса материалларнинг қийматини ұсабога олишда, маҳсулот таннархини ұсаб қилишда ва бошқа ишларда фойдаланилади.

### Ишлаб чиқариш техника ажамиятидаги маҳсулоттунинг қисқача таърифи

Саноат маҳсулотининг асосий хоссалари. Ишлаб чиқариш-техника ажамиятидаги маҳсулот хоссалари билан таърифланади. Маҳсулоттунинг хоссалари уни тай-еरлаш ва үндән фойдаланиш чөгіда намоен бұлади ва маҳсулоттунинг истесім болып қийматини белгилаб беради. Хоссалар мутлақ қийматлар билан ифодаланади ва материал ұмда хом ашёларнинг муайян турлари учун доимий бұлади. Тайёр бұлған ашёларнинг хоссалари, уларнинг ишлатиш чөгіда пухталиги ва қанчалик чидаши, шунингдек ташиш ва сақлашда у қандай қолатда булиши хом ашё ва материалларнинг дастлабки хоссаларига бояғып бұлади. Асосий хусусият күрсатқыштарини билиш материалларнинг бири ўрнига иккінчисини алмаштиришга — тақчил материалларни тежаш, бирмунча арзон маҳаллій материаллардан фойдаланиш, маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадларыда, шунингдек ишлаб чиқариш дастурини адойтыштырып зарур хил үлчамдаги

материаллар омборда бўлмаганида режада кўзда тутилган материаллар ўрнига бошқа материаллар бериб юборишига имкон яратади. Хусусиятлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг дастлабки бош таърифи бўлади. Маҳсулотнинг физик, кимёвий, физик-кимёвий, механик, технологик хоссалари унинг истеъмол қийматини белгилаб берувчи асосий хоссалардир. Маҳсулотдан фойдаланиш жараёнида унинг нечоглиқ фойдали бўлишини белгиловчи хоссалар истеъмол хоссалари дейилади. Бу хоссалар саноат маҳсулотидан фойдаланиш жараёнида унинг бирон хусусиятини кўрсатади.

Хом ашё, материал ва маҳсулотларнинг массаси: зичлиги, ҳажми (уйма) массаси, 1 м<sup>2</sup> массаси ва бошқалар; материал ва маҳсулотларнинг ўлчам кўрсаткичлари; эриш ҳаракати, иссиқдан кенгайиш, термик чидамлилик, ўртача чидамлилик каби термик хоссалари; электр ўтказувчанлик, электрик қаршилик, дизлектрик сингдирувчанлик, электрик пишиқлик каби электр хоссалари; магнит сингдирувчанлик, магнитланиш ва магнитсизланиш тезлиги каби магнит хоссалари; товуш ўтказувчанлик, товуш ютувчанлик каби акустик хоссалари; ранг, ялтираш, шаффофлик, нур сингдирувчанлик каби оптик хоссалари; сув, газ, чанг ва ҳаво сингдирувчанлик, уюшиб қолиш, қочиш каби сорбцион хоссалари физик хоссалар қаторига киради. Муайян мақсадлар учун хом ашё ва материал танлашда физик хосса кўрсаткичларини билиш зарур. Материал ва ашёларнинг кўпгиҳа турлари учун физик хосса кўрсаткичлари давлат стандартлари билан нормалаб берилади.

Кимёвий хоссалар хом ашё, материал ва шулардан ясалган тайёр буюмларнинг турли кимёвий модда ва смирувчи муҳит таъсирига бўлган нисбатини кўрсатади. Сувга, кислотага, ишқор, бензин ва мойга чидамлилик, ёруғлик таъсирига муносабати (эскириши), шунингдек активлиги (бошқа маҳсулот турлари билан ўзаро таъсирида бўлиши) қобилияти саноат маҳсулотининг асосий кимёвий хоссалари қаторига киради. Эрувчанлик, қовушоқлик, ёниш иссиқлиги, детанацион чидамлилик, алланга олиш ва қотиш ҳарорати каби физик-кимёвий хоссалар саноат маҳсулотининг сифатига анча таъсир этади.

Чўзиш, сиқиш, эгилишга чидамлилик, деформация (чўзиш, сиқиш, суриш, буриш ва бошқалар), қаттиқлик, зарб қовушоқлилиги, мўртлик, эластиклик, пластиклик, чидамлилик саноат маҳсулотининг энг муҳим механик

хоссалари ҳисобланади. Ишлаб чиқаришда ёки фойдаланишда турли ташқи күчлар дуч келувчи материаллар ва буюмларни таърифлашда механик хоссалар назарда тутилади. Хом ашё ва материалларнинг вазифаси, детал ва ашёларнинг пухталиги ва кўпга чидаши уларнинг механик хоссаларига боғлиқ бўлади. Материал ва буюмларнинг механик хоссалари давлат стандартлари билан нормалаштирилади ва маҳсулот етказиб беришда юк жўнатиш ҳужжатларида кўрсатилади.

Саноат хом ашёси ва материалларининг технологик хоссалари уларнинг турли хил ишловларга нечоғлиқ майиллик хусусиятини кўрсатади. Терилувчанлик — болгалинувчанлик, суюқ ҳолда ҳаракатчанлик, тобланувчанлик, пайвандланувчанлик, елимланувчанлик, кесилувчанлик, қиздирганда ёпишувчанлик, яхши бўялувчанлик, қуриш ва қотиш қобилияти ва бошқалар саноат маҳсулотининг асосий технологик хоссаларидир. Материал ва тайёр маҳсулотларга технологик ишлов бериш режимларини аниқлаш учун уларнинг технологик хосса кўрсаткичларини билиш, шунингдек маҳсулот тайёрлаш турли услубларининг маҳсулот сифатига таъсирини аниқлаш учун уларнинг технологик хосса кўрсаткичларини билиш зарур. Саноат маҳсулоти технологик хоссаларининг асосий кўрсаткичлари давлат стандартлари билан меъёрида берилади.

Маҳсулотнинг сифати ва сифатни оширишга таъсир этувчи омиллар. Маҳсулотнинг вазифасига мувофиқ ҳалқ ҳўжалиги муайян эҳтиёжларини қондира олувчи хоссалари мажмуига сифат дейилади. Маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги низомда бу маҳсулот сифати жиҳатидан белгиланган тартибда тасдиқланган стандартлар, техник шартлар ва намуналарга мувофиқ келмоғи кераклиги кўзда тутилган. Маҳсулотнинг сифати катта аҳамиятга эга, чунки у фан-техника тараққиётининг суръатларини белгилаб беради, жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини юксалтиришнинг, материал ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги босқичида, мамлакат ҳалқ ҳўжалигини ривожлантиришда маҳсулот сифатини муттасил юксалтириб бориш мамлакат иқтисодий сиёсатининг асосий муаммоларидан биридир. Саноат корхоналарида маҳсулот сифатига давлат аттестацияси жорий этилган. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган кўп хил маҳсулотлар

жаҳондаги энг яхши стандартлар даражасига етмоқда. Шундай бұлсада, турли хил чиқитлардан маҳсулоттинг истроф булиши ҳамон кеттадыр. Кейинги вақтларда маҳсулот сифатини янада яхшилаш масалаларига алоқида зътибор берилмоқда. Тайёр маҳсулот сифатига таъсир этувчи асосий омиллар орасыда дастлабки хом ашे ва материаллар сифатига ҳамда уларга ишлов бериш технологик жараёни даражасига сезиларлы үрин ажратылған.

Хом аше ва материаллар тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда ишлатилади ва улар кончиллик, металлургия, кимё саноати, бинокорлик материаллари саноати, халқ хұжалиғи бошқа тармоқтарининг маҳсулотидір. Хом аше материаллар келиб чиқиши, кимёвий таркиби, турли хоссаларига күра тасніф этилади. Хом аше ва материалларнинг таркиби ва хоссалари тайёр маҳсулот сифатига таъсир этади. Масалан, темир руда таркибидеги олтингугұрут пұлаттанның технологик хоссаларини пасайтириб уни мұрт ва иссиқдан (чұғ ҳолида) синувчан қилиб құяды, фосфор эса пұлаттанның қаттықлигини оширади, зарбий қовушқоқлигини пасайтиради. Мана шу аралашмалар миқдорини камайтириб пұлат сифатини оширишга эршилади. Хом аше ва материалларнинг сифат күрсаткышларини билиш натижасыда хоссалари олдиндан белгиланған маҳсулот тайерлаб чиқариш, янги, янада илғор хом аше ва материал турларидан фойдаланиш ҳисобига хом аше базасини кенгайтириш, тайёр маҳсулот сифатини юксалтириш мүмкін бўлади. Тайёр маҳсулоттнинг сифати лойиҳа-технология ҳужжатларини тайерлаш ҳамда ишлов бериш технологик жараёни даражасига боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқарувчи ташкилот буюртмачи (асосий истеъмолчи) талабномаси асосида ишлаб чиқадиган техник топшириқ лойиҳа-техника ҳужжатларини тайерлашнинг дастлабки босқичи бўлади. Техник топшириқда маҳсулоттнинг мақсади ва вазифаси, ватан ва чет зл фани, техникасининг илғор ютуқларини, маҳсулотни стандартлаш, унинг патент жиҳатидан ҳалоллик даражасини назарда тутган ҳолда қўйилувчи техник талаблар, иқтисодий кўрсаткышлар, назорат этиш ва қабул қилиб олиш тартиби, маҳсулоттнинг техник даражаси ва сифати юзасидан кутилаётган кўрсаткышлар аниқлаб чиқилади. Буюртмачи билан келишиб олинган техник топшириқ асосида техник ечим (мумкин бўлган ечимларнинг энг

яхши варианти) тузылади, сүнгра эса техник лойиҳа ва иш ҳужжатлари тузылади. Буюртмачи давлат стандартлари тақозосига кўра ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш юзасидан асосланган самарали методлардан фойдаланиб, янги маҳсулотни ўзлаштиришга киришади ва норматив-техник ҳужжатларида белгилаб берилган кўрсаткичлар савиёсида маҳсулот тайёрлаш сифатини гарантиялайди. Технологик ишлов бериш жараённада дастлабки хом ашё ва материалларга турли хил (физик-кимёвий, термик, механик) таъсир қилинади ва бунинг натижасида маҳсулот зарур ташки кўринишга, шакл-шамойилга, бошқа хил истеъмол хоссаларига эга бўлади. Хом ашё ва материалларга ишлов бериш технологик жараёни режимлари ва параметрларини бузиш натижасида маҳсулот чиқитта чиқади, шунинг учун ҳам бунга йўл қўйиб бўлмайди. Маҳсулот ишлаб чиқаришда нуқсоnlарнинг олдини олиш ёки уларга барҳам бериш унинг самародорлигини оширади. Шу маҳсулотни тайёрлаш социал ва иқтисодий жиҳатдан нечоғлик мақбул эканлиги, одамларнинг ҳунар маҳорати ва уларнинг ўз меҳнати натижаларидан, тайёр маҳсулотни етказиб бериш, ташиб ва сақлаш шароитлари ва ҳоказолардан моддий манфаатдорлиги маҳсулот сифатини яхшилашда катта рол ўйнайди.

Саноат маҳсулоти сифатининг даражаси маҳсулотнинг бир ёки бир неча хоссаларининг миқдорий таърифидан иборат тегишли кўрсаткичлар билан белгиланади. Бу кўрсаткичлар маҳсулотни тайёрлаш ва ундан фойдаланишда муайян шароитларга татбиқан унинг сифатини белгилаб беради. Сифат кўрсаткичлари таърифланаётган хоссаларининг миқдорига кўра яккаш ва комплекс кўрсаткич бўлади. Маҳсулот сифатининг яккаш кўрсаткичи фақат биргина хоссаси, масалан, чўян ёки пұлатнинг қаттиқлигини кўрсатади. Одатда бундай кўрсаткич Гостандарт органлари тасдиқлаб берган тегишли тармоқ усуllари билан белгиланади. Комплекс сифат кўрсаткичи эса маҳсулотнинг бир неча хоссаларини кўрсатади. Чунончи бунда маҳсулот хоссалари комплекси белгиланган сифат талабларини қондирганидагина маҳсулот сифатли деб ҳисобланади. Товарнинг кимёвий таркиби, механик хоссалари, макротузилиши, микротузилиши ва бошқа таърифларига берилган баҳо чўян ёки пўлат сифатининг комплекс кўрсаткичига мисол бўла олади. Маҳсулотнинг комплекс сифат кўрсаткичларини давлат стандартлари белгилайди.

Маҳсулот сифатининг кўрсаткичлари турли натура бирликлар билан, ўлчовсиз миқдорлар билан ифодаланади улар маҳсулот бирлигига, бир жинсли ва турли жинсли маҳсулот бирликлари мажмуга нисбатан қўлланилиши мумкин. Сифат кўрсаткичлари номенклатураси маҳсулотнинг вазифасига кўра белгиланади: кўп мақсадлардаги вазифаларга аталган маҳсулот учун кўрсаткичлар номенклатураси одатда кўп сонли бўлади, бир мақсадга аталган маҳсулот учун эса бир маъноли кўрсаткичга эга бўлади. Шунингдек тўғри, билвосита, нисбий, интеграл ва базавий сифат кўрсаткичлари ҳам бўлади. Тўғри сифат кўрсаткичлари маҳсулотнинг истеъмол хоссалари билан (масалан, чўян ёки пўлат пишиклигининг кўрсаткичлари) бевосита боғланган бўлади, билвосита кўрсаткичлар эса бир қанча омилларга (масалан, чўян ёки пўлатнинг кимёвий таркиби) боғлиқ хоссалар билан бевосита боғлик бўлади. Нисбий сифат кўрсаткичи муайян маҳсулот сифати кўрсаткичининг тегишли этalon базаси кўрсаткичига бўлган нисбати билан аниқланади ва ўлчамсиз миқдорлар билан ифодаланади.

Маҳсулот сифатининг интеграл кўрсаткичи *I* сифат техник-иқтисодий даражасини кўрсатишда фойдаланилади ва маҳсулотдан фойдаланиш *Э* йигиндиси фойда самарасининг маҳсулотни яратишга *Зс* ва ундан фойдаланишга *Зф* кетган йигинди сарфларга бўлган нисбати билан аниқланади ва қуйидаги:

$$I = \frac{Э}{З_с + З_ф}$$

формуласи билан ҳисоблаб чиқарилади.

Базавий кўрсаткичлар этalon учун қабул қилинган маҳсулот сифатини кўрсатади ва турли маҳсулот сифатига қиёсий баҳо беришда қўлланади.

Маҳсулот сифатини назорат этиб туриш услублари гоят хилма-хил: визуал кўздан кечириш, оргонолептик таҳлил қилиш ва асбоблар билан назорат қилишдан иборат бўлиши мумкин. Сифатни аниқлаш босқичига қараб дастлабки, оралиқ ва узил-кесил назорат хиллари бўлади. Олдиндан назорат чогида дастлабки хом ашё сифатига баҳо берилади, оралиқ назоратида хом ашёга ишлов бериш борасида технологик жараёнга нечоғлиқ риоя этилаётганлигига баҳо берилади. Узил-кесил назорат тайёр маҳсулот сифатини, унинг яроқлилиги ва стандарт-

ларга нечоғлиқ мұвоғиқ келиш-келмаслигини белгилайди. Стандартлар ва техник талабларға ҳамда техник шартларға тамомила мос келадиган маңсулот яроқли қисобланади. Ишлаб чиқариш борасыда нұқсанлари бүлган, шунингдек стандартлар ва техник шартлардан четда бүлган маңсулот чиқитта чиқарилади. Маңсулотнинг чиқити тузатса бүладиган ва тузатыб бүлмайдиган маңсулотларға булинади.

Маңсулот сифатини оширишда сифат техник назоратини ташкил қилиш мұхим восита бүлади. Саноат корхоналарида техник назорат бүлими бошқармаси (ТНБ) маңсулотнинг сифатини техник назоратдан үтказиб туради. ТНБнинг асосий вазифалари стандартлар ҳамда лойиҳа-техника ҳужжатларининг талабларига, маңсулот етказиб бериш шартлари ва шартномада күзде тутилган мажбуриятларға мұвоғиқ келмайдиган маңсулот тайёрлешнинг олдини олишдан иборат бүлади. Шу билан бирга орхона ТНБи илгор назорат услуглари ва воситалари жорий этилиши устидан техник назорат тартибини ҳамда маңсулот сифатига баҳо беришнинг илгор услуглари ва воситаларининг жорий этилиши, янги стандартлар ва бошқа норматив — техник ҳужжатлардан фойдаланишини, ТНБ ходимлари малакасини оширишини, ишлаб чиқарилаётган маңсулот сифатини яхшилашни күзловчи ташкилий техник тадбирлар ишлаб чиқиши устидан техник назорат тартибини муттасил такомиллаштириб бормоги керак. ТНБ бошлиғига құйидаги ҳұқықтар берилген:

— стандартлар ва техник шартларнинг талабларига мұвоғиқ келмайдиган хом ашे ва материаллардан фойдаланишини, маңсулотни қайта ишлаш борасыда белгиланған технология бузилған ҳолда маңсулот ишлаб чиқаришни, норматив техника ҳужжатлари талабларига риоя этмасликни ман қилади ва айни маҳалда корхона раҳбарини бу ишлардан оғоҳ қилади;

— белгиланған стандартларга мұвоғиқ келмайдиган маңсулот қабул қилиш назоратини тұхтатади, сифатсиз маңсулот ишлаб чиқариш сабабларига бархам беришни талаб этади, сифатсиз маңсулот тайёрланғанлығы учун айбдор кишиларни жавобгарлікка тортиш тұғрисида корхона раҳбарига таклиф киритади.

### МАҢСУЛОТЛАРНИ СТАНДАРТЛАШ

Стандартлаш ва стандартлар тұғрисида түшунча. Стандартлаш — муайян соңада ~~мәннен көп~~ мөнде берилген

Бұх. ТИП п ЛП  
БИГЛІОТЕКА

ларнинг иштирокида уларнинг манфаатини кўзлаш, жумладан, ишлатиш шартлари ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилгани ҳолда ялпи энг мақбул тежамга эришиш учун фаолиятни тартибга солиши мақсадида қоидалар белгилаш ва уларни қўллашдан иборатдир. Стандартлаш фан-техника тараққиетининг ютуқларига асосланади ва ҳалқ хужалигининг ҳозирда эмас, шу билан бирга келажакда ҳам ривожланишини белгилайди. Стандартлаш иқтисодиётни бошқариш, моддий техника базасини яратиш суръатларини такомиллаштиришга бевосита таъсир этувчи турли хил масалалар катта доирасини ўз ичига олади.

Ҳозирги вақтда амалда бўлган давлат стандартлаш тартиби иқтисодиёт ҳамма бўғинларини бир бутун қилиб бирлаштиради ва мамлакат ҳалқ хўжалиги барча тармоқларида стандартлаш соҳасидаги фаолиятни ташкил қиласди: стандартлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш, ўтказиш услуби ва режалаштириш тартибини, стандартларни ишлаб чиқиш, расмийлаштириш, тасдиқлаш, жорий этиш, муомалага қўйиш, уларга ўзгартришлар киритиш, шунингдек уларга риоя этишни назорат қилиб бориш фаолиятини ташкил қиласди. Давлат стандартлар қўмитаси (Госстандарт) стандартлаш ишларига раҳбарлик қиласди. Госстандарт органларида стандартлаш ва метрология билан шугулланувчи илмий тадқиқот билимгоҳлари ва лабораториялари бор. Муайян фаолият соҳаларида бажарилиши мажбурий норма, қоида, талаблар комплексини белгиловчи норматив-техника ҳужжатлари тартиби стандартлаш негизини ташкил қиласди. Стандартлар ва техник шартлар асосий норматив-техника ҳужжатлари бўлади. Корхоналар ишлаб чиқарадиган ҳар қандай маҳсулот муайян талабларни қондирмоғи лозим. Бу талаблар стандартлар билан белгиланади. Стандарт маҳсулотни тайёрловчи билан уни истеъмол этувчи ўртасида, ишлаб чиқариш жараёнининг талаблари билан маҳсулотларни ишлатиш шартлари ўртасида алоқа боғлашга имкон беради. Моддий-техника таъминоти ходимларининг амалий фаолиятида материаллардан оқилона фойдаланиш ҳамда таъминлаш жараёнини самарали бошқариш учун ГОСТлар зарур. Стандарт (инглиз тилидан таржима қилганда "меъёр", "намуна", "андаза" сўзларини билдиради") стандартлаштириладиган обьектга нормалар, қоидалар, талаблар комплексини белгилаб беради ва уларни салоҳиятли (воқифона) органлар тасдиқлаб беради. Ўлчов

бүрликлари, атамалар ва белгилар, хом ашё, материаллар, турли ашёлар, синаш ва ўлчаш усуллари, технологик жараёнлар, маҳсулот сифатига, моддий бойликларни сақлашга қўйилувчи техник талаблар, одамларнинг хавфсизлиги ва бошқалар стандартлаш объектлари бўлади. Техник шартлар маҳсулотнинг янги типлари ва маркаларига, ёхуд чекланган ҳолда қўлланувчи стандартлаш объектларига комплекс талабларни белгилаб беради. Стандартлашга доир норматив-техника ҳужжатлари туғалланган илмий тадқиқот ёки тажриба-конструкторлик ишларининг натижаларига кўра ишлаб чиқилади. Стандартлаш ишлари давлат тусида бўлиши давлат стандартлари заминида бўлган энг илгор илмий ва техникавий ечимлар натижаларидан мамлакат ҳалқ ҳўжалигига қонун йўли билан фойдаланиш имкониятларини таъминлаб беради. Стандартлаш хом ашё, материал, машина ва ускуналарни бир-бири билан ўзаро алмаштириш принципидан фойдаланишга имкон беради, биргина корхона миқёсидагина эмас, шу билан бирга ҳалқ ҳўжалигининг бутун бир соҳасида, борингки, бутун ҳалқ ҳўжалигига ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс ҳолда механизациялаштириш ва автоматлаштириш учун, ишлаб чиқаришни ихтисослашни ривожлантириш учун шароитлар яратиб беради.

Стандартлаш ҳалқаро илмий-техника ҳамкорлиги ва савдо-сотиқни ривожлантиришга ҳам катта таъсир кўрсатади.

Стандартлаш категориялари ва турлари. Стандартлашнинг маҳсулот сифатини яхшилашга таъсири. Жамоат ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва маҳсулот сифатини яхшилашда стандартлашнинг роли алоҳида аҳамиятга эгадир.

Стандартлар қўйидаги категорияларга бўлинади: — ГОСТлар, тармоқ стандартлари — ОСТлар, корхоналарнинг стандартлари — СТПлар.

Давлат стандартлари кўплаб ва оммавий ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга, шунингдек нормалар, параметр, ўлчамлар, қондалар, илмий-техник атамалар ва белгиларга: ўлчов бирликлари, энг муҳим маҳсулот турларига, саноат ва қишлоқ ҳўжалик хом ашёси ҳамда материалларига, фойдали қазилма ва ёқилғига, маҳсулот сифат кўрсаткичлари ва уни назорат этиб тuriш услубларига, маҳсулотни таснифлаш ва кодлаш тартиб-

лари, конструкторлик, технологик ва ремонт ҳужжатларига, хавфсиз меҳнат шаромитлари ва меҳнат-кашлар соғлигини сақлаш ишлари ва бошқаларга қараб белгиланади. ГОСТларни Госстандарт тасдиқлайди, алоҳида муҳим ГОСТларни эса (тасдиқланган рўйхатга мувофиқ) Республика Вазирлар кенгаши тасдиқлайди ва улар мамлакат ҳалқ ҳўжалигини ҳамма тармоқларида жумҳурият ва маҳаллий ҳалқ ҳўжалик ташкилотлари бўйсунадиган барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар учун мажбурийдир. Тармоқ стандартлари техника аҳамиятига эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга ва унинг шу тармоқ учун хос бўлган кам серияли ва серияли ишлаб чиқариш қисмларига (асбоблар, машиналар, ускуналар ҳамда уларнинг қисмлари, агрегатлар ва бошқалар) кўра белгиланади. ОСТларни етакчи вазирликлар тасдиқлаб беради ва уларни шу тармоқнинг барча корхоналари, ташкилотлари, шунингдек ушбу маҳсулотдан фойдаланувчи бошқа тармоқларнинг корхоналари ҳам бажариши мажбурийдир. Корхоналарнинг стандартлари фақат шу корхонада ишлатилувчи нормалар, услублар, қоидалар, талаблар, маҳсулот ва ашёларга белгиланади. СТПлар мавжуд тармоқ ва давлат стандартлари асосида ишлаб чиқилади ва корхона ишлаб чиқарувчи маҳсулот сифатини яхшилашни назарда тутади. Уларни корхонанинг раҳбари, ёки бош муҳандис тасдиқлайди, улар ушбу стандартни тасдиқлаган корхона ҳудудидагина яроқли бўлади.

Стандартлар мазмуни ва вазифасига кўра қўйидаги асосий турларга бўлинади: техник шартлар; техник талаблар; маҳсулот параметрлари ва ўлчамлари; маркалари ва турлари, назорат этиш ва қабул этиш услублари, маркалаш, пакетлаш, ташиш ва сақлаш. Қоидалари. Техник шарт стандартлари муайян бир маҳсулот ишлаб чиқарилётганда ва у етказиб берилаётганда, ишлатилаётганида унинг истеъмол баҳоларига, шунингдек назорат этиш, қабул қилиб олиш, маркалаш, пакетлаш, сақлаш ва ташиш қоидаларига қўйилувчи техник талабларни (тартиб-қоидалар) белгилайди. Умумий техник шартларнинг стандартлари бир жинсли маҳсулотнинг муайян гуруҳларига шунга ўхшаш талаблар қўяди. Техник талабларнинг стандартлари маҳсулот (ёки буюмлар)нинг тури ва вазифасига кўра месъёр ва талабларни белгилайди. Шу месъёр ва талабларга риоя этилса энг олий сифат таъминланади. Параметр ва ўлчамларнинг стандартлари

унификация этиш ва ўзаро алмашинишни таъминлаш мақсадларида тайёр ашёлар ёки ашё айрим деталларининг шакл ва катталигини белгилайди. Маркаларнинг стандартлари хом ашё ва материаллар маркаларининг кимёвий таркиби ёки номенклатурасини, бир қанча ҳолларда эса уларнинг истеммол тавсифларини белгилаб беради, сортамент стандартлари эса маҳсулот ва буюмларнинг геометрик шакл ва ўлчамларини белгилаб беради. Назорат услубларининг стандартлари маҳсулотни синааб кўриш учун намуна олиш тартибини, таҳлил усуллари ва ўлчаш услубларини белгилаб беради, қабул қилиш қондаларининг стандартлари эса маҳсулот ва ашёларни қабул қилиш тартибини, шунингдек синаш дастурлари ва услубларини белгилаб беради. Маркалаш, пакетлаш, ташиш ва сақлаш қондаларининг стандартлари маҳсулотнинг асосий товар таърифларини акс эттирувчи истеммол маркаланишига қўйиладиган талабларни, маҳсулотнинг истеммол хоссалари сақланишини таъминловчи пакетлашга ва техник жиҳатдан месъёларига қўйиладиган талабларни, мана шу операцияларда маҳсулот сифат кўрсаткичларини сақлаш мақсадида маҳсулотни сақлашга қўйиладиган талабларни белгилайди.

Давлат стандартларига муайян белгилар берилади. Бу белгилар ҳарфлар, рўйхат номери ва ишга туширилган йилдан иборат бўлади (масалан, ГОСТ 305—82 "Дизель ёқилгиси"). Эскирган кўрсаткичларни алмаштириш ҳамда фан-техника тараққиёти ютуқларини акс эттириш мақсадида нозик стандартлар ва техник шартлар беш йилда бир марта қайтадан кўриб чиқилади ва янгиланади. Давлат, тармоқ, республика стандартлари ҳамда корхоналарнинг стандартлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга нормалар, қоидалар ва талабларни белгилар экан, унинг сифати анча яхшиланишига кўмак беради. Бунда корхоналар маҳсулот сифатининг берилган параметрларини таъминлаш учун янги техникани жорий этиш ҳамда ишлаб чиқаришни қайта қуриш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш ва сифатни техник назоратдан ўtkазиб туришни, маҳсулотга давлат аттестациясини ва давлат қабулини жорий этишни кўзловчи маҳсус ташкилий техник тадбир-чораларни ишлаб чиқади. Корхоналарда маҳсулот сифатини яхшилаш маҳсулот сифатини комплекс бошқариш ташкилий техник негизи бўлган корхона стандартига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Мамлакатимиздаги корхоналар ишлаб чиқараётган жамики маҳсулот

кўрсаткичлари юзасидан иккита; олий ва биринчи категорияларга бўлинади. Ватанимиз ва чет элларнинг энг яхши стандартларига мувофиқ келувчи сифат кўрсаткичлари юзори, ташқи бозорда рақобат қила оладиган, иқтисодий самарадорликни таъминлаудиган маҳсулот олий сифат категориясига киради. Мавжуд стандартлар ва техник шартларнинг замонавий талабларига мувофиқ келувчи ва мамлакат ҳалқ ҳужалигининг эҳтиёжларини қондирувчи маҳсулот биринчи сифат категориясига киради. Маҳсулотнинг сифати вақт-вақти билан аттестациядан ўтказиб турилади. Олий ва биринчи категория ишлаб чиқариш — техник аҳамиятидаги маҳсулотга уч йилгача муҳлат билан берилади. Аттестациядан ўтган маҳсулотни чиқариш тайёрловчига, шунингдек истеъмолчига катта моддий манфаат келтиради.

Корхоналарда ишлаб чиқарилётган маҳсулотнинг техник даражаси устидан идорадан ташқари маҳсус назорат тури — давлат қабули маҳсулот сифатини кескин равишда яхшиловчи муҳим бўғин бўлиб қолмоги керак. Давлат қабулини жорий этиш ишлаб чиқаришни, маҳсулот сифатини яхшилаш ва давлат стандартларининг талабларига тўла мувофиқ равишда уни зарур норматив-техник ҳужжатлар билан таъминлашни кўзда тутади.

Давлат қабули органлари янги стандартлар ва техник шартлар қандай жорий этилганлиги ва уларга риоя қилинаётганлигини текшириб боради, техник ҳолатни ҳамда маҳсулотни қабул қилиб олиш ва синашда ишлатилувчи назорат ўлчов асбоблари, ускуналари, приборлари, мосламалари ва синов қурилмалари ўз вақтида текширувдан ўтказиб турилишини, ҳар қандай тайёрлаш босқинчидаги маҳсулот сифати ва қабулини назорат этиб туради, маҳсулот стандартлар, техник шартларнинг талабларига, тасдиқланган (этalon) намуналарга, лойиҳа-конструкторлик ва технологик ҳужжатларга, стказиб бериш шартлари ва шартномаларга мувофиқ келиш-келмаслигини текшириб боради.

Давлат қабулига келтирилувчи маҳсулотни олдин корхонанинг техник назорат хизмати қабул қилган бўлмоги лозим. Давлат қабулига ўтмаган маҳсулот корхонадан ортиб жўнатилиши мумкин эмас.

Давлат қабулини жорий этиш билан техник назорат ходимларининг масъулияти кўтарилди. Республика вазирлар Кенгаши тасдиқлаган "Бирлашмалар ва корхоналарда маҳсулотнинг давлат қабули тўғрисидаги низом"га муво-

ФИҚ корхоналардаги давлат қабул органлари Республика давлат стандартлар құмитасига бүйсунади ва ана шу құмита сметаси ҳисобида туради. Бирон шароитда сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарылған бұлса, корхонанинг раҳбарлари күрган чоралар етариға самара бермаса, давлат қабул органларининг ходимлари ана шу корхона системасыда бұлған вазирик ёки идорага, шунингдек Республика давлат стандартлар құмитасига бу ҳақда хабар беради.

### САНОАТДА ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

Мамлакатымız иқтисодиетини юксалтиришда илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришга ниҳоятда мұхим ажамият берилмоқда.

Халқ хұжалигини фан ва техниканинг энг янги жүтуқлари асосида тубдан қайта қуриш, хұжалик механизмини, бошқарышни тартибга солиш илмий техника тараққиётининг белгілаб берувчи воситаларидир. Илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш учун аввало структура ва инвестиция сиёсатини үзгартирмоқ — диңқат марказини миқдорий күрсаткычлардан сифат ва самардорликка, оралық күрсаткычлардан пировард натижаларға күчирмоқ, ишлаб чиқариш фонdlарини көнгайтиришдан уларни янгилашға үтмоқ, әқиғи, хом ашे ресурсларини күпайтиришдан улардан фойдаланишни яхшилашға үтказмоқ зарур.

Машинасозлик илмий техника тараққиётини жадаллаштиришда ұал қылувчи роль үйнайды. У асос замин илмий техникавий ғояларни ишлаб чиқади, халқ хұжалигининг бошқа тармоқларидаги тараққиётта замин бұлған янги иш қуроллари ва машина системаларини яратади. Шунинг учун ҳам машинасозлик комплекси олдига машина-ускуналар ва асбобларнинг техник-иктисодий даражасы ва сифатини кескін равища юксалтириш вазифасы құйылған. Келажакда бу тармоқни ривожлантиришга олдингіга қараганда күпроқ капитал маблаглар ажратылған.

Қайта қуриш зарурати илм-фан олдига янгидан-янги вазифаларни: илм-фан билан ишлаб чиқариш алоқасини мұстақкамлаш, илмий ғоялар вужудға келишидан то амалда кенг күламда құлланишигача аниқ ва тез үтишига әрішмоқ вазифаларини құяды. Илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришни бошқариш иқтисодий стратегияси мавжуд воситаларни мұхим йұналишларға солиш,

текширувидан пухта ўтган, мүмкін қадар күпроқ самара берувчи техник янгиликлардан кенг күламда фойдаланишга ёрдам беради. Бу янгиликлар меңнат унумдорлигини күп марта юксалтирувчи принципиал янги машина ва ускуналар яратып борасыда илмий-лойиҳавий ва конструкторлық ечимларини сабитқадамлык билан тез олиб боришга имкон беради.

Илгор технологияларни кенг күламда үзлаштириш илмий техника тараққиётининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Фоят юксак босим ва импульс нагрузкалардан фойдаланишни кўзда тутувчи мембрана, лазер, плазма технологияси каби принципиал янги технологиялар ҳам катта ўрин тутади. Уларни ишлатиш күламлари бир неча баравар ортади. Меңнат сифати ва шароитларини яхшилашга, унумдорлигини юксалтиришга даъват этилган ишлаб чиқарышни механизациялаш ва автоматлаш илмий техника тараққиётининг бошқа бир йуналиши ҳисобланади. Келажакда умуман ҳалқ хўжалиги бўйича автоматлаштириш дарожаси икки баравар ортади, тармоқда технологик жараёнларни автоматик бошқариш тартибини жорий этиш анча ортади. Янги авлод серунум техникани ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқарышга жорий этишни жадаллаштириш, ишлаб чиқарилаётган техникани янгилаш суръатларини анча орттириш мўлжалланади. Ҳалқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида машина-ускуналарни электронлаш, робот техникасини, ротор линиялари ва ротор-конвейер линияларини кенг күламда ривожлантириш, меңнат унумдорлиги ва шароитларини кескин равишда юксалтирувчи автоматлаштирилган эпчил ишлаб чиқаришларни кенг күламда ривожлантириш замонавий автоматлаштириш босқичининг хусусиятидир. Ходимлар ишлатадиган компьютерларни кўплаб ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ҳисоб техникаси ишлаб чиқариш ҳажми, саноат роботлари парки ҳам анча кўпайтирилади.

Илмий техника тараққиёти қазиб олиш ва ҳом ашёни комплекс равишда қайта ишлашдан тортиб пировард маҳсулот ишлаб чиқарыш ва ундан фойдаланишгача ҳамма босқичларда табиий ресурслар, ҳом ашё, материал, ёқилғи ва энергиядан фойдаланишни тубдан яхшилашни кўзламоги лозим. Моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш — иқтисод қилишининг энг муҳим манбаларидан бири бўлиб, давлатга иқтисодиётни янада ривожлантириш учун янги катта маблаглар беради. Бунга маҳсулотга материал кетишини камайтириш, меңнат унумдорлигини

ошириш, нобудгарчиликларни камайтириш, иккиламчи ресурслардан тұла-тұқис фойдаланиш асосида эришилади. Металл маңсулотлар, пластмассаларнинг самарали түрларидан, шунингдек принципиал янги бөшқа хил конструкцион материаллардан кенг күламда фойдаланиш туфайли ишлаб чиқаришга материал кетишини анча камайтириш мүлжалланади. Бу маңсулотлар ўз хоссалари жиҳатидан ҳозирға қақта ишлатылаётган материалларга нисбатан күп марта устун туради.

Янада такомиллашган техника ҳамда ресурсларни тәжайдиган чиқитсиз ва кам чиқитли технологик жараёнларни кенг күламда жорий этиш, хом ашё, материаллар, ёқылғы ва энергиядан тәжаб фойдаланишнинг муҳим резервидир.

Илмий техника тараққиётини жадаллаштириш халқ хұжалиғи әхтиёларини ҳамда ақолининг үсіб бораёттан талабларини янада тұлароқ қондирувчи әнг муҳим восита бўлган маңсулотнинг техник даражаси ва сифатини ҳамма чоралар билан күтаришга ёрдам бермоғи керак. Металлургия, металсозлик саноатида, кимё ва нефтни қайта ишлаш саноатида, шунингдек бинокорлик саноатида айrim маңсулот турлари үрганилаётганида саноатда илмий техника тараққиётини ривожлантиришнинг муайян масалалари кўриб чиқилади.

## МЕТАЛЛАР

1-БОБ

### МЕТАЛЛАР ВА МЕТАЛЛ АШЁЛАР ТОВАРШУНОСЛИГИНИНГ АСОСЛАРИ

Пишиқ, пластик, электр үтказувчан, иссиқ үтказувчан ва ярқыроқ, шаффофф булмаган кристалл мөддаларга *металл* дейилади. Улар барча маълум элементларнинг учдан шекки қисмидан кўргонки ташкил этади ва Д. И. Менделеев даврий жадвалининг барча гуруҳларида бўлади.

Металлар икки асосий гуруҳларга: қора ва рангли гуруҳларга бўлинади. Темир, унинг қотишмалари бўлган чўян ва пўлат, шунингдек марганец ва хром қора металларга киради. Негизи темирдан иборат булмаган қолган ҳамма металлар ва қотишмалар рангли металларга киради.

Мавжуд барча металл материалларни соғф металлар ва металл қотишмаларга ажратиш мумкин.

Соф металлар юксак механик хоссаларга эга бўлмайди ва мана шу сифатларини назарда тутган ҳолда халқ ҳўжалигининг детал ва ашёлар юксак конструктив пишиқлиги талаб этилмаган тармоқларида фойдаланилади. Масалан, юксак электр үтказувчаник хоссасига эга бўлган мис электр ток үтказгичларини тайёрлашда қўлланилади, жуда юқори эриш ҳароратига эга бўлган волфрам эса чўгланиш лампаларининг қил симларини тайёрлашда ишлатилади ва бошқалар.

Таркибига икки ёки бир неча металл ёки металлар билан нометаллар кирадиган материаллар *металл қотишмалар* дейилади. Қотишмаларнинг хоссаси уларни ташкил этувчи металлар билан нометаллар сони ва миқдори билан белгиланувчи кимёвий таркибига боғлиқ бўлади. Ҳозирги вақтда турии хил элементлардан механик, кимёвий ва технологик хоссалари гоят хилма-хиллиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қиливчи чексиз кўпдан-кўп қотишмалар ҳосил қилиши мумкин. Қотишмалар халқ ҳўжалигининг деталлар ва металл ашёларнинг юксак конструктив пишиқлиги зарур бўлган ҳамма тармоқларида

кенг кўламда қўлланади. Металлардан асосий конструктив материал сифатида фойдаланилишига сабаб шуки, уларнинг пишиқлиги ва қаттиқлиги юксак бўлгани ҳолда зарбий қовушоқлиги, шунингдек иссиқ ўтказувчанлик, электр ўтказувчанлик ва бошқа хоссалари яхшидир.

### 1.1. Қора металлар ишлаб чиқаришнинг аҳамияти, ҳолати ва ривожланиши

Металлар техника тараққиётининг негизи ҳисобланади. Металл материалларнинг катта афзаллиги шундан иборатки, кўп тармоқли юксак даражада тараққий топган ҳалқ ҳўжалигининг эҳтиёжларидан ҳамда қаттиқ ёки юмшоқ, электр қаршилиги катта ва оз, эриш ҳарорати ва коррозияга бардош бериши ҳар хил, магнит хоссалари ёки бошқа хил ҳодисалари билан фарқ қилувчи турли қотишмалар олиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб уларнинг кимёвий таркиби ва ички тузилишини собитқадамлик билан ўзгартириш имкониятлари бор. Металл материаллар ҳалқ ҳўжалик аҳамиятининг катталигига яна бир сабаб шуки, металл ишлатиладиган соҳаларнинг кўплиги ва аҳоли жон бошига металл ишлаб чиқариш мамлакат иқтисодий тараққиёти, унинг иқтисодий имкониятлари даражасининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Металлар машинасозликнинг асосий ҳом ашёси бўлиб хизмат қиласи. Мамлакатда машиналар нечоғлик кўп ишлаб чиқарилса ва ундан фойдаланилса мамлакат саноати, транспорти ва қишлоқ ҳўжалиги шунчалик тез ривожланади, меҳнат унумдорлиги шу қадар юқори бўлади. Чўян билан пўлат машинасозликда энг кўп ишлатилади. Саноатнинг пўлатга бўлган эҳтиёжи чўяннинг бўлган эҳтиёжидан кўп бўлганлигидан чўяннинг асосий қисми эритилиб пўлатга айлантирилади.

Республикамизнинг металлурглари металл эритишнинг янги ва самарали технологик жараёнларини ишлаб чиқиб жорий этганлар, металлнинг сифатини яхшилашда катта-катта муваффақиятларга эришганлар. Бизнинг мамлакатимизда илк бор пўлатни кислород-конвертер усули билан ҳосил қилиш қўлланган, домна печи қўрасига кўмир чангидамини бериш тажрибалари ўтказилган, домна печида металл эритиш учун илк бор табиий газдан Фойдаланилган, вакуумли индукцион, электр ёйли ва электрон-нур қурилмаларида металл ва қотишмаларни

эритиш, металларга синтетик шлаклар билан ишлов бериш, пұлатни узлуксиз қуиши, металл ашёларнинг янги ва тежамли турларини ишлаб чиқариш ва бошқалар ўзлаштирилген. Бевосита тиқлаш услуги билан рудадан темир ҳосиғ қилиш технологияси саноат күламида ўзлаштирила бошланды, кукун металлургияси янада қатта ривож топди.

## 1.2. Металларнинг асосий хоссалари.

Металлар амалда құлланадиган соқалар уларнинг физик, кимсөвий, механик ва технологик хоссалари билан белгиланади.

### 1.2.1. Металларнинг физик ва кимсөвий хоссалари

Металларнинг физик хоссалари уларнинг истеммол тасифини белгилайди ва муайян мақсадлар учун металл ҳамда қотишималар таңлаб олишда мұхым роль ййнайды.

Зичлик, эриш ҳарорати, электр ўтказувчанлық, иссиқ ўтказувчанлық, магнит хоссалари, тұғри ва ҳажмий кенгайиши коэффициентлари ва бошқалар металларнинг асосий физик хоссалари ҳисобланади.

Бир жинсли материал массасининг ҳажм бирлигіне бўлган нисбати зичлик деб аталади. Яратилувчи конструкциялар сингил ва пишиқ бўлиши керак бўлган авиация саноатида, ракета техникаси ва приборсозликда, масалан, магний, алюминий, титан каби зичлиги оз металлардан фойдаланилади. Шу металларнинг қотишималари сингил бўлишидан ташқари солиштирма пишиқлиги юқоридир. Титан негизидаги қотишималарнинг солиштирма пишиқлиги энг юқори бўлади.

Металл ёки унинг қотишимаси қаттиқ ҳолатдан суюқ ҳолатга ўтадиган ҳарорат эриш ҳарорати дейилади. Металлнинг эриш ҳарорати қанча паст бўлса унинг эриш, пайвандланиш жараёнлари шунча сингил ўтади ва улар шунча арzonга тушади.

Металлнинг электр токини иссиқ чиқишига истроф қылмай яхши ўтказиш қобилияти электр ўтказувчанлық дейилади. Мис ва алюминийнинг электр ўтказувчанлыги юқори бўлиб, улар кабель, ўтказгич сим учун материал, шунингдек машина-ускуналардаги ток ўтувчи қисмлар учун материал ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Электротехникада қарама-қарши талаблар қўйиладиган металлар ҳам ишлатилади: бундай металлар электр токи

ұтаётган пайтда қызмет атроф мұхитта иссиқ чиқариши керак. Электр қаршилик хоссаси деб аталған мана шу хоссаларға зәға бүлған маңсус қотишмалар, масалан, никромдан реостат, электр воситасида иситиш приборлари, печлери, лампаларнинг чүгланма қыл симларини ясашда фойдаланилади.

Металл ва металл қотишмаларининг жисмларнинг анча қызыған қисмларидан унча қызимаган қисмларига иссиқ үтказиши қобиляти унинг иссиқ үтказувчанлигини күрсатади. Иссиқ үтказувчанлиги юқори даражадаги металлар ва қотишмалар қозон деталларини қиздириш элементларини ва бошқа ускуналарни тайёрлашда құлланилади.

Магнит хоссаси магнит сингдирувчанлик миқдори билан белгиланади, ҳавонинг бир деб қабул қилинган магнит сингдирувчанлиги билан таққосланувчи ўлчамсиз бирліклар билан аниқланади. Металлар ичиде темир, никель, кобальт ва шулар негизидеги қотишмалар энг юксак магнит хоссаларига зәға. Аммо магнит материаларга қарама-қарши талаблар ҳам құйылади: доимий магнитлар магнитланиб бу хоссасини узоқ вақт сақламоги керак, электр магнитларнинг ұзаклари эса ток берилганида яхши магнитланиб, токни узган зақоти тезда магнитсизланмоги даркор. Бир қанча ҳолларда магнит майдонига түшгани билан умуман магнитланмайдыган материаллар талаб этилади. Турлы электр приборлари ва аппаратларининг деталлари шулар жумласидандыр.


Металлар ва қотишмаларнинг түғри ва ұажмий кенгайыш көзoeffициенти қиздириш чөғіда уларнинг кенгайыш қобилятини күрсатади. Күпприклар қуришда, темир йўл ва трамвай йўлларини ётқизишда металларнинг ана шу хоссаларидан фойдаланилади.

Кимёвий хоссалардан коррозиябардошлиқ — металл ва қотишмаларнинг турли емирувчи мұхитлар таъсирига қаршилик күрсатиши қобиляти металлар учун энг мұхим хосса ҳисобланади. Деталлар, машина-ускуналарнинг анчаси коррозия сабабидан ишдан чиқади. Шунинг учун ҳам емирувчи мұхит шароитларида ишлайдыган машиналар ва ашёларни лойиҳалашда металларнинг кимёвий хоссаларини билишнинг катта ажамияти бор.

### 1.2.2. Металларнинг механик хоссалари ва уларнинг бөзиларини аниқлаш услублари

Механик хоссалар металл ва қотишмаларнинг статик ва динамик, чүзувчи, сиқувчи, эгилтирувчи, буровчи ва

Чўзиш статик синови цилиндрик ва ялпоқ намуналардан фойдаланиб ўтказилади, чунончи намунанинг дастлабки ҳисобий узунлиги  $l_0$  (мм), цилиндрик намунанинг бошлангич диаметри  $d_o$  (мм) ва намуна текислиги кўндаланг кесимининг бошлангич майдони  $F_o$  (мм<sup>2</sup>)га муайян даражада бөглиқ бўлади: цилиндрик намуналар учун  $l_0 = 5d_o$  ва  $10d_o$ ; ялпоқ намуналар учун  $l_0 = 5,65\sqrt{F_o}$  ва  $11,3\sqrt{F_o}$  (1-расм, а)



1-расм. Металларни чўзилишга а, сиқидишга б ва этилишга в синаш:  $d_k$  — намунанинг пировард диаметри мм;  $l_k$  — намунанинг пировард узунлиги, мм;  $h$  — намунанинг қалинлиги, мм.

Синовлар ўтказиш учун намуна икки қисқичга маҳкамланади. Шу қисқичлардан бири қўзгалмас ҳолатда бўлади, иккинчиси эса қўйилган  $P$  куч вужудга келтирувчи, доимий тезлик  $V$  билан жилиши мумкин.

Чўзиш чоғида намуна узаяди ва узунлигининг ўсиши материалнинг пластиклигига бөглиқ бўлади. Пластикликни таърифлаш учун намунанинг узунлик ва кесим таъсирини ҳисобга олмаган ҳолдаги нисбий узайиши ва торайиши аниқланади.

Узилишдан кейинги нисбий узайиш  $\delta$  деб намунанинг узайиш чоғидаги  $\Delta l$ , ҳисобий узунлик ортишининг бошлангич узунлигига  $l_0$  (% ҳисобида) бўлган нисбатига айтилади:

$$\delta = \frac{\Delta l}{l_0} \cdot 100 = \frac{l_k - l_0}{l_0} \cdot 100.$$

Узилишдан кейинги нисбий торайиш деб намуна кўндаланг кесим саҳнининг  $\Delta F$  намуна бошлангич кесимига  $F_o$  (% ҳисобида) бўлган нисбатининг камайшига айтилади:

$$\Psi = \frac{\Delta F}{F_o} \cdot 100 = \frac{F_o - F_k}{F_o} \cdot 100,$$

Бүнлагы  $F_k$  — узилиш жойида намуна күндаланг кесимиң майдони.

Чүзиш чогида металлда материалнинг пишиқлигиниң деформацияга қаршилик күрсатишини ифодаловчи ички күчлар вужудга келади. Деформация катталиги намуна майдонига боғлиқлигидан, зўриқиш тушунчасидан, тоҳо кучнинг күндаланг кесим майдонига бўлган нисбатидан фойдаланилади.

Намуна синалаётганида у чидаш берадиган максимал куч  $P_B$  га мувофиқ келувчи зўриқиш (МПа ҳисобида) узилишга мубақшат қаршилик  $\sigma_B$  дейилади. У

$$\sigma_B = \frac{P_B}{F_0}$$

тснглама билан баён этилади.

Бузувчи куч  $P_k$ нинг узилиш жойида намуна күндаланг кесими майдонига нисбати сифатида олинган зўриқишга узилишнинг ҳақиқий қаршилиги  $S_k$  дейилади.

$$S_k = \frac{P_k}{F_k}$$


Сиқилишга синов фақат мўрт metallлар ва қотишмалар учунгина ўтказилади. Чунки пластик материаллар бузилмай фақат деформацияланади. Сиқилишга синов (1-расм, б) га асосан цилиндрик намуналар дучор бўлади. Бу намуналарнинг бўйи уларнинг диаметрига боғлиқ бўлади: у ё диаметрга баравар бўлади, ёхуд ундан уч баравар ортади.

Сиқилишга пишиқлик ҳадди (МПа ҳисобида) бузувчи куч  $P_{бзнинг}$  намуна қирқимининг бошлангич майдони  $F_0$  га нисбати билан аниқланади:

$$\sigma_{\text{бз}} = \frac{P_{бз}}{F_0}.$$

Эгилишга синов мўрт metallлар ва қотишмалар учунгина ўтказилади, чунки эгилиганда пластик материаллар бузилмайди.

Эгилишда намуна турли қисмлари (1-расм, в) бирдай бўлмайди: юқори қисмлари сиқилади, қуйи қисмлари эса чўзилади. Эгилишга пишиқлик ҳадди  $\sigma_x$  ва дарз кетиш таърифлар бўлади.



2-расм. Металларнинг қаттиқлигини Бринелл бүйича (I), Роквелл бүйича (II) ва Виккерс бүйича (III) ўлчаш схемалари:  
а — индекторларни қўйиш; б — уларнинг излари.

Цилиндрик намуналар учун эгилишга пишиқлик ҳадди

$$\sigma_{\text{зг}} = \frac{8l}{\pi d^3} \cdot P,$$

формуласи билан топилади, бунда  $l$  — таянчлар ўртасидаги масофа, мм;  $d$  — намунанинг диаметри, мм;  $P$  — дарз кетиш пайтидаги куч, Н.

Синиши чоғидаги солқиши катталиги солқиши ўлчагич билан аниқланади.

Металларнинг қаттиқлиги Бринелль, Роквелл ва Виккерс услублари билан аниқланади.

Бринель услуби чўянларнинг, тобланмаган пўлатларнинг ва баъзи рангли металларнинг қаттиқлитини аниқлашда қўлланади ва материал юзига тобланган пўлат золдирни эзиз киритишга асосланган. HB Бринелль бүйича қаттиқлик сонининг рамзи бўлади.

Золдир диаметри  $D$  намунанинг ўлчамига боғлиқ бўлади ва 2,5; 5 ва 10 мм га баравар бўлиши мумкин.

Куч  $P$  миқдори (2-расм, I) сон жиҳатидан жуда юмшоқ металлар учун  $2,5 D^2$  га баравар (HB эса 35 дан камроқ), юмшоқ металлар учун  $10 D^2$  (HB 140 дан камроқ) ва бирмунча қаттиқ металлар учун  $30 D^2$  (HB 450 дан кам эмас) бўлади.

Бринелль бүйича қаттиқлик сони материалнинг пластик деформациясини кўрсатади ва золдирга таъсир этувчи кучнинг ҳосил бўлган из юзининг майдонига бўлган нисбати билан ( $\text{kgs/mm}^2$ ) аниқланади.

Роквелл услугиби синалувчи металлга диаметри 1,588 мм ли тобланган пўлат золдирни, ёхуд чўққисидаги бурчаги  $120^{\circ}$  ли олмос конусни босишга асосланган. Қаттиқлик катталиги учта шкаласи бўлган индикатор бўйлаб ўлчамсиз шартли бирликларда оддиндан қўйилган  $P=0,1$  кН (10 кгс) ва умумий куч  $P=P_0+P_1$  (2-расм, II) да индикатор (учлик)ни босгандаги чуқурликлар тафовути ( $h-h_0$ ) сифатида аниқланади. Индикаторда пўлат золдир учун  $B$  (қизил) шкала ва олмос конус учун  $C$  ва  $A$  (қора) шкалалар бўлади.

Учликнинг ўқ бўйлаб 0,002 мм силжишига мувофиқ келувчи миқдор қаттиқлик бирлиги учун қабул қилинган.

Одатдаги тобланмаган пўлат ва рангли металлар қаттиқлигини ўлчашда  $B$  шкаласидан фойдаланилади (берилган умумий куч миқдори 1кНга нисбатан олинади), тобланган пўлатларнинг қаттиқлигини ўлчашда  $C$  шкаласидан фойдаланилади (умумий куч 1,5 кН), кимёвий-термик ишлов беришдан сўнг буюмларнинг ҳамда қаттиқ қотишмаларнинг қаттиқлигини ўлчашда  $A$  шкаласидан фойдаланилади (умумий куч 0,6 кН).

Пўлат золдирдан фойдаланганда HRB, масалан HRB 70 қаттиқлик сонининг рамзи бўлади, олмос конусдан фойдаланганда эса HRC ва HRA қаттиқлик сонининг рамзи бўлади, масалан, HRC<sub>60</sub> ва HRA40.

Виккерс услугиби бўйича, шунингдек Бринелль услугиби бўйича МПа ҳисобида қаттиқлик синалаётган намунада ҳосил бўлган из майдонига берилган кучнинг нисбати билан аниқланади. Аммо шу аниқлаш усулида учлик сифатида пўлат золдирни эмас, балки чўққисидаги бурчаги  $136^{\circ}$  (2-расм, III) бўлган тўрт ёқли олмос пирамида қўлланади. Виккерс ҳисоби бўйича қаттиқлик сони HV рамзи билан белгиланади, масалан, HV500 деб ёзилади. Синалаётган материалнинг қалинлигига қараб олмос пирамидани ботириш учун 0,05; 0,1; 0,2; 0,3; 0,5 ва 1кН оғирлик қўлланади. Ҳосил бўлган из диагоналлари  $d$  (мм) приборга ўрнатилган микроскоп ёрдами билан ўлчанади, сўнгра эса жадвалларга қараб HV қиймати топилади.

Турли услуглар билан ҳосил қилинган қаттиқлик сонларини айлантириш зарурати бўлганида, масалан, HRBни HVни, ёки HVни HVни айлантириш зарурати тугилганида турли маълумотномаларда келтирилган махсус айлантириш жадвалларидан фойдаланилади.

Зарбий қовушоқлик стандарт намунани бузишга сарфланган ва унинг кўндаланг кесими майдонига нисбатан

олинган иш билан аниқланади. Синовлар маятникили копреда ўтказилади. Шакли ва кертигининг ўлчами билан фарқ қилувчи ҳар хил намуналар синаб кўрилади ва зарбий қовушоқликнинг таққосланувчи курсаткичларини олиш учун ишлатилувчи намуна тури писанда қилиб қўйилади.

Бураш синовида намунанинг бир учи қўзғалмас қилиб маҳкамланади ва иккинчи учига буровчи момент таъсир эттирилади. Бу момент намуна кўндаланг кесимларини бир-бирига нисбатан буради. Синаш чогида диаметри 10 мм ва узунилиги 50 ва 100 мм ли намуналар қўлланали. Синаш машинасида бураш жараёнининг диаграммаси автомат тарзда ёзиб борилади ва шунинг асосида бураш чогидаги мутаносиблик ҳадди, оқувчанлик, пишиқлик шартли ҳадди белгиланади.

Юқори ҳароратли шароитларда ишлайдиган металлар учун механик хоссаларнинг маҳсус тавсифлари аниқланади. Ўтга чидамли силжувчанлик ва узоқ муддатли пишиқлик шуларнинг асосийлари ҳисобланади. Ўтга чидамли металл ўз пишиқлигини юқори ҳароратда узоқ муддат мобайнида сақлай олиш қобилиятини курсатади. Металлнинг силжувчанилиги оқувчанлик ҳаддидан камроқ зуриқишлар таъсирида пластик деформациянинг скин-аста ортиб боришидан иборатdir. Қора металл қотишмалари учун силжувчанлик ( $300^{\circ}$  С дан юқори) юқори ҳароратлар таъсирида вужудга келади, буг ва газ қувурлари, космонавтика, авиация саноати, трактор машинасозлиги ашёлари деталларининг қайтмас деформациясини вужудга келтиради. Узоқ муддатли пишиқлик юқори ҳароратли шароитларда ва буюмларнинг бузилишига олиб келмайдиган доимий таъсир этувчи нагрузка шароитларида узоқ вақт турган материалнинг пишиқлигини курсатади.

### 1.2.3. Металларнинг технологик хоссалари

Технологик хоссалар металлар ва қотишмаларнинг ҳар хил ишлов турларига дучор булиш қобилиятини аниқлаб беради. Ашё тайёрлаш турли услубларининг шу ашё хоссаларига таъсирини ўрганиш чогида металларнинг технологик хоссаларини билиш зарур булади. Болгаланувчанлик, пайвандланувчанлик, тобланувчанлик, суюқ ҳолда оқувчанлик, кески билан ишлов берилувчанлик асосий технологик хоссалар ҳисобланади.

Болгаланувчанлик — металл ва қотишмаларнинг босим билан турли хил ишловга дучор булиш (прокат ҳосил қилиш, кирялаш (сим чўзиш), пресслаш, териш ва

штампаш) қобилятидири. Болғаланувчанлик пластиклик деформацияга қаршилик билан тавсифланади.

Пайвандланувчанлик — металл ва қотишмаларнинг пайвандланувчи металлар сингари хоссаларга эга бўлган пайвандланадиган пишиқ бирималар ҳосил қилиш қобилятидири. Кам углеродли ва паст легирланган пулатлар яхши пайвандланади, ўртача углеродли ва ўртача легирланган пулатлар қониқарли пайвандланади. Юксак даражада легирланган пулат ва чўянларнинг тузук пайвандланмаслиги маҳсус пайванд материаллар ишлатишни, олдиндан қизитиб олишини, термик ишлов бериш заруратини вужудга келтиради ва булар таннарх жараёнини ошириб юборади, пайвандланган бирималар сифатини пасайтиради.

Болғаланувчанлик металл ёки қотишмани муайян чуқурликка қадар тобланиш қобилятигини кўрсатади. Болғаланувчанлик паст бўлганида материалнинг қирқим буйича пишиқлиги бирдай бўлмайди ва бу нарса деталлар, машиналар ва механизмлардан фойдаланиш муҳлатини камайтириб юборади.

Металл ва қотишмаларнинг эриган ҳолатда қолип бўшлигини яхши тўлдириб қўйилма шаклини аниқ ҳосил қилиш қобилятига суюқ ҳолда оқувчанлик дейилади. Материалнинг суюқ ҳолда оқувчанлиги юқори бўлса, юқори сифатли зич қўйилмалар ҳосил қилишга, уларда газ пуфакчалари ҳамда материалнинг қочиши пайтида вужудга келувчи пуфакчалар камайишига имкон беради.

Кесиб ишлов бериш металл ва қотишмаларнинг кески асбоб билан ишлашга бериувчанлик қобиляти билан аниқланади. Металлнинг ишлов бериувчанлиги яхши бўлса, кески асбоб буюмдаги арайишни осон ва тез кесиб олади, натижада деталь зарур аниқликда ва юзи текис бўлади. Ҳолбуки кесиб ишлов беришга қобиляти тузук бўлмаганида асбобнинг чидамлилиги пасаяди, энергия ва меҳнат сарфи ортади.

## 2-БОБ

### ЧЎЯН ВА ПЎЛАТ

Чўян ва пўлат машина ва конструкцияларнинг деталларини ясаш учун ишлатиладиган жуда муҳим темир углерод қотишмалариидир. Чўянда 2,14 фоиздан 6,67 фоизгача углерод бор, пулатда эса ундан камроқ —2,14 фоиздан камроқ углерод бор.

## 2. 1. Темиркарбид қотишмаларининг ҳолат диаграммаси

Темиркарбид қотишмаларининг тузилишини кўрсатувчи "темир — углерод" ҳолат диаграммаси назарий асосларини биринчи бор Д. К. Чернов ишлаб чиқкан эди. Унинг асарларида қотишма таркиби углеродга боғлиқ булиб, бир тузилишидаги қотишмани иккинчи тур қотишмага айланнишига сабаб бўлувчи муайян ҳарорат ёки критик нуқталар борлиги айтилади.

Бундан аввалги энг оддий ҳолат диаграммалари сингари "темир — углерод" ҳолат диаграммаси "температура" ва "концентрация" координаталарида қурилади (3-расм). Бу диаграммада ташкил этувчи темир ва углерод компонентлари ўзаро бир неча кимёвий бирикмалар  $Fe_3C$ ,  $Fe_2C$ ,  $FeC$  ни ҳосил қиласди. Ушбу диаграмманинг углерод концентрацияси 0 дан 6,67 фоизга, яъни соф темирдан  $Fe_3C$  карбидгача борувчи концентрациясига масъул темирцементит участкасинингтина соддалаштирилган кўрининшини қараб чиқамиз. Темир билан углероднинг таркибида 6,67 фоиздан кўпроқ углероди бўлган бошқа ўзгариншлари гоятда мурт булиб амалий аҳамияти унча катта эмас.

Темируглеродли қотишма компонентларининг қуйидаги хоссалари бор:


— темир — оқ-нуқра тусдаги полиморф пластик металл булиб эриш ҳарорати  $1539^{\circ}C$  ва зичлиги  $7,87 \text{ g/cm}^3$ , чўзилишга пишиқлик ҳадди  $250 \text{ MPa}$  чамаси, нисбий узайиши 50 фоиз, қаттиқлиги  $NB\ 80$ ;

— углерод номсталл элемент булиб табиатда олмос ва графит ҳолида учрайди, олмоснинг зичлиги  $3,51 \text{ g/cm}^3$  ва графитники  $2,26 \text{ g/m}^3$ , углерод темир қотишмаларда металл хоссаларига эга бўлади.

"Темир-углерод" диаграммаси бир неча тип энг оддий диаграмма элементларидан иборат. Диаграмманинг сул қисми III тур диаграммага мувофиқ келади, ўнг қисмда қотишмаларнинг кристалланиши I тур диаграммага биноан ўтади. II тур диаграммага мувофиқ келувчи участкалар учрайди.

Ушбу диаграммадаги ҳарфий белгилар халқаро стандартга мувофиқ қабул қилинган булиб ўзгартирилмаслиги керак.

Диаграммада  $ACD$  ликвидус чизиги ва  $AEC$  солидус чизиги фаза ўзгариншларини кўрсатади. Диаграмманинг  $ACD$  чизигидан юқоридаги қисми суюқ ҳолатда ҳар қандай концентрациядаги қотишмани,  $AECF$  чизигидан қуйида



3-расм. "Темир — углерод" (Fe—Fe<sub>3</sub>C) қолатининг диаграммаси:  
 1 — суюқ қотишма; 2 — суюқ қотишма+аустенит; 3 — суюқ қотишма+це-  
 ментит (бирламчи); 4 — аустенит; 5 — аустенит+феррит; 6 — фер-  
 рит+перлит; 7 — цементит+перлит; 8 — аустенит+цементит (иккиламчи);  
 9 — ледебурит+цементит.

Эса қаттиқ қолатда концентрациядаги қотишмани күрсатади. ACD ва AECF чизиглари ўртасида қотишмалар суюқ-қаттиқ қолатда туради. Углерод концентрацияси 4,3 фоизгача етганида ушбу зонада аустенит — углероднинг γ-темирдаги қаттиқ эритмаси кристаллари ҳосил бўлади. Углероднинг темирдаги қаттиқ эритмасига феррит дейиллади. (углерод α-темирда жуда оз эриганлигидан диаграммада соғ феррит зонаси кўрсатилмаган).

Углерод концентрацияси 4,3 фоиздан 6,67 фоизгача борганида қотишма совиётганида бирламчи цемент — темирнинг углерод билан барқарор кимёвий бирикмаси Fe<sub>3</sub>C ҳосил бўлади. Цемент гоятда қаттиқ ва мурт бўлиб, эриш ҳарорати 1600°C дир.

Феррит билан аустенитнинг механик хоссалари таркибидаги углеродга боғлиқ бўлади-ю, аммо углероднинг концентрацияси ҳар қандай бўлганида ҳам улар цементитга нисбатан юмшоқроқ ва пластикроқ бўлади.

Қотишма яна совитилса, аустенит иккинчи бор кристалланади. 0,8 фоизгача углероди бўлган қотишмаларда GS чизигидан пастда аустенитдан феррит ажralиб



4-расм. Углеродли пўлатларнинг микроструктураси:  
а — тоэвтектоид пўлат ( $0,4\% C$ ); б — эвтектоид пўлат ( $0,8\% C$ ); в —  
кетэвтектоид пўлат ( $1,2\% C$ ).

чиқади, қолган аустенит феррит углеродига тўйинади ва  $727^{\circ}C$  ли ҳароратда перлитга феррит билан цементитнинг эвтектоид аралашмасига айланади.  $0,8$  фоиздан кўпроқ ( $2,14$  фоизгача) углероди бўлган қотишмаларда GE чизигидан пастда иккиламчи цементит ажралиб чиқади, қолган аустенитда углерод камайиб кетади ва  $727^{\circ}C$  ли ҳароратда перлитга айланади, унинг тузилиши эса перлит ва цементитдан иборат бўлади. Таркибида  $0,8$  фоиз углероди бўлган пўлат эвтектоид пўлат, углерод  $0,8$  фоиздан кам бўлса, тоэвтектоид пўлат ва углерод  $0,8$  фоиздан ортиб кетган бўлса, эвтектоид орти пўлати бўлади.

Углерод миқдори турлича бўлган углеродли пўлатларнинг микроструктураси 4-расмда кўрсатилган.

Худди бояғига ўхшаш  $2,14$  фоиздан  $4,3$  фоизгача углероди бўлган чўянлар тоэвтектив чўян,  $4,3$  фоиз углероди бўлган чўян эвтектив чўян ва  $4,3$  фоиздан  $6,67$  фоизгача углероди бўлган чўян эвтектив орти чўяни дейилади. Тоэвтектив чўянлар AC чизигидан қуий ҳароратда кристаллана бошлайди, эвтектика орти чўянлари эса CD чизигидан қуий ҳароратда кристаллана бошлайди.

Ҳарорат янада пасайса аустенит миқдори ортади, қотишманинг суюқ қисми эса углеродга тўйинади.  $1147^{\circ}$  С ли ҳароратда чўяннинг эвтектив айланиши рўй беради ва аустенит билан цементитнинг механик аралашмаси бўлган лидебурит ҳосил бўлади.

Шундай қилиб "темир — углерод" ҳолат диаграммаси пўлат билан чўян хоссаларининг углерод таркибига боғлиқлигини тушунтириб беришга, хоссалари ўзгартирилган пўлат олиш учун қандай термик ишлов бериш режимларини аниқлашга имкон беради.

## 2. 2. Чүян

### 2. 2. 1. Чүян ишлаб чиқариш

Чүянни домна печларида темир рудасидан темирни тиклаш ҳамда уни углерод ва бошқа элементларга түйинтириш орқали олинади. Домна ишлаб чиқаришида темир рудаси, ёқилғи ва флюслар асосий дастлабки материаллар (шихта) ҳисобланади.

Табиий минерал хомашё бўлган руда саноат кўламида металл ажратиб олишга хизмат қиласи. Чүян ишлаб чиқаришда қуйидаги минераллардан кўпроқ фойдаланилади: магнит темиртош  $Fe_3O_4$  (таркибида 72,5 фоизгача темир бўлади), қизил темиртош  $Fe_2O_3$  (таркибида 60 фоизгача темир бўлади) ва қўнғир темиртош  $Fe_2O_3 \cdot nH_2O$  (таркибида 40 фоизгача темир бўлади).

Кокс ва табиий газ асосий ёқилғи турларидир.

Кокс — коксланадиган кўмирни ёпиқ печларда 900—1000°C ли ҳароратда қуруқ ҳайдаш натижасида олинадиган пишиқ ва галвирак маҳсулотидир. Кокс ёниш ҳарорати ва газ сингдирувчанлиги юқори, кули оз ва тахчил ёқилғи ҳисобланади. Домна коксининг таркибига углерод, сув, кул ва олтингутргут ҳамда фосфор каби зарарли аралашмалар киради. Коксада углерод нечоғли кўп ва зарарли аралашмалар нечоғли кам бўлса, унинг сифати шунча яхши бўлади. Кокс печда кечадиган тиклаш жараёнлари учун асосий кимёвий реагент бўлиб хизмат қиласи.

Табиий газ энг арzon ва юксак калорияли ёқилғи бўлиб, таркибида олтингутргут, фосфор ва қурумли моддалари қариyb бўлмайди, шунинг учун ҳам атроф муҳитни ифлослантиримайди. Чүян қуйиш ва пўлат қуйиш саноатида, шунингдек рангли металлургияда табиий газ тобора кўпроқ ишлатилмоқда.

Флюслар — кўпроқ  $CaCO_3$  ва  $MgCO_3$ дан иборат оҳактошларнинг узидир; рудада бўлган яроқсиз жинсни ҳамда кокс кулини металлдан ажраладиган шлак (дашқол)га айлантириш учун домна печига бостирилади.

Домна печларини, эритадиган ҳамда қизитадиган бошқа печларни қураётib уларнинг ички бетига ўтга чидамли маҳсус материаллар қопланади (футеровка қилинади). Бу материаллар печлардаги юқори ҳарорат ва физик-кимёвий жараёнларга бардош беради. Улар кимёвий таркиби ва ўтга чидамлилиги жиҳатларидан кислотали, асосли ва нейтрал материалларга бўлинади.

Кислотали ўтга чидамли материаллар (кварц қум ва динас гишт) таркибида 95 фоизгача  $\text{SiO}_2$  бор, кислота таъсирига яхши қаршилик курсатади ва  $1800^{\circ}\text{C}$  ли ҳароратгача ўтга чидамлидир. Кислотабардошлиқ талаб этиладиган пулат эритиш печларида шу материаллардан фойдаланилади.

Асосли ўтга чидамли материаллар (магнезит кукуни ва ундан қуйилган гишт) таркибида 93—94 фоизгача  $\text{MgO}$  бўлади, улар ишқорий таъсиrotларга чидамли ва  $2200^{\circ}\text{C}$  гача ҳароратга чидамлидир.

Хромли гишт, гилтупроқ шамот кукуни ва ундан қуйилган гишт нейтраль ўтга чидамли материаллар қаторига киради. Шамот материаллар ҳарорат ўзгаришларига чидамли, арzon ва  $1800^{\circ}\text{C}$  ҳароратга қадар ўтга чидамли бўлади.

Шихта (ғов) материаллар домна печига босилишидан олдин эритишни жадаллаштириш ва сарфни камайтириш учун чақиласди, сараланади ва гулаклаштирилади. Руда, кокс ва флюс дробилкаларда 30—100 мм ўлчамга қадар чақиласди, шундан кейин ҳосил бўлган масса эланади. Саралаш руда таркибидаги металл кўпайишига кўмак беради. Рудани ювиш, гравитация, магнит сепарация ва флотация қилиш асосий саралаш усувлари ҳисобланади. Майда рудани эритиш печлари иш сифатини яхшиловчи талаб этилган ўлчамдаги гулак материалларга айлантириш учун гулаклаштирилади. Брикетлаш, агломерация ва гулаклаш руда йириклаштиришнинг асосий услубларидир. Брикетлашда майдада руда ва колошник чангига боғловчи модда муҳитида прессланади, агломерациялашда эса руда қиздириб ёпиштириб йириклаштирилади. Қиздириш жараёнида углерод оксидини, сувни чиқариб юбориш ва олtingугуртнинг қисман ёниб битиши ҳисобига руда сараланиб қолади. Майдада рудани гулаклаш жараёнининг моҳияти металлашган — темир қисман тикланган гулаклар тайёрлашдан иборатdir. Металлашган гулак ишлатиш натижасида домна печларининг иш унуми ортади ва ёқилги сарфи камаяди.



Домна печларига  $1200^{\circ}\text{C}$  гача қиздирилган кислородга тўйинган ва қисилган ҳаво берилади.

Тайёрланган шихта материаллар руда бостириш қурилмаси 3 орқали колошник 4 га ўтади (5-расм). Колошник остида эса пастга томон кенгайиб борувчи кесик конус шаклидаги шахта 5 туради. Шундан сўнг устида шихта эрийдиган распар — печнинг кенг қисми б

келади. Эриш натижасида шихта ҳажми кичрайди, шунинг учун ҳам заплечиклар 7 нинг қуий томони тор шаклда бўлади. Пойдевор 13 га ўрнатилган таглик 12 устидаги қўра 9 да суюқ чўян йигилади. Қўранинг қуий қисмидаги чўян жури (летка) 1 бор, ундан салюқорироқда дашқол жури 10 ўрнашган. Дашқол жури устида эса куз-сопло фурма 8 жойлашган булиб, у орқали печга қизитилган ҳаво билан кислород берилади. Домнанинг ички бетига шамот гишти териб қопланади. Домна печининг ишлешнида колошникда газ ва чаңг йигилиб қолади. Шулар мўри 2 орқали чиқазиб юборилади. Домна пойдеворга ўрнатилган устунларга 11 таяниб туради.

Домна ишга туширилиши олдидан унга кокс ва мълум микдорда флюс (Эритувчи модда) бостирилади. Шундан сўнг дам бсрилади, кокс ўт олдирилади. Кокс ёниб борган сайин муайян изчилилкда кетма-кет қатлам-қатлам қилиб иш колошаси (руда, кокс ва флюс) бостирилади. Печь 15—20 соат ёнганидан сунг дастлабки дашқол, яна 20—25 соатдан кейин эса биринчи чўян олинади.

Домна печида шихтани ташкил этувчи компонентлар билан ҳаво кислородининг ўзаро таъсири натижасида қуийдаги кимсвий жараёнлар рўй беради: дам-ҳавонинг кислороди кокс углероди билан ўзаро таъсирга киришади:



5-расм. Домна печининг схемаси.



ва ниҳоят.




Сүнгра темир ушоқлари углеродга түйинади ва чүянга айланади. Чүян чўмичларга қўйиб олиниди ва пўлат эритиш печларига юборилади, ёки металл қолилларга қўйилади ва қўйилмалар ҳолида чиқарилади. Домна печи кунда 8000—10 000 тонна чўян беради.

### 2. 2. 2. Домна ва машинасозликда ишлатиладиган чўмичларнинг таснифи

Чўян пўлат ва қўйилмалар ҳосил қилиш учун дастлабки материал бўлиб хизмат қилади. Домна ишлаб чиқаришида уч турдаги чўян: *айлантириладиган чўян*, қўйилган чўян ва *махсус чўян* эритилади. Эритиладиган жами чўяннинг 85 фоизга яқинини айлантириладиган чўян, 15 фоизга яқинини эса қўйилган чўян ташкил этади. Айлантириладиган чўянни пўлатга айлантириш учун, қисман эса заводларнинг чўян қуюв цехларида қўйилмалар ишлаб чиқариш учун фойдаланилади, қўйилган чўян машинасозлик қўйма чўянини олиш учун чўян қуюв цехларига юборилади. Махсус чўян ёки домна темир қотишмалари 2—3 фоизни ташкил этади ва пўлат эритища, машинасозлик чўянини эритища темир чала оксидини — темир (II) — оксидини йўқотувчи қотишма сифатида ишлатилади. Энг кўп тарқалган айлантириладиган ва қўйма чўянда 2,5—4,5 фоиз углерод бўлади.

" $\text{Fe}-\text{Fe}_3\text{C}$ " ҳолатининг диаграммасига мувофиқ (3-расм) чўяни таркибида углерод темир билан бўғланган ҳолатда цементит кўринишида, эркин ҳолатда эса графит кўринишида ҳамда қисман бўғланган, қисман эркин ҳолатда бўлиши мумкин. Бўғланган ва эркин углероднинг микдорий нисбатлари, шунингдек графит аралашмаларнинг шакли чўяннинг хоссаларига анчагина таъсир этади. Чўянлар бўғланган углеродининг таркибига қараб оқ *а* чўянга, ферритли *б* чўянга, яримтаки *в* чўянга, перлитли *г* чўянга ва феррит — перлитли *д* чўянга бўлинади. *б*-расмда (графит аралашмаларсиз) мана шу тур чўян металл негизининг микроструктура схемалари берилган.

Жамики углероди цементит кўринишидаги бўғланган ҳолатда бўлган чўян (синган бети оқ тусда бўлишига кўра) оқ чўян дейилади. Оқ чўяннинг қаттиқлиги юқори (НВ 450—550) ва мурт бўлади, унга яхши технологик




б-расм. Тури чўянилар метали ўзаги микроструктурасининг схемалари.

ишлов бериб бўлмайди ва ишлатиладиган соҳалари чекланган. Бундай чўяннинг қарийб бари пўлатга айлантирилади. Пишиқлик, эксплуатация тавсифларини яхшилаш, сийлишга чидамлиликни, иссиқда, коррозияга чидамлиликни ошириш учун чўян таркибига никел, хром, вольфрам, алюминий каби легирловчи элементлар киритилади. Легирланган оқ чўян гоятда пишиқ, сийлишга чидамли ва иссиқда бардошли бўлганлигидан тормоз (туткаш) колодкаларини, дробилка иш органларини, қозон деталларини тайёрлашда ишлатилади.

Оқланган қатламда оқ чўян хоссаларига, асосан эса қўйма чўян хоссаларига эга бўлган оқланган чўян прокат валиклари, колосниклар, гидроцилиндрлар ва бошқалар ясашда ишлатилади.

Жамики углероди графит ҳолида структуравий эркин ҳолатда бўладиган чўян ферритли чўян бўлади. Ҳамма турлардаги чўянилар ичida ферритли чўян энг бўш ва энг пластик чўян ҳисобланади. Яримтали, перлитли ва феррит-перлитли чўянилар турли таркибда бояланган углероди (углерод 0,8 фоиздан кўп, 0,8 фоиз ва 0,8 фоиздан кам) ва ўзининг хоссалари жиҳатидан оқ чўян билан ферритли чўян ўртасида оралиқ вазиятни эгаллайди.

Чўянилар графит аралашмаларининг шаклига қараб (синган бетининг товланувчи кулранг тусига кўра) кулранг чўянга, машинасозлик чўяни деб аталган гоят пишиқ ва териладиган чўянга бўлинади. 7-расмда кулранг *a*, гоят пишиқ *b* ва териладиган (чўзиладиган) *c*



7-расм. Машинасозлик чўянларининг микроструктураси.

чўянларнинг микроструктураси тасвирланган. Кулранг чўянда углероднинг асосий қисми графит пластинкалари ҳолида бўлади, графит ҳосил қилувчи қўшимча сифатида кремнийдан фойдаланилади. Углерод ва кремний таркиби ортиши билан графитланиш кўпаяди. Фоят пишиқ чўянда суюқ эритмага 0,02—0,08 фоиз миқдорида магний ва бошқа модификаторлар киритилиши натижасида графит соқقا шаклини олади, оқ чўянни юмшатиш йўли билан ҳосил қилинадиган териладиган чўянда эса бодроқ шаклини олади.

Айлантирилладиган қўйма чўян вазифасига кўра пулат эритиш заводлари учун П1 ва П2 маркаларда, қуюв заводлари учун ПЛ1 ва ПЛ2 маркаларда, фосфорлиги ПФ1, ПФ2 ва ПФ3 маркаларда, юқори сифатлиси ПВК1, ПВК2 ва ПВК3 маркаларда тайёрланади. Пўлат эритиш ва қуюв заводлари учун чўянлар марганец, фосфор ва олтингугурт таркибига кўра тўртта группага (I, II, III, ва IV); учта класс (A, Б ва В) га ҳамда беш категорияга (I, II, III, IV ва V); фосфорлиси уч гуруҳ, уч класс ва уч категорияга: юқори сифатлиси уч гуруҳ, тўрт класс ва уч категорияга бўлинади. Чўянлардаги аралашмаларнинг масса ҳиссаси пулат эритиш ва қуййиш заводлари учун 0,3—1,5%; 0,08—0,3% ва 0,01—0,05%; фосфорлиси учун 1—2%; 0,3—2% ва 0,03—0,07% ва юқори сифатлиси учун 0,5—1,5%; 0,02—0,05% ва 0,015—0,25% бўлади. Айлантирилладиган чўян таркибидаги кремний 0,5 дан 1,2% гача боради.

Эритилладиган қўйма чўян вазифасига кўра Л1, Л2, Л3, Л4, Л5, Л6 маркаларда ва магний билан рафинация этилгани ЛР1, ЛР2, ЛР3, ЛР4, ЛР5, ЛР6 ва ЛР7 маркаларда тайёрланади. Таркибидаги марганец, фосфор ва олтингугуртга кўра қуйилладиган чўян тўрт гуруҳга (I, II, III ва IV), беш классга (A, Б, В, Г ва Д) ва тўрт категорияга (I, II, III, ва IV) бўлинади;

марганецнинг масса улуши 0,3—1,5 фоизни, фосфорнинг масса улуши 0,08—1,2 %ни ва олтингугуртнинг масса улуши 0,02—0,05 %ни ташкил қиласди; магний билан рафинация этилгани уч гуруҳга (I, II ва III), икки класс (А ва Б) ва икки категория (I ва II)га бўлинади: марганецнинг масса ҳиссаси 0,3—1,0 %ни, фосфорники 0,08—0,12 %ни ва олтингугуртники 0,005—0,01 %ни ташкил қиласди. Қўйиладиган чўян таркибидаги кремний 0,8—3,6 %.

Махсус чўянларнинг асосий қисмини темир билан кремний қотишмалари (18—50% ва 60—95% кремний, 2—2,5% углерод) ва марганец (70—80% марганец, 7 фоизгача углерод) ташкил қиласди.

### 2. 2. 3. Сифат назорати. Чўянни етказиб бериш, сақлаш ва ташиш шартлари

Айлантириладиган нимкор қўйма чўян ва қўйма чўян кимёвий таркиби, ташқи кўриниши ва қанчаси синганлигига қараб назорат этилади. Кимёвий таркиб чўян сифатининг асосий кўрсаткичи бўлади ва унинг маркаси, гуруҳи, класси ва категориясини белгилаш учун аниқланади. Таҳлил қилиш учун домнадан чиқаётган суюқ чўяндан олинган ўртача намуна ишлатилади. Маҳсулотни юборувчи корхона шу таҳлил натижаларига қараб сифат сертификатини ёзib беради. Юк жўнатиш чогида кимёвий таркибни назорат таҳлил қилиш учун омборга таҳлаб қўйилган нимкор қўйма чўяндан олинган намуна ишлатилади. Бунинг учун 20 тоннагача борадиган тўпнинг турли жойларидан камида учта қўйма ва 20 тоннадан ошадиган тўпдан олтига қўйма олинади. ГОСТ ушбу марка чўян учун белгилаган кимёвий таркибдан четланиш чиқит аломати ҳисобланади.

Чўян қўймалари бетида дашқол, тупроқ ва қум қолдиқлари бўлмаслиги керак. Сирт сифатини ташқаридан қараб билиш учун 20 тоннагача борадиган тўпдан ўнта қўйма ва 20 тоннадан ошадиган тўпдан йигирмата қўйма олинади. Чўян қўймалар юборилаётганида унинг синиклари ГОСТ билан қатъий чекланган бўлиб, тўп массасининг икки фоизидан ошиб кетмаслиги керак. Массаси 2 кг дан ошмайдиган бўлаклар синикка ҳисобланади.

Нимкор қўймалар тўп-тўп қилиб юборилади. Битта тўп битта марка, гуруҳ, класс, категориядаги чўяндан иборат бўлмоғи ва сифати тўғрисида ёзиладиган битта

ҳужжат билан расмийлаштирилмоғи керак. Бу ҳужжатда тайёрлаган корхонанинг номи, чўян маркаси, гурӯҳи, класси ва категорияси, чўяннинг кимёвий таркиби тўпнинг массаси ва номери, стандарт белгиси ва бошқалар ёзилади. Ҳар бир қўйманинг массаси 45 кг дан ортиб кетмаслигига керак. Чўян темир йўл вагонларида ташиладиган бўлса, шу вагонлар олдин бошқа материалларнинг қолдиқларидан тозалаб олинади ва фақат битта марка, гурӯҳ, класс ва категориядаги чўянгина ортилади. Лекин чўян тўпи массаси унча катта бўлмаса камомадига бошқа маркадаги чўян ортилади ва уларнинг аралашиб кетишига йўл қўймайдиган чоралар кўрилади. Ҳар бир вагонда чўян тўпига ёрлиқ илиб қўйилади. Ерлиқда чўянни тайёрлаган корхонанинг номи, чўяннинг маркаси, гурӯҳи, класси ва категорияси; чўяннинг кимёвий таркиби; чўян тўпининг номери ва массаси; стандарт белгиси кўрсатилган бўлади.

Одатда чўян қўймалар очиқ майдонларда таҳлаб сақланади. Бунда турли марка, гурӯҳ, класс ва категориялардаги чўян алоҳида-алоҳида таҳланishiiga зътибор берилади. Чўян сақланадиган майдонларнинг сув кетадиган нишаби бўлмоғи керак, таҳланган чўян устидан брезент ёпиб қўйилмоғи лозим.

### 2.3. Пўлат

#### 2.3.1. Пўлат ишлаб чиқариш усувлари ва сифати

Пўлат таркибида углерод ва бошқа аралашмалар озлиги билан чўяндан фарқ қиласи. Пўлат олиш учун ишлатиладиган асосий хомашё — чўяндир. Чўянни пўлатга айлантириш учун чўядаги ортиқча углерод, марганец, кремний, олтингугурт ва фосфор каби заарли аралашмалар ва газ чиқариб юборилади. Углерод кислород билан бирикиб углерод оксидини ҳосил қиласи. Бу оксид ёниб учиб кетади. Марганец, кремний ва фосфор  $MnO$ ,  $SiO_2$  ва  $P_2O_5$  оксидларини, олтингугурт эса  $CaS$  бирикмасини ҳосил қиласи. Оксидлар ва бирикмалар пўлатнинг бетига дашқол бўлиб қалқиб чиқади.


Газларни йўқотиш учун пўлатдаги углерод оксиди йўқотилади ва газизлантирилади. Пўлат эритиш печларининг ички сиртига ўтга чидамли кислотали ёки асосли материаллар қопланади. Печларнинг конструкциясидаги тафовутлар муҳим булишига қарамай уларда пўлат эритиш жараённининг кўпгина муштарак томонлари бор.

Саноатда пұлат ишлаб чиқариш учта асосий усули: кислород — конвертерли усул, мартен усули ва электр воситасыда зритиши усууллари құлланилади.

Инглиз олимі Генри Бессемер 1856 йилда таклиф эттән конвертер усулининг моҳияти шундан иборатки, махсус идиш — конвертерда зритилган чүянга 0,2—0,25 МПа босим билан қисилған ҳаво дами берилади. Бу пайтда фақат углерод, марганец ва кремнийгина ёниб битади ва паст сифатлы пұлат ҳосил бўлади. Чунки конвертердаги кислотали футеровка фосфор билан олтингугуртни йўқотиш учун флюс моддалар ишлатишга имкон бермайди. Бундан ташқари пұлат ҳавонинг азотига тўйинадики, бу ҳам унинг сифатини ёмонлаштириб юборади. Шунинг учун ҳам Бессемер усулида олтингугурт ва фосфори оз чўян пұлатга айлантирилади.


1978 йилда инглиз металлурги Сидней Томас асосли футеровка қопланған конвертерни ишлатиб кўрди. Бу нарса флюслардан фойдаланишга имкон берди. Лекин бу усульда ҳам пұлатнинг азотта тўйиниш имкониятига барҳам береб бўлмади. Шундай қилиб Томас усули серфосфор чўякларни қайта ишлашда құлланиладиган бўлди.

1933 йил рус инженери Н. И. Мозгов конвертерли ишлаб чиқаришнинг замона- вий варианти — кислород- конвертер усулини таклиф этди. Бу усульда Бессемер ва Томас усуулларининг камчиликларига барҳам берилған эди. Конвертер ўтга чидамли асос материал 2 билан футеровка қилинган. Суюқ чўян 1250—1300°C ҳароратда қуйилади, сўнгра зритилаётган массанинг 6—10 фоизи миқдорида флюслар бостирилади. Бу усулининг моҳияти қўйидагилардан иборат: таги битов конвертердаги суюқ чўян 3 га 0,6—0,8 МПа босим билан техник соғ кислород дами берилади (8-расм). Натижада металда оксидланиш жарасыллари бошланиб кетади:



8-расм. Кислород дами береб туриладиган конвертер схемаси.

- 1) темир оксидланади:  $2\text{Fe} + \text{O}_2 \rightarrow 2\text{FeO}$ ;
- 2) темир оксиди металда эрир экан, аралашмалар ва углерод оксидланишини вужудга келтиради:



Кислород бергандан сүнг металда яна анчагина темир оксидлари қолади, шунинг учун ҳам пұлатни углерод оксидидан холи қилиш эритишнинг якунловчи операцияси бўлади. Ана шу жараёнда металда эриган кислород эримайдиган бирикмага айланади ва у металдан чиқариб юборилади. Бундай пұлат қотаётіб үзини "сокин" тутади ва шунинг учун ҳам у "сокин пұлат" дейилади. Башарти углерод оксиidi чиқарилмаса, кислород углерод билан бирикib оксид ҳосил қиласи ва металнинг юзи қайнайди. Бундай пұлатга "қайнама пұлат" дейилади. Кислороднинг бир қисми сақланётган пұлат "ним сокин пұлат" бўлади. Углерод оксидини йўқотиш учун алюминий, марганец ва кремний ишлатилади.

Ҳозирги замон конвертерининг бир соатлик иш кунини 300—400 тоннага, эритиш даври 40—50 минутта боради. Конвертер усулида айлантириш иш унуми мартен усулига ниобатан анча юқори бўлганлигидан кейинчалик ана шу усул билан пұлат эритишни анча кўпайтириш мулжалланади.

Мартен усулини француз металлурги Пьер Мартен 1864 йилда ишлаб чиқсан ва ундан фойдаланган эди. Печнинг горизонтал иш майдони суюқ чўяндан, шунингдек қаттиқ металл шихтадан пұлат эритишга имкон беради. Мартен печлари учун газсимон, суюқ, қаттиқ ва комбинациялаштирилган ёқилгидан фойдаланилади.

Шихта таркибига кўра мартен усулида айлантиришнинг учта варианти бор: скрап-жараён, скрап-руда жараёни ва руда жараёни ишлатилади; печларни футеровка қилиш тури бўйича кислотали ва асосли усуllар бўлади. Скрап-жараёнида шихта 65—80 фоиз пўлат синикларидан ва 10—25 фоиз айлантирилган чўяндан, скрап-руда жараёнида эса 65—75 фоиз айлантирилган суюқ чўян ва 15—30 фоиз пўлат синик парчаларидан иборат бўлади.

Руда жараёни иқтисодий жиҳатдан нафи оз бўлганлигидан унинг қўлланиши чекланган.

Мартен печи бир соатда 40—45 тонна пўлат тайёрлаб беради, эритиш даври 6—7 соатта боради.

Электр воситасида пўлат эритиш печлари икки асосий тигъя: ёйли ва индукцион тигъяларга бўлинади.

Кўмир ёки графит электродлар билан печ тубидаги металл шихта ўртасида электр ёй вужудга келади (9-расм).

Замонавий электр ёйли печлар 200 тоннагача юк кетадиган қилиб ишлаб чиқарилмоқда, уларда пўлат эритиш даври 2—5 соатга боради.


Ёйли печлар ва индукцион печларда эритиладиган пўлатнинг сифат курсаткичлари юқори бўлади. Аммо электр энергия кўп сарфлангантиги сабабидан қимматта тушади.

Тигел теварагидаги чулғамда ҳосил бўлувчи магнит майдони индукцион печларда металлга ишлов беришда юксак ҳарорат тигелдаги шихта материалларни эриш ҳароратига қадар қиздиради. Замонавий индукцион печларнинг сигими 50 тоннагача, эритиш вақти эса 1—2 соатгача боради.

Электр печларда вужудга келтириладиган муқим юксак ҳарорат таркибида легирловчи қийин эрувчи элементлари кўп бўлган маҳсус пўлат эритишга имкон беради. Легирловчи элементлар пўлатнинг механик хоссаларини кескин равишда оширади. Бундан ташқари электр печларида оксидловчи аланга йўқлиги туфайли пўлатнинг оксиддага тўйиниш жараёнига йўл қўйилмайди.

Сифати ва нарси пастроқ пулат бессемер усули билан олинади.

Кислотали мартен пўлати асосли пўлатга нисбатан анча сифатли бўлади. Шунинг учун ҳам у тирсакли валлар, подшипниклар, компрессор, трубина деталлари



9-расм. Электр ёйли пўлат эритиш печининг схемаси:

1 — графит электродлар; 2 — печь гумбази; 3 — гов бостириладиган түйнук; 4 — металл шихта; 5 — тайёр металлический механизм; 6 — тарнов; 7 — ляпка (жур); 8 — печ трансформатори.

ва бошқаларни тайёрлашда қўлланади. Кислород дами бериш туфайли конвертерларда олинадиган пўлат таркибидаги азот мартен печларида олинадиган пўлатницидан ортиқ бўлмайди. Бу пўлат бошқа сифат кўрсаткичлари жиҳатидан ҳам мартен пўлатидан қолишмайди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда конвертер пўлатини янада яхшилаш борасида катта-катта тадқиқотлар олиб борилмоқда.

### 2. 3. 2. Пўлатнинг таснифи ва маркалари

Саноат ишлаб чиқариётган пўлат ишлаб чиқариш усули, темир оксидини йўқотиш даражаси, кимёвий таркиби, вазифаси, сифати ва бошқа аломатларига кўра тасниф қилинади.

Ишлаб чиқариш усулига кўра (асосли ёки кислотали) мартен пўлати, бессемер пўлати, томас пўлати, кислород-конвертер пўлати, ва (ёйли ёки индукцион) электр пўлати бўлади, темир оксидининг йўқотилиш даражасига кўра сокин, нимсокин ва қайнама пўлат бўлади. Пўлат кимёвий таркиби жиҳатидан углеродли ва легирланган бўлиши мумкин. Пўлат таркибидаги углеродига кўра паст углеродли (углероди 0,25 фоизга қадар), ўртача углеродли (углероди 0,25—0,7 фоизга қадар) ва серуглеродли (углероди 0,7 фоизга қадар) пўлатларга бўлинади. Пўлат легирловчи элементларининг концентрациясига кўра паст легирланган (5 фоизга қадар), ўртача легирланган (5—10 фоизга қадар) ва серлегирланган (10 фоиздан кўп) пўлатларга бўлинади. Вазифасига кўра конструкцион пўлат, асбобсозлик пўлати, шунингдек иссиққа чидамли, иссиққа тургун, зангламайдиган, ейилишга чидамли, алоҳида хоссаларга эга бўлган маҳсус вазифадаги пўлатларга бўлинади. Пўлатлар сифат кўрсаткичлари жиҳатидан оддий сифатдаги пўлатларга, сифатли пўлатларга, юқори сифатли пўлатларга ва алоҳида юксак сифатли пўлатларга тасниф қилинади. Пўлатнинг сифати ишлаб чиқариш жараёни, кимёвий таркиби, газ ва олтингугурт ҳамда фосфор каби зиёнили аралашмаларининг таркиби билан белгиланувчи хоссалар мажмую билан характерланади. ГОСТга мувофиқ оддий сифатдаги пўлатда фосфор 0,045 фоиздан, олтингугурт 0,05 фоиздан ортиб кетмаслиги керак. Сифатли пўлатда эса фосфор кўпи билан 0,035 фоиз, олтингугурт 0,040 фоиздан, юқори сифатли пўлатда фосфор 0,025 фоиздан ва олтингугурт 0,025 фоиздан

ҳамда алоҳида юқори сифатли пўлатда фосфор 0,025 фоиздан, олтингугурт эса 0,015 фоиздан ортиб кетмаслиги керак. Углеродли пўлат таркибида легирловчи элементлар бўлмаса-да, марганец, кремний, олтингугурт ва фосфор каби доимий азалашмалар бўлади. Энг арzon ва кўп тарқалган материаллар — конструкцион углеродли пўлатнинг механик ва технологик хоссалари қониқарли бўлиб, турли машина деталлари ва конструкцияларни тайёрлашда ишлатилади. Бундай пўлат оддий сифат билан, шунингдек сифатли қилиб ишлаб чиқарилади.

Оддий сифатли конструкцион углеродли пўлат мартен усули ёки кислород конвертер усули билан ишлаб чиқарилади ва прокат қилиш, териш ва штамплаш йўли билан тайёрланган нимкор қўйма ва буюмлар ҳолида юборилади. Паст углеродли пўлатлар бинокорлик конструкцияларни, кўприклар, кранлар, каркаслар, рамалар ва бошқаларни тайёрлашда, ўртача углеродли пўлатлар эса вагон гидрираклари, рельслар ва турли машина деталларини тайёрлашда ишлатилади.

Оддий сифатдаги конструкцион углеродли пўлат юборилаётганида вазифаси ва кафолатларига кўра учта: А,Б ва В гуруҳларига бўлинади. А гуруҳ пўлат механик хоссалари жиҳатидан, Б гуруҳ пўлат кимёвий таркиби жиҳатидан, В гуруҳ пўлат эса механик хоссалари ва кимёвий таркиби жиҳатидан гарантияланади. Бундан ташқари ҳар бир гуруҳ нормаланувчи кўрсаткичларига қараб бир қанча категорияларга бўлинади: А гуруҳ —1,2 ва 3 категория, Б гуруҳ —1 ва 2 категория ва В гуруҳ 1, 2, 3, 4, 5 ва 6 категорияларга бўлинади.

Пўлат Ст ҳарфлари билан маркаланади, шу ҳарфлар оддида вазифасига кўра пўлат гуруҳлари кўрсатилади: Б ёки В деб қўйилади (А гуруҳ учун ҳарфлар қўйилмайди), ҳарфлар кетидан марка номерини белгиловчи рақамлар ёзилади. Бу номер пўлатнинг кимёвий таркиби ва механик хоссаларига боғлиқ бўлади. Шундан кейин темир (II) — оксидини йўқотиш усули ҳамда пўлатнинг категорияси ёзилади (биринчи категория ёзилмайди). Бирон легирловчи элемент ортиб кетган бўлса, марка номери билан темир оксидини йўқотиш усули орасига тегишли ҳарф қўйилади.

А гуруҳ пўлат иссиқ ишлов берилмайдиган ашёлар тайёрлашда қўлланилади ва етти хил маркада: СтO, Сt1, Сt2, Сt3, Сt4, Сt5 ва Сt6 маркаларда чиқарилади. Марка номери қанча катта бўлса пўлатнинг таркибида

углерод шунча кўп, унинг пишиқлиги шунча юқори ва пластиклиги паст бўлади.

Б гуруҳ пўлат иссиқ ишлов бериладиган буюмлар тайёрлашга мўлжаллаган бўлиб, номерлари СтO дан Ст6 гача борадиган етти хил маркада юборилади. В гуруҳ пўлат пайвандланадиган конструкциялар тайёрлашга мўлжалланган бўлиб, Ст1 дан Ст5 гача беш хил маркада чиқарилади. Масалан, Ст4СП марка пўлат А гуруҳ, 4 марка, сокин, 1 категорияли эканлигини билдиради, БСт2КП3 марка пўлат Б гуруҳ, 2 марка, 3 категориядаги қайнама пўлат эканлигини, ВСт2ПС5 марка эса В гуруҳ, 2 марка, нимсокин, 5 категориядаги пўлат бўлади.

*I. Б гуруҳ оддий сифат углеродли пўлатларнинг кимёвий таркиби \**

Пўлат	C	Mn	Si°	S	P
				кўпчи билан	
БСтO	—	—	—	0,06	0,07
БСт1	0,06—0,12	0,25—0,5	0,12—0,3	0,05	0,04
БСт2	0,09—0,15	0,25—0,5	0,12—0,3	0,05	0,04
БСт3	0,14—0,22	0,3—0,65	0,12—0,3	0,05	0,04
БСт4	0,18—0,27	0,4—0,7	0,12—0,3	0,05	0,04
БСт5	0,28—0,37	0,5—0,8	0,15—0,35	0,05	0,04
БСт6	0,38—0,49	0,5—0,8	0,15—0,35	0,05	0,04

\* — сокин пўлат учун

Б гуруҳ оддий сифат углеродли пўлатларнинг фоиз ҳисобидаги кимёвий таркиби 1-жадвалда берилган.

Сифатли углеродли конструкцион пўлат мартен печлари ва электр печларида эритилади ва ичдан ёнар моторлар тирсакли вали ва шатунлари, машина ва механизмларнинг турли деталлари, прибор ва аппарат корпуслари, тишли гилдираклар каби энг масъулиятли машина деталларини тайёрлашда ишлатилади. Бу пўлат таркибида олtingугурт камлиги билан оддий сифат пўлатдан фарқ қиласи ва 08, 10, 15, 20, 25, 30, 35, 40, 45, 50, 55, 60, 65, 70, 75, 80 ва 85 маркалари билан чиқарилади.

Пўлат маркаларидаги икки хонали сон пўлат таркибидаги углерод фоизининг юздан бир неча улушидан иборат ўртача миқдорда эканлигини кўрсатади.

Қуймалар тайёрлашга аталған пұлат сифатли пұлатларға ўхшаш белгиланади-ю, лекин "Л" ҳарфи құшилади, масалан, 20Л, 30Л, 45Л, 70Л деб белгиланади.

Асбоб ясаладиган углеродли пұлат ҳар хил асбоблар (кескин, фреза, парма каби кесадиган: болға, исказа, дасттарра, зев, гайка қалити каби слесарлик асбоблари; андоза, штангенциркуль, микрометр каби үлчов асбоблари), шунингдек қаттиқлиги ва ейилишга чидамлилиги юқори бұлған асбоблар тайёрлашда ишлатилади. Улар "У" (углеродли) ҳарфи билан ва углерод таркиби фоизининг үндән бир неча улушкича (У7—У13) эканлигини күрсатувчи рақам билан маркаланади. Масалан, У10 пұлатда 1 фоизга яқын углерод бұлади. Юқори сифатли углеродли асбобсөзлик пұлати У7А дан У13А агача маркаланади, таркибидаги марганец күпроқ бұлған пұлат У8Г ва У8ГА деб маркаланади. Аммо углеродли асбобсөзлик пұлати иссиққа турғуынлиги ва ейилишга чидамлилиги паст бұлганидан кесиш тезлигі паст асбоблар тайёрлашдагина ишлатилиши мүмкін, шунинг учун ҳам уларнинг ўрнига легирланған пұлат ишлатилади.

Легирланған пұлат ёйли ва индукцион электр печларыда әритилади ва улар қаттиқлиги, пишиқлиги, пластиклиги ва бошқа ҳодисалари билан фарқ қиласы. Пұлатнинг номи унинг таркибига киругчи легирловчи элементларға боялық бұлади. Бу элементлар пұлатта алоқида-алоқида, шунингдек бир-бiri билан аралаш ҳолда киритилади: хром никелли, хром марганецли, марганецли пұлатлар ва бошқа хил пұлатлар бұлади. Пұлатларнинг маркалари легирловчи элементларнинг миқдор таркибини назарда тутади. Стандартта мұвоғиқ легирланған пұлат маркаларини белгилашда чап томондаги рақамлар таркибидаги углерод процентнинг юздан бир нечта улушки миқдорида эканлигини, рақамлардан үнгдаги ҳарфлар эса тегишли элемент борлигини; ҳарфлардан кейинги рақамлар эса—элемент бир фоиздан күп бұлса унинг фоиз миқдорини күрсатади. Легирловчи элементлар қуйидаги ҳарфлар билан белгиланади. С — кремний, Г — марганец, Н — никель, Х — хром, В — вольфрам, Ю — алюминий, М — молибден, Ф — ванадий, Т — титан, К — кобальт, Д — мис, Р — бүр, Б — ниобий, Е — селен, П — фосфор, Ц — цирконий бұлади ва қоказо. Марка охиридаги А ҳарфи пұлат юқори сифатли эканлигини билдиради. Масалан, 12Х2Н4А маркасы таркибидә үрта ҳисобда 0,12 фоиз

углерод, 2 фоиз хром ва 4 фоиз никели бўлган юқори сифатли пўлатни билдиради.

Баъзи пўлатлар мазифасига кўра муайян ҳарфдан бошланадиган маркаларга эга: шарикоподшипники пўлат — III дан, тез кесар пўлат Р дан, магнитли пўлат Е дан бошланади ва ҳоказо. Бу пўлатларни маркалашда таркибидаги углерод миқдори кўрсатилмайди, легирловчи элементлар эса ҳамиша ҳам бутун фоизлар билан кўрсатилавермайди. Масалан, ШХ9 пўлатида 0,9—1,2 фоиз хром бўлади.

Легирланган конструкцион пўлат динамик куч, катта тезлик ва босим шароитларида ишлайдиган машина ва приборларнинг деталларини тайёрлашда, шунингдек қурилиш ишларидағи пайвандланган масъулиятли конструкцияларни тайёрлашда қўлланади ва паст легирланган ва легирланган пўлатларга бўлинади. Паст легирланган пўлат кимёвий таркиби ва механик хоссаларининг кўрсаткичлари жиҳатидан иккита гуруҳга: металл конструкциялар ясашга кетадиган пўлат — А ҳамда темир-бетон буюмларнинг орасига олинадиган армировка пўлати — Б гуруҳларига бўлинади. Легирланган пўлат таркибидаги зарарли аралашмалари жиҳатидан сифатли, гоят сифатли ва алоҳида гоят сифатли пўлатларга, таркибидаги углероди миқдорига кўра цементланадиган ва яхшиланадиган пўлатларга бўлинади. Цементланадиган пўлатнинг таркибида 0,3 фоизгача углерод бўлади, пластик ва қовушоқ бўлади. Паст ҳароратда бўшаштирган ҳолда пўлатни цементлаш ва тоблаш орқали гоятда қаттиқ қилинади.

Цементланадиган легирланган конструкцион пўлатларнинг қўйидаги маркалари: 15Х, 25ХГМ, 30ХГТ, 20ХНЗА, 12Х2Н4А, 18Х2Н4МА ва бошқалари кўпроқ тарқалган. Яхшиланадиган пўлат таркибида 0,3—0,5 фоиз углерод бўлади, яхши тобланади, бунинг натижасида унинг қаттиқлиги ортади. Пўлат хоссаларини яхшилаш уни юқори ҳароратда бўшаштириш ҳисобига қовушоқлигини орттиришдан иборатdir.

Яхшиланадиган легирланган конструкцион пўлатларнинг қўйидаги маркалари: 40Х, 40ХГТР, 30ХГСА, 40ХНМА, 38ХНЗМФА, 38Х2МЮА кўпроқ тарқалган.

Асбобсозликда ишлатиладиган легирланган пўлат гоятда қаттиқ, сийилишга чидамли ва пишиқ бўлмоғи, юқори ҳароратда хоссаларини сақлаб қола олмоғи лозим.

Улар кесадиган ва зарб билан штампланадиган асбобларда ишлатиладиган паст легирланган ва юксак легирланган пўлатларга булинади.

Кески асбоб учун ишлатиладиган паст легирланган пўлат таркибида б ғоизгача легирловчи элементлар ва 1,2 ғоизгача углерод бўлади. Хром, вольфрам, ванадий каби элементлар асосий легирловчи қўшиладиган элементлар бўлиб пўлатни гоятда қаттиқ, сийилишга чидамили ва тобланадиган қиласи. 9ХС, XБ5, XВГ, 13Х, XBCГ ва бошқа маркали пўлатлар кўпроқ тарқалган. Паст легирланган асбобсозлик пўлатлари углеродли пўлатга нисбатан кесиш тезлигини 1,2—1,4 баравар оширишга имкон беради ва пармалар, протяжка (кўп кескили metall қирқувчи — сидирувчи асбоб), ташқи резба ўядиган плашка ва ички резба очадиган метчик тайёрлашда ишлатилади.

Кески асбобга мўлжалланган юксак даражада легирланган асбобсозлик пўлатининг таркибидаги легирловчи элементлар 10 ғоиздан кўпроқ, углерод эса 0,7—1,55 ғоиз бўлади. Уларда вольфрам асосий легирловчи элемент (9—18 ғоиз) бўлади. Бундан ташқари бундай пўлат таркибида хром (4—5 ғоиз), никель ва молибден (ҳар бири 0,3 ғоиздан), шумингдек ванадий ва кобальтдан иборат маҳсус қўшимча элементлар бўлади. Юксак даражада легирланган асбобсозлик пўлати токарлик кескиларини, фрезалар, пармалар ва юқори ҳароратда ишлатиладиган бошқа хил асбобларни тайёрлашга мўлжалланган бўлиб, тезкесар пўлат дейилади.

Бундай пўлат гоятда қаттиқ бўлиб, 500—600°C гача иссиқликка чидайди. Ана шу туфайли ундан углеродли пўлатга нисбатан 3—4 баравар ортиқ кесиш тезликларида фойдаланиш мумкин бўлади.

Тезкесар пўлат маркаланаётганида таркибидаги углерод билан хром кўрсатилмайди, марка эса Р ҳарфидан бошланади. Ана шу ҳарфдан кейин турувчи рақам асосий легирловчи элемент бўлган волфрам қанча эканлигини кўрсатади. Шундан сўнг легирланган конструкцион пўлатларни маркалашда қилингани сингари маҳсус қўшимча элементларни билдирувчи ҳарфлар ва миқдорини билдирувчи рақамлар кўрсатилади. Масалан, Р18Ф2К5 дейилади. Бир қанча ҳолларда пўлат маркасида таркибидаги вольфрам қанча эканлиги кўрсатилади, масалан, Р13 деб қўйилади. Пўлат таркибида бошқа элементлар ҳам борлигига қарамай шундай қилинаверади.

P9, P13, P18, P18K5, P18K10, P18Ф2, P18Ф2К5 ва бошқа маркалы пұлат әнд күп тарқалған тезкесар пұлатлардир.

Зарб билан штампленгандың асбобларга мүлжалланған легирланған пұлат союқлайын ишлов берувчи штампларнинг пұлатлары булинади. Союқлайын ишлов берувчи штампларни ясаш үчүн ШХ15, ХВГ, 9ХС, Х12М ва бошқа маркалы пұлаттар, иссиқлайын ишлов бериш үчүн эса 5ХНВ, 5ХНМ, 5ХГМ маркалы ва бошқа маркалы пұлаттар ишлатилади.

Максус пұлат иссиққа чидамли, иссиқда турғун, коррозияга чидамли, ейилишга чидамли пұлатлардан ва бошқа хоссаларға зәға бұлған пұлатлардан иборат бұлади.

Иссиққа чидамли пұлат юқори ҳароратда ҳам пишиқлиги ва қаттықлигини сақтаб қолаверади. Хром, никель, молибден, вольфрам, кремний, ванадий, ниобий ва бошқа элементлар легирловчы құшимча элементлар бўлиб хизмат қиласади. 450—700°C ли ҳарорат ишлатилувчи перлитли (12ХМФ, 15ХМФ, 25Х2МФ, 12Х2МБ ва бошқа) пұлат, мартенсит (15Х5М, 40Х10С2М, 15Х11МФ, 12Х2МФБ ва бошқа маркалы) пұлат ҳамда аустенитли (17Х18Н9, 12Х18Н10Т, 20Х25Н20С2, 45Х14Н14В2М ва бошқа маркалы) иссиққа чидамли пұлатлар құлланиш құламлари жиҳатидан етакчи үрин тутади.

700—1000°C ҳароратларда никель асосидаги иссиққа чидамли қотишмалар, 1000°C дан ортиқ ҳароратларда эса қийин әрүвчи металл асосидаги қотишмалар ишлатилади. XН77ТЮ, XН77ТЮР, XН55БМТКЮ, XН70МВТЮБ маркалы (никелли) иссиққа чидамли қотишмалар әнд күп тарқалған. Қотишмаларда вольфрам, рений, тантал, ниобий, молибдендан қийин әрүвчи металлар сифатида фойдаланилади.

Иссиқда турғун (куйиндига чидамли) пұлат, хром, никель, титан, кремний, алюминий ва юқори ҳароратларда пұлатнинг оксидланишларига йүл құймайдыган бошқа хил элементлар билан легирланади. 15Х5, 15Х28, 30Х13Н7С2, 08Х17Т, 15Х6СЮ, 36Х18Н25С2 маркалы пұлаттар әнд юқори иссиқда турғун пұлат ҳисобланади.

Зангламайдыган (коррозияга чидамли) пұлатлар хромли ва хромникелли пұлатларға булинади; чунончы хром асосий легирловчы элемент бўлиб, сув, буг, ишқор ва кислота эритмалари каби емирувчи муҳит шароитларida пұлатни коррозияга чидамли қиласади. 12Х13, 20Х13, 30Х13

ва бошқалар коррозияга чидамли хромли пўлатларнинг энг кўп тарқалган маркалари дир. 08Х18Н10, 12Х18Н10Т, 17Х18Н9, 10Х17Н13М2Т, 12Х17Г9АН4 ва бошқа маркали пўлатлар коррозияга чидамли хром-никелли пўлатларнинг энг кўп тарқалган маркалари ҳисобланади.

Хром пўлатларнинг коррозияга чидамлилигини оширибгина қолмай, куюнди ҳосил бўлишига чидамлилигини ҳам орттиради. Барча зангламайдиган пўлат таъсиридаги хром 13 фоиздан кўпроқ бўлганлигидан улар иссиққа турғун булади. Шу билан бирга пўлат таркибида хром нечоглик кўп бўлса, унинг куйинди ҳосил бўлишига чидамлилиги ҳам шунчалик юқори булади.

Ейилишга чидамли пўлат ғоятда қаттиқ ва ейилишга қаршилик кўрсатадиган бўлмоғи лозим. Таркибидаги углероди 1,75 фоизга қадар ва кремнийси 1,6 фоизга қадар оширилган графитланган пўлат, серуглеродли хромли пўлат ШХ15, сермарганеци Г13 пўлат ва бошқалар мана шу талабларни қондира олади.

## 2.4. Пўлат сифатини ошириш

### 2.4.1. Пўлат сифатига баҳо бериш мезонлари ва услублари

Пўлат сифатини назорат этиш бир қанча операция ва услублар ўтказишни назарда тутадики, улар пўлат ишлаб чиқариш жараённида металлнинг берилган сифат даражасини таъминлайди, шунингдек тайёр маҳсулотнинг амалдаги истеъмол тавсифлари билан товар ҳолининг стандарт талабларига нечоглиқ мувофиқ келишига баҳо беришга имкон беради.

Металл маҳсулотларнинг физик, кимёвий, механик ва технологик хоссалари, шакл ва ўлчамлари, унинг маркаланишига, пакетланиши ва ташқи кўриннишига қўйиладиган талаблар металл маҳсулотларининг истеъмол тавсифлари булади. Кимёвий ва тузилиши жиҳатидан бир жинсли бўлмаслиги, зарарли аралашмалар ва нометалл аралашмаларнинг кўпайиб кетганлиги, макро-структурда ва микроструктура нуқсонлари, ички нуқсонлар, буюм шакли ҳамда бетидаги нуқсонлар ва бошқалар металлар билан металл маҳсулотларнинг энг кўп тарқалган нуқсонлари қаторига киради.

Металлар ва металл маҳсулотларнинг хоссалари одатда пинҳона бўлади ва бевосита идрок этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу хоссаларни назорат этиб туриш ва уларга баҳо бериш учун маҳсус синаш услублари

ҳамда ўлчаш воситалари, шунингдек маҳсулотни юбориш ва қабул қилиб олиш шартларини кўрсатувчи тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Кейинги вақтлар умумий метрологик комплексда металларнинг стандарт ва этalon намуналари тобора кўпроқ қўлланмоқда. Амалдаги намуналар спектрал, рентген таҳлили ва бошқа хил таҳлиллар ёрдами билан ана шу намуналарга таққосланади.

Сифат кўрсаткичлари номенклатураси юбориладиган нимкор қўйма ёки тайёр буюм турига ҳамда пўлатнинг вазифасига боғлиқ бўлади. Кейин эритилиши лозим бўлган қўйма параметрларига баҳо беришда пўлат сифати материал сифатига қараб аниқланади, тайёр маҳсулотни таърифлашда материал сифатигина эмас, шу билан бирга тайёр буюм сифати ҳам текшириб чиқарилади. Металл сифатига баҳо бериш учун унинг кимёвий таркиби, механик хоссалари аниқланади, макроструктуравий ва микроструктуравий таҳлиллар ўтказилади, ташқаридан кўздан кечирилади ва бошқа ишлар қилинади. Тайёр буюм асосий геометрик ўлчамлари билан ҳам таърифларади.

Кимёвий таркиб пўлат сифатининг асосий муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Чунки бутун физик, кимёвий, механик ва технологик хоссалар комплекси таркибидаги углерод, зарарли, фойдали (легирловчи) ва йўлдош элементлар миқдорига боғлиқ бўлади. Кимёвий таркиб пўлатга босим билан, уни пайвандлаб ишлов бериш ҳамда техник ишлов бериш тартибини, шунингдек олинган буюмларнинг тузилиши ва хоссаларини кўп жиҳатлардан белгилаб беради.

Пўлатларнинг таркибидаги углерод, олтингугурт ва фосфорни, шунингдек марганец, кремний, хром, никель, молибден, титан, ванадий, вольфрам, кобальт, алюминий, мис ва бошқа металларни аниқлаш услублари стандартларда ишлаб чиқилган.

Кимёвий таркиб таҳлили ҳар бир эритилган пўлат учун металл нимкор қўймага айлантириб қўйилаётганида ундан ўртача намуна олиб ўтказилади. Намуналар чўян идишларга қўйилади ва у қотгач ундан пармалаш ёки йўниш йўли билан металл қириндиси олинади ва кимёвий таҳлил қилинади. Пўлатдаги ҳар бир аралашманинг ва легирловчи ҳар бир элементнинг таркиби ГОСТларда келтирилган услубга қатъий мувофиқ ҳолда аниқланади.

Таҳлил натижалари ана шу эритишдан олинган пұлатнинг сертификатига ёзиб қойилади.

Кейинги йилларда кимёвий таҳлил ўтказиш учун фан ва техниканинг замонавий ютуқларига асосланған тезкор услублардан фойдаланылмоқда.

Механик хоссаларни аниқлашда синааб күриш ва сифатли намуна тайёрлаш учун намуна олиш услубини тұғри танлашнинг ақамияти катта.

Қаттиқлик, пишиқлик даражаси, нисбий узайыш ва торайиши, зарбий қовушоқлик ва бошқалар металл механик хоссаларининг энг күп тарқалған миқдордаги күрсаткычлари ҳисобланади. Пұлатнинг шу хоссалари дастлабки ҳолатида, шунингдек юмшатылған ёки термик ишлов берилған ҳолатида аниқланади. Масалан, қаттиқлик асосий күрсаткыч ҳисобланған асбобсозлик пұлати ГОСТ бүйіча юмшатылған ҳолида қаттиқликнинг юқори ҳадди билан ва пұлатлар тоблашдан сұнг эга бұладиган қаттиқлик қуын гарантияланадиган ҳадди билан таърифланади. Максус вазифаларға мұлжалланған пұлат сифатини назорат этишда уларнинг иссиққа чидамлилік, ейилишга чидамлилік, коррозияға чидамлилік каби асосий ишлатылыш хоссалари аниқланади.

Таҳлиллар ўтказылып бұлғач, олинган маълумотлар стандартларнинг талабларынша нечөглиқ мөс келиши аниқланади.

І бобда пұлатларнинг баъзи механик хоссаларини аниқлаш услублари күриб чиқылған.

Макроструктуравий таҳлил пұлатнинг тузилишини қуролланмаган күз билан ёки лупа ёрдами билан уни 30 баравар катталаштирилған ҳолда тадқиқ этишда құлланылади. Макроструктура уч хил услуга билан: синдириб күриш услуги, макрошлиф услуги ҳамда тайёр буюм силлиқланған ва хурушланған юзини күздан кечириш орқали үрганилади. Синдириб күриш услуги материалнинг ички тузилишида нұқсонлар (дарз, газ пуфакчалари ва бошқалар) бор-йүқлигини, ишлов берилдиган сиртқи қатлам қалинлигини, доналарнинг катта-кичиқлигиги ва уларнинг ўзаро жойлашишини аниқладаб олишга имкон беради. Синдириб күриш услуги билан аниқлаш учун буюм синдириләди ва таҳлил қилиб күриш учун ундан максус намуналар олинади. Сұнгра бу намуналар шундайligicha ёки лупа орқали қараб күздан кечириләди. Макрошлиф услуги буюмдан кесиб олинған узала ёки күндаланғ ясси

ҳамда ўлчаш воситалари, шунингдек маҳсулотни юбориш ва қабул қилиб олиш шартларини кўрсатувчи тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Кейинги вақтлар умумий метрологик комплексда металларнинг стандарт ва этalon намуналари тобора кўпроқ қўлланмоқда. Амалдаги намуналар спектрал, рентген таҳлили ва бошқа хил таҳлиллар ёрдами билан ана шу намуналарга таққосланади.

Сифат кўрсаткичлари номенклатураси юбориладиган нимкор қўйма ёки тайёр буюм турига ҳамда пўлатнинг вазифасига боғлиқ бўлади. Кейин эритилиши лозим бўлган қўйма параметрларига баҳо беришда пўлат сифати материал сифатига қараб аниқланади, тайёр маҳсулотни таърифлашда материал сифатигина эмас, шу билан бирга тайёр буюм сифати ҳам текшириб чиқарилади. Металл сифатига баҳо бериш учун унинг кимёвий таркиби, механик хоссалари аниқланади, макроструктуравий ва микроструктуравий таҳлиллар ўтказилади, ташқаридан кўздан кечирилади ва бошқа ишлар қилинади. Тайёр буюм асосий геометрик ўлчамлари билан ҳам таърифланади.

Кимёвий таркиб пўлат сифатининг асосий муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Чунки бутун физик, кимёвий, механик ва технологик хоссалар комплекси таркибидаги углерод, зарарли, фойдали (легирловчи) ва йўлдош элементлар миқдорига боғлиқ бўлади. Кимёвий таркиб пўлатга босим билан, уни пайвандлаб ишлов бериш ҳамда техник ишлов бериш тартибини, шунингдек олинган буюмларнинг тузилиши ва хоссаларини кўп жиҳатлардан белгилаб беради.

Пўлатларнинг таркибидаги углерод, олтингугурт ва фосфорни, шунингдек марганец, кремний, хром, никель, молибден, титан, ванадий, вольфрам, кобальт, алюминий, мис ва бошқа металларни аниқлаш услублари стандартларда ишлаб чиқилган.

Кимёвий таркиб таҳлили ҳар бир эритилган пўлат учун металл нимкор қўймага айлантириб қўйилаётганида ундан ўртача намуна олиб ўтказилади. Намуналар чўян идишларга қўйилади ва у қотгач ундан пармалаш ёки йўниш йўли билан металл қириндиси олинади ва кимёвий таҳлил қилинади. Пўлатдаги ҳар бир аралашманинг ва легирловчи ҳар бир элементнинг таркиби ГОСТларда келтирилган услубга қатъий мувофиқ ҳолда аниқланади.

Таҳлил натижалари ана шу эритишдан олинган пўлатнинг сертификатига ёзиб қўйилади.

Кейинги йилларда кимёвий таҳлил ўтказиш учун фан ва техниканинг замонавий ютуқларига асосланган тезкор услублардан фойдаланилмоқда.

Механик хоссаларни аниқлашда синаб кўриш ва сифатли намуна тайёрлаш учун намуна олиш услубини тўгри танлашнинг аҳамияти катта.

Қаттиқлик, пишиқлик даражаси, нисбий узайиш ва торайиши, зарбий қовушоқлик ва бошқалар metall механик хоссаларининг энг кўп тарқалган миқдордаги кўрсаткичлари ҳисобланади. Пўлатнинг шу хоссалари дастлабки ҳолатида, шунингдек юмшатилган ёки термик ишлов берилган ҳолатида аниқланади. Масалан, қаттиқлик асосий кўрсаткич ҳисобланган асбобсозлик пўлати ГОСТ бўйича юмшатилган ҳолида қаттиқликнинг юқори ҳадди билан ва пўлатлар тоблашдан сўнг эга бўладиган қаттиқлик қўйи гарантияланадиган ҳадди билан таърифланади. Махсус вазифаларга мўлжалланган пўлат сифатини назорат этишда уларнинг иссиққа чидамлилик, ейилишга чидамлилик, коррозияга чидамлилик каби асосий ишлатилиш хоссалари аниқланади.

Таҳлиллар ўтказилиб бўлгач, олинган маълумотлар стандартларнинг талабларига нечоғлиқ мос келиши аниқланади.

И бобда пўлатларнинг баъзи механик хоссаларини аниқлаш услублари кўриб чиқилган.

Макроструктуравий таҳлил пўлатнинг тузилишини қуролланмаган кўз билан ёки лупа ёрдами билан уни 30 баравар катталаштирилган ҳолда тадқиқ этишда қўлланилади. Макроструктура уч хил услуг биласи: синдириб кўриш услуби, макрошлиф услуби ҳамда тайёр буюм силиқланган ва хурушланган юзини кўздан кечириш орқали ўрганилади. Синдириб кўриш услуби материалнинг ички тузилишида нуқсонлар (дарз, газ пуфакчалари ва бошқалар) бор-йуқлигини, ишлов бериладиган сиртқи қатлам қалинлигини, доналарнинг катта-кичиликлиги ва уларнинг ўзаро жойлашишини аниқлаб олишга имкон беради. Синдириб кўриш услуби билан аниқлаш учун буюм синдирилади ва таҳлил қилиб кўриш учун ундан махсус намуналар олинади. Сўнгра бу намуналар шундайлигича ёки лупа орқали қараб кўздан кечириллади. Макрошлиф услуби буюмдан кесиб олинган узала ёки кўндаланг яси

намуналардан иборат махсус макрошлифларни тадқиқ этишга асосланган. Намуналар силлиқланади ва силлиқ юзига тегишили реактив бериб хурушланади. Таҳлил натижасида материалнинг толалилиги, кимёвий таркиби нинг (олтингугурт ва фосфор ликвацияси — кимёвий таркиби) бир жинсли эмаслиги, шунингдек ичкি тузилиш нуқсонлари (майда тешиклар, ёрлиқлар, пуфакчалар ва бошқалар) аниқланади. Тайёр буюмнинг силлиқланган ва хурушланган юзи кўздан кечирилиб, турли металл маҳсулотлар: босим билан ишлов бериш, пайвандлаш, механик йўл билан ва бетига ишлов бериб олинган нимкор қўйма ва қўймалар, буюмларнинг сифати назорат этилади (10-расм).



10-расм. Занжирли узатма юлдози макроструктурасининг схемаси: иссиқлайин прокат қилингандага *a*, механик ишлов берилгандага *b* ва пайвандчоқда *c*.

Нимкор қўйма ва қўймаларни макроструктуравий таҳлил этиш ёрдамида буюм металининг йўналган кристалланиши аниқланади, говаклар, ёриқлар ва газ пуфакларининг катта-кичиклик шакли ва ўрни белгиланади. Бу нарса ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга ҳамда нуқсонларни йўқотиш, ёхуд уларнинг буюм эксплуатация хоссаларига зарарли таъсирини анча камайтириш мақсадида нимкор қўйма ва қўймалар тайёрлаш ва уларга ишлов бериш технологиясини такомиллаштиришга имкон беради. Босим билан (прокат қилиш, териш ва бошқалар) ишлов бериш услублари билан ҳосил қилинган буюмларда микроанализ тузилиши тола йўналишини аниқлашга, нометалл аралашмалар бор-йуқлигини, кимёвий таркиби бир жинсли эмаслигини аниқлашга ва шу таҳлитда металларга босим билан ишлов бериш услубларини такомиллаштиришга имкон беради.

Маълумки, металларнинг хизмат муддатини узайтириш учун эксплуатация чогида материал толаларининг жой-

лашиши билан қуйиладиган кучларнинг таъсир йўналиши ўртасида муайян ўзаро алоқа бўлиши зарур. Чўзувчи куч толаларга параллел, кесувчи куч эса унга тик бўлган ҳолда буюм анча пишиқ бўлиб чиқади. Микроанализ пайвандланган ашёларнинг ички тузилишини ўрганишда, чала пайвандланиш, ёриқлар ва нометалл аралашмалар каби нуқсонларини топишга, устки ишлов бериш билан олинган, масалан, цементлаш ва азотлаш билан олинган буюмларни таҳлил қилишга, ишлов берилган қатлам чуқурлиги ва қаттиқлигини белгилашга, углерод ёки азот концентрациясини аниқлашга имкон беради.

Микроструктуравий таҳлил жараённда пўлатнинг тузилиши микроскоп ёрдами билан тадқиқ этилади. Металлнинг 50—200 баравар катталаштирилганда кўриладиган тузилиши микроструктура дейилади. Оптик микроскоплар кўп тарқалган, ультрабинафша нур ва кварц оптикали микроскоплар камроқ қўлланади.

Кристалл панжараларнинг шакли ва катта-кичиклиги рентген-структуравий таҳлил ва электрон-график таҳлиллар ёрдами билан ўрганилади.

Микроструктурани ўрганиш учун намуна узала ёки кўндаланг йўналишда кесилади, сўнг у силлиқланади, ойнадек бўлгунча жилоланади ва махсус реакция билан хурушланади. Пўлатларнинг микроструктуравий таҳлили уларда айрим фазалар, шу фазаларнинг ўлчамлари, баъзида эса таркибини, прокат қилиш ва техник ишлов беришдан сўнг дона катталигини ҳамда шу операцияларни ўтказиш сифатини аниқлаб олишга, шунингдек таркибида углерод ва нометалл аралашмалар қанча эканлигини аниқлашга имкон беради. Чўяннинг микроанализи чогида графит аралашмаларнинг ўлчамлари ва характеристи аниқланади. Металл ва қотишмалар микроструктрасини ўрганиш услуби тегишли стандартлар билан белгилаб қўйилган. Масалан, доналарнинг катта-кичиклиги намунани юз баравар катталаштириб кўздан кечириш йўли билан 1 дан (Энг йирик) 8 гача (Энг майдага) рақам қўйиб, турли тузилишли ташкил этувчиларнинг миқдорий нисбати тўқизита шкала эталонларига қараб, нометалл аралашмалар миқдори беш балли шкалага қараб аниқланади.

Кейинги вақтларда металл буюмларни синдиримаган ҳолда ундаги пинҳона нуқсонларни махсус физик назорат этиш услублари тобора кенг тарқалмоқда. Ана шу тадқиқот услублари мажмуасига дефектоскопия дейилади. Ультра-

төвуш, магнит, рентген, люминесценция усуллари дефектоскопиянинг асосий турлари ҳисобланади.

Ҳар бир нимкор қўйма ёки буюм сиртдан кўздан кечирилиб, уларнинг шакл ўзгаришлари ҳамда бетидаги нуқсонлар аниқлаб олинади. Синган ва бетида ғовак бўлган жойлари, дашқол аралашмалари ва чандиқлари бўлган қўйма ва буюмлар чиқитга чиқарилади.

Буюмларнинг геометрик ўлчамлари уларнинг қалинлиги, узуилиги, бўйи ва ҳоказолари билан таърифланади. Назорат этиш жараеннида буюм барча асосий ўлчамларининг техник шартларга исчоғлиқ мувофиқ келиш-келмаслиги текширилади. Назорат этиш чогида универсал ўлчов асбобидан, скоба, андоза, маҳсус қолиллар ва бошқа асбоблардан фойдаланилади.

Металлар ва буюмлар сифатининг кўрсаткичлари бир қанча ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Бу ҳужжатлар иккита асосий гуруҳга бўлинади. Ҳужжатларнинг биринчи гуруҳи металл ва буюмларнинг сифатига қўйиладиган техник талабларни: ГОСТлар, ТУ, наряд-буюртмалар ва ҳоказоларни белгилаб беради, иккинчи гуруҳи шу тўп ёки марказаги буюмларнинг сифатини: сифат тўғрисидаги сертификат, сифатни текшириш акти ва бошқаларни кўрсатади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда металлургия ишлаб чиқаришининг ҳамма тур маҳсулоти синовига давлат стандартлари ишлаб чиқилган ва бу стандартлар қўлланмоқда.

#### 2. 4. 2. Пўлат сифатини металлургия усуллари билан ошириш

Ватанимиз саноатида бевосита металлургия ишлаб чиқаришида пўлат сифатини оширувчи бир қанча янги ва самарали усуллар ишлаб чиқилган. Бу усуллар биринчидан пўлат таркибидан газ ва зарарли нометалл аралашмаларни мумкин қадар йўқотишга, иккинчидан пўлат таркибига ҳар хил хоссаларини яхшиловчи маҳсус легирловчи элементларни киритиш ҳисобига унинг кимсвий таркибини ўзgartиришга асосланган. Ишлаб чиқариш жараеннида илгор заводларда қўлланилаётган узлуксиз пўлат қўйиш ва нимкор — заготовкалар олиш ишлаб чиқариш жараеннида пўлатнинг сифатини оширишга анчагина ёрдам бермоқда.

Эритилган пўлатда ҳамиша муайян миқдорда газ (кислород, водород, азот) ва нометалл аралашмалар

бұлади. Металлар таркибида газлар пулакта, оксид, гидрид ва нитрид қолида, шунингдек қатты ғана суюқ эритмалар қолида бұлади. Газ фоизнинг ҳатто юздан ва мингдан бир неча улуш миқдорида құшилған бұлса-да, пұлатнинг механик хоссаларини ва бөшқа хоссаларини анча пасайтириб юборади, шунинг учун ҳам металлни газлардан тозалашга қамиша катта зәтибор берилади.

Темир, кремний, марганец, алюминий, кальций ва бөшқа металларнинг нометаллар ва асосан олтингугурт ва фосфор билан бирикмалари пұлат таркибидаги нометалл аралашмалардир. Олтингугурт руда ва қылғидан пұлат таркибига үтиб унинг товарлик ва технологик хоссаларини әмонлаштириб юборади, қыздирғанда эса уни мұрт қолға келтиради әки қовушоқлигини пасайтириб юборади, коррозияға бардош беришини сусайтиради. Фосфор пұлатнинг қаттиқлигини оширади ва зарбий қовушоқлигини пасайтиради, бир жиссли бұлмаслигини зұрайтиради. Фосфор белгіланған месъерден ортиб кетса пұлат мұрт ва совуқдан синувчан бұлып қолади.

Пұлатны электр шлак усули билан қайта эритиш, синтетик шлак билан рафинация қилиш — тозалаш, вакуум шароитида газсизлантириш, ваккум-ей шароитида қайта эритиш, электрон-нур печларида қайта эритиш ва бөшқа усуллар унинг таркибидаги газлар ва нометалл аралашмаларни камайтирувчи асосий металлургия усулларидир. Раскислитель (кремний, марганец, алюминий) хилини ва солиши изчиллигини үзгартыриш орқали ҳам пұлат таркибидаги нометалл аралашмалар камайтирилади.

Электрошлак усулида қайта эритишка ишлов бериладиган металдан аввало электродлар (штангалар) тайёрланади, сұнгра улар юксак электр қаршилигига зға бұлған иш флюси қатламында ботирилади. Электр токи ұтастаптында иш флюси зриб шлак ҳосил қиласы. Бұ шлак эса қайта эритиластап электрод учини эритишиңде кифоя қиласы иссиқлик чиқаради. Металл томчилари суюқ шлак орқали үтар экан олтингугурт, фосфор, газ каби заарарлы аралашмалардан тозаланади ва сув билан совутилиб турған кристаллизаторда йигилиб, юқори сифатлы нимкор құйма ҳосил қиласы. Юқори сифатлы шарикаподшипник пұлатини, иссиққа чидамли қотышмаларни өзінде көліп келиндерди, турбина деталдарини, авиацияға мұлжалланған конструкцион пұлатларни, юксак механик хоссаларға зға бұлған бөшқа хил пұлатларни

тайерлашда злектрошлак эритишдан фойдаланиш маъқул келади.

Синтетик шлак билан металлга ишлов беришнинг моҳияти шундан иборатки, эритиши печидаги суюқ пӯлат катта баландликдан туриб махсус синтетик шлакли чўмичга қўйилади. Синтетик шлак 1650—1700<sup>0</sup>С ли ҳароратда бўлиб, кальций, алюминий, кремний ва магний оксидларидан иборат бўлади. Катта баландликдан тушаётган пӯлат билан шлак ўртасидаги металлургия жараёнлари бир-бирига тегиб турувчи сиртлар кескин равища кўпайганлиги ҳисобига одатдаги шароитларга нисбатан анча тез ўтади. Жадал аралаштириш чогида шлак заарарли аралашмалар билан ўзаро таъсирга киришиб қалқиб чиқади ва натижада соф пӯлат ҳосил бўлади ва у юқори даражадаги механик хоссаларга эга бўлади. Чўмичда суюқ синтетик шлак билан рафинация қилиш натижасида пӯлатнинг макроструктураси яхшиланади, 70 фоизгача олтингугурти йўқотилади. Конвертер пӯлатига, мартен пӯлатига, шунингдек злектрометаллга ишлов беришда шу усул кенг кўлланади.

Вакуум шароитида газсизлантириш — пӯлат сифатини оширувчи энг кўп тарқалган металлургия усулларидан бири пӯлат таркибидаги водород, кислород ва азотни йўқотишдан иборатdir. Вакуумлашда пӯлатнинг механик хоссалари жуда кутарилади. Чўмичда вакуумлаш чўмичдан-чўмичга қўйиша металл оқимини ёки қолипга қўйиша металл оқимини вакуумлаш пӯлатга вакуум шароитида ишлов беришнинг асосий усулларидир. Пӯлатни қўйиш олдидан чўмичда вакуумлаш — энг содда усул бўлиб, ичидан пӯлат оксидловчилар билан таркибидаги темир оксиди йўқотилгунига қадар футеровка қилинган цилиндрик шаклдаги ваккум камерада пӯлат таркибидаги темир оксиди оксидловчилар билан йўқотилгунига қадар ўтказилади. Бунда металл углероди кислород билан интенсив равища бирикади, углерод оксида, водород ва азот тортиб олинади, пӯлат нометалл аралашмалар ҳосил бўлмай газсизланади. Пӯлатни бир чўмичдан иккинчи чўмичга қуяётib вакуумлаш шундан иборатки, ишлов бериладиган металл тақсимот чўмичидан воронка орқали бўш чўмичга қўйилади. Бу чўмич ваккум камерада ўрнатилган бўлади. Қўйилаётган металл оқими ҳавоси сийрак жойга тушгач майда-майда томчи бўлиб ажраб кетади ва вакуум шароитида шу томчиларни газсизлантириш метални чўмичда вакуумлашга нисбатан

анча самарали ўтади. Вакуумлашни металлга синтетик ишлов бериш билан бирга олиб бориш ҳам мүмкин. Бунда вакуум камерага ўрнатилган бўш чўмичга маълум миндорда синтетик шлак қўйилади ва ишлов берилаётган металл яна зарарли аралашмалардан тозаланади. Чўян қолипни тўлдириш жараёнида металл оқимини ваккумлаш анча такомиллашган усуздир, чунки у катта-катта нимкор қўймалар олишда ишлатилади. Ишлов берилаётган пўлат тақсимот чўмичидан зарур қўйиш босимини таъминловчи юзага қадар оралиқ чўмичга қўйилади. Оқимни вакуумлаш чогида металл таркибидаги водород 60—70 фоизга қадар, азот эса 40 фоизга қадар камайиши аниқланган. Металл углерод билан ўзаро таъсирида бўлиш натижасида кислородли оксид аралашмаларидан холи бўлади.

Электрод сарфланадиган печларда вакуум-ёй усули билан қайта эритиш кенг тарқалган вакуумлаш усулларидан бири ҳисобланади. Бунда эритилган пўлат металл — электрон билан чўян қолип туви ўртасида вужудга келувчи электр ёй ёрдамида вакуум фазода қайта эритилади. Вакуум шароитида металлнинг эриш натижасида газсизланиш рўй бсрди ва пўлат янги, янада юксак механик хоссаларга эга бўлиб қолади.

Электрон-нур печларидан металлни вакуумлаш можияти шундан иборатки, вакуум камерасида бўлган қайта эритилаётган металлга (сарфланадиган электрод, темиртерсак, кукусимон металлар) катодлар ёки электрон тўплардан электрон нури юборилади. Юқори ҳарорат таъсири этиши жараёнида металл эриб кетади ва вакуум шароитида аралашмалардан тозаланади.

Легирлаш (сифатини яхшилаш) — қотишма таркибига тегишли компонентлар — легирловчи элементлар киритиш пўлатнинг хоссаларига муҳим таъсири кўрсатади. Бу нарса пўлатнинг механик, кимёвий ва технологик хоссаларидан ташқари маҳсус хоссаларини ҳам ўзгартириб юборади. Чунончи хоссаларни муҳим ўзгаришларга дучор этиш учун пўлатнинг кимёвий таркибини анча ўзгартириш шарт эмас. Кремний, марганец, никель, хром, вольфрам, алюминий, молибден, ванадий, титан, кобальт, мис ва бошқа металлар асосий легирловчи элементлардир.

Пўлат таркибига киритилувчи турли легирловчи элементлар унинг хоссаларига бирдай таъсири этмайди. Масалан, кремний самарали раскислитель бўлиб "сокин" пўлат ҳосил қилишда ишлатилади. У легирловчи элемент сифатида пўлатнинг пишиқлигини, коррозияга чидамли-

лиги ва иссиқда тургунлигини ошириш учун пұлат таркибига киритилади. Құшимча элемент сифатида яққа үзи ва легирловчи бошқа хил элементлар билан биргаликда ишлатилади.


Марганец пұлатнинг энг муҳим компоненти, арзона яхши раскислитель бұлып олтингугарт таъсирини анчагина заифластиради. Марганецдан легирловчи элемент сифатида фойдаланиш пұлатнинг термик ишлов бериш чоғида тобланған зона чуқурлигини күрсатувчи тобланувчанлигини оширишга күмак беради, пұлатнинг иссиқдан синувчанлигини пасайтиради. Пұлат таркибидан марганец ортса юқори босим шароитларида ишлаш чоғида пұлатнинг ейилишга чидамлилиги ҳам ортади. Пұлат таркибига 10—12 фоиз марганец киритилса у юмшайды. Никель пұлатнинг пишиқлигини ва зарбий қовушоқлигини оширади, унинг тобланувчанлигини ҳамда коррозияга қаршилигини орттиради. Пұлат таркибига 18—20 фоиз никель құшилса, унинг магнит хоссаси йұқолади, иссиққа тургунлиги ва үтга чидамлилиги ортади. Хром пұлатнинг қаттиқлиги ва пишиқлигини оширади, зарбий қувушоқлигини сақладб қолади, ейилишга қаршиликни яхшилайды. Коррозияга чидамлиликни кескін равишда орттиради. Пұлат таркибига 10 фоиздан күпроқ хром құшилса, у зангламайдыган бұлып қолади. Вольфрам легирланған пұлат қаттиқлигини ошириб асбобсозлик пұлатнинг кесувчанлик хоссасини яхшилайды. Пұлат таркибидаги вольфрам 8 фоиздан күпроқ бұлса, у тезкесар бұлып қолади. Алюминий пұлатнинг иссиққа тургунлиги ва коррозияга бардош беришини оширади, молибден эса пұлатнинг пишиқлигини, қайишоқлигини, ейилишга чидамлилиги ва бошқа бир қанча махсус хоссаларини яхшилайды. Ванадий пұлатнинг қаттиқлигини, пишиқлиги ва зичлигини орттиради, титан пұлатнинг технологик хоссаларини яхшилайды, унинг пишиқлиги ва коррозияга чидамлилигини орттиради. Кобальт зарбий қовушоқликни, иссиққа чидамлилик ва магнит хоссаларини оширади, мис эса пұлатнинг коррозияга чидамлилигини оширади.

Боя айтиб үтилганидек, пұлат таркибига киравчи углерод ҳам пұлатнинг хоссаларига таъсир этади. Углерод 1,2 фоизга қадар күпайтирилса, пұлатнинг қаттиқлиги ва пишиқлиги ортади. Лекин пластиклик ва зарбий

қовушоқлик пасаяди: шу билан бирга пұлатларнинг терилувчанлик, пайвандланувчанлик, унга кески билан ишлов бериш каби технологик хоссалари ёмоналашади, айни маҳалла пұлатнинг эриш хоссалари яхшиланади.

Пұлат қуйиш заводининг пировард операцияси пұлат қуйишдан иборат булиб нимкор қуйманинг сифати шунга күп жиҳатдан боғлиқ бұлади. Ишлаб чиқарылаётган ва шу жумладан Республикамиз ҳам кенг кулаамда фойдаланаётган пұлатни узлуксиз қуйиш технологияси энг истиқболли усул ҳисобланади.

Пұлатни узлуксиз қуйиш мөжияти шундан иборатки, тақсимот чүмичидаги (1) суюқ металл оралық (2) чүмич орқали бевосита сув билан совутилиб турған кристаллизатор (3)га қуйилади (II-расм). Металл (4) кристаллизатордан айланувчи роликлар (5) орқали узлуксиз равиша чузилиб туради ва керакли узунликдаги нимкор қуймаларга кесилади. Пұлатни чүян қолипларга қуйишда аңғанавий усулга нисбатан металлнинг ташқи мұхит таъсиридан ифлосланишига барғам берилади, яроқли металл чиқиши ортади ва уни таннархи арzonлашади.



II-расм. Пұлатни узлуксиз қуйиш схемаси.

#### 2. 4. 3. Термик ишлов түрләри ва уннинг пұлат хоссасига таъсири

Металл ва қотишмаларда зарур хоссаларни ҳосил қилиш уларнинг кимсвий таркибидан ташқари термик ишлов беришга ҳам боғлиқ бұлади.


Умуман қабул қилинган таснифға мувофиқ металларга термик ишлов бериш, кимсвий-термик ишлов бериш ва термомеханик ишлов бериш усуллари бор. Термик ишлов

Бериш металларни муайян ҳароратга қадар қиздиришдан, шу ҳароратда ишлаб туриш ва кейин турли тезликда уни совитишдан иборат бўлиб, бунинг натижасида металларнинг ички тузилиши ва меканик хоссалари ўзгарилиши. Кимёвий-термик ишлов бериш чогида металлнинг бети унинг қаттиқлигини, коррозияга, ейилишга чидамлилигини ва бошқа хоссаларини юксалтирувчи элементларга тўйинади. Термомеханик ишлов бериш термик ишлов беришни пластик деформация билан бирга қўшиб олиб бориш натижасида металларнинг механик хоссаларини яхшилади.

Термик ишлов бериш турлари ва жараёнларидан металлургияда металлар ва қотишмаларнинг турли хоссаларини яхшилашда, шунингдек машинасозликда тайёр буюмларга зарур хоссалар беришда кенг кўламда фойдаланилади. Термик ишлов бериш қаттиқ ҳолатдаги металларда ҳарорат ўзгарганда металл атомларининг қайта тақсимланиши, кристалл панжаралар тузилиши ва шаклларининг ўзгариши ҳисобига рўй берувчи ўзгаришларга асосланган. Пўлатга техник ишлов бериш тўртта асосий турга: юмшатиш, нормаллаш, тоблаш ва бушаштириш турларига бўлинади. Булар аустенит турли тезликлар билан совитилаётганида унинг айланиш жараёнларидан иборатdir. 12-расмда углеродли пўлатга термик ишлов бериш ҳарорат режими кўрсатилган.

Майдо донали ва бир текис тузилишли материал олишда, кейинги ишлов беришларни снгиллатиш мақсадида ички зўриқишиларни камайтириш, шунингдек унинг пластиклигини ошириш учун юмшатиш ва нормаллаштириш қўлланилади. Қўйма, болгалаш маҳсули, штампланган маҳсуллар, листлар, хивичлар, пайванланган бирималар ва бошқа буюмлар босим билан ишлов бериш ва кесиш олдидан ана шу турлардаги термик ишловларга дучор этилади.

Қиздириш ва совутиш режимларига кўра бир неча хил: тўлиқ, тўлиқ бўлмаган, диффузион ва кристаллсизлантириш юмшатиш турлари бўлади. Тўла юмшатиш энг кўп тарқалган тур бўлиб, бунда материал доналарининг майдаланиши ва тузилишининг яхшиланиши рўй беради. Қаттиқлиги пасаяди. Юмшатиш чогида пўлат GSK ( $750-950^{\circ}\text{C}$ ) чизигидан юқорида  $30-50^{\circ}\text{C}$  ли ҳароратгача қиздириллади, ана шу ҳароратда ушлаб турилади, сўнгра эса одатда ўша қизитиш печларида қум ёки асбест қатлами остида соатига  $100-150^{\circ}\text{C}$  тезликда секин



12-расм Пұлатта термик ишлов бериш ҳарорат режимі.

совитилади. Бунинг натижасыда металлда бир жинсли майды донали структура ҳосил бўлади, материалнинг қаттиқлиги пасаяди ва пластиклиги ортади. Чала юмшатиш ёки донадор перлитга айлантириб юмшатишида маҳсулот  $730-770^{\circ}\text{C}$  ли ҳароратгача қиздириллади, ана шу ҳароратда ушлаб турилади ва сунгра печда  $600^{\circ}\text{C}$  гача секин совитилади, шундан кейин ҳавода совутилади. Донадор перлит гоятда пластик бўлиб унга яхши кесиб ишлов бериш мумкин. Диффузион юмшатиш кимёвий бир жинсли бўлмаган (ликвация) ҳолатга барҳам бериш учун қўлланади. Легирланган пұлатдан қилинган буюмлар ҳамда фасонли қўймалар кристалланаётганида ана шундай ликвация вужудга келади. Металларга совиқлайнин пластик деформация услуби билан олдиндан ишлов беришда вужудга келувчи беқарор ҳолат (наклеп)га барҳам бериш учун кристаллизлантирувчи юмшатиш қўлланилади. Бунда металл  $640-700^{\circ}\text{C}$  ли ҳароратгача қиздириллади ва печнинг узида секин совитилади, бунинг натижасыда ички зўриқишиш бўшашади, пластиклик ортади, металлнинг қаттиқлиги камаяди.

Нормаллаш ички зўриқишиларга барҳам бериш ҳамда барқарор ҳолатга эришиш учун, шунингдек нимкор

металл ҳамда пайвандланган конструкциялар тузилишини бараварлаш учун қўлланилади. Нормаллаш чогига пўлат GSE ( $750-1020^{\circ}\text{C}$ ) чизигидан юқорида  $30-50^{\circ}\text{C}$  ли ҳароратгача қиздирилиб шу ҳароратда ушлаб турилади ва сўнгра тинч ҳавода совитилади, яъни юмшатиш чогига нисбатан бирмунча тезроқ совитилади. Нормаллашдан сўнг пулатнинг тузилиши янада майдо донали бўлиб қолади, юмшатилган пўлатга нисбатан қаттиқлиги ортади ва қовушоқлиги камаяди.

Нормаллаш — анча тежамли термик жараён бўлиб, ҳозирги вақтда паст углеродли пўлат юмшатишни қарийб тамомила қисиб чиқармоқда.

Тайёр буюмлар ғоятда қаттиқ ва пишиқ, етарлича қовушоқ, иссиқликка яхши бардош берадиган ва бошқа хоссаларга эга бўлмоғи лозим. Буюмларга ана шу хоссаларни бағишлиш учун тоблаш қўлланилади. Тоблашда тайёр маҳсулот тузилиши бир жинсли булиши учун GSK ( $750-950^{\circ}\text{C}$ ) чизигидан юқорида  $30-50^{\circ}\text{C}$  ли ҳароратгача қиздирилади, мана шу ҳароратда ушлаб турилади, шундан сўнг  $150-200^{\circ}\text{C}$  тезликда жуда тез совитилади. Углеродли пўлат тоблангач одатда сувга ботириб совитилади, легирланган пўлатлар совитилаётганида урчиқ мойи ёки трансформатор мойи ишлатилади. Тоблашда мартенсит тузилиши нотекис бўлади ва ички зўриқишилар вужудга келади, пўлатнинг қаттиқлиги ва мўртлиги ошиб кетади. Шунинг учун ҳам тоблашдан сўнг ашё бўшаштирилади, бунда маҳсулот  $150-600^{\circ}\text{C}$  ли ҳароратгача қиздирилади ва шу ҳароратда ушлаб турилади, сўнгра у тинч ҳавода, яъни нормаллаш тартибига мувофиқ совутилади.

Қиздириш ҳароратга қараб паст, ўртача ва баланд бўшаштириш бўлади. Унча баланд бўлмаган ( $250^{\circ}\text{C}$  гача) қиздиришда паст бўшаштириш қўлланади, бунинг натижасида қаттиқлик салгина пасаяди ва материалнинг қовушоқлиги ортади, ашёлардаги ички зўриқиши камаяди. Ғоятда қаттиқ ва сийилишга чидамили қилиш лозим бўлган асборлар ва буюмлар учун паст бўшаштириш қўлланилади. Ўртача бўшаштиришда пўлат буюмлар  $300-400^{\circ}\text{C}$  ли ҳароратгача қиздирилади. Бунинг натижасида етарлича юксак қаттиқлик ва қайишоқлик вужудга келади. Шунинг учун ҳам пружина, рессора, штамп ва бошқа буюмлар ва деталлар тайёрлашда қўлланилади. Кўп бўшаштиришда тобланган буюмлар  $500-600^{\circ}\text{C}$  ли ҳароратгача қиздирилади. Бу пайтда буюмнинг қаттиқлиги

пасаяди, материалдаги ички зўриқишилар йўқолади. Шундай қилиб пўлат энг яхши механик хоссаларга эга бўлиб қолади: пишиқлиги, пластиклиги, қовушоқлиги ортади.

Масалан, ўлчов асбоби ясашда фойдаланиладиган пўлатларнинг тузилиши ва хоссаларини бараварлаш учун  $100^{\circ}\text{C}$  гача қиздириб сўнгра бўшашибтирилади. Шундан кейин материал уй ҳароратида ушланади. Ана шу жараён сунъий эскиртириш дейилади.

Кимёвий-термик ишлов бериш буюни фаол муҳитда ва баланд ҳароратда юзини  $0,2$ — $3,0$  мм гача чуқурликда пишиқлаштириш учун ўтказилади. Бунда материал уст қатламишининг кимёвий таркиби ва тузилиши ўзгаради. Тўйинтирувчи муҳит характеристига қараб цементлаш, азотлаш ва цианлаш жараёнлари бўлади.

Маҳсулот уст қатламини углеродга тўйинтириш жараёни цементлаш дейилади. Бу жараённинг моҳияти шундан иборатки, пўлат атомлар углерод чиқарувчи муҳитда  $900$ — $950^{\circ}\text{C}$  ли ҳароратгача қиздирилади. Паст углеродли пўлатлар қаттиқ ёки газсимон муҳитда (карбюризаторда) цементланади. Аммо углерод атомлари фақат газсимон ҳолдагина ишлатилади. Тўйилган писта кўмирдан қаттиқ карбюризатор сифатида фойдаланилади, газда цементлаш табиий газ, углерод оксиди, метан, пропан ва бошқа газлардан фойдаланган ҳолда бажарилади. Цементлаш вақти сиртнинг ишлов берилётган қатлами чуқурлигига боғлиқ бўлиб,  $6$ — $20$  соатга боради. Цементлашдан сўнг маҳсулот тобланади ва паст ҳароратда бўшашибтирилади. Шундай қилингандан маҳсулотнинг юзи гоятда қаттиқлашади-ю, аммо ўргаси пластиклиги ва қовушоқлигини сақлаб қолаверади ва натижада унинг ейилишга чидамлилиги ортади.

Азотлаш деб маҳсулот уст қатламини амиак атмосферасида  $500$ — $700^{\circ}\text{C}$  ли ҳароратда азотга тўйинтириш жараёнига айтилади. Азотлашда маҳсулотнинг қаттиқлиги, ейилишга чидамлилиги, иссиққа бардошлилиги ва коррозияга чидамлилиги ортади. Асосан легирланган пўлат азотланади. Унинг бетида тургун кимёвий эритма — нитрил вужудга келади. Ҳарорат ва азотлаш вақти жараёнга таъсир этувчи асосий параметрлар ҳисобланади. Азотланган қатлам қаттиқлиги цементланган қатлам қаттиқлигидан  $1,5$ — $2$  баравар юқори бўлиб, деталларнинг ейилишга чидамлилигини гоятда ошириб юборади.

Аммо жараён узоққа чўзилиши (20—80 соат) ва қимматга тушишидан азотлаш чекланган ҳоллардагина қўлланилади ва алоҳида масъулиятли деталларга ишлов беришдагина фойдаланилади.

Цианлаш 600—900°C ли ҳароратда пўлат бетини бир вақтда углерод билан азотга тўйинтириш жараёнидир. Цианлашда маҳсулот уст қатламининг қаттиқлиги ва ейилишга чидамлилиги ортади, коррозия хоссалари яхшиланади. Суюқ муҳитда ва газ муҳитида цианлаш амалда кўпроқ ишлатилади. Суюқ муҳитда цианлашда эритилган цианли туздан фойдаланилади, газ муҳитида цианлашда эса таркибида углерод билан азоти бўлган турли газ аралашмаларидан фойдаланилади. Чоғроқ солиштирма нагрузкалар билан ишлайдиган кичикроқ деталларнинг пишиқлиги ва ейилишга чидамлилигини ошириш учун суюқ муҳитда цианлаш қўлланилади. Маҳсулот цианлаштирилган қатламининг чуқурлиги 0,2—0,5 мм га боради. Таркибида 0,2—0,4 фоиз С бўлган пўлатга ишлов бериш учун газ муҳитида цианлашдан фойдаланилади. Бунда ишлов берилган қатлам чуқурлиги 0,2—2,5 мм ни ташкил этади. Цианлаш жараёнининг вақти цианланадиган қатламнинг чуқурлигига қараб 1—6 соат бўлади. Цианланган қатламнинг цементланган қатламга нисбатан ейилишга ва иссиққа чидамлилиги баландроқ бўлади. Цианлаштиришдан сўнг деталлар тобланади ва анча бўшаштирилади.

Юза тоблаш ва диффузион метализация буюмларнинг юзини мустаҳкамлашда кенг тарқалган тур ҳисобланади. Буюмнинг юзини тоблаш учун унинг уст қатлами одатдаги тоблаш ҳароратига қадар қиздирилади ва шундан сўнг тезда совитилади. Бунинг натижасида буюмнинг бети мартенсит тузилишга эга бўлиб қолади ва гоятда қаттиқлашади. Ичи эса юмшоқ ва пластиклигича қолаверади.

Қиздириш услубларига кўра маҳсулотлар ташки иссиқлик манбай билан металлнинг юзини қиздириш ҳамда электромагнит майдонида металлнинг ичини қиздиришдан иборат бўлади. Маҳсулотнинг юзи ашё бўйлаб ҳаракат қилувчи газ горелкасининг алансасида сиртдан қиздирилади. Горелкадан сўнг совуқ сув берилади. Индукцион услугуб металлнинг ичини қиздирувчи энг кўп тарқалган турлардан бири бўлиб, бунда маҳсулот юқори частотали ток ўтувчи галтакнинг ўзаги бўлиб хизмат

қылади. Индуктив токларнинг вужудга келиши натижасида маҳсулотниң бети бир неча секундда қизиб кетади. Шундан сўнг буюм сувга ёки мойга ботириб совутилади.

Маҳсулотлар юзини металлга тўйинтириш жараёни диффузион металлаштириш ёки юзидан легирлаш дейилади. Улар буюмга муайян фойдали хоссалар баҳш этади. Диффузион металлаштириш қаттиқ, суюқ ва газсимон мұхитларда ҳам ўтказилиши мүмкін. Саноатда алитирлаш, хромлаш, силицийлаш, бурлаш усувлари купроқ тарқалган. Алитирлашда буюмнинг юза қатлами алюминийга тўйинтириллади. Бу қатлам қиздирилгач тургун оксид пардасини вужудга келтиради ва шу парда буюм бетини коррозиядан сақлайди. Хромлашдан сўнг буюмнинг юзи қаттиқлашиб ейилишга чидамлироқ бўлиб қолади, коррозияга қаршилиги ортади ва иссиққа чидамли бўлади. Силицийлашда буюмнинг юза қатлами кремнийга тўйинтириллади. Бу эса унинг қаттиқлигини, ейилишга чидамлилигини орттиради ва коррозияга чидамли қилиб қўяди. Шунингдек силицийлашган қатлам гоятда кислота бардош ва иссиқ бардош бўлиб қолади. Силицийлашган қатлам гоятда говакли бўлади. Уни мойда қайнатганда шу говакларга мой тўлади ва буюм ишқаланиб ейилишга яхши қаршилик кўрсатадиган бўлиб қолади. Бўрланган қатлам буюмнинг қаттиқлигини ва образив моддалар билан ейилишга қаршилигини оширади. Бир қанча ҳолларда буюмнинг бети молибден, бериллий ва бошқа металларга тўйинтириллади. Комбинатлаштирилган термо-механик ишлов пўлатнинг пишиклиги ва зарбий қовушоқлигини анча оширади ва пластикликни сақлаб қолади. Саноатда термомеханик ишлов беришнинг иккита асосий усули: юқори ҳароратли ва паст ҳароратли усули қўлланади. Юқори ҳароратли ишлов беришда маҳсулот  $1050-1100^{\circ}\text{C}$  гача қиздириллади, сўнгра  $900-950^{\circ}\text{C}$  га қадар совутилади, 25—30 фоиз деформация этилади. Мартенсит структураси ҳосил қилиб тобланади ва анча бўшаштириллади. Паст ҳароратли ишлов беришда  $1050-1100^{\circ}\text{C}$  гача қиздирилган буюм  $450-500^{\circ}\text{C}$  гача совутилади, шундан сўнг 75—95 фоиз деформация қилинади. Шундан кейин пўлат мартенсит тузилишини ҳосил қилиб тобланади ва анча бўшаштириллади.

## РАНГЛИ МЕТАЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚОТИШМАЛАРИ

## 3.1. Рангли металларнинг аҳамияти, ҳолати ва уларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш

Одатда темир, марганец ва хром қора металларга, қолган металлар эса рангли металларга киради. Рангли металлар ва уларнинг қотишмалари халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг кўламда ишлатилади. Чунки бир қанча ижобий хоссаларга эга: аввало пишиқлиги дуруст, иссиқ ва электр ўтказувчанилиги, коррозияга чидамлилиги юқори булгани ҳолда зичлиги пастдир. Аммо рангли металларни ишлатиш уларнинг хоссаларидан ташқари ер пўстлогида қанча эканлигига, уларни қазиб олиш, ишлов бериш ва ишлаб чиқариш жараёнларининг қийин-осонлиги ва нечоғлиқ рентабеллигига боғлиқ булади.

Рангли металлар ўзининг физик ва кимёвий хоссалари жиҳатидан тўртта гуруҳга бўлинади: I—огир гуруҳ: мис, никель, қалай, қўрошин, кобальт, симоб ва бошқалардан; II—енгил гуруҳ: алюминий, магний, титан, бериллий, натрий, литий, калий, кальций, цезийдан; III асл металлар гуруҳи: олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳидаги металлардан; IV—ноёб металлар гуруҳидан иборатдир. Ноёб учрайдиган рангли металлар гуруҳига қийин эрийдиган молибден, вольфрам, ванадий, титан, ниобий, тантал ва бошқалар; снгил металларга стронций, скандий, рубидий ва цезий: радиоактив нодир рангли металлар гуруҳига — уран — радий, торий, актиний ва протактиний; ёйилган ва сийрак ер элементларига — германий, галлий, индий, лантан, таллий, церий ва бошқалар киради. Енгил металларнинг зичлиги темирга нисбатан бир мунча паст, оғир металларнинг зичлиги эса бирмунча юқори бўлади. Асл металлар нисбий зичлиги, коррозияга чидамлилигининг юқорилиги ва зеб-зийнатга ишлатиладиганлиги билан бошқа металл гуруҳларидан ажralib туради.

Мамлакатимизда мис, алюминий, никель-кобальт, қўрошин-руҳ, вольфрам-молибден, олтин-платина, олмос, қалай, магний, симоб-сурма саноати, иккиламчи металлургия, ярим ўтказгичлар саноати ва бошқа саноат тармоқлари кенг ривожланган. Тезучар авиация, ракета-созлик, электроника, атом энергетикаси ривожланиши,

космик фазо ўзлаштирилиши билан саноатда рангли металларнинг аҳамияти айниқса ортмоқда. Мис, рух, хром, никель, қалай, алюминий, қўрғошин, магний, титан ва бошқа рангли металлар кўпроқ ишлатилмоқда.

Рангли металлар рангли қотишмалар элементларининг ташкил этувчиси ҳолида қўлланади, чунки бир хил рангли металлни иккинчи хил рангли металл билан қотишиш натижасида уларнинг дастлабки хоссаси анча яхшиланади.

### 3.2. Мис ва унинг қотишмалари

Мис — зичлиги 8, 96 г/см<sup>3</sup> ва эриш ҳарорати 1083°C га борадиган қизғиш пушти тусдаги пластик металлдир. Юмшатилган ва прокат қилинган миснинг қаттиқлиги 85—115 НВ, нисбий узайиши 40—50 фоиз, чўзилишга пишиқлик ҳадди 200—250 МПа. Миснинг электр ва иссиқлик ўтказувчанлиги юқори булиб, ана шу хоссалари жиҳатидан кумушдан салгина орқада қолади. Миснинг алюминийга нисбатан электр ўтказувчанлиги 1,7 баравар юқори, платина ва темирга нисбатан тахминан 6 баравар кўп ва вольфрамнинг электр ўтказувчанлигидан 300 баравар юқоридир. Мис яхши пайвандланади ва кавшарланади, ишқор ва кислота эритмаларида, денгиз суви ва буг муҳитида чидамлилиги юқори. Суръма, мишъяқ, висмут, темир, фосфор ва кумуш мис аралашмалари.

Саноатимиз бир неча хил маркада мис ишлаб чиқармоқда. Бу маркалар таркибида аралашмалар билан бир-биридан фарқ қиласи. МОО ва МО маркалардаги энг соф мис (тегишлича 0,01 ва 0,03 фоиз аралашмалари бор)сим материаллар ясашда ишлатилади; соф мис навлари M1 ва M2 (тегишлича 0,1 ва 0,3 фоиз аралашмалари бор) деформация этиладиган ва қўйиладиган юқори сифатли қотишмалар ҳосил қилишда, унча соф булмаган M3 нави эса (0,5 фоизгача аралашмалари булади) оддий сифатдаги қотишмалар тайёрлашда ишлатилади.

Мис ғоят даражада технологик хусусиятга эга булиб, уни лист, лента ва ингичка симга айлантириш осон. Ғоят зичлиги, металл қирқувчи станокларда яхши ишлов бериб бўлмаслиги ҳамда қуюв хоссаларининг пастлиги унинг камчиликларидан ҳисобланади.

Табиатда мис сульфидли ( $\text{CuS}$  ва  $\text{Cu}_2\text{S}$ ) ва оксидли ( $\text{Cu}_2\text{O}$ ) рудалар ҳолида учрайди. Бу рудалар таркибидағи металл миқдори 1—5 фоизга боради. Мис пиromеталлур-

## РАНГЛИ МЕТАЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚОТИШМАЛАРИ

### 3.1. Рангли металларнинг аҳамияти, ҳолати ва уларни ишлаб чиқариши ривожлантириш

Одатда темир, марганец ва хром қора металларга, қолган металлар эса рангли металларга киради. Рангли металлар ва уларнинг қотишмалари халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг кўламда ишлатилади. Чунки бир қанча ижобий хоссаларга эга: аввало пишиқлиги дуруст, иссиқ ва электр ўтказувчанилиги, коррозияга чидамлилиги юқори бўлгани ҳолда зичлиги пастдир. Аммо рангли металларни ишлатиш уларнинг хоссаларидан ташқари ер пўстлогида қанча эканлигига, уларни қазиб олиш, ишлов бериш ва ишлаб чиқариш жараёнларининг қийин-осонлиги ва нечоғлиқ рентабеллигига боғлиқ бўлади.

Рангли металлар ўзининг физик ва кимёвий хоссалари жиҳатидан тўртта гуруҳга бўлинади: I—огир гуруҳ: мис, никель, қалай, қўргошин, кобальт, симоб ва бошқалардан; II енгил гуруҳ: алюминий, магний, титан, бериллий, натрий, литий, калий, кальций, цезийдан; III асл металлар гуруҳи: олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳидаги металлардан; IV—ноёб металлар гуруҳидан иборатдир. Ноёб учрайдиган рангли металлар гуруҳига қийин эрийдиган молибден, вольфрам, ванадий, титан, ниобий, тантал ва бошқалар киради. Енгил металларнинг зичлиги темирга нисбатан бир мунча паст, оғир металларнинг зичлиги эса бирмунча юқори бўлади. Асл металлар нисбий зичлиги, коррозияга чидамлилигининг юқорилиги ва зеб-зийнатга ишлатиладиганлиги билан бошқа металл гуруҳларидан ажралиб туради.

Мамлакатимизда мис, алюминий, никель-кобальт, қўргошин-руҳ, вольфрам-молибден, олтин-платина, олмос, қалай, магний, симоб-сурма саноати, иккиламчи металлургия, ярим ўтказгичлар саноати ва бошқа саноат тармоқлари кенг ривожланган. Тезучар авиация, ракета-созлик, электроника, атом энергетикаси ривожланиши,

космик фазо ўзлаштирилиши билан саноатда рангли металларнинг аҳамияти айниқса ортмоқда. Мис, рух, хром, никель, қалай, алюминий, қўргошин, магний, титан ва бошқа рангли металлар кўпроқ ишлатилмоқда.

Рангли металлар рангли қотишмалар элементларининг ташкил этувчиси ҳолида қўлланади, чунки бир хил рангли металлни иккинчи хил рангли металл билан қотишиш натижасида уларнинг дастлабки хоссаси анча яхшиланади.

### 3.2. Мис ва унинг қотишмалари

Мис — зичлиги 8, 96 г/см<sup>3</sup> ва эриш ҳарорати 1083°C га борадиган қизғиши пушти тусдаги пластик металлдир. Юмшатилган ва прокат қилинган миснинг қаттиқлиги 85—115 НВ, нисбий узайиши 40—50 фоиз, чузилишга пишиқлик ҳадди 200—250 МПа. Миснинг электр ва иссиқлик ўтказувчанилиги юқори бўлиб, ана шу хоссалари жиҳатидан кумушдан салгина орқада қолади. Миснинг алюминийга нисбатан электр ўтказувчанилиги 1,7 баравар юқори, платина ва темирга нисбатан тахминан 6 баравар кўп ва вольфрамнинг электр ўтказувчанилигидан 300 баравар юқоридир. Мис яхши пайвандланади ва кавшарланади, ишқор ва кислота эритмаларида, денгиз суви ва буг муҳитида чидамлилиги юқори. Суръма, мишъяқ, висмут, темир, фосфор ва кумуш мис аралашмалариdir.

Саноатимиз бир неча хил маркада мис ишлаб чиқармоқда. Бу маркалар таркибидаги аралашмалар билан бир-биридан фарқ қиласди. МОО ва МО маркалардаги энг соф мис (тегишлича 0,01 ва 0,03 фоиз аралашмалари бор)сим материаллар ясашда ишлатилади; соф мис навлари M1 ва M2 (тегишлича 0,1 ва 0,3 фоиз аралашмалари бор) деформация этиладиган ва қўйиладиган юқори сифатли қотишмалар ҳосил қилинади, унча соф бўлмаган M3 нави эса (0,5 фоизгача аралашмалари бўлади) оддий сифатдаги қотишмалар тайёрлашда ишлатилади.

Мис ғоят даражада технологик хусусиятга эга бўлиб, уни лист, лента ва ингичка симга айлантириш осон. Ғоят зичлиги, металл қирқувчи станокларда яхши ишлов бериб бўлмаслиги ҳамда қуюв хоссаларининг пастлиги унинг камчиликларидан ҳисобланади.

Табиятда мис сульфидли ( $\text{CuS}$  ва  $\text{Cu}_2\text{S}$ ) ва оксидли ( $\text{Cu}_2\text{O}$ ) рудалар ҳолида учрайди. Бу рудалар таркибидаги металл миқдори 1—5 фоизга боради. Мис пирометаллур-


гия ва гидрометаллургия усуллари билан эритилади. Таркибидаги мис 2 фоиздан ошадиган сермис рудалар бевосита эритилади, қолган хиллари эса олдин бир сарапаб олинади. Энг күп тарқалған пирометаллургия усули рудадан мисдан ташқары бошқа металларни ҳам ажратиб олишга имкон беради ва қуйидаги асосий технологик операциялардан иборат бўлади:

— флотация операцияси. Бу операцияда туюлган руда озгина минерал мой билан қориштирилиб сув солинган камерага ботирилади ва ҳаво дами берилади. Натижада руданинг тузукроқ сув юқтиримайдиган метали бўлган фракцияларигагина мой юқиб, мой купиги ҳолида сув бетига қалқиб чиқади. Ана шу кўпик қуритилгач, таркибида 10—20 фоизгача миси бўлган концентрат олинади;

— концентрат печларда 800—850°C ли ҳароратда пиширилади. Бу жараён руда — олтингугурт аралашмасининг анчагина қисми  $\text{SO}_2$  оксиди ҳолида ёниши билан боради. Шундай қилиб концентрат таркибидаги мис 20 фоиздан 35 фоизгача ортади;

— печлардаги концентрат 1500—1600°C ли ҳароратда эритилади ва 35—55 фоизгача миси бўлган суюқ штейн олинади (13-расм);

— кичик конвертерлардаги штейнга ҳаво дами берилиб, олтингугурти узил-кесил йўқотилади ва таркибидаги мис 98,5—99,0 фоизгача оширилади;



13-расм. Мис штейнини эритадиган печ схемаси:  
1 — шихта бостириладиган воронкалар; 2 — шлак чиқариб ташланадиган летка; 3 — мұры; 4 — штейн чиқариб ташланадиган летка; 5 — печ ваннаси; 6 — әқилги ёниш камераси.

— оксидловчи муҳитда хомаки мисга тақрорий дам берилб, оловда тозаланади;

— электролитик тозалаш ўтказилиб, мис миқдори 99,99 фоизгача кўпайтирилади.

**Мис қотишмалари.** Хоссалари, маркалаш ва қўлланиши. Асосан мис қотишмалари конструкцион материаллар сифатида ишлатилади. Улар миснингижобий хоссаларини сақлаб қолгани ҳолда юксак механик, технологик, антифрикцион хоссаларга ва бошқа хоссаларга эга бўлади. Мис қотишмалари технологик кўрсаткичлари жиҳатидан деформация этиладиган ва қўйиладиган қотишмаларга, кимёвий таркиби жиҳатидан эса бронза ва жезга бўлинади.

Миснинг қалай, алюминий, кремний, рух, бериллий ва бошқа легирловчи элементлар билан ҳосил қилган қотишмаларига бронза дейилади. Улар орасида рух асосий қўшимча элемент ҳисобланмайди. Бронза асосий легирловчи элементларнинг номига кўра қалайли, алюминийли, кремнийли, бериллийли, қўргошинли бўлади ва ҳоказо. Шу билан бирга қалайсиз бронза, қимматбаҳо қалайли бронза ўрнида ишлатилибгина, қолмай бир қанча ҳолларда асосий хоссалари жиҳатидан ундан утади.

Мисдан қаттиқроқ бўлган бронзани яхшигина кесиш мумкин, юксак қўйилиш ва антифрикцион хоссаларга эга, коррозияга яхши бардош бера олади.

Деформация этиладиган бронзалар "Бр" ҳарфлари билан (бронза) маркаланади, шундан сўнг легирловчи элемент номини кўрсатувчи ҳарфлар ҳамда уларнинг фоиз миқдори қанчалигини кўрсатувчи рақамлар келади. Масалан, БрОЦС-8-4-3 таркибида: 8 фоиз қалай, 4 фоиз рух, 3 фоиз қўргошин, қолган 85 фоизи эса мисдан иборат бўлади. Қўйиладиган бронза маркаларида легирловчи ҳар бир элемент миқдори унинг номини белгиловчи ҳарфдан кейин қўйилаверади. Масалан, БрО4Ц4С17 таркибида 4 фоиз қалай, 4 фоиз рух, 17 фоиз қўргошин бўлади. Қалайли бронза таркибида 14 фоизгача қалай бўлади ва рух, қўргошин, никель ҳамда фосфор билан легирланади. Рух миқдори икки фоиздан 15 фоизгача боради ва эриган қотишманинг ҳаракатчанлигини, қўймалар зичлиги ва механик хоссаларини оширади. Қўргошин антифрикцион хоссалар ва технологик хусусиятларни яхшилайди, никель-бронзаларнинг зичлиги, механик хоссалари ва коррозияга бардош беришини яхшилайди, фосфор эса раскислитель бўлгани ҳолда бронзанинг

қүйилиш ва антифрикцион хоссаларини ҳамда ейилишга чидамлилигини оширади.

Қүйиладиган қалайли бронза таркибида 6 фоиздан күпроқ қалай ва анчагина легирловчи құшымча элементлар бұлади. Бундай бронзанинг коррозион ва кимсөвий чидамлилиги юқори бұлади, яхши кесилади, қочиши ва ишқаланиш көзoeffиценти паст, механик ва физик хоссалари юқори бұлади, шунинг учун ҳам бүг-сүв ва кимсөвий асбоблар, мұраккаб фасонли құймалар, сирпаниш подшипниклари ва бошқа ашёлар тайёрлашда улардан кенг күламда фойдаланилади. Деформация этиладиган қалайли бронза таркибида 8 фоизгача қалай ва қүйиладиган бронзага нисбатан легирловчи элементлари соңи камроқ бұлади. Уларнинг пластиклиги юқори, қайышқылкыл жағдайда оширади. Таркибидаги алюминий миқдори 10 фоиздан ошадиган бронзаларга термик ишлов бериліши мүмкін. Бундай ишлов уларнинг қаттиқлиги ва пишиқлигини оширади, лекин пластиклигini пасайтириб юборади. Эритиш жараённанда оксидланиш ва газга тұйиннишга мойыллығы, уларни кавшарлаш мұраккаблығы алюминийли бронзаларнинг камчиликлари қаторига киради. Алюминийли бронзаларни темир, никель ва марганец билан легирлаш орқали уларнинг хоссалари яхшиланади. Темир алюминийли бронза тузилишини яхшилайды ва пишиқлигини оширади, никель ва марганец механик ва технологик хоссаларини, шунингдек коррозияга чидамлилигини яхшилайды. Алюминийли бронзадан тишли гильдиреклар, шестерналар, трубиналарнинг парраклари, втулкалар ҳамда оширилған босим, ұарорат ва ейилиш шароитларида ишлайдиган бошқа деталлар тайёрланади.

Кремнийли бронза таркибида 3 фоизгача кремний бұлади; қайышқылкыл жағдайда оширади. Антифрикцион хоссалари яхши бұлади, лекин қүйилиш хоссалари жиҳатидан қалайли ва алюминийли бронзалардан орқада туради;

саноатда қимматбаҳо қалайли ва бериллийли бронза ўринбосарлари сифатида ишлатилади. Кремнийли бронзалар никель ва марганец билан легирланади, бу элементлар бундай бронзаларнинг қўйилиш хоссаларини яхшилайди, қаттиқлиги ва пишиқлиги, коррозиябардошлигини оширади. Кремнийли бронзалардан юксак ҳарорат ва ишқаланиш шароитларида ишлайдиган машина ва приборларнинг деталлари, сув билан ишлатиладиган ва кимёвий асбоблар, шунингдек ленталар, сим, хивич, тасма ва бошқа ашёлар тайёрланади.

Бериллийли бронза таркибида 3 фоизгача бериллий булади, унинг қаттиқлиги, пишиқлиги ва қайишқоқлиги юқори булади, коррозия ва сийилишга яхши чидайди. Бу бронза қаттиқлиги ва пишиқлигини оширувчи термик ишловга мойил булади. Бериллийли бронзадан машиналарнинг юқори ҳарорат, босим ва ишқаланиш шароитларида ишлайдиган пружина, шестерна, подшипник каби тоятда масъулиятли деталлар, шунингдек зарб билан ишлайдиган асбоблар ясалади.

Қўргошинли бронза таркибида 30 фоизгача қўргошин булади ва юксак антифрикцион хоссаларга эга булади, иссиқликни яхши ўтказади, турли зарб нагрузкаларни яхши қабул қиласди. Бу хил бронзалар никель, қалай марганец билан легирланади, шу элементлар бронзанинг қаттиқлиги ва пишиқлигини оширади. Қўргошинли бронза ичдан ёнар авиация моторларининг масъулиятли подшипникларини ишлаб чиқаришда ва бошқа шундай ишларда қулланилади. Мис негизидаги қотишмалардан мис-никель қотишмалари — мелхиор ва нейзилбер тайёрлаш кенг тарқалган бўлиб, бу қотишмаларнинг коррозияга чидамлилиги, пластиклиги юқори ва ташқи кўриниши чиройли булади. Масалан, МН-19 мелхиор медицина асбоблари, аниқ механикадаги деталларни ясашда, тангалар зарб этишда қўлланади. МНЦ15—20 маркали нейзильбер эса аниқ механика приборларини, соат механизми деталлари ҳамда кенг истеъмол ашёларини тайёрлашда ишлатилади.

Мис билан рух қотишмаларига жез дейилади. Жез мисдан қаттиқроқ, коррозияга чидамлилиги, иссиқлик ва электр ўтказувчанилиги юқори, яхши кесилади. 3 фоизга яқин рухи бўлган жез кўпроқ пластик булади, 45 фоизгача рухи бўлган жез анча қаттиқ ва пишиқ булади. Жезнинг механик хоссаларини ва кимёвий чидамлилигини юксалтириш учун унга легирловчи элементлар қўшилади.

Легирланган жез эса деформация этиладиган тасмалар, құвурлар, сим ва бошқа металл маңсулотлар тайёрлашда ишлатилади. Қуйиладиган жез таркибида одатда рух ва легирловчи элементлар күпроқ бұлади. Жездә алюминий, қалай, кремний, никель каби легирловчи элементлар күпроқ тарқалған.

Алюминий жezнинг қаттиқлиги, пишиқлиги ва коррозияга чидамлилигини, қалай эса денгиз сувида жezнинг коррозияга чидамлилигини, кремний жezнинг технологик хоссалари, коррозияга чидамлилигини, айниқса суюқ қолда ҳаракатчанлигини, никель механик хоссалари ва коррозияга чидамлилигини оширади. Алюминийли жез кемасозликда ишлатилади, кремнийли жез эса прокат, поковка ва штамповка тайёрлашда, шунингдек кемасозлик ва приборсозликда мураккаб құймалар ишлаб чиқариша құлланади; никелли жез деталлардан денгиз кемасозлигіда фойдаланылади.

Жезлар "Л" (латунь) ҳарфи билан ва таркибидаги мис фоизини ифодаловчи рақам билан маркаланади. Масалан, Л70 деб ёзилған бұлса, таркибида 70 фоизга яқин мис ва 30 фоиз рух бұлади. Легирланган жезларда "Л" ҳарфидан сұнг асосий құшымча элементларнинг ҳарфи белгиси, мис ҳамда құшымча элементлар таркибини күрсатуവച്ചിരുന്നു. Масалан, ЛС59-1—59 фоизга яқин мис ва 1 фоиз құрғошин, қолған 40 фоизи рухдан иборат жезни, ЛК80-3 маркаси эса 80 фоизга яқин мис ва 3 фоиз кремний ва қолған 17 фоизи рухдан иборат жезни билдиради.

### 3.3. Алюминий ва уннинг қотишмалари


Алюминий — эңг күп тарқалған енгил конструкцион материаллардан биридир. Уннинг зичлиги  $2,7 \text{ г}/\text{см}^2$ , эриш ҳарорати  $660^\circ\text{C}$  чамаси, прокат қилиб юмшатылғанидан сұнгты қаттиқлиги 20—25 НВ чамаси, нисбий узайиши 30—40 фоиз, құзилишга пишиқлик ҳадди 800—100 МПа. У оқ-нуқра тусдаги пластик металл бўлиб, иссиқлик ва электр ўтказувчанлиги юқори, босим остида яхши ишлов бериш мумкин ва яхши пайвандланади; ҳавода юпқа оксид пардаси билан қопланади, шу парда атмосфера шароитида, сувда ва бошқа мұхитларда металлни яна оксидланишдан ҳамда коррозиядан асрайди.

Алюминийнинг металл қирқувчи станокларда ёмон ишлов берилиши, яъни тузик қирқилмаслиги ва қуюв хоссаларининг пастлиги унинг камчиликлари ҳисобланади.

Боксит, алунит, каолин ва бошқа рудалар алюминий эритиб олишда ишлатиладиган асосий руда турларидир. Боксит — энг сералюминий руда булиб, таркибида 50—60 фоизгача алюминий оксиди ( $Al_2O_3$  гил-тупроқ), шунингдек темир, кремний, титан, кальций ва бошқа металларнинг оксидлари бўлади.

Алюминий ишлаб чиқариш технология жараёни икки асосий босқичдан: рудалардан гил тупроқ олиш ва шу гилтупроқдан алюминий ҳамда тозаланган алюминий ажратиб олишдан иборатdir. Гилтупроқ олиш моҳияти шундан иборатки, у ўювчи натрий билан ишқорланади ва натрий алюминати ( $Na_2O \cdot Al_2O_3$ ) эритмасига ўтказилади, шундан кейин ундан алюминий гидрооксид ( $Al(OH)_3$ ) чўқтирилади. Алюминий гидрооксидини ювиш ва тоблаш натижасида гилтупроқ ҳосил қилинади. Металл алюминий гилтупроқни электр ваннада электролитик парчалаш йўли билан ажратиб олинади. Криолитдаги гилтупроқ эритмаси ( $Na_3AlF_6$ ) электролит булиб хизмат қиласи.

Электролиз ваннаси (14-расм) ичидан ўтга чидамли гишт 2 ва кумир плиталари 3 билан футеровка қилинган



14-расм. Алюминий олинадиган электролизер схемаси.

пўлат гилоф 1 дан иборат. Катодшиналари 4 электр токи манбанинг манфий қутби билан, анодшиналари 5 эса злектродлар б билан бирлаштирилган. Ваннага криолит ва гилтупроқ солинади, шундан сўнг кучланиши 4—5 В ва кучи 75.000 А чамаси электр токи уланади. Баланд температура таъсирида шихта эриб кетади ва гилтупроқ алюминий билан кислородга парчаланади. Суюқ алюминий 7 ваннанинг тубида йигилади, сўнгра вақт-вақти билан улашиб чўмичига қўйиб олинади. Шу тахлидда олинган хомаки алюминий тозаланади. Нометалл аралашмалар ва газ аралашмалари метални қайта эритиш ва унга хлор дами бериш орқали ажратиб чиқаришади, бошқа металларнинг аралашмалари эса злектролитик тозалаш усули билан йўқотилади. Бунда фторли ва хлорли тузлардан злектролит сифатида фойдаланилади. Темир, кремний, натрий, мис ва бошқа элементлар алюминийнинг асосий металл аралашмалари ҳисобланади.

Саноатимиз аралашмалар таркибига қараб ўттиз хил маркага яқин алюминий ишлаб чиқаради. Улар алоҳида юксак ва техник жиҳатдан соғ гурӯҳни ташкил этади. Чунончи, барча маркалардаги алюминийнинг соғлиғи 99 фоиздан ортади. Тозалик процентнинг ўндан ёки юздан бир неча улушидан ортиши маркада бош ҳарф А дан кейин курсатилади. Масалан, алоҳида соғ A999 алюминий таркибида 0,001 фоиз аралашма, юксак соғ A995, A99, A97, A95 алюминий таркибида 0,005 фоиздан 0,05 фоизгача аралашма ва техник соғ A85, A8, A7, A6, A5, AE алюминий таркибида 0,15 фоиздан 1,0 фоизгача аралашма бўлади. AE маркасидаги Е ҳарфи ушбу алюминий злектр симларини тайёрлашга мўлжалланганлигини билдиради.

Алюминий массаси 5,15 ва 1000 кг келадиган нимкор қўйма гўла ҳолида ва қалинлиги 140—400 мм ва эни 560—2025 мм га борадиган ҳар хил узунликдаги ясси нимкор қўймалар ҳолида тайёрланади.

Алюминий саноатда ғоят хилма-хил ишларда қўлланилади. Унинг анча қисми бирмунча қимматбаҳо мис ўрнида злектр симлари ясашга кетади. Алюминийдан уй-рўзгорда, озиқ-овқат саноатида, злектроника ва ядро энергетикасида фойдаланилади. Алюминий ва унинг қотишмаларидан самолёт корпуслари, блоклар ва узатма қутилари, моторлар, насослар, сунъий йўлдош ва космик кемалар учун деталлар, кимёвий маҳсулотларни ташиш ва сақлашда ишлатиладиган цистерналар, ҳар хил қувурлар, дераза ва эшиклар ясалади; у коррозияга

жарши қоплама сифатида, шунингдек турли қотишмаларда легирловчи элемент сифатида ҳамда пўлат эритишда фаол раскислитель сифатида ишлатилади.

Алюминий қотишмалари. Хоссалари, маркаланиши ва ишлатилиши. Алюминий қотишмалари икки асосий гуруҳга: деформация этиладиган ва қўйиладиган гурӯхларга бўлинади. Деформация этиладиган алюминий қотишмалари мис, магний, марганец, рух, темир, кремний ва бошқа элементлар билан легирланади, пластиклиги юқори, лист, тасма, плита, хивич, сим, труба ва бошқа ашёлар сифатида ишлаб чиқарилади. Бу қотишмалар пишиқтирилайдиган ва пишиқтирилмайдиган қотишмаларга бўлинади. Пишиқтирилайдиган алюминий қотишмалар термик ишлов бергандা пишиқлигини ошириб юбориши мумкин. Алюминийнинг мис, кремний ва темир билан, баъзан эса марганец ва магний билан қотишмаси бўлмиш дюралюминий энг кўп тарқалган пишиқтирилайдиган қотишмадир. Дюралюминий Д ҳарфи ҳамда қотишма номерини курсатувчи рақам билан маркаланади. Маркалашда дюралюминийнинг кимёвий таркиби акс эттирилмайди.

Саноат беш хил асосий маркадаги D1, D16, D18, D19 ва D20 маркадаги дюралюминий ишлаб чиқаради. Уларнинг таркибидаги мис 2,2—7,0 фоиз, кремний ва темир 0,6—1,4 фоиз, марганец ва магний 0,4—2,5 фоиз бўлади. Аммо дюралюминийнинг коррозияга чидамлилиги паст бўлганлигидан уни коррозиядан сақлаш учун плакировка қилинади — детал ва буюмлар бетига соғ алюминийдан юпқа иҳота қатлами югуртирилади. Алюминий билан марганец, алюминий билан магний асосидаги қотишмалар алюминийнинг энг кўп тарқалган пишиқтирилмайдиган қотишмаларидир. Бу қотишмалар AMц ва AMг ҳарфлари билан маркаланади, бу ҳарфлардан кейин қотишманинг номерини курсатувчи рақамлар келади. Саноат алюминий билан марганецнинг AMц маркали қотишмаларини ишлаб чиқаради. Унинг таркибida 1,0 дан 1,6 фоизгача марганец бўлади, шунингдек алюминийнинг магний билан қотишмалари — AMг1, AMг2, AMг3, AMг4, AMг5, AMг6 маркали қотишмалар ишлаб чиқаради. Уларнинг таркибидаги магний 0,5 фоиздан 6,8 фоизгача боради. Алюминийнинг пишиқтирилмайдиган қотишмалари гоятда корррозиябардош бўлади. Пластик деформация натижасида ана шу қотишмаларнинг пишиқлиги оширилади.

Алюминийнинг эритиладиган қотишмалари суюқ ҳолда ҳаракатчан бўлади. Ишлатилувчи қўйиладиган қотишмалар асосий легирловчи элементига қараб бешта гуруҳга бўлинади. Қотишмаларнинг биринчи гуруҳи магний билан, иккинчи гуруҳи кремний билан, учинчи гуруҳи мис билан, тўртингичи гуруҳи керемний ва мис билан ва ниҳоят бешинчи гуруҳи бир йўла бир неча легирловчи элементлар билан легирланади. Барча қўйиладиган қотишмалар АЛ ҳарфлар билан (қўйиладиган алюминий) ва номер билан маркаланади, бу номер қотишмаларнинг на таркибини, на хоссасини кўрсатади: АЛ1, АЛ2,..., АЛ30. Алюминийнинг сермагний қотишмалари юксак механик ва коррозияга қарши хоссаларга эга бўлади, лекин қотишмаларнинг бошқа гуруҳларига нисбатан қўйилиш хоссалари дуруст бўлмайди. Силумин деб аталувчи серкремний қотишмалар таркибида 10—13 фоиз кремний бўлиб, унинг қўйилиш хоссалари яхши бўлсада, лекин унча пишиқ бўлмайди. Силуминларнинг пишиклигини ошириш учун уларнинг таркибидаги кремний камайтирилади ва мис, марганец, магний кўпайтирилади. Силуминларни рух билан легирлаш натижасида уларнинг суюқ ҳолатда ҳаракатчанилиги ва коррозион чидамлилиги ортади. Алюминийнинг қўйиладиган қотишмалари тайёр қўймалар ҳолида, шунингдек нимкор қўймалар ҳолида юборилади.

### 3.4. Рангли металлар ва қотишмаларнинг сифатини назорат этиш

Рангли металлар ва уларнинг қотишмалари қўйиш ёки босим билан ишлов бериш натижасида олинадиган гула ва нимкор қўйма, ёки тайёр буюмлар ҳолида ишлаб чиқарилади. Гула ва нимкор қўйма сифати ташқи кўриннишига, ўлчамига, кимевий таркибига, микроструктураси ва маҳсус хоссаларига қараб назорат этилади. Рангли металлар гуласи ва нимкор қўймаларининг ташқи кўринниши ва ўлчамлари ГОСТ белгилаб берган муайян талабларга мос бўлмоғи юзим. Ташқи кўринниш назорат этилаётганида ҳар бир гула ёки нимкор қўйма кўздан кечириб чиқилади. Шундай назорат этиш чогида кўзга ташланган синиқ гулалар ва юзида говакликлари, шлак аралашмалари ва бошқа хил аралашмалари ҳамда гуддалари бўлган гулалар чиқитга чиқазилади. Одатда гуланинг ўлчамлари белгилаб қўйилмайди, чунки улар яна эритилади, босим билан ишлов беришга мўлжалланган

нимкор қуймаларнинг ўлчамлари эса таңлаб назорат этилади. Ўлчамлар I мк гача аниқликда назорат этилади.

Кимёвий таркибни аниқлаш — рангли металл сифатини назорат этишининг асосий туридир. Легирловчи элементлар ва аралашмалар ГОСТ белгилаб берган нормалардан четлашган бўлса, шу металл яроқсиз ҳисобланади. Рангли металлар ва қотишмаларнинг кимёвий таркиби кимёвий таҳлил йўли билан, шунингдек спектрал таҳлил йўли билан аниқланади. Таҳлил қилиш учун намуналар суюқ металлдан ва металл қўйилиб бўлганидан сўнг қотган гўлалардан олинади. Истсемолчи таңлаб олинган гўлалардан намуна учун пармаланган кириндига қараб металлнинг кимёвий таркибини текширади. Рангли металлардан намуна олиш, кимёвий, ёки спектрал текшириш ўтказиш услублари тегишли стандартлар билан белгилаб берилган.

Металлар вазифасига кўра кимёвий таркибида қанча гази борлигига қараб ҳам таърифланиши мумкин.

Баъзи хил рангли металлар ва қотишмаларни кимёвий таркибига баъдо беришда кимёвий ва спектрал текширишлар билан бирга бильосита назорат услублари ҳам ишлатилади. Масалан, ўтказгич материал сифатида алюминийнинг соғлиги, унинг электр қаршилигини ўлчаб белгиланади. Унинг электр қаршилиги эса таркибидаги аралашмалари миқдорига боғлиқ бўлади. Гўла ва нимкор қуймаларнинг макроструктурасини назорат этишда металл таркибида қанча шлак, оксид ва бошқа чет аралашмалар, шунингдек ҳар хил сабаблардан вужудга келган қутирчўтирилклар миқдори аниқланади. Ана шулар уни яроқсиз деб ҳисоблашга асос бўлади. Гўланинг дарзларини ёки нимкор қуймалардан атайлаб кесиб олиб тайёрланган узала, кўндаланг намуналарни кўздан кечириб, макроструктурага баъдо берилади.

Махсус вазифаларга мўлжалланган деталлар ва қотишмаларнинг хоссалари алоҳида назорат этилади. Масалан, мис ёки алюминий нимкор қуймасидан электр ток ўтказгичларини тайёрлашда уларнинг электр қаршилиги маҳсус хосса сифатида аниқланади. Бир қанча ҳолларда магнит хоссалар, коррозияга чидамлилик каби хоссалар назорат этилиши мумкин.

## МЕТАЛЛ МАҲСУЛОТЛАР

### 4-БОБ

**МЕТАЛЛАРГА БОСИМ ОСТИДА ИШЛОВ ВЕРИШ  
УСЛУВЛАРИ ОРҚАЛИ ҲОСИЛ ҚИЛИНАДИГАН  
БУЮМЛАР**

#### 4.1. Металларга босим остида ишлов бериш услубларининг таснифи ва қисқача таърифи

Металларга босим остида ишлов бериш — илгор ва тежамли технологик жараёндир. Эритиладиган пўлатнинг 90 фоизга яқини, рангли металлар ва қотишмаларнинг 60 фоизи ва кўпгина нометалл материалларга ана шу тахлитда ишлов берилади.

Ватанимиз саноатида металларга босим остида ишлов бериш прокат, ҳар хил заготовкалар, поковка ва штамповкалар ишлаб чиқаришда, шунингдек ремонт ишларида қўлланилади. Прокат қилиш, кирялаш, пресслаш, эркин болгалаш, ҳажмий ва листавий штамплаш металларга босим остида ишлов беришнинг асосий турларидир. Металларга босим остида совуклигича ва иссиқ ҳолида ишлов бериш турлари бор. Соф металлар ва темир, алюминий ҳамда миснинг баъзи қотишмалари гоятда пластик бўлиб олдиндан қизитиб олмаган ҳолда уларга босим остида ишлов берилиши мумкин. Асосан металл заготовкалари қиздирилади, натижада уларнинг пластиклиги ортади ва шундан сўнг босим билан ишлов бериш жараёни енгиллашади.

Пластик металл яхши терилади ва нисбий узайиш, кўндаланг торайиш ва бузилмасдан пасайиш (чўкиш) даражаси шунга боғлиқ булади. Ҳарорат, деформация тезлігига таркиб ва бошқа омиллар металлнинг пластиклигига таъсир этади. Қиздириш ҳарорати кўтарилиган сайин металларнинг пластиклиги ортади, деформацияга қаршилиги эса пасаяди. Металл таркибида углерод, кремний, олtingугурт, фосфор ва лигерловчи элементлар кўпайиб кетса унинг пластиклиги пасаяди. Металларни дастлабки қиздириш ҳарорати қатъий муайян бўлиб, заготовканинг бутун кесими бўйлаб бир текисда


бұлмоги лозим эканлиги аниқланған. Паст углеродлы пұлатлар учун тавсия этиладиган иссиқлигича ишлов бериш ҳадди  $1200^{\circ}$  дан  $850^{\circ}\text{C}$  гача, үртаса углеродлы пұлатлар учун  $1150^{\circ}$  дан  $820^{\circ}\text{C}$  гача ва юксак углеродлы пұлатлар учун  $1050$  дан  $800^{\circ}\text{C}$  гача бұлади.

Рангли металл қотишмаларига  $850\text{--}350^{\circ}\text{C}$  ли ҳароратда ишлов берилади

Прокат қилиш — металларга босым остида ишлов бериш асосий усулларидан бири булиб, бутун металлургия циклининг якунловчи босқичидир. Прокат қилишдан мақсад ишлов бериләтгән материалга кейинчалик металдан энг катта самара билан фойдаланишга имкон берувчи шакл ва кесим үлчамларини беришдан иборатдир. Прокат қилишда (15-а расм) металл бири-бири сари айланувчи икки жұва үртасидан үтказилади. Жұвалар билан металл үртасида вужудға келувчи ишқаланиш кучи ҳисобига металл жұвалар орасидан ситилиб үтади. Бу пайтда металлнинг күндаланғ кесими кичраяди, узунлиги эса ортади. Бир үтишда заготовка бошланғыч узунлигининг пировард узунлигига бұлған нисбати чүзилиш коэффиценті дейилади. Бу коэффицент 1,2 дан 2 миқёсіда бұлади ва материалнинг туриға ҳамда прокат қилиш тезлигига bogliq бұлади. Материални прокат қилғунғача ва прокат қилғандан сүнг унинг қалинлиги үртасидаги тағовут мұтлақ сиқилиш миқдори бұлади.

Прокат қилувчи жұвалар силлиқ, цилиндрик — гұла ҳолида ёки калибрланған булиши мүмкін, юзида ҳар хил чүкүрликлари булиб, уларнинг үлчами ва шакли ҳосил қилингандын буюмнинг күндаланғ кесимиға мувофиқ келади. Силлиқ жұвалардан ясси прокат чиқади, калибрланған жұвалардан эса — ғоят хилма-хил профилли буюмлар ҳосил бұлади. Прокат маҳсулотлари прокат станларыда ҳосил қилинади, заготовкалар аланга пешлари ва электр печларыда қиздириледи.

Заготовканы волока тешигидан тортиб үтиб металларга босым остида ишлов бериш жараённега чүзиш (15-б расм) дейилади. Волока тешигининг үлчами заготовка кесими үлчамидан кичикроқ бұлади. Чүзишда ҳосил қилинадиган буюм ғоятда аниқ ва юзи тоза булиб чиқади. Сим, юпқа деворли трубалар ва ҳар хил фасонли профиллар чүзиб тайёрланади, буюм аниқлигини ошириш учун иссиқлигича прокат қилингандын ҳар хил профиллар калибрланади.



15-расм. Металларга босим билан ишлов беришнинг асосий турлари.

**Пресслаш** (15-в расм)— матрицадаги тешик орқали контейнердан пуансон воситасида металлни ситиб чиқариш йўли билан босим остида металларга ишлов бериш жараёнидир. Матрицадаги тешикнинг шаклига қараб металл думалоқ, квадрат шаклга ёки бошқа хил шаклга киради.

Болға зарбалари ёки пресс таъсирида металлнинг эркин ёйилиш жараёнига эркин териш (15-г расм) дейилади.

Қизитилган металлга босим остида пластик шакл бериш жараёни териш (болгалаш) дейилади, ҳосил бўлган буюм эса поковка бўлади. Эркин териш ёрдамида массаси ва ўлчамлари ҳар хил поковкалар тайёрланади.

**Штамплаш** — маҳсус асбоб — штамп ёрдамида поковка ҳосил қилиш усулидир. Штамп икки паллага ажralадиган металл қолипдан иборат бўлиб, унинг ичидаги ручье деб аталган ҳавонлик жойлашади. Бу ҳавонлик ҳосил қилинадиган буюмнинг шакли-шамоилига мувофиқ келади. Бу пайтда металлнинг ҳаракати эркин бўлмайди, қолип деворлари билан чекланади. Штамплаш натижасида ҳосил қилинадиган деталларнинг ўлчамлари эркин болгалашга нисбатан анча аниқ бўлади ва кейин механик ишловга муҳтоҷ бўлмайди. Штамплаш ҳажмий ва листавой бўлади. Ҳажмий штамплашда (15-д расм) бир ёки бир неча ички ҳавонликлари бўлган штамплардан фойдаланилади; листавой штамплашда (15-е расм) юпқа

деворли буюмлар тайёрланади. Ҳажмий штамплаш иссиқ ва совуқ ҳолда бўлиши мумкин. Иссик ҳолда ҳажмий штамплаш катта габаритли поковкалар, совуқ ҳолда штамплаш орқали эса ўлчами ва массаси чогроқ поковкалар ҳосил қилинади. Кейин механик ишлов берилмайдиган чогроқ поковкалар кўплаб ишлаб чиқарилганида совуқлигича ҳажмий штамплаш қўлланилади. Листавой штамплаш иссиқлигича ва совуқлигига штамплашга, юпқа листавой ва қалин листавой штамплашга бўлинади.

Белгиланган таснифга мувофиқ металларга босим остида ишлов бериш услублари орқали ҳосил қилинадиган буюмлар материалнинг кимёвий таркибига, ишлаб чиқариш усули, шакли, ўлчамлари ва вазифаларига мувофиқ бўлинади.

## 4.2. Прокат маҳсулот

### 4.2.1. Прокат ишлаб чиқаришнинг таснифи ва қисқача тасвиғи

Прокат ишлаб чиқаришда металл прокат, рельс, қувур, метиз ва бошқа товар маҳсулотларга айлантирилади. Прокат ишлаб чиқариш маҳсулоти учун шакл ва ўлчамларга кўра таснифлаш энг содда ва қулай бўлади. Бу тасниф прокат маҳсулотларининг номи ва вазифасини белгилаб беради. Прокат ишлаб чиқариш маҳсулоти гоятда хилма-хил бўлиб, жуда хилма-хил профилдаги мингдан ортиқ номни ўз ичига олади. Аммо маҳсулотларни тартибга солиш асосида ГОСТлар уларнинг сортаментига тасниф берган. Масалан, пўлат прокат сортаменти шакли ва вазифаси бир-бирига яқин профиллардаги етти гуруҳни ўз ичига олади: прокат заготовкалар, кесими оддий листавий, сортавий прокат, кесими фасонли сортавий прокат, махсус вазифадаги профиллар, даврий шакли прокат ҳамда эгилган профиллар ва трубалар шулар жумласидан.

Прокат заготовкалар профилининг шакли ва ўлчамларига кўра тўрт хилга бўлинади. Энг йирик заготовка — бурчаклари юмалоқланган квадрат кесимли болванка (блюм) — квадрат томонлари 140—450 мм, узунлиги 1—6 м бўлиб, йирик кесимли прокатлар тайёрлашда ишлатилади. Бурчаклари юмалоқланган ва квадратининг томони 40—250 мм, узунлиги 1—9 м ли квадрат заготовка майда кесимли прокат тайёрлашда

ишлиатилади. Диаметри 80—270 мм ли труба заготовкасидан чоксиз трубалар (қувурлар) тайёрлашда фойдаланилади. Түгри бурчакли йирик заготовкалар (сляблар)нинг қалинлиги 100—250 мм, эни 300—2000 мм, узунлиги 1,3—5 м га бориб, қалин лист ва тасмалар тайёрлашда ишилатилади.

Листавий прокат — металл маҳсулотларнинг энг тежамли туридир. У машинасозликнинг ҳар хил тармоқларида конструкцион материал сифатида кенг тарқалган. Қирқими түгри бурчакли бўлган, узунлиги, қалинлиги ва эни бир-биридан фарқ қиласидан листавий ва пўлат рулон, лента ва бошқа ашёлар ҳам прокатнинг шу турига киради.

Иссиқлигича прокат қилинадиган қалин листавий пўлатнинг эни ва узунлиги ҳар хил булиб, қалинлиги 4—160 мм келадиган листлар қилиб тайёрланади. Максимал эни 600—1800 мм, узунлиги 2—8 м юпқа лист пўлат прокати иссиқлигича ва совуқ ҳолида прокат қилиб тайёрланади. Иссиқлигича прокат қилинадиган листларнинг қалинлиги 0,5—4 мм, совуқлигича прокат қилинадиган листларнинг қалинлиги эса 0,2—4 мм, эни 600—1400 мм, узунлиги 1,2—4 м.

Иссиқлигича прокат қилинган пўлат рулоннинг қалинлиги 1,2—10 мм, эни 200—2300 мм. Совуқлигича прокат қилинадиган пўлат рулон 0,2—4 мм қалинликда тайёрлаб юборилади.

Бир қанча ҳолларда тегишли хоссалар баҳш этиш учун листавий прокат юзига қўшимча ишлов берилади. Қора тунука ва декапиранган ҳамда рухланган пўлат энг кўп ишилатилади.


Жилоланган қора тунука юмшатилган юпқа лист пўлатдан иккала юзини ҳам жилолаб тайёрланади. Листнинг узунлиги 712 мм, эни 512 мм, қалинлиги 0,25—0,50 мм.

Оқ тунука қалай қатлами билан қопланган паст углеродли листавий пўлатдир; озиқ-овқат маҳсулотлари учун таралар, консерва банкалари, шиша банка қопқоқлари ва бошқа шундай буюмлар тайёрлашда ишилатилади. Совуқлигича прокат қилинган оқ тунука олти хил: 20, 22, 25, 28, 32, 36 номерлари билан тайёрлаб чиқарилади. Листларнинг қалинлиги 0,20—0,36 мм бўлади. Иссиқлигича прокат қилинган оқ тунука листларнинг қалинлиги 0,25—0,50 мм бўлади.

Декапирланган листавий пўлат юмшатилган юпқа пўлат лист бетини хурушлаш ва куйиндинсини олиш орқали тайёрланади: идиш-товоқ ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Буюмлар эмалланади ёки бўялади. Листларнинг қалинлиги 0,25—2,0 мм, эни 510—710 мм дан 1500—2500 мм гача боради.

Рухланган юпқа листавий пўлат ғоятда коррозиябардош бўлиб, штампланган буюмлар ва томга ёпиладиган тунука ва тара тайёрлашда ишлатилади. Рух қопламининг қалинлиги вазифасига кўра 10—50 мкм миқёсида, листларнинг эни 750—1500 мм, қалинлиги 0,50—1,5 мм бўлади.

Иссиқлигича прокат қилинган диаметри 5—250 мм ли гула пўлат, квадратининг ўлчами 13—250 мм ли иссиқлигича прокат қилинган квадрат пўлат, ички доирасининг диаметри 8—100 мм ли иссиқлайнин прокат қилинган олти ёқли пўлат ҳамда қалинлиги 4—60 мм, эни 12—200 мм ва узунлиги 3—9 м ли тасма прокат пўлат оддий қирқимли сортавий прокатлар қаторига киради.



16-расм. Фасонли прокат профиллари.

Сўкчаклари баравар ва баравар бўлмаган бурчак (уголок) прокат пўлат, иссиқлайнин прокат қилиш йўли билан тайёрланадиган швеллер ҳамда қўштавр балка фасон профилли сортавий прокат турларига киради. Сўкчаклари баравар бурчак прокат пўлат (16-а расм) сўкчакларининг эни (а ўлчами) 20—250 мм қилиб чиқарилади. Сўкчакларнинг эни уларнинг қалинлиги  $d$  ни, юмaloқ радиуслари  $R$  ва  $r$  ни белгилайди ва шу профилни номерлашга асос қилиб олинган. Сўкчаклари баравар бурчак профил пўлат 2—25 номерлар билан

**2. Түрли усуллар билан тайёрланган трубаларнинг энг катта ўлчамлари**

Трубаларнинг турлари	Ташқи диаметри, мм	Деворининг қалинлиги, мм	Узунлиги, м дисобида
Иссиқдигича чоксиз			
прокат қилинган	25—820	2,5—75	4—12,5
Совуқ ҳолида чоксиз			
прокат қилинган	1—200	0,1—12	1,5—9
Узунасига электрик пайвандланган	8—1620	1—16	5—18
Спираль чок билан пайвандланган	426—1220	4—12	10—18

тайёрланади. Пайвандланган трубалар ишлаб чиқариш чоксиз трубалар ишлаб чиқаришга нисбатан иқтисодий жиҳатдан фойдалери юнусиди. Труба тайёрлаш аниқлиги уни ишлаб чиқариш усулига, ўлчами ва вазифасига боғлиқ булади.

Трубалар профилининг шаклига кўра, думалоқ ва ихчам профилли трубаларга бўлинади: квадрат, овал профилда, уч ёқлама ва саккиз ёқлама, ялпоқ профилдаги трубалар булади.

Ишлатилишига кўра суюқлик ва газ юбориладиган трубалар (нефть қувурлари, водопровод қувурлари, газ қувурлари, буг қувурлари ва бошқалар); босим остида ва юқори ҳароратли шароитларда ишлатиладиган қувурлар (печлар, қозонлар, пресслар); транспорт машина-ускуналарини ишлаб чиқаришда, пўлат конструкцияларда ишлатилувчи конструкцион трубалар ва маҳсус вазифаларга мўлжалланган (иссиқбардош, асбобсозликка мўлжалланган ва ўқазо) трубаларга ажратилади.

Рангли металлар ва уларнинг қотишмаларидан ишлатилишига маҳсулот ҳам иссиқдигича ва совуқ ҳолида прокат қилиш услублари билан тайёрланади. Думалоқ шаклдаги заготовкалардан хивичлар, сим ва қувурлар, тўғри бурчак шаклдаги заготовкалардан жа листлар, гасмалар ва ленталар ишлаб чиқарилади. Мис, ж. бронза ва никель листлар қалинлиги 0,4—25 мм, ширини 600—3000 мм ва узунлиги 1,4—6 м қилиб, алюминий қотишмаларидан ишланадиган листлар эса қалинлиги 0,3—10 мм, эни 400—2000 мм ва узунлиги 2—4 м қилиб тайёрланади. Алюминий қотишмаларидан қалинлиги 0,01—0,1, эни 40—500 мм, техник қалинлиги 0,05—0,2

ва эни 10—600 мм га борадиган озиқ-овқат зарқогози тайёрланади.

Рангли металлар ва уларнинг қотишмаларидан катанка (5—6 мм ли гўла арматура), уголоклар, якка тавр ва қўш тавр балкалар, қувурлар ва бошқа маҳсулотлар ҳам тайёрлаб чиқарилади. Рангли металлар ва уларнинг қотишмаларидан ясаладиган буюмларга юксак талаблар кўйилади. Масалан, электротехника саноатида ишлатилувчи мис профиллар электрни ғоят даражада яхши ўтказишидан ташқари унинг механик пишиклиги юксак бўлмоғи лозим. Мисни кадмий ва магний билан легирлаш орқали мис ва унинг қотишмаларидан ясаладиган буюмларнинг механик тавсифлари юксалтирилади. Электрон саноатида ишлатилиувчи мис ва никель буюмлар таркибида озгина эриган газлар, асосан кислород бўлмоғи зарур. Ватанимизнинг рангли металургиясида таркибидаги кислороди 0,001 фоиздан ошмайдиган мис нимкор қўймасини олиш технологиясидан фойдаланилади.

#### 4. 2. 2. Прокат маҳсулот сифатини назорат этиш

Прокат маҳсулот сифатини назорат этишининг хилмажил услубларини икки гуруҳга: умумий ва маҳсус гуруҳларга бўлинади. Умумий услублар шакли ва ишлатилиши ҳар хил буюмлар сифатини назорат этишда қўлланилади. Маҳсус услублар эса муайян буюмлардагина қўлланади.

Кимёвий текшириш, сиртдан кўздан кечириш, механик хоссаларини синаб кўриш, макроструктура ва микроструктура таҳлиллари, ўлчамларни аниқлаш ва ҳоказолар буюм сифатини умумий назорат этиш услублари қаторига киради. Кейинги вақтларда пинҳона нуқсонларни назорат этиш услублари тобора кўпроқ ёйилмоқла. Прокат маҳсулотни ультратокуш ва магнит сипатасида синаптографийе биринчи ишлабда ғуломади.

Биринчи таркиб металлни кўриниши аниқланади, ишлаб мункиб босим остида ишлаб таркибни аниқланади, буюм тайорланади натижасида металургични таркибни аниқланади.

Коёнини текшириш натижасида материални таркибидаги углерод, фосфор ва олtingурут аниқланади, прокатнинг юқори сифатли навлари учун таркибидаги легирловчи элементлар миқдори аниқланади.

Ташки кўриниши оддий қўз билан чамаланади ва асосан ишлаб чиқарилаётган ашёлар бетига ишлов

Беришда шаклдан ёки ишлов бериш сифатидан қўпол равишида четлашишлар аниқланади. Ясси прокатдаги узилишлар, лист қирраларидаги йўғонлашган жойлар, қувурларнинг пачоқ жойлари шаклдан энг характерли четлашишлар қаторига киради. Ясси прокатдаги гадирликлар, куйинди ва чўтирикликлар, сортавий, ихчам прокат ва қувурлардаги узала кертиклар ишлов бериш сифатидан четланишлар қаторига киради.

Ашёлар механик хоссаларини назорат этиш уларнинг қаттиқлигини, узилишга қаршилигини, нисбий узунлиги ва зарбий қовушоқлигини аниқлашдан иборат бўлади. Шу кўрсаткичлар қабул қилиш-топшириш ишларининг кўрсаткичлари ҳисобланади ва амалдаги ўлчаш маълумотлари сертификатларга ёзиб қўйилади. Металл маҳсулот механик хоссаларини синаш услублари тегишли ГОСТлар билан белгилаб қўйилган бўлиб, I ва II бобларда янада муфассал кўриб чиқилган.

Макроструктуравий ва микроструктуравий текширишлар жараённада прокат қилиш сифати ва режими, материалнинг нометалл аралашмалар билан булган-ганилиги, буюмнинг ички нуқсонлари ўрганилади. ГОСТларда нометалл аралашмалар билан булғанганиликни аниқлаш, намуналар олиш, микрошлифлар тайёрлаш ва синовлар ўтказиш услублари келтирилади.

Ультратовушли синаш услуби (ультратовуш дефектоскопияси) турли муҳитлар чегарасида буюмларнинг ички нуқсонларини (ёриқлар, пуфакчалар ва қатланишлар) топиш учун ультратовушнинг акс этиш ҳодисасидан фойдаланишга, магнит услублари эса металл маҳсулотда ички нуқсонларга дуч келган магнит оқимининг ёйилиб кетишига асосланган. Иккала услуб ҳам ғоятда серунумлиги ва пухталиги туфайли истиқболли ҳисобланади.

Ўлчамлар назорат этилаётганида энг кам кўрсаткичлар биринчи навбатда текшириб чиқилади: прокат листнинг қалинлиги ва эни, симда — диаметри, қувурларда эса ташқи диаметри ҳамда деворнинг қалинлиги ва бошқалар текширилади. Ҳар хил металл маҳсулотлар ўлчаш кўрсаткичларини таърифлаш учун йўл қўйиладиган четланишларнинг мутлоқ қийматлари белгилаб берилиган. Лист, прокат, тасма ва ленталар учун йўл қўйиладиган четланишлар қиймати маҳсулотнинг қалинлиги ва энига боғлиқ бўлади, чунончи прокатнинг қалинлиги ва эни ортиши билан йўл қўйилиши мумкин бўлган оғиш ҳам ортиб боради (3-жадвал).

**3. Листавий прокат учун йўл қўйиш мумкин бўлсан оғишишларнинг қийматлари**

Қалинлиги, мм	Эни, мм		
	600—1000	1000—1200	1200—1600
4—10	0,8—1,0	0,9—1,1	1,0—1,1
11—30	1,0—1,1	1,1—1,2	1,1—1,2
32—50	1,3—1,7	1,3—1,8	1,4—1,9
53—60	2,0	2,1	2,2

Пўлат туника учун йўл қўйиш мумкин бўлган оғишишлар листнинг энига 1 мм дан, узунасига эса 3 мм дан ошиб кетмаслиги керак. Думалоқ пўлат ва сим учун энг кўп четланишлар мутлоқ қиймати диаметрга боғлиқ бўлади, калибрланган думалоқ пўлатда эса — диаметрга ва тайёрлаш аниқлигига боғлиқ бўлади.

Оддий ва шакли профилдаги сортавий прокатда: квадрат пўлат учун — квадрат томони ва узунлиги, бурчакли пўлат учун сўкчакнинг эни, деворининг қалинлиги ва узунлиги, швеллер ва тавр нусха балкалар учун эса — профил бўйи, сўкчакнинг эни, деворининг қалинлиги ва узунлиги белгилаб қўйилади.

Бир қанча ҳолларда прокат қилинган профиллар кўндаланг кесимининг майдони назорат этилиб, металл маҳсулот 1 м узунлигининг массаси аниқланади. Бурчакли пўлат ва балкалар учун 1 м узунлик массасида йўл қўйиш мумкин бўлган оғишишлар +3 дан -5 фоизгача боради. Прокатнинг эни ГОСТлар билан чеклаб қўйилган бўлиб, 1 м узунликда 2 мм дан, умумий эгрилик эса 2 l дан ошиб кетмаслиги лозим. Бунда l — балканинг узунлиги бўлади.

Махсус назорат услублари маҳсулотларнинг эксплуатацион кўрсаткичларига таъсир этувчи тавсифини аниқлаб беради. Маҳсулотнинг ўзи ёки унинг асосий шаклини сақловчи бир қисми намуна бўлиб хизмат қиласди.

Металлни пуансон воситасида чўзиб прокат листнинг пластиклигини синаш; кўп марта эгиш ва ростлашга чидаш бериш қобилиятини аниқлаш учун симни букиб синаш; маҳсулотларнинг эгилишини технологик синаш; қувурларнинг кенгайиши ва ялпоқлигини синаш; симни қайрилиши, ўралишини синаш ва бошқалар энг кўп тарқалган махсус назорат турлари ҳисобланади.

#### 4. 2. 3. Металл маңсулотларни етказиб берниш, сақлаши ва ташиншы шартлари

Металл маңсулотлар истеъмолчиларга түп-түп қилиб юборилади. Битта манзилга юборилувчи, ягона ҳужжат — сертификат билан расмийлаштирилган ва сифат күрсаткичлари жиҳатидан бир турдаги маңсулот тұпты дейилади. Ҳужжатда товар белгиси ва тайёрлаган корхонанинг номи, тұп ва транспорт бирлигининг номери, металл маңсулотлар сифатини синаш ҳамда амалдаги синаш күрсаткичларининг стандарт талабларига нечоғлиқ мүвофиқ келиши күрсатилади.


Металл маңсулотларини ишлаб чиқариш жараённанда барпо этилган истесімді хоссаларини бутун йүл давомидә сақлаб қолиш уларни ташиши қўйиладиган асосий талаблар бўлади. Бунда маңсулотларнинг механик шикастланишлари ва сортининг адашиб кетиши энг катта хавф бўлади.

Металл маңсулотлари гоятда пишиқ бўлади ва бошқа товарларга нисбатан механик шикастланишларга камроқ дучор бўлади. Лекин маңсулотларни ташиш, ортиш ва тушириш қоидалари бузилса ва нотўғри сақлансанда ҳам улар шикастланиши мумкин. Сортивий, листавий ва бошқа хил прокат, сим ва сим ашёлар эгилиши, эзилиши ёки чигиллашиб қолиши мумкин. Буюмнинг юзи иҳота қатлами билан қопланган ёки унга маҳсус ишлов берилилган бўлса (оқ тунукада қалай қатлами, рухланган пўлат листда руҳ қатлами ва ҳоказо) юзининг механик шикастланишлари катта хавф солади. Шу металл буюмлар сифатини сақлаб қолиш учун муайян эҳтиёт чораларига риоя этиш: маңсулотни транспортга ортилаётганида ёки очиқ жой ва омборларда сақланаётганида уни боғлаш, тўғри жойлаштириш, буюмларни тарага солиш зарур.

Унча қалин бўлмаган металл ашёлари ташқи юклар таъсирида, шунингдек ўз массаси таъсирида эгилиши ва эзилиши мумкин. Шунинг учун ҳам юпқа пўлат листни, жилоланган қора тунукани, декапирланган пўлат листни, майда сортивий прокат ҳамда тасма пўлатни той қилиб маҳкам боғлаш лозим бўлади.

Сим ва лента гоятда узун бўлганлигидан унининг чигиллашиши ва деформацияланишига йўл қўймаслик учун калава, рулон қилиб ўраб боғлаш қўйиш лозим бўлади. Ингичка сим эса ғалтакка ўралади.

Калава ва рулон ўлчами ҳамда массаси тегишли стандартлар билан белгилаб берилилган бўлади. Прокатни




18-расм. Оддий сифат лист прокат ва сортовой прокатни тойлаш намуналари:  
а — лист прокат; б — бурчакли пұлат.

ташишда, шунингдек омборлар ва очиқ жойларда сақлашда прокатнинг пластик солқишига йул қўймаслик учун у маҳсус тиргаклар устига қўйилади. Металл маҳсулот тойлари, калава ва рулонлари горизонтал қилиб таҳланади.


Металл маҳсулотларни тегишли маҳсулот турларига амалдаги стандартларга мувофиқ ишлаб чиқариладиган тараға солиш механик шикастланишларнинг олдини олувчи муҳим шарт бўлади. Анча узун йирик балкалар тарапланмайди. Улар очиқ вагонларда ташилади ва очиқ жойларда сақланади. Майда ва қимматбаҳо metall маҳсулотлар юмшоқ ва қаттиқ тара ичига олинади. Сим калаваси, лента рулонлари ва рангли metallardan ишланган ашёлар маҳсус қозог ёки хитой қозогзга ўралиб ёғоч яшикларга жойлаштирилади. Оқ рулон тунука пергамент ёки маҳсус қозогзга ўралади ва периметри бўйлаб лента билан боғланади. 18-расмда оддий сифатдаги прокат листини ва сортавий прокатни тойлаш намуналари келтирилган.

Металл маҳсулотларнинг сортини адаштириб юбормаслик учун ГОСТ белгилаб берган талабларга мувофиқ маркалаш қўлланилади (19-расм). Маҳсулотнинг ҳар бир

товар ўрни маркаланади. Марка бүек билан ёзилади бир канча ҳолларда эса металл ёрлиқлар боғлаб қўйилади. Иирик металл маҳсулот доналааб тамгаланади: прокат учидан 50—100 мм масофада тайёрлаган заводнинг товар белгиси, пўлат маркаси ва эритма номери бўлган тамга туширилади. Прокат ишлаб чиқаришнинг майда



19-расм. Қўштавр балкани маркалаш:  
1 — таниш белгиси.



20-расм. Юқори сифатли прокатни тойлаш ва маркалаш:  
a — дона-дона; b — тойлаб;  
1 — таниш белгиси; 2 — рангли маркалаш; 3 — металл ёрлиқлар.

маҳсулотлари доналаб тамгаланмайди, балки маҳсус тахтадарга ёзилган таниш белгилари товарнинг ҳар бир тойига, калаваси ёки рулонига боғлаб қўйилади. Юқори сифатли прокат навлари алоҳида-алоҳида қилиб ўралади, тойланади ва маркаланади (20-расм). Кесими 25 мм гача борса улар рангли маркалар туширилган тойлар ҳолида, ёки тахтачалар боғланган ҳолда юборилади. Каттароқ ўлчамдаги прокатнинг эса ҳар бир донасига марка бўёқ билан ёзилади.

Металл маҳсулотлар юборилаётганида ҳар битта тўпда бир хил маркадаги, кимёвий таркиби ва хоссалари бирдай металldан ишланган буюмларнинг той, калава ва рулонлари битта тўпда бўладиган қилиб транспортга ортилади.

### 4.3. Болғалаш ва штамплаш

#### 4.3.1. Болғалаш ва штамплаш маҳсулотларининг ишлаб чиқариш асослари


Прокатдан сўнг поковка ва штамповкалар энг кўп тарқалган. Улар моторларнинг тирсак валлари ва шатунлари, редуктор валлари ва шестернялари, йўл машиналари юриш қисми гусеницаларининг ўқлари ва ғалтаклари, қишлоқ хўжалик машиналарининг асосий иш органлари, приборларнинг қопланадиган деталлари, металл идиш-товоқ тайёрлашда ишлатилади.

Доналаб ва кўплаб ишлаб чиқариш шароитларида эркин болғалаш қўлланади. Чўзиш, пасайтириш, йўғонлаштириш, тешик ўйиш, бураш, кесиш, эгиш, тешик диаметрини катталаштириш ва темирчилик пайванди эркин болғалашнинг асосий операциялари ҳисобланади. Заготовка кўндаланг кесимини камайтириш ҳисобига узунлигини орттириш учун чўзиш операцияси бажарилади, пасайтириш эса аксинча узунликни камайтириш ҳисобига заготовка кўндаланг кесимини ошириш учун қилинади. Йўғонлаштиришида заготовканнинг муайян қисмидагина кўндаланг кесим ўзгартирилади (масалан, болт каллагини ҳосил қилиш). Ўйиш заготовкада тешиклар ёки чуқурчалар ҳосил қилиш учун қўлланади. Бураш — заготовка бир қисмини иккинчи қисмiga нисбатан узала ўқи теварагида белгиланган бурчакка жилдириш (бураш)дан иборатdir. Тирсаклари ва туртган жойлари ҳар хил текисликларда бўлган буюмларни териш — болғалашда ана шу операция қўлланилади. Чопиш воситасида заготовканнинг ортиқча қисми олиб ташланади, ёки у қисмларга бўлинади, эгиш чогида заготовка узала ўқининг йўналиши

ўзгаради. Кутаргич кранлар, кронштейнлар учун скоба, илмоқлар тайёрлашда әғиш операцияси құл келади, халқа заготовка диаметрини ошириш учун раскатка операцияси ишлатилади. Темирчилик усули билан пайвандлаш эса поковканинг бутун бир қисми ёки учларини маҳаллий қиздириш ва кейин механик қисиш воситасида ажралмас қилиб бириктириш учун ишлатилади.

Штамповка күп сериялы ва күплаб ишлаб чиқаришда құлланилади. Штамп иккى қисмдан иборат булади: юқори қисми пуансон деб аталиб, болғанинг тушадиган қисмiga бириктирилади, матрица деб атала-диган қуий қисми құзгалмас бойкка үрнатилади ишлов бериш чогида заготовка штамп қуий қисмининг оғзига үрнатилади, юқори қисми эса зарбалар беради. Натижада металл штамп шаклини тұлдиради. Ишлатилувчи штамп-лар очиқ ва ёпиқ ҳолда булади (21-расм). Очиқ штампларнинг махсус ариқаси булиб ортиқча металл шу ариқчадан сиғилиб чиқади. Бундан мақсад ұажми ҳар хил заготовкалардан ұажми бирдай поковка олишдан иборатдир. Ёпиқ штампларда штамповка қилишда заго-товка деформацияси қолипнинг бир қисмida рүй беради. Штампнинг иккінчи қисми мана шу қисмга йұналтирувчи булиб киради. Ёпиқ штамплардаги поковкалар итарувчи механизмлар воситасида чиқариб олинади.

Поковка ва штамповкалар тайёрлаш учун пұлат нимкор құймалардан, конструкцион ва легирланган



21-расм. Очиқ *a* ва ёпиқ *b* штампларнинг схемалари:  
1 — штампнинг қуий қисми; 2 — штампнинг юқори қисми; 3 — поковка;  
4 — облой; 5 — итаргич.

пўлатлардан прокат қилинган ва прессланган заготовкалар, прокат листи ва ранги металлардан фойдаланилади.

Чўзиш, бостириш, йўғонлаштириш ва эгиш иссиқлайин ҳажмий штамплаш, пасайтириш, йўғонлаштириш, бостириш, калибрлаш ва чилпиш — совуқлайин ҳажмий штамплашнинг асосий операциялари ҳисобланади. Ҳажмий штамплаш турли болгалар, темирчилик автоматлари, кривошип — штамповка пресслари ва горизонтал териш машиналарида бажарилади. Йирик ва оғир штамп поконкаларини тайёрлаш учун гидравлик пресслардан фойдаланилади.

Листавий штамплаш ғоятда серунумлиги, тайёрлана-диган буюмларнинг аниқ ўлчамда чиқиши ҳамда материал тежамли сарфланиши туфайли кенг тарқалган. Эгувчи автоматлар ҳамда маҳсус штамплаш кривошип ва гидравлик пресслари бунинг учун машина-ускуна бўлиб хизмат қиласди.

Юпқа листавий штамповкада қалинлиги 0,15—4 мм ли пўлат листдан, қалин листли штамплашда эса қалинлиги 4—50 мм ли пўлат листдан фойдаланилади. Ажратиш, пресслаш, шакл ўзгартириш ва комбинациялашган штамплаш листавий штамплашнинг асосий операциялари бўлади.

Ажратиш операциялари қирқиш, кесиш, тилиш, чақмоқлаш, тешиш ва чопиб узишдан, пресслаш операциялари эса совуқлайнин бостириш, чилпиш ва кернлаш (белги қўйиб чиқиши) дан иборат бўлади. Ясси заготовка қалинлигини ўзгартирган шолда белгиланган шаклга айлантириш асос қилиб олинган шакл ўзгартириш операциялари эгиш, зеҳини қайтариш, чўзиш ва тўғрилашдан иборат бўлади. Комбинациялаштирилган листавий штамповкада айрим технологик операциялар, масалан, кесиш билан биргаликда эгиш каби операциялар бирга утади. Лист материал механик қайчилар, ёки кесиш штампларида қирқилади ва кесилади.

Металларга босим остида ишлов беришнинг (эркин териш ёки штамплаш) оқилона услубини танлаш буюм ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлади. Бирон технологияни ишлатиш самарадорлигини аниқлаш учун

$$B = \frac{C}{(C_k + M_1) - (C_w + M_2)}.$$

формуласидан фойдаланилади. Бунда  $B$ —штамплаш эркин теришга нисбатан фойдали чиқадиган буюмлар сони;  $C$ —штамп тайёрлашнинг тўла қиймати;  $C_k$ —терилган

буюмнинг таннархи;  $C_w$  — штампланган буюмнинг таннархи;  $M_1$  — поковкага механик ишлов бериш қиймати;  $M_2$  — штамповка-механик ишлов бериш қиймати.

#### 4. 3. 2. Чиқит турлари. Болгалаш ва штамплашнинг сифатини назорат этиш

Темирчилик — штамплаш ишлаб чиқаришида металл чиқитлари заготовкани кесиш ва бичиш чогида чиқадиган қийқимлардан, печларда қиздириш чогида куйиндига кетадиган нобудгарчиликлардан, ишлаб чиқариш чиқитлари ва чиқитга чиқарилган маҳсулотлардан иборат булади. Бир тонна тайёр маҳсулот олиш учун зарур металл миқдори ҳисобланадиганида

$$P_k = \frac{B + a + b + v + c}{B}.$$

Формуласи билан аниқланадиган сарф коэффициенти катталигидан фойдаланилади. Бунда  $B$  — тайёр маҳсулот массаси;  $a$  — заготовкаларнинг қийқимлари,  $b$  — куйиндига кетадиган нобудгарчиликлар;  $v$  — ишлаб чиқариш чиқитлари;  $c$  — чиқит маҳсулотлар.

Прокатдан поковкалар ҳосил қилишдаги сарф коэффициенти 1,2 чамаси бўлади, нимкор қуймалардан поковкалар ҳосил қилишдаги сарф коэффициенти эса 1,7 дан кам бўлмайди.

Заготовкадан қийқим чиқишини камайтириш учун маҳсус бичиш карталари ишлаб чиқилади. Унда материалдан қирқиб олинадиган заготовкалар мумкин қадар оқилона жойлаштирилади. Бунда металдан фойдаланиш кўрсаткичи заготовка массаси  $B_u$ нинг дастлабки материал массаси  $B_u'$ га бўлган фоиз ҳисобидаги нисбати сифатида аниқланади:

$$P_u = \frac{B_u}{B_u'} \cdot 100.$$

Куйиндига кетадиган нобудгарчиликлар қиздириш печларининг турларига боғлиқ бўлади: алнга печларда куйинди ҳисобига кўп металл нобуд бўлади, электр печларида эса камроқ нобуд бўлади. Металлни биринчи қиздиришда заготовка массасининг 2—3 фоизи ва металлни кейинги қиздиришда 1,5—2 фоизи куйиндига кетади. Ҳарорат ва заготовкани қиздириш вақти ҳам куйинди миқдорига таъсир этади.

Заготовка шакл ва ўлчамларини тайёр маҳсулотларга мумкин қадар яқынлаштириш, шунингдек металларга ишлов беришда камчиқит ва чиқитсиз технологик жараёнларни қўллаш асосида ишлаб чиқариш чиқитлари камайишига эришилади. Ёпиқ штамплардан фойдаланаётганда заготовка ҳажми синчиклаб ҳисоблаб чиқилади, тешиги бўлган поковка ва штамповкалар (шестеря, гидрик ва ҳоказолар) тайёрлананаётганда эса ишлов бериш чогида металл сарфини камайтириш учун паррон ўтмаган конуссимон тешиклар ҳолида нишон қолдирилади.

Маҳсулот чиқитини камайтириш учун металларни қизитиш ва уларга ишлов бериш жараёнлари такомиллаштирилади, заготовкалар сифатини техникавий назорат этиш учун дастлабки ва олдини олувчи услублар қўлланилади. Амалда ишлов бериш айрим технологик босқичлари бўйича металл нобудгарчилигини аниқлаш учун металдан фойдаланиш умумий коэффициентидан фойдаланилади. Бу коэффициент

$$K = \frac{B_{заг}}{B_{мат}} \cdot \frac{B_{пок}}{B_{заг}} \cdot \frac{B_{дет}}{B_{пок}}$$

формуласи билан аниқланади. Бунда:  $B_{заг}$ ,  $B_{мат}$ ,  $B_{пок}$  ва  $B_{дет}$  — заготовка, материал, поковка ва деталь, массаларидир.

Ишлаб чиқаришнинг амалдаги кўрсаткичларини пландаги рақамларга қиёслаб корхонанинг ҳар бир цехида қанча металл нобуд бўлаётганини аниқлаш ва бу нобудгарчиликларни янада камайтириш йўлларини белгилаб олиш мумкин. Темирчилик-штамплаш ишлаб чиқаришининг маҳсулоти одатда маҳсус буюртмалар асосида тайёрланади. Бу буюртмаларда маҳсулот сифатининг асосий кўрсаткичлари: материалнинг кимёвий таркиби, шакли ва ўлчамлари, тайёрлаш аниқлиги ва механик хосса кўрсаткичлари ёзиб қўйилади.

Сифат кўрсаткичлари жиҳатидан пўлат поковка ва штамповкалар материалнинг тури, буюмнинг вазифаси ҳамда уни ишлатиш шароитларига қараб беш гуруҳга тасниф қилинади. Гуруҳнинг номери қанча юқори бўлса, поковка сифатига қўйиладиган талаб ҳам шунча юқори ва уларнинг механик тавсифларини аниқлаш учун ўтказиладиган синов турлари шунча кўп бўлади. Биринчи гуруҳ поковка ва штамповкаларнинг механик кўрсаткичлари чеклаб қўйилмайди, қолган буюм гуруҳлари ҳар бир тўпдан

еки ҳар бир айрим буюмдан танлаб олинган намуна бўйича қаттиқлиги ва пишиқлиги учун синалади.

Поковка ва штамповка ўлчамлари механик ишловларга мўлжалланган мақбул фарқлар ва арайишлар билан тавсифланади, тегишли стандартлар билан белгиланади. Белгиланган мақбул фарқ ва айришларга риоя этиш — яроқли маҳсулот олишининг зарур шарти ҳисобланади. Мақбул фарқ энг катта ва энг кичик ўлчамлар ўртасидаги тафовутни, арайиш эса поковка ўлчамигининг номинал ўлчовга нисбатан қанча ошганлигини кўрсатади ва тегишли ишлов беришдан сўнг деталларнинг белгиланган ўлчамлари ҳосил бўлади.

Ашё материалининг ички тузилиши ва босим остида ишлов бериш сифати макро ва микро структура жиҳатдан текширишлари билан аниқланади. Махсус хоссалар назорат этилаётганида маҳсулотларнинг эксплуатацион кўрсаткичларига баҳо берилади.

#### 4. 4. Саноат аҳамиятидаги металл ашёлар

Метиз деб аталувчи маҳсулотлар гуруҳига ҳалқ ҳужалигининг ҳар хил тармоқларида кенг кўламда ишлатилувчи кўплаб ишлаб чиқариладиган металл буюмлар киради. Сим ва сим буюмлар: металл тўрлар, пўлат арқонлар, лента, пайванд электродлари, кукун сим, металл корд, шунингдек болт, винт, шпилька, парчин мих, шруп, оддий мих, дюбел (чорқирра таг қозиқ), тесмир йўл қозиқлари каби маҳкамловчи буюмлар саноат аҳамиятидаги буюмлар бўлади.

Метизларни тайёрлаш учун катанка, майдада сорт прокат, катанка тасмалар, калибрланган металл ва сим ишлатилади. Бинобарин, симдан тайёрланган сим буюмлар ва қолган ҳаммаси метизлар дейилади.

##### 4. 4. 1. Сим металл тур ва ёйлар орқаси


Катанка кўп марта чузиш сорида сим ложишилини. Пойт сим ишлаб чиқариладиган таҳсисати жарасине каталкага термик ишлов берилади. Металл қозиқи чузишга тайёрлаши, кирёлаш ва тегишли қопламалар юргутиришдан иборат бўлади. Кундалант кесими думалоқ шаклидаги сим энг кўп тарқалган. Саноатда ярим думалоқ, квадрат, шакли қирқимли ва бошқа хил симлар ишлатилади.

Темир-бетон бинокорлик конструкциялари орасига қўйиш — арматура қилиш учун ўзгарувчан кесимли сим ишлатилади. ГОСТга мувофиқ симнинг йўл қўйиш мумкин бўлган энг катта диаметри 16 мм, буюмнинг ўлчами шундан катта бўлса, у сортавий прокатга киради; симнинг энг кичик диаметри 0,005 мм. Диаметри 8,0 мм дан йўғон бўлган пўлат сим алоҳида йўғон сим хисобланади, 6,0—8,0 мм бўлса йўғон сим, 1,6—6,0 мм бўлса ўртача йўғонликдаги сим, 0,4—1,6 мм бўлса ингичка сим, 0,1—0,4 мм бўлса жуда ингичка сим ва 0,1 мм дан камроқ бўлса гоят ингичка сим бўлади.

Симнинг йўғонлиги ва унинг материали қўлланишга кўра олинади. Умумий фойдаланиладиган сим оддий сифат паст углеродли пўлатдан, пишиқ (ремиз) сим сифатли ўртача углеродли пўлатдан, маҳсус вазифаларга тайинланган (нинасимон ва ҳоказо) сим эса асбобсолик углеродли пўлати У7—У10 дан тайёрланади. Рангли металл ва унинг қотишмалари: мис, алюминий, бронза, жез, никель, қўроғшин ва бошқалардан тайёрланган сим кўп ишлатилади.

Металл тўрлар турли маҳсулотларни злашда, газ ва суюқликларни фильтрлаш, нам материалларни қуритишда, бетон арматураси сифатида, турли говларни тайёрлашда ишлатилади. Тўрлар конструктив ва технологик аломатларига кўра тайёрлаш усули, ўлчами ва кўзларининг шакли бўйича, материалнинг тури ва юзига ишлов бериш, злаш хусусияти ва бошқа кўрсаткичлари бўйича тасниф этилади.

Тайёрлаш усулига кўра металл тўрлар симли (22-расм): тўқилган *a*, ўрилган *b*, пайвандланган *c*, эшилган *d*, тирқиш (колосник)ли *d* ва штампланган *e* ҳолида бўлиб листавий пўлатдан тайёрланади. Тўқилган тўрлар бир-бирига нисбатан тик жойлашган узалик ўрнини ўзине ташланган (аркод) симларни тўқистаётганда турли тўрларни ўзине спиральни ташланганда бир-бирини ҳозир қилинади. Пайвандланган тўрлар бир-бирига нисбатан тик жойлашган симларни ташланганда контакт нахияларни еркак тайёрланади. Пайвандланган тўрларнинг кўзлари квадрат тўрлар шаклида ва бошқа хил шаклда бўлиши мумкин. Эшилган (товланган) тўрлар ёнма-ён жойлашган икки симнинг бирини эшиб ҳосил қилинади. Эшилган тўрларнинг кўзи тугри олти бурчак шаклида бўлади. Тирқиш тўрлар айрим колосник профилларни йигиш ва колосникларга



22-расм. Металл түрларнинг асосий турлари.

тик жойлашган бирлаштирувчи умумий рамага маҳкамлаш орқали тайёрланади. Түр кўзларининг ўлчамлари колосниклар ўртасидаги масофа билан аниқланади. Колосниклар думалоқ, учбурчак, тўғри бурчак шаклда ва бошқа хил шаклда бўлиши мумкин. Штампланган түрлар листавий пўлатда пуансон воситасида тешиклар ўйиб тайёрланади. Штампланган тешиклар думалоқ, квадрат, овал ва тўғри бурчак шаклда бўлиши мумкин.

Тўқилган түр кўзининг ўлчамлари 0,4 дан 20,0 мм гача, ўрилган тўрларнинг кўзлари 3 мм дан 100 мм гача, пайвадланган тўрларнинг кўзлари 12,5 мм дан 200 мм гача, эшилган тўрларнинг кўзлари 10 мм дан 100 мм гача, тирқишли тўрларнинг кўзлари 0,1 мм дан 20,0 мм гача ва штампланган тўрларнинг кўзлари 2 мм дан 60,0 мм гача бориши мумкин.

Турли хил углеродли ва легирланган пўлатлар (шу жумладан коррозиябардош, иссиқбардош, зангламайдиган, иссиқда турғун ва ҳоказо), шунингдек рангли металлар ва уларнинг қотишмалари түр ясаш учун материал бўлиб хизмат қиласди.

Ишлов бериш характеристига күра түр юзи қалайлаб, рухлаб, бўяб, лаклаб тайёрганади ва ҳ.к.


Тўрли сиртларнинг элаш қобилияти муҳим истеъмол тавсифи ҳисобланади. У нафли кесим саҳни катталиги билан аниқланади. Нафли кесим саҳни тешик майдонининг түр юзи умумий майдонига нисбатан топилади. Нафли саҳни катталиги түр юзининг умумий элаш қобилиятини, злайдиган тешик ўлчамлари эса турли катталикдаги материалларни элаш имкониятини кўрсатади. Тўқилган, ўрилган ва товланган түр сиртлар энг катта элаш қобилиятига эга бўлади. Улар учун нафли кесим саҳни  $0,55-0,65$  миқёсида бўлади. Механик пишиқликнинг пастлиги түр сиртларининг камчилигидир. Пайвандланган ва тирқишли түр сиртлар етарлича нафли кесим саҳнига ( $0,45-0,55$ ) элаш қобилиятига ва механик пишиқликка эга бўлади. Штампланган түр сиртларнинг элаш қобилияти энг оз бўлади, уларда нафли кесим саҳни  $0,35-0,45$  бўлади.

Металл тўрлар кўзининг ўлчами миллиметр билан номерланади. Масалан, № 05 тўри квадрат кўзининг томони узунлиги 0,5 мм га баравар бўлади. Бундай тўрларнинг энг кичик ўлчами 0,04 мм, энг каттаси — 100 мм бўлади.

Пўлат арқонлар — саноат метизларининг кўп тарқалган туридир; кўтаргич-транспорт машина-ускуналарида, катта чуқурликлардан фойдали қазилмаларни тортиб оловчи машиналарда, осма арқон йўлларни жиҳозлашда, шунингдек халқ хўжалигининг турли соҳаларидағи сермеҳнат оғир ишларни механизация-лайдиган машина-ускуналарда кенг кўламда қўлланилади.

Техниканинг ривожланиши ва фан-техника тараққиёти пўлат арқонларнинг истеъмол тавсифларига, аввало уларнинг пишиқлиги ва кўпга чидашига оширилган талаблар қўйилиши билан чамбарчас боғланган.

Сим ўрими (толими) ва ўзак арқоннинг асосий қисмлари бўлади. Ўрим ҳар хил тур, профил ва пишиқликдаги пўлат симдан тайёрганади. Ўзаклар арқон толимлари учун таянч бўлиб хизмат қиласди. Улар пўлатдан, пўлат ва пластмассадан ва фақат пластмассанинг ўзидан ишланган бўлиши мумкин. Коррозиядан сақлаш учун арқон ичидаги ҳамма бўшлиқлар техник вазелин билан, ёхуд маҳсус қийин эрувчи арқон мойлари билан тўлдирилади.



23-расм. Түрлі хил арқонларнинг күндаланғ кесими:  
а — юмалоқ қилиб эшилган; б — фасонлы өшилган; в — ялпоқ; г — ёпиқ.

Хилма-хил арқонлар толим сони толимдаги симларнинг миқдори ва уларнинг гурухи билан, симларнинг тегиб туриш усули, ұзак типи ва ҳоказолар билан бир-биридан фарқ қиласы. Думалоқ үримлисі пұлат арқонларнинг күп тарқалған турларидандыр, шаклли үримли, ялпоқ ва ёпиқ арқонлар камроқ тарқалған (23-расм).

Думалоқ үримли арқонлар диаметри 0,65—90 мм, узиш кучи 440Н дан 6 мН гача борадиган 1000 тип размердан ошадиган қилиб тайёрланады. Бу арқонлар күндаланғ қисишига күпроқ қаршилик күрсатады ва юк кесим бүйлаб бир маромда тақсимланады. Шаклли үримли арқонларнинг шкывга тегиб турадиган юзи катта бұлады, ғоятда пишиқ қилиб ишланады ва кончиллик, металлургия саноатида ишлатилади. Ялпоқ арқонлар ички толимларни қамрайдиган қилиб күкланған бұлады, узоққа чидайды ва жуда чүқурлуктарда бажариладиган ишларда фойдаланылади. Ёпиқ арқонлар ташқы сим қатламларынша таянч яратиш учун зетсимон құшимча сим қатламиға эга бұлады ва осма арқон йүлларыда ҳамда шахта лифтларида ишлатилади.

#### 4. 4. 2. Пұлат лента ва пайванд электродлар

Пұлат лента эни 3—500 мм ва қалинлиги 0,05—3,6 мм ли камбар тасмадан иборатдир. У камбар тасмани прокат қилиш, думалоқ симни ялпайтириш, ҳосил бұлған тасмани узала йұналишда бир қанча камбар тасмаларга кесиш билан тайёрланади ва халқ хұжалиги турлы тармоқларида, күпинча машинасозликда ишлатылади. Лента углеродли конструкцион, асбобсозлик пұлатдан, легирланған пұлатдан тайёрланади. Лентанинг эни нормал ва аниқлиги оширилған ҳолда, қалинлиги эса нормал, аниқлиги оширилған ва гоят юксак аниқликда тайёрлаб чиқарылади. Юзига ишлов бериш характеристига күра лента оппоқ, қора ва жилоланған ҳолда, қоплам тури бүйіча эса — қопламсиз, металл қопламли ва нометалл қопламли турларға бұлинади. Бундан ташқары ұар бир лента турининг унга кеттеган материалнинг ұлчамыға боғлиқ күпдан-күп тип-ұлчамлари бұлади (4-жадвал).

#### 4. Ишлаб чиқарылувчи пұлат лентанинг асосий турлари ва ұлчамлари (мм)

Лентанинг номи ва вазифаси	Қалинлиги	Эни
Паст углеродли пұлатдан союқ ҳолида прокат қилинған	0,05—3,6	4,0—325
Пұлат лентани тойлаш	0,20—1,8	15,0—50
Кабелларни зирхлашта	0,10—1,0	10,0—60
Углеродли конструкцион пұлатдан союқ ҳолда прокат қилинған	0,10—3,0	4,0—300
Пұлат пружинага	0,05—1,2	3,0—100
Союқ ҳолда прокат қилинған рулон лента	0,05—0,5	5,0—500
Пұлат әйма лента	0,10—5,0	0,5—12

Турлы хил металлар ва қотишималарни пайвандлаш ва әртииб бириктиришда пайвандлар электродида ишлатылади. Улар асосий құшимча материал бұлиб қопламали ҳамда қопламасиз қилиб (пайвандланадиган сим) ишлаб чиқарылади. Қопламали электродлар қатлами суртирган металл стержендан иборат бұлиб, бу қатлам пайвандчокни атмосфера билан ифлосланишдан сақловчи шлак ишота қатлами сиғатида хизмат қиласы. Қоплама кислотали, асосли, рутилли, цељлюлозали бұлади.

Кислота қопламали электродлар таркибида темир оксидлари, ферромарганец, гилтупроқ ва титан оксидлари бўлади. Аммо раскислитель вазифасини ўтовчи ферромарганец (қоплам масасининг 30 фоизига яқини) энг катта салмоққа эга. Бундай электродлар паст углеродли пўлатларни ўзгармас ва ўзгарувчан ток билан пайвандлашда ишлатилади.

Асосли қопламга эга бўлган электродларда шлак иҳотаси карбонатлар ва дала шпатидан иборат бўлади, ферромарганец, ферросилиций ва ферротитан раскислитель вазифасини ўтайди. Асосли қоплами бўлган электродлардан легирланган пўлатларни пайвандлашда фойдаланилади. Улар пайвандчокнинг зарбий қовушоқлигини оширади. Рутил қоплами бўлган электродларда 50 фоизга яқин рутил, дала шпати, тальк, магнезит ва суюқ шиша бўлади, уларда ферромарганец раскислитель вазифасини ўтайди. Рутил электродларнинг пайвандлаш-технологик хоссалари юксак бўлиб, углеродли пўлатлардан ишланган масъулиятли буюмларни пайвандлашда ишлатилади. Целлюлоза қопламларининг шлак ҳосил қилувчи негизида рутил, целялюлоза, смола, карбонат, темир қотишмалари ва тальк бўлади. Ферромарганец билан ферросилицийдан раскислитель сифатида фойдаланилади. Қопламали электродларнинг узунилиги 350—400 мм га боради.

Суркалган массасининг қалинлигига кўра юпқа /М/; ўртача (С), қалин (Д) ва алоҳида қалин (Г) қопламали электродлар ишлаб чиқарилади. Қоплам қатламиининг қалинлиги 1—3 мм. Пайвандчок металлиининг механик хоссаларига қараб Э42, Э42А, Э46, Э46А, Э50, Э50А маркали ва бошқа хил электродлар бўлади (бу маркалардаги рақамлар пайвандчокнинг узилишга пишиқлигини МПа ҳисобида кўрсатади, А ҳарфи эса электрод чок материалининг пластиклиги ва зарбий қовушоқлигини оширишни билдиради).

Қопламасиз электродлар газ ва электрошлак воситасида пайвандлашда, флюс қатлами остида автоматик ва ярим автоматик пайвандлашда, иҳота газлари муҳитида пайвандлашда ва бошқа усуслар билан пайвандлашда ишлатилади. Саноат кимёвий таркиби ҳар хил бўлган 77 маркада пайвандланган пўлат симларни ишлаб чиқаради (5-жадвал), шу жумладан олти хил маркада паст углеродли сим (Св-08, Св-08А, Св-08АА, Св-08ГА, Св-10ГА ва Св-10Г 2), ўттиз хил маркада легирланган сим (Св-08ГС, Св-12ГС, Св-08Г2С, Св-10ГН ва бошқалар) ҳамда қирқ бир хил маркада юксак даражада легирланган

сим (Св-12Х11НМФ, Св-12Х13, Св-10Х17 Г ва бошқалар) ишлаб чиқаради.

Пайвандланаётган пұлат билан электрод симнинг кимёвий таркиби бири-бирига яқын бұлмоғи лозим. Пайванд сими (мм ҳисобида) құйидаги диаметрларда тайёрлаб юборилади: 0,3; 0,5; 0,8; 1,0; 1,2; 1,4; 1,6; 2,0; 2,5; 3,0; 4,0; 5,0; 6,0; 8,0; 10,0 ва 12,0.

### 5. Паст углеродли пайванд симнинг кимёвий таркиби

Маркасын	Элементлар мөндөри, % қисобида						
	углерод	кремний	марганец	хром	никель	ол-тин-гүгүрт	фос-фор
Св-08	0,10гача	0,03гача	0,35—0,6	0,15	0,30	0,040	0,04
Св-08А	0,10гача	0,03гача	0,35—0,6	0,12	0,25	0,025	0,03
Св-08АА	0,10гача	0,03гача	0,35—0,6	0,10	0,25	0,020	0,02
Св-08ГА	0,10гача	0,06гача	0,80—1,1	0,10	0,25	0,030	0,03
Св-10ГА	0,12гача	0,06гача	1,10—1,4	0,20	0,30	0,025	0,03
Св-10Г2	0,12гача	0,06гача	1,50—1,9	0,20	0,30	0,030	0,03

Кукун сим автоматик ва ярим автоматик ёйли пайвандлашда ишлатилади ва чексиз узунликдаги металл найча электроддан иборат булиб найчанинг ичидә кукунсімөн шихта бұлади. Шихта минераллар, руда, темир қотишимаси, қар хил металл кукунлар ва бошқа моддалардан иборат бұлади, пайвандланаётган жойни атмосфера билан ифлосланишдан асровчи шлак ва газ иxота қатлами ҳосил қилишда ишлатилади.

Кукунли сим металларни механизациялашган усуллар билан пайвандлашда энг истиқболли электрон материал ҳисобланади. Ишлаб чиқарылаётган кукунли симнинг йүғонлиғи ва йүл құйиладиган тафовутлари б-жадвалда берилған.

### 6. Кукундан ясалған симнинг йүғонлиғи ва йүл құйиш мүмкін бўлған четланишлари

Диаметр	Йүл құйиш мүмкін бўлған четланишлар
1,4; 1,6; 1,8	± 0,05
2,0; 2,2; 2,5	± 0,08
2,8; 3,0; 3,2; 3,5	± 0,10
4,0; 5,0; 6,0; 8,0	± 0,12

#### 4. 4. 3. Маҳкамловчи ашёлар

Маҳкамловчи ашёлар энг күп тарқалган метиз турларидан биридир. Маҳкамловчи ашёлар номенклатурасига болт, винт, шпилька, парчин мих, шуруп, мих каби стержен буюмлар; гайка, шайба, шплит, темир йўл қозиқ-михи, телефон илмоқлари киради. Маҳкамловчи ашёлар ишлатилиш шароитларига кўра ҳар хил углеродли пўлатлар, легирланган иссиқбардош, иссиқда тургун ва коррозиябардош пўлатлар ҳамда рангли металл қотишмаларидан тайёрланиши мумкин. ГОСТга биноан материал маркалари ҳамда углеродли ва легирланган пўлатдан ишланган резъвали маҳкамловчи ашёларнинг механик хоссалари 12 хил пишиқлик гуруҳи учун; иссиқда тургун, иссиқбардош ва коррозиябардош пўлат ва рангли металл ҳамда қотишмалардан ишланганлари эса олти хил пишиқлик гуруҳи учун аниқланади.

Совуқ ва иссиқ ҳолдаги пластик деформациялар йўниш (токарлик станокларида кесиш) маҳкамловчи буюмлар тайёрлашда қўлланиладиган асосий услублар ҳисобланади.

Маҳкамловчи резъвали ашёлар уч турда ишлаб чиқарилади: болт деб аталувчи гайкали винтлар, маҳкамланувчи деталларнинг бирига бураб киргизиладиган винтлар ҳамда гайкали шпилькалардан иборат. Болтлар буюмларда резъба ўйинши тақозо этмайди ва резъвали бирикма етарлича узоқча чидашини таъминламайдиган материаллардан ишланган унча йўғон бўлмаган деталларни маҳкамлашда ишлатилади. Винтлар эса пишиқ материаллардан тайёрланган ва тез-тез қисмларга ажратиш ҳамда йигиш талаб этилмайдиган анча йўғон деталларни бириктиришда ишлатилади, шпилькалар эса ўша шароитларнинг ўзида бириктириладиган, лекин тез-тез қисмларга ажратиш ва йигиш зарур бўладиган ҳолларда ишлатилади.

Болтларнинг гайка ключи (очари) тушадиган каллаги ва олти қиррали гайкаси бўлади. Маҳкамловчи винтлар ишлатилиш шароитларига кўра гайка ключига мослаб олти қиррали ёки квадрат каллакли қилиб тайёрлаб чиқарилади. Уларнинг каллаги бетида торцовий ключ учун учбурчак профилдаги шлица (ариқчалар), гайка ключини солишга мослаб ички олти қиррали каллак, шунингдек оддий отверка тушадиган шлицалар ҳамда ҳочсимон шлицалар бўлади.

Саноат ҳар хил болтлар ва маҳкамловчи винтлај ишлаб чиқаради. ГОСТ уларнинг йўғонлигини виузунлигини белгилаб қўйган. Метрик учбурчак резьбы болтлар ва винтлар учун қабул қилинган энг кўп тарқалган резьба бўлиб, у М ҳарфи билан, мм ҳисобиди резьба диаметрини кўрсатувчи сон билан белгиланади. Масалан, M20 дейилади.

Парчин михлар (заклекалар) думалоқ стержен ҳолиди ишланади ва учларида каллаклари бўлади: закладка деф аталувчи бир каллак олдиндан заготовкага ишлаб қўйилади. Ёпувчи (замикающий) аталадиган иккинчи каллак эса парчинлаш чоғида вужудга келади. Парчин михлар буртиб чиқсан, билинмас, ярим билинмас ва ялпоқ каллакли қилиб тайёрланади ва хиллари 30 тадан ошади. Парчин михларнинг диаметри 1,36 мм, узунлиги эса 2—210 мм бўлади.

Шуруплар ёғоч буюмларни бир-бири билан ёки металл буюмларни ёғоч билан бириктиришда ишлатилади. Саноатда узунлиги 6—120 мм ва йўғонлиги 1,6—10 мм га борадиган салкам 80 хил катталикдаги ҳар хил шуруплар ишлаб чиқарилади. Шуруплар ялпоқ, бўрган, билинмас ва сал билинмас каллакли қилиб чиқарилади. Диаметри 6—30 мм ва узунлиги 36—200 мм га борадиган ва ключ солиш учун олти қиррали каллаги бўлган шуруплар ҳам ишлатилади.

Михлар ёғоч ёки бошқа материалларни ёғочга бириктириш учун хизмат қилади; улар симдан ишланади, болғалаб ишланади ва кесиб ишланади. Симдан ишланган мих энг кўп тарқалган.

Сим мих йўғонлиги 0,7—8,0 мм ва узунлиги 7—250 мм қилиб пўлат симдан 36 хил катта-кичикликда тайёрланади. Қурилиш ишларида ёпиладиган тунука михи ва шифер михи, мебелсозликда безак михлар ҳам ишлатилади. Ёпиладиган тунука михларининг узунлиги 20—40 мм, диаметри 2,3 ва 5 мм қилиб, шифер михлар эса узунлиги 36—90 мм ва диаметри 3—4 мм қилиб ишлаб чиқарилади. Безак михларининг диаметри 0,8—2,0 мм ва узунлиги 8—40 мм бўлади. Болтлар, винтлар, шпилькалар, гайкалар, михлар ва бошқа маҳкамловчи ашё ва деталлар ёғоч яшикларга, қутилар, бочкалар ва қоғоз пакетларга солиб юборилади.

## БОШҚАЧА УСЛУБЛАР БИЛАН ТАЙЁРЛАНДИГАН МЕТАЛЛ БҮЮМЛАР

### 5.1. Куқун материалларидан ишланадиган бүюмлар

#### 5.1.1. Куқун материалларидан ишланадиган бүюмлар ишлаб чиқариш асослари ва уларни самарали құллаш


Фан-техника тараққиеті шароитларида металлургияда ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришнинг асосий йұналиши самарали металл маңсулот турларининг сифатини тубдан яхшилаш ва уларни ишлаб чиқаришни күпайтиришдан иборатдир. Металлургиянинг үзидаги чиқитларни камайтириш ва металларга ишлов беришдеги нобудгарчилукларни камайтириш бунинг мұхым резервидір. Куқунли металлургия услублари билан ҳосил қилинадиган материаллар ға бүюмлар ана шу талабларға анчагина мөс келади.

Куқунли металлургия да заготовка ға бүюмлар (керметлар) металл куқунлар, металлга үхаш материяллар ва нометалл куқунларнинг аралашмаларини пресслаш ға кейин (эрітмаган қолда) қыздыриб бириктириш орқали ҳосил қилинади. Бундай ишлов бериш технологияси куқун материаллардан түрли бүюмлар тайёрлашға имкон беради. Улар юксак механик хоссаларға эга, ишлов бериш аниқлігі катта, шакл-шамойили мураккаб, солишлирма зичлигі кам ға серғовак бұлади. Куқун материаллардан ишланған бүюмлар пұлат, жез, мис, никель ға бошқа хил металлар ға уларнинг қотишмалары үрнида құлланади.

Металл-керамик бүюмлар ишлаб чиқариш қуйидаги асосий босқычлардан иборат бұлади: дастлабки куқунни ҳосил қилиш, куқун шихта (ғов)ни қолиплаш ға қыздыриб бириктириш — қовуштириш, ҳосил қилинған заготовка ға бүюмларға механик ишлов ёки термик ишлов беришден иборат бұлади.

Металл куқунлари кимёвий реакция натижасыда, ёки дастлабки материалларни түйіб ҳосил қилинади.

Металл куқунни қолиплаш пресс-қолипларда босим остида шихтани зичлаштириш, шунингдек босим олингач ҳосил бұлған шаклни сақлад қолищдан иборат. Шихта пұлат пресс-қолипларда гидростатик ға изостатик пресслаш, шихтани прокат қилиш ға бошқа услублар билан зичлаштириләди. Пұлат пресс-қолипларда пресслаш чөгроқ ашёларни гидравлик ёки механик прессларда 100—1000 МПа босим остида зичлашда ишлатилади. Гидравлик




24-расм. Изостатик қолиплаш схемаси:

1 — пулансон; 2 — кукун шихта; 3 — эластик қолип; 4 — пұлат пресс-қолип; 5 — пресс түшаги.

пресслашда эластик қобиқли пресс-қолипларда кукун шихтани зичлаб каттакон заготовкалар ҳосил қилинади. Изостатик пресслаш мөхияти пұлат пресс-қолип ичига олинған эластик қолипда кукунни зичлаштиришдан (24-расм), кукунни прокат қилиш мөхияти уни жұвалар билан қисишидан иборатдир (25-расм). Кукунни прокат қилиш услуги воситасида лента, лист ва тасмалар ҳосил қилинади. Материални зичлаштириш ва пишиқтириш мақсадида қолипланған буюм зарур қароратға қадар қиздириб қовуштирилади.

Ҳосил қилинған заготовка ва буюмларнинг аниқлигини ошириш учун уларға механик ишлов берилади, талаб этилған механик хоссаларни бағш этиш учун эса буюмларга термик ишлов берилади.

Совуқ ҳолида пресслаш-қовуштириш, иссиқ ҳолида пресслаш, шимдириш ва пластификациялаш кукун материаллардан саноат йұли билан ашё ҳосил қилиш асосий усулларидан бири ҳисобланади. Кенг күламда құлланадиган совуқ ҳолда пресслашда кукун материаллар аввал қаттық қотишмадан ишланған пресс-қолипларда прессланади, сұнgra вакуум шароитида, ёки иқота мұхитида қовуштирилади, бунинг натижасида хоссалари, зичлиги ва үлчамлари олдиндан белгилаб құйылған буюмлар ёки кейин ишлов бериш учун зарур тавсифли буюмлар ҳосил қилинади. Иссиқ ҳолда пресслаш жараёнда (босым остида қовуштириш) кукун шихта



25-расм. Прокат қилиб қолиплаш схемаси:  
1 — кукун шихтали бункер; 2 — прокат жүвалары; 3 — роликлар;  
4 — прессланган лента; 5 — қовуштириш пекиң; 6 — қовуштырылған лента.

пресс-қолип билан биргаликда қовушиш ҳароратига қадар қиздирилади, шумдан сұнг зичлаشتырилади ва унча ғовак бұлмаган деталлар олинади, шундан сұнг әрділілгән бөгловчи материал шимдирилади.

**Пластификация** усули билан қаттық қотишмалардан мураккаб шаклдаги металл-керамик буюмлар ҳосил қилинади. Бунда кукун материаллар совуқ ҳолида прессланади, сұнгра унга пластификатор шимдирилади. Механик ишлов беріш ва қовуштириш орқали керак бұлған шакл ва хоссаларға зәға бұлған ашё вужудға келтирилади.

ГОСТГа муроғиқ кукун материаллар кимсөвий таркиби, донадорлығы ва үйиладиган массасининг катталигига қараб регламентта солинади ва темир, мис, кобальт, никель, рух, алюминий кукунларға, легирланған кукунларға ва қаттық қотишмалардан тайёрланған кукунларға булинади.

Вазифасига қараб металл кукунларға түрлича талаблар құйилади. Масалан, "мис кукун" олинадиган электротехника ақамиятидаги буюм сифатини белгиловчы солиши-тирма электр қаршилиги билан регламентта солинади.

Анъанавий буюм ишлаб чиқариш усулларига нисбатан кукунли металлургия услуби механик ишловға батамом ёки қисман барҳам беріш ҳисобиға материал ва мәжнұт-

сафтини анча тежашга имкон беради. Маълумки механик ишловда металлнинг бир қисми қириндига кетади.

7-жадвалда 1 тонна буюмни механик ишлов бериш орқали ва кукунли metallurgия услублари билан ишлаб чиқаришнинг қиёсий техник-иктисодий кўрсаткичлари берилган.

*7.1 тонна ашёни турли усуллар билан ишлаб чиқариш техник-иктисодий кўрсаткичлари*

Кўрсаткичлар номи	Механик ишлов	Кукунли metallurgия
Солиширма капитал маблаглар. минг сўм ҳисобида	3,1	2,0
Материал сигими, т	2,3	1,05
Материалдан фойдаланиш коэффициенти	0,3—0,5	0,95
Материалнинг солиширма зичлиги	1,0	0,8—0,95
Технологик операциялар сони	30—40	4—6
I ишчининг иш унуми, т	2,5	5,0
Ашёнинг хизмат муддати	1,0	1,5—2,0
Таннахи, минг сўм	2,3	0,9
Иктиносидий самарарадорлиги, минг сўм	1,0	2,0—4,2

Кукун материаллардан ишланган 1 тонна ашёни ишлаб чиқаришга жорий этишдан олинадиган иктиносидий самара 1000—1500 сўмдир.

### **5. 1. 2. Металл-керамик асбоббоп материалларнинг таснифи, коссалари ва уларни марказлаш**


Анъанавий материалларга нисбатан яхшироқ техник-иктиносидий кўрсаткичларга эга бўлған металл-керамик материаллар саноатнинг кўпгина тармоқларида кенг кўламда: металларга ишлов бериш ва машинасозликда, электротехника ва электрон саноатида, космик техника ва атом энергетикасида ишлатилмоқда, анти-фрикцион ва фрикцион буюмлар, магнитлар ҳамда контактлар, асбосозлик қаттиқ қотишмалари ва иссиқбардош деталлар, турли машина-ускуналар учун сирпаниш подшипниклари тайёрлашда ишлатилади. Улар темир-графит, бронза-графит, алюминий-мис-графит, темир-мис-графит композицияларидан ва бошқа композициялардан иборат бўлади.

Темир-графит аралашмалар таркибида 98—99 фоиз темир ва 1—2 фоиз графит бўлади, бронза-графит аралашмаларда эса 87—90 фоиз мис, 9—11 фоиз қалай ва 1—3 фоиз графит бўлади. Кукун материаллардан тайёрланган подшипниклардан фойдаланиш олдидан улар бирмунча фурсат мойга ботириб қўйилади, натижада уларнинг говаклари мойга тўйинади ва ашё узоқ вақт мойланмаса ҳам ишлайверади. Фрикцион материалларнинг ишқаланиш козфициенти юқори ва сийилишга чидамли бўлади, таркибида мис, темир, графит, қўргошин, қалай, карбид, асбест тутади ва автомобиль, трактор ва бошқа машиналарда тормоз колодкалари, дисклар ва ленталар тайёрлашда ишлатилади. Магнит материаллар металл типидаги юмшоқ магнит материалларга (темир, мис, кобальт негизидаги қотишмалар) металл-керамика типидаги қаттиқ магнит материалларга (никель, алюминий, кремний ва ҳоказолар билан легирланган темир қотишмалари), металл пластмасса материалларга (пластмасса қўшилган магний, кальций, барий ва бошқалар) ҳамда ферритлар (темир, марганец, рух ва бошқалар асосидаги қовуштирилган қотишмалар)га бўлинади. Керамик материаллар электротехникада сирпанувчи контакtlар ва электр чуткалар тайёрлашда, электрон саноатида индукцион ғалтак ўзаклари ва магнит ўтказгичлар тайёрлашда ишлатилади.

Қаттиқ ва гоят қаттиқ металл-керамик ва минерал-керамик қотишмалар сийилишга гоятда чидамли ва иссиқда турғун бўлганлигидан металларга ишлов беришда кесиш тезлигини тезқирқар асбобсозлик пўлатларига нисбатан 8—10 баравар оширишга имкон беради. Улар вольфрам, титан ва тантал каби қийин эрувчи металлар карбидларининг кукунларидан эриган кобальт бөгловчи муҳитида прессслаб ҳосил қилинади.

Композицион таркибиغا кўра бир карбидли вольфрам-кобальтли ВК қотишма, қўш карбидли вольфрам-титанли ТК қотишма ва уч карбидли титан-тантал-вольфрамли ТТК қотишмалар бўлади.

Саноатда тайёрланаётган ВК2, ВК3, ВК3М, ВК4, ВК6, ВК6М, ВК8 ва ҳоказо ВК25 маркали қотишмаларда К ҳарфидан кейинги рақамлар кобальт неча фоиз эканлигини (қолгани вольфрам карбидлари) кўрсатади, М ҳарфи эса ушбу қотишма майдан донадан олинганлигини билдиради. Таркибида кобальт ошиши билан қаттиқ қотишмаларнинг қаттиқлиги ва сийилишга чидамлилиги



26-расм. BK15 маркали қаттиқ қотишманинг микроструктураси.

пасаяди. Янада серкобалт қотишмалар чүян, тобланган пұлат, рангли металл қотишмалари ва пластмассага чала ишлов беришда, кобальти камроқ қотишмалар эса сұнгти ишлов беришда құлланади. ВК типидаги қотишмаларнинг микро тузилиши 26-расмда берилған.

Йирик донали қотишмалар анча пишиқ, майда донали қотишмалар эса ейилишга анча чидамли бұлади. T3OK4, T15K6, T14K8 ва T5K10 маркали қаттиқ қотишмаларда Т ұарфидан кейинги рақамлар титан карбиди неча фоиз эканлигини, К ұарфидан кейинги рақамлар эса, кобальт неча фоиз эканлигини курсатади (қолғанлари вольфрам карбиди бұлади).

Құш карбидли қотишмалар бир карбидли қотишмаларға нисбатан анча юқори кесиш хоссаларига эга, қаттиқроқ ва ейилишга чидамлироқdir, лекин механик пишиқлиги камроқ бұлади ва қаттиқ пұлатларға ишлов беришда құлланади. T30K4 қотишмаси бирмунча мұрт ва ейилишга чидамли, T5K10 қотишмаси эса анча пишиқ бұлсада, ейилишга унча чидамли әмас.

TT20K9, TT10K8 ва TT7K12 қотишмаларida TT ұарфларидан кейинги рақамлар титан ва тантал карбидларининг жами фоиз миқдорини, K ұарфидан кейин эса кобальтнинг фоиз миқдорини (қолғанни вольфрам карбидининг фоиз миқдорини) курсатади.

Уч карбидли қотишмалар құш карбидли қотишмаларға нисбатан ейилишга күпроқ чидамли бұлади ва ишлов беришга күпроқ арайиш қолдирилған пұлатларни кесиш шароитларида ҳамда ашёларга сұнгти ишлов беришда ишлатилади.

Кристалл гилтупроқ доналарини бөгловчи мұхитда иссиқ қолда пресслаб ҳосил қилинадиган термокорунд ва микролит минерал-керамик қаттық қотишмаларнинг кенг тарқалған турлари ҳисобланади.

Мамлакатимизда куқун металлургиясига доир буюмларни ишлаб чиқариш технологиясини янада такомида шығарып, сифатини яхшилаш борасыда катта ишлар қилинмоқда.

## 5.2. Құймачиilik маҳсулотларини ишлаб чиқариш

### 5. 2. I. Құймачиilik маҳсулотларини ишлаб чиқариш асослари

Құймачиilik ишлаб чиқариши бирмунча оз харж қылған қолда мотор блоклари ва цилиндр каллаклари, редуктор ва узатмалар қутиси, машина-ускуна ва станок станиналари, газ турбиналарининг иш гилдираклари ва парраклари каби мураккаб шакл-шамойилли мұхим буюмларни, шунингдек масалан, иситиш батареялари каби бошқача усул билан ҳосил қилиш қийин ёки мүмкін бўлмаган кам аҳамиятли буюмларни ҳосил қилувчи жараёнларнинг мажмуидир.

Құймачиilik маҳсулотлари маҳсус қуюв қолипларига эриб турган металл тұлғазиб вужудга келтирілади. Металл шу қолипларда қотади ва құймага айланади. Қуюв қолипининг ичидә ҳоволлик бўлиб, унинг шакли тайёрланадиган буюмга мувофиқ келади. Металлургия ва машинасозликда қўйма деталларнинг салмоги машина ва механизмлар массасининг 60 фоизидан күпрогини ташкил қилади, қолбуки, уларни тайёрлашга кетадиган умумий харажатлар машиналар қўйматининг 20—25 фоизидан ортмайди. Қўймалар массаси бир неча граммдан юзлаб тоннагача гоят кенг миқсада бўлади.

Ҳозирги вақтда қўймачиilik ихтиёрида бўлган механизациялашган автоматик ва ярим автоматик қурилмалар ва поток линиялар гоядда аниқ ва юзи силлиқ, механик ишлов бериш ҳажми оз қўймалар ҳосил қилишга имкон беради.

Қўймаларнинг 70 фоизига яқини бир мартағина ишлатиладиган қум-лой қолипларда тайёрланади. Лекин кейинги вақтларда масалан, графит асосидаги ярим доимий қуюв қолиплари ҳамда доимий металл қолиплар,

илор махсус қуюв услублари тобора кўпроқ ёйилиб бормоқда. Сифатли қўйма ҳосил қилиш учун дастлабки металл ва қотишмалар бир қанча қуюв хусусиятларига эга бўлмоги лозим. Суюқ ҳолда ҳаракатчанлик, қочиш, ликвация (кимёвий таркибнинг бир жинсли бўлмаслиги), газ ютиш ва газ чиқариш хоссалари шуларнинг асосийлари ҳисобланади. Эриган ҳолатдаги металлнинг қолипни лиқ тўлдириб қўйма қиёфасини вужудга келтира олиш қобилиятига суюқ ҳолдаги ҳаракатчанлик дейилади. Металлнинг шу хоссаси нақадар яхши бўлса, оз нуқсон билан шунчалик юқори сифатли қўйма олиш мумкин бўлади. Иссиқ ҳолда ҳаракатчанлик металл ва қотишмаларнинг кимёвий таркибиға боғлиқ бўлади. Қора металл таркибида углерод, кремний, марганец ва фосфор кўпайиши билан уларнинг суюқ ҳолда ҳаракатчанлиги ортади, хром ва олтингугурт кўпайса ҳаракатчанлик камаяди. Кичрайиш — металл ва қотишмалар совиётганида ҳажмининг камайиш хусусиятини кўрсатади. Кичрайиш жараённада қўймаларда пуфакча ва ёриқлар пайдо бўлиши мумкин, шулар қўйма кесимини заифлаштиради. Қўйманинг турли қисмларида материал кимёвий таркибининг бир жинсли бўлмай қолиши ликвация дейилади. Бу нарса қўйма қотастганида вужудга келади ва қўйманинг турли қисмларида механик хоссалар бир жинсли бўлмаслигига сабаб бўлади. Ликвация совиш тезлиги ва қўйиш усулига боғлиқ бўлади ва углерод, фосфор, олтингугурт миқдори кўпайиши билан ортади. Ҳосил қилинадиган қўйма сифати эриган ҳолатдаги металл ва қотишмаларнинг газ ютиш қобилиятига, совиётганида эса газ чиқариш хоссасига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Газ сингдирувчанлик қобилияти яхши қолипланадиган ва стержень аралашмаларини қўллаш натижасида қўймаларда газ пуфакчалари ҳосил бўлишини камайтиради.

Республика машинасозлигига жами қўйманинг 70 фоизидан кўпи қулранг чўяндан тайёрланади. Бунга сабаб шуки, қулранг чўян арzon туришидан ташқари унинг қуюв хоссалари юқори бўлиб, тоят мураккаб шакл-шамойилда ва ҳар хил ўлчамда қўймалар тайёрлашга имкон беради.

Қўймачилик маҳсулотларини олиш жараённи қўйидаги асосий технологик босқичлардан: моделлар ва стержень яшикларини тайёрлаш, эритилган металлни тайёрлаш, металлни қолипларга қўйиш, қўймани қолипдан чиқариб олиш, қўймани тарашлаш, тозалаш ва сифатини назорат этишдан иборат.

нис бер шар ишил исси мик тарқ ишил ва с

К үилгә реду стани парр буюм бошк бўлм жара

К эриб Метал Қуюв тайер маши мекан қилад хараж ортма тонна

Хоз циялав поток бериш

Қу ишил кейин донми

Қуймалар тайёрлашда қуюв анжомлари деб аталган кўпдан-кўп мосламалар ишлатилади. Бу мосламалар икки асосий гуруҳга бўлинади: қолипда эриган металл тўлдирадиган бўшлиқ ҳосил қилиш учун зарур қўйма модели, литник (чўғ) система элементлари, стерженъ яшиклари ва бошқалардан иборат модель комплекти; бир марта ишлатиладиган қолип ҳосил қилишга аталган опока (таганак) тўлдирувчи рамкалар, скобалар ва турли қолип асбобларидан иборат қолип комплекти. Қуймада тешиклар бўлиши керак бўлса стерженъ яшикларида тайёрланувчи стерженълар қолипга қўйилади. Модель ва стерженъ ўлчамлари қўймага нисбатан металлнинг кичрайиш ҳақини қўшиб катталаштирилади. Масалан, кулранг чўян учун кичрайиш миқдори 1,0—1,5 фоиз, пулат учун 1,5—2,2 фоиз, мис ва алюминий қотишмалари учун 0,7—1,5 фоиз бўлади. Моделлар бутун ва қисмларга ажратиладиган бўлиши мумкин; бўлак-бўлак бўладиган моделлар 2—4 қисмдан иборат бўлади ва шаклли қўймалар ҳосил қилишда ишлатилади.

Якка-якка ва кам серия билан ишлаб чиқарни шароитларида (жўка, қарагай, қайнин, тилогоч, заранг, эман каби) ёғоч моделлар ва стерженъ яшиклари, кўп сериялаб ва кўплаб ишлаб чиқаришда эса, пластмасса ҳамда металл модель ва яшиклар ишлатилади. Пластмасса моделлар ва стерженъ яшиклар эпоксид смола, гипс ва цементдан, металл модел ва яшиклар эса чўян ва рангли металл қотишмаларидан тайёрланади.

Литник (чўғ) тартиби эриган металлни қолипга оқизувчи маҳсус каналлар мажмуудан иборат бўлиб, одатда у қуюв қолипининг материалидан тайёрланади.

Қаттиқ металл рамка (тубсиз ва қопқоқсиз яшиклар) опока—таганак деб аталади. У қолипни йиғиш, уни ташиш ва металл қўйишда қолипни бузилиб кетишдан сақлайди. Қолиплашда кўпинча икки таганак: қўйи ва юқори таганак ишлатилади. Қолип зарур аниқликда йигилмоғи учун таганаклар марказланади.

Таганакларни тўлдириш ва аралашмаларни зичлаштириш учун белкурак, элак, шибба каби қуроллар, моделларни қолипдан чиқариб олиш учун эса кутаргичлар, болгалар, илмоқлар, чуткалар, лавгир (гладилка) ва бошқа асбоблар ишлатилади. Юқори сифатли қўймалар олиш учун қолип ва стерженъ аралашмалари ўтга чидамли, пластик ва пишиқ, кўпга чидайдиган ва куйинди ҳосил қилмайдиган бўлиши керак.

Бир марта ишлатиладиган қолипларни тайёрлашда кварц қуми, ўтга чидамли лой ва бошқа бир қанча боғловчи ва ёрдамчи қолип материалларидан иборат қум-лой қолип аралашмаси ишлатилади. Қум—гоятда ўтга чидамли, қаттиқ, пишиқ ва термокимёвий тургун асосий қолип материалидир. Гил—туйилган тօғ жинсидан иборат бўлиб, боғловчи материал сифатида ишлатилади ва аралашмаларни пластик ва пишиқ қиласи. Гилнинг ўтга чидамлилиги таркибидаги гилтуроқча боғлиқ бўлади. Боғловчи материаллар органик ва ноорганик бўлади. Нефтни қайта ишлаш, ёғоч каби арzon маҳсулотлардан, битум, канифоль, петролатум, зигир мой, олифа каби синтетик смолалардан органик боғловчи материал сифатида, суюқ шишининг сувдаги зритмасидан ноорганик материаллар сифатида фойдаланилади. Ёрдамчи қолиплаш материаллари қолип ва стерженъ аралашмаларининг куйинди ҳосил қилмаслигини, газ сингдирувчанлиги, ўтга чидамлилигини ва гигроскопиклигини яхшилайди. Упа варц, графит, тошкўмир тупроғи, ёғоч қипиқ, торф, орамой шу маҳсадда энг кўп ишлатилади. Стерженъ залашмаси таркибида 95—96 фоиз кварц қуми ва боғловчи модда бўлади. Суюқ шиша, зигир мойи ва чигит мойидан, тоқа ва бошқа материаллардан маҳкамловчи модда ёратида фойдаланилади.

Замонавий қуюв цехлари механизациялашган қурилаларда қолип ва стерженъ аралашмаси тайёрланадиган маҳсус бўлимлар бор. Бу ерда аралашмалар туйилади, уртилилади, зланади ва бир жинсли масса қилиб ориштирилади.

Бўлакланадиган модель таганакларида чўян втулкани қолиплаш жараёнини кўриб чиқамиз (2-расм). Қуюв қолипини ҳосил қилиш учун модель (2)нинг бир палласи таганак (1) билан биргаликда тагмодель плита (4)га қўйилади, сунгра таганакка қолип аралашмаси солинади ва у зичлаштирилади. Қолип аралашмасининг ортиқчаси зичлаштирилган палла бетидан тозалаб олинади, таганак I 180° бурилади, модель (1)нинг иккинчи палласи қўйилади ва литник системаси (3) ва дудбурон (5) моделлари билан биргаликда таганак II да қолипланади. Сунгра қолип бузиб олинади, модель чиқарилади, стерженъ қўйилади ва қолип янга йигилади. Суюқ металл литник системасининг ариқларидан қолипга қўйилади.

Қолиплаш қўлда ва машинада бажарилади. Қолиплаш машиналари ишчиларнинг меҳнатини ва иш шароитла-

Қуймалар тайёрлашда қуюв анжомлари деб аталған күпдан-күп мосламалар ишлатилади. Бу мосламалар иккى асосий гуруҳга булинади: қолипда эриган металл тұлдирадиган бұшлиқ ҳосил қилиш учун зарур қуйма модели, литник (чүг) система элементлари, стерженъ яшиклари ва бошқалардан иборат модель комплекти; бир марта ишлатиладиган қолип ҳосил қилишга аталған опока (таганак) тұлдирувчи рамкалар, скобалар ва түрли қолип асбобларидан иборат қолип комплекти. Қуймада тешиклар булиши керак бұлса стерженъ яшикларида тайёрланувчи стерженлар қолипга қойилади. Модель ва стерженъ үлчамлари қуймага нисбатан металлнинг кичрайиш ҳақини құшиб катталаشتырилади. Масалан, кулранг чүян учун кичрайиш миқдори 1,0—1,5 фоиз, пұлат учун 1,5—2,2 фоиз, мис ва алюминий қотишмалари учун 0,7—1,5 фоиз булади. Моделлар бутун ва қисмларга ажратыладиган булиши мүмкін; бұлак-булак буладиган моделлар 2—4 қисмдан иборат булади вә шаклли қуймалар ҳосил қилишда ишлатилади.

Якка-якка ва кам серия билан ишлаб чиқарииш шароитларида (жұка, қарағай, қайин, тилогоч, заранг, эман каби) еғоч моделлар ва стерженъ яшиклари, күп сериялаб ва күплаб ишлаб чиқаришда эса, пластмасса ҳамда металл модель ва яшиклар ишлатилади. Пластмасса моделлар ва стерженъ яшиклар эпоксид смола, гипс ва цементдан, металл модел ва яшиклар эса чүян ва рангли, металл қотишмаларидан тайёрланади.

Литник (чүг) тартиби эриган металлни қолипга оқызувлари махсус каналлар мажмуудан иборат булиб, одатда у қуюв қолипининг материалдан тайёрланади.

Қаттық металл рамка (тубсиз ва қопқоқсиз яшиклар) опока—таганак деб аталади. У қолипни йиғиши, уни ташиш ва металл қуйишда қолипни бузилиб кетишинде сақтайди. Қолиплашда күпинча икки таганак: қуи ва юқори таганак ишлатилади. Қолип зарур аниқликда йигилмоги учун таганаклар марказланади.


Таганакларни тұлдириси шаарда аралашмаларни зичлаشتариш учун белкурак, әлак, шиба каби қуроллар, моделларни қолипдан чиқариб олиш учун эса күтаргичлар, болғалар, илмоқлар, чұтқалар, лавгир (гладилка) ва бошқа асбоблар ишлатилади. Юқори сифатлы қуймалар олиш учун қолип ва стерженъ аралашмалари үтга чидамли, пластик ва пишиқ, күпгә чидайдиган ва күйинди ҳосил қымайтындын булиши керак.

Бир марта ишлатиладиган қолипларни тайёрлашда кварц қуми, ўтга чидамли лой ва бошқа бир қанча боғловчи ва ёрдамчи қолип материалларидан иборат қум-лой қолип аралашмаси ишлатилади. Қум — гоятда ўтга чидамли, қаттиқ, пишиқ ва термокимёвий тургун асосий қолип материалидир. Гил — туйилган тоғ жинсидан иборат булиб, боғловчи материал сифатида ишлатилади ва аралашмаларни пластик ва пишиқ қиласи. Гилнинг ўтга чидамлилиги таркибидағи гилтупроққа боғлик булади. Богловчи материаллар органик ва ноорганик булади. Нефтни қайта ишлеш, ёғоч каби арzon маҳсулотлардан, битум, канифоль, петролатум, зигир мой, олифа каби синтетик смолалардан органик боғловчи материал сифагида, суюқ шишанинг сувдаги эритмасидан ноорганик материаллар сифатида фойдаланилади. Ёрдамчи қолиплаш материаллари қолип ва стержень аралашмаларининг күйинди ҳосил қилмаслигини, газ сингдирувчанлиги, ўтга чидамлилигини ва гигроскопиклигини яхшилайди. Упа варц, графит, тошкүмир тупроғи, ёғоч қипиқ, торф, драмой шу мақсадда энг күп ишлатилади. Стержень алашмаси таркибиде 95—96 фоиз кварц қуми ва боғловчи модда булади. Суюқ шиша, зигир мойи ва чигит мойидан, тоқа ва бошқа материаллардан маҳкамловчи модда фатида фойдаланилади.

Замонавий қуюв цехлари механизациялашган қурилаларда қолип ва стержень аралашмаси тайёрланадиган маҳсус бўлимлар бор. Бу ерда аралашмалар туйилади, уритилади, зланади ва бир жинсли масса қилиб ориширилади.

Булакланадиган модель таганакларида чўян втулкани қолиплаш жараёнини кўриб чиқамиз (27-расм). Қуюв қолипини ҳосил қилиш учун модель (2)нинг бир палласи таганак (1) билан биргаликда тагмодель плита (4)га қўйилади, сўнгра таганакка қолип аралашмаси солинади ва у зичлаштирилади. Қолип аралашмасининг ортиқчаси зичлаштирилган палла бетидан тозалаб олинади, таганак I 180° бурилади, модель (1)нинг иккинчи палласи қўйилади ва литник системаси (3) ва дудбурон (5) модельлари билан биргаликда таганак II да қолипланади. Сунгра қолип бузиб олинади, модель чиқарилади, стержень қўйилади ва қолип яна йигилади. Суюқ металл литник системасининг ариқларидан қолипга қўйилади.

Қолиплаш қўлда ва машинада бажарилади. Қолиплаш машиналари ишчиларнинг меҳнатини ва иш шароитла-



КСМ. Ажраладиган модель бүйінча тағанақда втулқады қолиғлаш:  
құйма; б — ажраладиган модель; в — стержень; г — құйи тағанақда  
лаш; д — тепе тағанақда қолиғлаш; е — құйиши қолиғти.

и сингилластиради, меңнат унумдорлигини оширади, ма аниқлигини оширишга ва чиқитни камайтиришга им беради.

Нимкор құйма чүян ва айлантирилган чүян, чүян ва ат синиқлари, қиринді, ишлаб чиқариш чиқиндилари, ир қотишмалари, ёқылғи ва флюслар — шихта (ғов) қ чүян олиш учун дастлабки материал бұлади. Чүян гишиш учун махсус вагранка печлар, аланга печлар ва стр печлар ишлатилади; пұлат әритиши учун электр лар ва мартен печлар, кичик конвертерлар ишлатын; рангли металлар ва уларнинг қотишмаларини гишиш учун электр печ ва аланга печлар, тигел (үтга замли гильвата қозон) ва бошқа ускуналар ишлатилади. Печдеги суюқ металл чүмичларга оқизилади. Ничдеги металл олиб боришиб қолипларга қуйилади. Ғов қолиплари узлуксиз оқим билан түлдирилмоги им. Қолип ва литник системаси лиммо-лим тұлғанидан ингина металл қуйиши тұхтатилади. Металл қотганидан т құйма қолипдан чиқариб олинади, құймадан эса жень чиқарилади. Шундан сунг құймалар литник, бурон ва гадирликлардан холи қилинади, юзи эса

куйиб кетган қум ва куйинидан тозаланади. Зарурат түгілса қуюв чөгідаги зүриқишларни йүқотиш, қат-тиқиқни юмшатыш ва ишлов берішни яхшилаш учун құймаларға термик ишлов берилади. Сифатсиз маҳсулот үнкішігі әйл құймаслик ва технологик чиқитни камайтириш учун техник назорат бұлымининг ходимлари тайёр маҳсулотни текшириб қабул қилиб оладылар. Қабул қилинган ашё тайёр маҳсулот омборига юборилади, сунгра эса механик ишловга топширилади.

### 5.2.2. Анық қуйиш металлни тежаш омыллы сифатыда

Бир марта ишлатиладиган қолиплардан олинган буюмларға ишлов беріш аниқлиги ҳозирги замон техникасыннан талабларини ҳамиша ҳам қондира бермайды, чунки механик ишловларға кattагина арайишлар қолдиришни тақозо этади ва күп металл қиринді булиб чиқитга кетади. Шунинг учун ҳам маҳсус қуюв усууларини құллаш құймачиilikни янада ривожлантиришнинг әнг муҳим йұналиши ҳисобланади. Бу нарса меңнат унұмдорлығини құйма геометрик үлчам аниқлигини оширишга, юзини тоза қилишга, механик ишлов беріш учун қолдириледиган арайишларни жуда оз даражага қадар камайтиришга, баъзда эса буюмга кейинги ишлов берішни батамом йүқотишига имкон беради. Асосий маҳсус қуийиш усуулари қуийнады: әртүрлі юбориладиган моделлар үрнига қуийиш, куидириб юбориладиган моделлар үрнига қуийиш, бир марта ишлатиладиган алоқида қолиплар ишлатишга асосланған қобиқ қолипларға қуийиш, металл қолип (кокилларға) қуийиш, доимий қолиплардан фойдаланиладиган босим остида қуийиш ва марказдан қочма қуийиш.

Қуийин зерувчи ва қаттық қотишмалардан ҳар хил шаклли құймалар олиш учун әртүрлі юбориладиган моделлар үрнига қуийиш ишлатилади. Қуйма үлчамларининг аниқлиги 12—14 квалитеттега, юзининг ғадирлигі эса 10 классга мұвоғиқ келади. Шунинг учун ҳам ана шу қуийиш усули билан олинадиган буюмларға силиқлаш ва жилолаш билангина ишлов берилади. Эртүрлі юбориладиган моделлар үрнига металл қирқувчи асбоб (кески, парма, фрезе, метчик, плашка ва бошқалар), насос гидрираклари, газ турбиналарининг парраклари, турбомашина деталтары ва ҳоказолар қуийлади.

Әртүрлі юбориладиган моделларни тайёрлаш учун әриш ҳарорати паст, ғоятда пластик ва елемланувчан: мум,

рафин, сткорин, канифоль каби материаллар ишлатиди.

Модель таркиби махсус ванналарда эритилади, прессш учин эса металл қолиплар ишлатилади. Ҳосил бүлган әдем қотгач ва совугач пресс-қолипдан чиқариб инаиди, литник (чүр) тартиби билан комплектланади ва әдем юзига утга чидамли қоплам терилиб қаттық қобиқ сил қилинади. Шундан сүнг 120—160°C га қадар здириб қобиқ ичидаги модель-материал эритиб тушлади. Олинган ҳовол қобиқ опокадаги қум-лой алашмаси ичига олинади. Сүнгра оддий усул билан липга металл қуйилади.

Күйдириб юбориладиган моделларга қуиши тежамли гор усул булиб чүян, пулат ва рангли металл тишмаларидан массаси ҳар хил қуймалар олишда ишлатилади. Қуима ўлчамларининг аниқлиги 13—14 алитетларга мувофиқ келади. Күйдириб юбориладиган әдем пенопластдан — ишлов бериш ва елимлаш осону, кин қиздиришга тоби йўқ материалдан тайёрланади. Енопластдан тайёрланган модель таганакдаги қум-лой алашмаси ичига олинади, эриб турган металл эса тник системаси орқали бевосита бояги моделга йилади. Баланд ҳарорат таъсирида модель куйиб битади, шаб қолган жойни эса металл тулдиради. Буюм бети ллиқ чиқмоги учун тайёр моделнинг юзига графит гизида ишланган тез қурийдиган бусқ қопланади.

Қобиқ қолипга қуиши усули махсус қуиши усулининг генг тарқалган турларидан биридир. Қуюв қолипи линлиги 8—12 мм келадиган юпқа пишиқ қобиқдан орат булиб, ишқор юзи силлиқ ва ҳоволлик ўлчамлари иқ олинади. Қобиқ қолип тайёрлаш моҳияти шундан оратки, 220—250°C га қадар қиздирилган металл модельнинг аюга юпқа қилиб қолип арашмаси сепилади. Алашма таркибида кварц қуми ва бөгловчи материал фатида 4—7 фоиз синтетик терморсактив смола булади. Әдем плитанинг иссиғидан арашмадаги смола эриб тади ва бир жинсли қум-смола қобигими ҳосил қилиб тади. Модель плита ҳосил булган пуст билан биргаликда чага қўйилади ва 250—300°C ли ҳароратда бир неча инут тутилади. Шундай қилиб олинган қобиқ қолипнинг р палласи булиб хизмат қиласи. Кейин шу палла липнинг иккинчи қобиқ палласи билан жуфтлаштириди. Шу таҳлитда йигилган қобиқ қолипга литник системаси орқали металл қуиляди.

Эриган металлнинг иссигидан смола эримасданоқ ёниб кетади ва қобиқда ҳосил қилган ғовакларидан газ чиқиши сингиллашади. Қуйма совигач қолип осонгина бузилади.


Кобиқни қолипга қувишнинг асосий афзалликлари шунки, қуйма ўлчамлари гоятда аниқ ва юзи сиаллик чиқади, қолип материал сарфи ва маҳсулот чиқити камаяди. Бу тур қуюв сериялаб ва кўплаб ишлаб чиқаришда чўян, пўлат ва рангли металл қотишмаларидан ўртacha ўлчамдаги қуймалар олишда ишлатилади.

Металл қолипда қуйма ҳосил қилиш учун, эриган металл бўлакланадиган махсус қолиплар (кокиллар)га қувилади. Кокил бир неча қисмдан иборат булиб вертикал ёки горизонтал ажралиш текисликлари бўлади. Литник система қолипнинг ажраладиган қисмига ўрнатилади. Эритма қувиш олдидан кокиллар қиздирилади ва қолипларнинг ишқор юзига утга чидамли қоплам ва бусқ берилади. Металл қотгач қолип бузилади ва қуйма чиқариб олинади. Бўлакланмайдиган ва қоқиладиган кокиллар ҳам ишлатилади.

Металл қолипларнинг иссиқ утказувчанилиги юқори бўлганлиги туфайли қуйма тез совийди, металл майда донали текис структурада ҳосил бўлади. Бу нарса буюмларнинг механик хоссаларини оширади. Чўян, пўлатдан, мис ва алюминий қотишмалардан шаклли қуймалар катта серияда ва кўплаб ишлаб чиқарилганида металл қолипларга қувишдан фойдаланилади.

Чўян ва пўлат қуймалар учун қолиплар кулранг чўяндан, рангли металл қуймалари учун эса углеродли пулат ва алюминий қотишмаларидан тайсранади.

Кокилга қувишда қуйма ўлчамлари гоятда аниқ чиқади ва буюмларга механик ишлов бериш учун қолдириладиган арайишни камайтиришга имкон боради.



28-расм. Металл қолипга қувиш схемаси:


- 1 — қолипнинг ажраладиган қисмлари;
- 2 — қуйма ҳоволликларини ҳосил қилувчи стерженлар;
- 3 — қуймалар;
- 4 — қуйма тешникларини ҳосил қилувчи стерженлар.

ндай қуюв усулининг камчилиги шуки, қолипда металъ з кристалланиши сабабидан юпқа деворли қуймалар сил қилиб бўлмайди, шунингдек чўян қуйманинг бети ариб туллаб кетади ва бунинг натижасида ишлов бериш дидан ашени яна юмшатишга тўғри келади. 28-расмда тали қолипга қуйиш схемаси берилган.

Босим остида қуйиш кокилга қуйиш усулининг бир ри бўлиб, эриган металл поршень ёки сиқилган ҳаво сими остида металл қолипга қуйилади. Бунда суюқ таллнинг ҳаракатчанлиги ортади, қолипнинг тўлиши шиланади, буюм материалининг зичлашиши ортади. Ҳим остида қуйишда қуйма ўлчамларининг аниқлиги 111иметрнинг юздан бир неча улушича булади, қуймадра ортиқ ишлов беришга эҳтиёж қолмайди ва ўлчамлари зилиқлаш орқали марсмига стказилади. Босим остида қийиш орқали катта сериялаб ва кўплаб ишлаб чиқариш ароитларида мис ва алюминий қотишмалардан жуда траккаб шакллардаги юпқа деворли чогроқ буюмлар инади. Меҳнат унумдорлигининг юқори булиши шундай қийиш усулининг хос хусусияти ҳисобланади.

Марказдан қочма қуюв усули жисмлар шаклида булавчи юмлар тайёрлашда қўлланади. Бу усулда эриб турган талл (металлдан, шунингдек қум-лойдан ишланган) юланувчи қуюв қолипга қуйилади, эритма шу қолипда зерказдан қочма кучлар таъсирида қолип деворларига ислиб қотади. Қолиплар вертикаль ёки горизонталь ўқ варагида айлантирилиши мумкин, бунинг натижасида ҳар и жисмлар ҳосил булади. (29-расм).

Вертикаль айланыш ўқли марказдан қочма қуюв илдираклар, втулкалар, ҳалқалар, червякли шестеря шжалари, кемаларнинг эшкак винтлари каби унча узун



1-расм. Айланыш ўқи вертикаль а ва горизонталь б бўлган марказдан қочма қуйиш схемаси.

бўлмаган қўймаларни тайёрлашда ишлатилади, горизонталь айланиш ўқли марказдан қочма қуюв эса чўян қувурлар, тўп стволлари (тутаклари), катта қувватли ичдан ёнар мотор гильзалари каби анча узун қўймаларни олишда ишлатилади.

Марказдан қочма қуюв усули билан ҳосил қилинган буюмлар гоятда зич, ўлчамлари ва механик хоссалари аниқ булиб чиқади, кичрайиш ва газдан ғовакликлар пайдо бўлишига мойил бўлмайди.

Механик ишловга арайиш қолдиришни камайтирувчи бошқа маҳсус қуюв турлари орасида узлуксиз қуюв, сиқиб қўйиш ва суюқ қотишималарни штамплаш амалда купроқ қўлланади.

Узлуксиз қуюшда суюқ металл совитилган қолип — кристаллизаторга биртекис қўйилади, керакли кесим ва узунликда қотган қўймалар қолидан маҳсус мослама воситасида чиқариб олинади. Мана шу маҳсус қўйишнинг самарали ва тежамили усули қора ва рангли металларнинг барча хил қотишималаридан турли шакл ва ўлчамдаги қўймалар олишга имкон беради.

Сиқиб қўйишида буюм танасининг талаб этилган йўғонлиги қолип паллаларини бир-бирига яқинлаштиришга асосланган. Бундай усул рангли металл қотишималаридан юпқа деворлар ва катта ҳажмли қўймалар тайсрлашда қўлланилади.

Суюқ қотишималарни штамплаш — поршень босими остида металлар ва қотишималарни кристаллаш турларидан бири булиб, қора ва рангли металл қотишималаридан қалин деворли фасон қўйилмалар олишда ишлатилади.

### 5. 2. 3. Қўймаларнинг товар таснифи ва сифат қўрсақчиchlари

Ишлатилган материалига қараб қўймалар учта асосий турга бўлинади: чўян қўймалар, пўлат қўймалар ва рангли металл қотишималаридан ишланган қўймалар. Бундан ташқари ҳар бир тур қўйма материалнинг тузилиши, кимёвий таркиби, механик хоссалари ва ашенинг аниқлигига қараб гуруҳларга тасниф этилади.

Чўян қўймалар қўйилган чўяннинг тузилишига кура кулранг, гоят пишиқ ва териладиган қўймаларга бўлинади. Кулранг чўяннинг пишиқлиги ва ейилишига чидамлилиги ўртача, яхши ишлов берилади ва қўймалар ишлаб чиқаришда асосий машинасозлик материали бўлади. Оддий кулранг чўяннинг кимёвий таркибида 2,2—3,7 фоиз углерод, 1—3 фоиз кремний, 0,2—1,1 фоиз

анец, 0,15 фоизгача олтингугурт ва 0,3 фоизгача ғор булади. Углерод ва кремний ортиши билан ининг қуйилиш хоссаси яхшиланади, лекин механик алари ёмонлашади. Марганец чўяннинг механик аларини бирмунча яхшилайди, зисни аралашма иш олтингугурт унинг қуйилиш хоссалари ва механик аларини ёмонлаштиради, фосфор суюқ ҳолда катчанликни, қаттиқлик ва муртликни оширади фосфор чўянлар сийилишга чидамлилиги оширилган юни қуймалар ва нафис қуймалар тайёрлашда атилади). Кулранг чўян стандарт маркалари С (серий) 1 (чугун) ҳарфлари билан белгиланади. Ҳарфлардан ин қуйиладиган рақам чўзилишга пишиқлик ҳаддини иради. Саноатда: СЧ10, СЧ15, СЧ18, СЧ20, СЧ21, 4, СЧ25, СЧ30, СЧ35, СЧ40 ва СЧ 45 маркали ҳанг чўянлар тайёрланади. СЧ10, СЧ15 ва СЧ18 сали кулранг чўянлардан оз ва ўртача қуймалар рлашда фойдаланилади: гилофлар, қопқоқлар, флаглар, маховиклар, подшипниклар, редуктор корпуслари ар жумласидандир. СЧ20, СЧ21, СЧ24, СЧ25 кулранг ҳлар оширилган статик ва динамик нагрузжаларда айдиган қуймаларни тайёрлашга турли станокларнинг иналари, деталларнинг тиргаклари, цилиндр блоклари поршенилари, тишли гилдираклар ясашга жаллангандир. СЧ30, СЧ35, СЧ40 ва СЧ45 кулранг ҳлар катта нагрузжаларга дучор буладиган ва катта икак тезлиги ва босимда сийилиб адо буладиган қуймалар тайёрлашда ишлатилади: цилиндр блокларининг залари, тирсакли валлар, тишли ва чсрвякли тираклар, тормоз барабанлари, клапанлар, поршень қалари шулар жумласидан. Кулранг чўян қаттиқлиги дан 290 НВ гача булади. Maxsus вазифаларга жалланган иссиқбардош, коррозиябардош, антифрикцион қуймалар хром, алюминий, никель, молибден ва қа металлар билан легирланган кулранг чўянлардан берланади. Ички зўриқишиларни йўқотиш ва механик аларни яхшилаш учун бир қанча ҳолларда кулранг ҳдан ишланган қуймаларга термик ишлов берилади. Фоят пишиқ чўян оширилган механик хоссаларга эга, икса пишиқ ва пластик бўлиб пулат қўйма ва қувкалар урнида бемалол ишлайверади. Фоят пишиқни таркибида 3,0—3,6 фоиз углерод, 1,1—2,9 фоиз алюминий, 0,3—0,7 фоиз марганец, 0,02 фоизгача ингугурт ва 0,1 фоизгача фосфор тутади. Фоят пишиқ

чўян стандарт маркалари В (високопрочний) ва Ч (чугун) ҳарфлари билан белгиланади. Ҳарфлардан кейинги сонларнинг биринчиси чузилишга пишиқлик ҳаддини, иккинчиси эса узилиш чогидаги нисбий узайишни кўрсатади. Саноатда ВЧ38-17, ВЧ42-12, ВЧ45-5, ВЧ50-2, ВЧ50-7, ВЧ60-2, ВЧ70-2, ВЧ80-2, ВЧ100-2 ва ВЧ120-2 маркали гоят пишиқ чўянлар тайерланади. Гоят пишиқ чўянларнинг қаттиқлиги 140—380 НВдир. Гоят пишиқ чўянлар машинасозликнинг турли тармоқларида ишлатилиб катта нагрузка ва сийилиш шароитларида ишлайдиган деталлар ва конструкцияларда бемалол пўлат ўрнини босади: прокат жувалари, прокат станлари ва темирчиклик-пресслаш машина-ускуналарининг станиналари, тирсакли валилар ва мотор поршенилари, металл қирқувчи станокларнинг шпиндель ва суппорtlари, машина гусеницаси деталлари шулар жумласидандир. Гоят пишиқ чўян қўймаларига термик ишлов берилади.

Оқ чўянни юмшатиш натижасида ҳосил бўладиган болгаланадиган чўян пўлат қўймаларга яқин хоссаларга зга бўлади ва зарб куч берса бўладиган деталларни тайерлашда ишлатилади. Дастребки оқ чўян таркибида 2,4—2,9 фоиз углерод, 1,0—1,6 фоиз кремний, 0,2—1,0 фоиз марганец, 0,2 фоизгача олтингугурт ва 0,18 фоизгача фосфор бўлади.

Болгаланадиган чўянларнинг стандарт маркалари: К (ковкий) ва Ч (чугун)—(болгаланадиган) ва (чўян) ҳарфлари билан белгиланади. Ҳарфлардан кейин келадиган сонлар гоят пишиқ чўян маркалариники сингари бўлади: биринчи сон — чузилишга пишиқлик ҳаддини, иккинчи сон — нисбий узайишни кўрсатади. Саноат КЧ30-6, КЧ33-8, КЧ35-10, КЧ37-12, КЧ45-6, КЧ50-4, КЧ56-4, КЧ60-3 ва КЧ63-2 маркаларда болгаланадиган чўянларни тайерлаб чиқаради. Болгаланадиган чўянларнинг қаттиқлиги 160—270 НВ бўлади. Болгаланадиган чўянлар автомобиль, тўқимачилик ва қишлоқ хужалик машинасозлигига динамик нагрузка ва сийилиш шароитларида ишлайдиган қўймаларни тайерлашда қўлланади, шунингдек саноатнинг бошқа тармоқларида қўлланади. Кулранг, гоят пишиқ ва болгаланадиган чўян учун кимёвий таркиб чекланмайди, чунки бу чўянларнинг асосий механик хоссалари пластинкасимон, бодроқсимон ва зўлдирсимон графит аралашмаларнинг шакли ва қотишиша металл негизининг ҳолати (перлитли, ферритли, перлит-ферритли ва ҳоказо) билан белгиланади. Махсус

марганец, 0,15 фоизгача олтингугурт ва 0,3 фоизгача фосфор бўлади. Углерод ва кремний ортиши билан чўяннинг қўйилиш хоссаси яхшиланади, лекин механик хоссалари ёмонлашади. Марганец чўяннинг механик хоссаларини бирмунча яхшилайди, зиёни аралашма бўлмиш олтингугурт унинг қўйилиш хоссалари ва механик хоссаларини ёмонлаштиради, фосфор суюқ ҳолда ҳаракатчанликни, қаттиқлик ва муртликни оширади (серфосфор чўянлар сийилишга чидамлилиги оширилган фасонли қўймалар ва нафис қўймалар тайёрлашда ишлатилади). Кулранг чўян стандарт маркалари С (серий) ва 4 (чугун) ҳарфлари билан белгиланади. Ҳарфлардан кейин қўйиладиган рақам чўзилишга пишиқлик ҳаддини билдиради. Саноатда: СЧ10, СЧ15, СЧ18, СЧ20, СЧ21, СЧ24, СЧ25, СЧ30, СЧ35, СЧ40 ва СЧ 45 маркали кулранг чўянлар тайёрланади. СЧ10, СЧ15 ва СЧ18 маркали кулранг чўянлардан оз ва ўргача қўймалар тайёрлашда фойдаланилади: гилофлар, қопқоқлар, фланцлар, маховиклар, подшипниклар, редуктор корпуслари шулар жумласидандир. СЧ20, СЧ21, СЧ24, СЧ25 кулранг чўянлар оширилган статик ва динамик нагрузкаларда ишлайдиган қўймаларни тайёрлашга турли станокларнинг станиналари, деталларнинг тиргаклари, цилиндр блоклари ва поршенлари, тишли гилдираклар ясашга мўлжаллангандир. СЧ30, СЧ35, СЧ40 ва СЧ45 кулранг чўянлар катта нагрузкаларга дучор бўладиган ва катта ҳаракат тезлиги ва босимда сийилиб адо бўладиган қўймалар тайёрлашда ишлатилади: цилиндр блокларининг гильзалари, тирсакли валлар, тишли ва чсрвякли гилдираклар, тормоз барабанлари, клапанлар, поршень ҳалқалари шулар жумласидан. Кулранг чўян қаттиқлиги 140 дан 290 НВ гача бўлади. Махсус вазифаларга мўлжалланган иссиқбардош, коррозиябардош, антифрикцион қўймалар хром, алюминий, никель, молибден ва бошқа металлар билан легирланган кулранг чўянлардан тайёрланади. Ички зуриқишиларни йўқотиш ва механик хоссаларни яхшилаш учун бир қанча ҳолларда кулранг чўяндан ишланган қўймаларга термик ишлов берилади.

Фоят пишиқ чўян оширилган механик хоссаларга эга, айниқса пишиқ ва пластик булиб пулат қўйма ва поковкалар урнида бемалол ишлайверади. Фоят пишиқ чўян таркибида 3,0—3,6 фоиз углерод, 1,1—2,9 фоиз кремний, 0,3—0,7 фоиз марганец, 0,02 фоизгача олтингугурт ва 0,1 фоизгача фосфор тутади. Фоят пишиқ

Чўян стандарт маркалари В (високопрочний) ва Ч (чугун) ҳарфлари билан белгиланади. Ҳарфлардан ксийнги сонларнинг биринчиси чўзилишга пишиқлик ҳаддини, иккинчиси эса узилиш чогидаги нисбий узайишни кўрсатади. Саноатда ВЧ38-17, ВЧ42-12, ВЧ45-5, ВЧ50-2, ВЧ50-7, ВЧ60-2, ВЧ70-2, ВЧ80-2, ВЧ100-2 ва ВЧ120-2 маркали ғоят пишиқ чўянлар тайёрланади. Ғоят пишиқ чўянларнинг қаттиқлиги 140—380 НВдир. Ғоят пишиқ чўянлар машинасозликнинг турли тармоқларида ишлатилиб катта нагрузка ва сийлиш шароитларида ишлайдиган деталлар ва конструкцияларда босмалол пўлат ўринини босади: прокат жўвалари, прокат станлари ва темирчилик-пресслаш машина-ускуналарининг станиналари, тирсакли валилар ва мотор поршнлари, металл қирқувчи станокларнинг шпиндель ва суппортлари, машина гусеницаси деталлари шулар жумласидандир. Ғоят пишиқ чўян қўймаларига термик ишлов берилади.

Оқ чўянни юмшатиш натижасида ҳосил бўладиган болгаланадиган чўян пўлат қўймаларга яқин хоссаларга зга бўлади ва зарб куч берса бўладиган деталларни тайёрлашда ишлатилади. Дастребки оқ чўян таркибида 2,4—2,9 фоиз углерод, 1,0—1,6 фоиз кремний, 0,2—1,0 фоиз марганец, 0,2 фоизгача олтингугурт ва 0,18 фоизгача фосфор бўлади.

Болгаланадиган чўянларнинг стандарт маркалари: К (ковкий) ва Ч (чугун)—(болгаланадиган) ва (чўян) ҳарфлари билан белгиланади. Ҳарфлардан ксийн ксладиган сонлар ғоят пишиқ чўян маркалариники сингари бўлади: биринчи сон — чўзилишга пишиқлик ҳаддини, иккинчи сон — нисбий узайишни кўрсатади. Саноат КЧ30-6, КЧ33-8, КЧ35-10, КЧ37-12, КЧ45-6, КЧ50-4, КЧ56-4, КЧ60-3 ва КЧ63-2 маркаларда болгаланадиган чўянларни тайёрлаб чиқаради. Болгаланадиган чўянларнинг қаттиқлиги 160—270 НВ бўлади. Болгаланадиган чўянлар автомобиль, тўқимачилик ва қишлоқ хўжалик машинасозлигига динамик нагрузка ва ейилиш шароитларида ишлайдиган қўймаларни тайёрлашда қўлланади, шунингдек саноатнинг бошқа тармоқларида қўлланади. Кулранг, ғоят пишиқ ва болгаланадиган чўян учун кимёвий таркиб чекланмайди, чунки бу чўянларнинг асосий механик хоссалари пластинкасимон, бодроқсимон ва зўлдирсимон графит аралашмаларнинг шакли ва қотишида металл негизининг ҳолати (перлитли, ферритли, перлит-ферритли ва ҳоказо) билан белгиланади. Махсус

лэгирланган чүяңлар учун кимәвий таркиб албатта аниқланиши керак, чунки таркибидаги лэгирловчи элсментлар унинг махсус хоссаларини кўрсатади. Қўйма аниқлиги ўлчамлардан йўл қўйиш мумкин бўлган четланишлар катталигига қараб белгиланади ва уч аниқлик класси: I, II ва III класслари билан таърифланади. I аниқлик класси бўйича энг оз четлашиш бўлишига йўл қўйилади, III класси бўйича эса энг катта четлашиш бўлишига йўл қўйилади.

Пўлат қўймалар чўян қўймаларга нисбатан камроқ ишлатилади, чунки пўлатнинг қўйилиш хоссалари чўянникига нисбатан ёмонроқ бўлади. Аммо пўлат қўйиш анча баланд механик хоссаларга эга бўлади ва пишиқлиги, пластиклиги ва зарбий қовушоқлиги юқори бўлиши тақозо этилувчи буюмлар учун қўлланади.

Қўйиладиган материалнинг турига кўра пўлат қўймалар конструкцион лэгирланмаган пўлат қўймаларга, конструкцион лэгирланган ва махсус хоссаларга эга бўлган юксак даражада лэгирланган пўлатларга бўлинади. Конструкцион лэгирланмаган пўлатдан ишланадиган қўймалар учун тўққиз хил маркадаги пўлатлар: 15Л, 20Л, 25Л, 30Л, 35Л, 40Л, 45Л, 50Л ва 55Л маркалардаги пўлатлар ишлатилади.

Пўлат қўймалар вазифасига кўра уч гурӯҳга бўлинади: I—оддий вазифаларга аталган қўймалар, II—масъулиятли вазифаларга аталган қўймалар ва III—алоҳида масъулиятли вазифаларга мўлжалланган қўймалар. Учала гурӯҳ қўймаларнинг сифати сиртдан қараб ҳамда олтингугурт билан фосфор миқдорини таҳлил қилиб назорат этилади. II гурӯҳ қўймаларда шу кўрсаткичлардан ташқари материалнинг тўла кимәвий таркиби, пишиқлик ва нисбий узайиш, III гурӯҳ қўймаларда эса зарбий қовушоқлик ҳам аниқланади.

Лэгирланган конструкцион пўлат қўймалар учун кремний, марганец, хром, никель, молибден ва бошқа элементлар билан лэгирланган йигирма хил маркадаги пўлат ишлатилади. Сиртдан кўздан кечириш, материалнинг тўла кимәвий таркиби, пишиқлик ва нисбий узайиш ҳамда нисбий ихчамлиги, зарбий қовушоқлик ва ишлов бериш аниқлиги қўйма сифатида назорат этилувчи кўрсаткичлар бўлади. Махсус хоссаларга эга юксак даражада лэгирланган қўймалар тайёрлашда иссиқбардош, иссиқда турғун, коррозияга чидамли пўлат ва қаттиқ қотишмалар ишлатилади. Қўйма сифатига баҳо беришда

лсигирланган конструкцион пўлатдан ишланган қўймаларни, шунингдек турли ҳароратлардаги пишиқлик, иссиқда турғунлик, коррозиябардошлиқ, ёйилувчанлик, узоқ муддатли пишиқлик каби маҳсус хоссалар мезон булиб хизмат қиласди.

Рангли металл қотишмалари турли вазифаларга мўлжалланган ва пишиқ, сийилишга чидамли, гоятда коррозиябардош ва бошқа хоссаларга эга бўлган шакли қўймаларни тайёрлашда ишлатилади. АЛ1, АЛ2, ...., АЛ30 маркали алюминий қотишмалари, Бр04Ц4С17, Бр06Ц6С3, БрA9Ж3Л каби қўйиладиган бронзалар, ЛЦ40С, ЛЦ40Мц1,5 каби қўйиладиган жез, МЛ3,....,МЛ19 каби қўйиладиган магний қотишмалари энг кўп тарқалган булиб, улар III бобда муфассал кўриб чиқилган. Рангли металл қўймаларнинг таннархи чўян ва пўлат қўймаларнинг таннархига нисбатан юқори, лескин қўйилиш хоссаларининг яхшилиги, шунингдек сенгиллиги, смирувчи муҳитларда коррозияяга чидамлилиги, сийилишга чидамлилиги туфайли саноатнинг турли тармоқларида бу қўймалар кенг кўламда қўлланади.

Мавжуд стандартларга мувофиқ рангли металл қотишмаларидан тайёрланадиган қўймалар материалнинг кимсевий таркиби ва меҳаник хоссаларига кўра (чўзилишга пишиқлиги, нисбий узайиши ва қаттиқлиги) тартибга солинади. Маҳсус вазифаларга мўлжалланган қўймаларга тузилиши, коррозиябардошлиги, антифрикцион хоссалари ва бошқа кўрсаткичлар жиҳатларидан қўшимча талаблар қўйилиши ҳам мумкин.

#### 5. 2. 4. Қўйма нуқсонларининг турлари ва уларнинг сифатини назорат этиш

Қўймаларнинг асосий нуқсонлари — ўлчамларининг чизмага мувофиқ келмаслигидан, метални улаб қўйиш, кам қўйиш, камчиликлар, куйинди, иссиқ ҳолидаги ва совиганидаги ёриқлар, газ пуфакчалари, қўйма кичрайганидаги говакликлар, номсталл аралашмалар, ликвация — бир жинсли чиқмасликлардан иборатdir.

Маҳсулот сифатини назорат этиш дастлабки материаллар ҳолатини, қўйма тайёрлаш технология жарасинини, шунингдек тайёр маҳсулотлар сифатини текширишни кўзда тутади. Қўйма ўлчамларининг чизмага мувофиқ келмаслигига сабаб металл кичрайишини нотўғри бслгилаш ва қолипни нотўғри йигишдир. Модель ўлчамларини

белгилаб қўйилади. Юк ортиш-тушириш ишларида қўймаларнинг синишига йўл қўймаслик учун буюмлар маҳкам ёғоч тўшам-тагликлар устига тахланади, улар шу тагликлари билан биргаликда ортилади ва туширилади.

### 5. 3. Пайвандланадиган ашёлар

#### 5. 3. 1. Пайвандланадиган ашёлар досми қилинг хусусиятлари

Ашё атомлари ўртасида мустаҳкам металл чок яратиш орқали уларни ажралмас қилиб биритириш жараённига пайвандлаш дейилади. Пайвандлаш (сварка) металлни тежаши, меҳнат унумдорлигини ошириши, таннархни арzonлаштириши ва пайвандланган буюмлар сифатининг баландлиги туфайли саноатнинг ҳамма тармоқларида ва қурилишда кенг ёйилган. Машинасозликда йирик қўйма ва поковкалар тайёрлашдек мураккаб ишлаб чиқариш ўрнида пайвандланган буюмлар ишлатиш мумкин бўлди, қувур, чон, қозон, қурилиш ва монтаж конструкциялари ишлаб чиқариш, қувур, темир йўл ётқизиш ишлари соддалашди ва арzonлашди. Пайвандлаш ремонт ишларида ҳам стакчи ўрин тутади.

Ҳозирги вақтда пайвандланадиган металларни қиздириш борасида янги ва самарали воситаларни қуллаш натижасида янги хил пайвандлаш турлари қўлланадиган соҳалар кенгайиб бормоқда. Ёйли разряд, термит аралашмалари, электрон нури, лазер, юқори ҳароратли плазма, ультратовуш ва бошқа омиллар шулар жумласидандир.


Технологик аломатларига кўра металларни пайвандлаш замонавий усуллари икки асосий гуруҳга: эритиб пайвандлаш ва босим остида пайвандлаш гуруҳларига бўлинади. Кристалл тузилиш вужудга келиши пайвандчокка бирон ташқи куч таъсир этмагани ҳолда чок зонасида эриган металлнинг кристалланиши натижасида рўй берадиган пайвандлаш усуллари биринчи гуруҳга киради, пайвандчок зонасидаги металл қиздирилиб ёки қиздирилмай пластик ҳолатта келтириладиган, шундан сўнг ашёнинг биритириладиган қисмлари статик босим ёки зарбий босим билан сиқиб пайвандлаш усуллари иккинчи гуруҳга киради.

Металлни қиздиришда фойдаланиладиган энергия тури пайвандлаш усулларини таснифлашнинг асосий аломат-

ларидан бири ҳисобланади. Ана шу аломатга күра ҳамма хил пайвандлаш усуllibарини түртта гурухга: электрик, кимёвий, механик ва нур воситасида пайвандлаш гурухларига бўлиш мумкин. Электр усули энг кўп тарқалган бўлиб, метални қиздириш учун электр энергиясидан фойдаланади. Флюс остида қўлда ёйли ва автомат пайвандлаш, электр контакт, электрошлак ва аргосӣ воситасида пайвандлаш, ультратовуш ва диффузия воситасида пайвандлаш, иҳота газлари мұхитида пайвандлаш ва бошқа усуllibар шулар жумласидандир. Кимёвий пайвандлаш усуllibарида (газ, термит ва бошқалар воситасида) ёқилгининг ёниши натижасида чиқадиган иссиқликдан фойдаланилади. Механик йўл билан олинадиган энергиядан фойдаланувчи механик пайвандлаш асосий усуllibари совуқ ҳолда пайвандлаш, ишқалаб пайвандлаш, темирчилик-пресслаш усули билан пайвандлаш ва ҳоказолардан иборат. Нур воситасида пайвандлаш усуllibари (электрон-нур, лазер нури ва ҳоказолар) концентрацияланган кучли электрон нури ва ёргулиқ нуридан иссиқлик манбани сифатида фойдаланади.

Электр ёй воситасида пайвандлаш металларни саноат кўламида пайвандлашнинг энг мұхим туридир. У икки электрод ўртасида вужудга келувчи электр ёй иссиғидан фойдаланишга асосланган. Пайвандланаётган буюм ёки электр токи манбанинг қарама-қарши қутблари билан бирлаштирилган маҳсус стержень электродлар бўлиб хизмат қиласди. Икки турдаги: эрийдиган (пўлат, чўян, бронза ва бошқалар) ҳамда эримайдиган (кўмир, графит, вольфрам ва бошқалар) электродлар ишлатилади. Эрийдиган электродлар айни маҳалда чокка эритиб ёпишириладиган материал присадка бўлиб хизмат қиласди, эримайдиган электродлар эса ёй ҳосил қилиш ва баланд ҳарорат вужудга келтириш учун ишлатилади. Уларда ёй зонасига киритилувчи симдан металл присадка материали сифатида фойдаланилади. Эрийдиган электродлардан фойдаланилаётганида электр ёйнинг ҳарорати  $2400-2600^{\circ}\text{C}$  га етади, эримайдиган электродлардан фойдаланганда эса тахминан  $3200-3900^{\circ}\text{C}$  га боради. 30-расмда ёйли электрик пайвандлаш схемаси берилган.

Ёй воситасида пайвандлашда ўзгармас токдан, шунингдек ўзгарувчан токдан фойдаланилади. Ўзгарувчан ток билан пайвандлаш кўп тарқалган, чунки ўзгарувчан ток учун электр энергия сарфи ва пайванд ускуналари қиймати ўзгармас токка нисбатан кам ва пастdir.



30-расм. Еили электрик пайвандлаш схемаси:

*a* — зрийдиган электрод билан; *b* — эримайдиган электрод билан.

*1* — пайвандлашынан ашё; *2* — электродлар; *3* — түпчі; *4* — қүшиладынан сим.

Электроднинг диаметри одатда пайвандлаштыган буюм қалинлигига қараб олинади.

Буюмнинг қалинлиги, мм...1,5 2—3 4—5 6—8 9—12 13—15 16—20

Электроднинг диаметри, мм...1,6 2—3 3—4 4 4—5 5 5—6

Үзгармас ток билан пайвандлашда пайвандлаш үзгартырғычлари, генераторлар ва тұғрилагичлар ишлатылади, үзгаруучан ток билан пайвандлашда эса — пайванд трансформаторлари ишлатылади. Пайвандлаш ускунаси тармоқдаги мавжуд 127—500 В күчланишни 60—700 А ток кучи билан 50—80 В ишкор күчланишга айлантириб беради.

Пайвандлаш учун тегишли пайванд симлари ва иҳота мосламалари булмоғи зарур.


Газ воситасида пайвандлаш учун махсус газ горелкаларининг алангасидан фойдаланилади. Үнда кислород мұхитида ёнувчи газ (одатда ацетилен) ёнади. Горелка алангаси пайвандланадын буюм билан пайванд сими учларини әритади ва пайванд ваннасини ҳосил қиласы.

Ванна қотғач пайвандчокка айланади. Горелка алангасининг катталиги буюмнинг қалинлигига қараб олинади. Газда пайвандлаш чок ғоят сифатлы чиқишини таъминлайды ва пұлат листни бириктиришда, рангли металлар ҳамда чүянни пайвандлашда ишлатылади. Кислород баллонлари, ацетилен газогенераторлари, пайванд горелкалари ва кескилари газда пайвандлаш ускуналаридир.

Совуқ ҳолда пайвандлашда пайвандланадиган буюмлар қиздирилмай, улар биргаликда пластик деформацияланади. Буюмларни бир-бирига тегизиб сиқилганида улар ўртасида металл алоқа вужудга келиши натижасида пайванд ҳосил бўлади. Электротехника саноати ва приборсозликда алюминий, мис, никель, рух, қалай, олтин ва кумуш қотишмаларидан ишланган буюмларни бириктиришда совуқ ҳолда пайвандлаш қўлланади. Ричагли, винтли ва гидравлик пресслар совуқ ҳолда пайвандлаш ускуналари диди.

*Электрон-нурли пайвандлаш* кучли иссиқлик оқими — вакуумда электронлар оқимидан фойдаланишга асосланган. Вольфрам спираль ва магнит линза (3)ли катод (1)дан иборат пайванд тўп электрон нурли қурилманинг асосий иш органидир (31-расм). Юқори ҳароратга қадар қиздирилган вольфрам спираль электронлар (2) чиқариш манбаига айланади, электронлар фокусловчи магнит линзаси (3) дан ўтиб анод бўлган ишлов бериладиган буюм (4) сари йўналади. 16000—18000 км/с тезликда ҳаракатда бўлган электронлар тормозланганида оқимнинг кинетик энергияси иссиқлик энергиясига айланади ва қиздиришишга ҳамда буюмни эритишига сарфланади. Неча

5



31-расм. Электрон-нурли пайвандлаш схемаси:  
1 — пайванд тўпи; 2 — электронлар оқими; 3 — магнит линза; 4 — анод;  
5 — вакум камера.

үнлаб минг градусга стувчи юқори ҳарорат таъсири натижасида пайвандлаш сскунднинг мингдан бир неча улушича жуда тез ўтади, атроф герметик мұхит (5) пайвандчокнинг атмосфера ҳавоси билан ифлосланишига имкон бермайды. Электротехника ва приборсозликда ихчам буюмларни, машинасозликда эса йирик-йирик буюмларни бириктиришда ана шу электрон нурли пайванд усули құлланади.

Пайвандланадиган буюмлар тайёрлаб чиқариш жарасни заготовкаларни тайёрлаш, пайвандлаш ва ашёга кейинги ишлов беришдан иборатдир. Хилма-хил прокат, құйма, поковка ва штамповкалар, баъзида эса тайёр буюмлар пайвандланади. Пайвандлаш олдиdan материал металл қайчи, арра пресс воситасида ёки газда кесиш оташ усули билан булиб чиқлади. Зарурат туғилса ишлати-лувчи материал тұғриланади, терилади ва оксидлар, занг ва кирдан тозаланади. Шундан сұнг заготовкаларнинг айрим элементлари йигилади ва муайян вазиятда маҳкамланади, сұнг пайвандланади. Пайвандланадиган металлнинг тури ва ишнинг характеристига қараб пайвандлаш усули танлаб олинади.

Пайвандлаш жарасниса буюм айрим участкаларининг жуда қызмет кетиши ва бирдан совиши натижасида қотишка таркибидаги элементларнинг биронтаси куйиб каттагина ички зўриқиши вужудга келиши мумкин. Шунинг учун ҳам пайвандлаш чогида буюмлар тузилишида жуда кам узгаришлар рой бермоғи кераклиги кузатиб бориши зарур.

Пайвандлаш тугаганидан сұнг буюм ва пайвандчок бетидан шлак сидириб ташланади, ашё тұғриланади ва терилади, материалнинг сифатини яхшилаш учун эса үнга термик ишлов берилади. Ана шундан кейин тайёр ашё сифатига баҳо берилади.

Пайвандлаш чогида хавфсизлик техникасига риоя этиш мұхимдир. Хизмат ходимларини электр токи уришидан асрап учун барча электр симлари пухта изоляцияга эта булмоғи, пайвандлаш ускунасининг корпуси эса ерга синчиклаб уланмоғи зарур.

### 5. 3. 2. Металларнинг пайвандланувчанлиги ва пайвандланган буюмлар сифатини назорат этиш

Металларнинг пайвандланувчанлиги деб уларнинг пишиқлиги асосий материалдан қолишмайдиган пайванд бирикмалари ҳосил этиш қобилиятига айтилади. Турли

металлар турлича пайвандланади. Углеродли пұлат таркибида 0,25 фоизгача углерод бұлса, у ҳар қандай үсул билан ҳам яхши пайвандланаверади, таркибида 0,6 фоиз углерод бұлса ўртача пайвандланади. Таркибидаги углерод 0,35 фоиздан күпроқ бұлған конструкцион пұлат үзін тобланиш ва пайвандлаш чогида ёриқлар ҳосил қилишга мойыл бұлади. Ашенинг тобланған қисми асосий материалга нисбатан анча қаттық ва пластиклиги паст бұлади. Пайванд ёриқлари чок металининг кристалланиш жарағында, шунингдек кейин буюм совитилаётган пайтда пайвандчок қотғач вужудга келувчи ички зўриқишилар тасирида вужудга келади. Шунинг учун ҳам конструкцион пұлатлар пайвандланастганида даставал улар қиздирилади ва шундан сұнг уларга термик ишлов берилади. Таркибиде углероди оз, ёки кремний ва марганец билан легирланған присадка материалдан фойдаланилганида конструкцион пұлатларнинг үз-үзидан тобланиши пасаяди.

Пұлатлар пайвандланастганида легирловчи элементлар күйіб кетмаслығи учун ўта қизишга йүл қўймай, белгиланған пайвандлаш режимига қатъий риоя этиш, флюслар ва суркаладиган моддалар ишлатиш зарур. Легирланған пұлат таркибида 0,2 фоизгача углерод бұлғанида яхши пайвандланади. Углерод күпайса бундай пұлатни ҳам олдин қиздириш, сұнgra унга термик ишлов бериш керак бұлади. Кимёвий таркиби жиҳатидан ашс материалыга яқин присадка материални ишлатиб пайванд қилинганида пайвандчок ғоятда сифатли чиқади.

Углеродининг күплиги ва пластиклиги озлиги сабабларидан чўянни пайвандлаш чекланған ва қийиндир. Чўян пайванди буюмни қўйиш ва ремонт қилиш чогида вужудга келувчи иуқсонларга (ёриқлар, ҳоволликлар, урган жойлар каби) барҳам бериш учун қилинади. Бунинг учун у  $600^{\circ}\text{C}$  га қадар қиздирилади. 60—70 фоизга яқин мис ва 30—40 фоиз темири бұлған чўян ёки бимсталл электродлар ишлатилади. Флюс сифатида эса таркибида 50 фоиз бура (танакор), 48 фоиз натрий бикарбонат ва 2 фоиз құм тупроқ тутувчи аралашмадан фойдаланилади. Бунда пайвандчок пишиқлиги буюм материални пишиқлининг 70—80 фоизига етади.

Аммо чўянни қизитиб пайвандлаш қимматга тушадиган мashaққатли жарағын бұлғанлигидан бир қанча ҳолларда унинг ўрнида совуқ ҳолда пайвандлашдан фойдаланилади. Чўянни совуқ ҳолда пайвандлаш учун диаметри кичик

пўлат ва мис-темир элекстродлар ишлатилади. Бунда ҳосил бўладиган сўй ҳам ўзига яраша кичикроқ бўлади. Диффузион пайванддан фойдаланилса, чўянни чўян билан ва чўянни пўлат билан пайвандлашда чок гоятда пишиқчиқади.

Рангли металлар ва уларнинг қотишмаларини пайвандлаганда қийин эрувчи оксидлар ҳосил қилиш ҳам қийин бўлади. Мис одатда ўзгармас ток-ёйи билан пайвандланади. Бунда кўмир элекстродлар ва 70 фоиз бура, 10 фоиз борат кислота ва 20 фоиз ош тузидан иборат флюс ишлатилади. Мис токнинг мусбат қутбига уланади. Иҳота гази — аргон оқимида пайванд сифатли чиқади. Саноатда мисни олдиндан иситиб қуввати оширилган ацтилсен-кислород алангаси билан газли пайвандлаш ҳам кенг ёйилган. Присадка материали сифатида озгина қалай ва рух қўшилган мис хивичлардан фойдаланилади.

Бронза ва жезни пайвандлашда асосан мисни пайвандлашда қўлланилган услуб ва материаллардан фойдаланилади. Аммо қалай ва рух куйиб кетишини камайтириш учун бронза газ билан пайвандланастганида флюс сифатида бурадан, жез учун эса — газ флюсларидан фойдаланилади.

Алюминий электр ёй ва газ воситасида пайвандланади. Бунда присадка материали сифатида буюм материални таркибига эга бўлган материалдан фойдаланилади. Қоплам учун эса хлорли ва фторит тузлари ишлатилади. Иҳота газлари муҳитида пайвандчок жуда сифатли чиқади. Дюралюминийдан ташқари алюминий қотишмаларини пайвандлашнинг ортиқча қийинчилиги йўқ ва алюминийдаги сингари усул ва материаллар билан ўтказилади. Дюрал қотишмалари пайвандлаш жараённида ўзидан-ўзи тобланади, кейинги иситишда эса механик хоссаларини пасайтириб юборади. Аммо дюралюминий иҳота газлари муҳитида пайвандланадиган бўлса кейин унга термик ишлов берилиб пайвандчок пишиқлигини ашё материали пишиқлигининг 80—90 фоизига қадар тиклаш мумкин бўлади.

Пайвандланган буюмларнинг сифати шундай кўздан кечириб, элекстрод металл ва асосий металл таркибини кимёвий текшириб, шунингдек металлографик тадқиқотлар билан аниқланади. Пайвандланган ҳар бир буюм кўздан кечириб чиқилади. Кимёвий текшириш чогида чок метали ва термик зона таъсир зонаси таркибидаги углерод ва турли элементлар аниқланади. Механик

сіновлар жараєніда Махсус тайёрланған намуналарда құзилиш, әғилиш ва зарбий әғилишга пайванд бирикмасыннан пишиқлиги текшириб чиқлады. Механик сіновлар үтказиш услублари ГОСТлар билан белгилаб құйылған.

Тайёр мақсулотларнинг пайвандланған жойларининг пишиқлиги ва зичлиги гидравлик ва пневматик усуллар билан текшириб чиқлады, шунингдек устига керосин құйиб синалады. Гидравлик усул ортиқча босим билан ишлайдиган құвурлар, ёнилгі сақланадиган чонлар, қозонлар, идишлар, газ баллонлари, пайвандланадиган бошқа бирикмалар пишиқлиги ва зичлигини синааб күришда құлланады, синаладиган суюқлик босими иш босимидан 1,5—2 баравар ортиқ бұлмоги лозим.

Буюм сифатини пневматик усул билан аниқлашда пайвандчоклар атмосфера босимидан 1,5 мартагача ошадиган босим остидаги сиқылған ұаво билан синалады.

Атмосфера босими шароитларида ишлайдиган пайвандчоклар керосин билан синалады. Бунинг учун пайвандчокнинг бир бетига керосин, иккінчи бетига бур суртилады. Чокда зичлашмаган жой бұлса буюмнинг бүр суркалған бетіда керосин дөглари пайдо бұлады.

Ашснинг иссиқбардошлиғи, коррозияға чидамлилігі ға бошқа махсус хоссалари ҳам синалады.


Назорат мақсадларига күра металлографик тадқиқотлар пайвандчокдан қирқиб олинған макроқийқим әки микропрессияның билан үтказилады. Макроструктуралық текшириш натижасыда дарз-әрікілар, чала пайванд жойлар, шлак аралашмалари, пайвандчок чуқурлығы, шакли ва ұқазолар, микро текшириш орқали эса — чок участкаси ва иссиқ таъсир этиш зонасындағи доналарнинг үлчамлари, тузилишидеги үзгаришлари ва бошқалар аниқланады.

Пайвандчокларнинг пинхона нұқсонлари буюмларни бузмаган ұолда ультратовуш, магнитографик, рентгенографик услублар деб аталған илғор назорат услублари билан аниқланады.

#### 5. 4. Механик ишлов беріб ҳосил қилинадиган ашёлар

##### 5. 4. 1. Кесиб олинадиган буюмларнинг сипат күрсаткышлари

Босим остида ишлов беріш, қуйиш, пайвандлаш услублари билан ҳосил қилинған буюмлар берилған аниқликда бұлмайды. Штамплаш ва махсус қуюв баъзи турларынан бундан истиснодир. Кесиб-йұниб иш-



32-расм. Металларни йўниб кесиш жараёнининг схемаси

лов беришда заготовка юзи текисланиб тайср буюмга айланади. Бунда заготовкадан арайишга қолдирилган метал қатлами кески асбоб билан олиб ташланади. Шунинг учун ҳам кесиб-йўниб ишлов бериш сўнгги мажбурий жараён бўлади.

Профессор И. А. Тимс кесиш жараёнининг асосларини ишлаб чиқишига катта ҳисса қўшди. Кесиш-йўнишнинг назарий асосларини кўпгина олимлар К. А. Зворикин, А. В. Гадолин, Я. Г. Усачев, Ф. Я. Ёкубов, Р. Г. Маҳкамов ва бошқа кишиларнинг асарларида янада ривож топтирилди.


Металларга кесиб-йўниб ишлов бериш — қимматга тушидиган мавзудатли жарааси бўлиб металнинг анча қисми қириндига чиқиб кетади. Шу қиринди кейин прессланади. Аммо қириндиди пресслаш ва ундан кейинчалик фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатдан нафи йўқ. Лекин шунга қарамай чиқитсиз ва камчиқит технологик жараёнлардан кенг кўламда фойдаланиш заготовка ва ярим фабрикат ишлаб чиқаришнинг ҳамма усуllibарини янада ривожлантириш жуда муҳимдир. Металл қирқувчи станоклар металларга кесиб ишлов бсралди.

Станокда ишлов беришда заготовка ва асбоб маҳкамлаб қўйилади ва бири-бирига нисбатан ҳаракат қилади. Икки тур ҳаракат бўлади: асосий кесиш ҳаракатида асбоб заготовкага қадалиб ундан қиринди ажратади ва ёрдамчи келтириш ҳаракатида металнинг янги-янги қатламлари асбоб тагига келтирилади. Арайишлар турли кесувчи асбоблар билан олиб ташланиши мумкин. Бу асбоблар ғоят хилма-хил булишига қарамай кўп муштарак томонлари бор ва ўткир қилинган носимметрик пона сифатида ишлайди (32-расм).

Қүйилган Р күч таъсири натижасида асбоб заготовкага қадалади ва металли кесади. Күч таъсири металл зарраларининг тишлишув кучидан ортиб кетса металл деформацияланади бошлайди. Асбоб заготовка юзи бўйлаб ҳаракат қиласар экан асбоб остида чуқурликда бўлган деформация этилаётган металл зарралари кўчирила бошлайди.

Йўниш, пармалаш, тараашлаш, фреззлаш, силлиқлаш металларга станокда ишлов беришнинг асосий турларидир. Айланастган жисмларнинг сиртқи ва ички юзига, шунингдек спираль ва винт сиртларга кески ёрдамида ишлов бериш жараёни йўниши ёки токарлик ишлови дейилади (33-а, расм). Йўниш чогида заготовка ўз ўқи теварагида айланади (кесиши бош ҳаракати), кески эса илгарилама ҳаракат қиласади. Ишлатилаётган кескилар бажарадиган ишига қараб ташки сиртларга ишлов бераб ўтадиган кескиларга, ён сиртларга ишлов берадиган қирма кескиларга, ички сиртларга ишлов берадиган йўнма кескиларга, заготовкаларни қирқадиган кескиларга, резьба ўядиган кескиларга ва бошқа хил кескиларга бўлинади.

Пармалаш (33-б, расм) — ашёларда парма ёрдами билан паррон тешиклар ва коваклар ўйиш операциясидир. Пармалаш чогида ода да заготовка қўзғалмас қилиб маҳкамланади, парма э . бош айланма кесиши ҳаракатида



33-расм. Металларни кесиб ишлашнинг асосий турлари:  
I — бош кесиши йўнилиши; II — ёрдамчи юбориш ҳаракати.

ва тобора кириб бориш ҳаракатида бұлади. Парманнинг ишчи қисміда иккита кесувчи қирра бұлади, ундағы иккита спираль ариқчалардан қиринді чиқиб туради. Ишлов бериладиган заготовкаларнинг тузилиши ва ҳарактерига қараб спираль пармалар, халқа пармалар, түп пармалар ва бошқа хил пармалар бұлади. Зенкер ва разверткалар ёрдами билан зенкерлаш ва очиши орқали тешик тайёрлаш аниқлиги оширилади. Зенкер ва разверткалар күпдан-күп чогроқ кесувчи қирралари билан пармалардан фарқ қиласы.

**Фрезлаш** (33-а, расм) — фреза ёрдамида текисликлар, айланыётган жисмлар юзига, заготовкаларнинг ариқлари, үйиқ жойларига ишлов бериш усули, заготовкаларни бұлак-бұлак қилиб кессиши, тишли гилдираклар үйиш ва ҳоказо ишларни бажариш усулидир. Бунда фреза кесадиган асосий айланыш ҳаракатида бұлади, ишлов бериләтгандан заготовка эса күпроқ илгариланма береб туриш ҳаракатида бұлади. Фрезалар бажарадиган ишининг ҳарактерига күра цилиндрик (гұла), ариқча очувчи, кесувчи, кулча (диск) ҳолида, фасонлы, учига ишлов берувчи, тиши очувчи турларга бўлинади. Цилиндрик фрезалар текисликларга ишлов беришда қўлланади; кесувчи фрезалар — заготовкаларни бұлак-бұлак қилиб кессиши ва камбар ариқчалар (пазлар) очишга; кулча фрезалар ишлов бериләтгандан мувофиқ профил бўйича ариқчалар очиш, ён сиртлар, фасон сиртлар ва дўмбоқ жойларга ишлов беришга; тиши очадиган фрезалар эса — тишли гилдираклар очишга мўлжалланган бўлади.

Илгариланма — қайтма ҳаракат қилиб турған текис ва фасонли сиртларга кескилар билан ишлов бериш усулига тараашлаш (строгание) дейилади (33-г, расм). Тараашлашда асбоннинг ишлов бериләтгандан сирт йўналишига нисбатан ясовчи ва уринма бўйлаб тўгри ҳаракати асосий кесиши ҳаракати бўлади. Тараашлаш йўнишдан фарқли ўлароқ тиним билан бажарилади, яъни иш бажариладиган юришда ва салт юришда бўлади.

**Силлиқлаш** (пардоэлаш) — металларга кесиб ишлов берининг энг күп тарқалған пардоэ бериш усули бўлиб 6—7 квалитеттегача аниқликдаги ашёларни олишга имкон беради. Силлиқлашда (33-д, расм) ғоят қаттиқ абразив асбоб айланма ёки илгариланма ҳаракат қиласы, ишлов бериләтгандан заготовка эса — ёрдамчи айланма ёки илгариланма ҳаракатда бўлади. Табиий ва сунъий абразив асбоб бўлади. Табиий асбоб төғ жинсларининг

бұлакларидан, сунъийси эса үзаро бөгловчи материал воситасида бириккан табиий әки синтетик абразив доналаридан тайёрланади. Олмос (энг қаттық минерал — углерод, кристали), корунд (гилтупроқ, кристали, жилвир, руда корунд) ва кварц (кремний кристалл оксиди) энг күп тарқалған табиий минераллардир, электрокорунд, кремний карби迪, бор карби迪, синтетик олмос, шунингдес бор нитриди (эльбор) ва ҳоказолар сунъий минераллар ҳисобланади.

Абразив материаллардан махсус кескилар, пардоз кулча тошлар, қайроқ тошлар, жилвир қозғоз ва жило кукунлари тайёрланади. Қаттықлық ва донадорлик (доналарнинг катталиги) пардоз асбоблари иш сифатининг күрсаткычларидир.

Силлиқловчи асбоблар қаттықлигининг етти класси бор: юмшори M1, M2 ва M3; ўртача юмшоқ — CM1 ва CM2; ўртача — C1 ва C2; ўртача қаттық — CT1, CT2 ва CT3; қаттық — T1 ва T2; гоят қаттық — BT1 ва BT2 ҳамда ҳаддан ташқари қаттық ЧТ1 ва ЧТ2. Абразив асбобнинг донадорлиги уч гурӯҳдаги доналарнинг ўлчамлари билан характерланади: № 16 дан № 200 гача борадиган пардоз дона, № 3 дан № 12 гача борадиган пардоз кукун ва № 5 дан № M40 гача борадиган микрокукунлар. Бу ерда пардоз дона билан пардоз кукун номери доналарнинг миллиметрнинг юздан бир неча улушича ўлчамларини, микрокукун номери эса миллиметрнинг мингдан бир неча улушича ўлчамларини күрсатади.

Бөгловчи моддалар керамикали, бакелитли ва вулканитли бұлади.

#### 5. 4. 2. Кесиб олинған тайёр буюмларнинг сифат күрсаткычлари


Кесиб олинған буюмлар сифатининг энг муҳим күрсаткычлари — уларни тайёрлаш аниқлиги, яғни ашे ўлчамлари, шакли, юзининг ғадирлиги ва бошқа параметрларнинг чизмалар ва техник шартларда күрсатылған қыйматларга мувофиқ келишидір (кесиб ишлов берішда материалнинг хоссаси ұзгармайды). Бундай мувофиқлық буюмларга ишлов беріш аниқлик даражасини белгилаб берувчи мақбул фарқ ва үтказиш системасининг талабларидан ва бошқа норматив ҳужжатлардан келиб чиқиб аниқланади.

Деталлар ва ашёларнинг геометрик параметрлари СМАД системасининг (станок — мослама — асбоб — деталь) деформацияланиши, ишчининг хатоси ва бошқа сабаблардан одатда ҳисобий параметрлардан фарқ қиласди. Асосий (номиналь) ўлчамлар эксплуатация талабарини назарда тутиб аниқланади ва четлашишлар ҳисобининг боши бўлиб хизмат қиласди. Деталларнинг ўлчаб аниқланадиган ҳақиқий ўлчамлари йўл қўйиладиган миқёсдан чиқиб кетмаслиги керак. Ҳақиқий ўлчам билан номинал ўлчам ўртасидаги алгебраик тафовутга ҳақиқий четлашиш дейилади. Марра ўлчамлар деб ўлчамнинг йўл қўйиш мумкин бўлган шундай икки марра қийматига айтилади, бу қийматлар ўртасида яроқли деталнинг ўлчами ётмоғи керак. Шу ўлчамлардан каттароги энг катта марра ўлчам, кичикроғи эса энг кичик марра ўлчам дейилади. Чизмаларда марра ўлчамлар номиналь ўлчамдан юқорига ва пастга тойилишлар миқдори билан белгиланади.

Энг катта марра ўлчам билан номиналь ўлчам ўртасидаги алгебраик тафовутга юқориги марра тойилиш (ЮТ) деб, энг кичик марра номиналь ўлчам билан номиналь ўлчам ўртасидаги тафовутга қуви марра тойилиш (ҚТ) деб аталади. Бинобарин, деталнинг энг катта марра ўлчами номиналь ўлчам билан тегишли ишорадаги юқори тойилиш йигиндисига, энг кичик марра ўлчам эса, номиналь ўлчам билан қуви тойилиш йигиндисига teng бўлади. Тойилишлар мусбат, манфий ва нолга teng бўлиши мумкин (34-расм). Энг катта ва энг кичик марра ўлчамлар ўртасидаги, шунингдек юқори ва қуви тойилишлар ўртасидаги алгебраик тафовутга б ўлчамининг мақбул фарқи дейилади. Мақбул фарқ яроқли деталь ҳақиқий ўлчамида мумкин бўладиган ўзгаришлар миқдорини, яъни ишлов бериш аниқлигини белгилаб беради (кичикроқ мақбул фарқقا анча юксак ишлов бериш аниқлик даражаси тўгри келади).

Фазонинг марра ўлчамлар билан чекланган қисмига мақбул фарқ майдони дейилади. Мақбул фарқ жадваларида марра тойилишлар микрометрлар билан кўрсатилади, чизмалarda эса, бирмунча майдароқ ҳарфлар билан миллиметрларда кўрсатилади. ЮТ номиналь ўлчамдан бирмунча юқорига, ҚТ эса бирмунча пастга қўйилади (мақбул фарқ майдонларининг жадвал тасвирида ноль чизиқ ҳолати номиналь ўлчамга мувофиқ келади).

Масалан,  $\varnothing 50 \pm 0,035$ . Бу ерда деталь ишловига қўйиладиган мақбул 0,025 фарқ 0,06 мм га тенг. Тойилиш



34-расм. Турлича ўтқазишлар учун мақбул фарқ майдонларининг жойлашиши:

**СЭКЧ ВА СЭКТ** — энг кичик ва энг катта оралықтар. **N<sub>Экч</sub>** ва **N<sub>Экт</sub>** энг кичик ва энг катта таңглик, **да** — тешикнинг мақбул фарқи. **дв** — валининг мақбул фарқи;

1 — тешикнинг мақбул фарқи; 2 — валлиниг мақбул фарқи майдони; 3 — тешикнинг энг катта ўлчами; 4 — номинал пайваста ўлчам; 5 — тешикнинг энг кичик ўлчами; 6 — валнинг энг катта ўлчами; 7 — валнинг энг кичик ўлчами.


мутлақ қийматлари тенг бұлиб қолса, уларнинг миқдори номиналь үлчам ёнида бир марта ± ишораси билан күрсатилади (масалан,  $60\pm0.03$ ). Биринчи деталь учун энг катта марра үлчам  $50+0,035-50,035$  мм га тенг, энг кичик марра үлчам эса  $50+(-0,025)-49,975$  мм га тенг.

Бири иккинчиси билан бириктирилган иккита ёки бир неча деталлар пайваста деталлар бұлади. Деталлар пайваста бұладиган сирт ёки үлчамлар пайваста бұладиган сиртлар ёки үлчамлар дейилади. Деталларнинг нечоғлик құзгалувчан ёки құзгалмас булишини таъминловчи бирикиш характеристига үтқазиш дейилади. Бирикмада қопладиган ва қопланадиган деталлар бұлади ва улар шартлы равища тешик A ва вал B деб аталади.

Ҳамма хил үтқазишлар учта асосий гуруҳга булинади (34-расм): оралиқ *a* қолдириб үтқазиш (ҳаракатланадиган бұлади), бунда пайваста деталлар ўртасида албатта энг кичик оралиқ қолдирилган бұлади; тиқилиб үтқазиш б ёки құзгалмас ва ажралмас қилиб пресслаб үтқазиш, бунда пайваста деталлар йигилгүніга қадар улар ўртасида албатта тиқилиш бұлади (тиқилиш важидан вужудға келувчи қайышқоқ деформация оқибатида келиб чиқадын-ған күчлар важидан деталларнинг құзгалмаслиги таъминланади) ва ниҳоят құзгалмас, лекин ажраладиган иккى хил ҳолатли үтқазиш в бұлади. Бундай үтқазиша пайваста деталларнинг конкрет ҳақиқий үлчамларына қараб оралиқ, шунингдек тиқилиш ҳосил булиши мүмкін. Бу хил үтқазишларда құшимча маңкамловчи деталлар (шпонка, штифт ва ҳоказолар) воситасида бирикиш құзгалмайдын қилиб қойылади.

Тешик ва вал мақбул фарқлари муайян майдонларини жуфтілаб зарур үтқазиш вужудға келтирілади, чунончы бу иш ё тешик системасида, ёңд вал системасида қилинади, тешик системасида тешик асосий деталь бұлади, уннинг пайваста деталлар бирдей номиналь үлчамлари ва бирдей аниқлик учун марра үлчамлари доимий бұлиб қолаверади, тегишли үтқазиша эса вал марра үлчамларини ұзартырыш орқали эришилади. Аксинча вал системасида вал асосий деталь бұлади, пайваста деталь шу номиналь үлчами ва шу аниқлик учун марра үлчамлари доимий бұлиб қолаверади, зарур үтқазишларга эса тешикларнинг марра үлчамларини ұзартырыш орқали эришилади.

Деталь үлчамларына белгиланадиган мақбул фарқларни деталларнинг үзини тасвирламай схематик равища күрсатып мүмкін. Бунда муайян масштаб билан мақбул




35-расм. Ўтқазишларни ұсайл қилиш схемаси.

фарқ майдонларигина күрсатилади (35-расм). Расмдан күриниб туришича (35-а, расмдаги тешик системасида) асосий тешикнинг мақбул фарқи ноль чизиқдан мусбат томон сари йұналған (юқорига тойилиш + ишораси билан белгіланади, пастта тойилиш эса нолга тенг), (35-б, расмдаги вал системасида) асосий валнинг мақбул фарқи эса ноль чизиқдан манфий томон сари йұналған (юқорига тойилиш нолга тенг, пастта тойилиш эса – ишораси билан белгіланади). Юқорида келтирилған икки системадан тешикка ишлов беришда құлланадиган үлчам асбоблари (протяжка, развертка ва бошқалар) сони камлиги туфайли тешик системаси афзal тутилади.

Аммо баъзи ҳолларда, масалан битта валга турли хил үтқазишлар билан бир неча деталь (тешик) турадиган бўлса, вал системасини ишлатиш мақбул бўлади.

Халқаро мақбул фарқ ва үтқазишлар системаси ИСО асосида яратилған системада бирон үтқазишнинг амалий аҳамиятини назарда тутиб 1—500 мм үлчамлар учун тешик ва вал мақбул фарқлари 27 тадан қилиб белгиланган. Тешиклар лотин алифбосининг катта ҳарфлари (A, B, C...) билан, валлар эса кичик ҳарфлари билан (a, b, c...) белгиланади. Мақбул фарқларнинг жадвалларida күрсатилған барча тешик ва валлар учун

Д номиналь ўлчамига қараб ноль чизигидан мақбул фарқ майдонининг энг яқин чегарасига қадар координата  $L$  берилади (36-расм). Аслида IA, IB, IC... ва ҳ.к. тешиклар ҳамда  $Ia$ ,  $Ib$ ,  $Ic$  валлар учун ушбу координата  $L$  ноль чизигидан юқорида жойлашган барча тешиклар ва валлар учун (тешиклар A дан H гача ва валлар k дан zc гача) қўйига тойилиш бўлади, ноль чизигидан пастда жойлашган барча тешик ва валлар учун эса — юқорига тойилиш бўлади. Шу тешик ва вал учун бу тойилишлар миқдори номиналь ўлчамгагина боғлиқ бўлади (аниқликка эса боғлиқ бўлмайди). Ҳар бир тешик ва вал учун стишилдиган иккинчи тойилиш мақбул фарқни қўшиб аниқланади (бунда тойилиш ишораси назарда тутилади).



36-расм... АСО ва СЭВ системасида мақбул фарқ майдониларининг жойлашиш схемаси.

Мақбул фарқ қабул қилинган аниқлик квалитети билан олинади.

СЭВ мақбул фарқлари ва үтқазишлари системасыда 19 та аниқлик квалитети күзде тутилған: аниқлик пасайиш тартиби билан 0,1; 0; 1; 2;...17 гача боради. Ҳар бир квалитет мұайян мақбул фарқ бирліклери сони билан характерланади. Мақбул фарқ бирлигі (1)

$$i = 0,45 \vartheta_{dp} + 0,001 d_{dp};$$

формуласыдан топилади. Бунда  $i$  — микрон ҳисобидаги үлчам,  $d_{dp}$  эса, мм билан олинған.

Мақбул фарқлар  $IT$  рамзи, квалитет тартиб номері билан белгиланади, масалан  $IT7$  булади. 36-расмдан ва асосий деталь мақбул фарқ майдонининг қабул қилинган бир ёқлама жойлаштырилишидан келиб чиқиб тешик системасыда  $H$  тешиги асосий тешик учун, вал системасыда эса  $h$  вал асосий вал учун танлаб олинади. Тешик системасыда оралиқ қолдирладын үтқазишлар тегишли квалитеттегі, масалан, еттинчи, яғни  $H7$  квалитеттегі  $H$  тешигини  $a, b, c, cd, d, e, ef, f, fg, g, h$  валлари билан бир хил келтириш орқали ҳосил булади; тиқилюп үтқазишларда  $H$  тешиклари  $P, R, S, \dots, Za, Zb, Zc$  валлари билан ва икки ҳолли үтқазишида  $H$  тешиги  $j, k, m, n$  валлари билан бир хил келтириләди. Вал системасыда тегишли квалитеттегі  $h$  вални  $A, B, C, \dots, H$  тешиклари билан хил келтириш натижасыда вужудга келади: тиқилюп үтқазишида  $h$  вал  $P, R, S, \dots, Za, Zb, Zc$  тешиклари билан ва икки ҳолти үтқазишларда  $h$  вали  $Is, K, M, N$  тешиклари билан хил келтириләди.

Чизмалarda үтқазишларни белгилашга мисоллар:

Чизмада	Тешик системасыда			Вал системасыда		
	оралиқ қолдиріб	тиқилюп	икки ҳолли	оралиқ қолдиріб	тиқилюп	икки ҳолли
Ингилганиң долида	$\varnothing 50H7/b7$	$\varnothing 65H8/r8$	$\varnothing 80H7/k7$	$\varnothing 55H7/h7$	$\varnothing 70T6/h6$	$\varnothing 55M8/h6$
Тешик	$\varnothing 50H7$	$\varnothing 65H8$	$\varnothing 80H7$	$\varnothing 55B7$	$\varnothing 70T6$	$\varnothing 55M8$
Вал	$\varnothing 50\delta7$	$\varnothing 65r8$	$\varnothing 80k7$	$\varnothing 55h7$	$\varnothing 70h6$	$\varnothing 55h6$

Деталларни үтқазишиң ва үлчам тойилишларининг ҳарфий белгилари сериялаб ва күплаб ишлаб чиқариш учун қабул қилинған булып деталлар марра калибрлар ёрдамида назорат этилади. Якка тартибда ишлаб чиқариш

шароитларида деталь үлчамларининг тойилиши рақам шаклида қўйиб чиқилади, чунки деталлар универсал назорат-ўлчов асбоби ёрдамида назорат этилади.

Деталларга ишлов беришда сирт гадирлигини кетка-зишга катта аҳамият берилади. Амалда деталлар сиртини идеал равишда силлиқ қилиб бўлмайди, зеро уларнинг юзида ҳамиша асбонинг изи қолади ва бу нарса ҳар хил шакл ва үлчамдаги нотекисликларни вужудга келтиради. Микро нотекисликлар деталларнинг эксплуатация хоссаларига анча таъсир кўрсатади.

Деталь юзининг гадирлигига параметрлар комплекси билан баҳо берилади, профилнинг ўртача арифметик тойилиши  $R_a$  ва нотекисликлар бўйи  $R_z$  шуларнинг энг муҳимлари ҳисобланади. Шу параметрларнинг қийматлари стандартлар билан нормалаштирилади:  $R_a$  учун 100 дан 0,008 мкм гача ва  $R_z$  учун 1000 дан 0,125 мкм гача бир қанча қийматлар берилади, шу қийматлар бир-биридан 1,25 геометрик прогрессия кўрсаткичи билан фарқ қиласди.

Конструкторлар аниқлик ва гадирлик кўрсаткичларини эксплуатация талабларига қараб танлайдилар. Деталь юзининг энг мақбул аниқлик ва гадирлигини таъминлаш муҳим ҳалқ ҳўжалик аҳамиятига эга, зеро ишлов бериш аниқлигини асосиз равишда ошириш натижасида меҳнат унумдорлиги пасайиб маҳсулот таннархи кўтарилиб кетади.

Ишлов бериш иқтисодий аниқлиги деб шундай аниқликка айтиладики, олинган ишлов бериш усулида унинг таннархи бирдай аниқлик даражасини таъминлайдиган бошқа хил ишлов бериш усулининг таннархидан ошиб кетмайди.

Деталь ва ашёлар тайёрлаш аниқлиги машинасозликда ўзаро алмашинув принципидан фойдаланишга имкон бсрди. Шу принципга биноан бир цехда тайёрланган деталь қўшимча ишлов берилмаса ҳам иккинчи цехда, ёки бошқа бир заводда ишлатилаверилиши мумкин.

### 5. 5. Металл сарфини тежашнинг асосий йўналишлари

Янги хил илгор полимер материаллар ва бошқа хил нометалл материаллар ишлаб чиқариш ва жорий этиш кейинги йилларда анча купайиб қолганлигига қарамай металлар машинасозлик, транспорт ва саноатнинг бошқа жуда муҳим тармоқлари учун ҳамон асосий хом ашбўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам фан-техника тараққиётининг ўсиши бундан буён ҳам конструкцион материалларнинг асосий турлари — металл ва металл қотишмаларнинг ўсиши билан белгиланади.

Республикамизда металл ва металл маҳсулотлар ишлаб чиқариш муттасил күпайиб бормоқда. Айни маҳалда металлардан фойдаланиш, айниқса улардан машинасозликда фойдаланиш (бу соҳа тайёр металл маҳсулотларининг 60 фоизига яқинини истеъмол этади) самарадорлиги ҳамон паст бўлиб қолмоқда. Металл ҳамиша етишмайди, унинг тахчилиги бир қанча тармоқларни, айниқса аввало машинасозликнинг ривожланишини тұхтатиб туради. Бунга сабаб металл ишлаб чиқариш ва истеъмол этиш жараённанда металл маҳсулотлар анча нобуд бўлади.

Металлдан, шунингдек бошқа баъзи тур моддий ресурслардан мавжуд фойдаланиш даражаси бизда миллий даромад бирлигига нисбатан баъзи мамлакатлардагига қараганда анча кўп маблаг сарфлашимизга сабаб бўлмоқда. Ҳолбуки, қўшимча ишлаб чиқарилган ҳар тонна металл давлатга йилдан-йилга тобора қимматга тушмоқда. Ҳозир халқ хўжалигининг муттасил ўсиб бораётган эҳтиёжларини металл маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириб бориш билан эмас, балки техника ва технологиянинг ресурсларни тежайдиган турларини кенг кўламда жорий этиш, қатъий тежаш режимини кенг кўламда жорий этиш асосида металлдан фойдаланишини интенсивлаш асосида қондириш мақбул ҳисобланади.

Иқтисодиётни ривожлантиришда ресурсларни тежаш муҳим вазифалардандир. Металлни тежаш муаммоларини ҳал этиш йуллари хилма-хилдир, чунончи, фан-техника тараққиёти ютуқларидан ҳамма чоралар билан фойдаланиш, чиқитсиз ва камчиқит ишлов бериш технологияларини жорий этиш, хом ашёни янада комплекс ҳолда қайта ишлаш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилаш, иккиласмчи ресурслардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш ва бошқалар ҳисобига тайёр маҳсулот чиқишини кўпайтириш шулар жумласидандир. Металл маҳсулотнинг янги илгор ва гоят тежамли турларини ишлаб чиқариш ва қўллашни янада кўпайтириш, саноатнинг ҳамма тармоқларида конструкцион материал тузилиши ва сифатини яхшилаш, материалларнинг пишиқлик ва коррозияга қарши хусусиятларини юксатириш ресурсларни тежашнинг энг муҳим йұналишларидан ҳисобланади. Металлургияда коррозияга чидамли металл—легирланган пўлатлар, кўп қат металл композициялар, металл маҳсулотларининг самарали тур-

ларидан бұлған паст легирланған пұлатдан ишланған прокат, әгілған, шаклли ва аниқ профиллар, металл күкүн ишлаб чиқаришиң күпайтириш, машинасозлик ва металларга ишлов беришдеги темирчилик-пресслаш ишлаб чиқаришида камчиқит ва чиқитсиз усулларни, құймачиликда заготовкаларни тайёр маҳсулот үлчамлари ва шаклларында мүмкін қадар яқынлаштиришиң таъминловчи маҳсус қуюс усулларини жорий этиш күзде тутилади. Шу вазифаларни ҳал этиш учун металлургия саноатини ривожлантиришга мұхым ажамият берилади. Бу ерда гап мартен усули билан пұлат ишлаб чиқариш үрніга кислород-конвертор усули ва айниқса электр воситасыда әритиш усулинин алмаштириш тұғрисида, құймалардан катанка ҳосил қилиш үрніга пұлатны узлуксиз қойниш воситасыда саноат күламида құйма заготовка чиқариш тұғрисида бораётір. Мана шу омылларнинг ўзи ҳисобигагина күплаб ишлатыладын металларнинг пишиқтігінің үрта ҳисобда 15—18 фоиз күтарилади. Ранги металлургияда ресурсларни тежайдиган автоген жарасындардан фойдаланиш туфайли 35 фоиз мис, құрғошин ва никель ишлаб чиқариш таъминланади.

Прокат ишлаб чиқариш технологиясини ривожлантириш янада аниқ үлчамдаги прокат профиллар олиш учун қаттық клетлардан фойдаланиш, юксак самарали металл ва полимер қопламали металл маҳсулотлар ишлаб чиқаришиң күпайтириш билан боғланған. Қора металл прокати илгор сортаментини ишлаб чиқаришга жорий этиш кейинчалик ҳар йили 6 млн тоннага яқын металлни тежашга имконият беради. Металл күкүнлар ишлатыш натижасыда ҳар қандай шаклдаги деталларни чиқитсиз тайёрлаш ва катта иқтисодий самара ҳосил қилиш мүмкін бұлади. Шу билан биргә улар пұлат, мис, жез, никель ва бошқа металлар ҳамда қотишималар үрнида ишлатылади. Минг тонна металл күкүн 2,5 минг тонна металл үрнини босиб 80 та металл қирқувчи станокни ва 190 та малакали станокчининг құлнини бұшатиши аниқланған. Күкүнлардан тайёрланған буюмлар металл буюмларға нисбатан икки баравар күпгә чидайди.

Металлни нотұғри таҳлаш ва сақлаш билан боғланған ташкилий нобудгарчиликтарни камайтириш ҳисобига анча металл тежалиши мүмкін.

## КИМЁ САНОАТИ МАҲСУЛОТИ

### МАМЛАКАТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИМЁЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти ва ҳаётида кимёнинг роли ниҳоятда катта. Олимларимиз И. А. Каблуков, Н. С. Курнаков, А. Е. Фаворский, М. А. Ильинский, Н. Н. Семенов, Н. Д. Зелинский, С. В. Лебедев, А. Н. Несмеянов, А. Е. Арбузов, В. А. Каргин, А. А. Гринберг ва бошқалар кимёни ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг асарлари оламга машҳур бўлди.

Мамлакатимиз кучли кимё саноатига эгадир. Унинг ривожланиш суръатлари халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг уртача ривожланиш суръатларидан анча юқоридир.

Кимё саноатининг маҳсулоти халқ хўжалигининг барча тармоқларида кенг кўламда қўлланади ва шартли равишда ноорганик ва органик кимё маҳсулотларига бўлинади.

Тошкўмир, нефть ва газни кимёвий қайта ишлаб металлургия кокси, мотор ёқилғи ва сурков мойи, пластмасса, синтетик каучук, кимёвий тола, синтетик кир ювиш воситалари, лак-бүеқ материаллар, рўзгор кимё товарлари, дори-дармон ва бошқа моддалар олинади. Ёғочдан целлюлоза, қоғоз, метил ва этил спирти, сирка кислота, ацетон, канифоль ва бошқа кўп нарсалар ишлаб чиқарилади. Ноорганик кислота, каустик сода, кальцинацияланган сода, амиак, хлор, водород, азот, кислород, шиша, совун ва бошқа нарсалар кимё саноатининг маҳсулотларидир.

Кимё саноати мамлакат қишлоқ хўжалигига минерал ўғит, ўсимликларнинг кимёвий муҳофаза воситалари, чорвачиликка эса — оқсил моддалар, витаминалар ва ҳар хил биологик моддалар тайёрлаб бериш билан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши интенсивлигини юксалтиришга ҳамда мамлакат озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажарилишига кўмак беради.

Кимёлаштириш ишлаб чиқариши интенсивлаш ва унинг самарадорлигини ошириш, моддий ресурслар ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежаб фойдаланиш учун кимё технологиясининг илгор услубларини, кимёвий хом ашё, материаллар ва шулардан ишланган буюмларни

халқ хұжалигига жорий этишни мақсад қилиб құяди. Масалан, машинасозлика кимелаштириш полимерлар, пластик массалар, лак-бүёқ материаллар, резина-техника буюмлари ва бошқалардан конструкцион, коррозияға қарши, изоляцион, антифрикцион материаллар ва бошқа материаллар сифатида фойдаланишни күзде тутади. Булар қора ва рангли металларни ва бошқа таҳчил материалларни тежашни, машина деталлари массаси ва таннархини пасайтиришни ва уларнинг хизмат муддатини оширишни таъминлайди. Қурилиш индустрисида шу материаллардан фойдаланиш ёғоч, металл, цементни тежашга ишшоот сифатини ошириш ва айни маҳалда уларнинг массасини камайтириш, пухталигини оширишга ҳамда қурилиш конструкцияларининг эксплуатация хоссаларини яхшилашга имкон беради. Енгил саноатни кимелаштириш рўзгор ва техника мақсадлари учун пахта, юнг, луб каби табиий толалар ўрнига сунъий ва синтетик кимёвий толадан фойдаланишни күзде тутади ва тўқимачилик саноати кимёвий базаси кенгайишини, янада илгор ишлаб чиқариш технологиясини жорий этишни, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилашни таъминлайди.

Пойабзal саноатида табиий күн ўрнида сунъий күн ҳамда пойабзal тагчарми ўрнида полимер материаллар ишлатилиши, шунингдек пойабзal деталларини кимёвий усууллар билан биректириш ишлаб чиқариш самарадорлигини анча оширади, солиштирма капитал харожатларни 4 баравардан зиёд камайтиради. Озиқ-овқат саноатини кимелаштириш металл тарани коррозиядан сақлаш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари ва лак-бүёқ материалларни полимер материаллар билан ўрашда фойдаланишни билдиради. Қишлоқ хұжалигига минерал ўғит, ўсимликларни муҳофаза қилиш учун ва бегона ўтларга қарши курашда кимёвий воситалар ишлатиш ўсимлишкуннослик маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилашга ёрдам беради, чорвачиликда кимёвий озиқа ва витаминалардан фойдаланиш унинг маҳсулдорлигини күпайтиришга күмак беради.

Келажакда ресурсларни тежайдиган техника ва технология турларни ҳамма ерда ишлаб чиқаришга жорий этиш, хом ашёдан комплекс равиша фойдаланиш, ишлаб чиқариш истеммолида табиий материаллар ўрнига кенг күламда синтетик материаллар ишлатиш, машинасозлика илгор композицион материаллар ва пластмассалар ишлатишни күпайтириш мүлжалланади. Халқ хұжалигини

кимёлаштириш учун илгор техника турларини ишлаб чиқариш, шу жумладан метанол, корбамид, этилсін ва пропилен, синтетик каучук, оқсил-витамин концентратлар ва табиий газ тайёрлайдиган автоматлаштирилган линиялар ривожлантирилади. Кимё ва нефть кимёси саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини күпайтириш, ассортиментни көнгайтириш ва унинг сифатини ошириш мүлжалланади. Келажакда минерал ўғит ишлаб чиқариш ўсимликларни кимёвий муҳофаза этувчи кимёвий воситалар, синтетик смола ва пластмассалар, кимёвий тола ва ип ишлаб чиқариш күпайтирилади. Замонавий конструкцион пластик массалар ва бошқа полимер материаллар ишлаб чиқариш жадал ривожланиши таъминланади, янги турғоят пишиқ ва юксак модулдаги кимёвий тола ва ип ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

## 6 - БОБ

### НООРГАНИК КИМЁ МАҲСУЛОТИ

Кислоталар, сода маҳсулотлар, минерал ўғитлар, ўсимликларни муҳофаза этиш кимёвий воситалари, шунингдек саноаттинг баъзи ноорганик газлари ва ҳоказолар ноорганик кимёнинг муҳим маҳсулот турларига киради.

Эритмаларда водород ионларини ҳосил қилиб диссоциацияланувчи моддалар *кислоталардир*. Сульфат кислота, азот кислота, хлорид кислоталар кучли кислоталардан ҳисобланади. Ҳамма кислоталар асослар ва металлар билан ўзаро таъсирга киришади, кимёвий индикаторлар тусини ўзгартиради, масалан, лакмусни қизартыради ва нордон тамли бўлади.

*Сода маҳсулотлар* карбонат кислотанинг ( $H_2CO_3$ ) натрий тузи ва натрий гидроксиди ( $NaOH$ ) бўлмиш кимёвий моддалардан иборатdir.

*Минерал ўғитлар* асосан тузлардан иборатdir. Улар кристалл тузилишга эга, сувда яхши эрийди, гигроскопик (буғ ютар) ва уюшиб қолувчандир.

Водород, хлор, аммиак, кислород ва азот энг кўп тарқалган *ноорганик саноат газлари*dir.

#### 6.1. Сульфат кислота

Сульфат кислота — кимё саноатининг энг муҳим ва энг кўп истеъмол этиладиган маҳсулотларидан биридir.

У бирмунча арzon кислоталар қаторига киради. Улар таркибидағи бегона аралашмалар ва концентрацияси билан бир-бираидан фарқ қиласы.

Концентрацияланган ёки сувсиз сульфат кислота (моногидрат)  $H_2SO_4$  түссиз ва иссиз мойсимон оғир суюқликдан иборатдир. Моногидрат зичлиги  $1,85 \text{ г}/\text{см}^3$ , қайнаш ҳарорати  $296^\circ\text{C}$ , кристалланиш ҳарорати  $10^\circ\text{C}$ . Аммо сульфат кислотанинг бу хоссаси унинг концентрацияси ўзгаришига қараб ўзгаради.

Бегона аралашмалар кислотанинг рангини сарғыш ёки қорамтиргача ўзгартиради. ГОСТга биноан сульфат кислота паст музлаш ҳарорати, сақлаш ва ташиш қулайлигини таъминловчи муайян концентрацияда чиқарлади. Сув билан яхши аралашиб сульфат кислотанинг ўзига хос хусусиятидир. Чунончи аралашиб жараёнида кўпдан-кўп иссиқлик чиқади.  $100 \text{ фоизли}$  сульфат кислотадаги  $SO_3$  эритмаси олеум ( $H_2SO_4 \cdot nSO_3$ ) деб аталади. Олеум зичлиги  $1,9 \text{ г}/\text{см}^3$  бўлган рангсиз мойсимон суюқликдир, ҳавода бурқсиб сульфат кислотадан туман ҳосил қиласы.

Сувсиз сульфат кислота жуда фаол бўлиб металл оксидларини эритади, ҳарорат кўтаришганда эса уларнинг тузларидан бошқа ҳамма кислоталарни сиқиб чиқаради.

Концентрацияланган сульфат кислота — бошқа кислоталар, туз кристалгидратлари, шунингдек карбонсувлардан самарали сув тортувчи воситадир. Шунинг учун ҳам у нитрат кислота ва бошқа кислоталарни концентрациялашда, нам газларни қуритишда ишлатилади ва ҳоказо. Сульфат кислотага теккан қанд, целлюлоза, крахмал ва бошқа органик маҳсулотлар кўмирга айланади. Ишлаб чиқариш усули сульфат кислотанинг концентрацияси ва сифатига анчагина таъсир этади. Ҳозир саноат кўламида сульфат кислота ишлаб чиқаришнинг икки асосий усули: нитрат, ёки минора усули ҳамда контакт усули бор. Техник сульфат кислота (купорос мойи) сульфат кислотанинг асосий товар навлари ҳисобланади. У контакт кислота, минора кислотаси ва олеум ҳолида юборилади. (Дастлабки икки кислотанинг номи уларнинг ишлаб чиқариш усулини кўрсатади.) Олеум контакт методи билан ҳосил қилинади. Концентрация қанча юқори бўлса бсгона аралашмалар (нитрат, темир оксидлари, қаттиқ чўкма ва бошқалар) қанча кам бўлса, сульфат кислотанинг сифати шунча яхши бўлади (8-жадвал). Контакт техник сульфат кислотаси таркибида  $92,5$

фоизгача моногидрат, яхшиланган контакт техник сульфат кислотаси таркибида эса 94,0 фоизгача моногидрат бўлади. Минора техник сульфат кислотаси 75 фоизли концентрация билан юборилади ва таркибида контакт сульфат кислотага нисбатан бегона аралашмалар кўп бўлади. Олеум таркибида асосан моногидрат ҳолида 20—24 фоиз эркин олтингугурт (VI)—оксид бўлган ҳолда чиқарилади. Кимё саноати маҳсус ишлатиладиган янада сифатли кислота ҳам чиқарди, у сульфат кислота аккумуляторларида, озиқ-овқат саноатида, кимё лабораторияларида ва бошқа жойларда қулланилади. Бу кислоталарнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар юксак концентрацияда бўлади ва бегона аралашмалар жуда оз бўлади.

### 8. Товар сульфат кислота асосий турларининг сифат кўрсаткичлари

Сульфат кислота турлари	Концентрация, %	Аралашмалар миқдори (%), кўпи билан		
		азот оксидлари	темир оксидлари	қаттиқ қолдик
Контакт техник	92,5	Аниқланмайди	0,020	0,05
Контакт яхшиланган	92,5—94,0	$1 \cdot 10^{-4}$	0,0015	0,03
Минора	75,0	0,05	0,050	0,30
Яхшиланган олеум	SO <sub>3</sub> 24% гв-ча	$5 \cdot 10^{-4}$	0,010	0,03
Алоҳида соғ сульфат кислота	93,5—95,6	—	—	$5 \cdot 10^{-4}$

Фильтр ва тиндиргич каби қўшимча тозалаш қурилмаларидан ҳамда омборларда сақлашда янада коррозияга чидамли материаллардан ишланган таралардан фойдаланиш билан маҳсус турдаги кислоталар юксак сифатда бўлишига зришилади.

1 тонна моногидратга хом ашё материаллар солиштирма сарфи сульфат кислота ишлаб чиқаришнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичи бўлади: 0,8—0,85 т олтингугурт колчедани, 0,85 квт.соат электр энергияси, 50м<sup>3</sup> сув шундай сарф бўлади. Минерал ўғит (садда ва қўшалоқ суперфосфат, аммоний сульфат ва бошқалар), кислоталар (концентрацияланган нитрат кислота, хлорид кислота, сирка кислота, фосфор кислота, плавик кислота ва бошқалар), тузлар (мис купороси, натрий, калий, магний,

кальций темир сульфатлари ва бошқалар)ни ишлаб чиқарувчи корхоналар сульфат кислотанинг асосий истеъмолчилари ҳисобланади. Сульфат кислота нефтни ҳайдаб ишлов бериш ва нефть маҳсулотлари — бензин, керосин, сурков мойлари олиша жуда кўп сарфланади. Сульфат кислота ранги металлургияда, транспортда, қўргошили сульфат кислота аккумуляторларини тайёрлашда, металларга ишлов бериш саноатида хромлаш, рухлаш, никеллаш ва коррозияга чидамли бошқа тур қопламлар югириши олдидан буюмлар юзидағи оксидларни йўқотишида кенг кўламда ишлатилади; озиқ-овқат саноатида крахмал, озиқ-овқат кислоталари, патока ва бошқа маҳсулотларни тайёрлашда ишлатилади. Алоҳида соф сульфат кислотадан ранглар, бўёқлар, лаклар, кимёвий толалар, пластмассалар, дори-дармон, заҳарли дорилар, спирт, эфир, портловчи моддалар ишлаб чиқаришда, кўнчилик ва целлюлоза-қозог зоҳорида фойдаланилади. Олеумдан органик кимёда юксак молекулави бирикмалар синтез қилишда фойдаланилади.

## 6.2. Нитрат кислота

Нитрат кислота — энг муҳим минерал кислоталардан бири бўлиб, саноатда ва ҳалқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ундан кенг кўламда фойдаланилади. У ишлаб чиқарилиш кўлами жиҳатидан сульфат кислотадан сўнг иккинчи ўринни эгаллайди. Ҳалқ хўжалигини кимёлаштириш, минерал ўғит ва янги синтетик материалылар ишлаб чиқаришнинг кўпайиши муносабати билан мамлакатимизда нитрат кислота ишлаб чиқариш анча ортади.

Соф нитрат кислота  $\text{HNO}_3$  — ҳидрохлориди ўткир рангсиз суюқлик бўлиб, зичлиги  $1,51 \text{ г}/\text{см}^3$ , қайнаш ҳарорати  $86^\circ\text{C}$  ва музлаш ҳарорати  $42^\circ\text{C}$  дир. Ҳавода бурқсиб юзида майда туман томчиларини ҳосил қиласида. Нур таъсирида нитрат кислота секин-аста парчаланиб азот қўшоксида  $\text{NO}_2$ ни ажратади, у кислотада эрир экан кислотанинг рангини саргимтидан қўнгир қизилгача ўзгартиради. Ҳарорат ва концентрация кўтарилиши билан кислотанинг парчаланиш жараёни тезлашади. Зичлик, қайнаш ва музлаш ҳарорати кислотанинг концентрациясига боғлиқ бўлади. Концентрацияланган нитрат кислота юксак оксидлаш қобилиятига эга бўлиб кўпчилик

металларни тегишли оксид ва нитратларга, нометалларни эса уларнинг кислоталарига айлантиради.

Нитрат кислота таъсирида баъзи органик моддалар бузилади, уларнинг бир қисми кислотага теска алангалиниб кетади.

1 ҳажм нитрат кислота ва 3 ҳажм концентрацияланган хлорид кислотадан иборат аралашмага зар суви дейилади. Зар суви нитрат кислота билан ўзаро таъсирга киришмайдиган металларни, шу жумладан олтинни ҳам эритади. Нитрат кислота тузлари (нитратлар) сувда эриди, иситганда эса кислород чиқариб парчаланади. Нитрат кислота концентрацияси ва сифатига ишлаб чиқариш усули катта таъсир кўрсатади. Нитрат кислота товар турларини саноат кўламида ишлаб чиқариш учун аммиакни каталитик оксидлаш жараёнларига, шунингдек олинган нитрат оксидларини кейин қайта ишлашга асосланган усуллар қўлланади. Саноатимиз суюлтирилган сульфат кислотанинг уч хил навини ишлаб чиқаради: 55,47 ва 45 фоиз концентрация билан "Концентрацияланмаган нитрат кислота" номида ҳамда 98 ва 97 фоиз концентрация билан "Бевосита синтез методи билан концентрацияланган нитрат кислота" деган икки хил навда ва "Концентрациялаш методи билан концентрацияланган нитрат кислота" ишлаб чиқаради.

Таркибида азоти бўлган минерал ўғитлар: натрий нитрати (натрий селитра), калий нитрати (калий селитра), аммоний сульфат, аммоний хлорид, аммианатлар, аммоний нитрат (аммиакли селитра) ва ҳоказоларни, нитрат усули билан сульфат кислотани ишлаб чиқарувчи корхоналар суюлтирилган сульфат кислотанинг энг муҳим истеъмолчилидир. Концентрацияланган сульфат кислота, шунингдек суюлтирилган сульфат кислота минерал ўғит ва портловчи моддалар, синтетик бўёқ, турли пластмасса, нитроцеллюлоза ва нитролак, фотопленка ва кинопленка, кимёвий тола ишлаб чиқаришда, рангли металлар ишлаб чиқаришда, шунингдек бошқа муҳим кимёвий бирикмалар, кислота, туз ва ҳоказолар ишлаб чиқаришда қўлланади. Кўпгина кимёвий жараёнларда нитрат кислотадан самарали оксидловчи модда сифатида фойдаланилади.

### 6.3. Хлорид кислота

Кенг тарқалган кимёвий маҳсулотлардан бири бўлган хлорид кислота водород хлориднинг сувдаги эритмасидан иборатdir.

Водород хлориди — рангиз газ бўлиб сувда жуда кўп иссиқлик чиқариб эрийди, чунончи ҳарорат кўтаришган сайнин водород хлориднинг эрувчанлиги камаяди.  $18^{\circ}\text{C}$  ли ҳарорат ва атмосфера босимида водород хлориднинг сувдаги эрувчанлиги 42,3 вазн фоизини ташкил этади. Шунинг учун ҳам хлорид кислотанинг максимал концентрацияси сульфат кислота ва нитрат кислотанинидан анча паст бўлади.

Хлорид кислота — бўгадиган ўткир ҳидли рангиз суюқлик бўлиб ҳавода қаттиқ "бўрқсиб", сиртида майдада туман томчиларини ҳосил қиласди. Хлорид кислотанинг зичлиги ва музлаш ҳарорати унинг концентрациясига боғлиқ бўлади. Масалан, концентрация 35; 31,5; 22 ва 10 фоиз бўлганида унинг зичлиги 1,18; 1,16; 1,11 ва  $1,05 \text{ g/cm}^3$  бўлади, музлаш ҳарорати эса — 32,—48,—68,— $15^{\circ}\text{C}$  бўлади.

Хлорид кислота кўпгина металлар ва уларнинг оксидлари билан фаол ўзаро таъсирида бўлувчи кучли кислотадир. Хлорид кислота тузлари (хлоридлар) сувда яхши эрийди. Хлорид кислотанинг маҳсус ГОСТлар билан чекланган сифатига уни ишлаб чиқариш усули таъсир этади.

Синтетик водород хлориддан фойдаланганда А ва Б маркали "Синтетик хлорид кислота" ишлаб чиқарилади. Улар концентрацияси ва таркибидаги бегона аралашмалар билан фарқ қиласди. А марка кислотанинг концентрацияси камида 35 фоиз ва жами аралашмалари миқдори  $75 \cdot 10^{-4}$  фоиздан ортмайди. Б марка кислота концентрация ва сифат кўрсаткичлари навига боғлиқ бўлади: олий нав учун 33 фоиз ва  $64 \cdot 10^{-4}$  фоиз, I нав учун — 31,5 фоиз ва  $54 \cdot 10^{-4}$  фоиз бўлади. Хлорид кислотанинг шу маркаларидан органик синтез маҳсуллари, пластмасса, лак-бўёқ материаллар, металлургия ва металларга ишлов беришда, нефть қудуқларини бургулаш ва бошқа ишларда фойдаланилади.

Алоҳида соф хлорид кислота керамика, шиша каби хлорид кислота таъсирига чидамли аппаратлардан фойдаланган ҳолда яхши тозаланган водород хлориддан ишлаб чиқарилади. Бундай кислота тиббиёт ва озиқ-овқат саноатида, кимёвий реактивларни тайёрлашда ва бошқа мақсадларда ишлатилади.

#### 6.4. Сода маҳсулотлари

Сода — кимёвий саноатининг жуда муҳим маҳсули бўлиб қўйидаги сода маҳсулотларини ишлаб чиқаради: кальцинацияланган сода  $\text{Na}_2\text{CO}_3$  (натрий карбонат ҳам дейи-

лади), натрий гидрокарбонат ёки натрий бикарбонат деб атальмиш ичимлик сода ёки овқат содаси  $\text{NaHCO}_3$ ; оғир сода  $\text{Na}_2\text{CO}_3$  ва каустик сода  $\text{NaOH}$ .

Кальцинацияланган ёки ичимлик сода оппоқ майдада күкун бұлади. Бу соданинг зичлиги  $2,53 \text{ g/cm}^3$ , эркин тұқылған ҳолдаги массаси  $0,5 \text{ t/m}^3$ . Кальцинацияланган сода сувда эрир экан иссиқ чиқаради. Оғир соданинг тұқылған массаси оғирроқ ( $0,9—1,2 \text{ t/m}^3$ ) ва пакетлаш, ташиш ҳамда маҳсулотнинг катта истеммолчилари фойдаланиси учун қулайдыр. Саноат каустик содани қаттиқ ҳолда ва сувда эритилған ҳолда тайёрлаб чиқаради. Қаттиқ каустик сода сувда күп иссиқ чиқариб эрийдиган шаффофф бұлмаган оппоқ моддадыр. Каустик сода тери, газмол ва бошқа органик моддаларни ғоят үйіб юборувчан бұлғанлығыдан у үювчи натрий деб ҳам аталағы.

Кальцинацияланган сода саноат шароитларыда иккі хил усул билан олинади: аммиак усули билан ҳамда табиий нефелин рудадан олинади. Аммиак усули билан ҳосил қилинады "Кальцинацияланган техник сода"дан натрий бикарбонат ва каустик сода ишлаб чиқаришда хом ашे сифатида фойдаланылади, совунгарлік, нефть, тұқымачилик, лак-бұйёқ саноатида, турли натрий тузлары, кимёвий тола, сұнъый күн, бүеклар, гилтупроқ олишда, саноатнинг бошқа тармоқларыда сув ва намакоб тозалашда, шунингдек үй-рұзгорда кир ювиш воситаси сифатида ишлатылади. ГОСТта мувофиқ аммиак усули билан олинған кальцинацияланган содада камида 99 фоиз  $\text{Na}_2\text{CO}_3$  бұлиши керак.

Шу йүл билан олинған "Нефелин хом ашёдан ишланған кальцинацияланған техник сода"  $1,0 \text{ t/m}^3$  чамаси тұқылған ҳолдаги массаса эга бұлади ва шиша, целлюлоза қоғоз саноатида, қора ва рангли металлургияда ҳамда бегона аралашмалар зиён келтирмайдыған бошқа киме корхоналарыда құлланади.

Оғир сода ишлаб чиқариш кальцинацияланған соданинг сув билан янада зич кристалл панжарага эга булған моногидрат ҳосил қилиш қобилятига асосланған. Оғир сода олиш учун  $\text{Na}_2\text{CO}_3$ нинг сувдаги 80 фоизли эритмаси печларда бирмунча фурсат  $140—150^\circ\text{C}$  ҳароратда сақланағы. Товар ҳолидаги оғир содадан шиша саноатида, металлургия саноатида ва бошқа тармоқларда фойдаланылади.

Каустик соданинг сипати  $\text{NaOH}$  концентрациясыга ва таркибидағы бегона аралашмаларға бөғлиқ. Булар ишлаб

чиқариш усулига күп жиҳатдан алоқадордир. Ҳозирги вақтда ўювчи натрийнинг 90 фоизга яқини РД ва РР маркали эритмалар ҳолида чиқарилади. Эритиш қозонларида суюқ маҳсулотни сувсизлантириш натижасида қаттиқ қаустик сода олинади ва анча юксак концентрацияга (99 фоизгача NaOH), яхши сифатга эга бўлади, чунки эритма сувсизлантирилаётганида айни маҳалда бегона аралашмаларнинг бир қисми ҳам чиқиб кетади. Қаттиқ ўювчи натрий "қаттиқ диафрагмали" ТД ва "симобли қаттиқ" ТР маркаларда А ва Б навларда ишлаб чиқарилади. А нав маҳсулот таркибида камидаги 95 фоиз NaOH, Б нав маҳсулотда эса камидаги 92 фоиз NaOH бўлади. Аммо сувсизлантириш жараёни қўшимча энергия ва қимматбаҳо ускуналар бўлишини тақозо этади. Бу нарса қаттиқ ўювчи натрий қимматини ошириб юборади ва уни ишлаб чиқаришни чеклаб қўяди.

Ўювчи натрийни ишлатиш маҳсулотнинг тури ва сифатига боғлиқ. Қаттиқ ўювчи натрий саноатнинг маҳсулот гоҳтда соғ бўлиши талаб этиладиган тармоқларида: медицина саноатида, органик синтезда, соғ металлар олишда, лаборатория шароитларида ишлатилади. Ўювчи натрий эритмалари совунгарлик, тўқимачилик, целлюлоза-қозоғ саноатида ва саноатнинг бошқа тармоқларида кенг кўламда ишлатилади. Нефтни қайта ишлаш маҳсулотларини тозалашга жуда кўп ўювчи натрий сарфланади.

## 6.5. Ноорганик кислоталар ва сода маҳсулотларини юбориш, сақлаш ва ташиш шартлари

Кислота ва сода маҳсулотлар истеъмолчиларга тўп-тўп қилиб ягона ҳужжат билан юборилади. Ҳужжатда маҳсулот юбораётган корхонанинг номи ва товар белгиси, маҳсулотнинг тури ва миқдори, маркаси ва нави, қачон тайёрланганлиги, тўп ва транспорт бирлигининг (вагон, цистерна ва бошқалар) номери, маҳсулот сифати анализининг асосий маълумотлари ва сифатнинг стандарт талабларига нечоғлиқ мос келиши кўрсатилади. Майдада тара (шиша идиш, бочкалар) ёрлиқ билан таъминланиб ўнга маҳсулотнинг номи ва массаси кўрсатилади.

Сульфат кислота ёгин-сочиндан сақловчи биноларда, ёки бостирмалар остида жойлаштирилган омбор-бакларда асралади. Чунончи концентрацияланган сульфат кислота сақланадиган бинолар иситиладиган қилиб лойиҳаланади,

концентрацияси паст кислоталар учун эса иситилмайдиган килиб лойиҳаланади. Концентрацияланган кислоталар темир, алюминий ва бошқа металларни оксид пардаси билан қоплаганилигидан минора кислота, купорос мойи ва олеум сақланадиган баклар листавий углеродли пұлатдан тайёрланади ва ичи футеровка қилинмайди. Концентрацияланмаган сульфат кислотаси учун пұлат чонларнинг ичи құрғошиналанади ёки кислотабардош плиталар билан футеровка қилинади. Суюлтирилган кислотани полизтилен чонларда сақлаш мүмкін. Концентрацияланган минора кислота ва контакт кислота, шунингдек олеум истеъмолчиларга одатдаги 50 тонна юк күтәрадиган темир йұл цистерналарида юборилади. Олеум ташиладиган цистерналар ташқи совуқдан музлаб қолмаслиги учун иссиқ қочирмайдиган материал билан қопланади ёки бүг змеевиклари билан иситиб турилади. Аккумулятор кислотаси, овқат кислотаси каби Энг сифатли кислота турлари зангламайдиган кислотабардош пұлатдан ишланган ёки кислотага чидамли материаллар билан футеровка қилинган цистерналарда (винипласт, полизобутилен ва бошқалар) ташилади. Чогроқ ҳажмдаги сульфат кислота маҳаллий истеъмолчиларга автоцистерналарда, пұлат бочкаларда махсус контейнерларда, шунингдек 40 л чамаси сигимли шиша идишларда юборилади. Шиша идишлар похол ёки ёғоч қиринди солинган саватлар, ёғоч ёки полизтилен яшикларга жойлаштирилади.

Концентрацияланган нитрат кислота бостирумаларда жойлашган алюминий чонларда, суюлтирилган нитрат кислота эса зангламайдиган пұлатдан ишланган чонларда сақланади. Чогроқ ҳажмда суюлтирилган нитрат кислота үтга чидамли материаллар шимдирилган похол ёки қиринди солинган саватлар ёки ёғоч яшикларга жойлаштирилган чогроқ шиша идишларда ташилади. Концентрацияланган сульфат кислотани ёғоч панжара яшикларга солинган шиша идишларда ташишга рухсат этилмайди, чунки бундай ҳолда кислота органик моддаларни үт олдириб юборади. Концентрацияланган нитрат кислотанинг күпи алюминийдан ишланган темир йұл цистерналарида, суюлтирилган кислота эса, зангламайдиган пұлат цистерналарда ташилади. Нитрат кислотанинг 7,5 фоизли сульфат кислота билан аралашмасы (меланж деб аталади) углеродли пұлат цистерналарда ташилади.

Хлорид кислота ичидан сирачланган ва 50 тоннагача юк күтара оладиган пұлат цистерналарда (Ст3 пұлатдан ишланган) қамда 100 м<sup>3</sup> ва ундан ошиқ сиғимли чонларда сақланади ва ташилади. Озроқ хлорид кислота эса автоцистерналарда, махсус бочкаларда ва похол ёки ёгоч қиринди солинган саватларга жойлаштирилген шиша идишларга юборилади. Хлорид кислотаны ташиш учун полизтилен идишлардан ҳам фойдаланса бұлади.

Кальцинацияланган сода ва натрий бикарбонат күпқават қоғоз қопларга солинади, қаттық каустик сода эса полизтилен қопларга, картон ёки металл барабанларга солинади. Турлы хил содалар шиша ва полизтилен банкаларга 2 кг дан қадоқлаб солинади, сұнгра улар ёгоч ёки картон құтиларга териб солинади. Қаттық сода маҳсулотлар сақланытгандан ва ташилаётганида уларни намдан сақламоқ лозим. Кальцинацияланган ва бикарбонат сода махсус автомобиль ва вагонларга тұкиб солиб ҳам ташилади. Суюқ үювчи натрий углеродли пұлат цистерналарда, пұлат ёки полизтилен бочкаларда, медицина саноати, органик синтез ва бошқа соқаларда ишлатыладиган ғоят соф натрий эса зангламайдыган пұлат ёки ичидан сирачланган пұлат тарада ташилади. Үювчи натрийни оғзи яхши ёпиладиган идишларда сақлаш зарур, чунки у ҳаводан углерод құшоксидини осонгина ютиб олади ва секин-аста натрий карбонаттаға айланади. Вақти келиб баъзи кимёвий маҳсулотлар парчалана бошлаган-лигидан, уларнинг кафолатлы сақланиш муддатларини қатъий назарда тутиш зарур бўлади. Гарантия муддати битгач шу маҳсулот сифатининг стандарт талабларига нечоғлик мувофиқ келиши яна текшириб кўрилмоги лозим.

Норганик кислоталар ва сода маҳсулотларининг кўпчилиги одам соғлиги учун заҳарли ва хавфлидир. Шунинг учун ҳам уларга яқин борганды эҳтиёт бўлмоқ ва хавфсизлик қондаларига риоя этмоқ зарур. Пакетта ва чонларга, шунингдек йўл ҳужжатларида: "Кислота", "Үювчи модда", "Куйиб қолишдан эҳтиёт бўл", "Хавфли" деган огоҳлантирувчи сўзлар ёзиб қўйилмоги керак. Кимёвий маҳсулотларнинг буглари ва газлари заҳарлидир. Улар нафас олиш йўлларига ўтса заҳарлайди, терига тегса ғоятда куйдириб юборади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш цехларида яхши вентиляцияни вужудга келтириш ва ускуналарни тамомий герметиклаштириш зарур.

$\text{SO}_2$  ва  $\text{NO}_2$  заҳарли газлари, шунингдек  $\text{SO}_3$  ва  $\text{H}_2\text{SO}_4$  буғлари айниқса хавфлидир.

Санитария нормалари бинолар ичида йўл қўйиш мумкин бўлган газ ва буғларнинг энг кўп концентрацияларини белгилаб берган (масалан, азот оксидларининг миқдори 0,005 мг/л дан ошиб кетмаслиги керак). Кучли оксидловчи моддалар бўлмиш концентрацияланган сульфат кислота ва нитрат кислота тўкилса ип газлама, қоғоз, ёғоч ва бошқа органик материалларни ёндириб ёнгин чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу кислоталар ёнадиган моддалар ёнида сақланмаслиги керак, улар сақланадиган омборлар эса ўт ўчириш ва ўтни нейтраллаш воситалари билан жиҳозланмоги лозим.

Тўкилган сульфат кислотани сув билан ювмасдан устига қум ёки кул сепиш, сунгра эса ўювчи натрий эритмаси билан нейтралламоқ лозим. Нитрат кислота таъсири одатда сув билан суюлтирилган амиак ва сода воситасида нейтралластирилади. Кимёвий маҳсулотлар билан ишлайдиган кишилар маҳсус кийим, газниқоб, резина қўлқоп ва муҳофаза кўзойнаклари билан таъминланмоги керак.

## 7-БОБ

### ОРГАНИК КИМЁ МАҲСУЛОТИ

#### 7.1. Пластмассалар — замонавий конструкцион материаллар

Табиий ёки синтетик полимерлар асосида олинадиган материаллар *пластик массалар* (*пластмассалар*) дейилади. Иссиклик билан ишлов бериш ва механик ишлов бериш натижасида пластмассалардан юксак физик-механик ва эксплуатация хоссаларига эга бўлган хилма-хил деталь ва ашёлар ҳосил қилинади. Пластмассалар жуда муҳим конструкция материаллари бўлиб ҳалқ хўжалиги турли соҳаларини ривожлантиришда, биринчи навбатда машинасозликни ривожлантиришда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Пластик деформация услублари билан ашёларга айлантириш мумкинлик қобилиятлари туфайли пластмассадан фойдаланиш коэффициенти металлдаги 0,76—0,92 ўрнига 0,89—0,98 ни ташкил этади, яъни пластмассага ишлов беришдаги чиқит миқдори металлга ишлов беришдаги чиқит миқдоридан 3—4 баравар оз бўлади. Пластмассалар бир қанча қимматли хоссаларга

эга бүлгәнлиги туфайли кенг тарқалган: зичлиги оз, солиширима пишиклиги, кимёвий ва электр изоляцион чидамлилиги юқори, товуш ва иссиқ ўтказувчанлиги оз, ишқаланиш көзфициентлари диапазони кенг ва ҳоказолар. Бундан ташқари пластмассалар оптик ва радиошаффоф материал ҳисобланади, қайишқоқ ва зластик бўла олади, уни осонлик билан бирон буюмга айлантириш мумкин. Пластмассаларнинг кўпчилиги минерал мой ва бензин таъсирига чидамли, ишқаланишга яхши қаршилик кўрсатади, вибрацион нагрузка шароитларида дуруст ишлайди. Замонавий машинасозликда сирпаниш подшипникларини, турли шестернялар, тормоз қурилмалари, кимёвий машина ускуна деталларини, турлича идишлар, қувурларни тайёрлашда пластмасса ишлатилади. Қора металл ўрнида қўйма пластмасса олинса меҳнат сарфи 5—6 баравар, машина деталларининг таннархи эса 2—6 баравар арzonлашади. Бундан ташқари пластмассадан тайёрланган машина-ускуналардаги тез едирилиб кетадиган баъзи деталларнинг хизмат муддати 2—10 баравар ортади. Электротехника саноатида полимерлардан конструкцион ва изоляцион материал сифатида фойдаланиш электр машиналарининг иш унумини ва пухталигини оширишга, кабель ишлаб чиқаришда полистилен ва поливинилхlorидга алмаштириш натижасида анчагина қора металл, мис ва айниқса қўргошинни бушатишга имкон беради. Автомобилсозликда металл ўрнида пластмасса олиш натижасида автомобиль ва автобусларнинг оғирлиги анча енгиллашиб, ёнилги ва сурков мой материаллар тежалади. Приборсозликда пластмассани жорий этиш натижасида металл тежашдан ташқари митти маҳсулотлар ишлаб чиқариш, унинг сифатини яхшилаш, соҳадаги меҳнат унумдорлигини ошириш мумкин бўлади. Кемасозлик саноатида пластмассадан конструкцион материал, электр ва термоизоляцион материал сифатида фойдаланилади. Пластмассадан кема корпуслари ва корпус конструкциялари, кема механизмларининг деталлари, приборлар тайёрланади. Қурилиш ва транспортда пластмасса ишлатилиши натижасида қора ва рангли металлардан, ёғоч-такта, цемент, ойна, керамика ва бошқа материаллардан фойдаланиш камаяди, маҳсулот тайёрлашга меҳнат сарфининг камайиши ва таннархнинг арzonлашишидан каттагина иқтисодий самара олинади. Масалан, санитария-техника асбоб-ускуналарини ишлаб чиқаришда фойдаланилган 1 тонна

полимер ўрта ҳисобда 13 тонна қора ва рангли металлни тежашга имкон бериши аниқланган. Турли хил трубаларни ишлаб чиқаришда металл ўрнида пластмассадан фойдаланиш тобора күпроқ ажамият касб этиб бормоқда. Пұлат ва чүән ўрнида 1 тонна пластмасса труба ишлатиш натижасыда ўрта ҳисобда 5—6 тонна қора металл бұшаб, хом ашे базасыга кетадиган харажатлар ҳисобға олинғанда 1100 сүмни тежаб беради. Енгил саноатда, мебель саноатыда, озиқ-овқат, целялюзоза-қозғоз саноатыда, қишлоқ хұжалигыда ва бошқа соқаларда ҳам пластмассадан фойдаланилади.

Полимерларнинг ноңб физик-механик хоссалари, унча қиммат эмаслығы, технология жараёнининг соддалигигина эмас, шу билан бирга пластмасса ишлаб чиқариш учун хом аше ресурсларининг күплиги ҳам пластмассаларнинг кенг тарқалишига замин бұлды.

Кейинги вақтларда полимеризацияцион пластмасса улушининг ортиши, поликонденсацион пластмасса улушининг камайиши күзатылмоқда, бунга полимеризацияцион пластмассаны ашёға айлантириш ва чиқитларидан фойдаланиш осонлигини сабаб қилиб келтириш мүмкін.

Пластмассалар нечогли афзал бұлмасын, баъзи бир камчиликлари ҳам бор: унча қаттық эмас, иссиққа ҳам унчалик чидолмайды, үзгарувчан кучда пишиқлиги камаяди, бошқа материалларга нисбатан тезроқ эскиради (ёргулук, иссиқлик, ҳаво, деформация таъсирида ва бошқа омиллар таъсирида тузилиши ва хоссалари үз-үзидан муқаррар үзгаради). Пластмассадан конструкцион материал сифатыда фойдаланылаётганды үларнинг шу хоссаларини назарда тутиш лозим бұлади.

Пластмасса таркибиға полимерлардан ташқары тұлдиргичлар, пластификаторлар, стабилизаторлар, қотиргичлар, бүёқлар ва бошқа құшымча моддалар ҳам киради, үлар буюмларга муайян хоссаларни бахш этади. Пластмасса полимер материалнинг хоссасини белгиловчи асосий компонент ҳисбланади, ёки бөгловчи материал вазифасини бажаради. Бу нараса суюқ ҳолдагы пластмассага қолипни тұлдиріш, қотганидан кейин эса олған қиёфасини сақлаб қолиш қобилятити бахш этади. Асосан синтетик смоладан, камдан-кам ҳолларда целялюзоздан бөгловчи материал сифатыда фойдаланилади. Одатда композициялар таркибида смола миқдори 40—50 фоиздан ошмайды. Тұлдиргич моддалар аралашманинг мұхим компоненти бўлиб, пластмассаларга механик ёки дизлек-

трик хоссалар, термик жиҳатдан чидамлилик баҳш этишда, шунингдек пластмасса ашёларини арzonга туширишда фойдаланилади. Одатда булар ёғоч ёки кварц толқони, графит, тальк, асбест каби қаттиқ ва арzon кукун материаллар, асбест, ип газлама, шиша, полимер каби тола материаллар ва қоғоз, газмол, ёғоч шпон (тактача) каби лист материаллардир. Тола материаллар кукун материалларга нисбатан пластмассани анча пишиқ қилади. Пластификаторлар полимернинг оқувчанлик ва қовушоқлик ҳароратини пасайтиради, пластмассанинг пластиклигини оширади ва бунинг натижасида буюмнинг шаклланиш жараёни сенгилашади. Бири-биринга ва бошқа компонентларга нисбатан кимёвий жиҳатдан инерт модда бўлмиш оленин кислота, камфора, алюминий стеарати, глицерин ва бошқа моддалар кўпроқ тарқалган. Стабилизаторлар иссиқлик, ёргулик, кимёвий моддалар ва механик кучлар таъсирида пластмассаларда рўй берувчи пишиқликнинг пасайиши, муртликнинг ортиши, ташқи кўринишнинг ёмонлашиши каби эскириш жараёнларининг олдини олади ёки секинлаштиради. Турли хил туз, совун, эпоксид бирикмалардан эскиришга қарши модда сифатида фойдаланилади. Уротропин, оқак, магнезия каби қаттиқлаштиргичлар пластмассанинг эримайдиган, суюқланмайдиган, қаттиқ ҳолатга ўтишини тезлаштиради. Пигмент, нитрозин каби бўёқлар пластмассаларга муайян ранг беради. Бир қанча ҳолларда пластмассага осон эрийдиган мумсимон моддалар қўшилади, булар пресслашдан сўнг пластмасса ашёларни қолипдан чиқариб олишни осонлаштиради.

Пластмассаларни ишлаб чиқариш қуйидаги асосий босқичлардан иборат: ҳом ашёни тайёрлаш, компонентларни аралаштириш, маҳсулотни қумоқлаштириш ёки уни туйиш. Ҳом ашёни тайёрлаш уни злаш, концентратларни тайёрлаш, туйиш каби операциялардан иборат бўлади. Аралаштириш эса дастлабки аралаштиришдан ва узил-кесил аралаштиришдан иборат. Дастлабки аралаштириш компонентларини маҳсулотнинг бутун ҳажмида бир текис тарқатади, узил-кесил аралаштириш эса юқори ҳароратда ўтади ва аралаштирилаётган масса ҳолатининг ўзгаришига боғлиқ бўлади. Пластмассани қумоқлаштириш унинг тўқма зичлигини ва зарра ўлчамлари бир хилда чиқишини оширади.

## 7.2. Пластмассаларнинг тасниф белгилари

Ишлаб чиқариш усули, қиздириш чогида ўзини тутиши, физик-механик хоссалари, таркиби, тұлдиргич модданинг түри, сортамент, вазифаси ва ҳоказолар пластмассалар таснифининг асосий белгилари. Ишлаб чиқарилиш усулига күра пластмассалар полимеризацияон ва поликонденсацион пластмассаларга, қиздириш чогидаги ҳолати (термик хоссалари)га күра термореактив ва термопластик пластмассаларга бўлинади. Термопластик пластмассалар (термопластлар) қиздиригандан юмшайди, кейин совитганда эса қотади. Материал такрорий қиздирилса цикл такрорланади-ю, лекин термопластларнинг дастлабки хоссалари ўзгармайди. Термопластларнинг макромолекулалари ўзаро молекулалараро кучлар билангина боғланганилиги шунга сабаб бўлади. Термопластик пластмассаларни кўп марта ашёга айлантириш мумкин, чиқитлари ва қолиглашнинг яроқсиз маҳсулларидан ашёлар тайёрлашда фойдаланилади. Термореактив пластмассалар (реактопластлар) қиздиришнинг бошлангич босқичида юмшайди, сунгра эса вақт ўтиши билан юқори ҳарорат ва босим таъсирида қотади, такрорий суюқланиш қобилиятини тамомила йўқотади. Бунга сабаб шуки реактопласт молекулалари ўртасида молекулалараро кучлардан ташқари янада пишиқ кимёвий боғланишлар вужудга келади. Термореактив пластмассаларни такрорий ишлаб бўлмайди. Реактопласт чиқитлари ва уларни қолиглашнинг яроқсиз маҳсулларидан ашёлар тайёрлашда фойдаланиб бўлмайди.

Физик-механик хоссалари жиҳатидан қаттиқ пластмассалар (узилиш чогида оз узаядиган ва ташқи кучлар таъсирида шаклини сақлаб қоладиган қаттиқ қайишқоқ материаллар), яримқаттиқ пластмассалар (узилиш чогида юксак нисбий ва қолдиқ узайишга эга бўлган қаттиқ қайишқоқ материаллар), юмшоқ пластмассалар (юксак нисбий узайиш ва оз қолдиқ узайишга эга бўлган материаллар), юмшоқ ва эластик пластмассалар (чўзганда қайтувчан катта деформацияларга бериладиган материаллар) бўлади.

Пластмассалар таркиби га кўра содда ва мураккаб пластмассаларга бўлинади. Содда пластмассалар боғловчи смоладангина иборат бўлади. Баъзан унга кўпи билан 10 фоиз пластификатор қўшилади. Улар гоятда пластик, юксак электрик хоссаларга эга, шаффоф бўлади. Мураккаб

пластмассалар таркибида бөгловчи моддалар, шунингдек махсус құшимча моддалар бўлади.

Тўлдиригич моддаси бўлмаган пластмасса тўлмаган, шундай моддаси бор пластмассалар тўлган пластмассалар дейилади. Мураккаб пластмассалар тўлдиригич моддасининг турига кўра пресс-кукунларга, волокнитларга, қат-қат пластикларга ва газ қўшилган пластмассаларга бўлинади. Пресс-кукун ёки пресс-материалларда кукун тўлдиригич моддалардан: волокнитларда толали тўлдиригич моддалардан, қат-қат пластикларда эса газмол, қоғоз каби тўлдиручи қатламлардан фойдаланилади. Газ қўшилган пластмассалар пенопласт (куник пласт) ва поропласт (говакпласт) ҳолида тайёрланади. Пенопластлар катак-катак тузилган бўлиб, катаклари берк, бири-бири билан туташмаган бўлади. Поропластлар булут тузилишида бўлади ва катаклари бири-бири билан туташган бўлади, улар газни ва бугни ўтказади.

Пластмассалар сортаментга кўра кукун, гранул (қумоқ), ҳаб (таблетка), тўлдиригич модда толаси, лист, плита, труба ҳолида чиқарилади. Реактопластларнинг баъзи турлари суюқ ҳолда чиқарилади ва тўлдиригич моддаларга сингдириш, слимлаш, қоплама сифатида юргутириш учун қулайдир.

Пластмассалар буюмларга айлантирилиш усулига кўра прессланадиган ва қуйиладиган пластмассаларга бўлинади. Одатда прессланадиган материаллар термореактив композициялар ҳисобланади ва иссиқлайин (тобсиз) пресслаш услублари орқали ашёга айлантирилади. Куйиладиган масса термопластик композициядан иборат бўлиб, қўйманни иссиқлайин пресслаш услублари билан ашёга айлантирилади.

Пластмассалар ишлатилишига қараб умумий, махсус ва декоратив аҳамиятдаги пластмассаларга ажратилади. Конструкцион, фрикцион, зиддифрикцион, кимёвий чидамли, электр изоляцион пластмассалар махсус аҳамиятдаги пластмассалар қаторига киради. Пластмассанинг номи ўзини ҳосил қилган полимернинг номидан олинади. Масалан, полизтилен — полизтилен полимеридан ҳосил қилинган пластмассадир. Полиамидлар эса полиамид смолалар негизида вужудга келтирилади.

### 7.3. Термопластларнинг турлари. Уларнинг вазифаси, товарлик хоссалари, маркалаш усуллари

Полиэтилен, полипропилен, поливинилхлорид, полистирол, этилен фторид полимерлар, полиамидлар, поли-

метилметакрилат, полиформальдегид, пентапласт ва ҳоказолар полимеризация йўли билан олинадиган полимерларнинг асосий турлариdir. Шулар асосида ҳосил қилинадиган термопластлар суюқ ҳолга келгунинга қадар кўп марта қизийди ва совутилганида яна қотади, яъни такрорий қолилланишга қодир бўлади. Одатда бу пластмассалар тўлдирилмаган бўлади, лекин етарлича солиштирма пишиқликка, яхшигина диэлектрик хоссаларга, кимёвий барқарорликка ва юксак зарбий қовушоқликка эгадир. Иссикқа унча чидаш бермаслиги, эскириш сабаби хоссаларининг тургун бўлмаслиги ва ёйилишга мойиллиги уларнинг камчиликлари қаторига киради. Пластмасса таркибиага 20—30 фоиз кукун ва тола тўлдиригич моддалар қўшиш натижасида унинг технологиявийлиги сақланиб қолади ва ишлатилиш хоссалари ошади. 10-жадвалда берилган маълумотлар баъзи термо-пластларнинг асосий хоссаларини курсатади.

### 7. 3. 1. Полиэтилен

Полиэтилен — термопластларнинг энг кўп тарқалган турларидан биридир. Саноатда у нефтни қайта ишлашда қўшимча маҳсул бўлмиш этиленни полимерлаш йўли билан олинади. Этилен — рангиз газ бўлиб, меъсрдаги босим ва  $0^{\circ}\text{C}$ ли ҳароратда зичлиги 1,26 г/л ва МПа босим ва  $25^{\circ}\text{C}$  ҳароратда зичлиги 557 г/л бўлади. Этиленни полимерлаш схемаси:



Полиэтиленнинг хоссалари уни ишлаб чиқариш усулига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ҳозирги вақтда полиэтилен уч хил усулда ишлаб чиқарилади: жараённинг ташаббускорлари кислород ёки пероксид иштирокида 100—250 МПа юксак босим ва  $180—200^{\circ}\text{C}$ ли ҳароратда ҳосил қилинадиган юксак босим полиэтилен, оксид катализаторлар иштирокида ўртача 3—7 МПа босимли полиэтилен ва триэтилалюминий+титан (IV) — хлорид каби металл органик катализаторлар иштирокида 0,2—0,6 МПа паст босим полиэтиленни олинади. Биринчи усулда унча зич бўлмаган ( $0,91—0,93 \text{ г}/\text{cm}^3$ ), молекуляр массаси 15 000—35 000 бўлган полиэтилен олинади. Бу полиэтилен тузилишининг тахминан ярмини кристалл участкалар ва қолган ярмини аморф участкалар ташкил қиласи, иккинчи ва учинчи усуллар билан зичлиги  $0,94—0,96 \text{ г}/\text{cm}^3$ ,

10. Термопластларнинг асосий хоссалари

Пластмассаларнинг турлари	Зичлик, г/см <sup>3</sup>	Қаттиқлик, НВ	Чўзилишга пишиқлик, МПа	Узилиш чоридаги мисбий узайиш, %	Ишқор ҳарорат, °C	Кимёвий чидамлилик
1	2	3	4	5	6	7
Полиэтилен: ВД НД Полипропилен	0,92 0,95 0,90	1,4—2,5 4,5—5,9 4—7	10—16 20—30 25—40	400—600 300—800 700	—50дан 70гача —60дан 100гача —10дан 130гача	Концентрацияланган ва заиф кислоталарда (нитрат кислота бу ҳисобга кирмайди) ҳамда ишқорларда чидамли, оксидловчи ва галогенларда чидамсиз
Поливинилхлорид: винилпласт пластикат	1,40 1,30	3—16 0,1—0,2	70—120 10—20	10—15 200—400	0 дан 60 гача —60дан 70 гача	Полиэтилендаги сингари, лекин бензинда анча чидамли ва ацетонда чидамсиз
Полистирол: умумий аҳамиятдаги зарбага пишиқ АБС — пластиклар	1,10 1,10 1,10	15 1,5 9—18	45 18—25 35—55	1,5—3,0 25—35 18—50	65 гача	Полиэтилендаги сингари, лекин органик эритувчиларда (бензин ва ацетонда) чидамли эмас
Фторопласт-1	1,4	10—12	50—75	50—150	80дан 200гача	Нитрат кислотадан ташқари ҳамма кислоталарда ва ишқорларда чидамли; кучли оксидловчиларда чидамли эмас; эритувчиларда бўкли

182

Пластмассаларнинг турлари	Зичлик, г/см <sup>3</sup>	Қаттиқлик, НВ	Чўзилишга пишиқлик, МПа	Узилиш чоридаги мисбий узайиш, %	Ишқор ҳарорат, °C	Кимёвий чидамлилик
1	2	3	4	5	6	7
Фторопласт-2	1,8	13—15	35—60	10—100	—60дан 150гача	Фторопласт-1даги сингари, лекин оксидловчилар ва нитрат кислотада чидамли
Фторопласт-3	2,1	10—13	35—45	70—200	—195дан 130гача	Фторопласт-2 даги сингари
Фторопласт-4	2,2	3—4	14—35	250—500	—260дан 260гача	Маълум барча материаллар ичida энг чидамлиси
Полиамидвар: садда (полиамид 6)	1,1	10—12	55—77	100—150	—60дан 60гача	Карбонусув, ёғ, ишқорсуюқ кислоталарда чидамли; концентрацияланган кислоталар ва фенолларда чидамсиз; намлик ютишга мойил
Мураккаб шиша билан тўлдирилган полиамид П-6	1,4	—	100—180	2—6	—60дан 150гача	
Полиметилметакрилат (органик шиша)	1,2	20—25	7—9	4	—60дан 60гача	Полистиролдаги сингари

183

молекуляр массаси 25 000—100 000 га борадиган полизилен олинади. Бунинг тузилиши 75—85 фоиз кристалл участкалардан иборат бўлади. Шунинг учун ҳам паст босим полизтилени юксак босим полизтиленига нисбатан анча қаттиқ, пишиқ ва иссиққа чидамли бўлади.

Полизтиленни маркалаш негизига уни ишлаб чиқариш усули ва асосий хоссалари қўйилган. Маркалашда "Полизтилен" сўзидан кейин рақамлар, масалан, 11503—070 ёки 21 008—075 рақамлари келади. Бундаги дастлабки рақамлар (1 ёки 2) полизтилен ишлаб чиқариш усулини (юқори босим ёки паст босим), кейинги икки рақам (15 ёки 10)—маркаларнинг тартиб номерларини кўрсатади, тўртингчи рақам (0) ишлаб чиқарилаётган барча маркалардаги полизтиленлар учун бир хилда, бешинчи рақам (3 ёки 8) эса тегишли зичлик гуруҳларини билдиради. Дефисдан сўнг қўйилган сўнгти учта рақам суюқланма оқувчанлиги кўрсаткичининг ўн карра қийматини ифодалайди.

Полизтилен маркаларининг тартиб номерлари полимерлаш учун фойдаланилган машина-ускуна типи (реактор конструкцияси)га боғлиқ бўлади. Масалан, реакторларда металлар билан ҳосил қилинган барча маркалардаги юксак босим полизтилени 50 гача борадиган тартиб номерлари билан, най реакторлarda ҳосил қилинган полизтилен эса 50 дан кейинги номерлар билан белгиланади. Паст босим полизтилени учун (ПЭНД) маркаларнинг номерлари 10, 20, 30, 40 ва ҳоказо 100 гача борадиган қилиб белгиланган.

Зичлик гуруҳлари ишлаб чиқариш усули билан боғланган. ГОСТларга мувофиқ юқори босим полизтилени учун 0,900 дан 0,939  $\text{г}/\text{см}^3$  гача олти гуруҳ (1 дан 6 гача) зичлик, паст босим полизтилени учун эса 0,931 дан 0,970  $\text{г}/\text{см}^3$  гача тўрт гуруҳ зичлик белгиланган. Амалий ҳисоб-китоблар учун гуруҳларнинг аниқлиги юздан бир неча улушгача борадиган қилиб белгиланади: у барча маркалардаги ПЭВД учун 0,92 ни, ПЭНД учун эса 0,95  $\text{г}/\text{см}^3$  ни ташкил қиласди. Суюқланма оқувчанлигининг кўрсаткичи унинг қовушоқлигини кўрсатади ва стандарт капиллярдан 10 минут мобайнида оқиб чиқувчи суюқланма массаси билан белгиланади. ПЭВД учун бу кўрсаткич 10 минутда 7 г ни ва ПЭНД учун 7,5 г ни ташкил этади.

Тўлган ва тўлмаган полизтилен олий, I ва II навларда тайёрлаб юборилади. Маҳсулот таркибидаги бегона

аралашмалар ва оксидланганлик унинг навини белгилайди. Полиэтилен буюрилётганида "Полиэтилен" сўзи, маҳсулот шартли белгиси ва навининг учхонали сонидан иборат қисқартирилган маркалашдан фойдаланиш мумкин. Масалан, полиэтилен 115, 1-нав ёки Полиэтилен 210, 1-нав деб буюрилади. Тўлган полиэтиленлар ҳам шундай белгиланади-ю, лекин марканинг шартли белгисидан сўнг десфис қўйилиб қўшимча модда рецептининг номери ҳам курсатилади: масалан, Полиэтилен 210—0,4, 1-нав дейилади.

Полиэтилен ўзининг ижобий хоссалари, унча қимматга тушмаслиги, ишлаб чиқарилиш технологик жараёнининг соддалиги туфайли халқ хўжалигининг кўпгина тармоқла-ри ва уй-рўзгорда кўп тарқалган. У юксак кимёвий ва электр изоляцион, чидамли, намлик ўтказмайди, етарлича пишиқ ва технологиявий, уни осонлик билан турли буюмларга айлантириш, пайвандлаш мумкин, пармалаш, арралаш, рандалаш каби турли хил механик ишловларга берилувчандир. Фоят зич полиэтилен анча пишиқ, қаттиқ ва ейилишга чидамли булади, шунинг учун ҳам у қўйиладиган ва ҳажмий буюмларни, шунингдек машина ва механизм деталларини (тишли гидравликлар, втулкалар, вентилятор парраклари, прибор корпуслари, урчуқлар ва ҳ.к.) тайёрлашда ишлатилади. Полиэтилен ўзига хос хоссалари туфайли кабель ва симларни изоляциялашда, радиолокаторлар, радио ва телевизион аппаратларга, телефонларга деталлар тайёрлашда кенг кўламда қўлланади. Пишиқлиги ва қаттиқлиги оширилган полиэтилендан коммунал ва саноат қурилмалари, сугориш иншоотлари ва ирригация иншоотлари учун сув қувурлари, шунингдек газ қувурлари ишлаб чиқарилади. Зичлиги паст полиэтилендан бирмунча юмшоқ ва эластик ашёлар тайёрлашда, шунингдек хилма-хил кабель ва симларни изоляциялашда, коррозияга қарши қоплама материал сифатида, пленка, ип, лента, лист, бруск тайёрлашда, канистр, шиша идиш каби пуфлаб тайёрланадиган ашёлар ясашда қўлланади. Полиэтилен плен-кадан озиқ-овқат, фармацевтика ва кимё саноатида, тара ва уров материали сифатида, кенг тарқалган электроизоляцион ва гидроизоляцион материаллар, иссиқхона ва парниклар томига ёпиладиган материаллар тупроқда намликни сақлаш учун ариқларга ёпиладиган материаллар, пуфак ва аэростатлар, манший аҳамиятдаги турли буюмлар тайёрлашда материал сифатида қўлланади.

Полиэтилен ипи ва толасидан арқон, балиқ түрлари, бошқа хил түрлар ва ҳоказолар тайёрланади.

Полиэтилен нитрат кислота, хлор ва фтор каби кучли оксидловчилар таъсирида бурдаланиб кетади. Полиэтилен экструзия, босим билан қуянш, иссиқлайн қолиплаш ва пуллаш орқали буюмга айлантирилади.

### 7. 3. 2. Полипропилен

Полипропилен нефть маҳсулотларини крекинг қилишда кўп миқдорда ажраладиган арzon ва сероб газ — пропиленни полимерлаш маҳсулидир. Пропилен катализатор иштирокида полимерланади: бунда паст босимли полиэтилен ишлаб чиқаришда қўлланган машина-ускунларнинг ўзи ишлатилади.

Полипропилен — ғоятда иссиқбардош, қаттиқ, пишиқ, нисбий узаядиган енгил материалdir. Куч тушмайдиган бўлса уни  $150^{\circ}\text{C}$  гача борадиган ҳароратларда ишлатавериш мумкин. Совуққа чидамаслик полипропиленнинг камчилиги ҳисобланади:  $-10^{\circ}\text{C}$  га яқин температурада полипропилен мўрт бўлиб қолади. Полипропилен электр хоссалари жиҳатидан полиэтилендан қолишмайди ва электр, радио ва телевизион асбоб, аппаратларига деталлар тайёрлашда ишлатилади. Полипропилен кимёвий жиҳатдан ғоятда чидамли бўлганлигидан ундан қувурлар, кимёвий аппаратлар, марказдан қочма насослар тайёрлашда, шунингдек коррозияга қарши қоплама материал ва декоратив материал сифатида фойдаланиш мумкин бўлади. Ундан идиш-товоқ, шиша идишчалар, пленка ва тола тайёрланади. Полипропилендан тайёрланган пленка полипропилен пленкага нисбатан анча юқори ҳароратда ҳам ишлатилаверади, газ ва бугни камроқ ўтказади. Полипропилен пленкага минерал мой ва ўсимлик мойи таъсир этмайди. Полипропилен тола пишиқ, эластик ва сувга чидамли бўлганлигидан кийим-кечак газламаси, сунъий мўйна, трикотаж маҳсулотлар, шунингдек арқон, тўр, балиқ тўри каби буюмларни тайёрлашда қуруқ ўзи, шунингдек бошқа табиий ва кимёвий толалар билан аралаш ҳолда ишлатилади. Қуёш нури полипропиленнинг хоссаларига салбий таъсир кўрсатади. Қурум полипропиленнинг самарали стабилизаторидир. Ароматик амин, алкил ўрнидаги фенол, фосфор бирикмалари, сульфидларни қўшиб пропилен эскиришининг олдини олиш ёки уни камайтириш мумкин. Полипропиленнинг юксак техник ва ишлатилиш хоссалари унинг сероблиги ва

арzonлиги билан биргаликда бу материални ишлаб чиқариш ва уни истсъмол этишни кўпайтиришга имкон беради. Полипропилен босим остида қўйиш, экструзия каби усуллар билан буюмга айлантирилади.

### 7. 3. 3. Поливинилхлорид


**Поливинилхлорид** — оқ тусдаги пластик модда бўлиб, умумий пластмасса ишлаб чиқариш ҳажмида полизтилендан сўнг иккинчи ўринни эгаллайди. У винилхлоридни



реакцияси бўйича блокли, суспензион ва эмульсион услублар билан полимерлаб олинади (37-расм).

Уй ҳароратида винилхлорид эфир ҳидли рангсиз газ бўлиб, наркотик таъсирга эга, спиртда, ацетонда ва бошقا органик эритувчи моддаларда яхши эрийди. Винилхлорид саноат шароитларида уч хил услубда олинади: дихлорэтандан, ацетилен билан водород хлориддан ҳамда катализатор иштирокида хлорли этилен ва ацетилендан (комбинациялашган услубда) олинади. Поливинилхлорид кўпроқ аморф тузилишидаги кукунсимон материал бўлиб, зичлиги  $1,4 \text{ г}/\text{см}^3$ . Ундан винипласт ва пластикат ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

**Винипласт** —  $70^\circ\text{C}$  ли ҳароратда кетма-кет жўвалаш ва поливинилхлоридни пленкага айлантириб тайёрланадиган қаттиқ материал бўлиб, пленкани иссиқлайн пресслаш йўли билан ҳар хил қалинликдаги винипласт листлар олинади. Бу пайтда поливинилхлорид смолага стабилизаторлар (аминалар, металл ок-



37-расм. Сувэмulsionия усули билан полихлорвинил олиш реакторининг схемаси:

1 — аралаштиргич; 2 — аралашмани исигтиш ва совутиш тўни; 3 — автоклав.

сидлари) ҳамда сурков мойлари (стеарин, мой, мум ва ҳоказолар) құшилади. Винипласт полизтиленга нисбатан зичроқ, пишиқроқ, сейилишга чидамлироқ, электрик пишиқлиги қониқарлы, минерал кислоталар, ишқорлар ва туз эритмаларининг таъсирига кимёвий жиҳатдан чидамли бўлади. Винипласт полизтилен сингари нитрат-кислота, хлор ва фтор биримларни каби кучли оксидловчилар таъсирида майдаланиб кетади. Зарбий қовушоқликнинг пастлиги ва сувда бўкиб қолиш каби иллатлар винипластнинг камчиликлари қаторига киради. Винипластнинг зарбий пишиқлигини ошириш учун унинг таркибига акрилонитрил, бутадиен ва стирол композицияси (қисқартирилганда АБС) киритилади. Шундай қилиб ҳосил бўлган зарбага чидамли винипластдан асосан автомобилларнинг комплектловчи деталларини тайёрлашда фойдаланилади. Винипласт кимё саноатида ва электротехника саноатида коррозияга қарши ва изоляцион материал сифатида қўлланади. Винипластдан ишланган хилма-хил деталлар ва ашёлар, пленка, линолеум, лист, плита, қувур, стержень, пайванд хивичлари машинасозликда, бинокорликда, қишлоқ хўжалигига ва бошқа соҳаларда қўлланади. Винипласт А ва Б маркалари билан тайёрланади. Улар ташкил этувчи компонентларига қараб бири-биридан фарқ қиласи. Пленкаларнинг қалинлиги 0,3 мм дан 1 мм гача, листларнинг қалинлиги эса 2 мм дан 20 мм гача боради. Пленка винипласт листлар тайёрлашда, электролиз ванналарида, кимёвий аппаратларни футеровка қилишда ишлатилади. Винипласт листлардан гальваник ванналар, вентиляция системалари, смирувчи суюқлик сақланадиган чонлар ва ҳоказолар тайёрланади, винипласт қувурлардан эса турли транспорт қувурлари монтаж қилинади.

Пластикат винипластга нисбатан анча юмшоқ бўлиб таркибидаги 50 фоизга яқин пластификатор (дигутилфлотат, трикрезилфосфат ва бошқалар) бўлади. Булар материалнинг пластиклиги ва совукқа чидамлилигини оширади, уни буюмга айлантиришни енгиллаштиради. Пластификаторлар миқдори яна оширилса, узилиш чогида материалнинг нисбий узайиши ортади ва чўзилишга пишиқлиги пасаяди. Поливинилхlorид смолани жўвалаш ва ялтиллатиш натижасида турли шаклда зластик пластикат олинади. Пластикат юксак дизлектрик хоссаларга, яхши коррозион чидамлиликка эга бўлганлигидан электротехника, кимё саноатида, машинасозликда ва халқ

хўжалигининг бошқа тармоқларида кенг қўлланади. Пластикатнинг анчагина қисми кабелларни изоляциялашга, электр симлари, изоляцион лента тайёрлашга ва ҳоказоларга сарфланади. Пластикатдан қистирма буюмлар ва герметиклаштирувчи буюмлар, сувга, мойга ва бензинга чидамли қувурлар, пленка, сунъий кўн, линолеум ва пол плиткалари, юритки қайишлари ва транспортер ленталари, мебель саноати учун кунгиралар, шунингдек ҳар хил халқ истеъмол буюмлари олинади. Поливинилхлориддан ясаладиган буюмлар штамповка усулида ёки пневматик усул билан қолиплаш ва ваккум шароитида қолиплаш усули билан тайёрланади.

#### 7.3.4. Полистирол

Полистирол — пластмасса ишлаб чиқариш умумий ҳажмида полистилен ва поливинилхлориддан сўнг учинчи ўринни эгаллади. Уни эритувчи моддаларда



реакцияга мувофиқ блокли, эмульсион ва суспензион услублар билан стиролни полимерлаб олинади (38-расм).

Стирол ёки винилбензол ўткир ҳидли суюқликдан иборатdir. Полимерлаш оддий шароитларда уй ҳароратида ўтиши мумкин.

Полистирол юксак диэлектрик хоссаларга эга, намлика ва кимёвий чидамли материалdir. Шу туфайли ҳар хил кимёвий ускуна ва приборларни, лаборатория идишларини, аккумулятор корпусларини тайёрлашда



38-расм. Эритувчида стиролни полимерлаш:

1 — насос; 2, 3, 4 — реактор; 5 — буглатгич; 6 — экструдер; 7 — сув билан совутиш; 8 — майдалагич; 9 — бункер; 10 — қадоқловчи машина.

коррозияга қарши материал сифатида ишлатилади. Полистирол иссиққа унча чидамайды ва зарбий пишиқлиги ҳам паст (гоятда мұрт) бұлади. Үй-рұзгор техникаси ашёларини тайёрлашда ишлатилади. Ишлатыстағанда зарбий нагрузкаларга дуч келмайдиган радио ва электр аппаратура деталлари, автомобиль, холодильник (совутмоч) деталлари; радиоприёмник, телевизор ва юксак частотали приборларнинг корпуслари; магнитопленка, фотопленка ва кинопленка кассеталари, галтаклари, кабель, кошин, пленка қобиқлари шулар жумласидандыр.

Умумий ақамиятдаги полистирол қурилиш ишлари ва темир йұл транспортида иссиқ изоляцияловчи материал, приборлар ва шиша буюмларни муҳофазаловчи үров материали сифатида, дори-дармон ва косметик материалыларга тара ишлаб чиқаришда, үйнінчөкілар, фурнитура тайёрлашда ишлатилади. Полистиролнинг зарбий пишиқлигини ошириш учун у стирол билан каучукни бирга полимерлаб тайёрланади.

Зарбаларга чидаш берадыган полистирол автомобильсозлик ва тракторсозликда, радиотехника ва электротехника саноатида, умумий машинасозликда ва саноатнинг бошқа тармоқларыда зарбий күчлар таъсирига дуч келадын деталлар ва буюмларни тайёрлашда ишлатылади. Синдириш коэффициенти юксак шаффофф материал сифатида полистирол оптик шишелар тайёрлашда, гигиена ақамиятидаги буюмлар тайёрлашда ишлатилади. Буюмлар юзининг офтобдан сарғайып кетиши, иссиққа унча чидаш бермаслик полистиролнинг камчиликларидан ҳисобланади. Полистиролнинг иссиққа чидамлилигини ошириш учун унга мармар толқони, ёки бошқа хил тұлдирғыч материаллар аралаштырылади. Босим билан қуиши — полистиролни буюмга айлантиришнинг асосий услугидир.

### 7. 3. 5. Фторопластлар

Фторопластлар этилен фторли ҳосилаларининг полимерлари булып, уларда этилендан фарқи үлароқ водород үрнини фтор ёки фтор билан хлор згаллаган бұлади. Галогенларнинг углерод билан мустақам кимёвий бөгланғанлиги туфайли фторопластлар барча термопластлар орасыда гоятда термокимёвий чидамли булып қолди. Кимё саноати дастлабки мономерининг таркибига күра-

бир-биридан фарқ қиласынан түрт хил фторопласт: фторопласт-1, фторопласт-2, фторопласт-3 ва фторопласт-4 ларни ишлаб чиқармоқда. Чунончи, фторопласт номида берилған рақам (1, 2, 3 ва 4) дастлабки мономердаги фтор атомлары сонини күрсатади. Мономер атомлар сони қанча күп бўлса фторопластнинг термик ва кимёвий чидамлилиги шунча юқори бўлади.

Политетрафторэтилен ( $C_2F_4$ )<sub>n</sub> ва политрифторхлорэтилен ( $C_2F_3Cl$ )<sub>n</sub> энг күп тарқалган.


Политетрафторэтилен ёки фторопласт-4 автоклавларда эмульсия усули орқали мономерни фторнинг түртта атоми билан



реакциясига мувофиқ полимерлаб ҳосил қилинади. Олинган маҳсулот оппоқ говак тола кукундан иборат бўлади; қиздирганда бошқа термопластик материаллар сингари суюқланмай, юмшайди холос. Шунинг учун ҳам уни одатдаги усуллар билан буюмга айлантирилмайди. Фторопласт-4 дан ясаладиган буюмлар совуқда говак кукундан прессланган маҳсус ҳабларни электр печларда 360—380°C ли ҳароратда қовуштириб ҳосил қилинади. Фторопласт-4 намлика чидамли, ёнмайди ва оддий зритувчиларда эриб кетмайди. Фторопласт-4 нинг кимёвий чидамлилиги бошқа ҳамма синтетик материаллар ва қотишмаларнинг ва ҳатто олтин ва платина каби асл металларнинг чидамлилигидан ҳам юқоридир. Унга суюлтирилган ва концентрацияланган барча кислоталар шу жумладан, зар суви ҳатто юксак ҳароратларда ҳам таъсир этломайди. Фторопласт-4 емирувчи мұхитлар ва юксак ҳароратларда ишлайдиган деталлар ва буюмлар: зичлаштирувчи қистирма, манжета ва сальниклар, вентиллар, идишлар ва трубалар, футеровка плиткалари, аппаратлар, пленкалар тайёрлашда, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат саноати, совутиш техникаси учун ғалвирак буюмлар ва бошқа хил буюмлар тайёрлашда металл иҳота қопламалари ва ҳоказоларни тайёрлашда ишлатилиди. Фторопласт-4 жуда яхши дизелектрик сифатида юксак частотали электр қурилмаларда, радар, электрик ўлчов ва электрон қурилмаларда, кабеллар, симларни изоляциялашда ва ҳоказо ишларда кенг кўламда қўлланади. Ишқаланиш коэффициентининг пастлиги туфайли ундан подшипник вкладишларини тайёрлашда,

шу жумладан мойланмасдан ишлайдиган подшипник вкладышларини, медицина техникасига оид буюмларни тайёрлашда фойдаланиш имконини беради. Фторопласт-4 дан олинадиган толадан түқилган газмолнинг пишиқлиги қониқарли, кимёвий чидамлилиги юқори бўлиб фаол коррозион суюқликларни фильтрлашда ишлатилади. Фторопласт-4 нинг камчиликлари шуки, уни буюмга айлантириш қийин, тузукроқ пайвандланмайди ва елимланмайди, нархи бирмунча қиммат ва қаттиқлиги ҳамда қотишлиги етарли бўлмаганидан ундан конструкцион материал сифатида фойдаланиш чекланган. Фторопласт-4Д фторопласт-4 нинг бир тури бўлиб, хоссалари жиҳатидан унга яқин туради, лекин технологиявийлиги анча юқори. Фторопласт-4Д дан юқори ҳарорат, емирувчи кимёвий муҳит ва электр токи шароитларида ишлатишга мўлжалланган ихчам ашёлар, листлар, ленталар, пленка ва тола ҳосил қилинади.

### *Политрифтхлорэтилен ёки фторопласт-3*



реакциясига мувофиқ мономерни фторнинг учта атоми билан полимерлаб олинади. Суюқланувчи материал бўлмиш фторопласт-3 термопластларга маълум ҳамма усууллар билан буюмга айлантирилади. У иссиққа чидамлилиги жиҳатидан фторопласт-4 дан бирмунча орқада қолади, аммо қаттиқлиги ва пишиқлиги юқори бўлади. Фторопласт-3 нинг кимёвий чидамлилиги ҳам юқори, лекин фторопласт-4 га нисбатан бирмунча пастдир. Фторопласт-3 минерал кислота, зар суви, ишқор, оксидловчилар, пероксидлар ва органик эритувчилар таъсирига чидамли бўлса-да, ксилол ва бензолда эриб кетади; антифрикцион хоссаларга эга эмас ва дислектрик сифатида фторопласт-4 дан қолишади. Фторопласт-3 дан емирувчи муҳитларда ишлайдиган насос, вентиль, счетчик, махсус прибор каби механизмлар учун мураккаб шаклдаги деталлар ва буюмлар, шунингдек қувурлар, шланглар (ичаклар), пленкалар, тўқима материаллар ва ҳоказолар тайёрланади. Юқори ҳарорат ва намлик шароитларида ишлайдиган кабель ва симларни изоляциялашда фторопласт-3 дан дислектрик сифатида фойдаланилади. Фторопласт-3 дан емирувчи муҳитларда ишлайдиган металлар учун иҳота қопламалари олинади. Фторопласт-3М материали фторопласт-3 нинг бир тури бўлиб иссиққа чидамлилиги ва эластиклиги юқорироқдир.

Емирувчи мұхитларда фторопласт-2 ( $C_2H_2F_2$ )<sub>d</sub> фторопласт-3 га нисбатан унча чидамли эмас, у ишлатила-диган ҳарорат интервали пастроқ, пишиқлиги ва қаттиқлиги юқоригоқ. Фторопласт-1 ( $C_2H_3F$ )<sub>n</sub> үзининг хоссалари жиҳатидан фторопласт-2 га яқинроқ бўлиб пленка шаклида тайёрлаб чиқарилади. Унинг хизмат муддати бошқа пластмассаларга нисбатан 3—4 баравар юқоридир. Электроизоляцион ва ўров материали сифатида қўлланади.

### 7. 3. 6. Полиамидалар

Занжирида —  $CONH$  — амид группалар тутивчи юксак молекуляр бирикмалар *полиамидалар* дейилади. Аминокислота лактамларини полимерлаш ва диаминларни дикарбон кислоталар ёки уларнинг ҳосилалари билан поликонденсациялаш полиамид синтез қилишинг саноат услублари ҳисобланади. Капролактамдан олинадиган капрон, гексаметилендиамин ҳамда адипин кислотадан синтез қилинувчи найлон (анид) аминогруппаларни поликонденсатлари бўлмиш энант ва геллерон энг кўп тарқалган полиамид смолалардир. Полиамидалар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё материаллар асосан бензол ва унинг бирикмаларидан олинадиган осон эрийдиган кристалл моддалардир. Полиамидаларнинг кимёвий тузилиши рақам белгилар билан кўрсатилади. Полиамид биргина мономерни полимерлаб олинган бўлса, уни марказда "полиамид" сўзидан кейин мономердаги углерод атомлари сонига мувофиқ келувчи битта рақам қўйилади. Масалан, капролактамни полимерлаб олинган капрон (поликапропиамид) полиамид бўлди. Полиамид диаминларни дикарбон кислоталар ёки уларнинг ҳосилалари билан поликонденсация қилиш орқали олинган бўлса, маргадаги рақам полиамид синтез қилиб олинган дастлабки компонентлар сонини кўрсатади. Бунда вергулгача бўлган рақамлар диаминлардаги углерод атомлари сонини, вергулдан кейинги рақамлар эса дикарбон кислоталардаги углерод атомлари сонини кўрсатади (масалан, гексаметилендиамин ва адипин кислотадан олинган найлон-полигексаметиленадинамид полиамид 6,6 дейилади ва ҳоказо). Полиамидалар асосан синтетик тола ва пластмасса тайёрлашда ишлатилади. Гоят пишиқ, қаттиқ ва қовушоқ термопластлар бўлмиш полиамидалар абразив материаллар билан едирилишга яхши қаршилик кўрсатади, шунингдек кимёвий гоятда

чидамлидир. Улар металлар билан жуфтлашиб ишлаганида ишқаланиш коэффициенти паст бўлиб, металлар билан қапишиб қолмайди. Қовушоқ ҳолатдаги полиамидни осонликча турли буюмлар, тола, пленкага айлантириш мумкин. Бунинг учун қолипларга қўйиш, босим билан қўйиш, марказдан ючма усул билан қўйиш ва пресслаш, фильтерлардан ситиб ўтказиш, шнек-машина усуллари каби маълум усуллардан фойдаланилади. Саноат машинасозликка атаб олти типда полиамид смолалар: капрон, найлон, 54-№, 68-№, АК-7 ва П-б смолаларини тайёрлаб чиқармоқда. Аммо шуларнинг ичида капрон энг кўп ишлатилмоқда.

Катта-катта буюмларни тайёрлашда капролактам суюқланмасини бевосита қолипнинг ўзида инициатор ва активатор билан полимерлаш маҳсули — капролондан кенг кўламда фойдаланилади. Машинасозликда полиамиллар абразив едирилишга ва смирувчи муҳитларнинг таъсирига дучор бўладиган унча куч тушмайдиган деталларда ранги metallар, чўян ва пўлатни сиқиб чиқариб конструкцион материал сифатида тобора кенгроқ кўламда қўлланмоқда. Сирпаниш подшипникларининг вкладишлари, тишли гилдираклар, втулкалар, шайбалар, насослар ва тишлиши мутталарининг, шунингдек нефтни қайта ишлаш машина-ускуналарининг деталлари; мойланмасдан ишлайдиган ишқаланувчи деталлар; эшкак винтлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Полиамиллар шимдирилувчи материаллар, елиmlар ҳамда зритма ёки суюқлантирилган зарралар ҳолида металлнинг бетига юргутиладиган ва уларга антифрикцион хоссалар баҳш этадиган, уларнинг кимёвий чидамлилигини, ейилишга чидамлилигини оширадиган қопламалар тайёрлашда фойдаланилади. Намлик муҳитида ишлаш чогида бўкиб кўчиб кетиш бундай қопламаларнинг камчилигидир.

Полиамиллар содда пластмассалар ҳолида, шунингдек уларнинг асосий хоссаларини яхшиловчи тўлдиригич модда ва ёки пластификатор қўшилган мураккаб пластмасса сифатида чиқарилади.

Тўлдирувчи модда сифатида шиша тола полиамилларнинг физик-механик хоссаларига энг самарали таъсир кўрсатади. Соғ полиамиллар зарбий таъсирларга учрайдиган деталларни тайёрлашда, шиша толали полиамиллар эса ейилишга ва иссиққа чидамли деталларни тайёрлашда ишлатилади. Автомобиль ва тракторларнинг комплектловчи деталлари, иссиққа чидамлилиги оширилган радиотех-

ника ва электротехника деталлари шулар жумласидан ҳисобланади. Полиамид тола трикотаж, сунъий мўйна, гилам, чутка, сим изоляцияси, автомобиль шиналари, арқонлар, транспорт ленталари ишлаб чиқаришда кўлланади. Полиамид толалар механик пишиқлиги, нисбий узайиши ва эластиклиги жиҳатларидан бошқа хил кимёвий ва табиий тола турларидан устун келса-да, лекин нам ҳолида уларнинг пишиқлиги бирмунча пасаяди. Энант ва пеларгон толалари юксак механик хоссаларга эга. Бу хилдаги толалар кўп карра деформацияларга, сийилишга чидамлилиги, иссиқда тургунлиги, нурга чидамлилиги, кимёвий чидамлилиги жиҳатларидан капрон толадан анча устун туради. Унча қаттиқ эмаслик ва иссиқни яхши ўтказмаслик, намликни кўп ютиш, иссиқдан кенгайиш коэффициентининг катталиги, ёргудан эскириш, дизлектрик хоссаларнинг заифлиги полиамидларнинг камчиликлари қаторига киради. Аммо полиамидлар таркибига молибден дисульфид, графит, тальк каби тўлдирувчи моддаларни киритиш туфайли уларнинг физик-кимёвий хоссалари яхшиланиши, фойдаланиш ҳажми катталашибориши мумкин. Айни маҳалда пластмасса ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш умумий ҳажмида полиамид ишлаб чиқариш атиги 1 фоизнингина ташкил қиласиди. Полиамиднинг қимматлиги бунга кўпроқ сабабчидир.

#### 7. 3. 7. Полиметилметакрилат, полиформальдегид ва пентапласт

Полиметилметакрилат метакрил кислотанинг метил эфири — метилметакрилатни полимерлаб олинадиган шаффоф рангиз смоладан иборатdir. Халқ хўжалигига "органик ойна" (плексиглас) номи билан кенг кўламда ишлатиладиган лист материал олиш учун метилметакрилатни блокли полимерлаш услуги кўпроқ сейилган. Органик ойна гоятда шаффоф бўлиб, дизлектрик хоссаларга эга, енгил, механик жиҳатдан пишиқдир. У самолёт ва автомобилларни ойналашда, оптик шишалар тайёрлашда, стоп-сигналлар, подфарниклар, шкалалар, ёритқичлар, соат ойналари, автомобиль фаралари, машина ва станокларга қалқонлар тайёрлашда ишлатилади. Органик ойна 75 фоизга яқин ультрабинафша нурларни ўтказади (одатдаги силикат ойна эса 1 фоиздан камроқ ўтказади). Натижада улардан касалхона биноларини согломлашибориши мақсадларида фойдаланиш мумкин

бұлади, чунки ультрабинафша нурлар касал тарқатувчи микробларни үлдиради. Улар атмосфера таъсиридан эскиришга ниҳоятда бардошли бўлиб, бемалол бўялиши мумкин. Натижада буюм кўркамлашади. Дизлектрик сифатида органик ойнадан электрик чидамлилик билан кимёвий чидамлилик ва ейилишга чидамлилик талаб этиладиган жойларда ишлатилади. Машинасозликда органик ойнадан конструкцион материал сифатида фойдаланилади. У шаффофф ва хира ҳолда, рангиз ва бўялган ҳолда чиқарилади.

Полиметилметакрилит мойга, сувга, бензинга ғоятда чидамли, кислота, ишқор ва турли тузларнинг эритмалари таъсирига бардошлидир. Кимё машинасозлигида органик шишадан бочкача, идиш, кислотабардош трубалар ва бошқа буюмлар тайёрланади. Электротехникада полиметилметакрилатдан электрик пайвандлаш чогида ёйни сўндирувчи материал сифатида фойдаланилади. Чунки у ёйда парчаланаётуб анча газ чиқаради. Халқ истеъмол ашёларини ишлаб чиқарышда органик шишадан кенг кўламда фойдаланилади. Унча қаттиқ эмаслиги, ейилишга ва иссиққа унча чидамаслиги, турли омиллар таъсирида хиракалишишга, шунингдек ёрилишга мойиллиги органик шишанинг камчиликларидир. Штампаш, пресслаш, вакуум шароитида қолиплаш, айрим деталларни пайвандлаш, шунингдек термопластлар учун хос бошқача ишлов бериш усуслари органик шишани буюмга айлантирувчи асосий услублардандир. Формальдегидни полимерлаш маҳсул бўлмиш полиформальдегид ( $-\text{CH}_2-\text{O}-$ ) юксак механик ва дизлектрик хоссаларга, нисбий иссиқбардош ва кимёвий чидамли, қаттиқ ва зарбий пишиқ шаффофф бўлмаган оқ материалдир. Йишқаланиш коэффициенти паст. Полиформальдегиднинг зичлиги 1,4 г/см<sup>2</sup>, 20°Сли ҳароратда чўзилиш чогидаги пишиқлиги 70 МПа ва узилиш чогидаги нисбий узайиши 16—75 фоиз. Машинасозликда втулка, подшипник, шестерен, қувур, лист ва бошқа буюмларни тайёрлашда ишлатилади. Бу буюмлар рангли металл ва уларнинг қотишмаларидан ясалган деталлар ўрнини бемалол боса олади. Полиформальдегид термопластлар учун хос экструзия, босим билан қўйиш услуби ва бошқа услублар билан буюмларга айлантирилади.

Пентазрітритдан олинадиган қаттиқ полимер-пен-тапласт сувга ва иссиққа мутлақ чидамли, кимёвий чидамлилиги юксакдир. Пентапластнинг зичлиги 1,4

$\text{г}/\text{см}^3$ ,  $20^{\circ}\text{С}$ ли ҳароратда чузилиш чогидаги пишиқлиги 42 МПа ва узилиш чогидаги нисбий узайиши 35 фоиз. Ундан смирувчи мұхитлардаги оширилган ёки пасайтирилган ҳароратларда узоқ вақт ишлайдиган кимёвий ва совитиш машина-ускуналарининг деталлари тайёрланади. Пентапласт термопластларни қайта ишлашга хос ҳамма услуглар билан қайта ишланаверади.

#### 7. 4. Реактопластларнинг турлари. Уларнинг вазифаси, товарлик хоссалари ва маркаланиш тартиблари

Фенолоформальдегид смолалар асосида ҳосил қилинадиган фенопластлар ҳамда мочевиноформальдегид ва меламиноформальдегид смолалардан ишлаб чиқариладиган аминопластлар реактопластларнинг энг күп тарқалған турларидир. Фақаттана поликонденсация реакцияси билангина олинадиган полиэфир смола, эпоксид смола, кремнийорганик смола ва бошқа хил смолалар асосидаги материаллар ҳам термореактив пластмассаларга киради. Термореактив пластмассаларни қизитганда суюқланмай бурда-бурда бұлыб кетади ва такрорий шаклланиш қобилятини тамомила йүқотиб қораяди ва күмирға айланади. Аммо реактопластлар термопластларга нисбатан иссиққа күпроқ чидайды ва механик хоссалари ҳам анча юқори. Уларни қиздирганда макромолекулалари күндаланғ бояланиши гоятта зич түр тузилишга ўтиши сабабидан шундай бұлади. Термореактив полимерлар қотаётганида анчагина қочади, тузилиш жиҳатидан бир жинсли бұлмайды ва ички зўриқишилар вужудга келади. Ана шу камчиликлар олинаётган буюмларнинг ёрилиб кетишига деформацияланишига сабаб бұлади.

Эпоксид полимерлар энг оз — 0,5—2 фоиз қочади, полиэфирлар энг күп — 10 фоиз чамаси қочади. Шунинг учун ҳам термореактив смолалар қолипланады, уларнинг таркибига махсус тұлдирувчи модда құшилади, у қочиш ва ёрилишни камайтиради, шунингдек олинаётган буюмнинг таннархини арzonластиради. Күпгина термореактив полимерлар қотаётіб паст молекуляр моддалар ажратади, бу моддалар пластмассаларда ғоваклар вужудга келтиради. Мана шу камчиликка барҳам бериш ва зич тузилишли материал ҳосил қилиш учун тайёрланады, аралашмалар иссиқ ҳолда прессланади. Бу пайтда тұлдирувчи модда билан полимер бояланиб

яхлит буюм вужудга келади. Реактопласт буюм яна қиздирилса у юмшамайды. II-жадвалда баъзи реактопластларнинг асосий хоссалари берилган.


#### 7. 4. 1. Фенопластлар

Феноллар ёки уларнинг турдош биримларини — крезол, ксиленолни формальдегид, фурфурол, ацетальдегид каби альдегидлар билан поликонденсациялаш натижасида олинадиган фенолформальдегид смолалар ва шуларнинг асосида ишланадиган пластмасса — фенопластлар жуда кўп чиқарилади ва жуда кўп хили ишлатилади. Фенопластлар гоятда қаттиқ ва пишиқ бўлади, оддий эритувчи моддаларда эримайди ва айрим эритувчи моддалардагина шишиб чиқади, эскириши қийин, сувга чидамли бўлиб жуда оз сув ютади. Айни маҳалда улар бошқа пластмассалар сингари унча зич бўлмайди, электрга қаршилиги юксак, кимёвий чидамли, фрикцион ва зиддифрикцион хоссаларга эга. Бундай материаллардан ясалган буюмлар узоқ вақт юқори ҳароратда ишлай олади ва ўзининг механик хоссаларини оз ўзгартиради. Фенопластларнинг камчилиги шуки, улар эксплуатация жараёнида маълум миқдорда эркин фенол ажратади, у кучли заҳар бўлиб муайян хавф-хатар тутғидиради. Қиздиришнинг смола хоссаларига таъсири ва ишлатилаётган тўлдирувчи модданинг тури фенолформальдегид смолаларни тасниф этишга асос бўлувчи аломатлардир. 39-расмда фенолформальдегид смолани ишлаб чиқариш жадвали берилган.

Қиздиришнинг таъсирига кўра фенолформальдегид смолалар термореактив резоль смолаларга ва термопластик новолак смолаларга бўлинади. Резоль смолалар ишқор муҳитида фенолни ортиқча формальдегид билан 6:7 нисбатда поликонденсация қилиш натижасида олинади. Шунда полимерларда тўғри тузилишнинг тўр тузилишга ўтиши, материалнинг суюқланмайдиган ва эримайдиган ҳолатга ўтиши билан боғлиқ кимёвий ўзгаришлар рўй беради. Резоль смолаларнинг хоссалари асосан хом ашё характеристига боғлиқ бўлади. Фенол асосида олинган смолалардан крезол ёки ксиленолдан олинадиган смолаларга нисбатан янада қаттиқроқ, пишиқроқ ва иссиқча чидамли пластмассалар ишлаб чиқарилади. Крезол асосида ҳосил қилинган смолалар дизлектрик хоссалари яхши ва намлика чидамлироқ бўлади. Гоятда пишиқ, намлика чидамли ва кимёвий чидамли ҳамда дизлектрик хосса-

11. Рекомендации посей хосса тары

Пластмассаларнинг турлари	Зичлик, г/см <sup>3</sup>	Каттиқлик, НВ	Чузилишига пи- шиклик, МПа	Электрик пи- шиклик, кВ/мм	Ишкор ө хароратлар, °С Хисобида
<b>Фенопластилар</b>					
Пресс-кукун: 06-010-02 (новолак) 01-040-02 (резоль)	1,45	25—30	35—45	13	
Волокнит	1,45	25	30—35	2	— 40 дан 110 гача
Фаолит	1,80	25—35	40—90	4—6	— 60 дан 120 гача
Текстолит	1,40	25—35	100	4—5	— 65 дан 105 гача
Шышатекстолит	1,60—1,90	30—50	110—300	10—24	— 65 дан 130 гача
Асбодекстолит	1,30—1,70	30—45	80	10—24	200 гача
Гетинакс	1,25—1,45	25	60—80	12—30	— 65 дан 105 гача
Ётөч кат-кат пластик	1,30	22—35	110—260	12—30	90 гача
<b>Аминопластилар</b>					
Пресс-кукун	1,40—1,80	30—40	30—60	10—18	— 60 дан 120 гача



39-расм. Фенолформальдегид смола ишлаб чиқариш схемаси:  
1 — реактор; 2 — найча холодильник (совутмоч); 3 — бункер.

ларга эга бўлган пресс-кукунлар, тола пластиклар, қат-қат пластиклар тайсрлашда резоль смолалардан фойдаланилади.

*Новолак смолалар кислотали мұҳитдаги ортиқча фенол билан формальдегидни поликонденсация қилиб олинади. Олинган смола тўғри тузилишга эга бўлади, қиздиргандан суюқланади, совитгандан эса қотади, спиртда эриб кетади. Резоль смолага нисбатан новолак смола анча технологик бўлиб пресс-қолипни осонгина тўлдиради ва тезда қотади. Новолак смолалардан умумий фойдаланиладиган пресс-кукунлар, абразив ашёлар (пульвербакелит), газ тўлдирилган материаллар ҳамда спиртли лаклар тайёрланади. Новолак смола билан резоль смола ҳосил қилиб олиш технологиясига кўра бир-биридан унча фарқ қилмайди.*

*Фенопластлар ишлатилган тўлдирувчи модданинг турига кўра кукунли, толали, қатламли бўлади.*

*Кукун тўлдиригич моддали фенопластлар (пресс-кукунлар) кенг тарқалган бўлиб боғловчи смола, тўлдирувчи, қотирувчи моддалар, мойлар, бўсқлар ва пигментлардан иборат. Пресс-кукунлар ишлаб чиқариш*

учун новолак ва резоль фенолоальдегид смолалар ишлатилади, чунончи новолак пресс-кукундан техника ва рўзгор аҳамиятидаги буюмлар, резоль смолалардан эса диселектрик хоссалари оширилган, сувга чидамли ва кимёвий чидамли буюмлар тайёрланади. Пресс-кукунларнинг хоссалари тўлдиригич моддаларнинг физикавий ва кимёвий таркибига ва уларнинг буюм таркибida қанча эканлигига боғлиқ бўлади. Органик ва минерал моддалардан тўлдиригич сифатида фойдаланилади, улар одатда смолалардан арzon туради, шунинг учун ҳам пресс-кукун нархини арzonга туширади. Ёгоч толқони (қипиқ толқони) жуда муҳим органик тўлдиригич модда, каолин, тальк, кукусимон асбест кабилар эса муҳим минерал тўлдиригич модда ҳисобланади. Уротропин новолак ва резоль смолаларнинг қотиувчиси, сундирилган оҳак, магний оксиди, кальций оксиди ва бошқа материаллар қотириш жараёнини тезлатувчи материаллар ҳисобланади. Суртиладиган моддалар (олсин ва стеарин кислоталари ва уларнинг тузлари) пресс-кукунларнинг пресс-қолипларга ёпишиб қолишини камайтиради ва материалнинг пластиклигини оширади. Пресс-кукунларни бўяш учун мумиёс, охра, нигрозин, пигмент ва ҳоказолар ишлатилади.

Новолак пресс-кукунлар жўвалаш ва шинк услублари билан, резоль кукунлар эса жўвалаш услуги билан ҳосил қилинади.

Вазифаларига кўра пресс-кукунлар қуйидаги типларга бўлинади: О типи — яхшиланган ва зарбий пишиклиги оширилган умумий техника аҳамиятидаги пресс-кукунлар бўлиб, улардан машинасозлик, электротехникада куч тушмайдиган ва кам куч тушадиган деталлар ҳамда буюмларни, шунингдек ҳалқ истсъмол молларини тайёрлашда фойдаланилади; Сп типи — органик ва минерал тўлдиригичли аммиаксиз махсус пресс-кукун бўлиб, кумуш арматура ёки бошқа рангли металлар билан биргаликда ишлайдиган ашёлар учун қўлланади, Э ва В типлари — электр изоляцион ва юксак частота пресс-кукунлари бўлиб, электротехника ва радиотехникада электр изоляцион деталлар тайёрлашда ишлатилади; Вх типи — намликка чидамли ва кимёвий чидамли (кислотага чидамли ва ишқорга чидамли) бўлиб, кимёвий чидамлилиги юқори бўлган деталлар ва ашёлар ҳосил қилишда ишлатилади; Ж типи — иссиқбардош бўлиб оширилган ҳарорат шароитларида ишлайдиган деталлар ва ашёларни

тайерлашга мүлжалланган. Пресс-кукунлар турли хил рүзгор ашёларини тайерлашда кенг күламда ишлатилади.

Пресс-кукунларни маркалашда пресс-кукуннинг типи ва шу типдаги гурухнинг номери, смоланинг маркаси ва тўлдиргич модданинг шартли номери назарда тутилади. Чунончи 20 маркаси ва ундан паст маркалар новолак смолага, ундан юқори маркалардагиси эса резоль смолага мувофиқ келади. Тўлдиргичнинг 02 шартли номсри қипиқ толқонини, 03 — слюдани, 06 — асбестни билдиради ва ҳоказо. Масалан, 06-010-02 маркали пресс-кукунни бундай деб таърифламоқ лозим: 0 — тип (умумий техника аҳамиятида), 6-гуруҳ; 010 — смола маркаси; 02 — тўлдиргич (қипиқ толқони) бўлади. Фенолоформальдегид пресс-кукунлардан ясаладиган буюмлар 180—190°C ли ҳарорат ва 15—35 МПа босимда иссиқ ҳолда пресслаш услуги билан олинади. Мўртлик ва зарбий пишиқликнинг озлиги кукун тўлдиргичли фенопластларнинг камчиликларидан бўлиб, турли зўриқишилар таъсирига дучор бўладиган мураккаб шаклдаги деталлар ва буюмларни тайерлашда шу материаллардан фойдаланишини чеклаб қўяди.

Волокнит, шишаволокнит (стекловолокнит, асбоволокнит, фаолит каби тола модда) тўлдиргичли фенопластлар кукунли фенопластларга нисбатан яхшироқ меҳаник хоссаларга эгадир. Уларни 160—175°C ҳарорат ва 30—40 МПа босимда иссиқ ҳолда пресс slab олинади. Волокнит пресс-материал бўлиб унда резоль смола шимдирилган пахта целлюлозаси (пахта линти, ип йигириш фабрикаларининг чиқитлари)дан тўлдиргич модда сифатида фойдаланилган. Минерал тўлдиргич моддалар, қотиргич моддалар, суркаладиган моддалар ва бўсқлар қўшимча модда бўлади. Смолани стандартлаш (толага яхши шимиладиган стандарт қовушоқли смола эритмасини тайерлаш), компонентларни аралаштириш, ҳўл волокнитни қуритиш ва бир неча туп материални аралаштириш йўли билан волокнитни стандартлаш волокнит ишлаб чиқариш технологик жараснининг асосий босқичларидир. Волокнитлардан электр изоляцион материаллар, шестернялар, маховиклар, аппарат ва прибор корпуслари, бошқа деталь ва ашёлар тайерланади.

Шишаволокнит резоль смола ва тўлдирувчи модда сифатида ишлатилувчи шишатола ёки шиша ип асосида ҳосил қилинади. Саноат икки хил маркада шишаволокнит ишлаб чиқаради: В маркали АГ-4 пресс-материал (чигал

шишатола-тұлдирувчи модда) ва С маркалы АГ-4 пресс материал (шишаип-тұлдирувчи модда). Шишаволокнит-нинг пишиқлиги, элекстр изоляцион хоссалари ва сувга чидамлилиги волокнитницидан юқори. Шишаволокнит ишлаб чиқариш технологик жарасын тұлдиригич модда тайёрлаш (шиша толани кесиш ва уни титиш), компонентларни аралаштириш ва материални қуритишдан иборат. Шишаволокнитлар пишиқлиги ва электрга қаршилиги ошиқ конструкцион аҳамиятдаги деталлар ва буюмларни тайёрлашда ишлатилади.

Асбоволокнитлар тола асбестни тұлдиригич модда қилиб олинган резоль смола асосида тайёрланади. Асбоволокнит композициясини ишлаб чиқариш жарасын компонентларни аралаштириш, таблеткага айлантириш, жұвалаш ва қуритишдан иборат. Саноатимиз тұлдиригич моддасининг тузилиши билан бир-биридан фарқ қылувчи бир неча хил марка асбоволокнит ишлаб чиқармоқда. Асбоволокнитлар юксак антифрикцион хоссаларға әга ва иссиққа чидамли булиб, тормоз колодкаларини, ҳарорат юқори бұлған шароитларда ишлайдиган электр моторлар ва приборларнинг деталларини тайёрлашда ишлатилади.

Фаолит — резоль смола ҳамда асбест, графит ва кварц құми сингари кислотабардош тұлдиригич модда асосидаги композициядан иборат бұлмиш пресс-материал саноатда күп тарқалған. Фаолит қосил қилиш технология жарасын резоль смолани тайёрлаш, уни тұлдиригич модда билан аралаштириш ва фаолит массаны жұвалашдан иборат. Фаолит ҳамма кислотали мұхитларға, шу жумладан концентрацияланған хлорид кислотага чидамли (нитрат кислота билан бузилади), смирувчи мұхитларда ишлайдиган деталлар ва буюмларни тайёрлашда конструкцион материал сифатида ишлатилади. Саноат А, П ва Т маркаларда фаолит ишлаб чиқаради. А маркалы фаолит асбест тұлдиригич моддадан иборат бұлғын кислотабардош трубалар, арматура, аппаратлар олишда ва иссиқ изоляцияловчи материал сифатида ишлатилади. П фаолитда асбест құшилған кварц құм, Т фаолитта эса асбестли графит тұлдиригич модда бұлғын хизмат қилади. Фаолитнинг шу маркалари анча қаттық бұлғын зарбий пишиқлиги камроқ, коррозияға қарши хоссалари юксак, иссиққа чидамли ва технологияйиғыроқдир. Улар кислотабардош құвурлар, аппаратлар тайёрлашда ҳамда смирувчи

ванныалар, гальваник ванныаларнинг корпузларини футеровка қилишда ишлатилади ва ҳоказо.

Қат-қат тұлдиргич моддали фенопластлар (қатлам пластиклар) 150—160°Сли ҳарорат ва 10—15 МПа босимда ип газлама, шиша, асбест тұқымалар, қозғауыш шпонидан иборат тұлдиргич модда асосида тайёрланади. Тұлдиргич модданинг турига қараб қат-қат фенопластлар текстолит, шишатекстолит, асботекстолит, гетинакс, ёғоч қатлам пластикларга бүлинади ва қалинлиги 0,5—2 мм ли листлар, қалинлиги 2—8 мм ли пластиналар ва қалинлиги 8 мм дан ошадиган плиталар ҳолида тайёрлаб чиқарилади. Қат-қат пластиклар юксак механик хоссаларга эга булып, бир қанча қолларда қора ва рангли металл қотишмаларининг үрнини боса олади.

Тарқалиб кетган қат-қат пластик-текстолитнинг механик пишиқлиги юқори, зичлиги оз ва яхши зиддифрикцион хоссаларга эга. Тұқымани тайёрлаш ва унга смола шимдириш, текстолит массаны құритиши пресслаш, четини кесиб ташлаш текстолит ишлаб чиқариш жарағасыннан ассоциациялық болып көрінеді. Текстолит машинасозликта шестерня, втулка, шкив, червяк, гильдирек каби деталларни тайёрлашда конструкцион материал сифатида ишлатилади. Юксак зиддифрикцион хоссалари ва едирилишга чидамлилиги туфайли ундан мой суркалмай юксак босим остида ишлайдиган подшипниклар ишлаб чиқаришда фойдаланишга имкон беради. Электротехникада текстолитдан механика жиһатидан пишиқ бұлған қолда яхши электр изоляцион хоссаларга ҳам эга бұлған деталлар тайёрланади. Капрон ва найлон тұлдиргич моддалардан фойдаланиш намликтен қарастырылады. Одатта текстолит буюмлар металл қирқұвчи станокларда тайёрланади.

Шишатекстолитни ҳосил қилиш учун шиша тұқымадан тұлдирувчи модда сифатида фойдаланилади ва у янада юксак механик ва электр изоляцион хоссаларга эга булади, шунингдеги иссиққа ва намлика чидамлидір. Шишатекстолитни ишлаб чиқариш жараёни шиша тұқымага боғловчи смола шимдириш, бу тұқымани құритиши пресслаш ҳамда материал құрраларини кесиб ташлашдан иборат. Шишатекстолит техниканың тури соқаларида: самолётсозлик ва приборсозлик, кемасозлик, автомобилсозликта, бинокорлик ва башқа жойларда

конструкцион ва электр изоляцион материал сифатида ишлатилади. Шишатекстолит буюмлар кесиш ва тақорий қолиплаш йўли билан ҳосил қилинади.

Асботекстолит резоль смола эритмаси шимдирилган маҳсус асбест тўқимадан пресс slab тайёрланган қат-қат материалdir. Юксак фрикцион хоссалар ва иссиққа чидамлилик шу қат-қат пластикнинг хос хусусияти бўлиб, уни юқори ҳароратларда ишлайдиган қистирмалар, тормоз қурилмалари ва тишлишиш механизмларининг деталлари сифатида қўллашга имкон беради.

Унча масъулиятли бўлмаган деталлар ва буюмларни тайёрлашда (паст вольтли электр қурилмалари ва шчитларнинг деталлари, қистирма ва таянч колодкалар, говлар, том ёпмаси ва бошқалар) бирмунча арzon қатлам пластик — асболит ишлатилади, унда асбест қоғоздан тўлдиригич сифатида фойдаланилади. Гетинакс — қоғоз билан тўлдирилган қат-қат пластик бўлиб, хоссалари жиҳатидан текстолитга яқин, электроизоляцион хосаси юқори, лекин текстолитга нисбатан механик хоссалари бирмунча ёмондир. Қоғозга шимдириш учун резоль смола эритмалари ишлатилади. Гетинакс техника ва қурилиш ишларида электроизоляцион материал сифатида (юксак частотали аппаратлар ва трансформаторларнинг деталлари, электр изоляторлар, шчитлар ва панеллар, қисқич колодкалари ва шайбалар, қистирмалар, қувурлар ва ҳоказолар) ва камдан-кам ҳолларда конструкцион ҳамда декоратив қоплама материал сифатида кенг кўламда қўлланади. Саноат гетинаксни лист ва плиталар, шунингдек ҳар хил диаметрдаги трубалар ҳолида электротехника ва конструкция ишларига атаб чиқаради.

Ёғоч қатлами пластиклар ёғоч шпон (қалинлиги 0,5—1,2 мм ли ёғоч пластинкалар) асосида олинниб резоль смола шимдириладиган ва сўнгра прессланадиган пласт-массадан иборатдир. Шу йўл билан лигнофоль, фанерит, бакелитлаштирилган фанера каби материаллар ишланади. Смола шимдирилган ёғоч шпон асосидаги оддий ёғоч қатлам пластик — лигнофоль тайёрланган шпонни пакет қилиб йигиш услубига қараб бир неча маркада: ДСП-А, ДСП-Б, ДСП-В ва ДСП-Г маркаларида чиқарилади. ДСП-А пластигида шпоннинг ҳамма қатламларида ёғоч толалари параллель жойлашиб бир йўналишда материалнинг максимал пишиклигини таъминлайди. ДСП-Б пластиги пакетлари йигилаётганида тола параллель жойлашган ҳар 10—20 лист оралатиб толаси тик

жойлашган бир лист қўйиб юборилади. ДСП-В пластигига толалари паралель жойлашган ҳар бир лист шпондан сўнг толалари тик жойлашган лист келади, бу бир-бирига ўзаро тик йўналишларда материалнинг меҳаник хоссалари бирдай бўлишини таъминлайди. ДСП-Г қатлам пластигига меҳаник хоссалар энг қулай жойлашади, унда қўшни толаларнинг йўналиши ўртасидаги бурчак  $30^{\circ}$ га баравар.

**Фанерит** — орасига смола шимдирилган қозоз қўйилган шпон пакетларни прессслаб, бакелитли фанерани эса смола шимдирилган шпон листларидан тузилган пакетни прессслаб олинади. Ёғоч қатламли пластиклар юксак меҳаник, зиддифрикцион ва элкстр изоляцион хоссаларга, яхши кимсвий чидамлиликка эга. Қат-қат пластиклар авиация, элкстротехника, тўқимачилик саноатида ва саноатнинг бошқа тармоқларида, шунингдек приборсозликда ишлатилади, зиддифрикцион материал сифатида эса прокат валикларида кемалар, пармалаш меҳанизмлари ва юк кўтариш меҳанизмларида, гидротехника иншоотларида, сирпаниш подшипниклари ҳамда бошқа хил ишқаланиш узел деталларини тайёрлашда ишлатилади. Кимс машинасозлигига ёғоч қат-қат пластиклардан смирувчи муҳит ва юқори ҳарорат шароитларида ишлай оладиган турли арматура, қистирмалар ва зичлаштирувчи деталлар, қувурлар ҳамда қувур деталлари тайёрланади. Бинокорликда шундай ёғоч қиринди ва ёғоч тола плиталар кенг кўламда ишлатилади. Уларда ёғочнинг қиринди, майда пайрача ва қипиқ ҳолидаги чиқитлари тўлдиргич материал бўлади.

#### 7. 4. 2. Аминопластлар

**Аминопластлар** — мочевина ва меламиинни формальдегид билан поликонденсациялаб олинадиган смолалар асосида, шунингдек аралаш мочевиноформальдегид, меламиноформальдегид смолалар асосидаги материаллардир. **Мочевина** (карбамид) суюқланиш ҳарорати  $133^{\circ}\text{C}$ , зичлиги  $1,36 \text{ г}/\text{см}^3$  бўлган рангсиз кристалл модда бўлиб, аммиак билан углерод қўшоксидини синтез қилиб олинади. **Меламиин** суюқланиш ҳарорати  $250^{\circ}\text{C}$ га яқин ва зичлиги  $1,57 \text{ г}/\text{см}^3$  бўлган ҳамда мочевина билан дицианамииддан олинадиган рангсиз кристалл моддадир.

Аминопластлар пресс-кукун, толали ва қат-қат пластиклар ҳолида чиқарилади ва хоссалари жиҳатидан фенопластларга яқин туради. Мочевина, формальдегид, уротропин, рух стеарати ва бўёқлардан иборат ҳар хил

композициялар мочсвиноформальдегид, мсламиноформальдегид пресс-кукунлар ҳосил қилиш учун хом ашё бўлади. Пресс-кукун ишлаб чиқариш жараёни конденсацион эритмани тайёрлаш, эритмани компонентлар билан аралаштириш, ҳўл композицияни қуритиш, қуритилган маҳсулотни туйиш, уни элаш ва стандартлаш операцияларидан иборат. Ёғоч ва пахта целлюлозасидан, слюда, кварц, ёғоч толқонидан ва ҳоказолардан тўлдиригич модда сифатида фойдаланилади. Иссик ҳолда пресслаш пресс-кукунлардан ашё олиш асосий услубидир. Аминопластлар нурга чидамли рангиз материял бўлиб, ҳар қандай рангга осонгина бўялади, ҳиди йўқ ва иссиқ таъсирида заҳарли моддалар чиқармайди, яхшигина декоратив хоссаларга эга ва идиш-товоқ, хўжаликда ишлатиладиган буюмлар, парфюмерия тараси, совундон, галантерия-атторлик буюмлари тайёрлашда кўп ишлатилади. Аминопластлар сувга ва иссиққа чидамлилиги жиҳатидан фенопластлардан кейин турса-да, лекин диэлектрик хоссаларининг юқорилиги ва разрядларга гоятда чидамлилиги, зарбаларга пишиклиги туфайли улардан юксак кучланиш виключателларини, электр, радио ва телевизор деталларини, телефон аппаратлари, электр прибор корпусларини, электр билан ёритиш ва автомобиль арматураларини тайёрлашда фойдаланишга имкон беради.

Аминосмолалар асосида олинадиган волокнитлар орасида асбоволокнитлар энг катта аҳамиятга эга. Қат-қат аминопластлар асосан декоратив материял сифатида ишлатилади. Декоратив қозоз қат-қат пластиклар (ДБСП) аминоальдегид ва фенолформальдегид смолалар шимдирилган маҳсус қозозни пресслаб ҳосил қилинади. Смолани тайёрлаш, қозозга смола шимдириш ва пакетларни йигиши, 160—170°C ҳарорат ҳамда 25—30 МПа босимда листлар ва плиталарни пресслаш ва қирраларини қирқиш ДБСП ишлаб чиқаришнинг асосий босқичлари дир. Тўлдирувчи модда шаффофф, гулсиз ёки қимматли ёғоч ёки тош тузилиши гулига тақлид этувчи маҳсус гулли бўлиши мумкин. ДБСП листлари фанерага, ёғоч қириндиги плиталарга, мебель шчитлари ва бошқа буюмларга ёпиширилади. Листларнинг қалинлиги 1—5 мм ва узунлиги 1000—3000 мм ва эни 600—1600 мм. Декоратив қат-қат қозоз пластиклар саноат ва граждан аҳамиятидаги бинолар, самолёт салонлари, вагон ва автобуслар, кема каюталарининг ички безагида ва бошқа маҳсадларда кенг кўламда қўлланади. Аминопластлардан ясалган буюмлар

ювадиган воситалар, иссиқ сув ва эритувчилар билан осонгина тоза бўлади, аммо кислота ва ишқорлар уни бурдалаб юборади. Намлики гоятда ютиши ва ишлатиш чогида ёрилиб кетиши аминопластларнинг камчиликлари-дир.

#### 7. 4. 3. Полиэфир, эпоксид ва кремнийорганик смолалар асосидаги пластмассалар

Полиэфир смолалар асосидаги пластмассалар орасида поликарбонатлар энг кўп тарқалган. Юксак зарбий қовушоқлик, диэлектрик хоссалар ва кенг ҳарорат диапазонида ўз хоссаларини сақлаб қолиш қобилияти уларнинг асосий афзалигидир. Поликарбонатлар зарбаларга иссиқга гоятда чидамли ва ўлчамлари аниқ, электр изоляцион хоссалари яхши бўлиши талаб этиладиган шестерня, кулачокли диск, валик, галтак каркаслари, қиздириш приборларининг деталлари каби деталларни тайёрлашда ишлатилади. Босим билан қўйиш, металл қирқувчи станокларда ишлов бериш, иссиқ ҳаво бериб пайвандлаш ва елимлаш орқали поликарбонат ашёларга айлантирилади.

Эпоксид смолаларнинг қотиргич, тўлдиргич ва пластификаторлар билан композицияси иссиқ ва совуқ ҳолда қотадиган электр изоляцион компаундлар тайёрлашда ишлатилади. Қотган эпоксид смоланинг зичлиги  $1,17 \text{ г/см}^3$ , чўзилиш чогидаги пишиқлиги 56—80 МПа. Пахта ва шиша тола ҳамда тўқума, темир кукуни каби тола ва кукун материаллар билан смола тўлдирилади. Пластмассаларнинг қаттиқлиги ва иссиқга чидамлилигини ошириш, шунингдек уларнинг нархини арzonлаштириш учун қум, кварц, чинни толқони, графит каби минерал тўлдиргичлар ишлатилади. Эпоксид смолалар иссиқга ва намлика гоятда чидамли ҳамда электр изоляцион хоссаларга эга бўлганлигидан электротехника ва радиотехника саноатида буюмларни изоляциялаш ва герметиклашда, иссиқга чидамли гоят пишиқ шиша пластиклар тайёрлашда ишлатилади, шуларнинг негизида тайёрланган материаллардан эса конструкцион ва электротехника аҳамиятидаги деталлар ва ашёлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Пресс-кукунлар, волокнитлар ва шишатекстолитлар кремнийорганик смолаларнинг энг муҳим пластмассалари бўлиб, уларни ишлаб чиқариш фенолоформальдегид смолалар негизида пресс-материаллар ҳосил қилишга

ұхшашдир. Пресс-кукунларда кукусимон минерал тұлдиргічлар ишлатылады; кремнийорганик шишаволок-нитлар шиша, құмтупроқ, кварц ва асбест тола билан чиқарылады; шишатекстолитларда шиша ва асботұқимадан тұлдиргіч сифатыда фойдаланилады.

Пресс-кукундан электротехника ва радиотехниканың гојтада иссиққа чидамли ва иссиқда турғун, механик пишиқ, сувга ва күргина ноорганик кислоталар ҳамда органик кислоталар таъсирига чидамли деталлари тайёрланады. Шиша, құмтупроқ ва кварц толали волокнитлар юксак зарбий қовушоқлик ва электр изоляцион хоссаларға зға бұлиб, шишатекстолит билан бир қаторда асосан электр изоляцион ашёлар ҳосил қилишда ишлатылады. Кремний органик материалларнинг баъзи турлари электр ёйнга гојтада чидамли бўлади.

### 7. 5. Газ тұлдирилган пластмассалар. Уларнинг турлари, хоссалари, маркаланиши ва ишлатилиши

Газ тұлдирилган пластмассалар — пенопластлар унча зич ва сузувчан эмас, иссиқни, товушни ва электрни яхши сақтайти, сувга чидамли. Пенопластнинг камчилити шуки, у механик пишиқ эмас. Пенопластлар қотган күпик күренишида бўлиб қаттиқ, ярим қаттиқ ва эластик ҳолатда бўлиши мумкин. Қаттиқ пенопластлар чўзадиган кучларга чидаш беролмайды ва пластик эмас, шунинг учун ҳам ё сиқиши шароитларида, ёқуд куч бўлмаганида ишлатылади, эластик пенопластлар эса вибрацияни (дириллашни) пасайтиришга қодир ва амортизация этувчи материал сифатыда ишлатылади. Полимерларнинг күпикланиши уларнинг таркибиға порофор деб аталмиш маҳсус модда қўшишга асосланган бўлиб, у қизитилганида ёки кимсвий реакция натижасида газ чиқарыб ғоваклар ҳосил қиласы. Пенопластларнинг хоссалари полимер таркибидаги газ фазасининг ҳажмиға, полимер катакларининг тузилиши ва кимсвий тузилишига боғлиқ бўлади. Газ тұлдирилган материаллар күпчилик полимерлар асосида тайёрланады, лескин поливинилхlorид, полистирол, полиуретан, фенолоформальдегид смола, мочевиноформальдегид смолалардан олинадиган пенопластлар энг күп амалий аҳамиятта әгадир. 12-жадвалда энг күп тарқалган пенопластларнинг асосий хоссалари берилган.

**12. Газ тұлдірілген пластмассаларнинг асосий хоссалари**

Пласт- масса маркасы	Полимер негизи	Зичлигүй, г/см <sup>3</sup>	Сиқилиш- даги пи- шиқлигі, МПа	Ишкор ұарораты, °С (жис)
ПХВ	Поливинил- хлорид	0,07—0,4	0,4—1,5	— 60 дан 60 гача
ПС	Полистирол	0,02—0,6	0,3—1,5	— 60 дан 65 гача
ПСБ	—“—	0,2—0,3	0,1—0,2	— 50 дан 70 гача
ППУ	Полиуретан	0,05—0,6	0,2—30	— 60 дан 150 гача
ФФ	Фенолофор- мельдегид смола	0,1—0,2	2,0—4,0	— 50 дан 150 гача
ФК	—“—	0,1—0,2	0,2—2,0	— 60 дан 120 гача
“Мипора”	Мочевинофор- мельдегид смола	0,01—0,02	—	— 60 дан 100 гача

Поливинилхлоридни метакрилат ва бошқа компонентлар билан аралаштириб олинадиган пенопластлар көнг тарқалған. Композицион аралашма кейин прессланади ва күпиклантирилади. Пенополивинилхлорид қаттық (ПВХ), яримқаттық (ПВХ-П) ұамда зластик (ПВХ-Э) материал ҳолида чиқарилади. Бу материалларнинг ұаммаси юксак амортизацион ва нам ютиш хоссаларига эга, лекин иссиққа чидамлилiği ва пишиқлиги паст. Қаттық пенополивинилхлориддан иссиқни сақловчи материал сифатида ва үңктириш қишин бұладиган буюмлар тайёрлашда, яримқаттық пенополивинилхлориддан зса жилоловчы күлчалар тайёрлашда, зластик пенополивинилхлориддан зса амортизацион материал сифатида фойдаланилади. Полистирол пенопластлар полистиролни осон парчаланадиган ва таркибида азот тутувчи материалылар билан аралаштириш, кейин композицияни пресслаш ва прессланған заготовкани күпиклантириш орқали тайёрланади. Полистирол пенопластлар яхши кесилади, үзаро, металл әғоч пластмасса билан елиманади, жуда енгіл материал бұлиб, бинокорликда, транспортда, совитиш саноатида ва бошқа жойларда көнг күламда ишлатилади. Пенополистиролдан приборлар ва шиша идишлар учун үров материали сифатида, шунингдек пленка тайёрлашда фойдаланилади. ПС ва ПСБ маркалари полистирол пенопласттнинг зәңг күп тарқалған маркалари бұлиб, күпиклантирилған заготовкани тайёрлаш усуллари билан бир-бiriдан фарқ қылады: ПС пресслаш услуги билан

ұсқыл қилинади (бунда анча зич ва пишиқ материал ұсқыл бұлади). ПСБ — қуйиш услуби билан олинади ва бирмунча снгил, лекин унча пишиқ бұлмаган материал ұсқыл бұлади. Саноат махсус турдаги пенополистиролларни ұам ишлаб чиқаради: ПСБ-С маркалы үзи сұнадиган (әнувчанлиги пасайған) пенополистирол ұамда ПСБ-Н маркалы бензинга ва мойга чидамли пенополистирол шулар жумласидан.

Полиуретан асосидаги газтұма материаллар — пенополиуретанлар — зичлиги, механик пишиқлигі кам, сувга әртүрвлі моддалар таъсирига чидамли әмас, электр үтказиш хоссалари эса юқоридир. Мураккаб органик кислоталар, спиртлар, тузлар пенополиуретан ұсқыл қилишда кшлатыладиган хом ашёдир. Саноат қаттық, шунингдек эластик пенополиуретанлар ишлаб чиқаради. Қаттық материаллардан қурилиш ишлерида қоплама сифатида фойдаланилади. Ички қатлами пенополиуретандан, ташқы қатлами эса ёғоч листлардан иборат бинокорлик девор конструкциялари иссиқни ва товушни яхши үтказиш хоссаларига зга. Қаттық пенополиуретанларнинг баъзи маркалари (масалан, ППУ-10 ва бошқалар) юксак механик хоссаларга зга бўлиб, конструкцион материаллар сифатида ишлатылади. Улар осон арраланади, йўнилади, штампланади ва металл қирқувчи станокларда ишланади. Эластик пенополиуретанлар орасида поролон энг катта аҳамиятга зга бўлиб иссиқни ва товушни яхши үтказади ва амортизацион хоссаларга зга. Эластик пенополиуретанлар автомобиль ўриндиклари, ёстиқ, пойандоз, мебель сирмаси тайёрлашда, шунингдек иссиқни ва товушни үтказувчи материаллар сифатида ишлатылади. Пенопластлар орасида каучук билан модификация этилган гоят пишиқ ФФ ва ФК маркалы пенопластлар, зичлиги оз "Мипора" ва МФП маркалы пенопластлар энг кўп тарқалган. Иссиқни ва товушни яхши үтказиш шу пенопластлар учун муштарақ хоссалар бўлиб, қурилишда, транспорт машинасозлигига, совитиш техникасида, электротехникада, сузувлар, тара ва ўров материали сифатида улардан фойдаланишга имкон беради.

## 7. 6. Пластмассаларни етказиб бериш, сақлаш ва ташинш шартлари

Пластмасса ва ундан ишланған буюмлар истеммолчиларга тўп-тўп қилиб юборилади ва унга ягона бир ҳужжат

илова қилинади. Ҳужжатда маҳсулотнинг ва уни тайёрлаган корхонанинг номи, тўпнинг номери ва тайёрланган кун — санаси, сифатнинг месъёрланган кўрсаткичлари ва уларнинг ГОСТ талабларига нечоғлик мувофиқлиги ёзib қўйилади. Зичлик, бузадиган куч, қаттиқлик, зарбий қовушоқлик, иссиққа чидамлилик, намлик ютиш ва дизлектрик хоссалари пластмассаларнинг месъёрланадиган хоссаларидир. Маҳсулотнинг номи ва маркаси, тўпнинг номери ва массаси ҳар бир ўралган ўринга қўйиладиган ўров листида ҳам ёзив қўйилади. Юборилаётган маҳсулотнинг дастлабки истеъмол хоссаларининг сақланиши ташиш ва сақлаш чоғидаги энг муҳим талаб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам маҳсулотнинг шикастланиши ва бузилишининг олдини олиш учун пакетлар: "Ташланмасин", "Юқориси", "Эҳтиёт бўлинг — шиша (ойна)" деган маҳсус ёрлиқлар билан маркаланади, муайян эҳтиёткорлик чораларига амал қилиниб боғланади, ортаётганда ва сақлаётганда тўғри жойлаштирилади ва ҳоказо.

Пластмассаларни юбориш, ташиш ва сақлаш шароитлари пластмассанинг турига, агрегат ҳолатига, таркиби ва физик-механик хоссаларига боғлиқ бўлади. Куқунсимон ва қумоқ реактопластлар ҳамда термопластлар полиэтилен қоп ва кўпқават қозоз қопларига солиб юборилади ва сақланади. Юксак даражада гигроскопик бўлган полиамид пластмассалар герметик ёпиқ юмшоқ ёки қаттиқ тарада ташилади ва сақланади. Термопластлардан ишланган листлар ва пленкалар қозоз билан ўралган, яшиклар ва контейнерларга жойлаштирилган рулон ҳоли ортиб жўнатилади. Органик ойна, тола ва қат-қат тўлдиригичли пластиклар турли қалинликдаги лист ва плиталар ҳолида чиқарилади, ҳар қаторининг орасига ўров қозози ёки бошқа хил қистирма материал қўйилади. Улар ашёларни ташиш чоғида яхши сақланишини таъминлайди. Ўзгармас профилдаги буюмлар (қувурлар ва уларни комплектловчи деталлар, уголоклар, стерженлар, сантехника аҳамиятидаги буюмлар ва бошқалар) ёғоч яшиклар ва контейнерларда юборилади. Газтўлма пластмассалар силлиқ ёки қат-қат картондан ишланган стандарт коробкаларга, ёғоч ёки фанер яшикларга солинган блок, лист материал ёки қолипланган тайёр ашё ҳолида истеъмолчиларга ортиб жўнатилади.

Пластмасса ва улардан ясалган буюмларни ташиш учун ёпиқ типдаги ҳамма тур транспортдан фойдаланиш

мүмкін. Транспорт тараси олдин ифлослардан яхшилаб тозалаб чиқылмоги лозим. Транспортта юқ ортилаётганида битта тұпда бирдай марқадаги материалдан ишланған бир хил таркиб нав ва хоссадаги маҳсулот бұлмоги кераклигига зәтибор берилади. Пластмассалар ва синтетик смолалар кимёвий материалларни қабул қилиб олиш ва сақлаш йүл-йүриқларига мувофиқ ҳолда иситиладиган қуруқ биноларда маҳсус сұкчаклар ёки тағликларда белгіланған муддатидан ошириб юбормай сақланмоғи керак. Пластмассалар сақланаётганида уларни қыздырувчи ва намлантирувчи шароит бўлмаслиги, шунингдек офтоб тушиб турмаслиги зарур. Чунки бундай шароитлар материалнинг барвақт эскиришига, истеъмол хоссалари ва ташқи кўринишининг ёмонлашишига сабаб бўлади. Бундан ташқари узоқ вақт юқори ҳароратнинг таъсиридан кўпчилик пластмассалар парчаланиб, водород хлорид, углерод оксид, амиак каби заарарли ва заҳарли моддалар чиқаради. Кукусимон пластмассалар ҳавода портлаш хавфи бўлган аралашмалар ҳосил қиласи, шунинг учун ҳам омборхоналарда статик электр йигилиши ва учқун ҳосил булишига имкон бермайдиган шароитлар яратилмоғи лозим. Тортилган электр симлари ва электр машина-ускуналарида портлаш хавфи бўлмаслиги керак. Омборхоналар ўт ўчириш воситалари билан жиҳозланмоғи лозим. Пластмассаларнинг парчаланиш маҳсуллари билан заҳарланиб қолмаслик учун ўтни ўчираётгандан газниқоб кийиб олиш зарур бўлади.

Баъзи пластмассалар заҳарли модда бўлиб киши терисини ачиштиради, нафас олиш йулларига таъсир этади, наркотик таъсир ҳам кўрсатади. Шунинг учун ҳам омборларда пластмасса чангининг концентрацияси белгіланған йўл қўйиш мүмкін бўлган энг катта меъёр ҳаддидан ошиб кетмаслиги, бу ерда ишлаётган кишиларнинг ҳаммаси якка иҳота воситалари билан таъминланмоғи лозим. Омборхоналар ҳаво тортиш-чиқариш вентиляцияси билан пухта жиҳозланмоғи лозим.


## 7.7. Кимёвий толалар

Кимёвий толалар табиий полимер бирикмалардан олинадиган сунъий толаларга ҳамда синтетик полимерлардан ишланадиган синтетик толаларга бўлинади. Ёғоч ёки пахта целялюзасидан олинадиган вискоза тола, мис-аммиак ва ацетат тола ҳамда сут, соя, ёнғоқ


магизларидан ҳосил қилинадиган оқсил тола сунъий кимёвий толаларга киради. Синтетик кимёвий тола хлорин, нитрон, политен, саран, винол қаён карбоцеп толаларга, полiamид, полизэфир, полиурсттан каби гете-роцеп толаларга бўлинади. Кимёвий тола табиий полимер бирикмалардан олинадиган толалар (пахтә, луб, юнг тола ва бошқалар)га нисбатан юксак физик-механик хоссаларга ҳамда деформация ва едирилишга, кимёвий мұхитлар, нур, юксак ҳарорат таъсирига чидамлидир. Кимёвий толаларнинг энг катта афзаллиги шуки, нефть, газ, тошкўмир ва ёғочни қайта ишлаш маҳсуллари бўлмиш арzon хом ашёнинг чексиз манбаи бўлиб, ушбу тармоқнинг юксак суръатлар билан ривожланишига замин бўлади. Кимёвий тола ишлаб чиқариш табиий толага нисбатан анча арзонга тушади, чунки маҳсулот бирлигига анча кам меҳнат сарфи ва моддий сарф тақозо этилади. Кимёвий толадан газлама, кийим-кечак, трикотаж, мўйна, гилам, поёндоз каби ҳалқ истеъмол моллари ва шина корди, жомакор, арқон, тўр, фильтровчи мато, машина ўриндиқларига сирма материаллар, парашютлар, кимёвий аппаратларнинг иҳота воситалари, транспортер ленталари, сим изоляцияси каби турли техника буюмлари ишлаб чиқаришда қўлланади.

#### 7. 7. 1. Кимёвий толаларни ишлаб чиқариш асослари

Кимёвий толалар чексиз ип ва штапель тола кўринишида олинади. Чексиз ип ҳалқ истеъмол моллари ва техника буюмлар ишлаб чиқаришда қўлланади ва ўзаро эшиб бириктирилган З тадан 100 тагача ва ундан кўп элементар толалари бўлади. Штапель толанинг узунлиги 3 мм дан 150 мм гача боради ва шундай узунликдаги табиий тола билан йигирилган ҳолда ишлатилади. Айрим хусусиятларга қарамай кимёвий тола олишнинг кўпгина муштарак томонлари бор. Хом ашени олиш ва унга дастлабки ишлов бериш, йигириш эритмаси ёки суюқланмасини тайёрлаш, ип



40-расм. Фильтранинг умумий кўриниши.



41-расм. Эритмадан ҳұя усул билан ип қосыл қилиш схемаси.

ёки штапель толани вужудга келтириш ҳамда тола ёки ипга ишлов бериш кимәвий тола ишлаб чиқаришнинг асосий босқичларидир.

Табиий полимер хом ашё, масалан, целлюлоза-қозг комбинатларыда ёғоч ёки пахта линтидан полимер ажратыб қосыл қилинади; озиқ-овқат саноати корхоналарыда казеин сутдан, үсимлик оқсил моддалари үсимлик магиз-уругларыдан олинади. Синтетик полимерлар синтетик тола заводларыда ёки кимә корхоналарыда содда моддаларни синтез қилип ишлаб чиқарылади. Табиий полимер хом ашёга дастлабки ишлов бериш уни аралашмалардан тозалаш ёки унга кимәвий ишлов беришдан иборат бўлиб, одатда синтетик хом ашёга дастлабки ишлов берилмайди. Табиий ёки синтетик полимерлар асосида тола қосыл қилишда ишлатиладиган йигириш массаси тегишли юксак молекуляр биримларнинг үзини эритиш ёки суюқлантириш орқали олинади.

Эритма ёки суюқланма яхшилаб аралаштирилади, филь-  
трланади ва ҳаво пулакчаларидан холи қилинади. Толага  
керакли ранг бериш учун йигириш массасига ҳар хил  
бүёклар қўшилади. Ип ва штапель тола вужудга  
келтириш (йигириш) эритма ёки суюқланмани доза билан  
бир маромда бериб туриш ёки уларни фильера тешигидан  
ситиб чиқазиб туриш (40-расм), ҳосил бўлган тола қил  
оқимини қотириш, ипларни қабул қурилмасига ўраш ёки  
уларни чирмов қилиш ҳамда ипни белгиланган узунликда  
кесиб чиқиш (штапель толада шундай қилинади)дан  
иборатдир.

**13. Турли тола ва илларни шакллантиришининг асосий  
режимлари**

Тола ва ип турлари	Шаклланиш усули	Шакллаш ҳарорати, С	Шаклланиш тезлиги, м/мин
Вискоза	Эритмадан ҳўл	40—50	60—100
Мис-аммиакли	—	30—40	30—60
Ацетат	Эритмадан қуруқ	50—70	200—600
Оқсил	Эритмадан ҳўл	20—30	40—60
Капрон	Суюқланмадан	250—270	500—1000
Нейлон	—	270—290	500—1000
Лавсан	—	270—280	400—900
Нитрон	Эритмадан ҳўл	12—15	30—40
Хлорин	—	20—30	40—60

Фильера диаметри 50—75 мм ли цилиндрик қалпоқ  
қўринишида бўлиб диаметри 0,04—0,08 мм ли купдан-куп  
майда тешиклари бўлади. Одатда ҳар бир йигириш  
машинасига 60 тадан 100 тагача ва ундан кўп фильера  
урнатилади. Толалар ҳўл ва қуруқ усул билан шакллан-  
тирилади. Ҳўл усул (41-расм) эритмадан тола ҳосил  
қилишда, қуруқ усул эса полимер эритмаси ёки суюқлан-  
масидан тола ҳосил қилишда қўлланади. Ҳўл усулда  
йигириш эритмаси насос ёрдамида фильтр / орқали фильера  
3 га ҳайдалади, фильерадан чиқувчи қил тола 2 қотиравчи  
ванна 4 нинг эритмасига тушади. Шу ваннада тола оқими  
қотиб ипга айланади. Қотиравчи ваннадаги элементар  
иплар бирлаштирилади ва тегишли ишлов берилганидан  
сўнг бабина 5 ҳолидаги ўрайдиган қурилмага келади.  
Толаларни ишлаш уларни сув билан ювиб тозалашдан,

водород пероксиди билан оқлаш, тақрорий ювиш ва құртишдан иборат. Қуруқ усул билан ип ҳосил қилишда ишлов берішдан олдин тола иссиқ ұаво билан құритилади, ишлов беріш жарағында эса кейинги ишловларни енгил-лаштириш учун мойланади, зшилади ва үралади. 13-жадвалда ұар хил тола ва ипларни турли усуллар билан шакллантириш ұарорати, тезлиги берилген.

#### 7. 7. 2. Кимёвий толаларнинг хоссалари ва ишлатылуши

Ингичкалик (йүгөнлік) чүзиліш өғіндеги пишиқлик, узилдігінан узайыш ва бошқалар кимёвий толаларнинг асосий хоссаларидір. Халқаро бирліктар тартибига мұвоғиқ толаларнинг ингичкалигини тавсифлаш учун текс билан ифодаланувчи түгри (чизиқ) зичлик тушунчаси жорий этилган. Текслар сони узунлігі 1 км (г/км) га борадын толанинг массаси қанча эканлыгын күрсатади. Кимёвий толаларнинг чизигій зичлигі одатта миллитекслар (мтекс) билан үлчанади. Аммо бир қанча ҳолларда тола ингичкалиги ёки метрик номер күрсатқычидан фойдаланиш давом этапты. Метрик номер массаси 1г (м/г) бүлгән тола қанча узунлікта булишини күрсатади. Метрик тартиби қанча юқори бұлса тола шунчалик ингичка бұлади. Кимёвий толаларнинг метрик тартиби толанинг турига бояғын бұлдырылғанда 3600 дан 20 000 миқёсіда үзгәради. Толаларнинг чүзиліш пишиқлиги штапелнинг (толалар тутами) узилиши билан белгіланади, узилдігінан узайыш эса узилиш пайтида намуна узунлигининг намуна дастлабки узунлигига нисбатан ортишини күрсатади.

Баъзы кимёвий толаларнинг асосий хоссалари 14-жадвалда берилген маңымоттар билан тавсифланади.

#### 14. Кимёвий толаларнинг асосий хоссалари

Толаларнинг номи	Зичлик, г/см	Чүзиліш-даги зичлик, МПа	Узилдігінан узунлік, 1
Элементар ип	1,50—1,54	220—250	18—24
Штапель тола	1,50—1,54	220—260	15—20
Ацетат ип	1,30—1,35	140—180	18—25
Капрон ва найлон ип	1,14—1,15	450—550	24—26
Лавсан ип	1,38—1,39	550—650	20—30
Полиэтилен иплар	0,90—0,92	100—200	40—60
Перхлорвинил штапель тола	1,45—1,60	200—250	20—30

Сунъий толалар ичиде энг арзони ва кўп тарқалгани вискоза толасидир. У бирмунча юксак механик хоссаларга эга, кимёвий ва термик чидамли бўлса-да, аммо сув текканида пишиқлигини 40—50 фойз йўқотади, бу нарса унинг муҳим камчилгиидир. Вискоза тола соф ҳолда ёки бошқа толалар билан аралашмасидан кийим-кечак газмоли ва декоратив газмол, трикотаж, сунъий қоракўл, корд, тўқимачилик-галантерия буюмлари, пайпоқ, тасма, лента, пленка целлофан ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарилади. Ацетат толалар вискоза толаларга нисбатан бир қанча афзалликларга эга: ғоятда зластик, унча гижимланмайди, ҳўл ҳолдатида пишиқлигини унча йўқотмайди, электр ўtkazuvчалиги паст, технологик жараёни содда, ишлаб чиқариш зарарсиз ва ҳоказолар. Ацетат тола ҳар хил кийим-кечак газмоллари, ички ва устки трикотаж, болалар ва спорт кўйлак ва костюмлари, ҳар хил электр изоляциялар тайёрлашда ҳамда техник мақсадларда ишлатилади. Мис-аммиак тола оз ишланади, чунки ишлаб чиқариш учун камроқ тарқалган хом ашё — пахта цеплюзаси билан қимматбаҳо мис купороси ва аммиак талаб қиласиди. Улардан асосан штапель тола ишлаб чиқарилади. Бу тола аралаштирилиб юнг кийим-кечак ва гилам, газмол ва трикотаж буюмлар ишлаб чиқарилади. Оқсил тола механик хоссалари паст, асосан озиқ-овқат хом ашёсидан ишлаб чиқарилганигидан кенг тарқалмаган. Олинадиган штапель оқсил тола асосан юнг билан аралаштириб фойдаланилади. Синтетик тола юксак механик хоссаларга эга, гигроскопиклиги паст, унча ёнмайди, кимёвий чидамлилиги, сийлишга чидамлилиги ва микроорганизмларнинг таъсирига чидамлилиги юқори бўлганигидан техникада унинг ишлатиладиган соҳалари хилма-хилдир. Капрон, нейлон ва энант полиамид толаларнинг асосий турларидир. Улар пайпоқ, ичкийим каби юпқа трикотаж буюмлар, кўйлак ва парашют газмоллари, корд, товланадиган ҳар хил буюмлар, тўрлар, мебель газмоллари ва ҳоказоларни ишлашда қўлланади. Полиамид штапель тола табиий толалар (юнг ва пахта) билан аралаштирилган ҳолда кийим-кечак газмолларини тайёрлашда ишлатилади. Полиэфир толалардан лавсан энг кўп тарқалган бўлиб, у ўзининг хоссалари жиҳатидан полиамид толаларга ўхшаб кетади. Ғоятда қайишоқлик ва гижимланмаслик полиэфир толаларнинг афзалликлари қаторига киради, яхши бўялмаслик, гигроскопиклигининг пастлиги ва

нархининг бирмунча қиммат туриши уларнинг камчиликларидир. Полизфир тола пахта ва юнг билан аралаштирилиб турли түқима, трикотаж ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашда, соф ҳолда эса техник сукно (мовут), намат, корд, узатма қайншлари, брезент, электр изоляция материалларини ишлаб чиқаришда қўлланади. Полиэтилен толалар зичлиги оз бўлгани ҳолда, аммо пишиқлиги ўртача, иссиқда учча турғун эмас ва гигроскопиклиги ҳам оздир. Улар мебель газмоли, сирма газмол, фильтрловчи түқималар, пишитиладиган маҳсуллар тайёрлашда ва электр изоляцияси сифатида ишлатилади. Перхлорвинил толалар техника түқималари тайёрлашда, юнг билан аралашмаси эса гилам, намат ва тиқма материал тайёрлашда ишлатилади.

## 7. 8. Резина-техника буюмлари


### 7. 8. 1. Резина ва резина буюмлари ишлаб чиқариш асослари

Резина асосий компоненти каучук бўлмиш аралашмани вулканизация қилиш натижасида олинадиган мураккаб сунъий материалdir. Унинг асосий компоненти бўлмиш каучук — гоятда зластик, яъни камроқ нагрузкаларда деформацияланиш қобилиятига эга бўлган юксак молекуляр биримидир. Бунга сабаб шуки, чизигий тузилишда бўлган каучук молекулалари этилган ва ўраб йигилган ҳолатда туриб ташқи куч таъсирида куч таъсири йўналиши бўйлаб чўзилади. Ташқи куч олингач каучук макромолекулалари яна ўзининг дастлабки ҳолатига қайтади. Табиий ва синтетик каучуклар бўлади. Табиий — соф каучук Бразилия гевея дарахти ва бъязи тропик ўсимликлардан олинадиган сутдек шира бўлиб, изопрен полимеридан иборатdir. Табиий каучукнинг нархи баланд, уни ишлаб чиқариш эса чекланган. Шунинг учун ҳам резина олиш учун асосан нефть билан чиқувчи газлар ва нефтни қайта ишлаш газларидан, шунингдек ацетилен, этил спирти ва бошқа хом ашёдан ишланадиган синтетик каучук (СК)дан фойдаланилади. Синтетик каучуклар полимерлаш ва поликонденсациялаш усуслари билан, уларнинг баъзилари эса қўшма полимерлаш усули билан олинади. 1927 йили рус академиги С. В. Лебедев биринчи бор синтетик каучукни этил спиртидан олган эди. Табиий каучук бирмунча юксак механик пишиқликка эга, лекин

кимёвий чидамлилиги, совуқса ва иссиқса чидаши жиҳатидан синтетик каучукдан қолишади. Дастрлабки хом ашени олиш, мономер ва полимерларни ишлаб чиқариш каучук ишлаб чиқаришнинг асосий босқичларидир. Бутадиен, стирол, изопрен, хлоропен, изобутилен ва бошқалар синтетик каучук ҳосил қилишда ишлатиладиган энг кўп тарқалган мономерлардир.

Каучукка зарур техникавий хоссаларни, аввало юксак эластиклик сақланиб қолгани ҳолда унга қаттиқлик, пишиқлик ва иссиқса чидамлилик баҳш этмоқ учун у фаол модда — вулканизатор ёрдамида вулканизация қилинади. Арашма кукунсимон компонентлар — инградиентлар билан яхши қоришмоги учун каучук пластификация қилинади. Регенераторлар, тўлдиргичлар, пластификаторлар вулканизация қилувчи материаллар ва вулканизация жараёнини тезлатгичлар, эскиришга қарши моддалар, буёклар ва бошқа қўшимчалар резина арашмасининг асосий компонентларидир. Резинанинг асосий таркибий қисми бўлмиш каучук арашма массасининг 10 фоизидан 95 фоизигача боради.

Регенераторлар эски резина ашёлар ҳамда резина ишлаб чиқариш чиқитларини қайта ишлаш маҳсули — пластик материаллардан иборатдир. Ишлатиладиган регенерат ҳажми каучук массасининг 10—15 фоизини ташкил этади. Регенерат каучукдан анча арzon бўлиб, ундан фойдаланиш натижасида каучук тежалади ва резина буюмларнинг нархи арzonлашади. Регенерат қўшилганида резинанинг кимёвий чидамлилиги ҳамда эскиришга қаршилиги ортади, ашёга бундан бўён бериладиган ишловлар енгиллашади. Пишиқликни ошириш, резина сарфи ва нархини камайтириш, кимёвий чидамлилик, иссиқса ва совуқса чидамлиликни ошириш учун резина арашмалари таркибига тўлдиргич (кучайтиргич)лар каучук массасининг 15—50 фоизи ва ундан кўпроқ миқдорда қўшилади. Тўлдиргичлар қурум, рух белиласи, каолин, бўр, асбест, тальк каби кукунсимон ва корд, белтинг, ўт ўчириш ичаги тўқималари каби тўқима материалларга бўлинади. Пластификаторлар (юмшатгичлар) таркиби биртекис резина арашмасини яратишга, резинанинг эластиклиги ва совуқса чидамлилигини оширишга мўлжалланган. Пластификаторларнинг миқдори резина арашмаси массасининг 5—8 фоизини ташкил қўлади. Стеарин ва олеин кислоталар, турли смола, битумлар, қорамай, вазелин, парафин, канифоль



42-расм. Резина ашёлар олиш усуллари:  
1 — резина аралашмаси; 2, 3 — резиналанадиган түқималар; 4 — шнек;  
5 — шаклдор тешик; 6 — ашे.

ва ўсимлик мойи энг күп тарқалган пластификаторлардир. Вулканизация қилиш чогида резина аралашмаси вулканизация этувчи құшимчы модда — күпинча содда олтингугурт иштирокида қиздирилади. Құшилладиган олтингугурт миқдори олинадиган резина турига bogлиқ бўлиб юмшоқ ва нимюмшоқ резина ишлаб чиқаришда каучук массасининг 4 фоизигача, қаттиқ резина ҳосил қилишда 10 фоизигача ва збонитлар (қаттиқ материаллар) ишлаб чиқаришда 50 фоизигача боради. Вулканизация жараённида полимер мономерлари ўртасида кўндаланг кимёвий bogланиш вужудга келади, каучукнинг чизигий тузилиши тўр тузилишга айланади. Резина аралашмасига қўргошин ва магний оксиди, полисульфидлар, каптакс ва бошқа құшимчы моддалар 0,5—2,5 фоиз миқдорида құшилганида вулканизация жараёни тезлашади. Аралашмага вулканизациянинг махсус активаторлари ёки сустлаштиргичларини қўшиш билан тезлатгичларнинг таъсири кучайтирилади ёки сусайтирилади. Эксплуатация этиш жараённида, айниқса ҳаво кислородининг таъсирида резина буюмлар эскиради: уларнинг физик-механик хоссалари ва ташқи кўрининиши ёмонлашади. Эскириш жараёнига йўл қўймаслик ёки уни сусайтириш учун резина аралашмалар таркибиға эскиришга қарши модда деб аталмиш махсус моддалар қўшилади. Парафин, мум каби хушбўй углеводород ҳосилалари эскиришга қарши ишлатиладиган кенг тарқалган моддалардир. Бўйлар резинага

керакли ранг беради, улар минерал ва органик моддалар асосида ишланган бўлади. Кўпинча охра, ультрамарин ва бошқа бўёқлар ишлатилади, улар каучук массасининг 10 фоизи ҳисобидан солинади.

Резина буюмлар ишлаб чиқариш жараёни каучукни пластификация қилиш ва резина аралашмасини тайёрлаш, заготовка ва ашёларни қолиплаш, уларни вулканизациялаш ҳамда кейин ишлов бериш босқичларидан иборат бўлади. Пластификациялашда майда қилиб тўгралган каучук буғ ёки юксак частотали ток билан 40—50°Сли ҳароратга қадар қиздирилиб, сўнг жўваларда эзилади. Каучукни пластификациялаш натижасида резина аралашмаларига бундан кейин ишлов бериш енгиллашади. Резина аралашмаларини тайёрлаш ингредиентларни тайёрлаш ва аралаштиришдан иборат. Ингредиентлар эса туйилиб, қуритилиб, тозалаб ва фильтрлаб тайёрланади. Аралаштириш учун жўвалар, резинали аралаштиргичлар ва червякли пресслар ишлатилади. Аралаштириш давомати аралаштиргич турига боғлиқ бўлиб 4—10 минут давом қиласи. Хом резина деб аталмиш тайёр резина аралашмаси заготовка тайёрлангани ўтказилади. Каландрлаш, шприцлаш, қолиплаш, штамплаш, босим билан қуйиш ва ботириб олиш резина заготовкалар олиш асосий усуллари дидир. Каландрлаш жараёни билан (42-а расм) валикли каландрларда резинадан лист, лента, даврий ўзгарувчан профилли буюмлар, шунингдек юритқи қайишлари ва транспортер ленталари учун резиналанган тўқималар олинади. Шприцлаш (босиб итариш) ёрдами билан (42-б расм) экструдерларда пластмасса буюмлар ҳосил қилишга ўхшаш шиек ишқор органли шприц-машиналарда трубаларнинг профилланган ва ҳовол заготовкалари тайёрланади. Фалтак, ролик, амортизатор, дастак каби каттакон резина заготовкалар тайёрлананаёттанида пресс-қолипларда резина аралашмаларни қолиплаш, қуюв машиналарида босим билан қуйишдан, шунингдек пресслаш қурилмаларида аралашмаларни штамплашдан фойдаланилади. Ботириб олиш усули шундан иборатки, юпқа буюм (масалан медицина қўлқопи) модели латексга ботирилади. Синтетик латекслар таркибида 20—25 фоизгача каучук бўлган коллоид системадан иборат бўлади. Латекслар шина корди ва бошқа бир қанча техник ашёларга, қогозга шимдиришда, сунъий кўн ишлаб чиқаришда қўлланади. Қолипдан чиқкан буюмларни вулканизация қилиш ишлаб чиқаришнинг якунловчи

босқичидир; у пресс-қолипларда қолиплаш билан бир маҳалда бажарилади; мураккаб резина буюмлар қозон ёки автоклавларда вулканизация қилинади. Буюм буғ, электр токи ёки иссиқ ҳаво билан қиздирилади. Қиздириш ҳарорати 130—160°C, босим 0,3—0,6 МПа, вулканизация давоматининг 5—40 минут булиши энг мақбул вулканизация режимлари. Вулканизациядан сўнг олинган буюмларга ишлов бериш гадирликларини текислаб ташлаш, юзини ишловдан ўтказиш, кесиш, лаклаш ва бўяшдан иборат.

Навини белгилаш учун тайёр маҳсулотлар кўздан кечириб чиқилади. Ўлчамларнинг стандарт талабларига мувофиқ келиши техник аҳамиятдаги буюмлар сифатининг муҳим кўрсаткичи булади. Ўлчамлар белгиланган миқёсдан ортиқ четлашган бўлса, ашё яроқсизга чиқазилади. Буюмларнинг сифатини назорат этиш билан бир маҳалда лаборатория ва стенд синовлари ўтказилади ва буларнинг натижасида резинанинг асосий физик-механик хоссалари, шунингдек иссиққа ва совуққа чидамлилиги, уқаланиб едирилишга чидамлилиги, эскиришга чидамлилиги аниқланади. Кенг истеъмол буюмлари учун сиртнинг силлиқлиги, гулининг равшанлиги, самаралилиги сифатнинг меъсрланадиган кўрсаткичлари ҳисобланади.


### 7.8.2. Резина-техника ашёларининг хоссалари, тавсифи ва ишлатилиши

Унча зич бўлмаслик, узилиш ва едирилишга катта қаршилик, электр изоляцион хоссаларнинг яхши булиши, кимёвий чидамлилик, совуққа, иссиққа ва мойга чидамлилик, газ ва сув сингдирмаслик каби бир қанча жуда муҳим физик-механик ва кимёвий хоссалар билан қўшилган юксак даражадаги зластиклик резинанинг ноёб хоссаси ҳисобланади ва була резина ҳамда резинадан ишланган буюмлар халқ ҳўжалигининг тури тармоқларида кенг кўламда қўлланишига замин бўлади. Эксплуатация жараёнда эскиришга мойиллик асосий хоссалари ва ташқи кўринишининг ёмонлашиши ва иссиққа унча чидамаслик резинанинг камчилигидир. Резинанинг механик хоссалари аввало пишиқлиги ва қаттиқлиги билан ифодаланади.

Одатда резинанинг қаттиқлиги 10Н куч билан 30 дақиқа мобайнида таъсир этувчи диаметри 5 мм ли деформацияланмайдиган зўлдирнинг синалаётган намуна га ботиш чуқурлиги билан аниқланади. Резинанинг


кимёвий чидамлилиги мой, бензин, керосин ёки бошқа муҳитда 24 соат мобайнида турғазилгач массанинг намуна дастлабки массасидан неча фоиз ўзгарганлиги билан аниқланади. Резинанинг иссиққа чидамлилиги меърий ва оширилган ҳарорат шароитларида бирдай куч таъсирида намуна дастлабки узунилигининг ўзгаришига қараб белгиланади. Резинанинг совуққа чидамлилиги манфи: ҳароратларда эластикликтининг пасайиб кетиши ҳамда меъердаги ва пасайтирилган ҳарорат шароитларида бирдай куч таъсирида эластикликтининг пасайиши билан таърифланади. Резинанинг эскириши маҳсус термоконтеинерда  $70^{\circ}\text{C}$  ли ҳарорат билан 140 соат мобайнида қиздирганда асосий хоссалари ва ташқи күрининининг ўзгаришига қараб белгиланади.

Саноат ишлаб чиқараётган резиналар бир қанча асосий аломатларига кўра таснифланади. Улар қаттиқлиги жиҳатидан ғалвирак (булутсимон ва бошқалар), юмшоқ, эластик, ўртача қаттиқ, қаттиқ, гоятда қаттиқ ва қаттиқ (эбонитлар) резиналарга бўлинади. Вазифасига кўра резина ҳам каучук сингари умумий ва маҳсус бир соҳага мўлжалланган бўлади. Умумий аҳамиятдаги резиналар шина, юритқи қайишлари, транспортер ленталари, пойабзал, зичлаштирувчи ва амортизацион деталлар, санитария ва гигиена ашёлари ҳамда иссиқ сувда, ишқорлар ва кислоталарнинг суюқ эритмаларида, шунингдек —  $20^{\circ}\text{C}$  дан —  $150^{\circ}\text{C}$  гача бўлган ҳароратда ҳавода ишлатилиши мумкин бўлган бошқа хил буюмларни тайёрлашда ишлатилади. Маҳсус вазифаларга тайинланган резиналар иссиққа ва совуққа чидамли, мойга ва ёнилғига, кимёвий чидамли, нурга чидамли, газ ўтиказмайдиган, дизлектрик, радиация таъсирига чидамли резиналарга бўлинади. Улар кимёвий ёнилғи ва мой аппаратларининг деталларини тайёрлашда, аэростат ва скафандрлар, дамлама қайиқлар ва  $150^{\circ}\text{C}$  дан ошадиган ҳароратда барқарор ишлайдиган бошқа буюмлар ишлаб чиқаришда, шунингдек Чекка Шимол ва Антарктида шароитларида барқарор ишлайдиган бошқа буюмлар ишлаб чиқаришда, хлорид кислота каби кимёвий маҳсулотлар сақланадиган ва ташиладиган резина қопланган цистерналар ва баклар, дизлектрик ашёлар ва ҳоказолар тайрлашда ишлатилади. Армировка қилинган резина ҳам маҳсус вазифалардаги резиналар қаторига киради. Уларга қўйилган тўқима ва металдан ишланган каркас туфайли эластиклик ва пишиқликдан ташқари нагрузка остида ўлчамлари ва хоссалари ҳам



43-расм. Қайиш узатма схемаси.

сақланиб қолади. Армировка құлувчи материал сифатида ип газлама ва синтетик толадан қилинган газламадан, жez қопланған металл түр ёки спираллардан фойдаланылади. Бундай резиналар автомобиль ва авиация покришкаларини, транспортер ленталари, юритқи қайишлари, үт үчириш ичаги, эгиладиган трубалар, шланглар ва бошқа буюмлар тайёрлашда құлланади. Ишлаб чиқарыш технологиясында күра резина буюмлар елиmlab ишланған, қолипланған, штампланған, құйма ва бошқа хилларга булинади. Резино-техника буюмлар тури ва конструкциясында күра шиналар, юритқи қайишлари ва транспортер ленталарига, найсимон резино-техника буюмларига, машиналар, приборлар ва аппаратларнинг резина деталларига, дизлектрик буюмлар, гальвирек резина-техника буюмларига, эбонит буюмларга ва бошқа хил ашёларга булинади. Шиналар турли транспорт воситалари гидиракларининг йүл қопламасында құшилиб унинг барқарорлыгини пухталаштириш, машиналар юраётганида силтөв ва зарбларни амортизациялаш, машиналарнинг тезлигини ва ҳар хил жойлардан юра олишини ошириш вазифаларини адо этади. Замонавий шиналар конструкцияси, механик тавсифи, вазифаси, үлчамлари ва материаллари билан бир-биридан фарқ қылади. Шиналар конструктив хусусиятларига күра яхлит қилиб ишланған ва пневматик шиналарға булинади. Яхлит шина гидирак тегарчигига кийгизиладиган яхлит резина



44-расм. Пона кайиш схемаси.

кўламда ишлатилади. Бунда қисилган ҳаво покришка ичидаги жойлаштирилган маҳсус камерада бўлади (камерали шиналар), ёхуд покришканинг ўзида бўлади (камерасиз шиналар). Камерасиз шиналарни тайёрлаш анча мураккаб бўлсада, лекин яхшироқ герметикланади ва катта тезлик билан юришда, ўтиш қийин шароитларда юришда анча пухтадир.

Пневматик шиналар истеъмолчиларга юборилаётганида унинг ҳужжатида кўрсатиладиган асосий тавсифлар — ўлчамлари, пишиқлиги, қаттиқлиги, сдирилишга қаршилиги, йўл қўйиш мумкин бўлган куч ва тезлик, шунингдек шина ичидаги ҳавонинг босимидан иборат бўлади. Шиналар ўз параметрлари бўйича шу шина ўрнатиладиган транспорт воситасининг моделига мувофиқ келмоги лозим. Юборилаётган шиналарнинг ҳарфий, рақамий маркировкаси бўлади. Унда шинанинг ўлчамлари, тайёрланган завод номининг биринчи ҳарфи, шинанинг тайёрланиш санаси ҳамда тартиб номери кўрсатилади.

Юритқи қайишлар электр моторнинг айланма кучини ишқаланиш ёрдамида ишқор машиналарга (етакчи шкивдан стакланувчи шкивларга) ўтказади. Қайиш узатмада (43-расм) ялпоқ қайиш а, пона қайиш б, думалоқ қайиш в ва кўп пона қайиш г ишлатилади. Ялпоқ қайишлар техникада энг кўп тарқалган бўлиб, ҳар узатмада биттадан ишлатилади, шунингдек пона қайишлар ҳар узатмада бир нечтадан ишлатилади. Резиналанган ялпоқ қайишлар 2—9 қават ип газлама ёки бошқа хил

жалқадан иборат. Бундай шиналар етариға амортизациялаш қобилятига зәғ бұлмаганлығыдан оз күч ва кам тезлик билан ишлайды-  
ган транспортда (электрока-  
ра, трактор гидриаги, мах-  
сус машиналар ва бошқалар)  
құлланади. Пневматик шина-  
ларда ұволлиқ қисилған  
ұаво билан тұлдирилади.  
Бундай шиналар юксак  
амортизацияловчи қобиляти-  
га зәғ булиб автомобиль,  
трактор, самолёт ва қышлоқ  
хұжалик машиналарининг  
ҳамма турларыда кең

түқимадан иборат бўлиб, бир-бирига вулканизация этилган резина билан слімланади. Узатилувчи қувват миқдорига қараб резиналанган ялпоқ қайишларнинг эни 20—1200 мм қилиб олинади. Пона қайишлар ёnlари ишлайдиган трапеция қирқимида бўлиб шкивларнинг тегишли профилдаги ариқчаларига тушиб ишлайди (44-расм). Қайиш куч узатувчи асосий қатлам бўлмиш корддан, корд усти ва остидаги резина қатламларидан, шунингдек резиналанган түқимадан иборат қайиш ўрамасидан иборат. Пона қайишлар О, А, Б, В, Г, Д ва Е чексиз қирқимлар билан ишлаб чиқарилади. Қайиш понасининг бурчаги  $\alpha = 40^\circ$ . Қайишнинг ҳисоблий узунлиги нейтраль ўқи бўйлаб қайиш кўндаланг қирқимининг оғирлик маркази орқали ўтувчи узунлигига мувофиқ келади ва шкив марказлариаро масофаларни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинади. Пона қайишлар қирқимлари ва узунлигининг ўлчамлари 15-жадвалда берилган.

Кўп пона қайишларда ялпоқ қайишларнинг яхлитлиги ва эгилувчанлигидан иборат афзалликлари ҳамда понада қайишларнинг шкив билан маҳкамроқ қўшилиш кучидан иборат афзаллиги мужассамлашган. Резиналанган думалоқ қайишлар камқувват юритқиларда, масалан, тикув машиналарида, холодильникларда ишлатилади.

### 15. Пона қайишларнинг қирқими ва узунлиги, мм ҳисобида

Қирқим	Қирқимнинг тафсилий ўлчамлари		Ҳисоблий узунлик ҳади
	<i>a</i>	<i>h</i>	
О	10	6,0	400—2500
А	13	8,0	560—4000
Б	17	10,5	800—6300
В	22	13,5	1800—10600
Г	32	19,0	3150—15000
Д	38	23,5	4500—18000
Е	50	30,0	6300—18000

Транспортер ленталарининг конструкцияси резиналанган ялпоқ қайишларга ўхшаб кетади ва улардан турли материалларни бирон масофага ташишда ишлатилади. Улар резинанинг тўқима материаллар билан тўқимасидан иборат 3—12 қистирмадан иборат бўлиб, эни 300 мм дан 1200 мм гача боради. Иш шароитларига қараб транспортер ленталари умумий аҳамиятда ва маҳсус

аҳамиятда — совуққа, иссиққа, мойға чидамли қилиб ишланади.

Құеур (наи) қолидаги резина-техника буюмлари (үт үчириш ичаги, шланглар, қувурлар ва бошқалар) суюқ, қовушоқ, сочиладиган материаллар ва газларни ё босим билан (тазиқли системалар), ёхуд вакуум таъсири (сұрувчи системалар) билан ташишда ишлатилади. Қувурсимон резина-техника буюмлари металл, керамика ва бошқа қаттық қувурлардан фарқли үлароқ мулойим бұлади ва ишлатиш өнімде зәгилиши мүмкін. Уларни тайёрлаш учун умумий ва маңсус резина аралашмалари ишлатилади, тұлдирувчи моддалар сифатида эса табиий ва кимёвий толадан тұқылған материаллардан ҳамда металл материаллардан (металл үрілма, металкорд ва металл арқон) фойдаланилади.

Резина-техника буюмлари машина, прибор ва аппаратларнинг тури ва вазифаси қар хил деталларни үз ичига олади. Автомобилсозлик, тракторсозлик, авиасозлик, машинасозликнинг бошқа тармоқлари хилма-хил резина деталларнинг асосий истеъмолчилари дидир. Машинасозликда ишлатиладиган резиналар асосий хоссалари ва вазифаларига күра 10 класс ва бир қанча гурұхларға бұлинади. Булар орасыда металл буюмларнинг резина қопламалари (валлар ва кимёвий аппаратларнинг қопламалари) мұхим аҳамиятта зәга булиб, уларда резина зластик сирт ва коррозияға қарши қоплама яратыш воситаси булиб хизмат қиласы; резинадан силтөв ва дириллашларнинг амортизатори сифатида фойдаланиладиган резина-металл буюмлардан икки металл детални ажралмас қилиб бириктірувчи восита ҳамда товуш сұндыргыч сифатида фойдаланилади; резинанинг асосий хоссаси бұлмиш зластикликтан фойдаланилған резина буюмлар ва резина тұқима буюмлар (зичлаштиргичлар, манжеталар, бирлаштирувчи ұңакалар, амортизация шнурлари ва пластиналари) ҳамда автомобиль, автобус, самолёт, тракторларда ва бошқа машиналарда кенг күламда ишлатиладиган бошқа хил резина-техника буюмлари мұхим аҳамиятта мөликтір.

Резинанинг юксак электр изоляциялаш хоссалари туфайлы техникада дизелектрик резина буюмлар кенг тарқалди. Кабель ва электр симларини изоляциялашда құлқоп, пойандоз, калош, бот каби иқота воситаларини, шунингдек юқори вольтли аппаратлар билан ишлаш өнімде зарур буладиган бошқа хил дизелектрик буюмларни

тайёрлашда резинадан фойдаланилади. Галвирак резина-техника ашёлари ҳажмий массаси оз ( $0,1-0,9 \text{ г}/\text{см}^3$ ), товушни ва иссиқни изоляциялаш хоссалари яхши. Улар говакларининг хусусиятига кўра йирик-йирик очиқ говакли, булутсимон говлаган (ёпиқ говакли) ҳамда микроговакли буюмларга бўлинади. Галвирак резинадан автомобильсозлик ва тракторсозликда амортизаторлар ва ўриндиклар тайёрлашда, рефрижератор (совутмоч) қурилмаларда иссиқ изоляцияловчи материал сифатида, саноатнинг турли тармоқларида зичлаштирувчи қистирмалар сифатида, бинокорликда деворларга сириш ва шовқинни сундирувчи материал сифатида қўлланилади. Эбонит пластина, плита, лист, хивич, қувур ва бошқа буюмлар ҳолида ишлаб чиқарилади ҳамда ўлчов приборлари ва турли электр аппаратларининг деталларини тайёрлашда конструкцион материал сифатида ишлатилади. Аккумулятор деталлари ва узелларини, баклар, моноблоклар, сепараторлар ва бошқа деталларни ишлаб чиқариша эбонитдан электр изоляцияловчи материал сифатида фойдаланилади.

### 7. 8. 3. Резина-техника ашёларини сақлаш ва ташиш шартлари

Резина ва резина ашёлар истеъмолчиларга муайян массада тўп-тўп қилиб юборилади ва сифати тўғрисида юк жўнатиш ҳужжатлари илова этилади. Бунда қозоғ ёки тўқимага ўралган ашё яшик ёки контейнерларга терилиб транспортга ортилади.

Эластиклик, пишиқлик, дизлектрик хоссалар ва ташқи кўринишни сақлаш учун резина ва резина ашёларни сақлаш ва ташиш жараённида муайян талабларга риоя этиш зарур бўлади. Даставвал резина-техника ашёларига офтоб тушиб турмаслиги, улар ҳаддан зиёд юқори ёки паст ҳароратга, ҳавонинг нисбий намлигига дучор бўлмасликлари керак. Резина ва резина ашёлар сақланадиган жойлар қуруқ ва иситиладиган бўлмоғи, дераза ойналари эса сариқ ёки оқ тусга бўялмоғи даркор. Ҳавонинг ҳарорати  $5-20^\circ\text{C}$  миқёсида, нисбий намлик эса  $40-60$  фоиз бўлмоғи керак. Резина-техника буюмлар ёғоч сўкчакларда, айрим хил ашёлар эса ўралган ҳолда сақланмоғи лозим.

Шиналар ўралмаган ҳолда сақланади ва ташилади. Бунда улар протекторли юзи билан типпа-тик қилиб қўйилади ва дам берилган камералар покишка ичида

туралди. Айрим камераларга бир оз дам бериб, ёзилган ҳолда ёғоч қозиқда илиб сақланади. Ялпоқ узатқи қайишларини, транспортер ленталарини, резина шлангларни устига тальк сепиб рулон ёки той қилиб ўраб сақланади, резина ичак ва трубалар бир оз тортилган ҳолда ётиқ ташлаб сақланади. Пона қайишлар профиллари ва узунилигига кўра ёғоч илмоқларга осиб қўйилади. Уларни сақлаш жараёнида ёрилиши, букилиши ва уюшиб қотиб қолишига йўл қўймаслик учун туриш ҳолатларини мунтазам равишда ўзгартириб туриш зарур бўлади. Шундай қилинмаса, бу нохуш ҳоллар секин-аста зўрайиб ашёни ишдан чиқаришга сабаб бўлади. Булатсимон резина блок лист, плита ёки қолиланган ашё ҳолида юборилади ва бўйи 250 мм дан ошмайдиган қилиб тахланади. Дизлектрик қўлқоплар, пойандоз ва пойабзал сўкчакларда турган ҳолича сақланади. Улар омборда узоқ туриб қолган бўлса бериш олдидан электр қаршилиги текширилади.

Омборхоналар ёнгин хавфсизлигига қарши барча зарур воситалар билан жиҳозланмоги, омборларнинг электр ускуналари эса ерга пухта қилиб уланмоги, симлар ва кабеллар эса синчиклаб изоляция этилмоги лозим. Резина ва резина ашёларни кислота, ишқор, эритувчи моддалар, суюқ ёнилги ва бошқа ўтга хавфли материаллар билан биргаликда сақлаш ва ташишга йўл қўйилмайди. Резина ашёлар сақлананаётган биноларда чекиши ва ўтдан фойдаланиш тақиқланади.

## 7. 9. Лак-бүёқ материаллар

### 7. 9. 1. Лак-бүёқ материалларнинг қозиқиши ва таркиби

Лак-бүёқ материаллар суюқ ёки пастасимон композициялардан иборат бўлиб, буюм бетига юпқа-қилиб сурилганидан сўнг у қотгач, бўйлган сирт билан маҳкам ёпишган пленка ҳосил қиласи. Лак-бүёқлар буюмни чиройли қиласи ва конструкцион материаллар ҳамда буюмларни коррозион емирилишлардан, механик шикастланишлар, турли кимёвий ўзгаришлардан муҳофаза этувчи энг содда ва тежамли усуллардан биридир. Шунинг учун ҳам улар қаттиқ, механик пишиқ, едирилишга қаршилик кўрсатадиган, ҳарорат ўзгаришларига, қуёш радиациясининг таъсирига, шунингдек мой, бензин, ишқор, кислота ва бошқа емирувчи муҳитларнинг таъсирига чидамли бўлмоги лозим.

Лак-буёқ материаллар асосий компонент бўлмиш пленка ҳосил қилувчи моддалардан, сиккативлар, эритувчилар, пигментлар, тўлдирувчи моддалар, пластификаторлар ва бошқа қўшиладиган моддалардан иборат бўлади. Пленка ҳосил қилувчи моддалар бўялаётган сирт билан гоятда ёпишадиган (адгезия) бўлиб, пигмент ва тўлдирувчиларни боғлайди. Улар турли смолаларнинг эритмалари, целлюлоза эфирлари, ўсимлик мойлари ва ҳоказолардан иборат бўлади. Алкидли, перхлорвинили, фенолоформальдегидли, кремнийорганикли, полиуретанли, эпоксидли смолалар ҳамда нефть битуми, тошкўмир смолоси, шеллак, канифоль каби табиий смолалар кўп тарқалган эрийдиган смолалардир. Целлюлоза эфирлари орасида сунъий юксак молекуляр бирикмалардан ишлаб чиқарилувчи асосан нитроцеллюлоза ва этилцеллюлозадан пленка ҳосил қилувчи моддалар сифатида фойдаланилади. Пленка ҳосил қилувчи сифатида ишлатилувчи ўсимлик мойлари (зигир мой, кендир мой, тунг мойи) қурийдиган, кунгабоқар мойи, соя мойи каби нимқурийдиган ҳамда чигит мойи, канакунжут мойи ва минерал мой сингари қуримайдиган бўлиши мумкин. Ўсимлик мойлари қуригач ҳосил бўлувчи пленкалар етарлича пишиқ ва сувга чидамли бўлмайди, шунинг учун ҳам уларга зарур хоссаларни баҳш этиш ва бўялаётган сиртнинг қуришини тезлатиш учун алиф мой ишлатилади. Алиф — ўсимлик мойлари таркибида мойи бор алкид смолалар, нефть маҳсулотлар асосида пленка ҳосил қилувчи суюқ модда бўлиб, ҳавода эластик пленка вужудга келтириб қурийди. Мойга унинг З фоизи миқдорида сиккатив қўшиб термокимёвий ишлов бериш (пишириш) натижасида алиф ҳосил қилинади. Кобальт, марганец, қўргошин бирикмалари энг кўп тарқалган сиккативлардир. Эритувчи моддалар лак-буёқ материалларнинг қовушоқлигини пасайтиради ва пленканинг қуриш жараённада учеб кетади. Улар органик модда асосида тайёрланган рангсиз суюқликдан иборатдир. Пленка ҳосил қилувчи модданинг хусусиятига қараб ҳар хил эритувчи моддалар: ацетон эритувчи бензин (уайт-спирт), ксиол, ксиол билан бутил спиртининг аралашмаси, скипидар, толуол ва бошқа моддалар ишлатилади. Тақчил эритувчи моддалар ва аралашмалардан тежамли фойдаланиш учун уларга ушбу пленка ҳосил қилувчи моддани эритмайдиган суюлтирувчи модда — учеб кетадиган суюқликлар қўшилади. Бензол, спирт шулар жумласидандир. Бўйайдиган модда бўлмиш

пигментлар упадек қилиб түйилгап металл оксидлари ва тузларининг кукунлари бўлиб лак-бўёқ материалларни маълум тусга бўяйди. Улар лак-бўсқ қопламаларнинг механик пишиқлигини, кимёвий ва термик чидамлилигини оширади. Рух ва титан оксидлари, қўргошин тузлари каби оқ пигментлар, темир ва қўргошин оксидлари каби қизил пигментлар, лазурь, ультрамарин каби кўк пигментлар, охра, қўргошин ва рух крони каби сариқ пигментлар, хром оксида, қўргошинли яшил хром каби яшил пигментлар, мўмиё, сурик каби жигарранг пигментлар, газ ва нефть қуруми, марганец ва графит қўшоксида каби қора пигментлар ва бошқа хил пигментлар энг кўп тарқалган. Кукунсимон металл пигментлардан алюминий, бронза, рух упалари ишлатилади. Алюминий упа лак-бўёқ қопламани чидамли қилади, пушти, тиллои бронза кукун эса уни чиройли қилади, рух уласи бўлса унинг коррозияга чидамлилигини оширади. Лак-бўёқ материалларга органик бўёклар ҳам қўшилади, улар қопламанинг шаффофлигини сақлагани ҳолда унга муайян тус беради. Лак-бўёқ материалларда тўлдиргич моддалар тежамли аралашмалар вужудга келтириш учун пигментларга қўшиб юборилади. Бўр, гипс (ганч), каолин, магнезий ва тальк ҳам кенг кўламда ишлатилади. Тўлдиргичлар бўялган қатламнинг пишиқлиги ва тургунлигини оширади, пленкани хиракаштиради. Пластификаторлар лак-бўёқ плэнкаларнинг пластиклиги, эгилувчанлиги ва совуққа чидамлилигини оширади, ёрилишдан ва ёниб кетишдан сақлади. Спирт, эфир, смола, канакунжут мойи ва ҳоказолар энг кўп тарқалган.

Буюмнинг бетини тайёрлаш, қопламанинг сирт билан тишлишишини оширувчи замин бўёқ (грунт) суртиш, нуқсонларни йўқотиш ва сиртни текислаш учун оралиқ қатлам (шпатлевка) бериб чиқиш, бўяладиган сиртга бериладиган бир неча қатлам лак-бўёқ қопламадан бирини суртиб чиқиш ва шу қопламани қуритиш лак-бўёқ материаллар суришнинг асосий босқичларидир. Лак-бўёқ қоплама тўзгитиб, жўвалаб, чутка билан суртиб, бўёққа ботириб олиб, электростатик услугуб ва бошқа услублар билан берилади.

#### 7. 9. 2. Лак-бўсқ материалларнинг асосий хоссалари

Лак-бўёқ материаллар белгиланган вазифасига мувофиқ келмоги учун улар бир қанча хоссаларга эга бўлмоги лозим: қовушоқлик, сиртни сидирга қопловчанлик, силлиқ

қилиб текис қоплаш, қуриш вақти, қуруқ қолдиқ, пленканинг қаттиқлиги ва механик пишиқлиги, иссиққа чидамлилик, турли емирувчи мұхитларнинг таъсирига чидамлилик, қопламанинг ташқи күрениши ва бошқалар шуларнинг асосийларидир. Лак-бүёқ материалларнинг қовушоқлиги зарралар жилаёттанида улар үртасидаги ички ишқаланишни ҳамда шу материалларни бирон услугуб билан буюм бетига суртиш имкониятини күрсатади. Қовушоқлик олинган лак-бүёқ материал ҳажмининг 20 С ҳароратда вискозиметр назорат тешигидан (1 секундда) қанча оқиб ўтиши вақти билан аниқланади. Сидирға қопловчанлык бирон сиртга суртилган лак-бүёқ материал уни күринмайдынган қилиш қобилятидири. Одатта сидирға қопловчанлык шахмат таҳтасига үшаш 20Х20 см<sup>2</sup> үлчамда оқ ва қора квадратларга бұлиб қизилған ойна бетига лак-бүёқ қопламины юргутиш билан аниқланади. Бүёқ турли тусдаги квадратлар үртасидаги тафовут йүқолиб кетмагунига қадар квадратларга бир текис қатлам билан суртилаверади. Сарф бұлған лак-бүёқ материалнинг массаси тортиб күриб аниқланади. Сидирға қопловчанлык қуруқ пленкага қараб (сиртдеги қоплам тамомила қуриб битган), шунингдек нам пленкага қараб (қоплама ҳали қуриб улгурмаган) аниқланиши мүмкін. Муайян майдон бетини меъерида бұяб чиқиш учун кетген лак-бүёқ материалнинг масса миқдори сарф деб аталади. Лак-бүёқ материалнинг сарфи қанча оз бұлса, унинг сидирға қопловчанлығы шунча юқори бұлади. Силлиқ қилиб текис қоплаш буюм бетига суртилган лак-бүёқ материалнинг чұтқа изи қолдирмай текис ва силлиқ қоплама ҳосил этиш қобилятини күрсатади. Бүёқ тұзғитгіч билан берилаёттанида материалнинг лак-бүёқ қопламида нотекислик ва доғлар қолдирмаслик қобиляти — бүёқ тушириш қобиляти аниқланади. Материал берилганидан сүнг чұтқа излари, нотекисликтер ва доғларнинг йүқолиб битиш вақти 10 минутдан кам бұлса текис қоплаш меъерида дейилади, 10—15 минутта борса суст ва 15 минутдан ошиб кетса үртача дейилади. Лак-бүёқ материалнинг қуриб бўлиш вақти қоплама сифатига таъсир этувчи мұхим хосса ҳисобланади. Лак-бүёқ қопламанинг соат ҳисоби билан "чангдан қуриши" — юпқа пленка ҳосил бўлиш пайтида қоплама ёпишқоқлигини йўқотади-ю, лескин ҳали тамомила қотмаган бўлади, иккинчиси эса тамомила қотиб бўлиш вақтидир. ГОСТга кура лак-бүёқ қоплама қуриши етти босқичга бўлинади: 1-босқич

"чангдан қуриш" вақтига мувофиқ келади, 2-босқич амалий қуриш вақтига 3—7-босқич узил-кесил қуриб бўлиш вақтига мувофиқ келади. Пленка қуриб бўлгач унда қолган лак-бўёқ материаллар миқдори учиб кетмаган моддалар — қуруқ қолдиқни кўрсатади. Қуруқ қолдиқ синаш учун олинган лак-бўёқ материални учадиган моддалари (эритувчилар, суюлтирувчилар, сув ва бошқалар) тамоман буғланиб кетгунига қадар қиздириб аниқланади.

### Қуруқ қолдиқнинг миқдори ( $C_o$ , %)

$$C_o = \frac{m_2}{m_1} \cdot 100.$$

формуласи билан аниқланади; бундаги  $m_1$  — синалаётган дастлабки материалнинг массаси;  $m_2$  — материалнинг қиздиргандан кейинги массасидир.

Турли конструкцияларнинг лак-бўёқ суртиш натижасида ҳосил бўладиган массасини аниқлаш учун қуруқ қолдиқ миқдорини билиш зарур. Пленканинг қаттиқлиги — лак-бўёқ қоплами механик хоссаларининг асосий кўрсаткичидир. Пленка нечоғлик қаттиқ бўлса, буюмни ишлатиш жараённада қоплам бетида шунча оз тирналиш ва ёриқлар пайдо бўлади. Пленканинг қаттиқлигини маятник прибори ёрдамида аниқланади. Пленканинг энг қаттиқлиги учун 1 рақами қабул қилинган; бу кўрсаткич турли лак-бўёқ материаллар учун 0,1 дан 0,8 гача боради. Пленканинг қаттиқлиги лак-бўёқ қопламнинг чўзиш, эгиш, сиқиши, зарб бериш каби турли механик таъсирига қаршилик кўрсата олиш қобилиятидир. Қоплама пишиқлигини аниқлаш услублари тегишли ГОСТларда кўрсатилган. Лак-бўёқ қопламанинг иссиққа чидамлилиги буюмни берилган вақт мобайнида турли ҳарорат билан термоконтеинерда ушлаш ва шундан сўнг қопламнинг ташқи кўринишига баҳо бериш, унинг қаттиқлиги, пишиқлиги ва бошқа хоссаларини синаб қўриш билан аниқланади. Лак-бўёқ қопламнинг смирувчи мұхитлар таъсирига чидамлилигини тавсифлаш учун унинг сув, бензин, мой, атмосферага чидамлилиги аниқланади. Қопламнинг сув, бензин, мойга чидамлилигини аниқлаш учун атайлаб бўялган пластинка маълум вақт тегишли мұхитга ботириб қўйилади, шундан сўнг намунанинг ташқи кўриниши, унинг қаттиқлиги, пишиқлиги ва бошқа хоссаларига баҳо берилади. Қопламларнинг атмосферага

чиdamлилигига баҳо беришда намуналар очиқ ҳавога күйилади ва улар бир неча йил мобайнида кузатиб борилади. Лак-бүёқ қопламларнинг ярқираши, ранги, ифлосланиш даражаси ва бошқа кўрсаткичлари билан тавсифланадиган ташки кўриниши буюмларни этalon намуналар билан қиёслаб аниқланади: лак-бүёқ материалларнинг хоссалари техник талабларга мувофиқ келиши лозим, лак-бүёқ бериш технологик жараёнлари эса дод, пулфакча, ажин, ёриқ ҳосил булиши, бүёкнинг кўчиб кетиши каби нуқсонлар ҳосил булишига барҳам бериши даркор. Лак-бүёқ қопламлар пишиқ, кўпга чидамли ва чиройли булиши лозим.

### 7. 9. 3. Лак-бүёқ материалларнинг таснифи ва маркаланниши

Лак-бүёқ материаллар кўриниши, пленка ҳосил қилувчи моддаси ва кўпроқ ишлатилишига қараб таснифланади. Шу аломатлар лак-бүёқ материалларнинг маркалаш (шартли белгилари) негизига қўйилган. Лак-бүёқ материаллар белгиланган таснифлашга мувофиқ бешта асосий турга: замин бүёқ (грунтовка), шпатлевка, бўсқ, лак ва эмалларга булинади. Лак-бүёқ материални маркалашда унинг номи ("грунтовка", "шпатлевка", "бўсқ" ва ҳоказолар) кўрсатилади. Асосий компонент бўлмиш пленка ҳосил қилувчи модданинг қисқартирилган номи материал кўпроқ ишлатиладиган жойлар (бўёқлар учун 1—9 рақам белгилари, грунтовка учун — 0, шпатлевка учун — 00 рақамлари қабул қилинган), лак-бүёқ материалга бериладиган тартиб номери ва унинг ранги кўрсатилади. Лак-бүёқ материаллар эга бўлган хоссалар ҳарфлар билан белгиланади: В — сув билан суюлтириладиган, П — порошокли (кукунли), Э — эмульсион бўлади ва ҳоказо. Мой бүёқ маркаланаётганида тартиб номери ўрнида унга қўшиладиган алифнинг шартли номери кўрсатилади, қуюқ бўёқлар учун эса 0 рақами ҳам ёзилади. Синтетик смолалар асосида глифталли (ГФ), пентафталли (ПФ), перхлорвинилли (ХВ), фенолоформальдегидли (ФЛ), кремний органикли (КО), полиуретанли (УР), эпоксидли (ЭП) моддалар ва пленка ҳосил қилувчи бошқа хил моддалар ишлаб чиқарилади; сунъий полимерлар асосида целлюлоза эфирлари: нитроцеллюлоза (НЦ), этилцеллюлоза (ЭЦ) ва бошқалар; табиий хом ашё ўсимлик мойи ва битумлар асосида мойли (МА) ва битумли (БТ) пленка ҳосил қилувчи моддалар ишлаб чиқарилади. Лак-бүёқ материаллар ишлатиладиган шаро-

итларига татбиқан шартли равишда рақамлар билан белгиланадиган гурухларга булинади: 1 — очиқ майдонлардаги түрли иқлимий шароитларда ишлатиладиган атмосферага чидамли материалларга, 2 — бостирма остида ҳамда иситиладиган ва иситилмайдиган биноларнинг ичидаги ишлатиладиган атмосферага чекли чидамли қопламаларга, 3 — консервацион қопламаларга, 4 — чучук сув ва денгиз сувги таъсир этиб тураладиган шароитларда ишлатилувчи сувга чидамли қопламаларга, 5 — рентген нури ва бошқа хил нурларга чидамли, шуълаланадиган (кўн, пластмасса ва бошқа нарсаларни бўяш учун) маҳсус қопламаларга, 6 — минерал ёнилғи, мой ва консистент сурков мойлари таъсир этиб тураладиган шароитларда ишлатиладиган мой ва бензинга чидамли қопламаларга, 7 — кислота, ишқор ва бошқа суюқ кимёвий реагентлар таъсирига чидамли кимёвий қопламаларга, 8 — юқори ҳарорат шароитларида ишлатилувчи иссиққа чидамли қопламаларга ва 9 — электр кучланиши, токи ва ёйининг таъсирига дуч келиб тураладиган электр изоляцион қопламаларга. Бирон лак-бўёқ материалнинг муайян бир гуруҳга кўпроқ мувофиқ келиши юқорида айтилган тұққизта гурухнинг бошқа биронтасида қўлланиши мумкинлигини инкор этмайди. Маҳсус эксплуатация шароитларини (масалан, ҳарорат пасайишларига чидамли, ток утказувчан ва бошқалар) қондирувчи қопламалардан ҳам фойдаланилади.

Грунтовка, шпатлевка, бўёқ, эмаль ва лак баъзи турларининг шартли белгиларини мисол тариқасида кўриб чиқамиз:

АС-095 маркали оқ грунтовка. Грунтовка — материалнинг тури; АС — пленка ҳосил қилувчи моддани кимёвий таркибига кўра белгилаш (алкид акрил); 0 — грунтовка; 95 — тартиб номери; оқ — грунтовканинг туси.

ХВ-0060 шпатлевка. Шпатлевка — материалнинг тури; ХВ — пленка ҳосил қилувчи моддани (перхлорвинилли) кимёвий таркибига кўра белгилаш; 00 — шпатлевка; 60 — материалнинг тартиб номери.

ХВ-161 бўёқ. Бўёқ — материалнинг тури; ХВ — пленка ҳосил қилувчи моддани (перхлорвинилли) кимёвий таркибига кўра белгилаш; 1 — атмосферага чидамли; 61 — бўёқнинг тартиб номери.

Лак НЦ-286. Лак — материалнинг тури; НЦ — пленка ҳосил қилувчи моддани (нитроцеллюлоза) кимёвий таркибига кўра белгилаш; 2 — атмосферага чидамлилиги чекланган; 86 — лакнинг тартиб номери.

Эмаль ХВ-16. Эмаль — материалнинг тури; ХВ — пленка ҳосил қилувчи моддани (перхлорвинилли) кимёвий таркибига кўра белгилаш; 1 — атмосферага чидамли; 6 — эмалнинг тартиб номери.

Лак-бўёқ материаллар түрли усуслар билан суркалади. У тўзгитилаётган бўлса оқимнинг йўналиши бўялаётган сиртга тик бўлмоғи лозим, чунончи лак-бўёқ материал

аввал тик йўл билан сўнгра горизонталь йўл билан берилади. Чўтка билан бўяшда бўёқ озгина олинади, у юпқа қилиб суртилади ва бир текис қатлам ҳосил бўлгунинг қадар тик ва ётиқ (горизонталь) йўналишларда суркаб чиқилади. Лак-бўёқ қопламалар мавжуд ҳароратда очиқ майдонлар ёки биноларда табиий ҳолда, ёки оширилган ҳароратларда сунъий равишда қуритилиши мумкин.

Бўяладиган сиртни бўяшга тайёрлашнинг юксак сифатли лак-бўёқ қатлам олиш ва унинг узоқ ишлашини таъминлашда катта аҳамияти бор.

Сиртни тайёрлаш учун у коррозия куйинди маҳсулларидан, турли кирлар, эски бўёқдан тозаланади, шунингдек қопламанинг сиртга яхши ёпишишига тўсқинлик қилувчи бошқа хил кимёвий маҳсулотлардан нейтраллаштирилади. Механик, кимёвий, механик-кимёвий ва термик тозалаш усуллари сиртни бўяшга тайёрлашнинг асосий усулларидир.

#### 7.9.4. Лак-бўёқ материалларнинг тасифи ва ишлатилиши

Грунтовка (замин бўёқ) пленка ҳосил қилувчи моддалаги пигмент суспензияси ёки пигмент билан тўлдиригич модданинг аралашмасидан иборат бўлиб, қуриганидан сўнг бир жинсли пленка ҳосил қиласи. Замин бўёқ бутун қоплама учун асос бўлиб, бўялаётган сирт билан кейин суртиладиган лак-бўёқ қатламлари ўртасида пишиқ боғланиш вужудга келтиради. Замин бўёқ чўтка билан, ёки тўзғитиб берилади. Лак-бўёқ грунтлар мой лакни лак массасининг 40 фоизигача миқдорда пигмент билан (хром кислота тузлари, қўргошин суриги, титан бирикмаси ва бошқалар) аралаштириб ҳосил қилинади. Смола грунтлар эса тегишли лакларга смола шластификатор, пигмент ва зритувчи моддалар қўшиб тайёрланади. Улар металл, пластмасса, ёғоч сиртлар ва бошқа сиртлар билан жуда яхши тишлashingди ва тез қурийдиган лак-бўёқ материаллар ҳисобланади. ГФ-0119 ва ПФ-0142 маркали замин бўёқлар алкид смолалар асосида тайёрланган кўп тарқалган грунтovкалардир. Саноатимиз кремнийорганик пленка ҳосил қилувчилар асосида КО-052, КО-0217 маркали пленка ҳосил қилувчилар асосида, УРФ-0106, УРФ-0110 маркали полиуретан пленка ҳосил қилувчилар асосида, ЭП-057, ЭП-090, ЭП-0140 маркали эпоксид ва бошқа хил пленка ҳосил

қилувчилар асосида бир қанча замин бүёклар ишлаб чиқармоқда.

Шпатлевка пигментларнинг пленка ҳосил қилувчидағи тұлдиргич моддалар билан аралашмасидан иборат бұлиб нотекисликларни тұлдириш, замин бүёқ берилган сиртларни бараварлаш ва текислашга аталған қуюқ қовушоқ массадыр. Шпатлевка шпатель ёрдамида юпқа қатлам қилиб берилади. Қатлам қалинлиги 0,5 мм дан ошиб кетмаслығы керак. Замин бүёқ берилган сиртга даставвал лозим топылған жой шпатлевкаси берилади, шундан сұнг сидирға шпатлевка берилади. Ҳар қатлам замин бүёқдан сұнг шпатлевка қатлам сони учтадан ошиб кетмаслығы керак. Шпатлевка қилинған сирт қуриганидан сұнг нотекис жойлари ва гадирликлари бұлади, шунинг учун ҳам у абразив жилвир қозоз билан сиљлиқлаб чиқылмоги керак. Мойли шпатлевка таркибидаги пигменттің күплигі (80 фоизгача) ҳамда эритувчи модданиң озлигі билан замин бүёқдан фарқ қиласы. Мойли шпатлевкаларнинг узоқ қуриши уларнинг ишлатилиш соқасини анча чеклаб құяды. Эфир-целлюлозали шпатлевкалар орасида НЦ-0038, НЦ-0042 ва ЭЦ-0027 маркалы шпатлевкалар күпроқ тарқалған. Пленка ҳосил қилувчи синтетик моддалар асосидағи шпатлевкаларнинг адгезия хосаси юқори, кимёвий чидамли, механик жиҳатдан пишиқ ва тез қурийди. КО-0035, КО-0066, ПЭ-0025, ПЭ-0044, ХВ-0018, ЭП-0028, ЭП-0055, ЭП-0080 маркалы шпатлевкалар күпроқ тарқалған.

Бүеқ пленка ҳосил қилувчи моддадаги пигмент суспензияси ёки пигмент билан тұлдиргич модда аралашмасидан иборатдыр. Пленка ҳосил қилувчи модданиң табиатига күра бүёклар мойли бүёкларға (уларда үсімлік мойи, ёки алиф пленка ҳосил қилувчилар бұлади), алкидли (глифталь вә пентафтал смолалар пленка ҳосил қилувчилар бұлади) ҳамда перхлорвинил смола, фенол-формальдегид смола вә башқа хил смолалар пленка ҳосил қиладынан бүёкларға бўлинади. Мойли бүеқ негизидаги қопламалар атосфера таъсирига чидамли бўлиб айрим ҳолларда емирувчи муҳит таъсирига дуч келмайдын очиқ майдонлар вә бинолар ичидә ишлатилувчи металл ҳамда ёғоч ашёларни муҳофаза этишда қўлланади. Мойбүёклар табиий алиф (зигир мой) билан, "оксоль" алиф (55 фоиз мой вә 45 фоиз уайт-спирт) билан, алкид алифлар (50 фоиз глифталь ёки пентафтал смола вә 50 фоиз уайт-спирт) билан ҳамда комбинацияланған алиф

(60 фонз ўсимлик мойи ва 30 фоиз уайт-спирт) билан олинади. Бүёкларни маркалашда алифларнинг турлари шартли равища рақамлар билан белгиланади: 1 — табиний; 2 — оксоль; 3 — глифталь; 4 — пентафтал; 5 — комбинацияланган алиф бўлади. Масалан, Оқ МА—025 маркаси: қуюқ мойбўёқ, атмосфера таъсирига чидамлилиги чекланган, комбинацияланган алифга қорилган, деган маъноларни билдиради. Мойбўёклар ишлатишга тайёр суюқ ҳолда, қуюқ пастасимон ҳолда тайёрлаб чиқарилади. Бүекни ишлатиш олдидан унинг консистенцияси алиф кўшилиб маромига келтирилади. Мойбўёкли қопламалар гоятда эластик булсада, яхши ярқирамайди. Мойбўёқ ялтилаб чиқмоғи учун унга мойли лак қўшилади. Кеч қуриш, кимёвий чидамлилик ва механик пишиқликнинг пастлиги ҳамда бирмунча тез эскириш мойбўёкларнинг нуқсонларидандир. Алкид бўёклар атмосфера таъсирига гоятда чидамли, эластик ва ёпишувчан бўлса-да, лекин кимёвий жиҳатдан унча чидамли эмас. Синтетик смолалар асосидаги қопламалар гоятда қаттиқ ва кимёвий чидамли бўлса-да, лекин мұрт бўлиб механик таъсирларга турғун эмас.

Хозирги вақтда пленка ҳосил қилувчи моддаларнинг сувли эмульсияларидағи пигмент суспензиялари бўлмиш эмульсион бўёклар кўпроқ ишлатилмоқда. "Сувдаги мой" типида эмульсия вужудга келтирмоқ учун лак-бўёқ аралашмасига калий ва натрий совунларидан иборат махсус эмульгаторлар қўшилади. Натижада уларни сув қўшиб ишкор суюқликка қадар келтириш мумкин. Мойли эмульсион бўёклардан ташқари турли полимерлар негизида тайёрланган сувэмульсион бўёклар бетонни, металл деталь ва буюмларнинг ички ва ташқи сиртларини бўяшда, шунингдек ёғочни бўяшда кўпроқ ишлатилмоқда. Турли полимерларнинг поливинилацетатли, глифталили ва акрилатли эмульсион бўёклари шуларга киради. Эмульсион бўёкларнинг маркаларига ортиқча Э ҳарфи қўшилади. Масалан, Э-АК-216 маркаси ички ишларда қўлланадиган сув-эмульсион бўёқ, пленка ҳосил қилувчи моддаси — акрил смола, деган маънони билдиради. Эмульсион бўёкларни ишлатиш натижасида тақчил эритувчи моддалар ўринда тамомила, ёки қисман сув ишлатиш мумкин булади. Саноатда автомобиллар, вагонлар, турли приборларнинг, шунингдек бошқа машиналар ва ашёларнинг бир қанча деталларини бўяш учун кукун бўёклар ишлатилади. Улар синтетик смолаларнинг эритувчи

құшмаган қолда пигментлар, тұлдиргич моддалар ва пластификаторлар билан қуруқ аралашмасидир. Бу бүеклар тегишли сиртга берилгач, 150—200 С га қадар қиздирілади, бунинг натижасыда полимер негиз суюқланади ва бүек зарралари сирт билан маңкам тишилашади. Кукун бүекларни маркалашда құшимча П ҳарфи киритилади, қолған белгилар лак-бүек материаллар учун умумийдір. Масалан, П-ЭП-45 маркаси кукун бүек сувга чидамли, пленка ҳосил құлувчи модда — эпоксид смола эканлигини билдиради.

Смола, битум, пленка ҳосил құлувчи бошқа хил моддаларнинг эритувчи моддалардаги эритмаси лак бұлыб, у қуригач қаттық, шаффоф ва ярқироқ пленка ҳосил қиласы. Пленка ҳосил құлувчи модда ва эритувчи модданинг турига қараб лаклар синтетик, нитроцеллюзоза ва этилцеллюзали, битумли ва асфальтли бұлади ва ҳоказо.

Турли органик эритмалардаги синтетик полимер эритмалари бұлмиш синтетик лаклар қуригач, кимёвий чидамли, атмосфера таъсиrlари ва иссиққа чидамли, механик пишиқ ҳамда электр изоляцион хоссалари бошқа хил хоссаларга әгадір. Масалан, перхлорвинил лаклар (ХВ-139 ва ХВ-1100) металл, ёғоч ва бетон сиртларни, турли емирувчи муҳитларда ишлайдиган машиналар, қурилиш конструкциялари ва приборларни бұяшда ишлатылади. Металл билан үнчә ёпишмаслик, иссиққа ва ёруққа чидамаслик перхлорвинил лакларнинг камчилигидір. Фенолформальдегид материаллардан ЛБС-1 маркалы бакелит лак ишлатылади. Шу лак негизидеги қоплама қаттық ва кимёвий түргүн бұлади. Тузук ёпишмаслик ва механик пишиқларнинг етарлы әмаслиги бакелит лакнинг камчилигидір. Кремний органик лаклар сернамлик ва юқори ҳароратда бир қанча ноорганик кислоталар ҳамда кимёвий реагентларнинг буглары таъсирига дуч келадиган металлар ва бошқа конструкцион материалларни коррозиядан муҳофаза этишда құл келади. УР-976 ва УР-9130 маркалы полиуретан лаклар ҳамда ЭП-9114 ва бошқа маркалы эпоксид лаклар асосидагы қопламалар ғоятда ёпишқоқ, сув ва атмосфера таъсиrlарига чидамли, кимёвий чидамли ва диэлектрик хоссаларга әга бұлади. Нитроцеллюзозали лаклар (НЦ-279 ва НЦ-292)дан биноларда ишлатылуvчи металл ёки ёғоч сиртларини қоплашда фойдаланилади; этилцеллюзоза лаклар (ЭЦ-9101 ва ЭЦ-729) ғоятда электр изоляциялаш

хоссаларига ва кимёвий тргунликка эга. Битум лаки ва асфальт лаки қопқора бўлади, кимёвий чидамлилиги, атмосфера таъсирларига чидамлилиги юқори бўлади ва металларни коррозиядан сақлашда ишлатилади. Эмаллар (эмаль бўёқлар) пигментни учиб кетадиган смолали эритувчи лаклар билан майдалаб эзib олинадиган лак-бўёқ материаллардир. Эмаль қуриганидан сунг қаттиқ, пишиқ ва ялтироқ пленка ҳосил қиласи. Рух, қўргошин, титан белиласи, турли ранглардаги сариқ бўёқлар, ультрамарин, темир суриги ва ҳоказолардан эмаль пигментлари сифатида фойдаланилади. Пленка ҳосил қилувчи модданинг турига қараб эмаль бўёқлар лак билан тайёрланадиган мойли эмалга, нитролак билан тайёрланадиган нитроэмалларга; турли смолалар асосида тайёрланадиган синтетик эмалларга бўлинади. Одатда мой эмаль таркибида 30—60 фоизгача пигмент бўлиб, машина ва моторлар, приборлар ва ашёларнинг деталларига охирги ишлов беришда қўлланади. Секин қуриш, юқори ҳарорат ҳамда ёнилги-сурков мойи материалларнинг таъсирига унча чидаш бермаслик мой эмалларнинг хусусиятидир. Мойли эмаль бўёқлар атмосфера таъсирига чидаши чекланган материаллар гуруҳига кириб, ишлатиш намлик режими мөъёрида бўлган биноларнинг ичидаги буюмларни бўяшда қўлланади. Нитроцеллюзоза эмаллардан (НЦ-246 ва бошқалар) асосан биноларнинг ичидаги бўладиган деталлар, приборлар, ашёлар ва бошқа хил ускуналарни бўяшда ишлатилади. Синтетик (смолали) эмаллар кўпроқ ишлатилади, чунки уларнинг механик хоссалари, иссиқقا, атмосфера таъсирларига, сувга чидамлилиги, кимёвий чидамлилиги юқори, ёниб кетмайди, қуриши кўпга бормайди ва ҳоказолар. Масалан, глифтал смолалар асосидаги эмаллар (ГФ-571 ва бошқалар) ҳамда пентафталъ смолалар асосидаги эмаллардан (ПФ-115 ва ПФ-126) сингил автомобиль кузовларини, кемаларнинг ташки пўлат палубаларини бўяшда, перхлорвинил эмаллардан эса (ХВ-124, ХВ-110, ХВ-113 ва бошқалар) кимёвий ва электр-кимёвий коррозия шароитларида ишлатиладиган металл, пластмасса ва ёғоч сиртларни бўяшда фойдаланилади. Фенолформальдегид смолалар асосидаги қора эмаллар (ФЛ-557 ва ФЛ-787) бензин ва минерал мойларга чидамли бўлганлигидан радиатор ва бензобакларни бўяшда ишлатилади, фенолалкид смола асосидаги (оппоқ ФА-792 маркали) эмалдан озиқ-овқат саноатидаги турли ускуналар ва чонларни бўяшда фойдаланилади. КО-89, КО-811,

КО-817, КО-823 маркали ва бошқалар, кремнийорганик эмаллар қизийдиган металл сиртларни бұяшда құлланади, полиуретан эмаллар (УР-175, УР-176, УР-1180 ва УР-41) ғоятда әпишувчан ва чидамли, пишиқ ҳамда электр изоляцион хоссаларга зға бұлиб, эпоксид эмаллар (ЭП-969, ЭП-575, ЭП-419 ва бошқалар)нинг муҳофаза хоссалари ғоятда юқори, сувга ва атмосфера таъсирларында чидамли ва қаттық бұлади.

#### 7.9.5. Лак-бүең материалларни сақлаш ва ташиш шартлари

Лак-бүең материаллар истеъмолчиларга түп-түп қилип юборилади. Жұнатылаётган юк ұужжатларыда тайёрланған заводнинг товар белгиси, лак-бүең материалнинг номи, унинг маркасы (брutto ва нетто массаси), тайёрланған вақти ва түпнинг номери, шунингдек маҳсулот сифатининг асосий күрсаткичлари бұлади. Стандартлар ва техник шартларға күра лак-бүең материаллар бочка, бидон, шиша идиш, фляга, банка каби түрли герметик тарааларға солиниб темир йүл, автомобиль ва ҳаво транспортида ёки сув транспорти билан ташилиши мүмкін. Лак-бүең материалларнинг катта түплари темир йүл ва автомобиль цистерналарыда ташилади. Лак-бүең материалларнинг күпчилигі ёнғин чиқиши жағдайда портлаш жиҳатларидан хавфли ва зақарлидір. Шунинг учун ҳам уларни ташиш ва сақлаш жараба түрлерінде хавфсизлик техникаси ҳамда ёнғин чиқишига қарши техника қоидаларында қаттый риоя этиш зарур бұлади. Пакетларға ёки чонларға: "Тез ёниб кетадиган", "Ұядыган модда", "Хавфли" деган, энг зиёнли материаллар учун зса "Зақар" деган оғохлантирувчи битиклар әзіб қўйилиши керак.

Истеъмолчи лак-бүең материалларни олғач уларнинг юк жұнатыш ұужжатында нечоғли мувофиқтігіні текшириб чиқади. Зарурати бұлса материаллар ишкор комига торадығанда етказилади (уларға зритувчилар, сиккативлар, пигментлар ва бошқа моддалар құшиллади); олинған бүең аралаштириледи, фильтрланади ва фойдаланиш учун тайёрланади.

Лак-бүең материаллар мұайян гурухлари (пленка ҳосил қылувчи модданинг түри) ва түплари бүйіча заводнинг соз пакетларында жағдайда тағайынданылады. Лак-бүең материалларни сақлаш шароитлары бузилса уларнинг сифати бузилади, бир қанча қолларда зса ишлатиш учун яроқсиз ҳолга келиши

мумкин. Масалан, лак-бүёқ материалларнинг эритувчи-лари ва ишкор аралашмалари ёргулик ҳамда ҳаво таъсирида қуриб қолади; хоссалари жиҳатидан гигроскопик бўлмиш кукун бўёқлар муштлашиб, дастлабки сифатларини йўқотади; пигментлар қорайиб парчаланади ва ҳоказолар. Лак-бүёқ материалларни ишқорлар, кислоталар ва бошқа кимёвий моддалар яқинида сақлаш тақиқланади, улар бўёқларни парчалайди ва рангини кетказади. Лак-бүёқ материалларнинг баъзи турлари учун кафолатли сақлаш муддати белгиланганлигини назарда тутмоқ лозим, шу муддат ўтиб бўлгач, уларни ишлатиш олдидан сифати стандарт талабларига мувофиқ келишини текшириб кўриш зарур. Бинолар ичida эритувчи модда бугларининг тўпланиб қолишига ва кукун бўёқлар тўзгишига йўл қўйиб бўлмайди, чунки муайян концентрацияда буг ва чанг ҳаво билан портлаш хавфи бўлган аралашма ҳосил қиласди. Шунинг учун ҳам лак-бүёқ материаллар сақланадиган, ишлатадиган ва уларга ишлов бериладиган ҳамма бинолар иш зонасининг ҳавосидаги зарарли моддалар йўл қўйиш мумкин бўлган концентрация ҳаддидан ошиб кетмаслигини таъминладиган вентиляция билан жиҳозланмоги, утказилаётган ишлар эса ёнгиндан, хавфсизлик ва саноат санитарияси қондаларига мувофиқ келмоги даркор. Лак-бүёқ материаллар билан ишлайдиган кишилар маҳсус жомакор (халатлар, костюмлар, комбинезонлар, курткалар, пойабзал ва ҳоказолар) билан, қўл ва нафас олиш аъзоларига хос муҳофаза воситалари (резина қўлқоплар, муҳофаза пасталари, кремлар, мойлар, респираторлар, газниқоблар ва бошқалар) билан таъминланиши керак.

Ёнгиндан хавфсизлик чоралари ёнгиннинг олдини олиш тартиби билан ёнгиндан муҳофаза этиш тартибини кўзда тутмоги лозим. Ёнадиган моддалар миқдорини чеклаш, ёнадиган муҳитни изоляциялаш, ўт ўчириш воситалари, ёнгин сигнализация воситаларини қўллаш, ёнгин чиққанлиги тўғрисида хабар бериш ва ҳоказолар ёнгиннинг олдини олиш тартибига, қум, асбест тўқима, ўт ўчириш тартибига киради.

## САНОАТ ӘҚИЛФИСИ

### ӘҚИЛГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ АҲАМИЯТИ, ХОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Табиатда мавжуд ёки сунъий йүл билан олинадиган ва иссиқлик энергиясини ҳосил қилишда ишлатиладиган ёнадиган моддалар әқилги дейилади. Әқилги иссиқлик энергиясининг манбаси сифатида халқ хұжалиғи иқтисодиётининг негизи ҳисобланади. Әқилги-энергетика саноати мамлакат оғир индустриясининг база тармоғы сифатида ишлаб чиқариш вазифаларини, шунингдек халқ хұжалик вазифаларини, ҳал этишга күмак беради. Әқилги ёнишидан чиқадиган иссиқлик ишлаб чиқариш жараёнларыда, уйларни иситиш мақсадларыда, овқат пиширишда ва ҳоказо мақсадларда ишлатилади, иссиқликнинг анча қисми механик энергия ва электр энергиясини ҳосил қилишга сарфланади. Әқилги таркибида унга алоқадор күп моддалар ҳам борки, халқ хұжалигіда улардан фойдаланиш катта иқтисодий самара беради. Истеммол этилувчи әқилгининг 90 фоизидан күп органик модда бўлиб, углерод унинг асосий таркибий қисмини ташкил қилади. Қазиб олинадиган күмир, табиий газ, нефть ва ҳоказолар органик әқилгининг асосий турларидир.

Қазиб олинадиган күмир әқилади, ёки у коксга ва әқилгининг бошқа қимматли суюқ ва газсімон турларига айлантирилади. Табиий газ — энг арzon, қулай ва юқори калориялы әқилгидир. Айни маҳалда у органик синтез маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун қимматли ва тежамли хом ашёдир. Газ саноати — оғир индустриянынг энг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Нефть ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари қулай ва юқори калориялы әқилги ҳамда хилма-хил кимсөвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун муҳим хом ашёдир.

Хозирги шароитларда анъанавий әқилги турлари тобора сунъий әқилги турларига — синтетик спирт, метилуцлам-

чибутил эфир, газ конденсати, водород ва сув-ёқилғи эмульсияларга алмаштириб борилмоқда. Атом реакторларыда ядро ёқилгисидан фойдаланиш, шунингдек геотермик энергиядан ва қуёш энергиясидан фойдаланиш кенгайиб бормоқда.

Ёқилғи-энергетика балансида ёқилгининг асосий турлари қазиб олинадиган күмир, табиий газ ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотларидир.

### ЁҚИЛГИННИГ ТУРЛАРИ ВА ТАРКИБИ. ЕНИШ ИССИҚЛИГИ

Халқ хұжалигыда фойдаланиладиган саноат ёқилгиси келиб чиқиши жиҳатидан табиий ва сунъий ёқилгиларга, агрегат ҳолати жиҳатларидан эса қаттиқ, суюқ ва газсимон ёқилгиларга бўлинади. Табиатда қандай ҳолатда бўлса, шу ҳолича ишлатиладиган ёқилғи табиий ёқилғи бўлади: қазиб олинадиган (қўнгир кўмир, тошкўмир ва антрацитлар), ёнадиган сланец, торф, ўтин, қишлоқ хўжалик чиқитлари қаттиқ ёқилғи; нефть — суюқ ёқилғи, табиий газ ҳамда нефть ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олаётганда биргалашиб чиқадиган газлар газсимон ёқилғидир. Сунъий ёқилғи асосан табиий ёқилгини қайта ишлаш натижасида ҳосил қилинади: тошкўмир кокси, пистакўмир, нимкокс, торф кокси, брикет ва бошқалардан қаттиқ сунъий ёқилғи; бензин, керосин, дизель ёнилгиси, қорамой ва бошқалардан суюқ ёқилғи; кокс гази, ёритқич газ, крекинг гази, домна гази, ҳаво ёки ҳаво билан сув буги аралашмасини газ генератордаги чўғ ҳолига келтирилган ёқилғи қатламига пуркаб ҳосил қилинадиган генератор гази ва ҳоказолар газсимон ёқилгилардир.

Органик ёқилғи таркибида асосан углерод (C), водород (H), кислород (O), азот (N) ва олтингугурт (S) бўлади. Кислород билан азот ёнганида иссиқлик чиқармайди ва ёқилгининг ички балласти бўлиб қолади. Олтингугурт зарарли аралашма ҳисобланади; ундан озгина иссиқлик чиқади ва заҳарли кислота оксидлари —  $\text{SO}_2$  ва  $\text{SO}_3$  ни ҳосил қиласди. Бундан ташқари, ҳар бир ёқилгига органик қисмдан ташқари муайян миқдорда минерал аралашмалар ҳам бўлади, улар ёнганида кул (A) билан сув (W) ҳосил қиласди. Шу кул билан сув ёқилгининг ташки балласти бўлади. Кислород, азот, сув буглари углерод қўшоксиди ва бошқа ёнмайдиган газлар газсимон ёқилгининг балласти бўлади. Ҳар хил ёқилгиларда ички ва ташки

балласт миқдори фоизнинг бир неча улусидан ўнлаб фоизгача боради.

Мавжуд ҳамма хил ёқилги элемент таркиби жиҳатидан учта асосий классга бўлинади: I — углероддан таркиб топган (кокснинг ҳамма турлари ва пистакумир), II — углерод билан водороддан таркиб топган (нефть, нефтни қайта ишлаш маҳсуллари, газсимон углеводородлар ва бошқалар) ва III — углерод, водород ва кислороддан таркиб топган (қазиб олинадиган күмир, торф, ўтин, брикет, генератор гази, аралаш газ ва бошқа хил газлар). Ёқилги ёнганида чиқадиган иссиқлик миқдори унинг кимёвий таркибига боғлиқ бўлади: ёқилги таркибидаги углерод билан водород қанчалик кўп ва балласт миқдори қанчалик кам бўлса, ёниш иссиқлиги шунча кўп бўлади. Шунинг учун ҳам ёниш иссиқлиги ҳисоб қилинаётганида ёқилгининг ишкор қуруқ ва ёнадиган массаси кўриб чиқилади. Ёқилгининг ишкор массаси органик қисмдан, шунингдек кул ва сувдан иборат бўлади, қуруқ массада органик қисмдан, шунингдек кул ва сувдан иборат бўлади, қуруқ массада сув бўлмайди, у органик қисм билан сувдан иборат бўлади. Қуруқ масса ёқилги таркибидаги сувнинг миқдорига кўра ишкор массадан фарқ қиласди. Ёқилгининг ёнадиган массаси таркибидаги сув, на кул бор, у нуқул органик қисмнинг ўзидан иборат бўлади. Зарурат туғилса ҳисоб коэффициентларининг ёрдами билан бир турдаги ёқилги иккинчисига айлантириб ҳисоб қилинади.

Ёқилгининг иссиқ бериш қимматини белгиловчи солиштирма ёниш иссиқлиги ( $Q$ ) ёқилгининг энг муҳим тавсифларидан бири ҳисобланади. У қаттиқ ва суюқ 1 кг ёқилги, ёки газсимон 1  $m^3$  ёқилги тамом ёниб битганида чиқадиган иссиқлик миқдоридир. Иссиқлик миқдори калория ёки жоул билан ўлчанади (1 кал = 4,1867 Ж, 1 ккал = 4,1867 кЖ).

Ёқилги юборилаётганида унга илова этиладиган ҳужжатда ёниш иссиқлиги ё ишкор масса билан ( $Q^0$ ) ёхуд ёнадиган масса ( $Q'$ ) билан кўрсатилади. Ёқилгининг олий ва паст ёниш иссиқлиги бўлади. Олий ёниш иссиқлиги ( $Q^0$ ) ёқилгининг ёниш маҳсулларида (ёқилги таркибидаги бўлган ва водороднинг оксидланиши натижасида ҳосил бўладиган) суюқ томчи ҳолатидаги сув бўлганида, яъни сув бугининг конденсацияланиш иссиқлигини назарда тутиб олинади. Қуйи (нафли) ёниш иссиқлиги ( $Q_n$ ) ёқилгининг ёниш маҳсулларида сув буғи бўлганида,

яъни бугнинг конденсацияланиш иссиғини ҳисобга олмаган ҳолда аниқланади. Шундай қилиб  $Q_n$  —  $Q_{n_2}$  тафовутидан иборатдир, бундаги  $Q_{n_2}$  ёниш маҳсулларида бўлган сув бугнинг конденсацияланиш иссиқлиги. Ёқилги таркибида сув билан водород қанча кўп бўлса, ёқилги ёнишининг олий ва қуйи иссиқликлари ўртасидаги тафовут шунча катта бўлади. Мамлакатимизда барча асосий термотехника ҳисоблари ( $Q_n^p$ ) иш масасида ёқилгининг қуйи ёниш иссиқлиги кўрсаткичлари бўйича олиб борилади. Аммо бир қанча ҳолларда стандартлар, ёки бошқа ҳужжатларда ёнадиган массада  $Q'_b$  олий ёниш иссиқлигининг қийматлари учрайди ҳамда "бомба" бўйича ёнадиган массада ёқилгининг ёниш кўрсаткичлари ( $Q'_d$ ) учрайди.  $Q'_b$  йигинди ёниш иссиқлигини кўрсатади: ёқилги ёнадиган қисмининг иссиқлигини, водород ёнганида буг ҳосил бўлиш иссиқлигини, шунингдек кислота ҳосил бўлаётгандаги иссиқликни кўрсатади.  $Q'_d$  тажриба қилиб аниқланади — калориметрик идиш (бомба)да кислород атмосферасида муайян миқдор ёқилгини ёқиб аниқланади.

Ёниш иссиқлигига тажриба усулларидан ташқари ёқилги элемент таркибининг маълумотлари асосида формулаларга қараб ҳам ҳисоблаб чиқарилади. Иш масасида ёқилги қуйи ёниш иссиқлигини ҳисоб қилиш учун кўпинча Д. И. Менделеев формуласидан фойдаланилади:

$Q_n^p = 81C + 244H - 26(O-S) - 6W$  ккал/кг, формула-нинг элементлари ёнидаги коэффициентлар шу элементлар ёнганида чиқадиган иссиқлик миқдорини кўрсатади; 6—1 г сувни бугта айлантириш учун сарфланадиган иссиқлик миқдори.

Газсимон ёқилгининг ёниш иссиқлиги ёқилги фракциялари айрим ташкил этувчилари ёнишидан олинадиган иссиқлик йигиндиси сифатида аниқланади.

### ШАРТЛИ ЁҚИЛГИ ВА ИССИҚЛИК ЭКВИВАЛЕНТИ

Ҳар бир ёқилги тури ҳар хил элементлардан тузилганлиги, физик ва кимёвий хоссаларига кўра турлича ёниш иссиқлиги беради. Турли ёқилгиларни бир-бирига тақослаш, бир турдаги ёқилгини иккинчи турдаги ёқилгига алмаштириш қулай бўлмоги учун, бошқа мақсадлар учун "шартли ёқилги" тушунчаси белгиланган. Бундай этalonнинг ёниш иссиқлиги қаттиқ ва суюқ

ёқилғи учун шартли радија 29307 кЖ/кг деб ва газсизмөн ёқилғи учун 29,307 кЖ/м<sup>3</sup> (тегишилича 7000 ккал/кг ва 7000 ккал/м<sup>3</sup>) деб қабул қилинган. Ҳозирги вақтда ёқилғи учун тузиладиган талабномалар ёқилғи сарфи ва запасларининг ҳисоби шартли ёқилғи бирлекларида олиб борилади. Шартли ёқилғи массасини табиий ёқилғига ва аксинча табиий ёқилғи массасини шартли ёқилғига айлантириш учун иссиқлик эквиваленти ишлатилади. Олинган табиий ёқилғи қуни ёниш иссиқлигининг шартли ёқилғи ёниш иссиқлигига бўлган нисбати иссиқлик эквивалентидир.

Калория ёқилғи эквиваленти ( $\mathcal{E}_{\text{кал}}$ ) ва техник эквиваленти ( $\mathcal{E}_{\text{тех}}$ ) бор.

Калория эквиваленти

$$\mathcal{E}_{\text{кал}} = \frac{Q_{\text{H}}^{\text{P}}}{29307} = \frac{Q_{\text{H}}^{\text{P}}}{7000},$$

формуласи билан аниқланади. Бундаги  $Q_{\text{H}}^{\text{P}}$  ва  $Q_{\text{H}}^{\text{P}}$  кЖ/кг ва ккал/кг ҳисобларидаги ёқилғи ёниш иссиқлигидир.

Қозонхоналарда ишлатиладиган ҳар хил ёқилғиларни ҳисоб қилишда мана бу техник эквивалентдан анча кам фойдаланилади:

$$\mathcal{E}_{\text{тех}} = \frac{Q_{\text{H}}^{\text{P}}}{29307} \cdot h_y = \frac{Q_{\text{H}}^{\text{P}}}{7000} \cdot h_y,$$

бундаги  $h_y$  — қозон қурилмасининг олинган ёқилгини ёққандаги фойдали иш (наф) коэффициенти.

#### 16. Асосий ёқилғи турларининг ёниш иссиқлиги ва калория эквивалентлари

Ёқилғининг номи	$Q_{\text{H}}^{\text{P}}$ , ккал/кг	$Q_{\text{H}}^{\text{P}}$ , кЖ/кг	$\mathcal{E}$ кал
Шартли	7000	29307	1,00
Күнгир күмір	3400	14235	0,49
Тошкүмір	7001	29310	1,00
Антрацит	7220	30230	1,03
Торф	3210	13440	0,46
Ёгоч	2300	12560	0,43
Нефть	10000	41867	1,42
Бензин	10780	45216	1,57
Дизель ёқилғиси	10200	42704	1,45

Ёқилгининг номи	$Q_{\text{н}}^P$ , ккал/кг	$Q_{\text{н}}^P$ , кЖ/кг	Э кал
Корамой	9900	41448	1,40
Газлар: табиний	8480	35586	1,21
сув буги	2600	10885	0,37
әритқич	4300	18003	0,63
суюлтирилган	10987	46000	1,56

Табиний ёқилғи массаси ( $M_y$ ) иссиқлик эквивалентига күпайтирилиб шартли ёқилғи ( $M_y$ ) олинади: бунда  $M_y = M_{\text{н}} \cdot Э_{\text{кал}}$ , шартли ёқилғи массаси иссиқлик эквивалентига тақсимланиб шартли ёқилғи табиний ёқилғига айлантирилади:

$$M_y = \frac{M_{\text{н}}}{Э_{\text{кал}}}$$

16-жадвалда баъзи бир энг кўп тарқалган ёқилғи турлари учун ёниш иссиқлигининг қийматлари ҳамда калория эквивалентлари берилган.

## 8-БОБ

### ҚАТТИҚ ВА ГАЗСИМОН ЁҚИЛҒИ

#### 8. 1. Қаттиқ ёқилғи. Таснифланиши, асосий хоссалари

Ёниш иссиқлиги, таркибидаги углерод ва аралашмалар, учадиган моддалар чиқиши, қовушувчанлик, зичлик, пишиқлик, бўлакларнинг катта-кичиклиги ва ҳоказолар саноат қаттиқ ёқилгисининг хоссалари ва сифатини белгиловчи асосий таснифлардир. Қаттиқ ёқилгининг суюқ ва газсимон ёқилғидан фарқи таркибида ички ва ташқи балласт кўп бўлади ва бу нарса унинг иссиқ ҳосил қилиш қобилиятини пасайтириб юборади. Саноат ёқилгисининг энг муҳим турларидан бири бўлмиш қазиб олинадиган кўмирнинг иссиқ ҳосил қилиш қиммати кўмир маҳсулотларига айлантириш даражаси ёки парчаланиш даражаси билан белгиланади, чунки углерод усимилик қолдиқлари парчаланишининг пировард маҳсули бўлади. Кўмир таркибидаги углерод миқдори кўмирнинг ёши ва қаердан чиққанлигига қараб 55—97 фоиз миқёсида бўлади. Углероднинг ёниш иссиқлиги 8100 ккал/кг ёки

34 000 кЖ/кг. Күмир таркибида водород эркин ҳолатда бўлади ва ёнганида иссиқ чиқаради. Водороднинг ёниш иссиқлиги 34200 ккал/кг, ёки 143 200 кЖ/кг.

Қўнгир кўмир, тошкўмир ва антрацит қазиб олинадиган кўмирларнинг асосий турлариидир. Қўнгир кўмир — дастлабки органик моддалар парчаланишининг энг ёш маҳсули бўлиб таркибида 55—78 фоиз углерод бўлади. Тошкўмир ва антрацитлар ўсимлик организмларининг анча аввал парчаланиш маҳсуллари бўлиб таркибларида 75—92 фоиз ва 92—97 фоиз углерод бўлади.

Углерод билан турли бирималар ҳосил қилган кислород, азот ва олтингугурт смолали моддалар вужудга келтиради, уларнинг миқдори қанча учадиган модда чиқиши билан белгиланади. Кўмир ҳавосиз қиздирилганида унинг органик ва минерал қисми парчаланганида учадиган моддалар чиқади. Қўнгир кўмир ва тошкўмир учун учадиган моддалар чиқиши тортиб кўриш услуби билан фоиз ҳисобида, антрацитлар учун эса ҳажмий услугуб билан аниқланади ва таркибидаги углерод миқдорига боғлиқ бўлади. Кўмир таркибида углерод қанча кўп бўлса, унда учадиган моддалар шунча оз бўлади. Қолган учмайдиган қаттиқ қолдиқ турли кўмирларнинг қовушиб қимматли технологик ёқилги бўлмиш кокс ҳосил қилиш қобилиятини кўрсатади. Кокс кукунсизон ёпишган суюқ ҳолатда ва бошқача турда бўлиши мумкин. Баъзи хил кўмирлар 350—400°C га қадар қиздирилганида пластик ҳолатга ўтиб, кейин яна қотиши ва галвирак, пишиқ қолдиқ — серуглерод кокс ҳосил қилиш хоссасига эга бўлиши мумкин, уни қозушоқлик дейилади. Кўмирнинг юқори сифатли кокс ҳосил қилиш қобилиятига коксланувчанлик дейилади.

Ёнадиган сланецлар қазиб олинадиган қаттиқ ёқилги турларидан бўлиб денгиз ўсимликлари ва ҳайвон организмларининг ҳавосиз парчаланиши натижасида ҳосил бўлган. Унинг таркибида қимматли органик масса (75 фоизгача С ва 10 фоизгача Н) бўлиб, анча —60 фоизгача учадиган моддалар чиқади ва кимёвий ишлаб чиқаришга хом ашё бўлади. Ёнадиган сланецнинг кули кўплиги (60 фоизгача боради) ва 20 фоизгача намлиги сабабли, унинг иссиқ бериш қиммати пасаяди, шунинг учун ҳам ундан асосан маҳаллий ёқилги сифатида фойдаланилади. Ботқоқлик ўсимликлари турли қолдиқларининг парчаланиш маҳсули — торф ҳам табиий қаттиқ ёқилгилардан ҳисобланади. Унинг таркибида 60 фоизгача С ва 6

фоизгача Н бўлади. Торф брикет, ушоқ ёки палахса ҳолида тайёрланади ва маҳаллий хом ашё сифатида ишлатилади. Ёғоч ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши чиқитларидан ҳам қаттиқ ёқилги сифатида фойдаланилади. Ёгочнинг органик қисмида 50 фоизгача С ва б фоизгача Н бўлади. Аммо мамлакатнинг ёқилги балансида ёғоч ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши чиқитларининг салмоғи озгина.

Республикамизнинг тошкўмири учадиган модда чиқиши ва учмайдиган қолдиқ (королек) ҳолига кўра мәркалаб тасниф қилинади. Учадиган моддалари энг кўп (37 фоиз ва ундан кўп) кўмир узун алангали (шартли белгиси Д), учадиган моддалари энг ози (9 фоиздан кам)—ориқ (Т) кўмир, қолганлари—газли (Г), жирли (Ж), кокс (К), кўмир ва қовушадиган ориқ кўмир (ОС) оралиқ аҳамиятга эга бўлади. Ж ва К маркали кўмирлар яхши қовушади, газ кўмир ва қовушадиган ориқ кўмир унча қовушмайди; қўнгир кўмир ва узун аланга берадиган кўмир, ориқ кўмирнинг кўпи, шунингдек антрацитлар ва нимантрацитлар қовушмайди.

Кўмирнинг сифати кўп жиҳатдан минерал аралашмалар таркибига боғлиқ бўлади. Аралашмалар таркибига кальций ва магний карбонатлари, гипс, олtingугурт колчедани ва бошқа моддалар, шунингдек сув киради. Минерал аралашмалар ва намлик ёқилгининг ёниш иссиқлигини пасайтиради, сифатни ёмонлаштиради ва уни ёқиш шароитларини қийинлаштиради. Ёқилгини ёқандада ёниб битмаган минерал аралашмалар кул ҳосил қиласди. Кўмирнинг куллилиги тажриба учун маълум миқдорда тортиб олинган ёқилги муфель печида ёқиб кул ҳосил қилиш ва қолдиқни муфелга солинган ёқилги массасига нисбатан фоиз ҳисобида доимий массага қадар қиздириб аниқланади. Ёқилгининг кўмир маҳсулларига айланиш даражаси кўтарилиши билан таркибидаги балласт камаяди. Кўмирнинг зичлиги кўмир массасининг  $20^{\circ}\text{C}$  ҳароратда шундай ҳажмдаги сув массасига бўлган нисбатидир. Қўнгир кўмир зичлиги 1,1—1,5, тошкўмир ва антрацит зичлиги эса 1,6—1,7 дир. Кўмирнинг уюлган ҳолдаги зичлиги уюлган ҳолдаги ёқилги массасининг унинг ҳажмига бўлган нисбатидир. Бу кўрсаткич кўмирнинг гранулометрик ҳолатига, таркибидаги минерал аралашмалар ва намлика боғлиқ бўлиб, турли хил кўмир учун  $0,8$ — $1,3 \text{ t/m}^3$  бўлади. Омборхоналарни ҳисоб қилишда, бункерлар, вагонлар, тахт қилинган жойлардаги кўмирни

массасини аниқлашда кўмирнинг уйилма зичлигидан фойдаланилади. Кўмирнинг пишиқлиги муҳим механик хосса бўлиб фракцион таркибига боғлиқдир. Узун алангали газ кўмир ва антрацитлар гоятда пишиқ, жирли кўмир, кокс кўмир, ориқ кўмир ва қўнгир кўмир энг кам зичликда бўлади. Пишиқликни аниқлаш учун 13—100 мм катталиктаги кўмир намунаси ёпиқ айланма барабанга қўйиб чақилади ва шундан кейин 13 мм дан йирик бўлакларнинг массаси дастлабки массага нисбатан фоиз ҳисобида аниқланади. Қўнгир кўмир ва тошкўмир, шунингдек антрацитлар бўлакларининг катта-кичиклигига қараб тегишли классларга бўлинади (17-жадвал).

Бўлаклар қанчалик йирик бўлса, аралашмалари шунча кам ва кўмирнинг сифати шунчалик юқори бўлади.

#### *17. Кўмир бўлакларининг катта-кичиклигига қараб таснифлаш*

Нави	Бўлакларининг катта-кичиклиги, мм	Қўнгир	Тошкўмир			Антрацит
			узун алангали	газ кўмир	ориқ	
Плита	100—200	I	I	I	I	АП
Йирик	50—100	БК	ДК	ГК	ТК	АК
Ёнгоқдек	25—50	БО	ДО	ГО	ТО	АО
Майдо	13—25	БМ	ДМ	ГМ	ТМ	АМ
Нўхатдек	6—13	БС	ДС	ГС	ТС	АС
Жуда майдо	6 дан кичик	БШ	ДШ	ГШ	ТШ	АШ

Ёқилгини маркалашда классинг шартли ҳарфий белгисига қавс ичидаги рақамлар — йирикликтининг қути ва юқори ҳадлари қўшилади. Масалан, БМ (13—25) қўнгир, майдо бўлакларнинг катталиги 13—25 мм эканлигини; АК (50—100)— антрацит, йирик, бўлакларининг катталиги 50—100 мм эканлигини билдиради.

#### *8.2. Қазиб олинадиган кўмирлар*

Қўнгир кўмирнинг катта конлари Москва обlastидаги ҳавзада, шарқий районларда эса Канск-Ачинск ҳавзасида жойлашган. Ўзбекистонда эса Ангрен қўнгир кўмир кони

бор. Құнғир күмир құнғирдан жигарранг ва қора тусгача бұлиб уваланадиган жинсdir. Унинг күмир маҳсулларига айланиш даражаси қазиб олинадиган бошқа хил күмирларга нисбатан жуда оз, чунки ички ва ташқи балласти күп: ўрта ҳисобда 20 фоизга яқын кислород ва азоти, 20—40 фоиз кули ва 25—45 фоиз суви бор. Құнғир күмир органик қисменинг таркиби ҳам бир жинсли эмас, у конга, марка ва классга қараб С—65дан 78 фоизгача, Н—4,3дан 6,2 фоизгача, 0—16дан 27 фоизгача, N—0,7дан 1,8 фоизгача ва S—0,4 дан 3,9 фоизгача үзгәради. Иш массасидаги құнғир күмирнинг ениш иссиқлиги кенг миқесда (2000дан 5000 ккал/кг гача, ёки 8400 дан 21000 кЖ/кг гача) үзгәради ва өнадиган массадаги ениш иссиқлигидан кескин (қарийб иккі баравар) фарқ қиласы. Құнғир күмир тез өнади ва таркибіда олтингугурти күплигидан бурқсийдиган узун аланга ҳосил қилиб атроф мұхитни ифлослайди. Шунинг учун ҳам құнғир күмирдан шаҳардан ташқарида, уй-жой массивларидан олисда фойдаланылади. Құнғир күмирдан учадиган моддалар күп чиққанлигидан (өнадиган массада 50—60 фоизгача боради) улардан тошқұмیر смоласи ва суюқ мотор ишлаб чиқариш мүмкін булади. Құнғир күмир таркибидаги намлікка күра уч гуруұға булинади: Б1 — маркада 40 фоиздан күп намлік булади, Б2 маркада — 30—40 фоиз намлік ва Б3 маркада — 30 фоизгача намлік булади. Құнғир күмир бұлакларининг катта-кичиклигига қараб маркаланади. Құнғир күмир етарлича пишиқ эмаслиги боис катта масофаларга ташиб бұлмаганлигидан, асосан қазиб олинадиган жойнинг үзіде әңгілғи сифатида ишлатылади.

Тошқұмир — қазиб олинадиган күмирларнинг асосий тури булиб, ишлаб чиқаришда уларнинг салмоги юқоридір. Үзбекистон ҳудудида Шарғұн тошқұмир кони бор. Тошқұмир очроқ қора тусдаги зич жинсdir. Тошқұмир балласти ўрта ҳисобда 10 фоизга яқын кислород ва азотдан, 6—15 фоиз кул ва 4—12 фоиз сувдан иборат. Шу күмирлар органик массасининг таркиби кон ва маркага қараб кескин фарқ қиласы ва қуйидаги миқесларда үзгәради: С—78 дан 90 фоизгача, Н—4 фоиздан 5,8 фоизгача, 0—3 фоиздан 15 фоизгача, N—0,5 фоиздан 2,0 фоизгача ва S—1 фоиздан 6 фоизгача боради. Тошқұмирни тасниф қилиш негизиге қўйилган учадиган моддалар ҳар хил чиқиши шундандир. Учадиган модда күп чиқадиган тошқұмир осонгина ўт олади ва


аланга бериб ёнади; угадиган модда оз чиқадиган тошкүмир алангасиз ёнади.

Иш массасида тошкүмирнинг ёниш иссиқлиги 5000—7000 ккал/кг ёки 20730—31400 кЖ/кг. Тошкүмир ҳам қўнгир кўмири сингари булакларининг катта-кичиклигига қараб маркаланади. Кимёвий таркибиغا қараб тошкүмидан металлургия кокси олишда ҳамда қимматли кимёвий хом ашё бўлмиш тошкүмир смоласи, кокс гази каби коксланувчи маҳсулларини олишда, шунингдек кимёвий қайта ишлаш мақсадларида фойдаланилиши, ёки ёқилги сифатида ёқилиши мумкин. Кучсиз тошкүмир (нимантрацит)дан калорияли ёқилги сифатида фойдаланилади.

Қазиб олинадиган кўмирнинг энг сермаҳсул тури бўлган антрацит органик массасининг 95—96 фоизи углероддан иборат бўлади. Сиртдан қараганда у металлдек ярқироқ қора тусдаги зич ва пишиқ массадир. Антрацитда угадиган моддалар қарийб бўлмайди, намлиги 4—6 фоиздан ошмайди, кули эса 10—15 фоизга боради. Шунинг учун ҳам унинг ёниши қийин ва ёнгандан ҳам аланга бермайди. Жаҳондаги антрацит запаслари жуда оз — тошкўмир жами запасларининг 3 фоизидан ошмайди. Иш массасида антрацитнинг ёниш иссиқлиги 6000—7300 ккал/кг, ёки 25120—30560 кЖ/кг. Антрацитдан энергетика, транспорт, коммунал-маиший эҳтиёжлар ва бошқа хил эҳтиёжларда ёқилги сифатидагина фойдаланилади. У кимёвий қайта ишлаш учун яроқсизdir, чунки таркибида угадиган моддалари оз, кокс қолдиги эса кукунсимон кўринишда бўлади. Бошқа тошкўмир турлари сингари антрацит ҳам булакларининг катта-кичиклигига қараб маркаланади.

### 8.3. Кокс. Ишлаб чиқариш асослари, турлари, хоссалари ва ишлатилиши

Кокс — сунъий ёқилгининг энг муҳим тури бўлиб, кўмирни пиролиз қилиш (қуруқ ҳайдаш) натижасида олинади. Бунинг учун маҳсулот маҳсус печларда ҳавосиз  $1050^{\circ}\text{C}$  га қадар қиздирилади ва шундан сўнг углерод кўмир таркибиغا киравчи бошқа моддалардан ажратиб олинади. Қаттиқ қолдиқ кокс ва угадиган модда — кокс гази пиролиз жараёнининг бирламчи маҳсуллари ҳисобланади. Тошкўмир коксининг асосий истеъмолчиши — қора металлургия (чўян эритиш) ва қуювчиликдир.



45-расм. Кокс печіларининг иш схемаси:  
1 — кокс камералари; 2 — қиздирүвчи оралыклар;  
3 — кокс газлари чиқиб кетадиган мұрилар.

Үндән темир қотишмалари, кальций карбиди, электродлар ва бошқа маҳсулотлар ҳам олинади. Шунинг учун ҳам қазиб олинадиган жами тошкүмирнинг тахминан 25 фоизи кокс ишлаб чыкаришга сарфланади. Күмирнинг пиролиз жараёнида бир қанча асосий технологик айланишлар юз беради. Даставвал 200—350°C га қадар қизиши босқичида күмир қурийди, угадиган моддалари бугланади, смола моддаларнинг бир қисми суюқланади, таркибида кислород тутувчи бекарор бирикмалари парчаланади. Қиздириш давом эттирилиб 350—500°C га чиққанида смолалар углеводородлар ва бошқа бирикмалар жадал бугланади, күмир юмшайди. 500—600°C ҳароратда осон суюқланадиган смолалар бугланыб бұлади, пластмасса яна қотиб (қовушади) ва нимкокс-углероднинг қишин зернелер сипатынан моддалар билан аралашмаси ҳосил бұлади. Паст ҳароратлы пиролиз деб аталаған шу жараён асосан смола олишда ишлатиласы. Шу билан бирга нимкоксдан кокс шихтасига құшымча модда сипатида, ёки маҳаллий еңгілгі сипатида фойдаланылади. Пировард маҳсулот —

кокс (коксланиш) 950—1050°C ҳароратда поенига стади ва қолган қийин эрувчи смолаларнинг парчаланиши ҳамда ажралиши (юқори ҳароратли пиролиз) билан ўтади.

Коксланадиган күмирнинг унча тақчил бўлмаган ва яхши коксланмайдиган күмир ҳамда газ кўмири муайян миқдори билан аралашмасидан иборат шихта кокс олиш учун хом ашё булади. Коксланиш жараёни ўтга чидамли гишт терилган тўғрибурчак қирқимли кокс камераларида рўй беради (45-расм). Иssiқликдан янада самарали фойдаланиш учун камералар гуж қилиб кокс батарсиялига бирлаштирилган. Коксланиш жараёнинг вақти 15 соатларга боради, шундан сўнг камераларни қиздириш тўхтатилади ва кокс — "зогора" сўндириш вагонига итариб туширилади. Кокс сув билан сўндирилади, 20 минут мобайнида совийди, сўнгра хилланади (зланади). Битта кокс батарсияси бир кунда 15 минг тоннacha кокс пишириб беради. Ишлаб чиқариш жараёнида кокс билан бир маҳалда кўпдан-кўп кимёвий маҳсулотлар ва нимфабрикатлар ҳам ишлаб чиқарилади, улардан қимматли кимёвий хом ашё сифатида фойдаланилади. Масалан, коксланадиган 1 тонна шихтадан 650—800 кг кокс, 30—50 кг смола, 10—11 кг хом бензол, 10—12 кг аммоний сульфат, 150—180 кг ( $310—340 \text{ m}^3$ ) кокс гази олинади.

Кокс қора-кулранг тусдаги қаттиқ галвирак (галвираклиги 45—50 фоиз) модда (кукун ҳолидагиси қора тусда) бўлиб, бир нарсага урганда металлдек жаранглайди, гоятда қаттиқлигидан эзиш ва едирилишга қаршилик кўрсатади. Кокснинг зичлиги ғовакларини ҳисобга олганда ўрта ҳисобда  $1,0 \text{ g/cm}^3$ , ғовакларини ҳисобга олмагандан эса  $1,95 \text{ g/cm}^3$ . Кокснинг уюлма зичлиги  $400—500 \text{ kg/m}^3$ . Кокс снадиган массаси таркибидаги углерод 97—98 фоизга стади, унадиган моддалар чиқиши 1 фоизча, ёниш иссиқлиги 7500—8360 ккал/кг, ёки 31400—35000 кЖ/кг. Кокснинг кимёвий таркиби тахминан қўйидагича: куллилиги 13 фоиздан кўп эмас, олtingугурт 1 фоиздан 2,5 фоизгача, намлик 3—4 фоиздан ортиқ эмас.

Кокс бўлакларининг катта-кичиклиги ва механик пишиқлиги унинг энг муҳим технологик хоссаларидир. Масалан, домна печларида катта-кичик коксдан, айниқса майда коксдан фойдаланиш натижасида чўян эритиш жараёни бузилади, шунинг учун ҳам домна кокси бўлакларининг катта-кичиклигига қараб хилланади. Кокс бўлакларининг кўндаланги камида 20 мм ва 70 мм дан ортиқ бўлмаса домна ишлаб чиқаришининг мъёрида

ишлиши таъминланади. Кокс, бўлакларининг ўлчамига қараб уч классга бўлинади: 40 мм дан катта, 25 мм дан 40 мм гача ва 25 мм дан кичик. Шу билан бирга ҳар бир класснинг стандартларига мувофиқ кокснинг элакдан ўтиш таркиби — катта-кичик бўлакларнинг фоиз ҳисобидаги масса улуши нормаланади. Масалан, 25—40 мм классда 25 мм дан кичик бўлакларнинг масса улуши 8 фоиздан ошиб кетмаслиги керак.

Домна ишлаб чиқаришида ва қўймачиликда ишлатила-диган кокснинг механик пишиқлиги юқори бўлиб, ундан фойдаланилаётганда ёрилиб кетмаслиги ва ташиётганда катталигини сақлаб қолмоқ лозим. Кокснинг механик пишиқлиги ёпиқ типдаги алланма барабандада аниқланади: уваланган масса ҳар хил ўлчамдаги квадрат тешикли элакдан ўтказилади ва элакда қолгани аниқланади. Бунда 10 мм дан кичик классда чиққани (M10) кокснинг фоиз ҳисобидаги уқаланишини, 25 мм дан катта классда чиққан кокс (M25) фоиз ҳисобида товар йириклигидаги кокс миқдорини курсатади. Кокснинг сифатига таркибида қанча олтингугурт, намлик ва минерал аралашмалар борлигига қараб ҳам баҳо бсрилади. Булар ёниш иссиқлигини пасайтиради, кокс сарфини ва транспорт харажатларини ошириб юборади.

Домна кокси гоятда серговак бўлиб, газ оқимини бсмалол ўтказиб юбормоги лозим. У таркибидаги кул ва олтингугурт миқдорига кўра учта асосий маркага бўлинади: КД I маркасида кўпи билан 11,5 фоиз кул ва 0,5 фоиз олтингугурт, КД II ва КД III маркаларида кўпи билан 13,6 фоиз кул ва 0,8 фоиз олтингугурт бўлади. Қуюв цехларида чўян эритилаётганида вагран-каларда фойдаланишга аталган қуюв коксининг пишиқлиги ва зичлиги юқори бўлмоги даркор ва таркибида қанча олтингугурт борлигига қараб маркаланади. Масалан, КЛ-1 маркали кокс таркибида кўпи билан 0,6 фоиз олтингугурт бўлади, КЛ-2 маркали кокс таркибида эса 1,0 фоиздан ошмайди ва КЛ-3 маркали кокс таркибида 1,4 фоиздан ошмайди. Кокс йириклигининг қуви ҳади 40 мм.

Темир қотишмаларини ишлаб чиқаришда 10—25 мм катталикдаги КО маркали ёнгоқдек-ёнгоқдек коксдан фойдаланилади. Таъкидлаб ўтмоқ лозимки, кокс қимматбаҳо ёқилги бўлиб, чўян ишлаб чиқариш танинчада кокс харажатлари 50 фоизини ташкил қиласиди. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда кокс ўрнида анча арzon ва унча тақчил бўлмаган ёқилги турлари: газсимон ёқилғи, кукун кўумир ёқилғи олиш ишлари ўтказилмоқда ва ҳоказо.

#### 8.4. Газсимон ёқилги. Турлари, хоссалари ва ишлатилиши

Газсимон ёқилги турлари ёниш иссиқлигининг баландлиги ва жуда арzonлиги (табиий газ, зарарли сульфат бирикмалари ва кулнинг озгиналиги, ҳаво билан яхши аралашиши ва тутунсиз, иссиз тамомила ёниб битиши каби хоссалари туфайли кенг тарқалган. Газсимон ёқилгини сақлаш учун маҳсус омборлар талаб этилмайди, чунки газ магистраллар орқали келиб туради. Буларнинг ҳаммаси ҳозирги босқичда мамлакатнинг ёқилги энергетика баландсида газдан фойдаланишини янада кўпайтиришини тақозо этади. Зичлик юқори эмаслиги, сирқиб чиқиб кетиши мумкинлиги, баъзида эса заҳарли ва портлаш хавфининг бўлиши газсимон ёқилгининг камчилклариdir.

Газсимон ёқилги вазифасига кўра қозон-печь ва мотор ёқилгиларига бўлинади. Асосан табиий газлардан, камдан-кам ҳолларда табиий газни қайта ишлаш натижасида олинадиган сунъий — саноат газларидан фойдаланилади. Газ конларининг ўзидангина чиқадиган ва газ қувурлари орқали юбориладиган табиий газлар бундай ёқилгилар орасида энг катта аҳамиятга эга метан ( $\text{CH}_4$ ) табиий газларнинг асосий таркибий қисми булиб баланд ёниш иссиқлиги беради. Табиий газларда метан билан бирга озгина бошқа хил углеводородлар (пропан, бутан ва бошқалар), шунингдек углерод қўшоксиди, азот ва бошқа аралашмалар ҳам бўлади, улар балласт ҳисобланади. Баъзи табиий газлар таркибida бўладиган водород сульфид зарарли аралашма сифатида ёқилгидан ажратиб олинади. Ташиладиган баъзи газларнинг ўртача таркиби ва иссиқлиги 18-жадвалда берилган.

18. Баъзи табиий газларнинг ўртача таркиби (ҳажми бўйича фоиз ҳисобида)

Газ қувурнинг номи	$\text{CH}_4$	$\text{C}_n\text{H}_m$	$\text{CO}_2$	$\text{N}_2$	Ёниш иссиқлиги	
					ккал/м <sup>3</sup>	кЖ/м <sup>3</sup>
Саратов—Москва	87,74	3,69	0,75	7,82	7990	33390
Ставрополь—Москва	93,80	3,15	0,45	2,60	8340	34900
Ўрта Осиё—Марказ	93,78	4,97	0,60	0,65	8370	35030
Бухоро—Урал	94,36	3,78	0,43	0,93	8190	34230

Нефть конларининг табиий газларидан асосан кимёва нефть-кимё саноатининг хом ашеси сифатида фойдаланилади. Саноат газларидан генератор гази, кокс гази, домна гази, шунингдек ацетилен кўпроқ ишлатилади, ёриткич газ, нефть гази, крекинг гази оз ишлатилади.

Паст сортли кўмир торф, нимкоц ва бошқа хил қаттиқ ёқилгилар таркибидаги углеродни баланд ҳароратда қисман оксидлаб газлаштириш (қаттиқ ёқилгини газсимон ёқилгига айлантириш) натижасида генератор газлари ҳосил қилинади. Бу жараён вартикал печлар — газгенераторларда ўтади. Печнинг юқорисидан ёқилги бостирилди, пастидан эса дам берилади. Бунда генератор газининг вазифасига кўра (саноат печлари, ичдан ёнар моторлар ёки рўзгор газ приборлари) қизиган ёқилги қатламига ҳаво, сув буги ёки уларнинг аралашмаси юборилади. 19-жадвалда турли генератор газларининг тахминий таркиби ва ёниш иссиқлиги берилган.

#### 19. Генератор газларининг тахминий таркиби (ҳажми бўйича фоиз ҳисобида) ва ёниш иссиқлиги

Генератор газларининг турни	CO	N <sub>2</sub>	H <sub>2</sub>	CO <sub>2</sub>	CH <sub>4</sub>	Ёниш иссиқлиги	
						ккал/м <sup>3</sup>	кЖ/м <sup>3</sup>
Ҳаво	30	60,0	5,0	4,0	1,0	1180	4 950
Сум	36	6,0	50,0	8,0	—	2390	10 000
Арапавиш	30	48,0	16,0	4,0	2,0	1510	6 300

Қаттиқ ёқилги ер остида — унинг бевосита ётиш жойларида ҳам газлаштирилиши мумкин. Одатда тозаланмаган кокс газидан смолалар, бензолъ, углеводородлар, сув ва аммиакни ажратиб олиш натижасида ҳосил қилинадиган тозалангандан кокс газидан қозон-печь ёқилгиси сифатида фойдаланилади. Тозалангандан кокс газларининг ёниш иссиқлиги 4480 ккал/м<sup>3</sup> ёки 17000 кЖ/м<sup>3</sup> чамаси булади.

Домна гази домна ишлаб чиқаришининг қушимча маҳсулоти булиб, чангдан тозалангач металлургия корхоналарининг турли цехларида асосан кокс гази билан аралаштирилган ҳолда ишлатилади. Домна гази тахминан 18—24 фоиз CO<sub>2</sub>, 25—30 фоиз CO, 2—8 фоиз H<sub>2</sub> ва 38—55 фоиз N<sub>2</sub> дан иборат булиб, ёниш иссиқлиги 900—1000 ккал/м<sup>3</sup> чамаси, ёки 3770—4190 кЖ/м<sup>3</sup> булади.

*Мотор газсимон ёқилғисидан газ-баллонли автомобилларда фойдаланилади. Карбюраторли моторларни газсимон ёқилғига ўтказиш ортиқча қайта ускуналашни талаб этмайди, чунки иккала ҳолда ҳам ишкор аралашма электр учқуни билан ўт олдирилади. Газсимон ёқилғининг суюқ ёқилғига нисбатан бир қанча афзалликлари бор: анча баланд ёниш иссиқлиги беради, газсимон ёқилғининг детонацион чидамлилиги 100 ва ундан ошиқ бирликка чиқади (мотор анча юқори сиқилиш даражасида ишлай олади), суюқ фаза йўқлиги туфайли мотор деталларининг сийилиши камайди ва ҳоказолар. Мотор газсимон ёқилғида ишлаганида ёниш маҳсулотларидағи заарли аралашмалар бензин билан ишлаганга нисбатан жуда камайиб кетади ва бу нарса атроф муҳитнинг ҳолатини яхшилайди. Мана шу афзалликлар газсимон ёқилғида ишлайдиган автомобиль транспортининг анча ривожланишига замин булади. Газсимон ёқилғидан кўпинча суюлтирилган ҳолда фойдаланилади, чунки сиқилган газлардан фойдаланганда моторнинг қуввати бирмунча пасаяди. Сиқилдиган газлар бирмунча юқори критик ҳароратга эга бўлмоги керак. 1—1,5 МПа босимда у суюқ ҳолга ўтади. Углерод атомларининг сони 3 ва 4 бўлган юқори калорияли пропан-бутан углеводородлар энг кўп амалий аҳмиятга эга. Уларнинг ёниш иссиқлиги  $11000 \text{ ккал}/\text{м}^3$  ёки  $46050 \text{ кЖ}/\text{м}^3$  чамасида, октан сони эса 100 бирликда ва ундан кўпроқ бирликда булади. Суюлтирилган газ газ бериш станцияларида маҳсус жиҳозланган темир йўл ва автомобиль цистерналари ёки баллонларга тўлдирилади ва автомобиль моторларида, шунингдек рўзгор эҳтиёжлари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларида ишлатилади. Чоnlарда газ суюқ ҳолатда туради, моторларда эса атмосфера босимидағи газсимон ёқилғидан фойдаланилади. Буғланадиган газларнинг йигилишига жой бўлмоги учун чоnlар ва баллонларни тўла ҳажмининг 90 фоизидан ортиқ тўлдириб юбормаслик керак. Саноат уч турда суюлтирилган газ. 93 фоизгача пропан-пропилен фракциялардан иборат техник пропан, камида 93 фоиз бутан фракциялардан иборат техник бутан ва пропан-бутан фракциялари аралашмаси тайёрлаб чиқаради.*

*Сиқилган газларнинг критик ҳарорати паст бўлиб, 20 МПа гача борадиган юқори босимда газсимон ҳолатда қолавериши керак. Қисилган газларнинг компонентлари сифатида ишлатилувчи метан, водород, углерод оксиди ва этилен ана шу шароитларга кўпроқ мос келади. Газ*

аралашмаси ишкор босимга қадар қисилади, шундан сұнг сиғимін 10 м<sup>3</sup> га борадиган баллонларга тазиқ билан киритилади. Саноат уч турдаги қисилған газлар: табиий газ, кокс-газ ва сараланған кокс гази тайёрлаб чиқаради, Уларнинг ёниш иссиқлиги, 6930, 6450 ва 5255 ккал/м<sup>3</sup> ёки 29010, 27000 ва 22000 кЖ/м<sup>3</sup> бұлади. Қисилған газдан мотор ёқилғиси сифатыда фойдаланишининг кам-чилиги шуки, газ тұлдыриб беріш станциялари қимматта тушади, бундай автомобилларнинг қатнаш радиуси унча уақ бұлмайды ва баъзи газ турлари ҳаво билан аралашмасини портлаш хавфи бор. Ана шулар газ-баллонлы автомобилларни халқ хұжалигига янада кенгроқ күламда жорий этишга маълум даражада түсқинлик қиласы.

Пұлат, чүян, рангли металларни газда пайвандлаш ва кесишда ацетилендан ёнадиган газ сифатыда фойдаланылады. У пайванд аланга ҳароратини 3000—3150°C-да чиқазади. Ацетилен стационар ва күчма типдаги ацетилен генераторларида сув билан кальций карбидининг үзаро таъсири натижасыда ҳосил бұлади, кальций карбиди эса электр печларыда коксни сүндирілмаган оқак билан қовуштириб ҳосил қилинади. Ацетиленнинг ёниш иссиқлиги 14400 ккал/м<sup>3</sup> ёки 60290 кЖ/м<sup>3</sup> ча келади.

### 8. 5. Қаттық ва газсимон ёқилгини етказиб беріш, сақлаш ва ташиш шартлари

Қазиб олинадиган күмир бевосита шахталар, разрезлар ёки саралаш фабрикаларидан тұп-тұп қилиб истесъмолчиларга юборилади. Тұпларга сифат тұғрисидаги ягона ҳужжат илова этилади. Ҳужжатда маҳсулот юборувчи корхонанинг номи, күмирнинг түри, маркаси ва класси, тұп ва транспорт бирлигининг номери, шунингдек тегишли стандартлар билан нормаланувчи маҳсулотнинг сифат күрсаткічлари бұлади. Транспортта ортиш олдидан күмир саноати корхоналарининг техник назорат бұлымлари юборылғанда күмирнинг сифат күрсаткічларига баҳо беради. Республика Госснаби ҳузуридаги күмир таъминоти ва күмир сотиши бош бошқармаси күмир таъминоти ва сотиши ташкилотлари товар күмир сифатини умумий назорат этиб туради. Қазиб олинадиган күмирни ташувчи асосий транспорт түри темир йўлдир. Темир йўл вагонларига ортилган күмирни күздан кесириб, вагонлардан сув томчиламаётгандығы ва оқмастгандығы аниқланади

(акс ҳолда күмир жұнатылмайды), күмирнің иириккілігі ушбу классга мұвоғиқ келиш-келмаслиги, майдаси, минерал аралашмалари ва бошқа хил аралашмалари талабларға мұвоғиқ келиши аниқланади. Зарурат туғылса күмирларнің шу күрсаткышларини тавсифлаш учун назорат намуналари олинади. Әқілғининг сифати жиҳатидан ҳисоб-китoblар товар-ҳисоб ва назорат намуналаринің лаборатория синов маълумотлари асосида стандартларда ёки маҳсулот юбориш борасыда тузилған шартномаларда күзде тутилған күллилік ёниш иссиқтілігі, намлық, олтингүргүт юзасидан аниқланған күрсаткышлар ва бошқа тавсифларға биноан үтказилади. Маҳсулот юборувчи билан истеммолчи үртасыда юборилған маҳсулотнің сифати юзасидан чиққан низоли масалалар давлат арбитражи тасдиқлаган "Күмир ва слансец юбориши алоқида шартлары" асосида ҳал этилади.

Зарур күмир запаслари маҳсус жиҳозланған ва күмирнің хоссалари ва сифати пасайиб кетишига йўл қўйилмайдиган омборларда сақланмоги керак. Күмир очиқ омборларда узоқ сақланиб қолса, у нурайди, массаси ва ёниш иссиқтілігі пасайиб кетади, гранулометрик таркиби ўзгаради, ўзидан-ўзи қизиши ва ёнишига мойыллик ортади. Шунинг учун ҳам күмир тұғри сақланишини таъминлаш учун муайян талабларға риоя этиш зарур. Күмир омборлари зарур сақланиш ҳажмини, күмирни қабул қилиб олиш, уни сақлаш ва ундан фойдаланиш ишлари үтказилишини, шунингдек хавфсизлик техникаси ва меҳнатни мұхофаза этиш техникасининг талабарини назарда тутиб типовой лойиҳаларға мұвоғиқ қурилмоги лозим. Омбор қуриладиган майдон қуруқ ва ботқоқланмаган, мүмкін қадар темир йўл яқинида бўлмоги керак. Омборлар зарур ташқи чироқлар, ёнгинга қарши водопровод ҳамда ўт ўчириш воситалари, асбоблари билан жиҳозланмоги лозим. Тошкүмир ва антрацитлар гоятда пишиқ ва зич бўлиб, сақланаётганда ва катта масофаларға ташилаётганда камроқ чақилади, ҳолбуки қўнгир күмир ташилаётганда ёрилиб, майдаланиб кетади, таркибida балласт ва сувнинг кўплиги бундай күмирни катта масофага ташиш самарадорлигини пасайтиради, зарраларининг ҳаракатчанлигини камайтиради, юқ ортиш-тушириш ишларини қийинлаштиради. Күмирни сақлаш даврида унинг оксидланиши ва ўз-ўзидан ёниб кетишига мойиллiği билан белгиланади. Күмирни сақлаш қоидаларыда қазиб олинадиган ҳамма күмир оксидланиш ва ўзидан-ўзи ёниб

кетишга мойиллиги жиҳатларидан тұртта гуруұға (I, II, III, IV) бұлинади ва улар учун йұл қүйиш мүмкін бұлған әңг күп сақлаш муддатлари белгілаб қўйилған

Оксидланишга әңг чидамли антрацитлар, нимантрацитлар ва тошкүмир (I гуруұғ) га киритилған бұлиб, унинг әңг күп сақланиш муддати 24—36 ой, оксидланишга чидамли (Г, К маркали) тошкүмир II гуруұға киритилған бұлиб, у 18 ой мобайнида сақланиши мүмкін, оксидланишга ўртача чидамли бұлған тошкүмир эса III гуруұға киритилған бұлиб, у 12 ой сақланиши мүмкін. Беқарор, оксидланишга күпроқ мойил (Д ва Г маркали сортсиз) тошкүмир ва құнғир күмир IV гуруұға киради. Уларни сақлаш муддати 4—6 ойға боради.

Күмирларнинг оксидланиш ва ўз-ўзидан ёниб кетишга бұлған мойиллиги тах баландлигини ҳам белгілайди. I гуруұғ күмир учун тах бүйін чекланмаган, II гуруұғ учун 10 м дан, III гуруұғ учун 6 м дан ва IV гуруұғ күмир учун 5 м дан ошмайдиган қилиб белгіланған. Омборхоналарда күмир тури, маркаси, нави, класси, таркибидаги нами ва сақланиш муддатига күра алоҳида-алоҳида сақланиши лозим. Ҳар бир таҳда күмирнинг массаси, маркаси ва класси, таркибидаги намлиги ва аралашмалари, шунингдек комплектлаш бошланған ва тугаган вақт күрсатылған таҳтача бұлмоги керак. Күмирнинг, айниқса IV гуруұғ күмирнинг оксидланиши ва ўзидан-ўзи ёниб кетишининг олдини олиш учун улар таҳда қатлам-қатлам ва юзи зичлаشتырлади, ёхуд құнғир күмир ва беқарор тошкүмирға эритма, эмульсия каби ингибитор-зиддиоксидловчилар ҳам солинади. Тах бетини оқак суспензияси, кальций ва натрий хлорид, суюқ шиша каби таркиблар билан қоплаш — күмир хоссалари ва сифатини сақлашнинг самарали усулларидан биридир. Тах қилиб сақланастган күмирнинг оксидланиши ҳароратини ўлчаб назорат этилади. Таҳдаги күмир 40°С дан ортиқ ҳароратға қадар ўзидан-ўзи ёниб кетганида оксидланиш манбаларини тугатиш чоралари күрилади: тах яна зичлаشتырлади, ўзидан-ўзи ёниб кетган участкалари олиб ташланади, манбаларга битум-лой қоришимаси өсолинади, тах бузилади ҳамда күмирдан фойдаланилади ва ҳоказо. Брикетлаш сортсиз күмир кукунини, айниқса құнғир күмирни сақлаш, ташиш ва үндан фойдаланишнинг самарали усулидир, чунки бунда ёқылғининг механик пишиқлиги анча ошади.

Газсимон ёқилғи юборилаётган магистрал қувурлардан газ тақсимлаш станцияларига келади ва тегишили тайёргарликдан сұнг тақсимот қувури орқали истеъмолчиларга берилади ёки сақлашга ўтказилади. Туташ газ таъминот системаси яратылған булиб газ оқимларини чаққон бошқарып туришга, газ конларининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишга ва истеъмолчиларга муқим газ юбориб туришга имкон беради.

Келган газ баллонларда, газгольдерларда, ёки ер ости омборларидан сақланади. Пропан, бутан каби газлар сақланадиган баллонлар сифатли пұлатдан тайёрланади ва 20, 15 ва 10 МПа босимга мүлжалланған бұлади. Маълум булиб турсин учун улар қизил рангга бұялади. Газгольдерлар газни қабул қилиш, уни сақлаш ва истеъмолчиларга беріб туриш учун мүлжалланған металл иништілардир. Газгольдерлар батареясининг сигими 20—30 минг м<sup>3</sup>. Газсимон ёқилгининг ер ости омборлари гоятда истиқболи бұлмоқда; улар муттасил күпайиб бормоқда. Турли ҳиссада олинған ёнадиган ҳаво билан порглаш хавфи бұлған аралашмалар ҳосил қиласы, шунинг учун ҳам газсимон ёқилгидан фойдаланганда айниқса әхтиёт булиш зарур. Бундан ташқары, баъзи газлар, айниқса саноат газлари зақарлы бұлади. Табиии газнинг асосий компоненти бұлмиш метан нафас билан кирса киши бұгила бошлайды. Суюлтирилған газ одам терисига түшса уни совуқ олдиради. Баъзи газлар узоқ муддат нафас билан кириб турса кишининг боши айланади, күнгли айнайды, баъзан эса қаттық зақарланади. Авариялар ва бахтсизлик ҳодисаларининг олдини олиш учун жамики қувурлардан газ сирқиши имкониятига барҳам бериш, белгиланған хавфсизлик қоидаларининг ҳаммасына қатый риоя қилиш зарур.

## 9-БОБ

### СУЮҚ ЕҚИЛГИ ВА СУРКОВ МОЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 9. I. Нефть ва уни қайта ишлаш асослари

Суюқ ёқилғи бирдан-бир ёнадиган суюқ қазилма — нефтьни қайта ишлаш натижасыда олинади. Нефть қадимғи денгизларининг тубида үсімлік ва ҳайвонот микроорганизмларининг қолдиқларидан ҳосил бұлған булиб, мойсимон суюқликдан иборатдир. Ранги сарықдан


түк жигар рангтacha боради, балызида қора тусда ҳам булади; нефтнинг туси унинг таркибига боғлиқ булади. Нефтни қайта ишлаш натижасида юксак самарали ёқилги, сурков мойларни ва махсус мойлар, битум, парафин, қурум ва бошқа нарсалар ҳосил булади. Нефтни қайта ишлаш маҳсулларидан пластмасса, синтетик тола, каучук, бүсәк, кир ювиш өситалари, заҳарли кимёвий дорилар ишлаб чиқарилади.

Нефть — молекуляр массаси ва кимёвий тузилиши ҳар хил кўпдан-кўп углеводородларнинг сульфитли, азотли смолали моддалар билан аралашмасидир. Унда 82,8—87,2 фоиз углерод, 11, 7—14,1 фоиз водород, 0,3—3,1 фоиз ва ундан кўпроқ олтингугурт, 0,3—2,1 фоиз кислород, 0,1—1,1 фоиз азот, шунингдек жуда оз миқдорда ванадий, никель, темир, хром, германий каби металлар бор. Нефтнинг қовушоқлиги, сувникидан анча юқори булиб,  $80100 \text{ mm}^2/\text{с}$  га стади ( $20^\circ\text{C}$  ҳароратда дистилланган сувнинг қовушоқлиги  $1 \text{ mm}^2/\text{с}$ , зичлиги эса сувникидан бирмунча паст — 0,73 дан  $0,95 \text{ g/cm}^3$  гача боради). Нефтьда қарийб кул бўлмайди; унинг ёниш иссиқлиги 10 000 ккал/кг, ёки 41 900 кЖ/кг чамаси, яъни энг яхши нав кўмирдан 20—30 фоиз юқори, маҳсулотнинг таннархи эса анча паст. Суюқ ёқилгини ташиш ва сақлаш қулай. Аммо нефть запаслари кўмир запасларига қараганда анча кам, шунинг учун ҳам синтетик ёқилги юзасидан қабул қилинган илмий-техникавий комплекс дастурида кўзда тутилганидек қўнгир кўмирни суюқ ёқилгига айлантиришнинг муҳим аҳамияти бор. Нефть углеводородли компонентларининг молекула ўлчами ва кимёвий таркибига қараб қайнаш ҳарорати ҳар хил булади. Нефтга дастлабки ишлов бериш углеводородларни қайнаш ҳарорати ҳар хил моддалар аралашмасини буғлантириш ва конденсациялаш натижасида углеводородларни айрим мустақил фракцияларга ажратишга асосланган булиб, бензин, лигроин, керосин, газойль (соляр дистиллят) ва қорамой шу таҳлитда олинади. Смоласимон ва асфальт моддалар сульфитли, азотли ва кислородли бирикмалари таркибига киради. Улар нефтнинг зарарли аралашмалари булиб, нефть маҳсулотларининг сифатини ёмонлаштиради ва ишлаб чиқариш жараёнидан олиб ташланади. Нефтнинг углеводород қисми (тиниқ ёки енгил фракциялар шартли равишда шунга киради) углеводородларнинг тузилиши жиҳатидан энг содда: парафинли (алканлар), нафтенли (цикланлар) ва ароматик (арсенлар) класслардан иборат булади. Қорамой, мойли фракциялар ва гудрон нефтнинг

огир фракцияларидан бўлиб ўзаро компонент таркиби ва тузилиши жиҳатларидан фарқ қиласди.

Турли нефтларда 10 фоиздан 70 фоизгача бўладиган парафинли углеводородлар нефть маҳсулотларининг хоссаларига катта таъсир кўрсатади: меъсирида тузилган углеводородлар кўп бўлса (углерод атомлари тўғри занжир ҳолида жойлашган) бензин ва керосин сифатини пасайтириб юборади, изомер тузилган углеводородлар эса уларнинг октан тавсифларини яхшилайди. Парафин углеводородли мой ва қорамойнинг қотиш ҳарорати юқори бўлади. Нафтен углеводородлар таркибида нефть кўп: 25 фоиздан 75 фоизгача бўлади. Улар парафинли углеводородларга нисбатан анча юқори октан сонга эга; сурков мойларининг қовушоқлигини оширади. Бензол, ксилол, толуол каби моддалар ароматик углеводородларнинг асосий турларидир. Улар бензин таркибида бўлса, октан тавсифи кўтарилади ва, аксинча, дизель ёқилги таркибида ароматик углеводород бўлса, ёқилгининг ёниш жараёни ёмонлашади. Ароматик углеводородлар нефть-кимё синтези маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун қимматли хом ашё бўлади.

Нефтни кимёвий таснифлаш углеводородларнинг гурӯҳ таркибига асосланган бўлиб, қайси углерод устун туришига қараб нефть парафинли нафтенли ва ароматик классларга киритилиши мумкин. Технологик таснифлаш нефтнинг тўла таркиби ҳамда ёқилги, мой, олтингугурт ва парафин қанча бўлиши мумкинлиги ҳисобига асосланади. Нефтнинг таркиби уни бундан буси қайта ишлаш йўналишини, ишлаб чиқариувчи нефть маҳсулотлари хили ва сифатини белгилайди.



46-расм. Нефть ҳайдаш қурилмасининг схемаси

Нефтдан ёқилги сифатида қарийб фойдаланилмайди, у товар нефть маҳсулотларига айлантирилади. Нефтни қайта ишлаш олдидан газ айирувчи аппаратга юборилади ва у билан биргалашиб чиқсан нефть гази айриб олинади, сунгра турли аралашмалардан тозаланади: эриган газлар, сув, минерал тузлар, шунингдек қум, лойдан иборат механик аралашмлар ажратилади. Нефтни бевосита ҳайдаш ва крекинг нефть маҳсулотлари олишнинг асосий усувлари. Бевосита ҳайдаш жараёнида нефть қайнаш ва конденсацияланиш ҳароратига кўра айрим енгил фракцияларга бўлинади. 46-расмда нефтни ҳайдаш қурилмасининг схемаси берилган. Қайта ишланishi лозим бўлган нефть иссиқ олувчи 4 орқали ўтар экан совитиластган нефть маҳсулотларининг иссиғи ҳисобига  $160-170^{\circ}\text{C}$  га қадар исийди ва най печь 1 га ўтади, унда  $350^{\circ}\text{C}$  га қадар қизийди. Бугсимон ҳолатга кирган нефть най печдан ректификацион колонна 2 га берилади, бу жойда босимнинг пасайиши натижасида фракциялар бугланиб улар юксак ҳароратда қайнайдиган қолдиқ — қорамойдан ажрайди. Қорамой нефтни қиздирганда бугланиб кетмайди. Ректификацион камерада буғ пастдан юқорига кутарилар экан фракцияларнинг буғи конденсацияланади. Турли углеводородлар турли ҳароратда конденсацияланади: соляр дистиллят тахминан  $350-300^{\circ}\text{C}$  да, керосин —  $300-250^{\circ}\text{C}$  да, лигроин —  $250-200^{\circ}\text{C}$  да ва бензин  $200^{\circ}\text{C}$  дан пастроқда конденсацияланади. Конденсацияланган фракциялар (дистиллятлар) иссиқ берувчи ва сув совитмоchlари 3 да совиб суюқликка айланади. Қорамойни ҳайдаш учун у вакуум шароитида  $350^{\circ}\text{C}$  га қадар такроран қиздирилиб бугсимон ҳолатга ўtkазилади. Ҳайдаш маҳсулларидан хилма-хилт минерал мойлар олинади. Ҳайдашдан қолган қолдигидан гидрон, камҳаракат массадан томга ёпдиган ва изоляцион материаллар олишда ҳамда ўл қурилишида фойдаланиллади.

Нефтни бевосита ҳайдашда тиниқ нефть маҳсулотлари, айниқса бензин унча кўп чиқмаслиги тақозосидан крекинг жараёни қўллаш зарурати келиб чиқди. Бу жараён оғир углеводородларнинг узун молекулаларини парчалашга асосланган. Бунда ҳарорат молекулаларга асосий бузадиган таъсир кўрсатади. Юқори ҳароратли термик крекинг ва катализитик крекинг бўлади. Термик крекингда (унинг ҳарорати  $450-550^{\circ}\text{C}$  ва босими 3—6 МПа) керосин, газойль, қорамой ва гудрон қайта ишланади. Аммо турли углеводородларнинг аралашмасидан иборат термик крекинг

бензинлари физикавий ва кимсвий жиҳатдан старлича барқарор бўлмаганлигидан улардан автомобиль бензинларининг компонентлари сифатида фойдаланилади. Янада юқори сифатли бензинларни олиш учун каталитик крекинг ишлатилади. У оғир углеводородларнинг парчаланиш жарабёнларини тезлаштирувчи ва яхшиловчи модда — катализатор иштирокида бажарилади. Каталитик крекинг ҳарорати 450—500°C, босими 0,2—0,3 МПа. Синтетик алюмосиликатлар ва баъзи хил гиллардан катализатор сифатида фойдаланилади. Юқори сифатли бензинлар негизини ташкил этувчи ароматик углеводородларни олишга аталган риформинг каталитик крекинг турларидан бири ҳисобланади. Каталитик крекингда бевосита ҳайдашнинг керосин ва соляр фракцияларидан ҳамда иккиласми нефть маҳсуллари дистиллятларидан дастлабки хом ашё сифатида фойдаланилади.

Нефть мойлари олиниш усулига кўра дистиллятли, қолдиқ ва аралаш мойларга бўлинади. Бевосита ҳайдаш ва крекинг жарабённида шундай углеводород олиниадики, уларнинг таркибидаги бир қанча аралашмалар углеводородларнинг хоссасини ёмонлаштириб юборади. Сифатли товар нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун углеводородлар кимсвий, адсорбцион, селектив, каталитик усууллар ва бошқа усууллар билан тозаланади. Кимсвий тозалаш нефть маҳсулотларига сульфат кислота ёки ишқорлар билан ишлов беришдан иборат. Шу билан бирга кислота ёки ишқор смолали, сульфитли, кислородли ва азотли моддалар билан ўзаро таъсирида бўлиб янги барқарор бирикмалар ҳосил қиласи, ҳолбуки парафинли ва нафтени углеводородлар улар билан ўзаро таъсирига киришмайди. Адсорбцион тозалаш адсорбент (активланган кўмир, оқловчи гил ва бошқалар) қатлами орқали нефть маҳсулотини фильтрлашга асосланган. Туйинмаган углеводородлар, смолосимон, сульфитли ва азотли моддаларнинг молекулалари тўйинган углеводородларнинг молекулаларига нисбатан кўпроқ қутбли бўлади, нефть маҳсулотидан ажраб чиқиб адсорбент юзида жойлашади. Гоятда ифлосланган ёқилғига ишлов беришда адсорбцион материал сарфининг кўпайиб кетиши бу услубнинг камчилиги ҳисобланади. Нефть маҳсулотларини бошқа хил тозалашлардан сўнг, масалан, кимсвий тозалашдан сўнг ундан асосан якунловчи босқич сифатида фойдаланишга тўгри келади. Селектив тозалашда тозаланган маҳсулот ва бегона аралашмаларни турлича эритиш принципидан

фойдаланилди. Сифатли нефть мойларини ишлаб чиқаришда селектив тозалаш кенг күламда құлланади. Каталитик тозалаш (гидротозалаш) кимсөвий тозалашнинг бир тури бұлыб, нефть маҳсулотига катализатор (алью-мокобальтомолибден бирикмалар ва бошқа бирикмалар)дан фойдаланған ҳолда юқори ҳароратда қисилған водород билан ишлов беришга асосланған. Натижада түйинмаган углеводородлар түйинган углеводородларга айланади (углеводородлар барқарорроқ бұлыб қолади), әқілгіннинг сульфитли, кислородли ва азотли фракциялари водород сульфид ва бошқа осон ажralадиган газлар чиқарып парчаланади.

## 9.2. Товар нефть маҳсулотларининг тасниф ва вазифалари

Еңілги ва нефть мойи нефтни қайта ишлашнинг әнг муҳим маҳсулларидир. Нефть әқілғи вазифасыга күра икки асосий гурухға: моторларда әқілдігін мотор әқілғи әки тиниқ әқілгігі ҳамда бүг қозонларининг үтхоналари, саноат ва уй печь қурилмаларда ишлатиладиган қозон-печь әқілгиси қозонхона, газ-қувури ва майший әқілгиларга бұлинади.

Мотор әқілғи моторнинг турига қараб ичдан ёнар моторлarda ишлатиладиган карбюратор ва дизель әқілгисы ҳамда ҳаво-реактив моторларининг әқілгисыга бұлинади.

Нефть маҳсулотларининг хоссалари машина ва меканизмларнинг конструкциясыга ҳамда улар ишиннинг техник-иқтисодий күрсаткічларига таъсир этади. Шунинг учун ҳам фойдаланилаётган замонавий техниканың пухталиғи, күпгә чидаши ва тежамлилиги ишлатилаёттан нефть маҳсулотларининг сифатига bogliq бұлади. Мамлакатимизда карбюраторлы моторлар кенг тарқалған бұлыб, улар ҳам снгил автомобилларда ва күпчилик юк автомобиллари ҳамда автобусларда ишлатилади. Улар учун бензин — енгил ароматик, нафтенли ва парафинли углеводородларнинг аралашмаси асосий әқілғи бұлыб хизмат қолади. Бу углеводород таркибіда ўртача молекуляр массаси 100 га яқын 4 тадан 10 тагача углерод атоми бұлади. Бензин таркибіда углерод (85 фоиз) ва водород (15 фоизча), шунингдес кислород, азот ва олтингурт бұлади. Бензин — рангсиз әки бир оз сарғыш суюқлик бұлыб үзиге хос ҳиди бор, зичлиги 0,70—

0,78 г/см<sup>3</sup>. Унинг ўт олиш ҳарорати —40°C дан паст, қотиш ҳарорати эса —60°C дан паст. Бензин ёғ, смола ва бошқа материалларнинг әритувчиси сифатида ҳам ишатилади. Бензиннинг асосий қисми бевосита ҳайдаш ва катализитик крекинг усули билан олинади. Автомобиль бензинларининг хоссалари, ёниш иссиқлиги, детонацион чидамлилиги, фракцион таркиби, кимёвий тургунлиги, коррозияга чидамлилиги, таркибидаги олтингугурт ва бошқа аралашмаларига қараб тавсифланади.

Дизель ёқилги бензин сингари парафинли, нафтенли ва ароматик углеводородларнинг аралашмаси бўлиб, ўртача молекуляр массаси 110 дан 230 гача борадиган 20 тагача углерод атомини тутади. У нефтни бевосита ҳайдаш маҳсали бўлиб кўпи билан 20 фоиз катализитик крекинг компонентлари қўшилган бўлади. Дизель ёнилгисининг зичлиги 0,79—0,97 г/с<sup>3</sup>, ўт олиш ҳарорати 35—80°C, ёзлик ёнилги навлари учун хиралашиш ҳарорати —5°C дан юқори эмас, қишлик ёнилги навлари учун эса —25 дан —30°C гача. Қотиш температураси хиралашиш температурасидан 5—10°C пастроқ булиши керак. Кўп юк ортадиган автомобиллар, тракторлар ва йўл машиналарига ўрнатиладиган моторларда, трактор ва йўл машиналарида, сув транспорти ва темир йўл транспортида, турли Энергетика қурилмаларида дизель ёнилгидан фойдаланилади. У икки турда ишлаб чиқарилади: тезюарар дизеллар учун снгил, унча қовушоқ бўлмаган ёқилги ҳамда секинюарар дизеллар учун юқори қовушоқли ёнилги ишлаб чиқарилади.

Дизель моторлар анча тежамли бўлади, чунки улардаги ёқилги сарфи карбюраторли моторларга нисбатан 30—40 фоиз паст, ёнадиган аралашманинг сиқилиш даражаси эса қарийб икки баравар юқори. Кейинги вақтларда моторлар конструкциясини такомиллаштириш, янги конструкцион материаллар ишлатиш натижасида дизель моторларнинг қувват бирлигига ортиқча металл кетиши камаймоқда.

Дизель ёқилги карбюраторли ёқилгидан фарқли ўлароқ углеводородларнинг керосини, газойлли ва соляркали каби детонацияга мойил бўлмаган оғирроқ фракцияларини тутади. Дизель ёқилгининг физик-кимёвий хоссалари, ёниш иссиқлиги, аланга оловчанлиги, фракцион таркиби ва ўт олиш ҳарорати, қовушоқлиги, хираланиш ҳарорати, кристаллана бошлаш ва қотиш ҳарорати, таркибида олтингугурт ва бошқа зарарли аралашмалар қанчалиги

билин тавсифланади. Реактив авиаация моторлари учун нефтиң бевосита ҳайдаш маҳсуллари бўлмиш керосин ва лигроиндан, шунингдек айрим нефть дистиллятлари газойль фракцияларининг иккиласи олинган маҳсулотлар билан ҳамда гидравлик тозаланган нафтларнинг бевосита ҳайдалган дистиллятларидан ёқилғи сифатида фойдаланилади.

Қорамой, камдан-кам ҳолларда тошкўмир ва ёнадиган сланскларни қайта ишлаш маҳсуллари бўлмиш қозон-печь скілғисининг энг кўп тарқалган туридир. Улар келиб чиқиши, таркибидаги олтингугурти ва вазифасига кўра таснифланади. Қорамой нефтиң бевосита ҳайдаш жараёнида, шунингдек нефть маҳсулотларини крскинг қилиб олинади. Газ турбина ёқилғиси ва рўзгор печь ёқилғиси нефтиң ҳамда иккиласи маҳсулотларни бевосита ҳайдаш дистиллят фракцияларидан ишлаб чиқарилади ва темир йўл транспортка, ҳалқ ҳужалигининг бошқа тармоқларида, шунингдек аҳолини таъминлашда, майдада коммунал-маший корхоналар ҳамда қишлоқ ҳужалик корхоналарини таъминлашда фойдаланилади. Ёниш иссиқлиги, қовушоқлик, қотиш ҳарорати, зичлик, ўт олиш ҳарорати, куллилик таркибидаги олтингугурт ва бошқа аралашмалар қорамойнинг энг муҳим тавсифларидир.

Сурков мойлари ёқилғи қаторига кирмайди ва унга ушбу бобда товар нефть маҳсулоти сифатида қаралади. Улар машина ва механизмлар ишқаланадиган қисмларининг ишқаланиши ва сийилишини камайтиришга, ишқаланиш кучини снгишга, энергия сарфини камайтиришга, машиналарнинг қизийдиган қисмларидан иссиқ олишга, машиналарни коррозиядан муҳофаза этишга мўлжалланган. Улар ҳарорат, босим, тезлик ва бошқа ишлатиш кўрсаткичлари билан бирга техниканинг пухта ишлаши ва кўпга чидашини анчагина белгилаб беради.

### 9.3. Бензин. Асосий тавсифлари ва маркалари

Ёнилги сифатида бензиннинг энг муҳим тавсифларидан бири унинг детонацион чидамлилигидир: бензиннинг детонацион чидамлилиги қанча юқори бўлса, мотор шунчалик самарали ишлайди. Ёнилги аралашмасининг сиқилиш даражаси кўтарилиши билан моторнинг қуввати ва фойдали иш коэффициенти кўтарилади. Мотор цилинтри тўла ҳажмининг ёндириш камераси тўла ҳажмига бўлган нисбати сиқилиш даражаси бўлиб у

шунингдек ишлаб чиқариш ва уй-рўзгор маҳсадларида қўлланади. А-76 бензини ЗАЗ-966, ЗАЗ-968, ЗАЗ-969, "Москвич-408", ГАЗ-24-01 ва бошқа снгил автомобилларга; ПАЗ-672, ЛАЗ-695Н, ЛАЗ-697Н ва бошқа автобусларга; ГАЗ-53 А/П, ЗИЛ-130, ЗИЛ-130В1, ЗИЛ-131В, ГАЗ-66-01 ва бошқа юк автомобилларига мўлжалланган. АИ-93 бензини ЗАЗ-968 "Запорожец", "Москвич-412", ҳамма маркалардаги ВАЗ "Жигули", ГАЗ-24, ГАЗ-31 "Волга" ва бошқа снгил автомобилларда, ВАЗ-2103 ва бошқа микроавтобусларда, "Урал-377", "Урал-375" ва бошқа юк автомобилларида қўлланади. АИ-98 бензини ЗИЛ-111, ЗИЛ-113, "Чайка" ва бошқа снгил автомобилларга мўлжалланган.

Авиация моторларига аталган ва турли режимларда: оддий (крейсер режимида) ва самолётнинг жадаллаштирилган парвоз режимида ишлатиладиган ёнилги серкислород аралашмаларида, шунингдек кислород тақчил аралашмаларида ўзининг детонацион чидамлилигини сақлаб қолмоги керак. Серкислород аралашмада ишлашда авиация бензинининг чидамлилигига октан сони билан, кислород тақчил аралашмада ишлашда эса навига қараб баҳо берилади. Синаб кўрилаётган ёнилгига мотор нави 100 деб қабул қилинган изооктанга нисбатан қандай қувват бера олишини кўрсатуви сон бензиннинг нави бўлади. Масалан, Б-95/130 маркали авиация бензини октан сони 95 ва нави 130 бўлган ёқилғига мувофиқ келади; мотор шундай нав бензинда изооктанга нисбатан 30 фойз кўпроқ қувват беради. Шулар билан биргаликда Б-100/130, Б-91/115 ва Б-70 маркали авиация бензинлари ҳам чиқарилади.

Фракция таркиби бензин сифатининг ва унинг буғланувчанинг, яъни суюқ ҳолатдан газсимон ҳолатга ўтиш қобилятининг муҳим кўрсаткичиидир. Енадиган аралашма ҳосил бўлиши, мотор қизишининг давомати ва уни ишга туширишнинг осонлиги ёнилгининг буғланувчанинг боғлиқ бўлади.

Бензиннинг фракцион таркиби нефть маҳсулотлари ҳайдаладиган маҳсус приборда аниқланади. Унда ёнилги намунаси газсимон ҳолатга ўtkазилади, сунгра уни конденсациялаб суюқлик ўлчов цилиндрига йигилади. Ҳайдаш жараёнида қайнай бошлаш, обдон қайнаш бензин ҳажмини 10, 50 ва 90 фойзининг қайнаб бўлиш ҳарорати ва қайнаш охирининг ҳарорати ёзиб қўйилади. Автомобиль бензинлари 35—205°C ҳароратда буғланади. Бен-

зиннинг снгил фракциялари (бугдана бошлашдан то 10 фоизи бугланиб бўлгунига қадар) ёнилгининг ишга тушириш хоссасини кўрсатади. Чунончи 10 фоиз ёнилгининг қайнаб чиқиб кетиш ҳарорати қанча паст бўлса, унинг ишга тушириш хоссалари шунча юқори бўлади. Енгил фракциялар совуқ моторни ишга тушириш ва қиздириш давридагина қўлланганидан (кейинчалик улар моторни ишга тушириш ва унинг меъёрида ишлашини қийинлаштиради) бензиннинг фракцион таркибига қўйиладиган талаблар иқлимий шароитларга боғлиқ бўлади: шимолий районларда ва қишда бирмунча снгил фракцион таркибдаги бензиндан, жанубий районлар ва ёзда эса бирмунча оғирроқ фракцияли таркибдаги бензиндан фойдаланиш лозим бўлади. Шунинг учун ҳам саноат мавсумий (ёзлик ва қишлиқ) автомобиль бензинларини чиқаради. Қишки тур бензин учун 10 фоиз ёқилгининг қайнаш ҳарорати  $55^{\circ}\text{C}$  дан ошиб кетмаслиги, ёзги тур бензин учун эса  $70^{\circ}\text{C}$  дан ошиб кетмаслиги керак. 50 фоиз ёқилгининг тўзгитилиб бўлиш ҳарорати бензин ўртача фракцияларининг таркибини, моторнинг қизиш тезлигини ҳамда автомобильнинг ҳайдалиш динамикасини кўрсатади ва қишки тур бензин учун  $100^{\circ}\text{C}$  дан ёзги тур бензин учун эса  $110^{\circ}\text{C}$  дан ошиб кетмаслиги керак.

90 фоиз ёқилгининг тўзгитилиб бўлиш ҳарорати моторда бензиннинг бугланиб бўлиш тугаллигини белгилайди. Оғир фракцияларнинг қайнаш ҳарорати қанча юқори бўлса, мотор цилиндрига суюқ ҳолдаги ёнилги шунча кўп ўтади. Натижада ёнилгининг тугал ёниб битиши камаяди, ишқаланадиган сиртлардан сурков мойи ювилиб кетади, мотор деталларининг ейилиши кучаяди.

Кимёвий барқарорлик бензиннинг оксидланишга, смола ва куйинди ҳосил бўлишига ва мотордаги бошқа хил кимёвий ўзгаришларга чидамлилиги билан ифодаланади ҳамда ёнилгининг фракцион таркибига ва унда смола ва смола ҳосил қилувчи моддалар миқдорига боғлиқ бўлади. Смола углеводородларининг оғир молекулалари тамомила ёниб битмай қувурларнинг деворлари ва мотор цилиндрда мурт ва қаттиқ куйинди ҳолида ўлтириб қолиб ёниш жараёнини ёмонлаштиради, ёнилги сарфини кўпайтиради ва моторнинг қувватини пасайтиради. Смола миқдори маҳсус стандартлар билан белгиланади ва бензиннинг турли маркалари учун 7—15 мг/100 мл дан ошиб кетмаслиги керак. Турли чидамсиз бирикмалар,

масалан, түйинмаган углеводородлар ва ҳоказолар смола ҳосил қилувчи моддалар бўлиб, сақлаш ва ташиш жараёнида оксидланиб смолага айланади (20-жадвал). Смола ҳосил бўлиш интенсивлиги нефтнинг кимёвий таркибига, уни қайта ишлаш усуслари ва сақланиш ҳароратига боғлиқ бўлади.

*20. Бензин сақланаётганида таркибидаги смоланинг ўзгариши (мг/100 мл)*

Бензиннинг номи	Бошлангич таркиби	°С ҳароратда бир ой сақланганч		15—20°C ҳароратда 10 ой сақланганч	
		15—20	40—45	Қоронгилликда	Ҷругда
Бевосита ҳайдаб олинган автомобиль бензини	4,0	6,0	395	16,0	44,0
Каталитик крекинг билан олинган автомобиль бензини	7,5	14,0	558	53,4	76,0
Авиация бензини	2,0	2,8	54	14,0	38,8


Кимёвий барқарорлик индукцион давр муддати — бензиннинг маҳсус лаборатория қурилмасида сунъий равишда оксидланиш вақти билан ифодаланади ва 0,7 МПа босим ҳамда 100°C ҳароратдаги соф кислород атмосферасида аниқланади. Бензин оксидланганида кислороднинг босими анча пасаяди, чунки унинг бир қисми смола ва кислоталар ҳосил қилишга сарфланади. Турли маркалардаги автомобиль бензинларининг индукцион даври камида 450—900 минут бўлмоғи керак. Кимёвий чидамлиликни ошириш учун ёнилғига ёғоч смолали, детонафтада каби зиддиоксидловчи моддалар қўшиладики, булар бензиннинг оксидланиш индукцион даврини оширади. Бензин таркибидаги минерал кислоталар, ишқорлар, фаол сульфит бирикмалар, сув ва бошқа аралашмалар чон, цистерналар, ёнилғи баклари ҳамда ёнилғи берувчи аппарат деталларига катта таъсир кўрсатади. 100 мг ёнилғи таркибидаги кислоталарни нейтраллаш учун зарур ўювчи калий (КОН) миллиграммларининг сони бензиннинг кислоталилигини кўрсатади ва бу миқдор 3 мг дан ошиб кетмаслиги керак. Мавжуд сульфит бирикмалар мотор иш органларини коррозияга дучор қилишидан ташқари ёнилгининг детонацион чидамлилигини пасайти-

ради, смолалар ҳосил булишига күмак беради. Бензин таркибида олтингугурт қанча оз бўлса, унинг сифати шунча юқори бўлади. Олтингугурт борлиги соф мисдан ишланиб жилоланган пластинкани бензинга ботириб, унинг қанчалик коррозияга учраганлигига қараб аниқланади. Бензин маркасига қараб таркибидаги олтингугурт 0,10—0,15 фоиздан ошиб кетмаслиги керак.

Бензиндаги сув эриган ҳолатда ва эркин ҳолатда булиши мумкин. Эриган сув миқдори одатда фоизнинг мингдан бир неча улушидан ошиб кетмайди, эркин сув миқдори эса бензиннинг гигроскопиклигига боғлиқ булиб анчага бориши мумкин. Сувнинг коррозиялаш таъсири кучли эканлиги, шунингдек ҳаво совиганида ёнилги берувчи аппаратларнинг музлаб қолиши мумкинлигидан сув булишига йўл қўйилмайди. Бензинда чанг, минерал ва органик зарралар каби мотор деталларини сийлтириб юборадиган, фильтрлар ва карбюратор каналларини чирк бостирадиган механик аралашмалар булишига ҳам йўл қўйилмайди.

#### 9.4. Дизель ёнилги

Дизель ёнилгисининг асосий сифат кўрсаткичларидан бири унинг аланталанувчанлиги бўлиб ёқилгининг ўт олдириш маибасиз аланталаниб кета олиш қобилиятини кўрсатади ва унга цстан сони билан баҳо берилади. Цстан сони лаборатория қурилмасида бир цилиндрли мотор воситасида синалаётган ёнилги намунасининг ўз-узидан аланталаниш ҳароратини этalon ёнилги билан таққослаб аниқланади. Икки углеводород: цстан ёки гексадекан ( $C_{16}H_{34}$ )дан (унинг ўзидан-ўзи аланталаниш ҳароратини 100 деб қабул қилинган), шунингдек ўзидан-ўзи аланталаниш ҳарорати ноль бўлган  $\alpha$  — метил-нафталин ( $C_{11}H_{10}$ )дан иборат аралашма этalon ёнилги сифатида ишлатилади. Соң жиҳатидан цстан ҳамда  $\alpha$  — метил-




47-расм. Дизель ёнилгисининг ўзидан-ўзи аланталанишининг цстан сонига бўлиқлигиги.

нафталиндан иборат аралашмадаги цетаннинг ҳажмий фонзига баравар бўлиб, ўз-ўзидан алангаланиши жиҳатидан шу ёнилғига баравар бўлган шартли бирликка цетан сони дейилади. Масалан, синалаётган ёнилғи ўзини 45 фоиз цетан ва 55 фоиз α — метилнафталиндан иборат аралашма сингари тутса, шу дизель ёнилгининг цетан сони 45 га тенг бўлади. Цетан сони кўпайган сари дизель ёнилгининг ўз-ўзидан алангаланиш ҳарорати пасайиб боради (47-расм). Цетан сони моторнинг снгил ва пухта ишга тушишига, ёниш босимига, ёнилгининг солиштирма сарфига ва бошқа кўрсаткичларга таъсири этади. Цетан сони баландроқ ёнилғидан фойдаланиш натижасида ёнилғи тўлиқ ёниб битмай тутун кўпроқ чиқади ва моторнинг қуввати пасайиб кетади.

Ёнилғи-ҳаво аралашмасининг ҳосил бўлиш сифати ва унинг тўлиқ ёниб битиши, чиқазиладиган газнинг тутунлиги, мотор ишининг бошқа кўрсаткичлари, шунингдек ўт келтирилганда ёнувчи аралашманинг ўт олиш ҳарорати дизель ёнилгининг фракцион таркибига боғлиқ бўлади. Ўт олиш ҳароратини аниқлаётганда ёнилғи ёпиқ тигелда қиздирилади ва юзига дам-бадам ўт олдириш лампочкаси тутиб турилади. Ўт олиш ҳарорати ёнилгининг ишлатиш, ташиш ва сақлаш учун ўтдан хавфлилик даражасини кўрсатади.

Қовушоқлик муҳим фойдаланиш хоссаси бўлиб, дизель ёнилгининг ҳаракатчалигини (яъни куч таъсирида жилиш чогида суюқлик зарраларининг бир-бирига кўрсатадиган қаршилигини), унинг тўзгитилиш даражаси ва ёнилғи аралашмасининг бир жинслилигини белгилайди. Қовушоқлик пасайганида ёнилғи ҳаддан зиёд тўзгиб, орлиқлардан сирқиб чиқади, пуркаш босими пасаяди, унинг мойлаш хоссаси ёмонлашади ва, аксинча, қовушоқлик ортганида ёнилгининг қувурлардан ўтиб бораётганида қаршилик ортади, уни тўзгитиш ва аралашмалар ҳосил қилиш жараёнлари ёмонлашади, ёнилғи тўла ёниб битмайди, унинг сарфи ортади. Одатда дизель ёнилги суюқлик ички ишқаланишининг солиштирма коэффициентидан иборат кинематик қовушоқлик билан тавсифланади. Дизель ёнилгининг қовушоқлиги ҳароратга боғлиқ бўлади (48-расм) ва ҳарорат пасайганида қовушоқлик ортади: тезюарар дизелларнинг ёнилғиларида у  $20^{\circ}\text{C}$  да, сскинюрар дизеллар учун эса  $50^{\circ}\text{C}$  да аниқланади. Кинематик қовушоқлик  $20^{\circ}\text{C}$  ҳароратда вискозиметр капилляри орқали белгиланган ёнилғи миқдорининг оқиб




48-расм. Дизель  
ёнилги қовушоқлигиги-  
нинг ҳароратга  
боглиқлигиги:  
1 — ёзғы; 2 — қишки;  
3 — арктик.

үтиш вақтига күра аниқланади. Тезіорар моторлар учун дизель ёнилгининг қовушоқлигы  $1,8\text{--}8,0 \text{ mm}^2/\text{s}$ , секин-юар моторлар учун эса  $36 \text{ mm}^2/\text{s}$  гача боради. Йилнинг совуқ мавсумида дизель ёнилгининг қовушоқлигиги камроқ булган қишки навларини ишлатиш зарур, ҳарорат пасайганида қовушоқлик бирмұнча ортади.

Паст ҳароратда ёнилгининг хирадашиш ҳарорати, кристалдана бошлаш, қотиш ҳарорати ҳам моторнинг ишига таъсир қиласы. Ёнилги үзининг фазовий бир жинслилігини йүқөтиб хирадашидиган ҳароратта хирадашиш ҳарорати дейилади. Бунда қаттық углеводородлар ҳосил бўлиши оқибатида унинг ташқи кўриниши ўзгариади. Ёнилги яна совиса таркибидан қаттиқ фаза ортади ва кристаллар пайдо бўлади. Дастребаки кристаллар ҳосил бўладиган ҳарорат кристалдана бошлаш ҳарорати дейилади. Ёнилгининг ҳаракатчанлиги тамомила йўқолган ҳарорат қотиш ҳарорати бўлади. Хирадашиш, кристалдана бошлаш ва қотиш ҳарорати дизель ёнилгининг фракцион таркибига bogliq bўлади. Масалан, парафинли углеводородлар паст қотиш ҳароратига эга бўлганлигидан, ёзлик ёнилги навларини ишлаб чиқаришда, баланд қотиш ҳароратига эга бўлган нафтенли углеводородлар эса қишки ёнилги навларини олишда ишлатилади. Мотор месъёрида ишламоги учун хирадашиш ҳарорати атроф муҳитнинг энг паст ҳароратидан  $3\text{--}5^\circ\text{C}$  паст, қотиш ҳарорати эса  $10\text{--}12^\circ\text{C}$  паст бўлмоғи лозим.

Дизель ёнилғиси таркибидан олтингугурт бензиндагига нисбатан ҳамиша кўп бўлади, чунки сульфитли бирик-



49-расм. Ёнилгига -  
ги олтингүүрт  
миңдорининг мотор  
еийилишига таъсири.

маларнинг асосий қисми нефтдан 200°C дан юқори ҳароратда қайнайдиган углеводородлар билан бирга ҳайдаб олинади. Олтингүүрт ва сульфитли бирикмалар мотор деталларида, айниңса тезюар мотор деталларида коррозия вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам тезюар дизеллар мумкин қадар кәм сульфитли ёнилги билан ишлатылмоги лозим. Бундан ташқари мотор сульфитли ёнилги билан ишлаганида ейилиши (49-расм) ва куйинди ҳосил булиши ортиб, унинг қуввати пасаяди ва мойнинг оксидланиш жарасынлари төзлашади. Олтингүүрттнинг зарарлы таъсирини камайтириш учун тозалаш чогида уни ёнилгидан синчиклаб чиқариб ташламоқ зарур. Дизель ёнилгига құшиладиган рух нефтенати каби зиддикоррозион құшимчы моддалардан фойдаланиш, шунингдек муайян композицияда құшиладиган моддалар тутувчи мотор мойини тұғри танлаш сульфитли коррозияга қарши самарали кураш усулидір. Фаол сульфитли бирикмалар борлиғи мис пластинкада синааб аниқланади.

Дизель ёнилгининг коррозион фаоллиги таркибида сұнда әрийдиган кислоталар ва ишқорлар, кислород бирикмалари, смолалар, механик аралашмалар ва сув қанчалигига ҳам боғлиқ бұлади. Ёнилгига кислота реакциясими вужудга келтирадиган минерал кислота ёки моддалар булишига, шунингдек механик аралашмалар ва сув булишига йүл құйиб бұлмайди. Механик аралашмалар ёнилги берувлы аппараттарнинг деталларини сийқалаштиради, уларнинг миңдори бир иш даврида ўртача

таркибдаги ёнилги намунасини қоз фильтрдан үтказиб аниқланади. Дизель ёнилгидаги сув бензиндагидан күпроқ бўлиши мумкин, чунки дизель ёнилгининг гигроскопиклиги юқорироқ бўлади. Сув ёнилгига қўшилиб эмульсия ҳосил қиласди ва бу эмульсия мотордаги ёнилги берувчи аппаратда коррозия вужудга келтиради.

Смолали моддалар ва куйинди ҳосил бўлиш интенсивлиги ишлатилаётган ёнилгининг кимёвий таркибига боғлиқ бўлиб, смоласимон модда ва куйинди ёнилги тўзгитиш сифатини ёмонлаштиради, моторни қиздириб юборади ва унинг қувватини пасайтиради.

Дизель ёнилгининг хоссаларини яхшилаш учун ўнга цетан сонни кўтарувчи моддалар, коррозия ингибиторлари, металл дезактиваторлари ва ҳоказолар қўшилади. Масалан, қўшилган бир фоиз изопропилнитрат дизель ёнилгининг цетан сонини 10—12 бирликка оширади, унинг ишга тушириш тавсифларини яхшилайди.

Саноат ишлатиш шароитларига қараб уч хил маркада дизель ёнилги ишлаб чиқаради: атроф ҳавонинг ҳарорати 0°C ва ундан юқори бўлганда ишлатиш учун L (ёзлик) ёнилги, атроф ҳавонинг ҳарорати —20°C ва ундан юқори бўлганида ишлатиладиган Z (қишики) ёнилги, атроф ҳавонинг ҳарорати —50°C ва ундан юқори бўлганида ишлатиладиган A (арктик) ёнилги ишлаб чиқаради. Учала маркадаги дизель ёнилгиси учун цетан сон месъёри камида 45 қилиб белгиланган. Дизель ёнилги таркибидаги олтингугуртига қараб икки турга бўлинади: I — олтингугурт 0,2 фоиздан кўп эмас ва II — 0,5 фоиздан кўп эмас (A маркаси учун — 0,4 фоиздан кўп эмас). L — ёнилги маркасига қанча олтингугурт борлиги ва ўт олиш ҳарорати киради. Z — ёнилги маркасига олтингугурт миқдори ва қотиш ҳарорати, A — ёнилги маркасига олтингугурт миқдори киради.

## 9.5. Қорамой. Асосий хоссалари, маркалари ва ишлатилиши

Қорамой қозонхона ёқилгиси сифатида кўп ишлатилади ва кимё саноати учун қимматли хом ашё ҳисобланади. Қорамой нефтнинг юксак молекулляр фракцияси сифатида қуюқ қопқора суюқликдан иборатдир. Қорамойни маркалашда қовушоқлик асосий сифат кўрсаткичи бўлади ва баклар, цистерналар, танкерлар ва бошқа идишларни тўлдириш ҳамда уларни бўшатиш.

қорамойни қувурлар орқали ташишни, печларнинг ўтхоналарига бериш шартларини белгилаб беради. Қорамойнинг қовушоқлигига шартли қовушоқлик бирлиги (ВУ) билан баҳо берилади ва берилган ҳароратда 200 мл қорамойнинг узлуксиз оқиши вақтининг 20 С ҳароратда шундай ҳажмда дистилланган сувнинг оқиб ўтиш вақтига бўлган нисбати билан аниқланади. Синов ВУ вискозиметрида дистилланган сувнинг капилляр орқали стандарт оқиб ўтиш вақти ( $51 \pm 1$ с) билан ўтказилади. Қорамойнинг қовушоқлиги ҳарорат, зичлик ва смолалиликка боғлиқ бўлади. Паст ҳароратда қорамойнинг қовушоқлиги анча ортади, шунинг учун ҳам ёнилги қиздириб олинганидан кейингина уни идишлардан бўшатиш ва қувурлар орқали ҳайдаш мумкин бўлади.

Қорамойнинг қотиш ҳарорати хом ашёниг кимёвий таркибиغا ва нефть маҳсулотларини олиш усулларига боғлиқ бўлади. Парафинли нефтдан бевосита ҳайдалган қорамойнинг қотиш ҳарорати 25 С дан ошади, крекинг-қорамойники эса 25 дан 34°C гача боради.

Ёқилгини сақлаш ва ташиш учун идиш ҳажми ҳисоб қилинаётганида, қорамойдан сувни тинитиш ва механик аралашмаларини чўқтириш шароитларини аниқлашади қорамойнинг зичлик кўрсаткичларидан фойдаланилади. Қорамойнинг зичлиги қанча оз бўлса, ундан сув ва механик аралашмалар шунча енгил ва тез ажралади. Қорамойнинг зичлиги  $0,94-1,02 \text{ г}/\text{см}^3$  миқёсида бўлади ва қовушоқлик кўтарилиши билан зичлик ҳам ортади.

Ўт олиш ҳарорати ёнгиндан хавфсизлигини ва ташиш, сақлаш ва фойдаланиш жараёнида у билан муомала қилиш шартларини тавсифлайди. Ёқилгини энг баланд қиздириш ҳарорати ўт олиш ҳароратидан камида 10°C паст бўлиши керак. Товар қорамойнинг ёпиқ ва очиқ тигелларда (гилвата идиш) маълум услублар билан аниқланадиган ўт олиш ҳарорати 80—90°C.

Қорамойнинг куллилиги хом ашёни тайёрлаш ва қайта ишлаш сифатига боғлиқ бўлиб, таркибидаги тузлар, ноорганик аралашмалар қўшиладиган модда, шунингдек нефть аппаратининг коррозия маҳсулларига боғлиқ бўлади. Ҳозирги вақтда саноатда нефтни тайёрлаш ва қайта ишлаш жараёнларининг такомиллаштирилиши натижасида товар қорамой таркибидаги кул анча камайди.

Қозонхона ёнилгиси таркибидаги олтингугурт дастлабки нефтнинг кимёвий таркиби боғлиқ бўлиб, серсульфит қорамойда 3,5 фоизгача, сульфитли қорамойда 2 фоизгача

ва оз сульфитли қорамойда 0,6 фоизгача боради. Сульфитли нефтни ёқиш натижасида кислотали оксидлар ҳосил бўлиб, қозон ва аппарат деталлари коррозиясини зурайтириб юборади ва атроф муҳитни ифлослайди. Водород сульфид билан содда олтингугурт айниқса кўп коррозия ҳосил қиласи. Шунинг учун ҳам кам сульфитли қорамой биринчи навбатда мартен печлари, металлургия саноатининг қўйиш, прокат қилиш корхоналари ва бошқа корхоналаридаги иситиш қурилмалари каби технологик иситиш қурилмаларида қўлланади.

Сув ва механик аралашмалар ишлаб чиқариш жараёни ва товар ташиш ишларида нефтдан қорамойга тушиб қолади ва ташишда ортиқча юк-балласт бўлади. Сув қўшилган қорамойни ёқканда қозонларнинг фойдали иш коэффициенти пасайиб, аппаратларнинг коррозияланиши учун шароит вужудга келади, механик аралашмаларнинг ноорганик қисми эса ёниб битмай қорамой кулини кўпайтиради. Қорамойга қўшилган сув ва механик аралашмалар мумкин қадар оз бўлмоғи лозим. Заарарли аралашмалар таъсирини камайтириш, куйинди ва коррозия ҳосил бўлишига қарши хоссаларни яхшилаш учун қорамойга тегишли моддалар қўшилади.

### 21. Қорамойларнинг тавсифи

Кўрсаткичлар	Флот қорамойи		Ўтхона қорамойи	
	Ф-5	Ф-12	40	100
	50°Сда		80°Сда	
Қопушоқлик, °ВУ	5,0	12,0	8,0	16,0
Куллилик. %дан ошиқ эмас	0,05	0,1	0,12	0,14
Ҳарорат, °С:				
Ўт олиши камида қотиши кўпи билан	80,0 —5,0	90,0 —8,0	90,0 10,0	110,0 25,0
Таркиби, %дан ошиқ эмас:				
олтингугурт	2,0	0,60	0,5—3,5	0,5—3,5
механик аралашмалар	0,1	0,12	0,8	1,5
сув	0,3	0,30	1,5	1,5

Мамлакатнинг нефтни қайта ишлаш саноати ёнилги сифатида фойдаланиладиган бир неча маркадаги қорамой ишлаб чиқаради: Ф-5 ва Ф-12 маркали флот қорамойи, 40 ва 100 маркали ўтхона қорамойи шулар жумласи-

дандин. Маркага кирувчи рақамлар (5, 12, 40 ва 100) 50°C ҳароратдаги энг юқори қовушоқликни шартли қовушоқлик бирликларида күрсатади. Ф-5 ва Ф-12 маркали қорамой (енгил ёнилғи) кема қозонхоналаридан, 40 маркали (ұртаса ёнилғи) ва 100 маркали (огир ёнилғи) қорамой умумий ажамиятдаги ҳамма қозонхона ва иситиш қурилмаларидан оммавий ёнилғи сифатида ишлатилади (21-жадвал). 40 ва 100 маркали қорамой таркибидағы олтингүргүртига қараб камсульфитли, сульфитли ва серсульфитли қорамойға бўлинади.

Мартен печларига мўлжалланган ёнилғи МП маркали камсульфит ва МПС маркали сульфитли бўлади. Газ турбина ёнилгиси иккى хил маркада: оддий ТГ маркада ва олий сифат ТГВК маркада бўлади, рўзгор печь ёнилгиси эса ТПБ марка билан чиқарилади.

## 9. 6. Сурков мой материаллар

### 9. 6. 1. Сурков мой материалларининг таснифи ва асосий тасвиғлари

Сурков мой материаллар иккى асосий гуруҳга: суюқ (мойлар) ҳамда мойсизмон маҳсуллар (пластик сурков мойлар)га бўлинади. Сурков мой материалларнинг асосий қисми минераллардан, нефтни қайта ишлаш натижасида олинади; органик мойлар (ўсимлик ва ҳайвонлардан олинган) яхши суркалиш хоссаларига эга бўлсада, кўтарилган ҳароратда беқарор бўлади, шунинг учун ҳам асосан минерал мойларга қўшимча сифатида ишлатилади. Минерал ва органик сурков мой материалларнинг камчилиги шуки, улар  $-20^{\circ}\text{C}$  дан паст ҳароратга қадар совитганда қотади,  $150-200^{\circ}\text{C}$  дан ошадиган ҳароратга қадар қиздирганда буғланади ва оксидланади. Спирт, эфир ва кремний органик бирикмалар асосида ишлаб чиқариладиган синтетик сурков мой материаллар юксак ишлатилиш хоссаларига эга, шу жумладан иссиққа чидамли бўлса-да, аммо ҳозирча уларни, қўлланиш доираси чекланган, чунки нефть мойларига нисбатан қимматга тушади. Пластик (консистент) мой мураккаб маҳсулот бўлиб (асос) минерал мойдан, совун, қаттиқ углеводородлардан иборат қуюқлаштирувчи модда ҳамда графит каби тўлдирувчи моддалардан иборат бўлади. Бундай сурков мойлар кенг тарқалган бўлиб паст ва баланд ҳароратдаги вакуум шароитида ишлаганда барқарор туради.

Сурков мойлардан мотор мойи, ичдан ёнар, карбюраторли, дизелли ва авиация моторларида фойдаланишга мұлжалланған; индустриал сурков мойи саноат машинаускуналари, приборлар, гидравлик узатмалар, металл киркүвчи станоклар, сепараторлар, назорат-ұлчов аппаратлари ва бошқа машиналар ҳамда механизмларни мойлашда ишлатилади; трансмиссион сурков мойлари ҳамма хил трансмиссия агрегатларини мойлашда құлланади; шунингдек турбина мойлари, компрессор мойлари ва бошқа хил мойлар ҳам бор. Пластик сурков мойлари зиддифрикцион консервациян мойларга зичлаштирувчи мойлар ва пұлат арқон мойларига булинади. Иш хоссаларини яхшилаш учун сурков мойларига мураккаб органик ёки металлорганик бирикмалардан иборат моддалар құшилади. Құшиладиган модда сони сурков мой материалларнинг вазифаси ва ишлатилиш шароитларига бөглиқ булып, фоизнинг юздан бир неча улушкидан үнлаб улушигача боради. Құшиладиган моддалар индивидуал (мойга құшилғаныда унинг биргина хоссасини яхшилайды) ва күп функционал (комплекс) моддаларга булинади. Мойнинг бирон хоссасини яхшилаш қобилятига күра қовушоқлик учун құшиладиган моддаларга, депрессор моддаларга, оксидланишга, коррозияга, сийилишга, тирналишга қарши құшиладиган моддаларга, ювадиган ва комплекс моддаларга булинади. Қовушоқлик учун құшиладиган моддалар (3 фоизгача) мойнинг қовушоқлигини оширади ва қовушоқлик, ҳарорат хоссаларини яхшилайды; депрессор моддалар (0,5—1,0 фоизгача) маңсулот юзида юқори ҳароратда қотадиган углеводородлы иҳота плёнкаларини ҳосил қилиши қисобига мойнинг қотиш ҳароратини пасайтиради; оксидланишга қарши (1 фоизгача) оксидланиш маңсуллари ҳосил булиш даврини тұхтатиши туфайли сурков мойларининг кимсөвий барқарорлигини оширади. Коррозияга қарши құшиладиган моддалар (фоизнинг үндән бир неча улushi ва үндән күп) иккى асосий гуруұга булинади: сульфитли ва фосфорлы бирикмалардан иборат биринчи гуруұ металл юзда иҳота плёнкаси (пардаси) ҳосил қилади, иккінчи гуруұ ёнилғи ёнишидан ва мой оксидланишидан ҳосил булувчи емирувчи маңсулларни нейтраллайды. Сийқаланишга қарши құшиладиган моддалар (1,5—2,0 фоиз) сирт пластиклигини ошириши натижасыда металлнинг сийилишини камайтиради, тирналишга қарши құшиладиган моддалар (5—6 фоиз) сиртнинг

гадирланиш ва ишқаланишини камайтиради, ювадиган моддалар (3—15 фоиз) цилиндр ва поршень гуруҳи деталларида куйинди ва лак ҳосил бўлиш интенсивлигини камайтиради. Мойларнинг баъзи хоссаларини яхшиладиган комплекс (кўпфункционал) моддалар турли вазифаларни кўзда тутиб қўшиладиган моддалар ёки хос органик бирикмаларнинг аралашмаларидан изборат бўлади.

Сурков мойларининг асосий ишлатилиш хоссалари — қовушоқлик, қотиш ва ўт олиш ҳарорати, оксидланувчанлик, коррозион чидамлилик, ейилишга, тирналишга қарши турish, ювиш ва кўпик ҳосил бўлишига қарши хоссалардир. Совиши самарасига, ишга туширишнинг енгил бўлишига таъсири этувчи қовушоқлик сурков мойларининг энг муҳим тавсифидир, шунинг учун ҳам кўпгина мойларнинг маркаларида қовушоқлик қиймати кўрсатилган бўлади. Қовушоқлик ҳароратга bogliq бўлади, чунончи қовушоқлик мойнинг ҳар хил турлари учун турли ҳароратда меъёrlанади ва шар идиш ҳажмида олинган синалаётган мойнинг вискозиметр капилляри орқали оқиб ўтиш вақтига қараб аниқланади. Ҳарорат кўтарилиши билан мойнинг қовушоқлиги пасаяди, аммо ҳароратга қараб қовушоқликнинг ўзгариш интенсивлиги турли хил мойлар учун ҳар хил бўлади. Мой стандартларида қовушоқлик ҳарорат кўрсаткичларига қовушоқлик индекси билан баҳо берилади. Қовушоқликнинг ўзгариш интенсивлигини этalon мойга нисбатан ҳароратга қараб кўрсатувчи нисбий миқдор қовушоқлик индекси бўлади. Қовушоқлик индекси формулалар бўйича ҳисоблаб чиқарилади, ёки маҳсус номограмма бўйича топилади. Қовушоқлик индексини ошириш учун унча қовушоқ бўлмаган мойга қуюқлаштирувчи қовушоқлик моддалари қўшилади. Полизобутилен, полиметакрилат каби ғоят қовушоқ полимерлар кўпроқ тарқалган. Мойларнинг қотиш ҳарорати парафин углеводородлар ва молекуляр масса таркиби ортиши билан кўтарилади. Тажриба жараёнида мой (шунчалик қотадики) солинган пробирка  $45^{\circ}$  бурчак билан оғдирилганида 1 минут мобайнида қўзгалмай қоладиган ҳарорат мойларнинг қотиш ҳарорати бўлади. Масалан, мотор мойларнинг қотиш ҳарорати  $-20^{\circ}\text{C}$  дан  $-30^{\circ}\text{C}$  гача, унча қовушоқ бўлмаган трансформатор ва прибор мойларининг қотиш ҳарорати  $-50^{\circ}\text{C}$  дан  $-60^{\circ}\text{C}$  гача боради. Мойларнинг қотиш ҳароратини пасайтириш учун қўшиладиган турли

депрессор моддалар ишлатилади. Нафталинни конденсациялаш маҳсуллари мойдаги кальций алкилфенолат эритмаси, Д полиметакрилати ва бошқалар шуларнинг асосийларидир. Мойнинг ўт олиш ҳарорати унинг ҳайнаш ҳадди ва сингиндан хавфсизлигини кўрсатади. Сурков мойларининг хоссалари ҳарорат таъсиридагина эмас, шу билан бирга кислород иштирокида ҳам ўзгаради. Мойларнинг кислород билан ўзаро таъсир реакцияларига қарши турға олиш қобилиятига кимёвий барқарорлик дейилади. Т ҳарорат кутарилиши билан сурков мойларининг кимёвий барқарорлиги анча пасайди.  $60-70^{\circ}\text{C}$  ҳароратда мойда кислотали ва нейтрал бирикмалар ҳосил бўлиб мой қорая бошлайди. Ҳарорат яна кутарилганида оксидланиш жараёнлари кучаяди, эримаган асфальт моддалар ва углеродни маҳсулотлар йигила бошлайди,  $300^{\circ}\text{C}$  га яқин ҳароратда эса оксидловчи жараёнлар билан бирга сурков мойлари углеводородларининг термик бузилиши рўй беради. Мойлар кимёвий барқарор бўлмоғи учун уларга фенол, амин, рух ва барий қўшалкидитиофосфати каби оксидланишга қарши турувчи моддалар (оксидланиш ингибиторлари) қўшилади. Машиналардаги ишқаланадиган деталларнинг коррозияга чидамлилиги сурков мойларининг сифати ва кимёвий таркибиغا кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Мой таркибида бўлган органик ва минерал кислоталар, сув ва сульфит бирикмалар энг кўп зиснили коррозион таъсир кўрсатади, шунинг учун ҳам уларнинг миқдори чекланмоғи керак. Мойнинг 1 г мой таркибида бўлган кислоталарни нейтраллаштириш учун зарур ўювчи калий миллиграммлари билан тавсифланадиган кислоталилиги турли мойлар учун 0,005 дан 0,35 мг гача боради. Ёнилгининг чала ёниш маҳсулларини нейтраллаштириш ва уларнинг мотор деталларига кўрсатадиган коррозион таъсирининг олдини олиш учун мотор мойда муайян ишқор запаси (ишқор сони) бўлмоғи керак. Одатда бу запас 2 мг дан 10 мг гача бўлади. Подшипниклар ва цилиндр-поршсни турӯҳидаги деталларнинг коррозиясини камайтириш учун сурков мойига сульфитли ва фосфорли бирикмалар, ишқорли металларнинг алкидфенолятлари каби зиддифрикцион моддалар қўшилади. Мойларнинг ейилиш ва тириналишга қарши хоссалари қовушоқлик, кимёвий таркибга ва тозаликка боғлиқ бўлади. Сурков мойи ишлатилишидан олдин у тиндирилиб, фильтрлаб механик

технологик эжтиёжлар учун (пўлатни тоблашда, кески асбони совутишда ишлатиладиган суюқликлар) қўлланади; вазслини прибор мойи (МВП) назорат-ўлчов аппаратларида сепаратор, центрифуга ва бошқа ускуналар подшипникларини мойлаш учун Л (снгил) ва Т (оғир) сепаратор мойи оксидланишга, ейилишга ва кўпик ҳосил бўлишига қарши ИГП-4 (гидравлик) ИГП-6 ва ИГП-8 маркали моддалар қўшилган селектив тозаланган индустриал мойлар ватанимизда ва хорижда ишлаб чиқарилган станоклар ва машиналарнинг тез айланадиган узелларини мойлашда ишлатилади ва И-5А ва И-8А маркали мойлар ўрнида фойдаланилиши мумкин. И-12А, И-20А, И-30А, ИГП-40А ва И-50А маркали индустриал мойлар мойнинг ишлатилиш хоссаларига алоҳида талаблар қўймайдиган гидравлик системаларнинг ишкор суюқликлари сифатида, шунингдек кам ва ўртacha нагрузка тушадиган тишли ва червякли узатмаларни мойлашда қўлланади. ИГП-18, ИГП-30, ИГП-38, ИГП-40, ИГП-72 маркали мойлар металл қирқувчи станоклар, автоматик линиялар, турли прессларни ҳамда узатмалар қутиси, ўртacha ва кучли тишли ва червякли узатмаларни, редукторлар ва ҳоказоларни мойлашда ишлатилади. 11, 24 ва 38 маркали цилиндр мойидан юқори ҳароратда ишлайдиган кучли механизмларни ҳамда турли аҳамиятдаги поршенили буг машиналарини мойлашда фойдаланилади. Прокат станлари П-28, ПС-28, П-40, П-8П ва бошқа мойлар билан мойланади. ИЦп-20 ва ИЦп-40 маркали индустриал мойлар максус индустриал мойлар гуруҳига кириб, конвейер занжирларини мойлашда ва ИМТ-200 маркали мой каландр валик подшипникларини мой тумани билан мойлашда, телеграф мой — телсграф аппаратларини мойлашда ишлатилади.

Трансмиссия мойлари редукторлар, тезликлар қутиси, руль бошқармасининг узатмалар қутисини мойлашга аталган. Тишли узатмалардаги ишқаланиш шаротлари бошқа механизмларга нисбатан анча зўриқсанлигидан (юксак солиштирма куч ва ҳарорат) трансмиссия мойлари ейилишга, тирналишга қарши анча юқори барқарор хоссаларга ва бошқа хоссаларга эга бўлмоғи, шунингдек 100°C ҳароратда зарур қовушоқликда бўлмоғи лозим. Саноат машина-ускуналарига (редукторлар, турли механизмларнинг тишли узатмалари) мўлжалланган модда қўшилмаган трансмиссия мойларидан нигрол, кўпинча эса ТС-14,5 трансмиссия мойлари қўлланади, ундан трактор-

дар ва автомобилларда ҳам фойдаланса булади. Аммо сийлишга қарши модда құшилған (фенолли тозалаш экстракти) ТЭп-15ЭФО маркалы трактор трансмиссион мойи, автомобилларни ишлатиша фойдаланиладиган күпфункционал модда құшилған ТАп-15В, ТСп-15К маркалы мой каби мойлар тишли узатмаларнинг ишқаланиш шароитларига ҳаммасидан күпроқ мувофиқ келади. Паст ҳароратда машина ва механизмларнинг ишлаши учун ТСп-10 ва ТСп-10ЭФО маркалы трансмиссия мойлари ишлатилади. ВАЗ автомобилларининг трансмиссия агрегатлари ТАД-17и маркалы универсал мой билан мойланади. Мой таркибида бұлган Д полиметакрилати қотиш ҳароратини пасайтиради, құшилладиган комплекс модда эса универсал мойнинг сийлишга, тирналишга, коррозияга, оксидланишга қарши хоссаларини оширади.

Турбина мойи бұг ва газ турбиналарининг, турбонасосларнинг, турбокомпрессорлар, электр токи генераторларининг ва бошқа энергетика машина-ускуналарининг подшипникларини мойлашда ишлатилади. Тп-22, Тп-30 ва Тп-46 маркалы турбина мойлари күпроқ тарқалған. Турбина мойига құшиладиган модда комплекс ҳолда бұлиб, юксак ишлатилиш хоссаларига эга.

Компрессор мойлари (К-12, К-19, КС-19 ва бошқалар) компрессор деталларини (цилиндр, клапан ва бошқалар) мойлашга ва әндириш камераларини герметиклаشتыришга аталған бұлиб, юксак ҳарорат ва босым шароитларida фойдаланилади. Компрессор мойлари иссиқдан оксидланиш ва коррозияга гоятда чидамли, қовушоқлик-ҳарорат күрсаткышлари яхши бұлмоги лозим.

Пластик сурков мойлари ишлатилиш шароитларига қараб қаттық моддалар, шунингдес суюқ моддаларнинг хоссаларига эга бұлиши мүмкін. Күч камроқ бұлганида сурков мойлари тик ва қияма сиртларда ушланиб туради, күч катта бұлганида эса оқиб тушади. Ишқаланадиган сиртларнинг ишқаланиши ва сийлишини камайтиришга мұлжалланған зиддифрикцион сурков мойлари күпроқ тарқалған. Зиддифрикцион сурков мойлари вазифаларига күра умумий ақамиятдаги С—солидолларга ( $70^{\circ}\text{С}$  гача), оширилған ҳароратда ишлатиладиган 0 ( $110^{\circ}\text{C}$  гача), күпмақсадли М ( $-30$  дан  $130^{\circ}\text{C}$  гача), совуққа чидамли Н ( $-40^{\circ}\text{C}$  дан паст), прибор П сурков мойларига ва бошқа мойларга бұлинади. Бундан ташқары машина,

механизм ва приборларнинг юзини коррозиядан сақла  
диган З индекси билан белгиланувчи консервацион (иҳот  
мойлари; резьбаларга (мурти гардон) суртиладиган  
арматураларга суртиладиган А, вакуум шароитлари  
мұлжалланған В ва пұлат арқонларга суртиладиган  
сүрков мойлари ишлатылади.

**9. 6. 3. Нефть маңсулотларининг нобудгарчилагини камтириш ва ишлатылган мойларни тиклаш йўллари**

Нефть маҳсулотларидан тежаб фойдаланиш — маъмуратни  
катимиз ёқилғи-энергетика комплексини интенсивлаштириш  
нинг, унинг самарадорлигини оширишнинг мухим омили  
лидир. Айни маҳалда нефть маҳсулотларини ташини  
қабул қилиб олиш, бериш, сақлаш ва ишлатиш жараёни  
вужудга келувчи нобудгарчилуклар ҳали ҳам катта бўлиш  
икки асосий гуруҳга бўлинади: бугланишдан ва зиёд  
булмаган бириқиши жойларидан нобуд булади. Буглан  
нишдан буладиган нобудгарчилукларни камайтириш учун  
копқоги герметикланадиган ва нефть маҳсулотларни  
буғларини чиқариб юборадиган шланглари бўлган чоң  
лардан, чоңлардаги ички босимни рострайдиган, газ  
мувозанатлаштирадиган қурилмалардан фойдаланила.  
Сирқиб нобуд булишига йул қўймаслик учун нефть  
маҳсулотларини ташиш, уларни қабул қилиб олиш, бериш  
ва сақлаш устидан қаттиқ назорат ўрнатилади. Шу билан  
бирга ҳамма асосий юк ортиш-тушириш ва ташиш  
ишларида тасдиқланган нобудгарчилук месъеридан оши  
кетишига йўл қўйилмайди.

Цистерналар, чонлар ва баклардан нефть маҳсулотлари нобудгарчилик камайтиришга анча таъсир этади. Чунки мой ғоят қовушоқ бўлганилигидан идишларда маҳсулотнинг анчоқ колиб кетади. Маҳсулот пастки қисмдан бўшатилган такомиллашган улашиш ускуналаридан фойдаланилгани нефть маҳсулотларининг нобуд бўлиши анча камаядиган. Масалан, идишлар қўлда — челаклаб ёки чўмич тўлдирилганида 10 фоизгача нефть маҳсулотлари нобуд бўлади. Мой улашувчи шланги ва жўмраги бўлган дозатор-насосдан фойдаланилганида нобудгарчилик 0,3-0,7 фоизгача камаяди. Пластик сурков мойлари нобуд бўлишини камайтириш учун уларни бочкалар барабанларда эмас, балки бир марта ишлатишга мулжалланган майда идиш ёки пакетларда ташигандай. Нефть маҳсулотларини ташиш ва сақлаш чоғида уларни

иғлосланиши ва сув аралашиши сабабидан сифати ёмоналашиб, солиштирма сарфни кўпайтириб юборадики, бўнга сира ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Ишлатиш жарасында мотор картерлари ва қопқоқла-  
рининг қистирмалари, сальникли зичлаштиргичлар, шланг,  
қувурларнинг бириктирилган жойларидан ва бошқа  
қурилмалардан нефть маҳсулотлари сирқиб кетишини  
камайтириш учун бириктириш жойлари маҳкамлаб  
қўйилади, зичлаштирувчи қистирмалар ва ҳалқалар  
алмаштирилади. Белгиланган муҳлатни ишлаб бўлган  
сурков мой материалларни йигиб олиб уларни ресгенсация  
этиш — сифатини тиклаш нефть маҳсулотлари нобудгар-  
чилигини камайтиришнинг самарали усулларидан бири  
булиб, улардан иккиласмачи хом ашё сифатида фойдаланиш  
мамлакатнинг ёқилги-энгетика ресурсларини тұлдириб-  
гина қолмай атроф муҳит ифлосланишининг ҳам олдини  
олади. Ишлатилган мойларнинг сифатини аниқлашда  
қовушоқлик, ишқор сони, эримайдиган ифлословчи  
маҳсуллар миқдори ва сув миқдори бракка чиқарувчи  
асосий кўрсаткичлар бўлади (22-жадвал). Корхоналар  
ташкилотлар ишлатилган мойларни гуруҳи ва навига-  
қараб алоҳида-алоҳида йигади. "Ишлатилган нефть  
маҳсулотлари. Умумий техник шартлар" ГОСТига  
биноан ишлатилган ҳамма нефть маҳсулотлари уч-  
гуруҳга бўлинган: ишлатилган мотор мойлари (ММО),  
ишлатилган индустрисал мойлар (МИО) ва ишлатилган  
нефть маҳсулотлари арадашинаси ( $\text{CH}_2\text{O}$ ). Мой

тамоман тикланиши мумкин (ҳамма хоссалари тикланади). Мой нефть саноатининг ихтисослаштирилган тархоналарида батамом тикланади. Ишлатилган мой-арни тиклашнинг физик, физик-кимёвий, кимёвий ва омбинациялашган усуллари мавжуд. Ишлатилган мой-арни механик аралашмалар ва сувдан тиндириш ва ильтрлаш тиклашнинг Энг кўп тарқалган осон физик буllibидир.

механизм ва приборларнинг юзини коррозиядан сақлайдиган З индекси билан белгиланувчи консервацион (иҳота) мойлари; резьбаларга (мурти гардон) суртиладиган Р, арматураларга суртиладиган А, вакуум шароитларига мұлжалланған В ва пұлат арқонларга суртиладиган К сурков мойлари ишлатилади.

#### 9. 6. 3. Нефть маҳсулотларининг нобудгарчылыгини камайтириш ва ишлатылған мойларни тислаш йүллари

Нефть маҳсулотларидан тежаб фойдаланиш — мамлекатимиз әқиғи-энергетика комплексини интенсивлаштырған, унинг самарадорлигини оширишнинг муҳим омидидир. Айни маҳалда нефть маҳсулотларини ташиш, қабул қилиб олиш, бериш, сақлаш ва ишлатыш жараёнида вужудға келувчи нобудгарчылыктар ҳали ҳам катта булиб, икки асосий гурұға булинади: бұғланишдан ва зич бұлмаган бирикиш жойларидан нобуд бұлади. Бұғланишдан бұладиган нобудгарчылыктарни камайтириш учун қопқоги герметикланадиган ва нефть маҳсулотлары бұғларини чиқарып юборадиган шланглари бұлган чонлардан, чонлардаги ички босимни ростлайдиган, газни мувозанатлаштирадиган қурилмалардан фойдаланилади. Сирқиб нобуд бұлишига йўл қўймаслик учун нефть маҳсулотларини ташиш, уларни қабул қилиб олиш, бериш ва сақлаш устидан қаттиқ назорат ұратылади. Шу билан бирга ҳамма асосий юқ ортиш-тушириш ва ташиш ишларыда тасдиқланған нобудгарчылык мөъёридан ошибкетишига йўл қўйилмайди.

Цистерналар, чонлар ва баклардан нефть маҳсулотларини батамом бұшатыб олиниши нобудгарчылыкни камайтиришга анча таъсир этади. Чунки мой гоятда қовушоқ бұлғанлигидан идишларда маҳсулотнинг анчаси қолиб кетади. Маҳсулот пастки қисмдан бұшатылса, такомиллашған улашиб ускуналаридан фойдаланилганида нефть маҳсулотларининг нобуд бұлиши анча камаяди. Масалан, идишлар қўлда — челаклаб ёки чўмичлаб тўлдирилганида 10 фоизгача нефть маҳсулотлари нобуд бұлади. Мой улашувлары шланги ва жўмраги бұлган дозатор-насосдан фойдаланилганида нобудгарчылык 0,5—0,7 фоизгача камаяди. Пластик сурков мойлари нобуд бұлишини камайтириш учун уларни бочкалар ёки барабанларда әмас, балки бир марта ишлатышта мұлжалланған майда идиш ёки пакетларда ташиган маъқул. Нефть маҳсулотларини ташиш ва сақлаш чоғида уларнинг

ифлосланиши ва сув араласиши сабабидан сифати ёмонлашиб, солиштирма сарфни кўпайтириб юборадики, бунга сира ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Ишлатиш жараёнида мотор картерлари ва қопқоқларининг қистирмалари, сальникли зичлаштиргичлар, шланг, қувурларнинг бириктирилган жойларидан ва бошқа қурилмалардан нефть маҳсулотлари сирқиб кетишини камайтириш учун бириктириш жойлари маҳкамлаб қўйилади, зичлаштирувчи қистирмалар ва ҳалқалар алмаштирилади. Белгиланган муҳлатни ишлаб бўлган сурков мой материалларни йигиб олиб уларни регенерация этиш — сифатини тиклаш нефть маҳсулотлари нобудгарчилигини камайтиришнинг самарали усулларидан бири булиб, улардан иккиласми хом ашё сифатида фойдаланиш мамлакатнинг ёқилғи-энергетика ресурсларини тўлдирибгина қолмай атроф муҳит ифлосланишининг ҳам олдини олади. Ишлатилган мойларнинг сифатини аниқлашда қовушоқлик, ишқор сони, эримайдиган ифлословчи маҳсуллар миқдори ва сув миқдори бракка чиқарувчи асосий кўрсаткичлар бўлади (22-жадвал). Корхоналар ва ташкилотлар ишлатилган мойларни гуруҳи ва навига қараб алоҳида-алоҳида йигади. "Ишлатилган нефть маҳсулотлари. Умумий техник шартлар" ГОСТига биноан ишлатилган ҳамма нефть маҳсулотлари уч гуруҳга бўлинган: ишлатилган мотор мойлари (ММО), ишлатилган индустрисал мойлар (МИО) ва ишлатилган нефть маҳсулотлари аралашмаси (СНО). Мой қисман ва тамоман тикланиши мумкин (ҳамма хоссалари тикланади). Мой нефть саноатининг ихтисослаштирилган корхоналарида батамом тикланади. Ишлатилган мойларни тиклашнинг: физик, физик-кимёвий, кимёвий ва комбинациялашган усуллари мавжуд. Ишлатилган мойларни механик аралашмалар ва сувдан тиндириш ва фильтрлаш тиклашнинг энг кўп тарқалган осон физик усулларидир.

Физик-кимёвий усуллар коагуляция ва адсорбција жараёнларига асосланган. Коагуляция жараёнида молскучляр тишлишиш кучларининг таъсирида зарраларнинг ириклишиши натижасида ишлатилган мойлардан оксидланиш маҳсуллари бўлмиш смолосимон ва асфальт моддалар чиқариб олинади, адсорбция жараёнида эса адсорбент юзида кислотали бирикмалар, асфальт-смола моддалар ва мой эскириши бошқа маҳсулларининг анча қисми ушланиб қолади.

машиналарида бўлади) уч хил маркада: БСК, ГТЖ—22М ва "Нева" маркаларида чиқарилади. БСК суюқлиги — бутил спирти билан канакунжут мойидан баб-баравар олинган аралашма булиб қотиш ҳарорати  $-17^{\circ}\text{C}$ . ГТЖ—22М ва "Нева" тормоз суюқликлари анча оширилган ишлатилиш хоссалари билан фарқ қиласи ва гликоллар асосида ейилишга қарши, қувушоқлик баҳш этувчи ва қўшиладиган зиддикоррозион моддалар ҳамда бўёқлар билан комплекс ҳолда ишлаб чиқарилади. Шу суюқликларнинг қотиш ҳарорати  $-60^{\circ}\text{C}$ .

## 9. 8. Нефть маҳсулотларини юбориш, сақлаш ва ташиш шартлари

Суюқ ёнилги, сурков мой материаллар ва техник суюқлик истеъмолчиларга тўп-тўп қилиб ортиб юборилади. Юкка сифат тўғрисидаги бир хилдаги ҳужжат (паспорт) илова этилади. Бу ҳужжатда: маҳсулотни тайёрлаган корхонанинг номи, нефть маҳсулотининг тури, маркаси, тўп ва транспорт бирлигининг номери, тайёрланган куни ва йили, шунингдек маҳсулотнинг белгиланган стандарт билан месъёрга солинган сифати ҳамда ушбу нефть маҳсулотини синаш натижалари ёзилган бўлади. Суюқ нефть маҳсулотлари ҳамма хил транспорт билан: қувурлар орқали, сув транспорти, темир йўл ва автомобиль транспорти орқали ташилади. Айрим ҳолларда ҳаво транспортидан фойдаланилади. Чон-идишларга: тиниқ нефть маҳсулотлари учун "Ўтга хавфли", "Этиллаштирилган бензин" деган ва заҳарли нефть маҳсулотлари учун "Заҳар" деган огоҳлантирувчи лавҳалар ёзиб қўйилади. Нефть ва нефть маҳсулотларини ташишда қувурлардан фойдаланиш орқали темир йўл анча бушайди, темир йўл ва сув йўлларидан олисдаги янги катта-катта нефть конлари узлаштирилиши муносабати билан айниқса самарали бўлади. Нефть маҳсулотлари сув транспортида, нефть ташийдиган кемаларда, денгиз ва дарё танкерларида ҳамда баржаларида ташилади. Денгиз танкерларига 500000 м<sup>3</sup> маҳсулот сигади. Нефть маҳсулотларини сувда ташиш нархи темирйўлда ташиш нархидан арzon. Нефть маҳсулотларини дениз транспорти орқали ташишнинг бундан бўёнги ривожи мамлакатимиз ташқи савдо алоқаларининг кенгайиши билан боғлиқ. Нефть маҳсулотлари темир йўл транспортида, цистерналар, бункерлар, ярим вагонлар ва бошқа тарааларга солиб

ташилади, бирданига унча күп сарфланмайдиган сурков мой материаллар бочка, бидон, банка, шиша идишларга солиб ташилади. Цистерналар 50, 60, 90 ва 120 м<sup>3</sup> ҳажмда чиқарилади. Гоятда қовушоқ нефть маҳсулотларини, масалан, қорамойни цистерналардан бүшатиб олиш учун нефть базалари ва омборларида иситувчи қурилмалардан, шунингдек буг тұнли цистерналардан фойдаланилади. Масофаси 500 км гача борадиган маҳаллій юк ташиша автомобиль транспорти самарали ҳисобланади.

Нефть маҳсулотлари массаси тортилиб, ёки ҳажми ва зичлигига қараб қабул қилинади. Олинган ёнилғи ёки мойнинг паспорти бўлмаса юк оловчи нефть маҳсулотининг сифатини лабораторияда аниқлаб олиши керак бўлади. Сифат стандартга мувофиқ келмаса нефть маҳсулотининг темир йўл вакили иштирокида олинган бир намунаси эътиrozлар ҳал этилиб паспорт расмий-лаштирилгунига қадар юк оловчига сақланади. Нефть маҳсулотларини сифатли қабул қилиб олиб уни пухта сақлаш ва истсъмолчиларга ўз вақтида юбориш нефть базалари ва омборларининг асосий вазифасидир. Нефть маҳсулотларини сақлаш учун асосан чонлардан фойдаланилади. Катта нефть базаларида металл чонларнинг сигими 2000 м<sup>3</sup>та боради. Кейинги йилларда ёгин-сочин ва чанг-чунг тушишига йўл қўйилмайдиган типавий темир-бетон чонлар кўп тарқалди. Турли маркалардаги суюқ ёнилғи ва сурков мой материаллар алоҳида-алоҳида чонларда сақланади. Автомобиль бензинининг кафолатли сақланиш муддати тайёрланган кунидан бошлаб 5 йил, авиация бензининики 2 йил ва дизель ёнилгиники 5 йил. Шу муҳлат ўтганидан сўнг нефть маҳсулоти сифатининг стандарт талабларига мувофиқ келиш келмаслиги яна бир бор текшириб қўрилмоғи лозим.

Ёнилғи ташилаётганида ва сақланәётганида ҳавога тегиб оксидланади, унда смола ва органик кислоталар йигилиб қолади. Чонни бўяш ёки уни чуқурроқ олиш ҳисобига ёнилгининг оксидланиш интенсивликини пасайтириш мумкин. Ёнилғи сақланәётганида чоннинг нечоғлик тўлганлиги ҳам унинг сифатига таъсир этади. Чон нечоғлик баланд тўлғазилган бўлса ёнилғи сақланәётгандан унда шунча кам смола ҳосил бўлади. Сурков мойлар усти ёпиқ биноларда тоза идишларда сақланмоғи даркор. Тарада зич бураб маҳкамланадиган тиқин ва қистирмалар соғ бўлмоғи лозим. Бугнинг ҳаво билан муайян

концентрациядаги аралашмасида нефть маҳсулотлари портлаш жиҳатидан хавфли ва аллангаланадиган бўлиб қолиши мумкин; уларнинг баъзилари заҳарли ва одам соглиги учун хавфлидир. Буларнинг ҳаммаси муайян эҳтиёт чораларига амал қилишни талаб этади. Хавфсизлик техникасидан йўл-йўриқ олган кишиларгина нефть маҳсулотлари билан ишлашга қўйилади. Этиллаштирилган бензин юятда хатарли бўлади. Уни қабул қиласидиган ва берадиган ускуналар тамомида герметик бўлиб, "Хавфли", "Заҳар" деган огоҳлантирувчи лавҳалари бўлиши керак. Нефть базалари ва омборларидағи электр симлари соз ва хавфсиз бўлиб, зарур ўтичириш воситалари билан жиҳозланмоғи керак. База ва омбор майдонида чекиш, очиқ оловдан ёки урганда учқун чиқарадиган асбобдан фойдаланиш қатъиян тақиқланади. Ёнилги сақланадиган идишлар ва қувурлар статик электрдан муҳофазаланган бўлмоғи лозим.

## БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ

### БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Турли бинолар ва иншоотларни қуриш ва таъмир этишда ишлатилувчи табиий ва сунъий материаллар бинокорлик материаллари дейилади. Мамлакатни техника жиҳатидан таъминлашда бинокорлик материаллари жуда катта аҳамиятга эга. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган цементнинг металл, прокат ва ишбоп ёғоч ҳамда бошқа кўп саноат материалларининг кўп фоизи қурилиш ишларига кетади.

Фан-техника тараққиёти бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш ва уларни истсъмол этишининг ўсиши билан кўп даражада белгиланади. Бинокорлик материалларининг иккита асосий категорияси бор: умумий аҳамиятдаги цемент, қум, шагал, гил, чақмоқтош, табиий тош, металлар, полимер, смолалар, ёғоч ҳамда маҳсус аҳамиятдаги иссиқ ва товуш ўтказмайдиган оташбардош материаллар категорияси. Ҳом ашё материалларни саноат кўламида қайта ишлаш жарабенидан бетон плита, гишт, черепица, ҳар хил қувур, пол плиткаси, ойна, асбоцемент ва пластмасса материаллар, томга ёпиладиган ашёлар, тахта, ёғоч тўсин каби бинокорлик аҳамиятидаги хилма-хил ашёлар олинади. Бинокорлик материаллари ва ашёларидан бинолар ва иншоотларнинг ғоят хилма хил элементлари — бинокорлик конструкциялари тайёрланади. Йигма темир-бетон ашёлар, фермалар, деворбоп панеллар, болопуш конструкциялари, пойдевор блоклари, биноларнинг ҳажмий элементлари, устунлар ва ҳоказолар асосий бинокорлик конструкцияларидир. Мамлакатимизда бинокорлик материаллари ва ашёларини ишлаб чиқариш муттасил кўпайиб бормоқда. Жумҳуриятни социал ва иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йуналишларида илгор бинокорлик конструкциялари ишлаб чиқаришни

янада орттириш, қурилиш ишларини индустриялаштириш даражасини юксалтириш, қурилишга юксак даражада тайёр ашёлар тайёрлаб юборишга изчиллик билан ўтиш мўлжалланади. Бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш учун асосий кон маҳсулотлари билан биргалашиб чиқадиган материаллардан маҳаллий хом ашё ва иккиласмчи хом ашёдан, шлак ва бошқа чиқитлардан тўлароқ фойдаланилади. Меҳнат унумдорлиги 16—18 фоиз оширилади, маҳсулотнинг таннархи 23 фоиз арzonлаштирилади. Капитал қурилиш соҳасида капитал маблаглар самарадорлигини юксалтириш, уларнинг такорий ишлаб чиқариш ва технологик тузилишини такомиллаштириш, илғор техника ва технологияни яратиш ва жорий этишини теззатиш, қурилиш ишлари тузилишини такомиллаштириш кўзда тутилади.

### БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ТАСНИФИ, УЛАРНИНГ АСОСИЙ ХОССАЛАРИ ВА АНИҚЛАШ УСЛУБЛАРИ

Бинокорлик материаллари келиб чиқиши, кимёвий таркиби, технологик аломатлари ва бошқа аломатларига қараб таснифланади. Бинокорлик материаллари келиб чиқиши жиҳатидан табиий шароитларда вужудга келган материалларга (тоғ-тош жинслари, шағал, қум, гил, ёғоч ва бошқалар) ҳамда табиий хом ашё материалларни қайта ишлаш жараёнида олинадиган цемент, чақиқтош, оҳак, полимер, смола, битум каби сунъий материалларга бўлинади. Кимёвий таркиби жиҳатидан қум, гил, графит каби ноорганик қурилиш материаллари ҳамда ёғоч, пластмасса, бўёқ, битум каби органик қурилиш материаллари ажратилади. Қурилиш материаллари технологик аломатларига кўра қўйидаги асосий гурӯҳларга бўлинади: табиий тош материаллар, керамик материаллар ва ашёлар, ўтга чидамли материаллар, боғловчи минерал моддалар ва шуларнинг асосида ясалган ашёлар, қурилиш қоришмалари; силикат, асбоцемент материаллар ҳамда ашёлар, шиша буюмлар ва суюқланмадан тайёрланган ашёлар, иссиқни изоляцияловчи материаллар, лак-бўёқ, ёғоч, пластмасса ва металл материаллар.

Бинокорлик материаллари фойдаланиш жараёнида турли омиллар таъсирига дуч келиб уларнинг истеъмол хоссаларига таъсир этади. Бинокорлик материаллари хоссаларининг кўрсаткичлари Давлат стандартлари ва

техник шартларида тасдиқланган услублардан фойдаланылған ҳолда лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитларыда аниқланади.

Физик, механик, кимсөвий, технологик хоссалар ва бошқа хоссалар бинокорлик материалларининг асосий хоссаларидир. Физик хоссалар зичлик, ұажмий масса, ғоваклилік, намлық ва сув ютиш билан, сув ва газ сингдирувчанлық, гигроскопиклик ва сув қочиши, үтга чидамлилік, союққа чидамлилік ва бошқа бир қанча күрсаткышлар билан тавсифланади.

Зичлик  $\rho$  ( $\text{г}/\text{см}^3$ ) бир жинсли материалнинг ғоваксиз мутлоқ зич ҳолатдаги ұажмий бирлик массасидир:

$$\rho = \frac{m}{V},$$

бундаги  $m$  — материалнинг массаси, г;  $V$  — материалнинг ұажми,  $\text{см}^3$ .

Газ ва ҳаво аралашмалари ғовак ҳосил қиласы. Бинокорлик материалларининг күпші шундай тузилган бўлади. Зичлик пикнометрик усул билан аниқланади ва бинокорлик материалларининг асосий турлари учун қуйидаги миқёсда бўлади: тош материаллар учун — 2,2 дан 2, 3,3  $\text{г}/\text{см}^3$  гача, ёгоч, пластмасса, битум каби органик материаллар учун 0,8 дан 1,6 гача, металлар (чўян ва пўлат) учун 7,3 дан 7,9  $\text{г}/\text{см}^3$  гача боради.

Ұажмий масса  $\rho_0$  ( $\text{кг}/\text{м}^3$ ) табиий ҳолатда материалнинг (ғоваклари билан бирга) ұажмий бирлик массасини кўрсатади:

$$\rho_0 = \frac{m_1}{V_1},$$

бундаги  $m_1$  — масса, кг;  $V_1$  — материал намунасининг ұажми,  $\text{м}^3$ .

Бинокорлик материалларининг ұажмий массаси уларнинг пишиқлигини, иссиқ үтказувчанлиги, сув ютиши, кислотага, союққа чидамлилигини ва бошқа хоссаларини ифодалайди. Кўпчилик бинокорлик материаллари (ойнашиша, металл ва суюқ материаллар бундан истисно) нинг ұажмий массаси зичлигидан камроқ бўлади; уларнинг ғоваклилiği шунга сабаб бўлади. Қум, чақиқтош, шағал каби сочиладиган материалларнинг

ҳажмий массаси тұқма ҳажмий массаси билан ифодаланади.

Бинокорлик материаллари асосий турларининг зичлигі ва ҳажмий масса күрсаткичлари 23-жадвалда берилген.

**23. Бинокорлик материалларининг зичлигі ва ҳажмий массаси.**

Материалнинг номи	$\rho$ , г/см <sup>3</sup>	$\rho_0$ , кг/м <sup>3</sup>
Гранит	2,7—3,0	2500—2900
Құм	2,5—2,6	1500—1700
Гыл	2,5—2,7	1600—1800
Оддий гишт	2,6—2,7	1600—1900
Фовак гишт	2,6—2,7	600—1400
Оддий (огир) бетон	2,5—2,6	1800—2500
Эман (дуб)	1,6—1,7	700—900
Қарағай	1,5—1,6	400—600
Пұлат	7,8—7,9	7850

Бинокорлик материалларининг ғоваклар ё бошқа аралашмалар билан тұлғанлық даражаси **ғоваклилік  $P$  — (%)** дейилади:

$$P = \left(1 - \frac{\rho_0}{\rho}\right) \cdot 100,$$

бундаги  $\rho_0$  — материалнинг ҳажмий массаси, кг/м<sup>3</sup>; —  $\rho$  — материалнинг зичлигі, кг/м<sup>3</sup>.

Ғоваклилік бинолар ва иншоотларнинг ишлатилиш күрсаткичларига катта таъсир күрсатади ва кенг күламда үзгәради, шиша ва пұлатда 0 дан күпик-пласт шлак-пахтада 90 фойзгача боради.

**Намлик** — материал таркибидаги сувнинг қоқ қуруқ намуна массасига (мутлақ намлик  $W$ ) ёки дастлабки намуна массасига (нисбий намлик  $W_0$ ) нисбатан фойз ҳисобида ифодаланған масса миқдоридир:

$$W_a = \frac{m - m_1}{m_1} \cdot 100; \quad W_0 = \frac{m - m_1}{m} \cdot 100,$$

бундаги  $m$  — нам намунанинг массаси, г;  $m_1$  — қуруқ намунанинг массаси, г.

Қуруқ намунанинг массаси қуритиш шкафида материални  $110^{\circ}\text{C}$  ҳароратда суви тамомила чиқиб кетгунинг қадар қуритиб аниқланади.

Материалнинг сувни шимиб үзида ушлаб турға олиш хоссасига сув ютиш дейилади. Сув ютиш сувга түйинган ва қоқ қуруқ ҳолатдаги намуна массаларининг тафовутига қараб аниқланади ва қуруқ материал  $B_e$  массасининг фоизи ҳисоби, ёки намуна ұажми  $B_0$  нинг фоизи ҳисоби билан ифодаланади:

$$B_e = \frac{m_h - m_c}{m_c} \cdot 100; \quad B_0 = \frac{m_h - m_c}{v_1} \cdot 100,$$

бундаги  $m_h$  — материалнинг сувга түйинган ҳолатдаги массаси.  $m_c$  — материалнинг қуруқ ҳолатдаги массаси.

Ұажмий сув ютишнинг масса сув ютишига бұлған нисбати материалнинг ұажмий массаси бўлади:

$$\frac{B_0}{B_e} = \frac{m_1}{v_1} = \rho_0; \quad B_0 = B_e \rho_0.$$

Бинокорлик материалларининг сув ютиш қобилияти турли материаллар учун турлича: оддий гиштда материал массасининг 8 фоизидан 20 фоизигача, оғир бетонда 1 фоиздан 3 фоизгача, керамик материаллар ва ашёларда 1 фоиздан 2 фоизгача боради ва ҳоказо. Бинокорлик материалларининг сув ютиши ортиши билан уларнинг шишиқлиги ва емирувчи муҳитлар таъсирига қаршилиги пасаяди, массаси ва иссиқ ұтказувчанлиги ортади. Турли бинокорлик материалларининг сув ютишини аниқлаш услублари тегишли ГОСТ лар билан белгилаб берилган.

Сув ұтказувчанлик — босим остида материалларининг үзидан сув ұтказиш хоссаси бўлиб, ғоваклигига боғлиқ бўлади. Шиша, металл, баъзи пластмассалар сув ұтказмайди.

Сув ұтказувчанлик даражаси берилган босимда олинган материал майдон бирлигидан 1 соатда сизиб ұтадиган сув микдори билан аниқланади.

Синалаётган намунанинг иккала томонида нисбий парциал босим бўлгани ҳолда материалнинг турли газларни ұтказа олиш қобилиятига газ ұтказувчанлик дейилади.

Гигроскопиклик ва намқочириш — материалнинг атроф заводан нам ютиш ва нам қочириш қобилиятини күрсатади. Гигроскопиклик (%) ҳарорат  $20^{\circ}\text{C}$  ва нисбий

намлиқ 100 фоиз бўлганида муайян вақт ичида материалнинг ҳаводан ютган намлигининг қуруқ материал массасига бўлган нисбатидир. Намликнинг қочиши ҳарорат  $20^{\circ}\text{C}$  ва ҳавонинг нисбий намлиги 60 фоиз бўлганида муайян вақт ичида материал атроф муҳитга чиқарган сув миқдори билан, яъни материалнинг қуриш тезлиги билан аниқланади.

Материалларнинг деформацияланмай ва суюқланмай узоқ муддат юксак ҳарорат таъсирига қарши турла олиш хоссасига ўтга чидамлилик дейилади. Бинокорлик материаллари ўтга чидамлилиги даражасига қараб ўтга чидамли, қийинзир ва осонэрир материалларга ажратилади.

Сувга тўйинган ҳолатдаги материалнинг сезиларли даражада ишдан чиқмай ва пишиқлигини кўпда пасайтиромай дам-бадам музлатиш ва эритишига чидаш бера олишига совуққа чидамлилик қобилияти дейилади. Материал махсус совутиш камераларида  $-15^{\circ}\text{C}$  дан  $-17^{\circ}\text{C}$  гача борадиган ҳароратда кўп марта музлатиб, сўнгра  $10^{\circ}\text{C}$  дан  $20^{\circ}\text{C}$  гача ҳароратдаги сувда эритиб синалади. Ишлатилиш шароитларига қараб бу синаш 10 мартадан 200 марта гача бориши мумкин. Ҳаводаги қуруқ бинокорлик материаллари одатда механик хоссаларини пасайтиргани ҳолда кўп марта музлаш ва эришга чидаш беради. Аммо материал сувга тўйинган ҳолатда бўлса уни кўп марта музлатиш ва эритиш натижасида анча ишдан чиқади.  $0^{\circ}\text{C}$  дан паст температурада говаклардаги сув музлаб ҳажмини тахминан 10 фоиз катталаштирганигидан шу аҳвол вужудга келади. Намуналари музлатиш ва эритиш кўп циклларига бардош бериб пишиқлигини 25 фоиздан ортиқ, массасини 5 фоиздан ортиқ пасайтирамайдиган бетонларнинг совуққа чидамлилиги энг юқори бўлади. Бетоннинг совуққа чидамлилиги Mrz 10, 15, 25, 50, 100, 150 ва Mrz 200 маркалари билан тавсифланади. Бундаги сонлар кетма-кет музлатиш ва эритиш сонларига мувофиқ келади.

Бинокорлик материалларининг механик хоссалари пишиқлик, қаттиқлик, сийлиш, эскириш ва бошқа кўрсаткичлар билан тавсифланади. Кўпчилик бинокорлик материаллари мўрт, пластик эмаслигидан статик пишиқлигига сиқилишдаги пишиқлик ҳадди ( $\text{MPa}$ ) билан баҳо берилади. Намуналар механик ёки гидравлик прессларда ишдан чиқарилиб, сиқилишдаги пишиқлиги аниқланади. Синовлар ўтказиш учун махсус тайёрланган

намуналар ишлатилади. Бу намуналар одатда томонлари 2—30 см дан олинган куб шаклида бўлади. Гранитнинг сиқилишдаги пишиқлик ҳадди (МПа) 180 дан 250 гача, гиштники 7,5дан 15 гача, оддий (огир) бетонники 10 дан 100 гача, силикат шишаники 500 гача боради. Материалларнинг динамик (зарбий) пишиқлиги маятникли коперлар воситасида аниқланади. Бинокорлик материалларининг қаттиқлиги кўпинча Маоснинг шартли ўн балли шкаласига қараб аниқланади. Бу шкалада қуйидаги 10 та минералнинг қаттиқлиги этalon сифатида қабул қилинган: 1 — тальк, 2 — гипс, 3 — кальций, 4 — флюорит, 5 — апатит, 6 — ортоклаз, 7 — кварц, 8 — тоқаз, 9 — корунд ва 10 — олмос.

Қаттиқлик ортиши билан материалларнинг едирилишга қаршилиги ҳам ортиб боради. Бу қаршилик максус машиналарда аниқланади. Намуна масса йўқолишини едирилиш майдонига бўлган нисбати едирилишнинг ўзидир:

$$U = \frac{m_1 - m_2}{F}$$

бундаги  $U$  — едирилиш,  $\text{г}/\text{см}^2$ ;  $m_1$  ва  $m_2$  намунанинг синовдан олдинги ва кейинги массаси;  $F$  — едирилган майдон,  $\text{см}^2$ .

Материалларнинг сийқаланишга пишиқлиги зарб жараёнида едирилишга кўрсатиладиган қаршилик билан ифодаланади ва айланувчи барабанда аниқланади. Барабанга синалаётган намунадан ташқари ҳар бирининг массаси 450 граммдан келадиган ўн иккита пўлат зўлдир солинади ва барабан 500 марта айланаб чиққанида намуна массаси қанча камайганлиги ҳисоблаб чиқарилади. Ҳисоб:

$$R_{\text{сил}} = \frac{m_1 - m_2}{m_2} \cdot 100,$$

формуласи билан чиқарилади. Бундаги  $R_{\text{сил}}$  — сийқаланишга қарши пишиқлик кўрсаткичи, %;  $m_1$  ва  $m_2$  намуналарнинг синашдан олдинги ва кейинги массаси, г.

Бинокорлик материалларининг кимсий ва технологик хоссалари материалларнинг айрим турларини ўрганишда кўриб чиқилади.

## БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МИНЕРАЛ ХОМ АШЕДАН ЯСАЛГАН БҮЮМЛАР

### 10.1. Минерал бөгловчи (қовуштирувчи) материаллар

Минерал қовуштирувчи материаллар — кукунсимон материал моддалар сув билан аралаштирилгач пластик масса ҳосил қиласи ва у қотиб тошдек қаттиқ жисмга айланади. Қовуштирувчи материаллар ҳозирги қурилиш ишларининг негизи бўлиб, ҳар хил бетонлар, бинокорлик ашёлари, конструкциялари ва иншоотларини тайёрлашда, шунингдек сувоқ қоришмаси гишт териш қоришмасини тайёрлашда кенг кўламда қўлланади. Улар қотиш ва атроф мұхит турли омилларининг таъсирига қарши туриш хоссаларига қараб икки асосий гуруҳга: ҳавода қовуштирувчи материаллар ва гидравлик қовуштирувчи материалларга бўлинади. Ҳавоий қовуштирувчи материаллар ҳаводагина қотиб пишиқлигини узоқ вақт сақлаб туралади, гидравлик қовуштирувчи материаллар эса ҳаводагина эмас, шу билан бирга сувда ҳам қотиб пишиқлигини узоқ вақт сақлаб туралади.

#### 10. 1. 1. Ҳавода қовуштирувчи материаллар

Гипс ва магнезиаль қовуштирувчи материаллар қурилиш оҳаги, эридиган шиша ва кислотага чидамли цемент ҳавода қовуштирувчи материаллар гуруҳига киради.

Гипс ва магнезиаль қовуштирувчи материаллар. Қозонлар, қуритиш барабанлари, тегирмонларда табиий гипс — икки молскула сувли кальций сульфатига термик ишлов бериб гипсли қовуштирувчи материаллар ҳосил қилинади. Гипсли тош чақилади, майдаланади, қуритилиди ва ўтхона газлари билан пиширилади. Қуритиш барабанларида 20 мм катталикда чақилган гипс-тош қуритиш барабанларида қизиган тутун газлари билан пиширилади ва шундан сўнг тегирмонларда туйилади.

Термик ишлов режимига қараб паст ҳароратда ва юқори ҳароратда пишадиган қовуштирувчи материаллар бўлади. Паст ҳароратда пишадиган қовуштирувчи материаллар (қурилиш гипси, қолипланадиган гипс ва ғоят пишиқ гипс)  $150-180^{\circ}\text{C}$  ҳароратда ишланади ва асосан намхуш гипс ( $\text{CaSO}_4 \cdot 0,5 \text{ H}_2\text{O}$ ) дан иборат бўлади, тез

қотади. Юксак ҳароратда пишириладиган ангидрид қовуштирувчи материаллар (ангидрид цементи ва юксак ҳароратда пишадиган гипс) 700–1000°C ҳароратда пишади, асосан сувсиз гипсдан  $\text{CaSO}_4$  иборат бўлади ва оҳиста қотади. 2 соатлик гипс тоши намуналарининг сиқилишига пишиқлик ҳаддига қараб 12 хил маркада қурилиш гипси: Г-20, Г-30, Г-40, Г-50, Г-60, Г-70, Г-100, Г-130, Г-160, Г-190, Г-220 ва Г-250 гипслари ишлаб чиқарилади. Қовуштирувчи гипс материаллар қовуштириш муҳлатига кўра тез қотадиган А (2 дақиқадан 15 дақиқагача), меъёрида қотадиган Б (6 дақиқадан 30 дақиқагача ва секундлик билан қотадиган) В (20 дақиқадан бошлаб қота бошлайди ва қотиб бўлиши меъёрга солинмайди). Гипс доналарининг катта-кичиклигига қараб йирик I, ўртacha II ва майда III қилиб тортилган қовуштирувчи гипслар бўлади. Чунончи кўзи 0,2 мм ли элакдан йирик тортилган қовуштирувчи гипснинг 77 фоизи, ўртacha тортилган гипснинг 86 фоизи ва майда тортилган гипснинг 98 фоизи эланмоги керак. Қовуштирувчи гипс материал маркаланётганида шартли белгиси, қотиш муддати ва тортилиш даражаси (масалан, Г-3 АП) назарда тутилади. Биноларнинг ички қисмларига аталган сувоқ қоришмаси ва гипсбетон қурилиш ашёлари (гипс қуруқ сувоқ материал, гов плиталар, панеллар ва ҳоказолар) олишда қовуштирувчи гипс материаллардан фойдаланилади.

Қолип гипси қурилиш ишлари ва машинасозликда қолип ва моделлар тайёрлаш учун ишлатилади ва таркибида 95 фоиз икки молекула суви бўлган гипс тошини пишириш қозонларида ҳосил қилинади. Қолип гипси қурилиш гипсидан фарқли ўлароқ анча майда тортилган, пишиқлиги ва тургунлиги юқори бўлади. Фоят пишиқ гипс 120°C ҳарорат ва 0,15 МПа босимда автоклав қозонда гипс тошини буглаш натижасида ҳосил қилинади. Фоят пишиқ гипс намуналари бир кечакундуз сақлангач сиқилишига пишиқлик ҳаддининг натижаларига кўра 200, 250, 300, 350, 400, 450 ва 500 маркалар билан шундай гипс тайёрлаб чиқарилади. Фоят пишиқ гипс чинни, фаянс саноатида моделлар ва қолиплар тайёрлашда гипс, гипсбетон ашёлар ҳосил қилишда ва бошқа мақсадларда ишлатилади. Ангидрит цементи 700–800°C ҳароратда табиий гипсни пишириш ва кейин унга турли катализатор мёддаларни (оҳак, натрий сульфат, туйилган доломит ва домна шлаги) қўшиб туйиш маҳсулидир. Табиий гипсни 800–1000°C

ҳароратда пишириш, кейин уни түйиш натижасида юксак ҳароратда пиширилган гипс олинади. Ангидрит цемент сиқилишга пишиқлик ҳаддининг кўрсаткичларига кўра тўрт хил маркада: 50, 100, 150 ва 200 маркада, юксак ҳароратда пишириладиган гипс уч хил маркада: 100, 150 ва 200 маркалари билан чиқарилади. Ангидрит цемент ва юксак ҳароратда пишириладиган гипсдан, сунъий мармардан бетон ашёлар ишлаб чиқаришда, чоксиз поллар, қаватлараро ва чордоқ болопушларини тўлдирувчи деталлар, вентилятор коробларини тайёрлашда фойдаланилади.

Гипс ва ангидрид материаллар ҳамда ашёлар контейнерларда, ёпиқ вагон ва автомобилларда ташилади, қуруқ биноларда сақланади.

Каустик магнезит ва каустик доломит магнезиаль қовуштирувчи материалларнинг асосий турларидир. Каустик магназит шахта печь ёки айланма печларда 800—850°C ҳароратда табиий магнезитни пишириш ва кейин пишириш маҳсулини майда кукун қилиб түйиш натижасида ҳосил бўлади. Каустик доломит табиий доломитни шахта печларида 700—8000 С ҳароратда пишириш ва кейин уни майда қилиб түйиш кукун маҳсулидир.

Сув қушганда магнезиаль қовуштирувчи материалларнинг гидратизация жараёнлари секинлик билан ўтганлигидан  $MgCl_2$  ва  $MgSO_4$  сувли эритмалари қўшилади. Булар магний оксидининг эрувчалигини ҳамда қотган тошнинг пишиқлигини оширади. Каустик магнезит сиқилишга пишиқлик ҳаддининг кўрсаткичлари жиҳатидан 400, 500 ва 600 маркалари билан, каустик доломит эса 100, 150, 200 ва 300 маркалари билан чиқарилади.

Магнезиаль қовуштирувчи материаллар ёғоч қириндиси, қипиги каби органик тўлдирувчи материаллар билан гоятда тишлашувчан ва уларни чиришдан асрашга қодир бўлади.

Каустик магнезит ксиолит (ёоч қипиги билан тўлдирилади) ва фибролит (ёғоч қириндиси билан тўлдирилади) каби кўп тарқалган бинокорлик материалларини тайёрлашда ишлатилади. Плита ҳолидаги ксиолит чоксиз пол материали сифатида, фибролит эса машинасозлик ва қурилиш ишларида конструкцион материал ва иссиқ изоляцияловчи материал сифатида ишлатилади. Каустик магнезит ичдан қопланадиган ашёлар (сунъий мармар қоплама, плиталар) ҳамда сувоқ қоришмалари

тайёрлашда ишлатилади. Каустик доломитдан бирмунча арzon материал сифатида каустик магнезит ўрнида фойдаланилади.

Қурилиш оҳаги, суюқ шиша ва кислотабардош цемент. Қурилиш оҳаги, оҳактош, бўр, чиганоқтош, доломитлашган оҳактош ва доломит сингари кальций, магнийли тоф жинсларини (углерод (IV) — оксида чиқарилгунинг қадар) пишириш маҳсулидир. У сувоқ қоришмаси, гишт териш қоришмаси ва пардоз қоришмаси паст марка бетон таркибига киради, бостирма остидаги қуруқ шароитларда ишлатиш учун мўлжалланган сунъий тош блок ва бошқа қурилиш ашёларини ишлаб чиқаришда қовуштирувчи материал сифатида ҳам ишлатилади.

Қурилиш оҳаги гилли аралашмалар таркибига кўра ҳавои ва гидравлик бўлади. Ҳавои оҳак кальцийли, магнезиаль ва доломитли бўлиши мумкин. Ҳом ашёни тайёрлаш ва уни пишириш ҳавои оҳак ишлаб чиқаришнинг асосий технологик босқичларидир. Ҳом ашёни тайёрлаш учун у майдаланади ва хилланади; пишириш чогида кальций (IV) — оксид парчаланиб



схема бўйича оҳак ҳосил бўлади.

Оҳактошни пишириш учун ичидан ўтга чидамли гишт терилган ва кўндаланг кесимли айланма печлар кўпроқ ишлатилади. Бу печлар бир кунда 25—120 тонна оҳак беради. Пишириш натижасида бўлакларининг катталиги 5—10 см келадиган сўндирилмаган мушт оҳак, сунгра эса туйилган сўндирилмаган оҳак — майда қилиб туйилган мушт оҳакнинг кукунсимон маҳсули олинади.

Ҳавои оҳак кесаги таркибида эркин кальций ва магний оксидларининг миқдори унинг сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичдир: шуларнинг миқдори қанча кўп бўлса оҳакнинг сифати шунча яхши бўлади. Сўндирилмаган ҳавои оҳак таркибидаги жами кальций ва магний оксидларининг миқдорига қараб уч хил навга бўлинади: I навда 90 фоиз кальций оксида ва 85 фоиз магний оксида, II навда шу тахлитда 80 фоиз ва 75 фоиз, III навда — шу тахлитда 70 фоиз ва 65 фоиз бўлади.

Сўндирилмаган туйилган оҳакнинг сифати қанчалик майда тортилганлигига қараб аниқланади: ҳамма навларнинг № 02 элакда қолган зарралари 1 фоиздан кўп

бұлмаслиги, күзи № 008 әлакда қолған зарралари 10 фоиздан ошиб кетмаслиги керак. Сүндирілган ҳавойи гидрат оxaк ёки "упа" сүндирілмаган oxaкни сув билан  $\text{CaO} + \text{H}_2\text{O} = \text{Ca(OH)}_2$  реакциясига мұвофиқ сүндиріб оли-надиган ниҳоятда майда қуруқ кукун бұлиб, шу реакция чөгіда анчагина иссиқ чиқади (1 кг oxaк 227 ккал иссиқ чиқаради).

Гидратлашда аввал пластик oxaк-хамир, сунгра иссиқ кукун ҳосыл бұлади ва ундан сув бугланиб кетади. Қурилиш oxaғы сүниш вақтига күра уч гурухта бұлинади: тез сүнадиган (8 дақықадан ошмайди), үртатача сүнадиган (8 дақықадан 25 дақықағача) ва секин сүнадиган (сүниш вақти 25 дақықадан күп) гурухлар.

Ҳавойи oxaкнинг хоссалари oxaк қоришимаси ва бетонларнинг зичлиги, ҳажмий массаси, пишиқлиги ва башқа күрсаткышлари билан таъриф-тавсифланади. Сүндирілмаган oxaкнинг зичлиги асосан пишириш ҳароратига боғлиқ бұлиб  $3,1 - 3,3 \text{ г}/\text{cm}^3$  ни ташкил қылади, гидрат oxaкнинг зичлиги эса кристалланиш даражасига қараб  $2,1 - 2,2 \text{ г}/\text{cm}^3$  бұлади. Сүндирілмаган oxaкнинг ҳажмий массаси қуйидаги миқёсда үзгәради: кесек oxaкники 1600 дан 1900  $\text{kg}/\text{m}^3$  гача, түйилган бұшақ үйилген ҳолатдаги oxaкники 900 дан  $1100 \text{ kg}/\text{m}^3$  гача ва түйилган зичлаشتырған ҳолатдаги oxaкники 1100 дан  $1300 \text{ kg}/\text{m}^3$  гача боради.

Oxaк қоришималари ва бетонларнинг пишиқлиги уларнинг қотиш шароитларыга боғлиқ бұлади. Сүндирілган oxaк негизидаги қоришка ва бетонлар оддий ҳароратда ( $10 - 20^\circ\text{C}$ ) секин қотади, орадан бир ой үтганидан кейингина сиқилишга чидамлилiği  $0,5 - 1,5 \text{ MPa}$  га әришади, гидратлы қотишка түйилган сүндирілмаган oxaк негизидаги қоришка ва бетонларнинг пишиқлиги 28 кундан кейин  $2 - 3 \text{ MPa}$  бұлади.

Эрийдиган ёки суюқ шиша (суюқ ҳолида ишлатилади) сувда әритилған натрий силикати  $\text{Na}_2\text{O} \cdot n\text{SiO}_2$  ёки калий силикати  $\text{K}_2\text{O} \cdot n\text{SiO}_2$  дан иборат бұлиб майдаланған кварц құмни  $\text{Na}_2\text{CO}_3 + n\text{SiO}_2 \rightarrow \text{Na}_2\text{O} \cdot n\text{SiO}_2 + \text{CO}_2$  реакциясига мұвофиқ кальцинацияланған сода ва натрий сульфат, әхуд поташ билан  $1300 - 1400^\circ\text{C}$  ҳароратда қовуштириш натижасыда олинаади. Суюқ шиша ҳавода қотади ва силикат бүең, кислота ва үтдан мұхофаза қыладыған суркаладиган модда, үтке чидамли ва иссиққа чидамли қоришка ва бетонлар тайёрлашда ишлатилади.

Кислотабардош цемент кремнийфторид натрий билан майдаланган кварц қумига суюқ шиша сувли әритмасини құшиб яхшилаб аралаштириш натижасыда ҳосил бұлади. Тортиш майдалиги элакда қолган зарралар миқдори билан аниқланади: № 008 құзли элакда қолгани 10 фоиздан ошмаслиги № 0056 құзли элакда қолгани 30 фоиздан ошмаслиги керак. Кислотага чидамли цемент кислотабардош сурков материалы сифатида, кимәвий аппаратларни қопловчи қовушоқ материал сифатида, кислотага чидамли қоришмалар ва бетонлар тайёрлашда құлланади.

#### 10. 1. 2. Гидравлик қовуштирувчи материаллар

Гидравлик оқак, портландцемент ва унинг хиллари пущолан ва шлак портландцементлар, гилтупроқ цемент ва бошқалар гидравлик қовуштирувчи материаллар гурухына киради.

Гидравлик оқак. Таркибида 6—25 фоиз гилтупроқ ва құмтупроқ аралашмалар тутувчи мергель оқактошларни қовушыб кетмагунига қадар мұттадил пишириш, кейин уни жуда майдалаш натижасыда олинадиган бириктирувчи моддага гидравлик оқак дейилади. Олинган маңсулотга сув құшилса аввал ҳавонинг үзида, сұнgra эса сувда ҳам қаттықлашади.

Хом ашени тайёрлаш (мергель оқактошни майдалаш ва хиллаш), уни 900—1000°C ҳароратда шахта печларидан пишириш ва тортиш гидравлик оқакни ишлаб чиқаришнинг асосий босқычларидир. Гидравлик оқак таркибиға эркін кальций оксиди, шунингдеск унинг силикатлар ( $2\text{CaO}/\text{SiO}_2$ ), алюминатлар ( $\text{CaO}/\text{Al}_2\text{O}_3$ ) ва ферритлар ( $2\text{CaO} \cdot \text{Fe}_2\text{O}_3$ ) қолидаги бирикмалари киради. Оқак таркибида эркін кальций оксиди қанча оз бұлса унинг гидравлик қаттықланиш қобилияты шунча юқори бұлади. Гидравлик оқак гидравлик модуль билан тавсифланади. Бу модуль кальций оксиди масса фоиз миқдорининг унинг кислота оксидлари фонда миқдорига бұлған нисбатидир:

$$\Gamma M = \frac{\text{CaO}\%}{(\text{SiO}_2 + \text{Al}_2\text{O}_3 + \text{Fe}_2\text{O}_3)\%}.$$

Гидравлик модулнинг сон қиймати 1,7—9,0 миқесіда үзгәради. Кучли гидравлик оқак ( $\Gamma M = 1,7—4,5$ ) ва кучсиз гидравлик оқак ( $\Gamma M = 4,5—9,0$ ) бұлади. Модулнинг қиймати 9,0 дан ошиб кетса оқак ҳавойига айланади. Гидравлик оқакнинг тортилиш майдалиги элакда қолган

бўлмаслиги, кўзи № 008 эзакда қолган зарралари 10 фоиздан ошиб кетмаслиги керак. Сўндирилган ҳавойи гидрат оҳак ёки "упа" сўндирилмаган оҳакни сув билан  $\text{CaO} + \text{H}_2\text{O} = \text{Ca}(\text{OH})_2$  реакциясига мувофиқ сўндириб олинадиган ниҳоятда майда қуруқ кукун бўлиб, шу реакция чогида анчагина иссиқ чиқади (1 кг оҳак 227 ккал иссиқ чиқаради).

Гидратлашда аввал пластик оҳак-хамир, сўнгра иссиқ кукун ҳосил бўлади ва ундан сув буғланиб кетади. Қурилиш оҳаги сўниш вақтига кўра уч гуруҳга бўлинади: тез сўнадиган (8 дақиқадан ошмайди), ўртача сўнадиган (8 дақиқадан 25 дақиқагача) ва секин сўнадиган (сўниш вақти 25 дақиқадан кўп) гуруҳлар.

Ҳавойи оҳакнинг хоссалари оҳак қоришмаси ва бетонларнинг зичлиги, ҳажмий массаси, пишиқлиги ва бошқа кўрсаткичлари билан таъриф-тавсифланади. Сўндирилмаган оҳакнинг зичлиги асосан пишириш ҳароратига боғлиқ бўлиб  $3,1 - 3,3 \text{ г}/\text{см}^3$  ни ташкил қиласи, гидрат оҳакнинг зичлиги эса кристалланиш даражасига қараб  $2,1 - 2,2 \text{ г}/\text{см}^3$  бўлади. Сўндирилмаган оҳакнинг ҳажмий массаси қўйидаги миқёсда ўзгаради: кесак оҳакники 1600 дан 1900  $\text{кг}/\text{м}^3$  гача, туйилган бўшақ ўйилган ҳолатдаги оҳакники 900 дан 1100  $\text{кг}/\text{м}^3$  гача ва туйилган зичлаштирилган ҳолатдаги оҳакники 1100 дан 1300  $\text{кг}/\text{м}^3$  гача боради.

Оҳак қоришмалари ва бетонларнинг пишиқлиги уларнинг қотиш шароитларига боғлиқ бўлади. Сўндирилган оҳак негизидаги қоришма ва бетонлар оддий ҳароратда ( $10 - 20^\circ\text{C}$ ) секин қотади, орадан бир ой ўтганидан кейингина сиқилишга чидамлилиги  $0,5 - 1,5 \text{ МПа}$  га эришади, гидратли қотишда туйилган сўндирилмаган оҳак негизидаги қоришма ва бетонларнинг пишиқлиги 28 кундан кейин 2-3 МПа бўлади.

Эрийдиган ёки суюқ шиша (суюқ ҳолида ишлатилади) сувда эритилган натрий силикати  $\text{Na}_2\text{O} \cdot n\text{SiO}_2$  ёки калий силикати  $\text{K}_2\text{O} \cdot n\text{SiO}_2$ , дан иборат бўлиб майдалангандан кварц қумни  $\text{Na}_2\text{CO}_3 + n\text{SiO}_2 \rightarrow \text{Na}_2\text{O} \cdot n\text{SiO}_2 + \text{CO}_2$  реакциясига мувофиқ кальцинацияланган сода ва натрий сульфат, ёхуд поташ билан  $1300 - 1400^\circ\text{C}$  ҳароратда қовуштириш натижасида олинади. Суюқ шиша ҳавода қотади ва силикат бўёқ, кислота ва ўтдан муҳофаза қиласиган суркаладиган модда, ўтга чидамли ва иссиқка чидамли қоришма ва бетонлар тайёрлашда ишлатилади.

Кислотабардош цемент кремнийфторид натрий билан майдаланган кварц қумига суюқ шиша сувли эритмасини күшиб яхшилаб аралаштириш натижасида ҳосил бўлади. Тортиш майдалиги элакда қолган зарралар миқдори билан аниқланади: № 008 кўзли элакда қолгани 10 фоиздан ошмаслиги № 0056 кўзли элакда қолгани 30 фоиздан ошмаслиги керак. Кислотага чидамли цемент кислотабардош сурков материали сифатида, кимёвий аппаратларни қопловчи қовушоқ материал сифатида, кислотага чидамли қоришмалар ва бетонлар тайёрлашда қўлланади.

#### 10. 1. 2. Гидравлик қовуштирувчи материаллар

Гидравлик оҳак, портландцемент ва унинг хиллари пущолан ва шлак портландцементлар, гилтупроқ цемент ва бошқалар гидравлик қовуштирувчи материаллар гуруҳига киради.

**Гидравлик оҳак.** Таркибида 6—25 фоиз гилтупроқ ва қумтупроқ аралашмалар тутивчи мергель оҳактошларни қовушиб кетмагунига қадар мұттадил пишириш, кейин уни жуда майдалаш натижасида олинадиган бириктирувчи моддага гидравлик оҳак дейилади. Олинган маҳсулотга сув қўшилса аввал ҳавонинг ўзида, сунгра эса сувда ҳам қаттиқлашади.

Хом ашени тайёрлаш (мергель оҳактошни майдалаш ва хиллаш), уни  $900\text{--}1000^{\circ}\text{C}$  ҳароратда шахта печларида пишириш ва тортиш гидравлик оҳакни ишлаб чиқаришнинг асосий босқичларицир. Гидравлик оҳак таркибида эркин кальций оксиди, шунингдек унинг силикатлар ( $2\text{CaO}/\text{SiO}_2$ ), алюминатлар ( $\text{CaO}/\text{Al}_2\text{O}_3$ ) ва ферритлар ( $2\text{CaO} \cdot \text{Fe}_2\text{O}_3$ ) ҳолидаги бирикмалари киради. Оҳак таркибида эркин кальций оксиди қанча оз бўлса унинг гидравлик қаттиқланиш қобилияти шунча юқори бўлади. Гидравлик оҳак гидравлик модуль билан тавсифланади. Бу модуль кальций оксиди масса фоиз миқдорининг унинг кислота оксидлари фоиз миқдорига бўлган нисбатидир:

$$\Gamma M = \frac{\text{CaO}\%}{(\text{SiO}_2 + \text{Al}_2\text{O}_3 + \text{Fe}_2\text{O}_3)\%}.$$

Гидравлик модулнинг сон қиймати  $1,7\text{--}9,0$  миқёсида ўзгаради. Кучли гидравлик оҳак ( $\Gamma M=1,7\text{--}4,5$ ) ва кучсиз гидравлик оҳак ( $\Gamma M=4,5\text{--}9,0$ ) бўлади. Модулнинг қиймати 9,0 дан ошиб кетса оҳак ҳавойига айланади. Гидравлик оҳакнинг тортилиш майдалиги элакда қолган

зарралари билан белгиланади: №2 күзли элакда қолгани 1 фоиздан, № 008 күзли элакда қолгани эса 10 фоиздан ошмаслиги керак. Гидравлик оҳакнинг зичлиги  $2,6 - 3,0 \text{ г}/\text{см}^3$ , бўшақ уйилган ҳолатдаги ҳажмий массаси  $700 - 800 \text{ кг}/\text{м}^3$ , зичдаб уйилган ҳолатдаги ҳажмий массаси эса  $1000 - 1100 \text{ кг}/\text{м}^3$ . Гидравлик оҳакнинг қотиш муддати таркибидаги эркин кальций оксиди миқдорига боғлиқ бўлиб, қота бошлиши 30 дақиқадан 2 соатгача, тамоман қотиб бўлиши 8 соатдан 16 соатгача боради. Гидравлик оҳакнинг пишиқлиги пластик қоришмадан 1:3 (оҳак: қум) нисбатда тайёрланган стандарт намуна кубикларнинг сиқилишга пишиқлик ҳадди билан аниқланади.


ГОСТ га мувофиқ кучсиз гидравлик оҳак 21 кун ҳавода ва 7 кун сувда (28 кун мобайнида) сақланганидан сўнг унинг пишиқлиги  $1 - 2 \text{ МПа}$ , 7 кун сақланган кучли гидравлик оҳакнинг пишиқлиги камида  $1 \text{ МПа}$ , 28 кун сақланганидан кейин эса  $5 \text{ МПа}$  чамаси бўлади.

Гидравлик оҳак унча пишиқ бўлмайди, ҳавоини оҳакка нисбатан қуруқ ва намхуш муҳитда кўпга чидайди ва паст маркадаги снгил ва оғир бетонларни, сувоқ қоришмаси ва гишт териш қоришмасини тайёрлашда қўлланади. Одатда маҳаллий хом ашёдан тайёрланадиган бу арzon боғловчи материал қимматбаҳо ва тақчил цемент ўрнида иштилиши мумкин.


Портландцемент оҳактош ва гилдан тузилган сунъий хом ашё аралашмалари ёки табиий мергелни батамом қовушгунига қадар пишириш натижасида олинадиган цемент клинкерини жуда майда қилиб тортиш маҳсулидир. Портландцемент ва унинг турлари юксак механик хоссаларга эга бўлиб муҳим боғловчи материал, ҳозирги замон қурилиш индустрисининг негизи бўлмиш бетон ва темир-бетоннинг асосий компонентлариdir. Мамлакатимизда энг янги технологияларни қўллаш асосида шу қурилиш материалларини ишлаб чиқариш муттасил кўпайиб бормоқда. Мамлакатимизнинг илгор корхоналарида 1 тонна цемент  $7 - 9$  сўмга тушмоқда, 1 ишчи бир йилда  $3000 - 3500$  тонна цемент бермоқда.

Портландцемент йигма ва якпора темир-бетон, қурилиш ашёлари ва иншоотлари, енгил ва ғалвирак кўпикбетон ва газбетон тайёрлашда, цемент қоришма ва аралаш қоришма цемент фибролити ва ҳоказолар тайёрлашда қўлланади. Клинкер олиш ва уни портландцементга айлантириш асосий босқичлар бўлади. Портландцемент ҳўл усул ва қуруқ усул билан олинади. Бу

усуллар цементнинг сифати ва таннархига материал сарфи ва энергетика ресурсларига анча таъсир этади. Ҳўл усул билан (50-расм) ишлаб чиқаришда аралашманинг унча майдаланмаган компонентлари дозалангач, сув билан аралаштириш ва такрорий майдалаш учун ҳовузга ўтказилиб, аталасимон масса (шлам) ҳосил қилинади. Сўнгра бу шлам қувур тегирмонга ўтказилади ва у срда янада майдалаб тортилади. Шундан кейин шлам ҳовузга тушади, бу жойда хом ашё аралашмалари компонентларининг таркиби назоратдан ўтади ва белгиланган мсьёрдан четланиш бўлса шлам таркиби ростлаб қўйилади. Ростлаш жараёнда компонентнинг камомади тўлдирилади. Ниши-



50-расм. Ҳўл усул билан портландцемент ишлаб чиқариш схемаси.




51-расм. Цемент клинкери ҳосил қилишда ишлатиладиган айланма печь схемаси:

1 — мўри; 2 — материал бостириш қурилмаси; 3 — қувур печь; 4 — мағізала; 5 — совутмоҷ; 6 — форсунка.

ришга тайёрланган шлам айланадиган металл қувур печга үтади (51-расм). Бу печнинг ичи ўтга чидамли материал билан қопланиб горизонтгага нисбатан 3—4° бурчак ҳосил қилиб ўрнатилган бўлади. Пиширилаётган аралашма печнинг юқори қисмидан қўйи қисми сари ўтар экан шу қўйи қисмда ўрнатилган форсункада ёнилгининг ёнишидан ҳосил бўлувчи ҳаракатдаги ўтхона газларининг таъсирига дуч келади. Тошкўмир кукуни, газ, мазут ва ҳоказолардан ёнилги сифатида фойдаланилади. Машъала ҳосил бўлиш зонасида пиширилаётган шламнинг ҳарорати максимал қийматга чиқади ва  $1350-1450^{\circ}\text{C}$  бўлади. Қувур печнинг диаметри 2,5—5 м, узунлиги 40—200 м, печ 1 дақиқада 2 марта айланади ( $0,02-0,05\text{c}^{-1}$ ).

Пишириш жараёнида эркин ва кимёвий боғланган сув буғланиб кетади, оҳактош  $\text{CaO}$  ва  $\text{CO}_2$  га, гил эса  $\text{Al}_2\text{O}_3$ ,  $\text{SiO}_2$  оксидлари ва  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  га парчаланади, шунингдек аралашманинг бир қанча компонентлари қисман суюқланаб клинкер бўлиб қовушади. Ҳосил бўлган сув буғлари



52-расм. Қуруқ усул билан портландцемент ишлаб чиқариш схемаси.

ва углерод диоксиди печдан мүри орқали чиқиб кетади. Олинган клинкер холодильникда совутилади. Айланадиган печлар икки турдаги холодильниклар билан таъминланиши мумкин: колосникили холодильникда силжиётган клинкер қатламига совуқ ҳаво индивидуал келтирилади, еҳуд рекуператорлар — чўян цилиндрларда клинкер цилиндрларнинг маҳсус тешиги орқали сўриладиган совуқ ҳаво билан совутилади. Меъсрдаги ҳароратга қадар совутилган 0,5 см дан 5 см га қадар борадиган қумоқ ҳолидаги клинкер омборга ўтказилади. Омбор яқинида жойлашган цемент тортиш цехида клинкер олдин дробилкада бир оз майдаланади, қувур тегирмонларда эса жуда майдаланади, сунгра сақлаш учун цемент силосларига ўтказилади. Тайёр портландцемент силосдан олинади ва 50 кг дан қилиб тортиб кўп қават қозог қопларга солинади. Цемент тарасиз жўнатиладиган бўлса контейнерларга, цемент ташийдиган автомобилларга, ёки маҳсус жиҳозланган вагонларга ортилади.

Қуруқ ишлаб чиқариш усулида (52-расм) хом ашё аралашмасининг компонентлари майдаланади, қутилилади, тортилади, дозаланади ва силосларга жўнатилади. Кукун "хом ашё толқони" ҳолидаги хом ашё аралашмаси айланадиган печь ёки шахта печига тушади.

Хом ашё аралашмасини тайёрлаш иккала усулининг ўз афзалликлари ва камчиликлари бор. Ҳул усулда материалларни майдалаш сингиллашади ва аралашма кўпроқ бир жинсли бўлиб қолади, лекин ёқилги ва электр энергия сарфи 1,3—1,5 марта кўпаяди, ҳул хом ашё аралашмасини пишириш айланадиган печни катталашибарни заруратини тақозо қиласди. Олинадиган клинкер сифатининг пасайиб кетиши қуруқ усулининг камчилиги бўлиб унинг ишлатилишига монелик қилиб туради. Аммо кейинги йилларда қуруқ аралашмаларни жуда майдалаш техникаси ва технологиясининг ривожланиши туфайли қуруқ усул билан юқори сифатли портландцемент ҳосил қилиш имкониятлари вужудга келди.

Саноатда цемент ишлаб чиқариш комбинациялашган усулидан ҳам фойдаланилади. Бу усулга биноан хом ашё материаллар сув муҳитида майдаланади, олинган аталасимон материалнинг суви қочирилади, гранулларга (қумоқлар) айлантирилади, сунгра қуруқ усул схемасига мувофиқ пиширилади. Портландцемент клинксерининг таркибига тўртта асосий минерал: учкальцийли силикат ёки алит ( $C_3S$ ), қўшкальцийли силикат ёки белит ( $C_2S$ ),

учкальцийли алюминат ( $C_3A$ ) ва тўрткальцийли алюмоферрит ( $C_4AF$ ) киради.  $C_3S$  ва  $C_2S$  силикатларининг жами клинкер ҳажмининг 70—80 фоизини,  $C_3A$  ва  $C_4AF$  кристаллар ва бошқа иккинчи даражали минераллар 25 фоизга яқинни ташкил қилади. Клинкер таркибида магний оксиди  $MgO$ , кальций оксиди  $CaO$ , калий оксиди  $K_2O$  ва хом ашё аралашмасидан клинкерга ўтиб қоладиган бошқа хил оксидлар кириши мумкин. Клинкерда эркин магний ва кальций оксидлари бўлса цементнинг сифатини пасайтириб юборади ва булар ёриқлар пайдо булишига ва ашёларнинг қийшайишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам клинкер таркибида йўл қўйиш мумкин бўлган эркин магний оксиди 5 фоизгача чекланади, кальций оксиди миқдори эса маҳсус синовлар билан белгиланади.

Клинкернинг минерал таркиби портландцементнинг қотиш ва қаттиқланиш даврига анча таъсир этади. Портландцементга сув қўшиш жараённида пластик цемент хамири ҳосил бўлиб кейин у қуюқлашади. Талаб этилган сув миқдори цемент массасининг 15 фоизга яқинини ташкил қилади, лекин цемент хамири мсьёрида қуюқ бўлмоги ва унинг ҳаракатчанлигини таъминлаш учун сув 24—28 фоизгача чиқарилади. Цементга сув қўшган вақтдан то унинг қуюқлангунича ўтган давр цементнинг қотиш даври дейилади. Бирмунча тез (бир неча соат мобайнида) ўтадиган қотиш давридан сўнг ойлаб ва йиллаб давом қиладиган қаттиқланиш жараённи бошланади ва бу вақтда цемент тоши секин-аста қаттиқлашиб боради. Портландцементнинг қотиши ва қаттиқланиши уч босқич билан ўтади: тайёргарлик ёки қоришиш даври, коллоидланиш — коагуляцион тузилишга ўтиш даври, коагуляцион — кристалл тузилишга (цемент тоши) ўтиш узил-кесил даври.


Қотиш муҳлатини ростлаш учун клинкер таркибида 5 фоиз гипс қўшилади.

Портландцементнинг хоссаси. Зичлик ва уйилма массасининг ҳажми, тортиш майдалиги, қотиш муддатлари, қаттиқлашаётганида ҳажмининг бир маромда ўзгариши, иссиқ чиқариш, цемент тошининг пишиқлиги, коррозион чидамлилик ва ҳоказолар портландцементнинг асосий хоссаларидир. Портландцементнинг зичлиги 3,0—3,2 г/см<sup>2</sup>, уйилган бўшақ ҳолатдаги ҳажмий массаси 900—1100 кг/м<sup>3</sup>, зичлаштирилган ҳолатдаги ҳажмий массаси 1700 кг/м<sup>3</sup> гача ортади.

Төртилган портландцементнинг исчоғлиқ майдалиги қотиш ва қаттиқланиш муддатларига, шунингдек цемент тошининг пишиқлигига таъсир этади. Цемент қанчалик майда тортитлан бўлса унинг қотиш ва қаттиқланиш жараёнлари шунчалик тез ўтади, пишиқлиги тезроқ кўтарилади. ГОСТ га биноан № 008 кўзли элакдан цемент массасининг камидаги 85 фоизи ўтмоғи лозим. Цемент кукунининг солиши турма юзи 1 г массага тўғри келадиган доналарнинг 1 см<sup>2</sup> майдони билан тавсифланади. Оддий портландцементда бу кўрсаткич 2000—3500 см<sup>2</sup>/г ни ташкил қилади.

Портландцементнинг қотиш муддатлари техник шартлар билан белгилаб берилган: қотиш 45 дақиқадан олдин бошланмаслиги керак, қотиб бўлиш эса 10 соатдан ошиб кетмаслиги керак. Цементга сув қўшган пайтдан бошлаб цемент хамири қуюқлаша бошлаганига қадар ўтган вақт қота бошлаш вақти деб, сув қўшган пайтдан бошлаб цемент хамири пластиклигини йўқотгунича ўтган вақт қотиш пировард вақти деб олинади. Ҳамма хил цемент қаттиқлашашётганида ҳажмини бир текисда ўзгартира олмоғи лозим. Аммо бир қанча ҳолларда цемент тоши қаттиқлашашётганида катта ички зўриқишлилар вужудга келиб ҳажмий деформациялар юз беради. Шу билан бирга эркин магний ва кальций оксидлари сув билан ўзаро таъсирга киришиб цемент тошининг ҳажми нотўғри ўзгариши, у қийшайиб ва ёрилиб кетиши мумкин. Қаттиқланиш чоғидаги ҳажмнинг нотекис ўзгариши тегишили цемент хамиридан тайсланган на-муна кулчалар воситасида синалади. 53-расмда қаттиқланиш чоғида ҳажмнинг бир текис ўзгариш синовига чидаш берган ва бермаган намуналарнинг умумий кўрининиши берилган.

Цемент клинкерининг сув билан ўзаро таъсир реакцияси экзотермик тусда бўлиб иссиқ чиқиши билан ўтади. Иссиқ чиқариш дастлабки 7 кунлик қаттиқла-



53-расм. Цемент хамир кулчалар:  
а — қаттиқлашиш чоғида ҳажмнинг бир маромда ўзгариш синовига чидаш бергани; б — бундай синовига чидаш бермагани.

ниш мобайнида 1 г цемент чиқарған иссиқлик миқдори билан аниқланади. Минералогик таркибага қараб цемент чиқарадиган иссиқлик 40—80 ккал/г (165—330 кЖ/г) миқссида бұлади.

Цементтің пишиқлиги мұхим күрсаткыч бұлып унинг маркасینи белгилайди. Сиқилишга пишиқлик ҳаддининг ўртаса қиймати цемент фаолигини күрсатади. Пишиқлик синови ГОСТ га биноан 40x40x160мм үлчамдаги намуна балка таёдан фойдаланыб үтказилади. Балка масса жиҳатидан бир қисм цемент ва уч қисм мсъердаги кварц қумидан иборат цемент — құм қоришимасидан тайсранади. Цементтә құшыладын сув миқдори қоришиманинг консистенцияси билан аниқланади. Олинган намуналар ұғоннинг нисбий намлиги 90 фоиздан кам бұлмагани ұлда 20°C ұароратда қолипларда, сұнгра ұша ұароратда 27 кун сувда сақланади. Намуна балкалар қаттықланишининг 28-кунида әғилиш ва сиқилишга синалади ва портландцементтің маркаси аниқланади.

Саноат түрт хил маркада: 400, 500, 550 ва 600 маркаларда портландцемент ишлаб чиқаради. Уларнинг механик хоссалари 25-жадвалда берилген маълумотлар билан тавсифланади.

#### 25. Портландцементтің механик хоссалари

Марка	Пишиқлик ҳади, МНа	
	Эгилишта	Сиқилишта
400	5,5—5,9	40—49
500	6,0—6,1	50—54
550	6,2—6,4	55—59
600	6,5 ва ундан күп	60 ва ундан көп

Портландцементтің коррозияга чидамлилиги атроф мұхиттің уч асосий омил билан вужудға келувчи смирувчи таъсирига чидамлилиги билан тавсифланади:

- кальций гидрооксиди  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  эритилиб ювиб ташланади ва бунинг натижасыда галвирак (пучак) цемент тоши ҳосил бұлып унинг пишиқлиги пасаяди;

- цемент тошининг компонентлари билан алмашиныш реакцияларында киришиб сувда әрийдиган маңсулотлар ҳосил қыладын намакобни таъсир эттириш;

- сувда бұлған сульфатларнинг таъсирида цемент тошининг говакларыда оз әрийдиган бирикмалар ҳосил қилиш; бундай бирикмалар йигилиб говак деворларыда

тортувчи зўриқишиларни вужудга келтиради ва цемент тошини бурдалаб юборади.

Фаол минерал қўшимча моддалардан фойдаланиш, бетон қуяётиб уни жадал зичлаштириш, иншоотларни гидроизоляциялаш, сув чиқариб ташлайдиган қурилмалар ва дренажлар қуриш орқали бетон иншоотларнинг коррозион чидамлилиги оширилади.

Портландцементнинг маҳсус турлари. Портландцементга тегишли механик ва технологик хоссалар баҳш этиш ва унинг таннархини арzonлаштириш учун клинкер тортилаётганида унга фаол минерал моддалар ва бошقا моддалар қўшилади. Қўшимча моддалар цементларнинг сувга, совуқга ва коррозияга қарши чидамлилигини оширади.

Фаол минерал қўшимча моддалар табиий ва сунъий бўлади. Диатомит, трепел, кул, туф каби чўкинди ва вулкан төғ жинслари одатда табиий қўшимча моддалар сифатида, қумоқ домна шлаги, шунингдек турли гил жинсларни пишириб олинадиган керамзит ва аглопорит сунъий қўшимча модда сифатида ишлатилади. Цементларнинг асосий технологик хоссаларини ростловчи моддалар орасида пластификатор ва гидрофоб — сув юқтирамайдиган моддалар кўп ишлатилади. Пластификатор моддалар цементқум қоришмасини мулоим қилади, гидрофоб моддалар эса цементга сув қўшаётганда доналари бетини унга ҳўл қилмайди.

Саноатимиз маҳсус мақсадларда ишлатилувчи 40 хилдан ортиқ тур ва маркада портландцемент ишлаб чиқармоқда. Портландцементнинг асосий турлари тез қотадиган, пластификатор, сульфатга чидамли, гидрофоб, оқ ва рангли, шунингдек пущалонли ва шлакли, гилтупроқли ва ҳоказо портландцементлардир.

Тез қаттиқлашадиган портландцемент бошлангич қаттиқланиш даврида пишиқлиги янада жадал ортиб бориши билан оддий портландцементдан фарқ қилади. Тез қаттиқланадиган уч кунлик цемент намуналарининг пишиқлик ҳадди 25 МПа дан кам эмас. Клинкер таркибидаги учкальцийли силикатни 60—65 фоизга ва учкальцийли алюминнатни 10—12 фоизгача етказиш, қўшиладиган гипсни кўпайтириш ва эркин кальций оксиди ва магний оксиди миқдорини камайтириш орқали, шунингдек клинкерни янада майдароқ тортиш туфайли дастлабки уч кунда цемент тез қаттиқланишига эришилади. Клинкер таркибига 10 фоизгача фаол минерал

моддалар ва 15 фоизгача құмоқ домна шлакларини құшиш мүмкін бўлади. Тез қаттиқланадиган портландцемент якпора бетондан иншоот, емирувчи муҳитлар таъсирига учрамайдиган бетон ашёлар ва темир-бетон ашёлар ҳамда конструкциялар тайёрлашда, қурилиш конструкция чокларини эрта муддатларда ғоятда пишиқ қилиб бириктириш мақсадида ишлатилади.

Портландцемент клинкери билан цемент массасининг (0,3 фоизига қадар) пластификация құлувчи модда билан биргаликда майда қилиб тортиш натижасида пластификация этилган цемент ҳосил бўлади. Сульфит—ачитқи бўзаси концентрати энг кўп тарқалган құшимча моддадир. Сув құшиш жараёнида пластификация этилган цемент зарралари яхшироқ ҳулланиб улар орасида ички ишқаланиш камаяди, цемент хамири билан бетон аралашмаси одий портландцемент негизида тайёрланган аралашмага нисбатан анча мулоим бўлиб қолади. Аммо пластификация этилган портландцемент одий портландцементга нисбатан сустроқ қотади ва кечроқ пишиқади. Совуққа чидамлилик юзасидан каттароқ талаблар қўйиладиган бетон тайёрлашда пластификация этилган портландцемент кўпроқ ишлатилади.

Сульфатга чидамли портландцемент сульфитли сувларнинг емирувчи таъсирига ғоятда чидамли бўлса-да, бошлангич муддатларда одий портландцементга нисбатан қаттиқланиши сустроқ боради. Клинкернинг минерал таркибига 50 фоизгача  $C_3S$ , 5 фоизгача  $C_3A$  ва 22 фоизгача  $C_3A + C_4AF$  киради. 0,3 фоизгача пластификация этувчи моддалар қүшилиши мүмкін. Гидротехника иншоотларини қуришда ва сульфитли сув таъсирига дучор бўладиган бетон ва темир-бетон конструкцияларни ишлаб чиқаришда сульфитга чидамли портландцементдан фойдаланилади.

Гидрофобланган портландцемент — портландцемент клинкери билан цемент массасининг 0,3 фоизига қадар миқдордаги гидрофоблайдиган моддани биргаликда тортиш маҳсулидир. Қўшилайдиган бу модда таркибига нефтни қайта ишлаш маҳсуллари бўлмиш суюқликлар ва сурков мойисимон маҳсуллар киради. Шуларнинг таъсирида цемент зарраларининг юзида ғоят юпқа гидрофоб пардалар ҳосил бўлиб, цементнинг гигроскоплигини пасайтириш ва уюшиб қолишини камайтиришга ёрдам берадиган, очиқ ҳавода цемент фаолигини йўқотмагани ҳолда узоқ муддат сақланишига шароитлар

аратади. Гидротехника иншоотларини қуришда, сув үтказмайдыган ва союқقا чидамли бетонлар тайерлашда, шунингдек биноларни суваш ва устидан қоплама югуртиришда гидрофобланган портландцементдан яхши фойдаланилади.

Оқ ва рангли портландцемент түрли ажамиятдаги бинолар ва иншоотларнинг ташқариси ва ичкарисини сувашда, панеллар ва блокларни қоплашда декоратив материал сифатида, сунъий мармар, цемент бүёкларини тайерлашда ва бошқа мақсадларда ишлатылади. Оқ цемент оз темири оқ клинкерни цемент массасининг 20 фоизгача олинган фаол минерал құшимча модда билан бирга туиб ҳосил қилинади. Клинкер таркибида 35—50 фоиз  $C_3S$ , 35—45 фоиз  $C_2S$ , 14—17 фоиз  $C_3A$ , 0,9—1,4 фоиз  $C_4AF$  ва 4,5 фоизгача  $MgO$  бұлади. Олинган клинкер сув усули ва газ усули билан оқланади. Майда қилиб тортылған оқ цемент №008 күзли злакдан үтказилганида намуна массасининг нариси билан 12 фоиз зарраси злакда қолиши керак. Оқ цементнинг сифати оқлиги ва ёрқинлиги билан белгиланади ва ана шу аломатларига құра уч навга: олий, БЦ-Т ва БЦ-II маркалы навларга бўлинади ва уларнинг ёрқинлик коэффициенти 80,76 ва 72 фоиз бўлади. Ёрқинлик коэффициенти фотомер ёрдамида аниқланади; акс эттириш коэффициенти 96,3 фоиз бўлган барий сульфит этalon сифатида қабул қилинганди.

Рангли портландцементлар оппоқ меланж клинкер, ёхуд рангли клинкерга гипс, актив минерал моддалар ва бүёклар (пигмент) құшиб майдалаш натижасида олинади. Цементта сариқ тус берадиган охрадан, қизил тус берадиган сурикдан, жигарранг ва қора қиласыдан марганец диоксидидан, яшил қиласыдан хром оксидидан, зангори қиласыдан кобальт оксиди ва ультрамариндан пигмент сифатида фойдаланилади. Рангли портландцементларнинг сифати бүёкнинг ёрқинлиги ва текис бўяши билан белгиланади. Рангли цемент тасдиқланган эталонларга мувофиқ сидирга рангда бўлмоғи лозим: силлиқ сиртга тўкилган бирдай рангдаги икки намуна чоки чегарасида ранг фарқи бўлмаслиги керак.

Оқ цемент ва рангли цемент оддий портландцементларга нисбатан секинроқ қотади ва қаттиқлашади. Пишиқлик кўрсаткичлари жиҳатидан уч хил маркада: 300, 400 ва 500 маркалар билан чиқарилади; коррозияга ва союқقا чидамлилiği past.

Пуццолан портландцемент ва шлак портландцемент, гилтупроқ цемент. Пуццолан портландцемент — сувда ва намлик шароитларида қаттиқлашадиган боғловчи моддадир. У портландцемент клинкери, кислотали фаол минерал модда ва гипсни аралаштириб майда қилиб туйиш маҳсулидир. Қўшиладиган фаол минерал модда таркибига 20—30 фоиз чўқинди модда ва 25—40 фоиз вулкан жинси киради. Зарурат туғилса пуццолан портландцемент клинкерига пластификатор ёки гидрофоб модда қушилади. Цемент №008 кўзли элакдан элакла-насттан цемент намунасининг камидаги 85 фоизи ўтиб кетадиган даражада майда тортилган бўлиши керак. Пуццолан портландцементнинг бошлангич қаттиқланиш даврида пишиқлиги секин ортади, аммо кейинги даврларда унинг пишиқлиги ортиб боради ва оддий портландцемент пишиқлигига етади. Намлик шароитларида ёки сувда қаттиқланишда пишиқлик айниқса тез ортади. Пуццолан портландцементнинг қотиш муддатлари оддий портландцементни сингари булиб сув қўшилганидан сўнг 45 дақиқа ўтганидан кейингина қота бошлаб, кечи билан 12 соатда қотиб бўлади. Пуццолан портландцемент сув ўтказмайди ва сувга чидамли, оддий портландцементга нисбатан коррозиянинг айрим турларига кўпроқ чидамли. Лекин пуццолан портландцемент совуққа унча чидамайди. Мана шу нарса унинг камчилигидир. Пуццолан портландцементнинг уйилган бўшақ ҳолатдаги ҳажмий массаси  $800-1000 \text{ кг}/\text{м}^3$ ; зич ҳолатдаги ҳажмий массаси эса  $1200-1500 \text{ кг}/\text{м}^3$ ; цементнинг зичлиги  $2,7-2,9 \text{ г}/\text{см}^3$ . Пуццолан портландцемент 300, 400 ва 500 маркалар билан тайёрлаб чиқарилади. У ер ости ва сув ости ишшоотларини бетон ва темир-бетон конструкцияларни тайёрлашда (уларга сув ўтказмаслик ва сувга чидамлилик жиҳатларидан юксак талаблар қўйилади), шунингдек сернам шароитларда ишлатиладиган, лекин кўп марта музлатилмайдиган ва эритилмайдиган ердаги оддий конструкциялар учун бетон тайёрлашда қўлланади.

Шлак - портландцемент — портландцемент клинкери, қумоқ домна шлаги ва гипсни аралаштириб тортиш маҳсулидир. Суюқлантирилган домна шлагини ишлаш натижасида олинадиган туйилган қумоқ домна шлаги боғловчи хоссаларга эга булиб сув қўшганда қаттиқлашади. Унинг миқдори тахминан 21—80 фоиз бўлмоги керак. Цемент ишлаб чиқаришда ишқорли ва кислотали домна шлакларидан фойдаланишининг катта халқ хўжалик

аҳамияти бор. 50 фоизгача құмоқ домна шлаги құшилған цемент тез қаттықланадиган бұлиб қолади ва унинг пишиқлиги оддий портландцементта нисбатан анча тез ортади. Шлак-портландцемент бир қанча хоссалари жиҳатидан пуццоланцементта үшшаб кестсада, аммо 15—20 фоиз арzonга тушади. Шлак-портландцемент қуруқ мұхитда ишлатилгани билан пишиқлиги пасаймайди. Цемент ишлаб чиқариш умумий ҳажмида шлак-портландцемент салмоги 25 фоизга яқин булади. Шлак-портландцементтің тортилиш майдалиги ва қотиш муддатлари оддий портландцементники сингаридір. Шлак-портландцементтің зичлиги 2,8—3,1 г/см<sup>2</sup>, уйилған бұшақ ҳолатдаги ҳажмий массаси 1100—1300 кг/м<sup>3</sup>, зич ҳолатдаги ҳажмий массаси эса 1400—1600 кг/м<sup>3</sup>. Шлак-портландцементтің сув ўтказувчанлиги ва сувга чидамлилиги пуццолан портландцемент күрсаткічлари даражасыда, союққа чидамлилиги эса ундан пастроқ. Шлак-портландцемент қаттықланастганида камроқ иссиқли с чиқади. Шлак-портландцемент 300, 400 ва 500 маркалар билан, тез қаттықлашадигани эса 400 маркаси билан чиқарилади. Бу цементлар смирувчи мұхит таъсирига дүч келадиган бетон ва темир-бетон конструкцияларни тайерлашда, турлы қурилиш қоришималарини ҳосил қилиш бошланғич босқичларда юксак пишиқлик талаб этиладиган ҳолларда ана шу цемент ишлатилади.

Гилтупроқ цемент — сергилтупроқ оқактош ва бокситдан иборат хом ашө аралашмасини суюқлантириб еки қовуштириб олинған клинкерни тортиш маңсулидір. Клинкерда заиф ишқорлы кальций алюминат, бириңчи навбатда бирқальцийли алюминат  $\text{CaOAl}_2\text{O}_3$  устун кесмоги лозим. Тегирмонда тортиш жараснини снгиллаштириш учун клинкер таркибиға 1 фоизгача махсус моддалар құшиш мүмкін бұлади. Шундай минералогик таркиб туфайли гилтупроқ цемент тездә қаттықлашади ва сув құшилған пайтдан бошлаб уч күн үтгач марканинг белгиланған тұла пишиқлигига эга бұлади. Цементтің қота бошлаши учун кам деганда 30 дақыла керак, тамоман қотиб бұлиши 12 соатдан ошмайди, мөсьердаги қуюқлика хамир олиш учун талаб этиладиган сув 24—28 фоиз миқёсіда бұлади. Қаттықланиш чогида иссиқ чиқишини камайтириш, шунингдес таннархни арзонлаштириш учун бир қанча ҳолларда гилтупроқли цементтә 20—30 фоизгача домна құмоқ шлаги құшилади. Тортилған цементтің №008 құзғалы злакда қоладиган миқдори

намуна массасининг 10 фоизидан ошмайдиган даражада майда булиши керак. Гилтупроқ цементнинг зичлиги  $3,0-3,3 \text{ г}/\text{см}^3$ , үйилган бушақ ҳолатдаги ҳажмий массаси  $1000-1300 \text{ кг}/\text{м}^3$  ва зичлашган ҳолатдаги ҳажмий массаси  $1400-1800 \text{ кг}/\text{м}^3$ .

Гилтупроқ негизидаги бетонлар портландцементга нисбатан сувга, совуққа ва иссиққа күпроқ чидамли бўлади, говаклилиги камроқ бўлади. Саноат сиқилишдаги пишиқларига қараб уч хил маркада: 400, 500 ва 600 маркада гилтупроқ цемент ишлаб чиқармоқда. Намуналар тайёрланганидан сўнг уч кун ўтгач синааб кўрилади. Гилтупроқ цемент қисқа муддат ичидаги бетон ғоятда пишиқ бўлиб этилиши талаб этиладиган, шунингдек кўп марта музлаш ва эришга, намланиш ва қуришга дучор бўладиган бетон ва темир-бетон конструкциялар тайёрлашда ишлатилади. Чокларни бетонлашда, қиш-шароитларида ёки смирувчи муҳитларда ишлайдиган иншоотларни ремонт қилиш, иссиққа чидамли бетонларни тайёрлашда гилтупроқ цемент ишлатган маъқул.

#### 10. 1. 3. Богловчи минерал материалларни етказиб бериш, ташиш ва сақлаш

Богловчи материаллар истеъмолчиларга тўп-тўп қилиб юборилади. Тўпларга илова этиладиган паспортда уни тайёрлаган корхонанинг номи, boglovchi модданинг номи ва унинг маркаси, тўпнинг номери ва массаси, қўшиладиган моддаларнинг тури ва миқдори, материал сифатини синаш натижалари, транспорт бирлигининг ва юқ ҳужжатининг номери, жўнатилган кун ёзиб қўйилади. Зарурати бўлса маҳсулот юборувчи қаттиқланишнинг 3,7 ва 28 куни ўтгач, boglovchi материалнинг механик хоссаларини синаш натижаларини истеъмолчига маълум қиласди.

Цемент синовларини ўтказиш учун ҳар тўпдан массаси 20 кг ли намуна олинади. Сифат назорат синови ГОСТлар билан белгилаб берилган синаш услубларига биноан лаборатория шароитларида ўтказилади. Boglovchi материаллар цемент ташийдиган усти ёпиқ ва ихтисослашган вагонларда уюлган ҳолда, кўпқават қозоз қопларга солиниб, усти ёпиқ вагонлар ёки контейнерларда, автомобиль транспортига уюлган ҳолда, бункер типидаги цемент ташир автомобилларда ва сув транспортининг кесмалари ва баржаларида ташилади. Boglovchi материалларни ортиш-тушириш ишларида ҳамда уларни усти

спиқ вагонлар ва бортли автомашиналарда ташиётгандан чангигб кетишдан анчаси нобуд бўлади, шунинг учун ҳам уларни ташиётгандан юки пневматик усул билан ортиладиган ихтисослашган транспорт турларидангина фойдаланиш зарур.

Гипсни, ҳавоини оҳак ва гидравлик оҳакни ёпиқ қуруқ биноларда, ёҳуд ёнлари мустаҳкам ва қопқоги зич спиладиган ҳампаларда сақламоқ ва сақлаш жараёнида материалларни намланиш ва бегона аралашмалар билан ифлосланишдан асраш зарур. Боғловчи материаллар сақланадиган омборларнинг поли пухта, ердан 30 см кўтарилган бўлмоги, намлик ва сизот сув тушишидан муҳофаза этилган бўлмоги лозим. Боғловчи материаллар узоқ сақланса ҳатто юқорида айтилган шароитларда ҳам ҳаводан намликни ютиш ҳисобига уларнинг сифати секин-аста пасайиб (фаоллиги йўқолиб) боради, бинобарин, қоришма ва бетон тайёрлашда уларнинг сарфи кўпаяди. Шунинг учун ҳам турли хил боғловчи материалларни йўл қўйиш мумкин бўлган сақлаш муддатлари стандартлар билан белгилаб берилган. Масалан, сўндирилмаган оҳак кесагини уйиб сақлаш муддати 30 кундан, қоғоз қопларга солинган сўндирилмаган кукунсимон оҳакни сақлаш муддати 15 кундан ошиб кетмаслиги керак. Қурилиш гипси уч ойдан кўпроқ сақланган бўлса, унинг фаоллиги тахминан 30 фоиз камаяди. Портландцемент энг қулай шароитларда сақланганида ҳам унинг фаоллиги уч ойдан сўнг 20 фоиз, олти ойдан сўнг 30 фоиз, бир йилдан сўнг 40 фоиз пасайиб кетади. Сақланган тез қаттиқланадиган портландцемент фаоллигини айниқса тез йўқотади. Ушбу цемент солиштирма юзининг катталиги ва гигроскопиклигининг юқорилиги бунга сабаб бўлади, шунинг учун ҳам бу цемент омборга келиб тушган сайин пешма-пеш ундан фойдаланиб турмоқ зарур.

Гидрофоб цемент гоятда барқарор бўлиб бир йил мобайнида уйиб сақлагандага ҳам барқарорлигини йўқотмайди, шундан кейин гилтупроқцемент келади, у уч ой сақланганида ҳам фаоллигини сақлаб қолади. Аммо шу цементлар ҳам кўрсатилган сақлаш муддатлари тугагандан сўнг уларнинг пишиқлигини янги лаборатория синовларидан ўтказмоқ керак. Пуццолан ва шлак портландцементлар унча чидамли бўлмай сақлагандага пишиқлигини тезда йўқотади.

Ҳавойи ва гидрофоб боғловчи материаллар омборларда навлари ва маркаларига ажратилиб алоҳида-алоҳида сақланмоги керак. Ҳар бир омборга боғловчи материалнинг маркаси, тайёрлаган заводнинг номи ва сақлаш муддатлари кўрсатилган ёриқ илиб қўйилади.


Баъзи боғловчи минерал материаллар ишқорий хоссаларга эга бўлиб одамнинг териси ё кўзига сачраса куйдириб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам улар билан ишластганда эҳтиёткорлик чораларига риоя этиш: жомакор кўзойнак ва респираторлардан фойдаланиш, ҳамма иш хоналари шамоллатиб турилишини таъминлаш зарур ва ҳоказо.

## 10. 2. Бетон ва темир-бетон

### 10. 2. 1. Бетонларнинг таснифи. Бетон компонентлари, бетон аралашмасининг хоссалари ва таркиби

Бетон қоришимасидан олинадиган сунъий тош материалга бетон дейилади. Бу қоришка таркиби боғловчи материал, сув, тўлдирувчи материаллар, баъзан эса бетон аралашма қўйилиб қаттиқлашганидан сўнг қўшиладиган маҳсус моддалар киради. Тўлдирувчи материал қум, чақиқтош ёки шагалдан иборат бўлиб цемент қаттиқлашгач бетонда тош ўзак вужудга келтиради.

Бетон — асосий қурилиш материалларидан биридир. Тўлдирувчи сифатида маҳаллий тош металиллардан фойдаланиш мумкинлиги, ашёлар ҳамда конструкцияларни заводда ясаганда қурилиш ишларини батамом механизациялаш мумкинлиги туфайли ундан граждан, саноат қурилишида ва бошқа хил қурилишларда кенг кўламда фойдаланиш имкониятларини яратди. Бетонлар вазифасига, қўлланилган боғловчи материал ва тўлдирувчи модданинг тури, ҳажмий массаси, тузилиши ва бошқа аломатларига кўра таснифланади. Бетонлар вазифасига кўра конструкцион бетон ва маҳсус бетонга бўлинади. Турли бинолар ва иншоотларнинг түсин, устун, деворлари каби оддий шароитларда ишлайдиган ва иссиқдан муҳофаза этиш вазифаларини бажармайдиган ашёлар ва конструкцияларни ясашда конструкцион бетонлардан фойдаланилади. Маҳсус бетон турларига гоят пишиқ бетон, иссиқча, кислотага чидамли бетон, йўлга ётқизиладиган, енгил девор, болопушларга ишлатиладиган, санитария-техника иншоотларига ишлатиладиган, радиоактив таъсиротлардан муҳофаза қиласиди.



54-расм. Бетонларнинг тузилиши:  
а — зич; б —.govак; в — йирик говак; г — галвирак.

ган бетонлар киради ва ҳоказо. Ишлатилувчи боғловчи материалнинг турига қараб цемент бетон, оҳактош бетон, гипс бетон бўлади. Тўлдирувчи моддасининг майда-йириклигига қараб майда донали (10 мм га қадар), йирик донали (10 мм ва ундан йирик) бетонлар бўлади. Бетонлар ҳажмий массасининг оғир-енгиллигига қараб  $2500 \text{ кг}/\text{м}^3$  дан ошадиган алоҳида оғир бетонларга,  $1800—2500 \text{ кг}/\text{м}^3$  ли оғир ёки оддий бетонларга,  $500—1800 \text{ кг}/\text{м}^3$  ли енгил бетонларга ва  $500 \text{ кг}/\text{м}^3$  ли алоҳида енгил бетонларга бўлинади. Бетонлар тузилишига кўра зич, говак, йирик говак ва галвирак бетонларга бўлинади (54-расм). Зич бетонларда тўлдирувчи модда доналари орасидаги бўшлиқни қаттиқлашган боғловчи модда тамомила ишғол этган бўлади, говак тузилган бетонларда эса қаттиқлашган боғловчи моддаларда газ ҳосил қилувчи моддалар қўшилишидан вужудга келадиган говаклар бўлади. Йирик говакли бетон ва галвирак бетонларда қаттиқлашган боғловчи моддалар таркибида қўшилган купик ва газ ҳосил қилувчи моддалар вужудга келтирган бўшлиқлар ёки текис жойлашган кавакчалар бўлади.

Оғир бетон қурилиш ишларида энг кўп ишлатилади. Бетон аралашмасининг таркиби ва хоссалари бетоннинг сифатига кўпроқ таъсир этади. Оғир бетон тайёрлашда портландцемент ва унинг турлари, пущолан ва шлак портландцементлар, шунингдек баъзи турлардаги маҳсус цементлар боғловчи материал бўлиб хизмат қилади. Бу цементларнинг асосий хоссалари юқорида кўриб чиқилган эди. Бетон аралашмани суйилтириш учун минерал ва органик аралашмалари бўлмаган оддий чучук сув, шунингдек нефтни қайта ишлаш маҳсуллари, ёғ ва майдан фойдаланилади. Сувда эритилган тузларнинг умумий миқдори  $2000—10000 \text{ мг}/\text{l}$  дан ошиб кетмаслиги керак.

Тұлдирувчи моддалар бетон асосыннан массасини ташкил қылады ва доналарининг катта-кіңілігін сипаттауда да зичтілігі билан, хоссалари ва келиб чиқиши билан фарқ қылады. Доналарининг йирик-майдалығында қаралған майда (5 мм гача) ва йирик (5 мм дан каттароқ) тұлдирувчи моддалар бұлдырылады. Табиий кварц ва сұнъий құм майда тұлдирувчи материал сифатында ишлатылады. Тог жинсларини ва чақыртош тайерлаш чиқытларини майдалаб сұнъий құм ҳосил қилинады. Табиий құм пишиқларынан месъерга солинмайды, табиий құм дастлабки тог жинсларининг сиқириш өнімдерінде пишиқлар күрсаткышларига қаралған түрт хил маркага: 400, 600, 800 ва 1000 маркаларига бұлдырылады. Құмдардың гил, чанг ва органик араалашмалар бетоннинг сифатини пасайтириб юборады, шунинг учун ҳам уларнинг масса таркибидеги миқдори 3 фоиздан ошиб көтмаслығы керак. Цементни мұмкін қадар оз сарфлаган қолда зич бетон ҳосил қылмоқ учун құм 0,14 мм дан 5,0 мм гача турли үлчамдардан доналарнинг муайян таносибидан иборат бұлмоги зарур. Доналар таркиби №5; 2,5; 1,25; 0,63; 0,315 ва 0,14 күзли стандарт әләклар орқали құмни әләб сұнгра әлаклардан қолдиқни аниқлаш үйли билан белгиланады. Әлаклардан қолдиқ №5 күзли әлакда массасынан 0 фоизини, №2,5 әлакда 0 дан 20 фоизгача; №1,25 күзли әлакда 5 фоиздан 45 фоизгача; № 0,63 күзли әлакда 20 фоиздан 70 фоизгача, № 0,315 күзли әлакда 35 фоиздан 90 фоизгача, № 0,14 күзли әлакда 90 фоиздан 100 фоизгача ташкил қылмоги лозим.

Құмнинг донавий таркиби әлакда қолганидан ташқары йириклик модули  $M_k$  билан ҳам тавсифланады; У әлаклардан бары қолдиқнан 100 га бұлымасыдан иборатдир:

$$M_k = \frac{A_{2,5} + A_{1,25} + A_{0,63} + A_{0,315} + A_{0,14}}{100}$$

Оддий бетон турлары учун құмнинг йириклик модули 1,5 дан 3,25 гача борады. Құм қанча майда бұлса бетон қоришина тайерлаш учун шунча күп цемент ва сув керак бұлдырылады. Шунинг учун ҳам йириклик модули 1,5—2,0 бұлған құм  $M200$  дан паст маркадеги бетонларни олишда, 2,5 дан йирикроқ модулдеги құм эса  $M350$  ва ундан юқори маркадеги бетонларни олишда ишлатылады.

Отилиб чиққан чүкінді ва метаморфик тог жинсларидан олинадыған чақыртош ва шағалдан оғир бетоннинг

йирик тұлдирувчи материалы сифатида фойдаланылады. Қақиқтош ва шагалнинг пишиқлиги сиқилиб (доналарни махсус цилиндрда түйіб) аниқланады. Майдаланишига қараб тұрт хил маркада тұлдирувчи йирик материал: Др—8, Др—12, Др—16 ва Др—24 булады. Қақилемши ДР—16 дан кам бұлмаган қақиқтош ва шагал М300 ва үндән пастроқ маркадаги бетонларни тайёрлашда, Др—12 маркалы қақиқтош ва шагал М300 ва М350 маркалы бетонларни тайёрлашда, Др—8 маркалы қақиқтош ва шагал эса М400 ва үндән юқори маркалы бетонларни тайёрлашда ишлатылады. Оғир бетон ишлаб чиқаришда фойдаланыладынан қақиқтош ва шагал доналарининг майда-йириклигига қараб бешта фракцияга бүлинады: 5—10, 10—20, 20—40, 40—70 ва 70—120 мм ли фракциялар. Алоқида масъулиятли бетон турларини олиш учун тұлдирувчи материалнинг бирмунча йирикроқ фракциялари ишлатылады. Оғир бетонни тұлдирувчи материалнинг зичлиги  $2 \text{ г}/\text{см}^3$  дан паст бұлмаслиги керак. Тұлдирувчи материалларнинг совуққа чидамлилиги бетоннинг күрсатылған совуққа чидамлилигига монанд бұлмоги даркор.

Бетонларнинг хоссаларини ва техник-иқтисодий күрсатыларини ўзgartириш учун тегишли материал құшилады ва қаттықлашишни теззатувчи гидрофилловчи ва гидрофобловчи, ҳавони илаштирувчи махсус материалларға бүлинады ва ҳоказо. Кальций хлорид ва натрий хлорид, поташ, кальций нитрат ва бошқа моддалардан цементнинг қаттықлашишини теззатувчи моддалар сифатида фойдаланылады. Уларнинг таъсири бетоннинг айниқса эрта қаттықланиш муддатларыда пишиқлиги құпроқ ошиб боришига асосланған. Гидрофилловчи моддалар (сульфит-ачитқи бұзаси ва бошқалар) цемент айрим зарраларининг бир-бирига ёпишиб қолишига йұл құймайды ва қоришма қулай ётишини яхшилайды, гидрофобловчи моддалар эса (битум дисперсиялари, нафтен кислоталар ва бошқалар) бетон қоришманинг пластиклиги ва қатламланмаслигини оширади. Нейтралланған смола, совунли ёғоч печи каби ҳавони илаштирувчи құшимчы моддалар құшимчы цемент солмаган ҳолда бөгловчи хамирнинг қажмини ва уннинг пластиклигини оширишга имкон беради. Құшиладын махсус моддалар бетоннинг сув үтказмаслигини оширади, цемент қотиши муддатларини ростлаб туришга имкон беради.

Боғланганлик ва мулойимлик бетон қориshmанинг асосий хоссалари ҳисобланади. Бетон қориshmанинг боғланганлиги ички ишқаланиш ва тишлишиш кучларига боғлиқ бўлиб ортиш-тушириш, ташиб операциялари жараёнида ҳамда ётқизиш чогида қатланиб кетмасдан бир жинслилигини сақлаб қолиш қобилияти билан тавсифланади. Цемент кўпайиши билан бетон қориshmанинг боғланганлиги ортади. Цемент сарфини тежаш учун қориshmани тўлдирувчи модда дона таркибини тўгри танлаш билан қориshmанинг зарурӣ боғланишига эришилади. Бетон қориshmанинг мулойимлиги уни ётқизаётганда қатламларга бўлинмай, қолипни зич тўлдириш қобилияти бўлиб асосан қориshmанинг ҳаракатчанлигига боғлиқ бўлади. Бетон қориshmанинг ўз массаси таъсирида оқиб кетмай бир жинслилигини сақлаб қолиши унинг ҳаракатчанлиги бўлади.

1 м<sup>3</sup> бетонга бетон қориshmа компонентларининг Энг мақбул сарфини белгилаш учун бетон қориshmанинг Энг мақбул таркиби аниқлаб олинади. Бундай таркиб бетоннинг белгиланган пишиқлик, сув ўтказмаслик, совуқقا чидамлилика осон эришишини таъминлайди, бетон аралашмалари ҳаракатчан бўлиб яхши қўйилишига ва бошқа хоссалари яхши чиқишига имкон беради. Одатда бетон қориshmанинг таркибини цемент, қум, чақиқтош ёки шағалнинг масса нисбати (С/Ц) орқали ифода этилади. Цемент миқдори бир деб олинади. Бетон қориshmанинг таркиби умумий тарзда тавсифланади, масалан: С/Ц 0,65 бўлганида 1:2,4:4,5 бўлади; тегишли дозалашдан сўнг цементнинг массаси, масалан, 240 кг, қумники 672 кг, чақиқтош ёки шағалники 1260 кг ва сувники 182 кг бўлганида, 1 м<sup>3</sup> бетон қориshmада 2394 кг масса бор дейилади.

#### 10. 2. 2. Бетон асосий турларининг вазифаси ва хоссалари

Оғир бетон энг кўп тарқалган. У пойдевор, пол, йўл қопламаси, кўпrik каби мураккаб инженерлик иншоотлари ва конструкцияларини қуришда, деворбоп панеллар, устун, тўсин, балка, блок, сунъий тош, қувур каби турли деталлар ва ашёларни ишлаб чиқаришда қўлланади. Пишиқлик, сув ўтказмаслик ва совуқقا чидамлилик оғир бетоннинг меъёрга солинувчи асосий кўрсаткичлари бўлади. Сиқилишга пишиқлик кўрсаткичи (бетон маркаси)

барча тур ва вазифадаги бетонлар учун асосий күрсаткич бўлади.

Конструкциялардан қандай фойдаланилишига ўйиладиган талабларга қараб лойиҳаларда бетон пишиқлигидан талаб этиладиган күрсаткичлар берилади ва улар лойиҳа маркалари дейилади. Оғир бетонлар сиқилишга бўлган пишиқлигига қараб ўн тўртта лойиҳа маркаларига бўлинади: M50, M75, M100, M200, M250, M300, M350, M400, M450, M500, M600, M700 ва M800 маркалари.

Бетонларнинг сиқилишга бўлган амалдаги пишиқлиги ни маҳсус намуна кубиклар қаттиқланишининг 28-куни синаб аниқланади. Оғир бетонлар сув ўтказувчанлик күрсаткичлари жиҳатидан олти маркага: B2, B4, B6, B8, B10 ва B12 маркаларига, совуққа чидамлилиги жиҳатидан эса саккиз маркага: Mpз50, Mpз75, Mpз100, Mpз150, Mpз200, Mpз300, Mpз400 ва Mpз500 маркаларга бўлинади.

Енгил бетонлар иссиқ изоляцияловчи, конструктив ва конструктив-термоизоляцион бетонларга бўлинади. Термоизоляцион бетонлар иҳота этиластган конструкцияни иссиқдан зарурий иҳоталашга аталган, уларнинг зичлиги камида  $500 \text{ кг}/\text{м}^3$ , иссиқ ўтказувчанлиги  $0,20 \text{ Вт}/(\text{м}^{\circ}\text{C})$  бўлмоғи керак. Конструктив бетонлар бинолар ва иншоотларда қўлланади ва каттагина кучларга чидаш бера олиши мумкин; уларнинг зичлиги  $1400-1800 \text{ кг}/\text{м}^3$ , пишиқлиги камида M50, совуққа чидаши Mpз15дан кам эмас. Конструктив-термоизоляцион бетонлар бир йўла ҳам куч, ҳам юксак ҳарорат таъсирига чидаш бера олади. Уларнинг зичлиги  $500-1400 \text{ кг}/\text{м}^3$ , иссиқ ўтказувчанлиги  $0,6 \text{ Вт}/(\text{м}^{\circ}\text{C})$ дан ошмайди, пишиқлиги M35 дан кам эмас.

Енгил бетоннинг пишиқлиги боғловчи материал ва тўлдирувчи моддаларнинг пишиқлигига боғлиқ бўлади. Турли маркалардаги енгил бетонларни тайёрлаш учун қўйидаги боғловчи материал маркаларидан фойдаланиш тавсия этилади:

Бетон маркаси...	25—35	50—75	100— 150	200— 250	300— 350	400
Боғловчи ма- териал мар- каси.....	300	300	300— 400	500— 600	600	600

Табиий ва сунъий тўкилувчан материаллар енгил бетонларни тўлдиришига хизмат қиласи; уларнинг уйилма

зичлиги доналарининг йириклиги 5 мм гача борганида 1200 кг/м<sup>3</sup> дан ошмайди, доналар 5 мм дан 40 мм гача борганида 1000 кг/м<sup>3</sup> дан ортмайди.

Алоҳида снгил ёки ғалвирак бетоннинг снгил бетонга нисбатан ҳаво ёки газ билан тўлган 05—2 мм ўлчамли кўпдан-кўп (бетон умумий ҳажмининг 85 фоизига қадар) каваклари бўлади. Икки хил ғалвирак бетон бўлади: боғловчи материал, сув ва қумтупроқ компонентнинг кўпик билан аралашмасидан олинадиган кўпикбетон ҳамда газбетон. Бунда газ ҳосил қилувчи материал қўшилган бўлади. Қарагай канифоли, ерсовун кўпик ҳосил қилувчи бўлади, алюминий упаси ва бошқа моддалар газ ҳосил қиласди. Ғалвирак бетонлар вазифасига кўра ҳажмий массаси 500 кг/м<sup>3</sup> гача борадиган термоизоляцион бетонларга, ҳажмий массаси 900 кг/м<sup>3</sup> гача борадиган конструктив-термоизоляцион бетонларга, ҳажмий массаси 1200 кг/м<sup>3</sup> га борадиган конструктив бетонларга ва ҳажмий массаси 1200 кг/м<sup>3</sup> дан ошадиган маҳсус бетонларга бўлинади. Ғалвирак бетонлар сиқилишга пишиқлик кўрсаткичлари жиҳатидан M5 дан M250 гача борадиган маркалар билан, совуққа чидамлилиги жиҳатидан эса Mpz15дан Mpz100 гача борадиган маркалар билан чиқаради.

#### 10. 2. 3. Темир-бетон ва унинг хоссалари. Бетон ва темирбетон ашёларининг номенклатураси

Бетон — сиқилишга гоятда пишиқ, лекин чўзувчи кучларга яхши қаршилик кўрсата олмайдиган тош материалдир. Ана шу камчиликка барҳам бериш учун бетоннинг ичига стержень, сим, сим арқон, тур каби пўлат арматура қўйилади. Арматура билан бетон уртасида каттагина тишлашиш ва ишқаланиш кучлари вужудга келади. Янги қурилиш материали — темир-бетонни яратишида бетонларнинг мана шу хоссасидан фойдаланилади. Темир-бетонда сиқувчи куч бетонга, чўзувчи куч эса пўлат арматурага тушади.

Темир-бетон ашёлар конструктив элемент сифатида йигма қурилиш ишларида кенг кўламда ишлатилади. Шу билан бирга ашёлар заводдан максимал даражада тайёр бўлиб чиқади ва қурилиш ишларини механизациялаш мумкин бўлади, ишларни битириш муддатлари қисқаради, материаллар кўпроқча чидайдиган бўлади, металл материалларнинг сарфи камаяди. Материалларни ва ашё тайсрлаш технологик усулларини тегишли равишда

тәнлаш воситасида турли хоссаларга: сув ўтказмайдыган, союққа чидамли ва иссиққа чидамли хоссаларга әга бүлгән тәмир-бетон ашёларни ясаш мүмкін. Ашёлардаги пұлат арматура бетон қатлами билан муҳофаза этилған-лигидан коррозияга дучор бүлмайды.

Тәмир-бетон конструкцияларнинг гоятда зичлиги ва нархининг баландлығи, транспорт харажатларининг катталиги уларнинг асосий камчилигидир.

Тәмир-бетон конструкциялар якпора ва йигма конструкцияларга бүлинади. Якпора конструкциялар қурилиш борағстган жойнинг үзіда бетонланади, йигма конструкцияларни әса заводларда тайёрланади ва қурилаётган ишшоот ва иморатларга монтаж қилинади.

Тәмир-бетон ашёлар бир қанча аломатларига күра таснифланади. Улар арматураланиши жиқаттаридан зўриқтирилган ва зўриқтирилмаган арматуралы ашёларга (олдиндан зўриқтирилган тәмир-бетон) бүлинади.


Маълумки оддий тәмир-бетонда ишлатиш кучлари таъсирида (бетоннинг чўзилишга пишиқлиги пастлигидан) дарз-ёриқлар пайдо бўлиши мүмкін. Тәмир-бетон ашёларда ёриқлар пайдо бўлишига йўл қўйиб бўлмайди, чунки бу нарса ашёларнинг анчагина эгилиб кетишига сабаб бўлади ва ёриқлардан намлик ва газ кириб бориши боисидан пұлат арматуранинг коррозияланиш хавфи туғилади. Олдиндан зўриқтирилган тәмир-бетонда дарз-ёриқлар ҳосил булишининг олдини олиш учун пұлат арматурани тортиб бетон олдиндан сиқилади. Арматурани тортиш йўли билан бетонни олдиндан сиқиштиришнинг иккита усули бор: 1) арматура бетон қуйилмасдан олдин тортилади; 2) арматура бетон қуйилиб бўлгач тортилади. Биринчи усулнинг моҳияти шундан иборатки, бетон ётқизилиб ва қаттиқлашиб бўлгач, арматура тортилишдан холи бўлади ва у қисқараётib атрофидаги бетонни сиқади. Иккинчи усулда ашёнинг ичидаги маҳсус каналда ётувчи арматура тортилиб маҳкамланади, энди арматурани бетон билан тишлиштириш учун ўша каналга қоришма қуйилади. Олдиндан зўриқтирилган тәмир-бетоннинг ёрилишга чидамлилиги, динамик кучларга чидамлилиги ортиб кўпга яроқли бўлиб қолади, тәмир-бетон конструкцияларнинг массасини камайтириш имконияти пайдо бўлиб қолади.

Арматураси зўриқтирилмайдыган тәмир-бетон ашёлар M200 ва M300 маркали бетонлардан, олдиндан зўриқти-


рилган арматурали темир-бетон ашёлар эса М400 ва ундан юқори маркалы бетонлардан тайёрланади. Богловчи материал сифатида портландцемент ва унинг турлари ишлатилади, тез қаттиқланадиган ғоят пишиқ портландцементдан ишланган темир-бетон конструкциялар кўпроқ самарали чиқади. Йигма темир-бетон стержень ва сим арматура билан маҳкамланади. Стержень арматура иссиқлайнин (тобли) прокат қилиб термик мустаҳкамланган ва совуқ ҳолида (тобсиз) мустаҳкамланган углеродли ва углеродсиз пўлатлардан тайёрланади. Стерженинг йўгонлиги 6—40 мм ва ундан ошиқроқ. Арматура сими икки турга: паст углеродли зўриқтирилмаган арматурага ва олдиндан зўриқтирилган (углеродли) арматурага бўлинади. Олдиндан зўриқтирилган темир-бетондан узунлиги бм дан ошадиган кран остига қўйиладиган балкалар, фермалар ва тўсинлар, электр сим линияларининг устунлари, темир-йўл шпаллари ва бошқа ашёлар, одий армировка қилинган бетондан эса пойдевор блоклари, устунлар, балкалар ва узунлиги 6 м га бормайдиган тўсинлар, қувурлар ва бошқа ашёлар тайёрланади.

Бетон ва темир-бетон ашёлар ични тузилиши жиҳатидан яхлит ва ҳовол бир турдаги бетондан ясаладиган яккақават, ёхуд икки ёки бир неча тур бетондан ясаладиган кўп қават булиши мумкин.


Темир-бетон ашёлар ҳажмий массаси жиҳатидан махсус алоҳида оғир бетонлардан (ҳажмий массаси  $2500 \text{ кг}/\text{м}^3$  дан ошиқ) ясаладиган, оғир бетонлардан (ҳажмий массаси  $1800—2500 \text{ кг}/\text{м}^3$ ), сингил бетонлардан ясаладиган (ҳажмий массаси  $500—1800$



53-расм. Биноларнинг пойдевор элементлари:  
1 — блоклар; 2 — плиталар.



36-расм. Қаватлараро болопуш түшамалари:  
а — дұмалоқ қавакли; б — ошаль қавакли.



37-расм. Қаватлараро болопуш панеллари:  
а — дұмалоқ қавакли; б — ошаль қавакли.

$\text{кг}/\text{м}^3$ ) ұмда алоқида снгил бетонлардан (ұажмий массаси  $500 \text{ кг}/\text{м}^3$  гача) ясаладиган ашёларга булинади.


Бетон ва темир-бетон ашёлар вазифасига күра уй-жой, саноат ва жамоат биноларига ұмда иншоотларга (транспорт, гидротехника, энергетика қурилишлари ва бошқа хил қурилишларга) аталған ашёларга булинади. Уй-жой ва жамоат бинолари учун аталған ашёлар номенклатурасига пойдевор элементлари, деворбоп панеллар ва блоклар, қаватлар орасидаги (болопуш) түшамалар ва панеллар, устунлар, йигма пиллапоя элементлари, санитария-техника ақамниятидаги ашёлар ва ҳоказолар киради.

Пойдевор элементлари (55-расм) пойдевор плиталари ва пойдевор блокларини ўз ичига олади. Пойдевор плиталари одатта трапецидиаль шактда булиб M150 ва үндән юқори маркадаги оғир бетонлардан ясалади.

Плиталар эни 1200—3200 мм, узунлиги 800—1200 мм ва бўйи 400—500 мм, блоклар эса эни 400—600 мм, узунлиги 3000 мм гача ва бўйи 600 мм қилиб чиқарилади.


Деворбоп панеллар иситиладиган ва иситилмайдиган биноларнинг ташқи деворларига аталган (яхлит ва термоизолятор қўйилган) панелларга, ички девор ва гов панелларига бўлинади. Ташқи девор панеллари маркаси M200 дан кам бўлмаган оддий ё олдиндан сиқилган оғир тесмир-бетондан, ички девор ва говларнинг панеллари эса маркаси M150 дан кам бўлмаган оғир бетонлардан, шунингдек маркаси M50 ва ундан юқори галвирак бетонлардан ясалади. Ташқи девор панелларининг қалинлиги 160—400 мм, тарзи (фасади) бўйича майдони  $12 \text{ м}^2$  ашёларнинг совуқда чидаши Mрз15 дан кам эмас. Панелларнинг ташқи бети керамик ёки шиша плиткалар билан қопланиб устидан декоратив бетон қатлами сувалади ёки атмосферага чидамли бўсқлар билан бўялади. Қаватлар орасига қўйиладиган тўшамалар (56-расм) ва панеллар (57-расм) тўғрибурчак шаклда бўлиб думалоқ ва оваль (япасқи) ҳоволликлари (тешиклари) бўлган оғир говак ва галвирак бетонлардан ясалади.

Оғир бетоннинг маркаси камида M200, кавак бетонники камида M150 ва галвирак бетоннинг маркаси камида M50 бўлмоги лозим. Тўшамалар узунлиги 6000 мм, эни 800—1500 мм ва қалинлиги 200—220 мм, панеллар эса тегишинча 6260, 3590 ва 220 мм қилиб ясалади.



58-расм. Йигма зинапоя элементлари:  
а — зинапоя марши; б — зинапоя майдони.

Пиллапоя зиналари ва майдончалари (58-расм) йигма пиллапояларнинг асосий элементлари ҳисобланади. Пиллапоя зиналари белгиланган погона профилли ашё бўлиб, зиналари мармар ушоги аралаштирилган цемент қориши маси билан сувалган бўлади. Зиналарнинг узунлиги 3600 мм, эни 1500 мм гача борадиган қилиб ясалади. Пиллапоя майдончалари тўғрибурчак шаклда бўлиб, M200 маркали оддий ёки олдиндан зўриқтирилган тесмир-бетондан ясалади, майдончанинг бети мозаик



59-расм. Ишлаб чиқариш биноларида ишлатиладиган бетон ва темирбетон ашёлар.

қотишина билан сувалади ёки унга керамик плита қопланади.

Санитария-техника қурилмалари учун йигма темирбетондан водопровод ва канализация тармоқлари, иситиш ва санитария-техника блоклари ва бошқа ашёлар ясалади.

Ишлаб чиқариш биноларига кетадиган бетон ва темирбетон ашёларнинг асосий турлари — болор балка *a*, кран остида турадиган балка *b*, устун *c*, болор ферма *e*, болопуш плита *d* лардан иборат (59-расм).

Болор балка ва кран балкалари М300 ва М400 маркали бетондан оддий арматура ва зуриқтирилган арматура билан ясалган бўлиб, тўғри бурчак, тавр, қўштавр, трапецидаль ва сегмент қирқимли бўлади. Болор фермалар қирқимининг шакли ва узунлиги ҳар хил бўлиб, бинолар ва иншоотларда юк кўтарувчи элементлар сифатида ишлатилади. Болопуш плиталар оддий арматура ёки зуриқтирилган арматура қўйиб М200 бетондан ясалади.

Транспорт қурилишига аталган ашёлар номенклатурасига турли хил қўприкларнинг қанотлари, устун қозиқлар, шпаллар ва бошқалар, гидротехника қурилишига аталган ашёларга канал қиямаликлари ва дарё қиргоқларига сўзизиладиган плиталар, кема бойлаб қўйиладиган жойлар конструкцияларининг элементлари, энергетика қурилишига аталган ашёларга трансформатор подстанцияси биноларининг элементлари, электр линияларининг устунлари киради.

Ишлаб чиқарилувчи темирбетон ашёлар ГОСТ ва Туталабларига мос келмоги ва турли аҳамиятдаги бинолар ва иншоотларда қўлланиш имкониятини таъминловчи

типовий лойиҳаларга биноан тайёрланмоги лозим. Мамлакатимизда бетон ва темир-бетондан унификация этилган конструкциялар ва ашёлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар каталогларга ўтказилган.

Бинолар ва иншоотларнинг бош параметрлари (боловушларнинг ўлчамлари, устуналарнинг ўқлари ўртасидаги масофа, қаватларнинг баландлиги ва бошқалар) асосий модулга бўлинадиган қилиб лойиҳаланганлигидан унификация этилган конструкциялар ва деталлардан фойдаланиш мумкин бўлади. Мамлакатимизда бу модель 100 мм қилиб белгиланган. Унификация этилган конструкциялар ва ашёлардан фойдаланиш натижасида индустрисал қурилишлар ҳажмини ва бинокорлик материалларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мумкин бўлади.

#### 10. 2. 4. Бетон ва темир-бетон ашёларни ишлаб чиқариш асослари. Уларни юбориш, ташиш ва сақлаш

Заводда йигма бетон ва темир-бетон ашёларни ишлаб чиқариш технологик жараёни бетон қориshmани тайёрлаш, арматура қўйиш, ашёни қолиллаш, унга иссиқлик ва намлик билан ишлов бериш ва зарурати бўлса бетига ишлов беришдан иборат бўлади. Махсус аҳамиятдаги, масалан, иссиқни, товушни изоляцияловчи ашёлар ясаластганида қориshmани қолиллаш ёки ашёни йигиш жараёнида иссиқни ёки товушни изоляцияловчи қатлам ётқизишдан иборат қўшимча операция технологик жараёнга киритилади.

Бетон қориshmани тайёрлаш дастлабки материалларни дозалаш ва уларни аралаштиришдан иборат бўлади. Аралашма компонентларини дозалаш аниқлиги хоссалари белгиланган бетон ҳосил қилишининг асосий шарти бўлиб, цемент билан сув учун  $\pm 1$  фоиздан, тўлдирувчи материаллар учун эса  $+2$  фоиздан ошиб кетмаслиги керак. Материаллар узлуксиз, ёхуд даврий ишлайдиган дозаторларнинг воситаси билан дозаланади. Бетон қориshmа узлуксиз ёки даврий ишлайдиган бетон қорувчи маҳсус машиналарда мажбурий ва гравитацион (қориshmа эркин тушгани ҳолда) аралаштирилади. Аралаштириш давомати бетон қориshmанинг таркибига ҳамда аралаштиргич сигимиға боғлиқ бўлади. Бетон қориshmанинг ҳаракатчанлиги камайиши ва аралаштиргич ишқор сигимишининг ортиши билан аралаштириш вақти ортади. 400 литргача сигимили бетон қорадиган машина учун аралашманни қоришириш вақти 1 минут, 1200 литргача сигимили бетон қорадиган машиналар учун 2 минут, 3000

литргача сигимли машиналар учун 3 минутга яқин қилиб белгиланган. Қамқаракат ва алоҳида оғир бетон аралашмаларни қоришириш давомати фаол бетон аралашмаларига нисбатан тахминан 2 баравар кўпаяди.

Темир-бетон ашёларни арматура сими, ёки арматура пўлат стерженлари билан армировка қилиш учун тўр ёхуд каркаслар тайёрланади. Тўр ва каркаслар электрик пайвандлаш монтаж илмоқлари, хомутлари воситаларида жўпланади. Армировка жараённида зўриқтирилмаган ёки зўриқтирилган арматурадан фойдаланилади.

Темир-бетон ашёларни қолиплаш — қолипларни тайёрлаш ва арматура ўрнатишдан, бетон қориshmани қолипга қуйиш ва уни зичлаштиришдан иборат. Бетон қориshmа қуйилганида у қолипнинг бутун ҳажмини, шу жумладан бурчак-бурчаклари ва тор жойларини пулфакчалар ҳосил қилмай бир текис тўлдирмоги лозим. Ётқизилган ва текисланган бетон зичлаштирилади. Бетон қориshmа вибрация (дириллатиш), пресслаш, центрифугалаш ва вакуумлаш усуllibар билан зичлаштирилади. Вибрация усули билан зичлаштириш энг самарали усул булиб бетон қориshmага тез-тез тақрорланадиган мажбурий тебранишлар (силикнишлар) таъсир этади ва мажмуан уни қоқади. Электромеханик, электромагнит ва пневматик типлардаги вибраторлар ишлатилади. Бетон қориshmанинг зичланиш даражаси вибратор тебранишларининг частотаси ва амплитудасига ҳамда зичланиш давоматига боғлиқ булади. Энг мақбул тебраниш частотаси амплитуда 0,3—0,5 бўлгани ҳолда минутига тахминан 3000 марта тебраниш булади.

Қолипланган ашёнинг қаттиқланиши темир-бетон ишлаб чиқариш технологик жараённинг якунловчи босқичи булади. Табиий шароитларда (хона ҳароратида) ушбу жараён секин үтади (бетон маркасининг 70 фойз пишиқлигига 8—10 кунда эришилади) ва иқтисодий жиҳатдан унча самарали эмас. Айниқса сернам муҳитда ҳарорат кўтарилиши билан бетоннинг қаттиқланиш тезлиги ортади. Масалан, иссиқлик ва намлик билан ишлов беришда орадан 12—16 соат ўтгач бетоннинг пишиқлиги 70 фойзга етади.

Меъсрдаги босимда иссиқлик ва намлик билан ишлов бериш (камераларда буглаш, контакт усули билан қиздириш, электрик қиздириш ва ҳоказолар) ҳамда орттирилган босимда (автоклав воситасида ишлов бериш ва ҳоказолар) иссиқлик ва намлик билан ишлов бериш

усуллари бор. Бетонга мөърдаги босим билан иссиқлик ва намлик билан ишлов беришда ҳарорат  $80-100^{\circ}\text{C}$ , юксак босимда эса тўйинган бугнинг ҳарорати  $170-200^{\circ}\text{C}$  бўлади.

Бетон ва темир-бетон ашёларнинг юзига ишлов бериш учун турли қоплама материаллар, бўёқлар ва рангли бетонлар ишлатилади. Тайёр ашёларнинг пишиқлиги, қаттиқлиги ва ёрилишга чидамлилиги, совуққа чидамлилиги, сув ўтказмаслиги ва бошқа хоссалари синааб кўрилади.

Темир-бетон ашёлар асосан стенд усули, узлуксиз агрегат усули, узлуксиз конвейер усули билан ишлаб чиқарилади. Стенд усули ашёларни горизонталь стендларда қолиплашга асосланган бўлиб, машина ускуналари содда бўлади, энергияни оз олади, ишлаб чиқаринши турли хил ашёлар тайёрлайдиган қилиб қайтадан созлаш имконияти бўлади. Механизациялаш даражасининг пастлиги ва ишларнинг сермеҳнат бўлиши бу усулнинг камчилигидир. Йиғма темир-бетонни кам сериялаб ишлаб чиқариш шароитларида узлуксиз-агрегат усули кўпроқ ишлатилади. У қолипларни бир иш жойидан иккинчисига ўтказган ҳолда асосий технологик операцияларни узлуксиз бажаришга асосланган. Узлуксиз агрегат усули чогроқ ишлаб чиқариш майдони ва содда ускуналар билан юксак иш унумига эришишга имкон беради. Темир-бетон ашёларни узлуксиз-конвейер усули билан тайёрлашда меҳнат унумдорлиги юксак, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш мумкин бўлади. Темир-бетон ашёларни кўп серия билан оммавий ишлаб чиқариш шароитларида технологик машина-ускуналарнинг гоятда қимматли узлуксиз-конвейер усулини қўллашни тақозо этди.

Бетон ва темир-бетон ашёлар тўп-тўп қилиб юборилади. Тўплар ягона технология билан сифати бир хилдаги материалдан 10 кун мобайнида тайёрланган бўлади. Тўпдаги ашёларнинг сони шу ашёларнинг ҳажмига боғлиқ бўлади:

Ашёларнинг ҳажми, м <sup>3</sup> ...	0,1	0,1—0,3	0,3—1,0	1,0—2,0 гача	ва 2 дан ортиқ
Сони, дона...	1000	700	300	150	100

Ҳар бир ашёга учиб кетмайдиган қорамтири ранглар билан маркалар ва ишоралар битиб қўйилади. Жўнатилишга тайёр бетон ва темир-бетон ашёларнинг пишиқлиги марка пишиқлигига мувофиқ келмоги ёки

бетоннинг лойиҳадаги маркасининг камидаги 70 фоизини ташкил килмоғи лозим. Шу билан бирга маҳсулотни тайёрлаган завод месъердаги шароитларда бетоннинг бир ойлик қаттиқланниш муддатида лойиҳадаги пишиқликка эришишига кафолат бермоғи керак. Ортиб жұнатыладыган бетон ва темир-бетон ашёларнинг ұлттық стандарттарынан булиши керак. Паспортта маҳсулотни тайёрлаган заводнинг номи, ашенинг номи, түпнинг номери, түпдаги ашёларнинг сони, ясалған куни ҳамда месъерланадыган күрсаткыштарни синаш натижалари күрсатылады.

Маҳсулотни қабул қилиб олиш жараёнида дарз-ёриқтар ва чутир жойларга эътибор берилади. Конструкциялар ва ашёлар тайёрланиш аниқлигига кўра түккиз классга: 1—классдан 9—классгача бўлинади. 1 аниқлик классида қўйиладиган мақбул фарқ энг оз бўлади. Ашёларнинг ўлчамлари ортиши билан мақбул фарқ қиймати ҳам ортади.

Бетон ва темир-бетон ашёлар маҳсулотни тайсрловчи заводлардан қурилиш-монтаж майдонларигача асосан автомобилларда ташилади. Уй-жой бинолари, жамоат ва ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларининг элементлари бортли автомобиллар ва автотягчаларда, прицеплар ва яримприцепларда, маҳсус платформали оғир юк ташувчи прицепларда ва панель ташувчи автомобилларда ташилади. Бунда юк ортиб бўлган транспортнинг буйи 4 метрдан ошиб кетмаслиги керак. Болор плиталар, балкалар, қанотлар, фермалар, устуналар ва бошқа ашёлар темир йўл транспортида очиқ платформаларга тахлаб ташитади.

Бетон ва темир-бетон ашёлар махсус жиҳозланган омборларда тури ва катта-кичиклигига қараб хилланган ва монтаж қилиш навбатини назарда тутиб таҳланган ҳолда сақланади. Сақланастган ашёлар ёғоч тагликлар устига қўйилиши керак. Конструкциялар ва ашёлар бинода кучни қай аҳволда қабул қиласа шундай ҳолатда жойлаштирилади: пойdevор блоклари ва плиталари бўйи 2,25 метрдан ошмайдиган қилиб, болопуш тўшамалари ва панеллари 2,5 метрдан ошмайдиган қилиб таҳланади. Оғир балка ва фермалар горизонталь ҳолатда ётқизилади, девор панеллари эса вертикал ҳолатда терилади. Устунларгина бундан истисно бўлиб улар 4 қатордан ошмайдиган қилиб горизонталь ҳолатда таҳлаб сақланади, таҳлаётганда ораларига қистирма қўйилади. Пиллапоялар ишлов берилмаган тарафи билан 3 қатордан ошмайдиган қилиб таҳланади. Таҳланган ашёлар орасида одам ва автомобиль ўтадиган йўл қолдирилмоги лозим.

## ОРГАНИК ХОМ АШЕ НЕГИЗИДАГИ БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ ВА АШЕЛАРИ

Бинокорликда минерал негизидаги материаллар ва ашёлар билан бирга органик хом ашё негизидаги материаллар ва ашёлардан ҳам кенг күламда фойдаланилади. Улар орасида органик боғловчи моддалар, полимер материаллар ҳамда ёғоч бинокорлик материаллари ва ашёлари күпроқ тарқалган.

### 11. 1. Органик боғловчи моддалар

Битум, қатрон ва полимер материаллар органик боғловчи моддаларнинг асосий турларидир. Бу моддалар маҳсус қўшимча моддалар таъсирида ёки қизитишдан сўнг совистиб қаттиқлашади ва кимёвий чидамли, элекстрик ва термоизоляцион хоссаларга эга бўлади, органик эритувчи моддаларда эрийди.

Битумлар юксак молскуляр углеводородлар, шунингдек кислородли, сульфидли ва нитрит органик бирикмаларнинг мураккаб аралашмаларидир. Табиий ва сунъий (нефть) битумлари бўлади. Табиий битум — табиятда қарийб соғ ҳолда учрайдиган қаттиқ модда ёки тоғ жинсларига сингийдиган қуюқ суюқлик ҳолида учрайди. Бундай битумлар қиммат ва тахчил бўлганлигидан бинокорликда ишлатилиши чесланган. Нефть битумлари нефтни қайта ишлаб олинади. Нефть битумлари тайёрланиш усулига кўра қолдиқ, оксидланган ва крекинг битумларга бўлинади. Қолдиқ битум — смола нефтни ҳайдаш қолдигидир, оксидланган битум нефть қолдиқларига иссиқ ҳаво дами берилиб ҳосил қилинади; крекинг битум нефть ва нефть мойларига юксак ҳарорат билан ишлов берилгач қолдиқ ҳолида ҳосил бўлади. Битумларнинг техник хоссалари уларнинг зичлиги, қаттиқлиги, юмаш ҳарорати ва чўзилувчанлиги билан тавсифланади.

Нефть битумларининг зичлиги 1,05—1,06 г/см<sup>3</sup>. Битумларнинг қаттиқлиги уларни маркалашга асос қилиб олинган бўлиб пенетрометр прибори дугининг битумга қанчалик ботишига қараб аниқланади. Ботиш чуқурлиги даражалар билан ифода этилади ( $1^{\circ}$ —0,1 мм) ва, масалан, П<sub>25</sub> деб ифодаланади, бундаги рақам битумнинг ҳароратини кўрсатади. Юмаш ҳарорати 30—150°C; бу ҳарорат материалнинг пластик ҳолатга ўтишини

күрсатади; бу ҳолат "Ҳалқа ва зұлдир" приборида аниқданади ва пұлат зұлдир үз массасининг таъсирида битум билан тұлдирилған жәз ҳалқадан үтиб кетадиган ҳароратта мувофиқ келади. Битумнинг чүзилуучанлығы (дуктильлігі) пластикликни ( $25^{\circ}\text{C}$  ҳароратда ингичка иптарга чүзилиш қобиляттіні) күрсатади ва 0—700 мм миқёсіда булади. Нефть битуми иситилған ҳолатда тарага, әжуд бүг тұнили маҳсус цистерна-термосларға қойлади. Қаттық битум тарасиз ёки қоғоз тарада ташылади. Битум запаслари бүг ёрдамда иситиш системаси билан жиһозланған битум омборларыда сақланади.

Ишлатыластган нефть битумлари бинокорлик битумларига, йұл битумлари ва том (пұшиш) битумларига бұлинади.

Қатрон — ҳаво кирмайдын шароитда қуруқ ҳайдашнинг суюқ маҳсұлы бұлыб, туқ жигарранғандаң қора тусгача булади. Тошкүмир қатрони, сланец қатрони, үтин ва торф қатронлари булади. Бинокорликда тошкүмирни кокслаш ва газлаштириш жараённанда ҳосил бұлувчи асосан тошкүмир қатрони ишлатылади. Бирламчи қатронда (тошкүмир смоласи) күпгина учадын фракциялар булади, шунинг учун ҳам қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун у ҳайдалади.  $170^{\circ}\text{C}$  гача ҳароратда енгил мой ажралиб чиқади.  $170$ — $270^{\circ}\text{C}$  ҳароратда үртача оғирлікдаги мой,  $270$ — $300^{\circ}\text{C}$  ҳароратда оғир мой ва  $300$ — $360^{\circ}\text{C}$  ҳароратда антрацен мой ажралиб чиқади. Натижада *nek* деб аталувчи қаттық қолдық модда олинади. Пекни сувсиз тошкүмир смоласи ёки уни ҳайдаш маҳсуллари (мойлар) билан қовуштириб олинадын қатрон қурилиш ишларига күпроқ құл келади.

Битум ва қатрон бөгловчы моддалардан олинадын қурилиш материаллари номенклатурасыга асфальт ва қатрон бетонлар, қоришималар, томга ёпиладын ҳамда гидроизоляцион материаллар ва ашёлар, мастика, эмульсиялар киради. Асфальт ва қатрон бетонлар чақиқтош ёки шағал, құм, минерал модда, битум ёки қатрон ва пекдан иборат тиғиз аралашмада қаттиқланиш натижасыда ҳосил бұладын сунъий материаллардир. Асфальт-бетонлар вазифаларига күра күчалар, йұллар, йұлкаларға аталған йұл бетонларига, поллар ҳамда бинолар, гаражларнинг ялпоқ томларига ишлатыладын саноат бетонлари, гидротехника иншоотларини қуришда ишлатыладын гидротехника бетонларига бұлинади. Етқизиласттан бетон массасининг ҳароратига қараб улар массасининг

ҳарорати 120°Сдан паст бүлмаган иссиқ бетонга, массасининг ҳарорати 60°С дан 100°С га борадиган илиқ бетонга ва массасининг ҳарорати 10°С дан 50°С гача борадиган совуқ бетонга бўлинади. Иssiқ ва илиқ бетонлар қаттиқ ёки унча қовушоқ бүлмаган битумлардан тайёрланади; улар зинчлашиш даврида тузилиб бўлади, бир неча соат ичида эса қаттиқлашади. Совуқ бетон суюқ битум асосида ҳосил қилинади; тузилишининг шаклланиши 20—30 кун давом қилади. Иssiқ ва қаттиқ асфальт-бетонлар тезда қаттиқлашиш хоссасига эга, шунинг учун ҳам улар транспорт серқатнов шаҳар шароитларида маҳкам қоплама ҳосил қилишда кенг кўламда ишлатилади; совуқ бетонни тайёрлаш осон ва арzonга тушади, айниқса намхуш совуқ ҳавода уни ётқизиш осон. Асфальт-бетон тўлдирувчи материалы доналарининг йирик-майдалигига қараб йирик донали (доналарининг ўлчами 40 мм гача), майда донали (20 мм гача) ва қум-қум (5 мм гача) бўлиши мумкин. Йирик донали бетондан қопламанинг таги ва қуйи қатламларини ётқизишда, майда донали ва қум-қум бетондан эса юқори қатламларни ётқизишда фойдаланилади. Ҳарорат кутарилиши билан асфальт-бетоннинг сиқилишга пишиқлиги пасаяди ва 20°С да 2,5—3 МПа ни ва 50°С да 1,0—1,2 МПа ни ташкил қилади. Асфальтбетон масса маҳсус асфальтбетон заводларда тайёрланади ва автомобилга ортилиб ётқизиладиган жойига келтирилади. Масса асфальт ётқизадиган маҳсус машиналарда олдиндан тайёрланган заминга юпқа қатлам қилиб солинади, сўнгра устидан 5—14 тонна массали моторли ғалтаклар юргизиб зичлаштирилади. Йўлга ётқизилган асфальт гоятда пишиқ ва кўпга чидамли, етарлича гигиеник ва шовқинсиз бўлади, кўчалар ва шаҳарларга озода, кўркам тус беради.

Қатрон бетон асфальт-бетонга нисбатан пишиқлиги, сувга, ейилишга ва иссиққа чидамлилиги пастроқ бўлганидан асосан шаҳардан ташқаридаги йўлларни қоплашда ҳамда ремонт мақсадларида ишлатилади.

Асфальт ва қатрон қоришималар битум ёки қатроннинг майда қилинган тўлдирувчи материал ва қум билан аралашмасидан иборат. Қоришка пишириш қозонларida тайёрланади. Бунинг учун аралашма 180°С га қадар қиздирилиб муттасил аралаштириб турилади. Асфальт қоришималар етарлича зич пишиқ, сув ўтказмас, иссиққа чидамли бўлиб, гидроизоляцион материал сифатида ва

асфальт поллар тұшашда ишлатилади. Қатрон қоришмалар күпгә чидамаслигидан қурилишда улардан фойдаланиш чекланған.

Битум ва қатрон негизидаги томга ёспиладиган ва гидроизоляцион материаллар рулон материаллар, лист материалларга ва дона (санама) ашларга бўлинади. Рулон материаллар эса негизли ва негизсиз материалларга бўлинади. Асосли материаллар картон қозоз, шишатұқима ва шишанаматдан иборат негизга битум ёки қатрон билан ишлов бериб ҳосил қилинади; битум ёки қатрон, кукунсимон ёки тола түлдирувчи материаллар ҳамда қўшиладиган моддалардан иборат тайср аралашмаларни каландрларда прокат қилиб эн-эн ҳолида негизсиз материаллар ҳосил қилинади. Рубероид, толь, шишатұқима, шишанамат каби бирон негизга қопланадиган; пергамин, гидроизоль каби қопланмайдиган материаллар рулон материаллардир.

Рубероид — томга ёспиладиган гидроизоляцион (сув ўтказмайдиган) материал бўлиб, уни тайсрлаш учун томбоп картонга юмшоқ нефть битуми шимдирилади ва устидан бир ёғига ёки иккала ёғига қийинэрир битум қопланади ва унинг устидан майдаланган минерал кукун қалин қилиб сепилади. Томбоп картон эса ўсимлик толаси, макулатура ва целлюлоза аралашмасидан олинади. Сепилган кукун рубероиднинг бетини атмосфера таъсиrottларидан, бузилишдан асрайди ва рулон қаватларининг ёпишиб қолишига йўл қўймайди. Кукун турига қараб йирик донали (К), танга-танга (Ч), таглик сифатида ишлатиладиган (П) ва бошқа хил рубероид, грамм ҳисоби билан 1 м<sup>2</sup> даги массасига қараб РК—420, РК—350, РЧ—350, РМ—350 ва РП—250 маркалардаги рубероид ишлаб чиқарилади. Рубероиднинг эни 750, 1000 ва 1025 мм бўлиб биноларнинг томларига ёспиладиган материал сифатида ишлатилади. Томга ёспиладиган толь ҳосил қилиш учун томбоп картоннинг икки ёғига тошкўмир ёки слансец қатрони сингдирилади ва устидан сидирга қилиб минерал кукун сепилади. Толь ТК—420, ТП—350 ва ТП—300 маркалари билан тайсрлаб чиқарилади ва биноларнинг деворлари ҳамда болопушларида ёспиладиган материал ва гидроизоляцион материал сифатида ишлатилади. Шиша тұқима ёки шишанамат битум, резинабитум ёки резинаполимер пленкани шишатұқима ёки шишанамат ўзакка югуртириб олинадиган рулон материалдир. У сувдан, суюқлик ва бугдан изоляция

этувчи (асровчи) материал сифатида ишлатилади. Томбоп пергамин томбоп картонга нефть битумини сингдириб ҳосил қилинади; унинг бетига кукун сепилмаган бўлади; рувероид остидан қўйиладиган материал сифатида ишлатилади. Рувероид сингари пергаминнинг энини ҳам 750, 1000 ва 1025 мм қилиб чиқарилади, рулоннинг саҳни  $2 \text{ м}^2$  гача боради. Гидроизол асвест картонга нефть битуми сингдириб олинади ва гидроизоляцион материал сифатида ишлатилади.

Изол ва бризол ўзаксиз рулон материаллардир. Изол — резинабитум боғловчи модда, асвест ва пластикатор аралашмасини прокат қилиб олинадиган томга ёпиладиган гидроизоляцион материалдир. Изол рулонлари нинг эни 800 ва 1000 мм, қалинлиги 2 мм, саҳни  $10 \text{ м}^2$ . Бу кўпга чидайдиган пишиқ материал бино ва иншоот пойдеворларини гидроизоляция қилишда ҳамда томга ёпишда ишлатилади. Бризол нефть битуми, асвест, резина ушоги ва пластикатор аралашмасини прокат қилиб тайсрланади. Бризол изолга нисбатан анча зластик ва емирувчи муҳитларга, совуққа ва чиришга чидамлироқдир.

Томбоп рулон материалларни ёпиқ омборхоналарда сақлаш ва уларни турли шикастланишлар ва атмосфера таъсиrlаридан асраш зарур. Рулон материаллар сақланастганида ва ташлаастганида бўйлама вертикал ҳолатда икки қатор қилиб терилади, шу қаторлар устидан горизонтал вазиятда яна бир қатор қўйилади.

Томга ёпиладиган листлар битум негизидаги лист материаллар битум плиталари ва тошлари доналаб ҳисобланадиган (санама) ашёлар бўлади. Битум листлар орасига шиша тўқима ва ёки металл тўр қўйиб, ёки қўймасдан тайсрланади ва гидроизоляция қилишда, биноларнинг деформация бўлган чокларини тўлдиришда ишлатилади. Плита ва тошларни бетон, гишт, туф ва бошқа говак материалларга қатрон шимдириб ҳосил қилинади ва улар гидроизоляцион қилиб териш ва футеровка қилишда ишлатилади.

Мастика — битум ёки қатроннинг жуда майдаланган минерал, ёхуд органик тўлдирувчи модда ва пластикаторлар билан сунъий аралашмасидир. Уларда оҳактош, бўр, цемент, кул, минерал, пахта, ёғоч қириндиси ва бошқа материаллардан тўлдирувчилар сифатида фойдаланилади. Мастикалар ётқизилиш усувларига қараб олдиндан  $130\text{--}180^\circ\text{C}$  га қадар қиздирилган иссиқ мастикаларга ва қиздирилмаган ёки  $60\text{--}70^\circ\text{C}$  га қадар иситилган совуқ

мастикаларга бўлинади. Иssiқ битум мастикасидан ёпиштирадиган, пўшиш — изоляцион, гидроизоляцион ва зиддикоррозион материаллар сифатида, совуқ мастикадан эса томга ёпиладиган материалларни ёпиштириш ва сувдан, бугдан изоляцияловчи иҳота қуришда фойдаланилади.

Битум ва қатрон эмульсияси — битум ёки қатроннинг сувдаги эритмасидан биноларни сувдан ва бугдан иҳоталайдиган қурилмаларда, томга ёпиладиган юмшоқ материалларни ёпиштиришда фойдаланилади.

Табий, сунъий ёки синтетик смолалар полимер материаллар негизини ташкил қилади. Полимерлар асосида ҳосил қилинган бинокорлик материаллари ва ашёлари орасида пластмассалар энг кўп тарқалган. Бинокорликда ишлатиладиган полимер материаллар ва ашёлар боғловчи полимернинг вазифаси ва турига қараб олтида асосий синфга бўлинади:

— пол ва деворларга ишлатиладиган рулон материаллар ва ашёлар; линолеум, пленка ва гулқоғоз (обой)лар;

— пол ва деворларга кетадиган плитка ашёлар: поливинилхlorид, фенолит, текстовинит, полистироль плиткалар ва бошқалар;

— пол ва деворларга ишлатиладиган лист ашёлар: қат-қат пластиклар, ёғоч қат-қат пластиклар, бакелит-ланган фанера, ёғоч тола плиталар ва бошқалар;

— плинтус, гов ҳамда поливинилхlorид ва полиметакрилат профиллар, полизтилен, поливинилхlorид, полиметилметакрилат қувур каби узала ашёлар;

— полимерцемент поллар ва бошқа хил поллар: мастикали қотиқ ва зластик поллар, эпоксид ва полизэфир смолалари асосидаги поллар, пластобетон поллар;

— иссиқни ва товушни тұсуви мateralлар: минерал пахта, шиша толадан ясалган ашёлар, минерал пахта плиталар, поливинилхlorид, полистирол, полиурстан негизидаги күпикпластлар ва бошқалар. 7-бобда ана шу материаллар ва ашёларни ишлаб чиқариш асослари, хоссалари, ишлатилиши, юбориш, сақлаш ва ташиш шартлари кўриб чиқилган.

## 11. 2. Ёғоч бинокорлик материаллари ва ашёлари

Ёғоч — халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлатиладиган қимматли материалдир. Бинокорликда ёғочдан поллар, эшиклар, эшик ва дераза чорчўплари,


турли ёгоч конструкциялар ва бошқа нарсалар тайсранади. Ёгоч күпгина ижобий хоссалари туфайли кенг тарқалган: ҳажмий массаси оз бўлгани ҳолда анчагина пишиқ, иссиқ ва товуш ўтказувчалиги паст, смирувчи муҳитларга етарлича чидамли, юксак технологиявий ва ҳоказолар. Шу билан бирга ёгочнинг бир қанча камчиликлари ҳам бор: тола бўйлаб ва унинг кўндалангига тузилиши бирдай эмас, намликнинг ўзгаришига қараб шакли ҳам ўзгаради, ёнади ва чириди, бирон нуқсони борлигига қараб пишиклиги ўзгаради. Ёгочнинг сифатини ошириш ва кўпга чизайдиган қилиш учун унга синтетик полимер моддалар, ҳар хил слимлар сингдиралади.

### 11.2. 1. Ёгочнинг тузилиши, турлари ва хоссалари

Дарахтнинг танаси ёгочнинг асосий қисми бўлиб, бинокорлик материали сифатида ишлатилади. Ёгочнинг тузилиши кўндаланг, радиал ва тангенциал (порсу) қиркимларига қараб ўрганилади (60-расм).


Ёгоч тана ўқига тик текислик бўйича кўндаланг кесилади, радиал кесим тананинг радиуси бўйича ўтади ва тангенциал кесим дарахт танаси бўйлаб марказидан бирмунча масофада кетади. Кўндаланг ва радиал

кесимларда (61-расм) пустлоқ 1, ўзак тевараги 2, камбий 3, ядро 4 ва ўзак 5 кўриниб турибти. Пустлоқ дарахтни шикастланишлардан асрайди. У ташки қатлам — пуст билан ички қатлам — луб (флосма)дан иборат. Камбий — дарахтни ўстирадиган ва пустлогини йўғонлаштирадиган тирик ҳужайралардан иборат. Камбийдан сунг ядро тевараги ва ядро жойлашган бўлиб, юпқа концентрик қатламлардан иборат булади. Ҳар бир қатлам дарахтнинг йиллик вегетацион ўсиш даври мобайнида ҳосил бўлиб, йиллик қатлам ёки йиллик ҳалқа



60-расм. Дарахт танасининг асосий кесимлари:

1 — кўндаланг кесим; 2 — йиллик ҳалқалар; 3 — тангенциаль (порсу) кесим; 4 — радиал кесим.



61-расм. Даҳаҳт танаси-  
нинг күндаланг кесими.

дэйилади. Йиллик ҳалқалар дараҳтнинг ёшини күрсатади. Тана марказида ёғочнинг ўзак деб аталувчи энг бўшақ қисми туради. Ёғоч таркибига 40—50 фоиз целлюлоза, 20—30 фоиз лигнин, 20—30 фоиз гемицеллюлоза, 3—8 фоиз смола ва кул ҳосил қилувчи моддалар киради.

Бинокорликда ишлатилувчи ёғоч навлари нинабаргли ва япроқли навларга бўлинади. Қарагай, тилогоч (ирбит), сибир писта (кедр), оқ қарагай ва бошқалар нинабарг турларга, дуб (Эман), қайнин, тогтерак, шумтол, қорақайин, зирк (ольха), терак, заранг ва бошқалар япроқли турларга киради. Нинабарг зот ёғочлар юк тушадиган бинокорлик конструкциялари, шпаллар, симёғочлар, устун, қозиқлар, дурадгорлик ашёлари, фанералар тайёрлашда, гидротехника иншоотларини қуришда, кўпприксозлиқда ва бошқа жойларда кўпроқ ишлатилади. Чунки уларнинг танаси тўғри ва узун, юқори ва пастки қисмларининг йўғонлиги бири-биридан кам фарқ қиласи, ёғочининг сифати ҳам яхши. Дуб, шумтол каби қаттиқ ёғочли япроқли зотлар юк тушадиган бинокорлик конструкцияси десталларини, паркет, фанера, эшик ва панеллар, турли дурадгорлик ашёлари ва ҳоказоларни тайёрлашда, ёғочи юмшоқ япроқли зотлардан муваққат бинолар ва иншоотлар конструкцияларининг десталларини тайёрлашда, шунингдек эшик, дераза, плинтус, саҳна-сўри, пўшиш, яшик, турли бетон ишларига кетадиган опалубкалар тайёрлашда фойдаланилади.

Намлик, гигроскопиклик ва сув ўтказувчанлик, суви қочиш ва шишиш, зичлик, ҳажмий масса, иссиқ ўтказувчанлик, коррозияга чидамлилик, механик пишиклик ва ҳоказолар ёғочнинг асосий хоссалариdir.

Намлик (W) ёгочнинг хоссаларига катта таъсир этади. У қуруқ ёгочнинг массасига нисбатан фоиз ҳисобида аниқланади ва

$$W = \frac{m_2 - m_1}{m_1} \cdot 100$$

формуласи билан ҳисоблаб чиқарилади.

Бундаги  $m_2$  — ҳўл ёгоч намунасининг массаси, г;  $m_1$  — қоқ-қуруқ намунанинг массаси, г.

Ёгоч таркибидаги намлик ҳужайра бўшлиқлари ва ҳужайралар ўртасидаги бўшлиқда жойлашувчи капилляр намлика ва ҳужайра деворларида жойлашувчи гигроскопик намлика бўлинади. Янги йиқитилган дарахт ёгочининг намлиги 35—40 фоиз, очиқ ҳаводаги қуруқ ёгочники 15—20 фоиз, уй ичидаги қуруқ ёгочники 8—13 фоиз ва ҳўл ёгочники 100 фоиз ва ундан кўпроқ. Доимий нисбий намлик ва ҳарорат билан ҳавода узоқ туриб қолган ёгочнинг намлиги мувозанат намлиги дейилади, гигроскопик намликнинг энг кўп миқдорига мувофиқ келувчи намлик толаларниг тўйшиш нуқтаси дейилади.

Ёгочнинг физик-механик хоссалари синаладиган шартли месъердаги (стандарт) намлиги стандартлаш комиссиясининг тавсияларига кўра 12 фоизга баравар деб қабул қилинган. Ёгочнинг гигроскопиклиги юксак бўлганлигидан унинг намлиги ҳавонинг нисбий намлигига қараб ўзгаради. Гигроскопиклик ёгочнинг зичлиги ҳажмий массаси, иссиқ ўтказувчанлиги ва пишиқлиги ўзгаришларига, ёгоч конструкцияларни бино ва иншоотларда ишлатиш жараённада улчамлари ўзгаришига сабаб бўлади. Гигроскопикликни пасайтириш учун ёгочнинг юзига бўёқ ва лак суртилади, унга термик ёки кимёвий ишлов берилади. Ёгочнинг сув сингдирувчанлиги муайян вақт мобайнинда намуна юзидан сизиб ўтган сув миқдори ( $\text{г}/\text{см}^2$ ) аниқланади ва бу миқдор ёгочнинг зотига, унинг дастлабки намлигига, кесилиш хусусиятига ва бошқа омилларга bogliq bўлади. Гигроскопик намликнинг бугланиш жараённада ёгочнинг бўйлама ва ҳажмий ўлчамлари кичрайди. Ҳажмий қочиш миқдори  $Y_o$

$$Y_o = \frac{V_1 - V_2}{V_2} \cdot 100$$

формуласи билан аниқланади. Бундаги  $V_1$  ва  $V_2$  — намуналарнинг қуритишгача ва қуритишдан кейинги ҳажми, см<sup>3</sup>.

Қуриб тоши қочиш кўрсаткичи ҳажмий тош қочиш коэффициенти  $K_o$  билан аниқланади. Бу коэффициент

ёгочнинг буғланаётган 1 фоиз гигроскопик намлиқдаги ёгочнинг ҳажмий тош қочишини кўрсатади:

$$K_o = \frac{y_o}{W},$$

бундаги  $W$  — намунанинг намлиги, %.

Ёгочнинг турли йўналишларда қуриб тоши нотекис қочиши натижасида конструкцияларнинг айрим элементлари билонгланиб, уларда ёриқлар пайдо бўлади. Гигроскопик намлик толаларнинг тўйинниш нуқтасига қадар кўтарилиганида ёгоч шишиб, ҳажми катталашади. Қуриб тош қочиш ва шишишин камайтириш учун ёгоч материаллар ва ашёларнинг ишлатилиш шароитларига мувофиқ келадиган намлиқдаги ёгоч ишлатилади. Ёгочнинг зичлиги дараҳтнинг навига қараб 1,29 дан 1,57 г/см<sup>3</sup> гача боради. Ҳажмий масса дараҳтнинг намлиги ва навига боғлиқ бўлади. Мсьёрдаги намлиқда нинабаргли дараҳтларнинг ҳажмий массаси ўрта ҳисобда 600 кг/м<sup>3</sup>, япроқли дараҳтларники 520 дан (аргуон ва зиркда) то 750 кг/м<sup>3</sup> гача (дубда) боради. Ёгочнинг иссиқ ўтказувчанлиги паст, зичлик ва намлик кўпайиши билан ёгочнинг иссиқ ўтказувчанлиги ортади. Тола бўйлаб иссиқ ўтказувчанлик коэффициенти толанинг кўндалангига бўлган иссиқ ўтказувчанликдан тахминан 2 баравар кўп. Ёгоч ишқор, туз ва кўпчилик органик кислоталар эритмаларининг таъсирига гоятда чидамли. Аммо минсрал кислоталарнинг, айниқса нитрат кислотанинг эритмаси, шунингдек денгиз суви ёгочни увалантириб юборади, чунончи концентрация кўтарилиши билан увалантириш таъсири ҳам кучаяди. Нинабарг зотларнинг ёғочи япроқли зотларнинг ёгочига нисбатан смирувчи муҳит таъсирига кўпроқ коррозион чидамли эканлиги аниқланган.

Ёгоч ёнадиган материалdir: унинг кўмирга айланиш ҳарорати 120—150°C, аланталаниш ҳарорати 250—300°C. Ёгочни ёнишдан асрash учун унга ўтдан сақлайдиган таркиб (антипирен) сингдирилади, ўтдан сақлайдиган суюқ материалларга бўялади, ашёларнинг бети ёнмайдиган материаллар билан сувалади ва ҳоказо. Ёгочнинг сиқилиш, чўзилиш ва эгилишга пишиқлиги ҳам толаларнинг йўналишига боғлиқ бўлади: зичлик ошиши билан ортади ва намлик кўтарилиши билан камаяди. Ёгочнинг тола бўйлаб сиқилишга пишиқлигининг 15 фоиз намлиқдаги пишиқликка боғлиқлигини 27-жадвалда берилган рақамлар кўрсатиб турибди.

27. Асосий ёғоч турларынинг зичлик ва пишиқлиқ рақамлари

Зоти	Зичлик, г/см <sup>3</sup>	Сиқилишга пишиқлиқ ҳадди, МПа
<b>Нинабаргиллар:</b>		
ирбит	0,68	52
қарагай	0,53	44
қора қарагай	0,46	42
писта қарагай	0,44	35
<b>Япроқли зотлар:</b>		
дуб	0,72	52
шумтол	0,71	51
қора қайнин	0,65	46
қайнин	0,64	45
зирк	0,52	37
терак	0,47	35

Ёғочнинг толага кўндаланг тушувчи сиқилишга пишиқлиги тола бўйлаб сиқилишга пишиқлигининг тахминан 10—30 фоизини ташкил қиласди. Тола бўйлаб чўзилишга пишиқлик ёғочнинг тола бўйлаб сиқилишга пишиқлигидан 2—3 баравар юқори, эгилишга пишиқлиги эса 1,5—2 баравар кўпроқ. Аммо ёғочнинг тола кўндалангига чўзилиш ва эгилишга пишиқлиги жуда паст.

Дараҳт танасининг меъсрдаги тузилиши ва ташқи шаклининг бузилишларидан, турли шикастликлар ва касалланишдан вужудга келувчи қусурлар дараҳтнинг хоссаларига анча таъсир этади. Ёғочнинг қусурлари ёғоч материаллар ва ашёларнинг сифатини пасайтириб юборади, шунинг учун ҳам улар ёғочнинг навини белгилашда пишиқлик кўрсаткичлари билан бирга дастур бўлади. Қусурлар дараҳтларнинг усиш жараёнида вужудга келувчи бирламчи қусурларга ҳамда ёғочни ишлатиш ёки уни сақлашда вужудга келувчи иккиламчи қусурларга бўлинади. Сербутоқлик, эргитик, буранглик, билонгилик, учи сарн ингичка тортиш ва бошқа иллатлар бирламчи нуқсонларга, ёриқлар, мөгор босган, чириган, қурт еган ёғочлар иккиламчи қусурларга киради. Дараҳт танасидаги бутоқлар ёғочнинг энг кўп тарқалган зарар қусуриди. Бутоқлар бир жинсли тузилиши бузади, пишиқликни пасайтиради ва ёғочга ишлов беришни қийинлаштиради, замбуруғ касалликлари тарқалишига манба бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бинокорлик конструкцияларининг масъул элементларини ясаш учун бутоқсиз ва бошқа қусурлардан коли сархил текис ёғоч ишлатилади. Қийшиқлик — тананинг узунлик бўйлаб қийшайганлиги нафли ёғоч материал ва ашё чиқишини камайтиради. Танада ёғоч

толаларининг винтсимон жойлашишидан иборат буранглик ёгочнинг сифатини пасайтиради ва уни ишлатишини чеклайди. Буранг ходаларни арралаб олинган тахта ва бруслар унча пишиқ бўлмайди. Ёгоч толаларининг тўлқинсимон чалкаш жойлашишидан билонғилик қусури пайдо бўлади. Билонғилик ёгочнинг эгилишга пишиқлигини пасайтиради, материалга ишлов беришни қийинлаштиради, лескин ёнгоқ, карелия қайнини каби баъзи билонги ёгоч навларининг қирқимлари кўркам гул беради ва бузак ишларида фойдаланилиши мумкин. *Ингичка тортиниши* — дараҳт танасининг илдиз бўғзидан учи сари тана йўғонлигининг белгиланган мисъёрдан ингичкалашиб кетиши бўлиб, нафли ёгоч чиқиши фоизини камайтириб юборади. *Ёриқлар* — дараҳтнинг ўсиш ва ёгочнинг нотекис қуриши жараёнида толаларининг узала ажралишидан вужудга келади. Ёриқлар ёгочнинг яхлитлигини бузади, унинг чиришига сабаб бўлади, нафли ёгоч-тахта материаллар чиқиши фоизини камайтиради. Ёгочдаги *могорлаган* ва *чириған* жойлар — ёгочнинг бузувчи замбуруғлар таъсирида вужудга келган қусурлари бўлиб, ўсиб турган, шунингдек кесилган дараҳтни, ёҳуд қурилиш конструкция элементларини шикастлантириши мумкин. Дубнинг оқ могори, бўз могори ҳамда япроқли дараҳт зотларининг оқ могори замбуруғларнинг энг хавфли турларидир. 20—35°C ҳарорат ва 20—70 фоиз намлиқ ёгочга замбуруғ тушиши энг қулай шароитлар ҳисобланади. 20°C дан паст ҳароратда ёгоч чиримайди. Сернам шароитларда турдиган ёгочни муҳофазалаш учун унга замбуруғларни заҳарлайдиган ва қирадиган антисептик моддалар билан ишлов берилади. Натрий фторид, антрацен мой, сланец мойи, битум, силикат ва гил пасталар энг кўп тарқалган антисептик моддалар ҳисобланади. *Қурт тушган* ёгоч — ҳашаротлар вужудга келтирадиган қусурдир. Мебель ва хонаки ёгоч қурти, термитлар энг кўғ тарқалган зааркунанда ҳашаротлардир. Ёгочда диаметри 2 мм ва ундан каттароқ думалоқ ёки овал тешиклар, йўллар, шунингдек пўстлоқ остидаги ариқчалар қурт еган жойларининг хос турларидир. Қурт еган ёгочнинг пишиқлиги пасайиб кетиб чиришга мойил бўлади, шунинг учун ҳам улардан иморатсозликда фойдаланиб бўлмайди.


#### 11. 2. 2. Иморатбоп ёгоч материалларининг асосий турлари. Уларни сақлаш ва ташиш шартлари

Иморатсозликда ишлатиладиган ёгоч-тахталар ходалар, ёгоч-тахта, иморатбоп деталлар ва ашёларга бўлинади.

Турли ёғоч материалларнинг мажмуюи сортиментларни ташкил қиласди. Улар нави, ўлчами ва вазифалари билан бир-биридан фарқ қиласди.

Шох-шаббаси кесилган пўстлоқли ёки пўстлоги шилингандарахт таналари гўла ёғоч материаллар бўлади. Учининг йўғонлиги камидаги 14 см келадиган тана булакларига хода дейилади, 8 см дан 23 см гача борадиганлари ходача (подтоварник) ва 3 см дан 7 см гача борадиганлари поя (жердъ) бўлади. Ходалар вазифасига кўра иморатбоп ва арабобоп бўлади. Иморатбоп ходалардан уй-жой, жамоат ва саноат бинолари учун юк тушадиган конструкциялар, электр ва алоқа линияларининг устунлари, темир йўл шпаллари тайёрлашда, гидротехника иншоотларида ҳамда кўприклар қуришда, арабобларида эса — ёғоч-тахталар тилишда фойдаланилади. Қурилиш ишларида асосан иғнабарг навларнинг, камдан-кам ҳолларда япроқли навларнинг ходаларидан фойдаланилади, электр ва алоқа линияларининг устунлари учун йўғонлиги 20—32 см, узунлиги 6,5—18 м га борадиган ходалар ишлатилади; темир йўл шпалларини тайёрлаш учун йўғонлиги камидаги 24 см ва узунлиги 2,7—5,4 м га борадиган нинабарг ва япроқли зот ходалар ишлатилади; гидротехника иншоотларини тиклаш ва кўприклар қуришда йўғонлиги 22—34 см ва узунлиги 6,5—8,5 м га борадиган нинабарг дараҳтларнинг ходалари ишлатилади. Ходалар ёғочининг сифатига кўра уч категорияга бўлинади: чириш ва қурт еғанликдан иборат нуқсонлари бўлмаган, лекин чекланган ҳолдаги бошқа хил шикастлари бўлган ходалар биринчи ва иккинчи категорияларга киради, чиришдан ташқари ҳар хил шикастликлари бўлган ходалар учинчи категорияга киради.

Ёғоч-тахта ходаларни узала арралаш натижасида ҳосил қилинади. Ёғоч-тахта материаллар шакли ва ўлчамлари жиҳатидан (62-расм) *тахталарга* (Эни икки баравар қалинлигидан сербарроқ бўлади), *брұсларга* (Эни икки карра қалинлигига баравар ёки ундан камроқ бўлади) ва *брұсъяларга* (Эни ёки қалинлиги 100 мм дан ошади) бўлинади. Нинабарг зот ёғочдан тилинадиган тахталар 13, 16, 19, 22, 25, 32, 40, 45, 50, 60, 70, 75 ва 100мм, брусьялар — 130, 150, 180, 200, 220 ва 250 мм дан бўлади. Ёғоч-тахта материалларнинг эни 80—250 мм, узунлиги 1—6,5 м бўлади. Япроқли дараҳт зотларидан



62-расм. Бинокорлик материалларининг турлари:  
 а, б, в — бруслар; г — зиҳи олинмаган тахта; д — зиҳи олинган тахта;  
 (1—юзи, 2—зиҳи, 3—тореци — кўндаланг сирти, 4—қирраси); е — бир  
 ён зиҳи тўмтоқ тахта; ж — бир ён зиҳи ўтқир тахта; з — брус; и —  
 пушта; к — бир учи порсу қилинган; л — зиҳи олинмаган шпал; м —  
 зиҳи олинган шпал.

тилинган ёгоч-тхаталарнинг қалинлиги 13—100 мм, эни 60—200 мм ва узунлиги 0,5 дан 6,5 м гача боради.

Иморатбоп деталлар ва ашёлар дурадгорлик плиталари, фанер, паркет, рандаланган узала ашёлар, елимланган дурадгорлик ашёлари, ёгоч қиринди ва ёгочтола плиталар ва ҳоказолар ҳолида тайёрлаб чиқарилади. Дурадгорлик плиталари ораларига рейка қўйилган иккала томонидан ёгоч шпон (пластинка) ёпиширилган учқават шчитдан иборат бўлади. Плиталар энини 1220, 1270 ва 1525 мм, узунлигини 1800, 2120 ва 2500 мм ва қалинлигини 16, 19, 22, 25 ва 30 мм қилиб нинабарг дарахтлар ва юмшоқ япроқли дарахтларнинг ёғочларидан тайёрлаб чиқарилади.

Иморатбоп фанера — қайнин, дуб, зирк, шумтол, заранг, тоғтерак, қарагай, қорақарагай ва бошқа хил ёғочдан ишланган бир неча хил шпонни фенол-формальдегидли елим ва казеин-цемент елим билан ёпишириб ҳосил қилинади. Икки қўшни шпон толаларининг йўналиши бир-бирига тик бўлмоги керак. Шпон қатламларининг сони 3 тадан 13 тагача боради. Фанераларнинг қалинлиги 1,5; 2; 3; 4; 5; 6; 7; 8; 9; 10; 12; 15 ва 18 мм бўлгани ҳолда формати  $2440 \times 1525$ ,  $2440 \times 1220$ ,  $2135 \times 1525$ ,  $1830 \times 1220$ ,  $1525 \times 1525$ ,  $1525 \times 1220$ ,  $1525 \times 750$ ,  $1220 \times 750$  мм бўлади. Иморатбоп фанер биноларнинг ташқи ва ички деворларига қоплашда, говловчи конструкциялар ва ички тусиқлар, деворлар қуришда, муваққат ва ёрдамчи иморатлар учун пўшиш материал сифатида ишлатилади.

Паркет полларнинг бетига қоплашда ишлатилади ва планка паркет ҳамда шчит паркетларга бўлинади. Планка паркет четлари профилланган турли ўлчам ва шакллардаги тахтачалардан иборат бўлади; шчит паркет негизида рейка бўлиб устидан планка паркет ёпиширилган бўлади. Паркет дуб, қорақайнин (бук), шумтол, қарагай каби қаттиқ ёғочлардан тайёрланади. Полга ётқизиладиган тахталар, дераза рафлари, рандаланган брус ва брусьялар, плинтус ва часпак (чорчўп)лар, муваққат биноларга аталган пўшиш плиталар рандаланган узала ашёларга, эшик, дераза ва говдевор элементлари елимланган дурадгорлик ашёларига, погонаж (узала) ашёлар, томга ёспиладиган материаллар учун остидан қўйиладиган (синтетик смола ва оқсил елимлар билан ёпиширилган) шчитлар, рандаланган погонаж ашёларга киради. Ёгоч қиринди ва ёгоч тола плиталар нокондицион ёгоч материаллардан ҳамда ёгочсозлик саноатининг чиқитла-

ридан, ёғоч зарраларини иссиқ ҳолда ёки ёғоч тола массани боғловчи фенол ёхуд карбамид смолалар билан пресслаб тайёрланади. Плиталар қопламасиз ҳамда шпон ва синтетик пленка билан қопланган ҳолда чиқарилади.

Ёғоч қиринди плиталар бинокорликда полларга тұшаща, девор ва шипларни қоплаша, турли ғов деворлар қуришда, мебель ва радиотехника саноатида, машинасозликда ва башқа тармоқларда, ёғочтола плиталар эса биноларнинг ичидә деворлар, шиплар ва полларга қоплама ҳамда термоизоляцион материал сифатида кенг күламда құлланади. Ёғоч материаллар ва улардан тайёрланған ашёларнинг сифатига материал ва ашёларнинг вазифаси, үлчамлари ва намлигига қараб йұл қўйиш мүмкін бўлган қусур турларини ҳисобга олган ҳолда баҳо берилади. Ёғоч материаллар омборларда сақланыётганды уларнинг ёгин-сочин тушиб бузилишига, замбуруғ ва ҳашаротлар воситасида бузилишига, механик шикастланишлар ва ёрилиб кетишга имкон бермайдиган шароитлар яратиш зарур. Барча ёғоч материаллар тури, нави ва үлчамларига кўра хилланган ҳолда сақланади. Жиққа ҳўл ходалар ва ёғоч-тахталар ёғочнинг табиий шамоллаб туриши ва бир маромда қуриши учун шароитлар вужудга келтириладиган тарзда тахланади. Ҳаво бузилганида тах устидан брезент, толь ва башқа материаллар ёпилади.

Нотекис қуриш натижасида ёрилиб кетишдан сақлаш учун ходалар ва ёғоч-тахта учларнинг кўндаланг сиртига намлик чиқишини секинлаштирувчи оҳак эритмалари, нефть битумлари ва эмульсиялари суртиб қўйилади. Ёғоч материалларни ўйиб сақлаш тақиқланади. Иморатбоп деталлар ва ашёлар ёпиқ биноларда ораларига қистирмалар қўйиб сақланади. Шундай қилинганды уларнинг қийшайиши ва шикастланишига, шунингдек уларга сизот сув тегишига имкон берилмайди. Сақлаш учун келтирилган хода материалларнинг пўстлоги шилиб олиниб, ходалар ёки темир-бетон балкалардан тузиладиган маҳсус заминга тахланмоғи лозим. Ходалар билан тахнинг биринчи горизонтал қатори орасидаги масофа 300—400 мм, кейинги қаторлардаги масофа эса камида 50 мм бўлиши керак. Ходалар механизмлар воситасида тахланса, тах баландлиги 6—8 м бўлади; тахнинг мустаҳкамлигини ошириш учун ташқи томонидан ерга қоқилган устун ва тиргаклар билан маҳкамлаб қўйилади.

Ҳавойи-қуруқ намликтаги олий ва биринчи нав ёғоч-тахталар бостиirmалар остида тури, зоти ва үлчамларига қараб алоҳида-алоҳида сақланади. Қолган навлар эса очиқ омбор майдонларида табиий қуришини таъминлайдиган зич тах қилиб сақланади. Ёғоч-тахта тахлари тұғрибурчак ёки квадрат шаклда бўлиши мумкин; тахнинг бўйи тахлаш усулига боғлиқ бўлади: қўлда тахлаганда 2—3 м, механизмлар воситасида тахлаганда 6 м дан 8 м гача боради. Тахларни тик офтоб нури ва ёгин-сочиндан сақлаш учун устига 10—15° бурчак билан жойлаштирилган тахталардан бир ёқлама нишабли том қилинади. Иморатбоп деталлар ва ашёлар ёпиқ биноларда тури, нави ва үлчамларига кўра хилланган ҳолда тагликларга тахлаб сақланади; шу билан бирга уларни тик офтоб нуридан ёгин-сочин ва сизот сувдан асраш кўзда тутилган бўлади. Ёғоч материаллар ҳамма турлардаги транспорт билан ташилади. Темир-йўл орқали ташилаётганида кўпинча очиқ платформалардан, камдан-кам ҳолларда усти ёпиқ вагонлардан фойдаланилади. Ёғоч материалларни маҳкамлаш учун платформалардаги қозиқ уяларига тиқиб қўйиладиган маҳсус устун-қозиқлар, шунингдек сим ва стандарт боғлар ишлатилади. Думалоқ ёғоч материаллар вагонлар бўйлаб учма-уч тахлаб ташилади. Узун үлчов ходалар ташилаётганида икки жуфт кўндаланг қистирмалар қўйилади. Ёғоч-тахталар бири-бирига тақаладиган қилиб зич тахланади ва қозиқлар билан маҳкамлаб қўйилади. Ёғоч-тахталар сурилиб кетишига йўл қўймаслик учун узала ва кўндаланг йўналишларида планка ва хомутлар, шунингдек торцсвой шчитлар ёрдамида яна маҳкамлаб қўйилади. Ҳар бир вагонга бир хил зот, бир хил нав ва бирдай узунилкдаги ёғоч-тахталар ортилади. Ёғоч-тахта хомутлар билан ўраб боғланган устки ва қуий ёғоч бруслардан иборат пакетларга тахланган ҳолда ҳам ташилади. Иморатбоп ёғоч деталлар ва ашёлар блок қилиб йигилган ҳолда ташилади ва ёгин-сочиндан, офтоб нуридан ва механик шикастланишлардан муҳофаза этилмоғи лозим.

### 11. 3. Қурилиш материаллари сарфини камайтиришнинг асосий йўналишлари

Бинокорлик ишлаб чиқариши — цемент, металл, ёғоч-тахта, томга ёпиладиган материаллар ва бошқа хил материалларнинг энг катта истеъмолчисидир. Моддий

ишлиб чиқаришда фойдаланиладиган жами саноат маҳсулотининг 15 фоизидан кўпи қурилиш ишилари доирасига кетади. Мамлакатимиздаги катта қурилиш кўламларида моддий ресурсларни тежаш муҳим халқ хўжалик аҳамиятини касб этади ва умуман мамлакат бўйича моддий ресурслар сарфининг ҳар фоиз камайиши натижасида юзлаб миллион сўм пул тежалади.

Бинокорлик материаллари саноатида ишлатилувчи асосий хом ашё турлари: кўпчилик бинокорлик материалларини ишлиб чиқаришда фойдаланиладиган минерал хом ашёга, қайта ишлаш саноатининг тармоқлари оладиган материалларга (металлургия, кимс, нефти қайта ишлаш саноати маҳсулотлари), кончилик, металлургия ва ёқилғи саноатига, минерал хом ашёни қайта ишлашга йўлдош маҳсулотларга, бинокорлик материаллари саноатининг чиқитларига, дов-дараҳт хом ашёга бўлинади.

Бир қанча ҳолларда бинокорлик материаллари саноатида шу саноатининг ўзи ишлиб чиқарган маҳсулотлардан, масалан, цемент, оҳак, гипс, керамзит, минерал паҳта ва бошқа маҳсулотлардан фойдаланилади. Моддий ресурсларни тежаб улардан комплекс ҳолда фойдаланиш янги илгор материалларни ишлатиш, иккиласмачи хом ашё ресурсларини хўжалик доирасига жалб қилиш бинокорлик материаллари сарфини камайтиришнинг асосий йўналишларидир.

Қурилишда йигма конструкциялар ва ашёлардан, биринчи навбатда темир-бетон ашёлардан фойдаланиб бориш орқали моддий ресурсларни ишлатиш яхшиланади. Оддиндан зўриқтирилган ва юпқа деворли конструкциялардан фойдаланиш, снгил бетондан ясалган ашёлардан фойдаланиш айниқса самарали бўлади. Зўриқтирилиб армировка қилинган конструкциялардан фойдаланиш натижасида 20—25 фоиз цемент тежалади. Юпқа деворли ашёларни ишлатиш натижасида эса 40 фоизгача цемент тежалади. Темир-бетонда стержень арматура ўрнига тобсиз (совуқлайн) чўзилган пўлат симдан пайвандланган тўр ишлатиш натижасида 30 фоиздан 40 фоизгача прокат тежалади. Паст лэгирланган пўлат прокатни ва ишлов бериб пишиқтирилган прокатни, самарали пўлат турларини ишлатиш натижасида, тежамли прокат профилларини жорий этиш, коррозияга қарши кураш натижасида қурилишда металл сарфи камайди. Янги илгор материал турларидан, аввало полимер материаллардан фойдаланиш

туфайли металл, ёғоч, цементни тежаш реал имкониятлари вужудга келади. Масалан, қурилишда 1 тонна пластмасса ишлатиш оқибатида тахминан 1,8—2,4 тонна пұлат ва чүян, 6,1—7,6 тонна ишбоп ёғоч ва 9,1—12,1 тонна цемент бұшайды. Ички сув тармоқларида, газ таъминот ва канализация тармоқларида ва ташқи сув таъминот тармоқларида полизтилен ва поливинилхlorид құвурлардан фойдаланиш айниңса самарали бўлиб, уларда 1 тонна пластмасса құвур 7—12 тонна пұлат құвур ўрнини босади. Мелиорация қурилишида металл құвурлар ўрнида юксак тазийекли асбоцемент құвурлардан фойдаланиш натижасида ҳар километр құвурда 26 тоннадан зиёд металл тежаш мумкин бўлади. Бетон ишлаб чиқаришда юқори сифатли чақиқтош, шағал ва қурилиш қумидан фойдаланиш, мулоимлаштирувчи ва гидрофоб құшымча моддалар ишлатиш, шлак-ишқорли бөгловчи материаллар асосида цементсиз бетонлар ишлатиш оқибатида цемент тежалади.

Ёғочни миқдорий тежаш ва ёғоч материаллар ўрнида бошқа хил материаллар, полимерлар ишлатиш, шунингдек ёғоч воситалар ва бошқа хил воситалардан комплекс ҳолда фойдаланиш оқибатида ёғоч материаллар сарфи камаяди. Қурилиш ишларида хом ашё ва материаллар сарфи нормаларни камайтириш, қурилиш материаллари сифатини ошириш йўллари билан моддий ресурсларни тежаш мумкин бўлади. Бинокорлик материалларини ишлаб чиқаришда иккиласми хом ашёдан фойдаланиш тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни анча купайтиришга, қимматли материалларни тежашга, чиқитларнинг атроф муҳитга номатлуб таъсирини камайтиришга имкон беради.

Аммо ҳозирги вақтда қурилиш эҳтиёжлари учун саноат чиқитларидан фойдаланиш даражаси ҳали унча катта эмас. Кончиллик, металлургия, кўмир қазиш тармоқлари ва саноатнинг бошқа тармоқларида чиқитларни комплекс қайта ишлаш масаласи айниңса кескин қўйилмоқда. Ҳар йили кўплаб тог жинслари, минерал хом ашёни қайта ишлаш чогида чиқадиган маҳсуллар, кул-шлак чиқитлари, домна, мартен шлаги ҳамда темир қотишма шлаклари яроқсиз жинслар сифатида уйилади. Ҳолбуки шлакпортландцемент, дөвборбоп материаллар ва ашёлар, шлакситоалл, қўйма ашёлар құвурлар, бетонга ишлатиладиган чақиқтош каби муҳим бинокорлик материаллари ва ашёларини ишлаб чиқариш учун шу қимматли саноат чиқитларининг озгина қисмидангина фойдаланилади.

Күмир саралаш чиқитларидан озгина технологик ёқилғи сарфлаб керамик гишт ва тош ишлаб чиқарилиши мүмкін. Аммо иккіламчы хом ашёнинг шу энг муҳим туридан фойдаланиш ҳали кенг ёйилмаган. Бинокорлик материаллари саноатида бундай материаллар ишлаб чиқаришда асосий кон маҳсулотларига құшилиб чиқадиган материаллардан, иккіламчы хом ашё, шлак ва бошқа чиқитлардан янада тұлароқ фойдаланиш асосий йұналишлари белгилаб берилған. Үй-жой қурилишларда ёғоч чиқитларидан ҳосил қилинадиган ёғочқиринди ва ёғочтола плиталарни, шунингдек полимер материаллар ва цемент асосидаги ашёларни ишлатиш муҳим иқтисодий самара беради.

Бинокорлик материалларининг қанчалик сарфланиши қурилиш корхоналарининг объектлари, омборлари ва базаларидан моддий ресурсларнинг сақланиш сифатига күп жиҳатдан боғлиқ бұлади.

Объектларни жадаллік билан сифатлы қуриш бинокорлик материалларини тежашнинг муҳим омылларидан биридір. Тез қуриш — материаллар ва ашёларни очиқ ҳавода камроқ сақлаш, сифатлы қуриш — материалларни тежаб сарфлаш, нобудгарчиликтарни камайтириш демайды.

## АДАБИЁТЛАР

1. Алексеев Н. С., Ганцов Ш. К., Кутягин Г. И. Введение в товароведение непродовольственных товаров. М.: Экономика, 1982.
2. Брацыхин Е. А. Технология пластических масс. М.: Химия, 1982.
3. Волкова Т. И. Товароведение металлов, металлических изделий и руд. М.: Металлургия, 1973.
4. Воробьев В. А. Строительные материалы. М.: Высшая школа, 1982.
5. Дьяченко И. М. Эффективность развития порошковой металлургии. М.: Экономика, 1979.
6. Иванцова Э. И. Продукция химической промышленности. Топливо. М.: изд. ВЗФЭИ, 1983.
7. Итинская Н. И. Справочник по топливу, маслам и техническим жидкостям. М.: Колос, 1982.
8. Каракина М. И. Лакокрасочные материалы: технические требования и контроль качества. М.: Химия, 1984.
9. Комар А. Г. Строительные материалы и изделия. М.: Высшая школа, 1983.
10. Костяев П. С. Материаловедение для арматурщиков-бетонщиков и арматурщиков-электросварщиков. М.: Высшая школа, 1985.
11. Куприяков Е. М. Стандартизация и качество промышленной продукции. М.: Высшая школа, 1985.
12. Лепетов В. А. Резиновые технические изделия. М.: Химия, 1976.
13. Материаловедение. /Под ред. Арзамасова Б. Н. М.: Машиностроение, 1986.
14. Общая химическая технология. /Под ред. Фурмера Э. И. М.: Высшая школа, 1978.
15. Общетехнический справочник /Под ред. Скороходова Е. А. М.: Машиностроение, 1982.
16. Основы химической технологии /Под ред. Мухленова И. П. М.: Высшая школа, 1983.
17. Технология важнейших отраслей промышленности /Под ред. Гинберга А. М., Хохлова Б. А. М.: Высшая школа, 1985.
18. Технология важнейших отраслей промышленности /Под ред. Ченцова И. В. Минск: Высшая школа, 1977.
19. Товарные нефтепродукты, свойства и применение. Справочник /Под ред. Школьникова В. М. М.: Химия, 1978.
20. Ульянов И. А. Угли в народном хозяйстве. М.: Недра, 1982.
21. Шахпазов Р. Б. Производство метизов. М.: Металлургия, 1977.
22. Шейкин А. Е. Строительные материалы. М.: Стройиздат, 1978.
23. Махкамов Р. Г. Повышение надежности хлопкоочистительного оборудования работающего в ударном режиме. Тошкент. "Фан" нашриёти, 1989 й.

## МУНДАРИЖА

<b>С ёз боши . . . . .</b>	<b>3</b>
<b>Кириш . . . . .</b>	<b>5</b>
Ўқув фани, мазмунни ва вазифалари . . . . .	5
Ишлаб чиқариш-техника аҳамиятидаги маҳсулотларнинг таснифи ва тасвиби . . . . .	7
Маҳсулотларни стандартлаш . . . . .	17
Саноатда фан-техника тараққиёти . . . . .	25

## I Бўлим. МЕТАЛЛАР

<b>1 - б о б . Металлар ва металл ашёлар товаршунослигининг асослари . . . . .</b>	<b>28</b>
1. 1. Кора металлар ишлаб чиқаришининг аҳамияти, ҳолати ва ривожланиши . . . . .	29
1. 2. Металларнинг асосий хоссалари . . . . .	30
1. 2. 1. Металларнинг физик ва кимёвий хоссалари . . . . .	30
1. 2. 2. Металларнинг механик хоссалари ва уларнинг баъзиларини аниқлаш усуллари . . . . .	31
1. 2. 3. Металларнинг технологик хоссалари . . . . .	38
2 - б о б . Чўян ва пўлат . . . . .	39
2. 1. Темир карбид қотишмаларининг ҳолат диаграммаси . . . . .	40
2. 2. Чўян . . . . .	43
2. 2. 1. Чўян ишлаб чиқариш . . . . .	43
2. 2. 2. Домна ва машинасозликда ишлатиладиган чўянларнинг таснифи . . . . .	46
2. 2. 3. Сифат назорати. Чўян етказиб бериш, сақлаш ва ташиш шартлари . . . . .	49
2. 3. Пўлат . . . . .	50
2. 3. 1. Пўлат ишлаб чиқариш усуллари ва сифати . . . . .	50
2. 3. 2. Пўлатнинг таснифи ва маркалари . . . . .	54
2. 4. Пўлат сифатини ошириш . . . . .	61
2. 4. 1. Пўлат сифатига баъдо бериш мезонлари ва услублари . . . . .	61
2. 4. 2. Пўлат сифатини металлургия усуллари билан ошириш . . . . .	66
2. 4. 3. Термик ишлов турлари ва унинг пўлат хосасига таъсири . . . . .	71

<b>3 - б об.</b> Рангли металлар ва уларнинг қотишмалари . . . . .	78
3. 1. Рангли металларнинг аҳамияти, ҳолати ва уларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш . . . . .	78
3. 2. Мис ва унинг қотишмалари . . . . .	79
3. 3. Алюминий ва унинг қотишмалари . . . . .	84
3. 4. Рангли металлар ва қотишмаларининг сифатини назорат этиш . . . . .	88

## II Бўлим. МЕТАЛЛ МАҲСУЛОТЛАР

<b>4 - б об.</b> Металларга босим остида ишлов бериш услублари орқали ҳосил қилинадиган буюмлар . . . . .	90
4. 1. Металларга босим остида ишлов бериш услубларининг таснифи ва қисқача таснифи . . . . .	90
4. 2. Прокат маҳсулотлар . . . . .	93
4. 2. 1 Прокат ишлаб чиқаришнинг таснифи ва қисқача таснифи . . . . .	93
4. 2. 2. Прокат маҳсулот сифатини назорат этиш . . . . .	99
4. 2. 3. Металл маҳсулотларни етказиб бериш, сақлаш ва ташиш шартлари . . . . .	102
4. 3. Болгалаш ва штамплаш . . . . .	105
4. 3. 1. Болгалаш ва штамплаш маҳсулотларининг ишлаб чиқариш асослари . . . . .	105
4. 3. 2. Чиқит турлари. Болгалаш ва штамплашнинг сифатини назорат этиш . . . . .	108
4. 4. Саноат аҳамиятидаги металл ашёлар . . . . .	110
4. 4. 1. Сим, металл тўр ва пўлат арқон . . . . .	110
4. 4. 2. Пўлат лента ва пайванд электродлар . . . . .	115
4. 4. 3. Маҳкамловчи ашёлар . . . . .	118
<b>5-боб.</b> Бошқача услублар билан тайёрланадиган металл буюмлар . . . . .	120
5. 1. Кукун материалларидан ишланадиган буюмлар . . . . .	120
5. 1. 1. Кукун материалларидан ишланадиган буюмлар ишлаб чиқариш асослари ва уларни самарали қўллаш . . . . .	120
5. 1. 2. Металл-керамик асбоббоп материалларнинг таснифи, хоссалари ва уларни маркалаш . . . . .	123
5. 2. Кўймачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш . . . . .	126
5. 2. 1. Кўймачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш асослари . . . . .	126
5. 2. 2. Аниқ қўйиш металлни тежаш омили сифатида . . . . .	131
5. 2. 3. Кўймаларнинг товар таснифи ва сифат кўрсаткичлари . . . . .	135
5. 2. 4. Кўйма нуқсонларининг турлари ва уларнинг сифатини назорат этиш . . . . .	139
5. 3. Пайвандланадиган ашёлар . . . . .	142
5. 3. 1. Пайвандланадиган ашёлар ҳосил қилиш хусусиятлари . . . . .	142
5. 3. 2. Металларнинг пайвандланувчанилиги ва пайвандланган буюмлар сифатини назорат этиш . . . . .	146
5. 4. Механик ишлов бериб ҳосил қилинадиган ашёлар . . . . .	149
5. 4. 1. Кесиб олинадиган буюмларнинг сифат кўрсаткичлари . . . . .	149
5. 4. 2. Кесиб олинган тайёр буюмларнинг сифат кўрсаткичлари . . . . .	153
5. 5. Металл сарфини тежашнинг асосий йўналишлари . . . . .	160

### III Бўлим. КИМЁ САНОАТИ МАҲСУЛОТИ

Мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришда кимёлаштиришнинг аҳамияти	163
<b>6-боб. Ноорганик кимё маҳсулоти</b>	165
6. 1. Сульфат кислота	165
6. 2. Нитрат кислота	168
6. 3. Хлорид кислота	169
6. 4. Сода маҳсулотлари	170
6. 5. Ноорганик кислоталар ва сода маҳсулотларини юбориш, сақлаш ва ташиш шартлари	172
<b>7-боб. Органик кимё маҳсулоти</b>	175
7. 1. Пластмассалар — замонавий конструкцион материаллар	175
7. 2. Пластмассаларнинг тасниф белгилари	179
7. 3. Термопластларнинг турлари. Уларнинг вазифаси, төварлик хоссалари, маркалаш усуллари	180
7. 3. 1. Полиэтилен	181
7. 3. 2. Полипропилен	186
7. 3. 3. Поливинилхлорид	187
7. 3. 4. Полистирол	189
7. 3. 5. Фторопластлар	190
7. 3. 6. Полиамидлар	193
7. 3. 7. Полиметилметакрилат, полиформальдегид ва пенипласт	195
7. 4. Реактопластларнинг турлари. Уларнинг вазифаси, төварлик хоссалари ва маркаланиш тартиблари	197
7. 4. 1. Фенопластлар	198
7. 4. 2. Аминогластлар	206
7. 4. 3. Полизфир, эпоксид ва кремнийорганик смолалар асосидаги пластмассалар	208
7. 5. Газ тўлдирилган пластмассалар. Уларнинг турлари, хоссалари, маркаланиши ва ишлатилиши	209
7. 6. Пластмассаларни етказиб бериш, сақлаш ва ташиш шартлари	211
7. 7. Кимёвий толалар	213
7. 7. 1. Кимёвий толаларни ишлаб чиқариш асослари	214
7. 7. 2. Кимёвий толаларнинг хоссалари ва ишлатилиши	217
7. 8. Резина-техника буюмлари	219
7. 8. 1. Резина ва резина буюмларни ишлаб чиқариш асослари	219
7. 8. 2. Резина-техника ашёларининг хоссалари, таснифи, тавсифи ва ишлатилиши	223
7. 8. 3. Резина-техника ашёларини сақлаш ва ташиш шартлари	229
7. 9. Лак-бўёқ материаллар	230
7. 9. 1. Лак-бўёқ материалларнинг вазифаси ва таркиби	230
7. 9. 2. Лак-бўёқ материалларнинг асосий хоссалари	232
7. 9. 3. Лак-бўёқ материалларнинг таснифи ва маркаланиши	235
7. 9. 4. Лак-бўёқ материалларнинг тавсифи ва ишлатилиши	237
7. 9. 5. Лак-бўёқ материалларни сақлаш ва ташиш шартлари	242

## IV Бўлим. САНОАТ ЭҚИЛГИСИ

Эқилги ишлаб чиқаришининг аҳамияти, ҳолати ва ривожланиши	244
Эқилгининг турлари ва таркиби. Ениш иссиқлиги.	245
Шартли ёқилги ва иссиқлик эквиваленти	247
8-боб. Қаттиқ ва газсимон ёқилги	249
8. 1. Қаттиқ ёқилги. Таснифланиши, асосий хоссалари	249
8. 2. Қазиб олинадиган кўмирлар	252
8. 3. Кокс. Ишлаб чиқариши асослари, турлари, хоссалари ва ишлатилиши	254
8. 4. Газсимон ёқилги. Турлари, хоссалари ва ишлатилиши	258
8. 5. Қаттиқ ва газсимон ёқилгини стказиб берниш, сақлаш ва ташиш шартлари	261
9-боб. Суюқ ёқилги ва сурков мой материаллар	264
9. 1. Нефть ва уни қайта ишлаш асослари	264
9. 2. Товар нефть маҳсулотларининг тасниф ва вазифалари	269
9. 3. Бензин. Асосий тавсифлари ва маркалари	271
9. 4. Дизель ёнилги	277
9. 5. Қорамой. Асосий хоссалари, маркалари ва ишлатили- ши	281
9. 6. Сурков мой материаллар	284
9. 6. 1. Сурков мой материалларининг таснифи ва асо- сий тавсифлари	284
9. 6. 2. Ишлаб чиқарилаётган сурков мой материаллар- нииг хиллари	288
9. 6. 3. Нефть маҳсулотларининг нобудгарчилитини ка- майтириш ва ишлатилган мойларни тиклаш йўллари	292
9. 7. Техник суюқликлар	294
9. 8. Нефть маҳсулотларини юбориш, сақлаш ва ташиш шартлари	296

## V Бўлим. БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ

Бинокорлик материалларини ишлаб чиқаришининг аҳамияти ва ривожланиши.	299
Бинокорлик материалларининг таснифи, уларининг асосий хос- салари ва аниқлаш услублари	300
10-боб. Бинокорлик материаллари ва минерал ҳом ашёдан ясалган буюмлар	306
10. 1. Минерал боғловчи (қовуштирувчи) материаллар	306
10. 1. 1. Ҳавода қовуштирувчи материаллар	306
10. 1. 2. Гидравлик қовуштирувчи материаллар	311
10. 1. 3. Боғловчи минерал материалларни стказиб бе- риш, ташиш ва сақлаш	324
10. 2. Бетон ва темир-бетон	326
10. 2. 1. Бетонларининг таснифи. Бетон компонентлари, бетон аралашмасининг хоссалари ва таркиби	326
10. 2. 2. Бетон асосий турларининг вазифаси ва хоссала- ри	330
10. 2. 3. Темир-бетон ва унинг хоссалари. Бетон ва те- мир-бетон ашёларининг номенклатураси	332

10. 2. 4. Бетон ва темир-бетон ашёларни ишлаб чиқариш асослари. Уларни юбориш, ташиш ва сақлаш . . . . .	338
<b>11 - б о б . Органик ҳом ашё негизидаги бинокорлик ма- териаллари ва ашёлари . . . . .</b>	<b>342</b>
11. 1. Органик боғловчи моддалар . . . . .	342
11. 2. Ёғоч бинокорлик материаллари ва ашёлари . . . . .	347
11. 2. 1. Ёғочнинг тузилиши, турлари ва хоссалари . . . . .	348
11. 2. 2. Имаратбоп ёғоч материалларнинг асосий турла- ри. Уларни сақлаш ва ташиш шартлари . . . . .	353
11. 3. Қурилиш материаллари сарфини камайтиришининг асосий йўналишлари . . . . .	358
<b>А д а б и ё т л а р . . . . .</b>	<b>362</b>

Акимов Искандер Усманович

ТОВАРОВЕДЕНИЕ  
ПРОМЫШЛЕННОГО СЫРЬЯ  
И МАТЕРИАЛОВ

На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистон"— 1993, 700129, Ташкент, Навои, 30

Таржимон Ш. Туробов  
Бадин мұҳаррір И. Кученкова  
Тех. мұҳаррір С. Собирова  
Мусаҳқиҳ М. Мажитхұжаева

Теришга берилди 08.06.92. Босишига рухсат этилди 26.02.93.  
Формати 84 x 108 1/32 Таймс гарнитурасы юқори босма усулида бо-  
силди. Шартлы бос. л. 19,32. Нашр. л. 20,84. Тиражи 5000.

Заказ № 62/479 Баҳоси шартнома асосида.

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30.  
Нашр. № 75-92.

Оригинал-макет масъулияти чекланған "Ношир" жамияти техникавий  
ва программавий воситалар базасида тайёрланиб,  
рангли босма фабрикада босилди.

700128, Тошкент, У. Юсупов күчаси, 86.